ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ
ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

821
Г-57

ГЛОБАЛЛАШУВ: БАДИИЙ ТАЛҚИН, ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

FAN
NASHRIYOTI
O'ZBEKISTON

821
Г-57

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ГЛОБАЛЛАШУВ: БАДИИЙ ТАЛҚИН, ЗАМОН ВА ҚАҲРАМОН

-1845-

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«ФАН» нашриёти
Тошкент – 2018

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

УЎК 821:005.44:801.73
КБК 83.3(5Ў)
Г 57

Таҳрир ҳайъати:
ф.ф.д., акад. Б. Назаров, ф.ф.д., проф. Н. Маҳмудов, ф.ф.д., акад. Т. Мирзаев, ф.ф.д., акад. Н. Каримов, ф.ф.д. Қ. Қаҳрамонов, ф.ф.н. Сувон Мели, ф.ф.н. Э. Очилов, ф.ф.н. Г. Сатторова, ф.ф.н. М. Қўчқорова, кич.и.х. М. Ҳакимов.

Маъсул муҳаррир:
ф.ф.д., академик Т. Мирзаев

Тақризчилар:
ф.ф.д. И. Ёқубов, ф.ф.н. С. Тўлаганова

Бадиий адабиёт инсоншунослик экан, ушбу ўзгараётган замонда инсон ўзини қандай тутмоқда, унинг бу ҳолати адабиётда қандай талқин қилинмоқда ҳамда глобаллашув илмий-бадиий талқинлар миқёси кенгайишига қандай таъсир кўрсатмоқда ва глобал талқинлар қандай бўлади, каби масалалар ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Китоб ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти «Адабий алоқалар ва адабиёт назарияси» бўлими томонидан амалга оширилаётган ОТ – Ф1-80 «Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи» номли фундаментал лойиҳа доирасида чоп этилмоқда.

Мазкур монография ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгаши қарорига (2018 йил 13 июнь 3-сон) асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-19-486-1

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси **«Фан»** нашриёти, 2018

КИРИШ

Ҳозирги дунёнинг ялпи ҳолат ва вазиятини бир сўз билан ифодалаш зарур бўлса, шу сўзни глобаллашув, деб аташ мумкин. Инсоният билиб-билмай, кўриб-кўрмай ушбу жараёнга тортилмоқда, унинг аччиқ ва ширин меваларини беихтиёр татиб кўрмоқда. Академик Б. Назаров ёзганидек, "Глобаллашув таъсирида замон ўзгармоқда, унинг билан бирга инсон ўзгармоқда"[1]. Бадиий адабиёт инсоншунослик экан, ушбу ўзгараётган замонда инсон ўзини қандай тутмоқда, унинг бу ҳолати адабиётда қандай талқин қилинмоқда ҳамда глобаллашув илмий-бадиий талқинлар миқёси кенгайишига қандай таъсир кўрсатмоқда ва глобал талқинлар қандай бўлади, каби масалалар ҳозирги истиқлол адабиётшунослиги учун долзарб деб ҳисоблаймиз.

Ижодий жамоамиз саъй-ҳаракати билан 2018 йил 9-10 август кунлари "Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи" мавзусида ташкил этилган Халқаро илмий конференцияда мазкур масалалар ҳар тарафлама муҳокама қилинди ва мавзу тадқиқида лойиҳа аъзоларига муайян тўхтамларга келиш имконини берди.

Шундай қилиб, лойиҳа иштирокчилари дастлабки тадқиқот натижаларини "Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон" номи остида нашр этишни лозим топди. Монография тўрт боб ва уларни ташкил этувчи бир неча фасллардан иборат бўлиб, ҳар бирида глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замодош образининг муайян қирралари ўзбек адабиёти намуналари таҳлили орқали очиб берилади. Асосий

[1] "Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2-китоб. Т.: Muharir, 2018. 6-б.

эътибор янги даврда яратилган адабий асарларга қаратилади.

Биринчи боб "Глобаллашув ва бадиий адабиёт" деб номланиб, унда ҳодиса моҳияти, унинг етакчи белгилари, бадиий адабиётда намоён бўлиш йўл ва усуллари, муайян асарлардаги замондош образининг белги хусусиятлари, ўзбек аёли қисматининг глобал тасвири каби масалалар қамраб олинади.

"Глобаллашув – ижтимоий-бадиий муаммо" деб аталган иккинчи боб глобаллашув муаммолари ўзбек адабиётида XX асрнинг 60-йиллариданоқ юз кўрсатгани Ғафур Ғуломнинг "Ҳасан Кайфий", П. Қодировнинг "Жон ширин", Ш. Холмирзаевнинг "Ўзбек характери", "Қадимда бўлган экан" ҳикояларида давр фожиасининг глобал муаммога айланиши мисолида таҳлиллар билан асосланади. Э. Воҳидовнинг кўпчиликка маълум бўлмаган "Икки тумор" трагикомедиясида инсоннинг фикрсизлик, илмий эксперимент воситасида қобилиятсиз одамдан раҳбар ясаш каби тоталитаризмга хос иллатлар киноявий кулгу йўли билан фош этилади. Э. Аъзамнинг "Танҳо қайиқ" драмасида Орол фожиаси глобал офат сифатида талқин этилгани урғуланади. Бобда шунингдек Ч. Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" ва "Қулаётган тоғлар" романларини илмий-бадиий таҳлил этиш орқали буюк адибнинг глобаллашув башоратчиси сифатидаги феномени ойдинлаштирилади.

Учинчи боб "Глобаллашув ва глобал илмий-бадиий талқинлар" фундаментал лойиҳа мавзуси учун бирмунча янги бўлиб, унда глобал илмий-бадиий талқин тушунчасининг моҳияти, белги-хусусиятлари, глобаллашув қиёсий типологик таҳлил учун кенг имкониятлар яратиши ҳамда бадиий адабиётни чуқур ва самовий ўлчамда ўрганиш, яъни адабиёт фалсафаси моҳиятан глобал талқин бўлиб, бадиий асарни илмий-бадиий жиҳатдан таҳлил қилишнинг самарали йўли экани тасдиқ ва тадқиқ этилади.

Маълумки, лойиҳа доирасида ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалардан бири "глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини асосида жанрлар ва бадиий асарлар поэтикасида

рўй бераётган янгиланиш жараёнларини аниқлаш"[2] тарзида белгиланган эди. Шунга мувофиқ тўртинчи боб "Глобаллашув ва адабий жанрлар поэтикаси" деб аталди ва у Ғарб ва ўзбек модерн ҳикоялари орасидаги ўхшаш ва ўзига хос жиҳатлар, яъни икки ҳодисанинг қиёсий таҳлиллари, янги давр ўзбек драматургиясида замондош образининг белгилари ҳамда глобаллашув даври ўзбек шеъриятида поэтик идрок миқёси ҳамда глобаллашув ва сатирик ифода каби илмий-масалаларни қамрайди.

Монография глобаллашув ҳақидаги яхлит илмий концепция асосида қурилган эса-да, унда ҳар бир иштирокчининг индивидуал нуқтаи назари ва услубини сақлашга ҳаракат қилинди. Бу махсус амалга оширилди, зеро, ягона ғоя доирасидаги фикрлар ранг-баранглиги китобнинг ўқишлилигини оширади, деб умид қиламиз.

Монография қуйидаги муаллифлар томонидан яратилди. Лойиҳа раҳбари: академик Бахтиёр Назаров (2-боб); лойиҳа иштирокчилари: филология фанлари доктори Қурдош Қаҳрамонов (1-боб), филология фанлари номзоди Сувон Мели (кириш, 3-боб, хулоса), филология фанлари номзоди Гулноз Сатторова (4-боб 1-2-фасл), кичик илмий ходим Мунисжон Ҳакимов (4-боб 3-4-фасл).

Илк бора амалга оширилаётган ушбу илмий тадқиқотда айрим камчиликлар бўлиши табиий. Билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни муаллифлар самимият билан қабул қилади.

[2] "Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2-китоб. Т.: Muharir, 2018. 13-б.

I БОБ
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ

Глобаллашув тушунчаси ва унинг етакчи белгилари

Кейинги чорак асрдан бери оммавий ахборот воситаларида, барча соҳага оид илмий-назарий тадқиқотлар-у, чоп этилаётган тўплам ва қўлланмаларда "глобал", "глобаллашув", "глобал хафсизлик", "глобал муаммолар" каби асосини глобал тушунчаси ташкил этувчи масала энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Илм-фаннинг қайси бир йўналишига қараманг, у аниқ фанларми ёки табиий, ижтимоий-гуманитар соҳалар бўладими, ундан қатъий назар барчасида глобаллашувга оид муаммолар хусусидаги у ёки бу тарзида кузатишларга дуч келамиз. Шу ўринда қонуний саволнинг туғилиши табиийдир: хўш, асосини "глобал" сўзи ташкил этувчи муаммо нима ўзи? Нега бу ҳодиса сўнгги пайтларда бутун дунё бўйлаб олам ва одамга алоқадор барча масалалар муҳокамасида етакчи ўринга кўтарилмоқда?

Маълумки, "глобал" термини французча "умумий", лотинча "глобус – шар" маъносида келиб, ер юзига оид, бутун ер шарини қамраб олувчи, деган мазмунни ифодалайди. Кўчма маънода эса умумбашарий, кенг миқёсдаги, жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик маъноларида келади.[3]

Шунга кўра глобаллашув халқларнинг жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши мумкин бўлган муаммолар мажмуи сифатида талқин этилади. (Ўша манба, 507 бет.)

Глобаллашув жараёни инсоният тарихининг барча даврларида ҳам у ёки бу тарзда намоён бўлиб туриши қонуният эканини таъкидлаган ҳолда, сўнгги ярим асрлик кечмиши давомида

[3] Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б.507.

бутун жаҳоний кўлами билан юқори босқичга кўтарилганини таъкидлаш жоиз. Олимларнинг таъкидлашича, XX аср бошларида бўлиб ўтган биринчи жаҳон урушидан то бугунги кунгача инсоният тарихи учта катта эврилиш босқичини бошдан кечирди. Дастлабки босқич модернизм даври ҳисобланиб, биринчи жаҳон урушидан кейин кейинги ижтимоий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар туфайли вужудга келган ва асосан Ғарбда бўй кўрсатган кенг миқиёсли инқироздир. Иккинчи босқич эса фашизмга қарши кечган жаҳон урушидан кейин, олтмишинчи йилларда бўй кўрсата бошлаган ва постмодерн деб аталган йўналиш бўлиб, мазмунан модерндан кейинги ҳолат, ўзига хос жараён, деган маънони ифодалайди. Постмодерн даврда мазкур кўламнинг кенгайиб бориши ва умумбашарий моҳият касб этиши кўзга ташланади. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларига келиб дастлабки ҳар иккита тушунчанинг инкор этила бошлаши ва глобаллашув ғоясининг оммалашиш даври бошланди. "Америкалик сиёсатшунос М.Уотерс айтганидек, "80-йилларнинг асосий тушунчаси постмодернизм эди, 90-йилларнинг асосий ғояси эса глобализм бўлди".[4]

Глобаллашув ўз мазмун-моҳиятига кўра бутун ер курраси-даги инсоният қисматига дахл қилувчи кенг қамровли муаммоларни ўзида мужассамлаштирган ҳодиса сифатида қарор топа бошлади. Таъкидлаш жоизки, ушбу жараённинг бутун олам ва одам қисматига бирдек дахлдор муаммога айланишида кейинги ярим аср давомида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий эврилишлар билан бир қаторда илм-фандаги беқиёс ривож, техника ва технология ҳамда ахборот коммуникатив тармоқларнинг тезкор тараққий этиши, айниқса, компьютернинг кашф этилиши, интернет орқали жаҳоннинг турли минтақалар рўй бераётган воқеа-ҳодисаларининг яшин тезлигида бутун ер юзига тарқалиши кабилар глобал муаммоларнинг асосини ташкил этмоқда.

Юқорида тилга олинган масалалар ҳақида кузатишлар олиб

[4] Қобилов Ш. Глобаллашув ва хавфсизлик. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияти, 2006. –Б.25

борган Шаҳноза Қаххорова глоболлашув муаммолари билан шуғулланаётган ғарб олимларининг фикрларига таяниб ёзишича, табора жадал ривожланаётган технологияларнинг қулига айланиб қолаётган одамзод антропологик инқирозни бошидан кечирмоқда. Натижада у инсоният жамиятидан "пост-инсоният" жамиятига ўтиш хавфи билан юзма-юз турибди.[5]

Дарҳақиқат, сўнгги қарийиб чорак асрдан зиёдроқ вақтда бутун ер юзида рўй бераётган сиёсий-иқтисодий инқирозлар, айрим минтақалардаги қонли мажора, терроризм ва диний экстримизмнинг авж олиши, экологик инқироз, ирқчилик, майда миллатларга нисбатан геноцид ёндашувлар, миграция ва одам савдоси ҳамда маънавий инқирознинг яққол намунаси сифатида бўй кўрсатаётган биологик кризислар - бир жинсли никоҳ, ўз табиий жинсини ўзгартиришдек иллатларнинг авж олиши, булар барчаси бутун ер юзига тарқалаётган ва қайтмас фожиага айланиб бораётган глобал муаммоларидир.

Ш.Қаххорова юқоридаги тилга олинган муаммоларнинг талқинидан келиб чиқиб, бугунги кунда бутун инсониятга хавф солаётган маънавий инқирозга асос яратаётган хатарларни қўйидагича белгилайди:

1) Иқтисодий хатар (2008 йилда рўй берган жаҳон миқёсидаги иқтисодий инқироз) ;

2) Ижтимоий хатар;

3) Информация (ахборот) хатари;

4) Мафкуравий хатар. Бу хатар ахборот хатари билан узвий алоқада намоён бўлади.;

5) Фан ва техника тараққиёти билан боғлиқ хатар;

6) Миллийликка таҳдид[6].

Ш. Қаххорова ўз тадқиқотида мазкур хатарларнинг шарҳи ва етакчи хусусиятларини Ник Бостром, В.Степин, А.Субботун, В.Порус, У.Саидов, О.Отамирзаев каби соҳа олимларнинг глобаллашув муаммоларига оид қарашлари билан асослайди.

[5] Қаххорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – Б. 14. ("пост-инсоният" - "кейинги инсоният, анти инсоният, техниканинг қулига айланган, ихтиёрини техника ривожига бериб қўйган, деган маънода қўлланган)

[6] Ўша манба, 38 бет.

Бинобарин, глобаллашув ўз табиатига кўра одамзод қисматига дахлдор бўлган сиёсий, ижтимоий, маънавий-маърифий масалаларнинг беқиёс даражада умумлашма моҳият касб этиши, ҳар қандай худудий чегара ва тўсиқларни назар писанд қилмай бутун инсониятга даҳлдор муаммога айланишига, бир сўз билан айтганда, интеграциялашувига асос яратувчи воқелик сифатида намоён бўлмоқда.

"Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин француз тадқиқотчиси Б.Бандининг мазкур жараённинг хусусиятларини нисбатан тўла қамраб олган таърифини келтириш ўринлидир:

а) глобаллашув – муттасил давом этадиган тарихий жараён;

б) глобаллашув – жаҳоннинг гомогенлашуви (юн. Хонкоденс таркиби, келиб чиқиш жиҳатдан бир хиллик, бир жинслик) ва универсаллашуви жараёни;

в)глобаллашув – миллий чегараларнинг "ювилиб кетиш" жараёни."[7]

Бинобарин, глобаллашув, энг аввало, инсонни унинг билими, дунёқараши, онги ва маънавиятига дахлдор бўлган барча жиҳатларини интеграциялаши билан ажралиб туради. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон билимининг назарий босқич(ментал)дан юксак даражадаги интеллектуаллик ва эстетик интуиция босқичига ўтиши (суперменталлик) унинг моҳиятини тубдан янгиланишига олиб келади.[8] Бундай жараён ўз навбатида илмий муаммолар билан бир қаторда маънавий эврилишларга эътиборнинг кучайишига, миллатларнинг ўзлигини намоён қилувчи миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва юксалтиришга олиб келмоқда. "Инсоният тарихида, хусусан, глобаллашиб бораётган бугунги дунёда содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатар эканмиз, жаҳондаги барча

[7] Умаров Б, Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т. "Akademiya", 2011. – Б.23

[8] Қаххорова Ш. Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – Б.19

воқеликни яратувчиси сифатида маънавият ва ахлоқнинг бирламчи омил эканлигини ҳис қилиш қийин эмас".[9]

Дарҳақиқат, маънавий-ахлоқий муаммолар ҳар доим ҳам даврнинг энг глобал муаммоларидан бири бўлиб, бутун инсониятга дахлдор масалалардан ҳисобланади. Биргина Ер куррасининг турли соҳаларида рўй бераётган қирғин-борот урушларни ёки террористик ва экстримистик кучлар томонидан амалга оширилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида содир бўлаётган қонхўрликлар ҳақида яшин тезлигида тарқаётган хабарларнинг инсон психикаси ва дунёқарашига кўрсатаётган салбий таъсирини ёдга олиш кифоя. Бу ҳунрезликлар тафсилотларини интернет тармоқлари орқали кўрган ёки хабардор бўлган ҳар бир одамда нохуш асорат пайдо бўлади, айниқса, ёшларнинг руҳиятида тузалмас кайфият, стресс ҳолатларини келтириб чиқаради. Бу ҳол улар табиатида тажавузкорлик иллатларининг шаклланишида асосий омил бўлмоқда. Шунингдек, бу типдаги вахшийлик ва хунрезликларни оммавий равишда тарғиб қилаётган кинофильм ва "оммавий маданият" намуналари ҳам одамларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини заҳарлашга замин яратмоқда. Шу боис ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш қийинчиликлари даврида ўтган асрда айрим тараққий топган давлатларда қарор топган ва бир ҳовуч экстримистик кучлар томонидан кенг тарғиб қилинаётган ёки сингдирилаётган "оммавий маданият" ғояларининг ёшлар онгига кўрсатаётган зарарли таъсири, оқибатларидан асраб-авайлаш глобал масалалардан биридир.

Н. Қосимов, Ш. Жумаев, Т. Тоғайқуловлар қаламига мансуб "Глобаллашув: оила ва фарзанд тарбияси" (Тошкент, 2016) номли ота-оналар учун чиқарилган қўлланмада "оммавий маданият"нинг "ахлоқсизлик, зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентризм ғояларини" тарғиб қилувчи кўринишлари бир неча бўлимларга бўлиб кўрсатилади. Жумладан, ахлоқсизлик кўринишлари ўн саккиз пунктдан иборат, зўравонлик олти пунктда, индивидуализм олти пунктда ва эгоцентризм кўринишлари уч пунктда ёритилади. Муаллифлар ҳар бир бўлимдаги пунктларни шарҳлар экан, уларнинг ёшларимиз маънавиятини зарарлашдаги хусусиятларини қўйидагича кўрсатишади:

"Шундай қилиб, "оммавий маданият" ҳодисаси асосида бир неча ноинсоний қусурларнинг чатишуви ётади. Улардан биринчиси – иймонсизлик, ўз инсоний бурчи ва масъулиятини тан олишни истамаслик, бефарқлик ва лоқайидлик. Иккинчиси – санаб ўтилган қусурларни оқлашга хизмат қилувчи: "дунёни манфаат бошқаради, демак, бу дунёда ҳар ким ўз фойдаси учун қўлидан келган ҳаракатини қилса, бўлаверади", - деган худбинона қоида асосида яшаш. Учинчисига: "Дунёда азалий ва абадий қатъий ахлоқий меъёрлар мавжуд эмас, кўпчилик ўзини қандай тутаётган бўлса, биз ҳам шунга қараб кетаверамиз ", -деган ўйсизлик, фикрий дангасалик тамойили киради. Ниҳоят, тўртинчиси – бугунги ахборот воситаларининг чексиз имкониятлари шароитида бефарқлик ва лоқайдлик ботқоғига ботган кимсаларнинг дунёни бошқаришга интилаётган гуруҳ қўлида қўғирчоққа айланиб, ўзларининг энг тубан ҳайвоний хоҳиш ва истакларини очиқдан-очиқ намоён қилишни "умуминсоний ахлоқий меъёрлар" даражасига кўтаришга уринишлар".[10]

Шунингдек, қўлланмада гиёҳвандлик, диний экстримизм, фоҳишалик ва бир жинсли никоҳлар, қўпхотинлик ва кўп эрликка фатво бериб, бутун ер юзига намойиш этилаётган минтақаларнинг чиркин қиёфаси ҳам бугунги маънавий инқирозга етакловчи глобал муаммо сифатида очиб берилган. Энг муҳими мана шундай фожиали ҳақиқатларнинг интеграциялашув оқибатида бутун инсониятга дахлдор ҳодисага айланаётгани, инқирозли маънавий бузуқликлар ўзининг миллий менталите-

[9] Умаров Б, Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т. Akademiya, 2011. – Б.21.

[10] Қосимов Н, Жумаев Ш, Тоғайқулов Т. Глобаллашув: оила ва фарзанд тарбияси.(Ота-оналар учун илмий-амалий қўлланма) –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2016. – Б. 31.

тини сақлаб келаётган миллатларга ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлигидан огоҳ этади. Дарҳақиқат, бу масалалар инсонларни ўзининг ўзлигидан чекиниб, умумглобал жараёнга қўшилишига олиб келмоқда. Бунинг яққол исботи сифатида яқинда интернет тармоқларида берилган бир хабарни мисол келтириш мумкин. Унда хоразмлик бир хонанданинг дубайлик қора танли йигитга турмушга чиққани ёзилган бўлиб, уларга бахт тиланган. Бу хабарга глобал ҳодиса сифатида икки хил баҳо бериш мумкин: биринчидан, оила қуришга мутлақо шахсий, кўнгил иши сифатида ёндашиб, урф бўлган "Севги ёш ёки миллат танламайди", деган ақидага биноан уларга бахт тилаб дуо қилиш, иккинчидан эса, яқин-яқингача ўзбек қизларининг бошқа миллат кишисига турмушга чиқиши ҳатто тасаввурга ҳам сиғмайдиган ҳодиса саналиб келиши-ю, бугунги кунда ҳатто дини бошқа бўлган давлат фуқароларига ҳам эрга тегиб кетаётган хотин-қизларимизнинг хатти-ҳаракатларини одатдаги ҳол сифатида бепарво қабул қилишнинг мумкин бўлиб қолганлигидир. Бундай воқеалар ҳам аслида ОАВ ва бошқа воситалар орқали сездирмай узлуксиз равишда олиб борилаётган "ахлоқий тарбия"нинг натижаси эмасмикин? Ҳар ҳолда булар кишини хушёрликка чорлаши, халқимизни миллатсизликнинг ўзанига тушиб қолишдан асраб авайлаш лозимлигини кўрсатади.

Айни пайтда глобаллашув инсониятни бутун борлиққа даҳлдор бўлган глобал муаммоларни биргаликда бартараф этишга ундаши, умуминсоният учун мавжуд бўлган глобал хавфлардан огоҳликка чақириши, адабиёт ва санъатдаги умумбашарий қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан муҳим ижобий аҳамиятга ҳам эгадир. Шу нуқтаи назардан умумбашарий глобал юксалиш ва инқироз нуқталарини билиш, уларни яратилаётган бадиий асарлар моҳиятига сингдириш, умумбашарий ва миллий қадриятларни бир бутун ҳодисага айлантириш бугунги адабиёт олдидаги долзарб масалалардан биридир.

Мана шундай ҳаётий сабоқлар маънавиятнинг асоси бўлган адабиёт ва санъат олдига жуда катта тарбиявий вазифалар

қўйилиши лозимлигини кўрсатмоқда. Шу боис глобаллашув муаммолари ва адабиёт ўртасидаги муносабатлар масаласини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётда глобаллашув ҳодисасининг намоён бўлиши

Сўнгги пайтларда глобаллашув муаммолари ва унинг тараққиёт тамойилларига таъсири масаласи илм-фаннинг кўпгина соҳаларида ёритила бошлади. Жумладан, иқтисодиёт, сиёсат, фалсафа ва социологияга оид тадқиқотларда бу масала у ёки бу жиҳатдан ўрганила бошлади. Бундан ташқари ижтимоий-сиёсий ҳаётда кечаётган жараёнлар, айниқса, "оммавий маданият" билан боғлиқ баҳс-мунозараларда ҳам глобаллашув муаммоларига у ёки бу тарзда муносабат билдирилмоқда. Бироқ, глобаллашув жараёнининг бадиий асарларда намоён бўлиш усуллари деярли ўрганилмаган соҳалардан бири бўлиб турибди. Фақат ўзбек адабиётшунослигида эмас, балки жаҳон ва рус адабиётшунослигида ҳам бу муаммога бағишланган мақолалар жуда кам. Борлари ҳам кўпроқ маданий-маърифий, илм-фан ва технологиялар тараққиёти оқибатида бўй кўрсатаётган глобал муаммолар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Сўнгги пайтлардагина адабиётшуносликда ҳам бу масаланинг у ёки бу жиҳатларига эътибор қаратила бошлади. Хусусан, 2018 йил август ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан ташкил этилган халқаро конференциядагина бу масаланинг у ёки бу томони қамраб олинди, холос.

Жумладан, конференция материаллари асосида чоп этилган "Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи" (Тошкент, 2018) номли тўпламдаги айрим мақолаларда бевосита глобаллашув муаммоларининг бадиий адабиётдаги талқинлари масалаларига эътибор қаратилади.[11]

[11] Бу ҳақда қаранг: Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи. –Тошкент: Муҳаррир, 2018. –Б. 400.

Хўш, бу масала ўзбек адабиётида қандай намоён бўлаяпти? Яратилаётган бадиий асарларда глобаллашув муаммолари қайси қирралари билан акс этмоқда? Бундай саволлар жавобини сўнгги даврда яратилган насрий асарларни кузатиш асносида топиш мумкин: уларда, энг аввало, миллий-маънавий қадриятларимиз билан боғлиқ муаммолар, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган урф-одатлари ва тарихий кечмиши тасвири акс этишига эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Зеро, адабиёт шундай санъат ҳодисасики, у бир томондан, жамиятнинг одамзотга тааллуқли бўлган барча қирраларини бирдай қамраб олиши, ҳаётнинг буткул кўз илғамас жиҳатларигача акс эттириши, талқин қилиши билан характерланса, иккинчи томондан инсоннинг маънавий-руҳий оламини ва, ҳатто ақл-тафаккур даҳл қилолмайдиган онг ости қатламларигача бўлган жараёнларни идрок этиши, тасвирлаши билан ажралиб туради. Шу жиҳати билан адабиёт ижтимоий-маънавий муаммоларнинг барчасига бирдек дахлдор ҳодисадир. Сўнгги даврларда яратилган асарларда айни масалалар у ёки бу тарзда ўз аксини топаётганлигини янгиланиш ҳодисаси сифатида баҳолаш лозим. Чунончи, жаҳон миқёсида кечаётган ижтимоий-иқсодий ва маънавий эврилишлар, экологик муаммолар, қирғинбарот уруш ва қон тўкишлар – булар барчаси инсон деган тушунча билан, унинг маънавий қиёфаси билан бир бутунликда тасвирлана бошлади. Жамият ва табиатга дахлдор бўлган ҳодисалар инсонга алоқадор, унинг фаолиятига боғлиқ бўлган муаммо сифатида акс эта эттирила бошлади. Зеро, инқирознинг аввали инсонда, унинг дунёқараши ва маънавиятидаги эврилишлар билан боғлиқ масаладир. Сўнгги даврларга келиб одамзот табиатида, дунёқараши ва руҳиятида рўй бера бошлаган "истеъмолчилик" психологияси барча соҳаларга бирдек дахл қиладиган ҳодисага айланиб бормоқда. Бугунги кунда одамзоднинг ташқи муҳитга алоқадор ҳолда кечаётган истеъмолчилиги ҳаддан зиёд ортиб, табиатнинг ер ости ва устки бойликларини зўр бериб тасарруф қила бошлаши жамият ва табиатда катта инқирозларга йўл очиб, ҳам ижтимоий,

ҳам экологик кризисларни вужудга келтирмоқда.

Ундан ҳам даҳшатлиси, маънавий истеъмолчиликда кўзга ташланмоқда. Инсон табиат қонунларини назар-писанд қилмай, қирғинбарот урушлар уюштириб, одамзотнинг маҳкумлигига сабаб бўлмоқда; шунингдек, оила, деб аталмиш муқаддас кўрғонга ҳам дахл қилиб, Оллоҳ яратган жинсидан воз кечиб, бошқа жинсга айланишни, ўз жинсдоши билан қовушишдек ғайришуурий амалларга ружу қўйишига интилиб яшаши глобал муаммо сифатида кун тартибига чиқишига асос яратмоқда. Афсуски, бундай айрим минтақаларнинг чиркин ҳаётига хос бўлган иллатлар сўнгги даврда миллатдошларимиз тарбиясига ҳам салбий таъсир қилиши, маънавий инқироз сари етаклаши мумкин. Бир вақтлар адабиётда вафо ва садоқат тимсоли сифатида тасвирланган аёлнинг сўнгги пайтларда ўз номига номутаносиб тарзда фоҳишабозлик, фирибгарлик, одам савдоси, гиёҳвандлик ва бошқа маънавий таназзулга олиб келувчи иллатларга алоқадор кимса сифатида намоён бўлиши афсусланарли ҳолдир. Бундай ҳодисаларнинг бадиий асарларда глобал муаммо сифатида акс этиши, унинг руҳий-психологик жиҳатларининг очиб берилиши, энг муҳими, ижодкорнинг бу борадаги қатъий позицияси, фаол муносабати китобсевар ёшларимиз тарбиясидаги муҳим бўғинлардан биридир. Афсуски, бу ҳол адабиётда ҳали ўзининг бутун кўлами билан бадиий ифодасини топганича йўқ. Ташқаридан кириб келаётган ва қадриятларимизга дахл қила бошлаган "оммавий маданият"га қарши гоявий-эстетик иммунитетни шакллантириш ижодкорлар зиммасидаги ўта долзарб масала бўлиб турибди. Аксинча, баъзи бир адибларимиз асарларида тасвирланаётган аёллар образи кўпроқ яланғоч тасвирлари, беҳаё қилиқлари ва маънавий чиркин хатти-ҳаракатлари билан китобхонларимизга, катта ҳаёт бўсағасига энди қадам ташлаётган ўсмирлар психологиясига бузғунчи таъсир кўрсатмоқда. Бундай асарларнинг салбий таъсири, бошқа соҳаларга нисбатан тез сингиши, ёшларимизни маънавий қашшоқликка етаклаши мум-

кинлигини унутмаслик даркор. Шу боис бу типдаги асарларга қарши курашиш ҳам адабиётшунослик олдидаги ўта долзарб муаммолардан бирига айланмоқда.

80-йилларнинг охири 90-йиллар адабий жараёнига назар ташласак, глобал муаммо сифатида бадиий концепцияни янгилаш зарурлиги ҳақида кўплаб мулоҳаза ва таклифлар, фикрлар, кузатишу мушоҳадалар баён этилганини кўрамиз. Бу мушоҳадаю мулоҳазалар ғоят ранг-баранг бўлиб, баъзан бир-бирини тўлдирса, баъзан инкор этади. Шунга қарамай, уларни ўзаро боғлаб турадиган бир муштарак хусусият бор эди. У ҳам бўлса, давр учун ниҳоятда характерли бўлган адабиётда тоталитар тузум зўравонлиги асосига қурилган сохта тамойиллардан қутилиш, уларнинг ўрнига ижод қонуниятларини ўзида мужассамлаштирган, цензурадан холи бадиий юксак намуналарни, эстетик олам яратадиган принципларни тадбиқ этиш истагидир.

Адабиёт концепциясини янгилаш глобал масала бўлиб, кўплаб муҳим масалаларни ҳал этиш билан юзага чиқадиган жараён эди. Жумладан, шўро даврида адабиёт оламида ҳукм сурган концепциянинг асл моҳиятини англаб олиш, унинг асосий жиҳатларини тўғри тафтиш қилиш, қолаверса, адабиётнинг, бадиий асар концепциясининг янгиланиши, янгича бадиий тафаккурни қарор топтириш зарурлигини асослаш каби муаммолар ташкил этар эди. Бу муаммолар 80-90-йиллардаёқ адабиётдаги бош масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқди.

Зеро, етмиш йилдан зиёдроқ вақт мобойнида адабиётда ҳукмронлик қилган марксча-ленинча мафкура ва унинг ижодий принциплари ҳам илмий, ҳам бадиий ижоднинг ягона, бирдан-бир тўғри йўли эмаслиги барчага кундай равшан бўлиб қолди. Шу боис, мустақиллик арафаларида бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда янгича эстетик тамойиллар хусусида фикр юритилди. Бу изланишлар адабий муаммоларини Шарқ ва Ғарб фалсафаси ҳамда эстетикасидаги етакчи методологик

тамойиллар билан изчил боғлаб талқину таҳлил қилиш бирдан бир тўғри йўл эканлигидан далолат бермоқда.

Шу жиҳатдан академик Б. Назаровнинг истиқлолдан бир йил олдин «Ўқитувчилар газетаси»да (ҳозирги «Маърифат») чоп этилган «Замон ва адабиёт»[12] сарлавҳали мақоласида илгари сурган қарашлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Муаллиф адабиётшунослиқда долзарб бўлиб турган учта муҳим масалага диққатни жалб қилади. Шулардан биринчиси, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар асосида адабий жараён ва конкрет асарларга янгича илмий-назарий ва методологик ёндашувлардан ташқари, уларни саралаш ва қайта баҳолаш, янгича муносабат масаласи. Иккинчиси, шу пайтгача мавжуд бўлган илмий-назарий қарашларни ёки ижодкорларимиз яратган бадиий мукаммал асарларни саралаб, ибратли жиҳатларини тарихийлик мезонлари асосида қайта баҳолаш масаласидир. Олим фикрича, машҳур шоир, ёзувчиларимизнинг адабиётимизда катта рол ўйнаган, бироқ давр тақазоси туфайли камчиликлардан холи бўлмаган асарларини баҳолашда батамом инкор этувчи принциплар тўғри мезон бўлолмайди. Бундай асарларнинг камчилиги ҳам, фазилати ҳам тарихан тўғри баҳоланиши, сабаблари очиқ-ойдин кўрсатилиши зарур. Учинчидан эса, «эскирган материаллардан, қарашлардан, нуқтаи назарлардан воз кечиш, уларни шунчаки сўзсиз итқитиб ташлаш; бўлажак янги дарсликларга уларни шунчаки киритмай қўя қолиш; инкор этиладиган қарашларни бошдан-оёқ қоралаш, чаплаш асносида эмас, балки улар нега эскирганини, нега дарсликдан чиқариб ташланиши ва нима сабабдан улар танқид қилинаётганини, янгича қарашлар нима асосларга кўра илгари сурилаётганлигини чуқур ва етарлича тушунтириш эвазига олиб борилиши лозим». (Ўша манба, 22 сентябрь)

Олим ана шу учта принципиал масаладан келиб чиқиб,

[12] Назаров Б. Замон ва адабиёт // Ўқитувчилар газетаси. 1990. 22, 26, 29 сентябрь, 3, 6, октябрь сонлари.

-1845-

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

шўро таълимотининг етакчи илмий-назарий асослари ва тамойиллари, уларнинг адабиёт ривожига етказган зарари моҳиятини таҳлил қилар экан, янгича ёндашув ва мезонлар қандай бўлиши керак, деган масалага ўз муносабатини билдиради.

Мана шундай муаммолардан биттаси адабиётнинг синфийлиги ва партиявийлиги ҳақидаги таълимотдир. Олим шўро даврида адабиётнинг синфийлиги ва партиявийлиги қонуният даражасига кўтарилгани ва ҳар бир яратилган асардан шулар талаб этилганини жиддий хато сифатида таъкидлайди. Мунаққид фикрича, «Энди партиявийлик ва синфийлик эмас, балки, энг аввало, умуминсоний қадриятлар, умуминсоний мезонлар бадиий асар олдига қўйилувчи асосий талаблар деб ҳисобланмоқда». (Ўша манба, 22 сентябрь)

Мақолада эътибор қаратилган яна бир масала бадиий асарни сўз санъати сифатида ҳис қилиш ва баҳо бериш тамойилидир. Мунаққид фикрича, адабиётда сиёсатнинг ҳам, мафкуранинг ҳам муайян маънода ўрни бор. Шу билан бирга, мунаққид таъкидлаганидек, «адабиёт дегани бу аслида сўз санъатидир, сеҳр санъатидир. Биз «Ўтган кунлар»дан партиявийликни қанчалик талаб қилмайлик, унда синфий кураш озлиги, саёзлиги учун асарни қанчалик танқид қилмайлик, ўқувчиларимиз ойдин кечаларда мижжа қоқмай романни ўқийверадилар, Отабек ва Кумуш ҳиссиётларининг ҳаяжонида тунни тонгга улайверадилар, бу бахтсиз муҳаббат тимсолида муҳаббатда бахтли бўлмоқ йўлларини излайверадилар». Олим шу мезон билан шўро даврида Э. Воҳидовнинг «Ўзбегим», А.Ориповнинг «Ўзбекистон» шеърлари ҳам Ватанга муҳаббат, душманга нафрат, социализмни улуғлаш, капитализмни қоралаш руҳида тарбиялайди, деб баҳолаб келинганини айтар экан, энди бадиий адабиётга баҳо берганда сўзнинг сеҳрини, гўзаллигини, бадиий асар қатига яширинган жозибасини ҳис қилиш, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий бадиий кашфиётни излаш зарурлигини таъкидлайди.

Мунаққид фикрича, адабиётдаги муаммолардан яна бири адабий мутелик, қарамликдан қутулиш, фикрий эркинлик ма-

саласидир. Узоқ йиллар адабиётшунослик ва танқидчиликдагина эмас, ҳатто адабиёт дарсликларида ҳам фикрий қарамлик, мутелик ҳукмронлик қилди. Бу қарамлик, мутелик, олим фикрича, кўпроқ халқлар дўстлиги, ҳамжиҳатлик, биродарлик ва бошқа умуминсоний тушунчалар билан пардаланиб келинди. Аслида эса, барча бадиий, илмий-эстетик изланишлар ҳоким мафкура ғояларига бўйсиндирилди.

Мунаққид XX аср ўзбек адабиёти ҳақидаги дарслик ўзбек ижодкорлари Қодирий ёки Ҳамза билан эмас, балки, М. Горькийнинг монографик портрети билан очилганига эътиборни тортиб, бунинг сабабини изоҳлаб беради. Дарҳақиқат, шўро даврида ўзбек адабиёти кўп миллатли совет адабиётининг бир қисми ва бу адабиётнинг асосчиси М. Горький саналарди. Бундан ташқари, у ўзбек ёзувчиларининг ҳам устози ҳисобланарди. Шу боис, ўзбек адабиётига оид дарсликнинг М. Горький ҳаёти ва ижоди билан очилиши табиий, деб тушунтиришарди. Б. Назаровнинг таъкидлашича, «Бундай тушунтиришлар қанчалик асосли, мантиққа яқин бўлиб кўринмасин, барибир, истаймизми-истамаймизми, у катта маънодаги мутелашувга иштиёқ, деб аталмиш сиёсий лаганбардорликнинг адабиётдаги, илмдаги, педагогика соҳасидаги кўриниши бўлиб келган эди. Чунки бирдан-бир тўғри гап шуки, қанчалик ўраб-чирмаб исботламайлик, М.Горький буюк рус ёзувчисидир».

Мақолада илгари сурилган яна бир глобал масала шўро даври адабиётига, унда яратилган ҳар бир асарга тарихан тўғри баҳо бериш масаласидир. Мунаққид фикрича, «узоқ йиллар давомида шўро даври адабиётига бир ёқлама шаблонлар асосида ёндашиб келдик. Масалан, «Ўтган кунлар» романидаги Юсуфбек ҳожи ва Отабек тимсолида ўзбек халқининг феодализмга қарши норозилиги чуқур акс эттирилмаган, улар ўз синфий, туб манфаатларидан ташқарига чиқа олмаган, шу боис ҳам ёзувчи дунёқараши чекланган деган баҳоларни бериб келдик». Шу боис, бугунги қайта баҳолаш жараёнида бир хатодан қутилиб, иккинчига йўл қўймаслик керак. Ўз вақтида

классик ҳисобланган асарларга ҳам умуминсоний қадриятлар мезони билан ёндашиш лозим. Уйғуннинг «Назир отанинг ғазаби», «Бригадир Карим», Ҳ. Олимжоннинг «Бахтлар водийси», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» каби шеърларига баҳо берганда ҳам шу мезонларни асос қилиб олиш зарур. Масалан, Уйғуннинг юқоридаги шеърларини шунчаки, тилга олмаслик билан иш битмайди. Аксинча, тарихийлик принципларидан келиб чиқиб, бу типдаги ғоялар акс этишининг объектив сабабларини ҳам чуқур таҳлиллар билан асослаб, кўрсатиб бериш зарур.

Мақолада, айни пайтда, жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, кескин танқидий фикр ва инкорлар айтилаётган социалистик реализм методи ҳақида ҳам характерли қарашлар ўртага ташланади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, социалистик реализм ҳақидаги қарашлар 90-йиллар танқидчилигида жиддий мунозарага айланган ва унда кўплаб олимлар иштирок этган эди. А. Отабой ва У. Норматов мунозаралари билан бошланиб, қарийб бир йил давом этган баҳс мазкур метод ҳақидаги танқид тафаккурининг янгиланишига катта таъсир ўтказганини таъкидлаш зарур. Айни чоғда социалистик реализм методини инкор қилиш, қоралаш ўз-ўзидан мазкур метод ҳукмронлиги даврида яратилган кўплаб бадиий адабиёт намуналарининг тақдирини ҳам хавотир остига олади, айтайлик, унинг гўзал намунаси деб баҳолаб келинган «Қутлуғ қон» типидаги асарларга муносабатда қандай ёндашувлар зарур, деган ғоят муҳим масалани кун тартибига чиқарди. Ўша пайтда социалистик реализмнинг «ўлмас намуналари» борлигини исботлашга ҳаракат қилиб ёзилган мақолалар ҳам кўплаб чоп этилаётган эди. Мана шундай мураккаб вазиятда социалистик реализм методининг узоқ йиллар давомида адабиётимизга кўрсатган мислсиз зарари ҳақидаги ҳақиқатни айтиш баробарида, ҳар қандай тазйиқ ва чекловларига қарамасдан, ўша даврда бадиий мукаммал асарлар ҳам яратилганлигини асослаш, умуман, мазкур метод ҳақидаги тўғри методологик ёндашувга зарурат бор эди.

Мунаққид фикрича, социалистик реализмдан воз кечиш, унинг принциплари зўрма-зўракиликка асосланганини фош қилиш каби ҳаракатлар яхши, албатта, лекин бу масаланинг ниҳоятда нозик бир томони ҳам бор. Модомики, бадиий асар талқинида социалистик реализм принципининг ўрнига умуминсоний қадриятлар мезони асос қилиб олинар экан, шу методда яратилган, деб қаралаётган асарларга муносабатни белгилаш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Зотан, умуминсоний мезонлар ва бадиийлик тамойиллари шўро даврида яратилган ва социалистик реализм намунаси деб эътироф этилган кўплаб асарларга, жумладан, «Навоий», «Мирзо Улуғбек» каби асарларга ҳам ёки бу методдан ташқарида деб ҳисобланган Қодирий, Чўлпон асарларига баҳо берганда ҳам бирдек назарда тутилмоғи керак, деб ҳисоблайди мақола муаллифи. «Демак, социалистик реализм методи дейилганда, унинг мажбурийликдан ташқари бўлган принциплари қатламида умуминсоний мезонларга асос бўлган фазилатлар ҳам мавжуд эканини унутмаслик керак бўлади».

Юқоридаги кузатишлардан аён бўлаётирки, мунаққид илгари сураётган қарашлар даврнинг глобал муаммолари бўлиб, адабиёт илмида юзага кела бошлаган янгича концепция ва тамойилларнинг етакчи кўринишларидир.

Х. Дўстмуҳаммад «Концепцияни янгилаш учун...»[13] номли мақоласида бу ишни аввало «...ҳаётни бадиий идрок этиш борасидаги шаклланган қадриятларимизни очиқ-ойдин тафтиш қилишдан, ёзувчиларимиз концепцияларини ўрганишдан бошлаш керак», деган мезондан келиб чиқиб, Қодирийнинг «Ўткан кунлар», «Обид кетмон», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарлардаги етакчи концепцияларни аниқлашдан бошлаш кераклиги айтилади.

Олим «Ўткан кунлар» романининг бош концепциясини инсоний муносабатлар тасвири ташкил этади, деган хулосани

[13] Дўсмуҳаммад Х. Концепцияни янгилаш учун... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990, 16 февраль.

беради. «Обид кетмон» романида эса, кўпроқ ижтимоий муносабатларни тасвирлаш етакчилик қилишини таъкидлайди. «Ижтимоий ҳаёт тарихи, сиёсий қарашлар зиддияти ҳақида гап борганда синфий тушунчалар, синфий қадриятлар ҳал қилувчи омил ҳисобланади». Х. Дўстмуҳаммаднинг фикрича, шўро даври адабиётининг концепциясини, асосан, ижтимоий муносабатлар тасвири орқали юзага келадиган синфийлик ва партиявийликка таянган ғоя ва мафкура ташкил этади. Танқидчи хулосасига кўра ижтимоий муносабатлар тасвирига асосланган синфий ва партиявий мафкурага таянилган эски концепциядан воз кечиш зарур ва унинг ўрнига инсоний муносабатларга асосланган концепция бўйича ижод қилиш лозим. Шундагина қаҳрамонларни жамиятда тутган мавқеларига, яъни бой ёки камбағаллигига, ишчи ёки чўпонлигига қараб эмас, балки уларнинг ички оламига, руҳий-маънавий дунёсига, феъл-атворига асосланиб таърифлаш, тавсифлаш мумкин бўлади. Бундай асарларни яратиш учун ижодкор дунёқарашини, бадиий тафаккурни янгилаш зарур.

Хўш, Х.Дўстмуҳаммад назарда тутган шўро даври адабиёти, хусусан, ўша даврда ижод қилган ёзувчиларнинг концепцияларини қай тарзда тафтиш қилган, баҳолаган маъқул? Уларнинг қайси жиҳатларидан воз кечиб, қайсиларини адабий жараёнга хизмат қилдириш лозим? Айни шу саволлар 90-йиллар бошидаги баҳс-мунозараларда долзарб масала бўлиб турганди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида уюштирилган «Тавбадан тозаришгача...»[14] деб номланган давра суҳбатида юқоридаги сингари саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган. Давра суҳбатида иштирок этган адиб ва олимлар О. Ёқубов, М. Қўшжонов, Шукрулло ва Тоҳир Малик шахсга сиғиниш даври иллатларининг ҳаётга ва адабиётга етказган салбий оқибатлари, А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У. Носир каби улуғ истеъдод соҳибларини ҳам мустабид тузум

[14] Тавбадан тозаришгача...// Ўзбекистон адабиёти ва санъати.1990, 13 март.

аямаганини айтишган, уларнинг ҳаёти ва ижодига оид барча маълумотларни, материалларни ўрганиш ва халққа рўй-рост етказиш зарурлигини таъкидлашган. Шунингдек суҳбатда иштирок этган Б.Қосимов ва У.Қўчқор эътиборни тоталитар тузумни юзага келтирган омилларнинг туб моҳиятини очиб ташлаш лозимлигига қаратишган.

Давра суҳбатининг «Тавбадан тозаришгача...» деб номланганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, етмиш йил давомида кўплаб бегуноҳ инсонларнинг, биринчи галда, ижодкор, зиёли, олим ва давлат арбобларининг қатағонга дучор бўлишида воситачилик қилиб, билиб-билмай мустабид тузум тегирмонига сув қўйганлар ҳам бўлдики, эндиликда улар ўша гуноҳлар учун тавба-тазарру қилишлари лозим, деган фикр давра суҳбатида дадил айтилди. «Энг улуғ иш–ўтмиш хатоларидан буткул воз кечишимиз, шунинг бараварида тавба-тазарру қилиш ҳали ўз юксак мақомида адо этилганича йўқ. Ҳолбуки, тозаришнинг, покланишнинг муборак йўли тавбадан бошланади. Албатта, у ғоят машаққатли, лекин келажак ҳаётни–тоза ҳаётни усиз тасаввур қилиб бўлмайди» (И.Ғафуров). Мустақиллик арафасида айтила бошланган бундай фикрлар янгича дунёқараш, янгича концепциянинг илк куртаклари эди. Бу куртаклар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ гунчалаб, адабиёт ва санъат, адабий танқиддаги янгиланаётган концепциянинг етакчи тамойилларини белгилашда муҳим роль ўйнади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида кузатилганидек, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшуносу танқидчиларнинг илғор қисми мустақилликкача бўлган даврдаёқ янги типдаги адабиётнинг ўзига хос шакл-шамойили ҳақида фикр юрита бошлаган экан, бу ҳол уларнинг янги даврга ҳам руҳий-психологик жиҳатдан, ҳам ақлий-амалий томондан маълум тайёргарлик босқичини ўтаганини билдиради. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки пайтларидаёқ «Истиқлол адабиёти қандай бўлиши керак?», «Янги адабиётнинг асосий мезонлари нимадан иборат?», «У кимни ва нимани тадқиқ этади, кимга ва нимага хизмат

қилади, қай йўллардан юриб, қай манзиллар сари боради?» қабилидаги кўплаб саволлар кун тартибига қўйилди.

Мазкур масала юзасидан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси мустақиллигимизнинг икки йиллиги арафасида ташкил этган «Истиқлол ва адабиёт»[15] мавзусидаги давра суҳбатида характерли фикрлар ўртага ташланди.

Суҳбатда иштирок этган О. Ёқубов, А. Орипов, О. Шарафиддинов, Т. Малик, Т. Қаҳҳор ва Х. Дўсмуҳаммадлар яратилажак асарларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Мустақиллик даври адабиёти синфийлик ва партиявийликдан холи, халқимизнинг азалий орзулари, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари билан чамбарчас боғланган миллий ва умуминсоний ғоялар билан суғорилган адабиёт бўлиши хусусидаги қарашлар илгари сурилди. Жумладан, О. Ёқубов мустақиллик даври ижодкорининг асосий вазифаларидан бири «миллатимиз учун, она юртимиз учун, фарзандларимиз бахт-саодати учун бутун иқтидорини бағишлашдан иборат бўлмоғи керак», деб ҳисобласа, О. Шарафиддинов ва Т. Малик адабиётнинг вазифаси ҳақида сўз юритиб, адабиёт мустақилликни мустаҳкамлаш, мустақиллик ғояларини ифодалаш орқали миллат онгини тарбиялаши, унинг маънавий дунёсини янгилаш йўлида хизмат қилиши зарур, деган фикрни ўртага ташлашди. Т. Қаҳҳор аслида адабиётдаги мафкура миллий замин билан боғлиқлигини, энг қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам миллат ва давлат, ватан тушунчалари зикр этилгани ҳақида гапириб, «Бугунги адабиёт ўша эски тамал тошлар устида турар экан, демакки, бугунги миллий мафкура ҳам боболаримиз қурган давлатлардаги мафкура тажрибаларига таянмоғи табиийдир», деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, адабиётдагина эмас, балки жамиятнинг барча жабҳаларида ҳам, хусусан, давлатчиликни барпо этишда ҳам мафкура муҳим роль ўйнашини кейинги чорак асрдан зиёд тарих исботлади.

[15] Истиқлол ва адабиёт // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993. 6 август.

Замондош образи талқини

Етмиш йиллик шўро даври адабиётига назар ташласак, асосан, даврнинг ижтимоий ҳаёти бош мавзу бўлганлигини кузатамиз. Инсон маънавияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалалар ҳам (масалан, севги-муҳаббат ёки бунёдкорлик мавзулари) энг аввало ижтимоий мотив асосида тасвирланар эди. Албатта, истиснолар йўқ эмасди. А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, О. Ёқубов, А. Орипов, Э. Воҳидов ва бошқа кўплаб истеъдод соҳибларининг асарларида инсон маънавий оламини бор драматизми билан тасвирланувчи саҳифалар борлигини таъкидлаш зурур. Бироқ, шунга қарамасдан, кенг маънода бу давр адабиётининг етакчи мавзуси мавжуд давр ғояларини куйлашдан иборат бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Фақат етмишинчи йилларнинг охири, саксонингчи йилларнинг бошларига келибгина ўзбек насрида баъзи бир сифат ўзгаришлари кўзга ташлана бошлади.

Айни пайтда бундан глобал масалалар адабиётимизни буткул четлаб ўтилган эди, деб ўйлаш ҳам хато бўлар эди. Ижодкорларимиз сўнгги пайтларда тобора яққолроқ намоён бўла бошлаган миллий, маънавий-маърифий, ижтимоий, экалогик муаммоларни яратилаётган замондошларимиз қиёфасида у ёки бу тарзда қаламга олмоқдалар, муаммо сифатида кун тартибига қўймоқдалар. Жумладан, кейинги пайтларда фалсафий мазмуннинг чуқурлашуви кузатилмоқда. Бадиий асарнинг фалсафий асосларини ифодалашда реализм билан бир қаторда диний ва мифологик мотивларга катта эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаш зарур. Айни пайтда Ғарб ва Шарқ фалсафасини, дунёқарашини, диний ва дунёвий қарашларни синтезлаштиришга, Ғарб маданиятига хос бўлган ифода йўсинларини адабиётимизга олиб киришга, бадиий экспериментларга интилишлар юзага чиқмоқда. Бу жараён адабиётда яратилаётган қаҳрамонлар – замондош образида кўринади. Бугунги кунда яратилаётган замондош образи ўзининг инте-

интилиш, яратган қаҳрамонлар тимсолида халқимиз маънавиятига дахлдор бўлган ғурур, ор-номус, иймон ва эътиқод, бурч ва диёнат каби масалаларни бош леймотивга айлантиришга кучли иштиёқни кузатамиз. Улар мавжуд ифода шаклларини ҳам ўз услублари билан янгилашга киришдилар.

Тоғай Муроднинг бу даврда яратган қиссаларида халқимизнинг асрлар давомида амал қилиб келинган яшаш тарзи, урф-одатлари, маросимлари тасвирига катта эътибор қаратилади. Хусусан, тўй маросими тасвири орқали Сурхон воҳасига хос урф-одатлар, болаларнинг яшинмачоқ, оқсуяк каби ўйинлари талқини, бақовулнинг тўйга келаётган меҳмонларни кутиш ва уларни ёши, мавкеига яраша хонадонларга жойлаштиришидаги ҳаётий тажрибалари катта маҳорат билан ифодаланади. Қиссалардаги тўй жараёни тасвирлари, айниқса халқимиз азалдан улуғлаб келган полвонларнинг кураш тушиб олишув лавҳалари асарга жонли манзара бағишлаши билан бир қаторда, ҳар бир китобхон қалбида ғурур ва фахр ҳиссини ўйғотади. Аслида, ижодкорнинг асар яратишдан кўзлаган ғоявий-бадиий ниятларидан бири ҳам шунда кўринади. Бироқ асарларнинг бадиий қиммати бу билангина чекланмайди. Ёзувчининг асосий мақсади тўйларда полвонларнинг олишиш, улоқ чопиш каби удумлари орқали миллатнинг ор-номуси ҳисобланган ҳалоллик, эзгулик, бурч ва масъулият каби маънавий юксакликни хиёнат, қасамхўрлик ва алдов каби иллатларга қарама қарши қўйиб, ибрат даражасига кўратишида ҳам кўзга ташланади.

"Юлдуздар мангу ёнади" қиссасида вокеалар тизими, адибнинг ғоявий-эстетик нияти Бўри полвоннинг тўйдаги полвонлар олишувини даврабоши сифатида бошқариш жараёнидаги тизгинсиз ўй-хаёллари фонида кечади.

Асарда Бўри полвон характери ҳар томонлама мукаммал очилган. Бўри полвон миллий удумларимиздан келиб чиқиб, олишувни кичкинтой болаларни олиштириш билан бошлайди. Аста-секинлик билан даврадаги олишув мактаб ёшидаги болаларга, ундан эса катталарга ўтади. Муҳими шундаки, ёзувчи мана шу кураш жараёнидаги олишувлардан ўзига хос тарзда миллат, ватан тақдирига оид бўлган катта маъно чиқаради.

"Ор-номус учун кураш болаликдан бошланади:

Қишлоқ одамлари уруғ-аймоқларга бўлиниб олишади. Қишлоқда уруғлар кўп: олчин, тоғчи, паритўп, қовчин, гўрхов, юз, эшбадал, қашқа... Барчаси ҳам полвон аймоқлар. Бордию четдан полвонлар келган бўлса-чи? Унда қишлоқнинг жами уруғлари бирлашиб, улар билан курашади. Одамлар киндик қонлари томган ер шон-шарафи, орияти учун олишадилар.

Ватан – киндик қон томган ердан бошланади! "[16]

Ушбу кўчирмадаги фикрлар дастлаб гўёки кураш эпизоди билан айтилаётгандек кўринса-да, аслида моҳиятида Ватан, миллат, эл-юрт озодлиги учун ҳар бир ор-номусли киши курашиши, фидойи бўлиш керак, деган мазмунни ҳам англаймиз. Бунинг учун қиссада кўплаб асослар топилади. Ёзувчи полвонларнинг олишувини тасвирлар экан, ҳалоллик ҳам, ғирромлик ҳам аслида инсон табиатига хос ҳодиса эканини ботинда ифода этади. Асарда ўзбек кураши бошқа жаҳон чемпионатига киритилган (самбо, дюздо) курашлар билан қиёсланади ва миллий курашнинг афзал томонлари кўрсатилади. Қиссада даврабоши Бўри полвоннинг ўғли Тиловберди билан яқинда самбо бўйича чемпион бўлган Максим полвон ўртасидаги олишув томошабинларнинг ана шундай фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлади. Ушбу кураш жараёни томошабинлар томонидан қўйидагича баҳоланади:

" – Шу, Максим полвон жуда совуқ олишар экан, нима дедингиз?

– Спортчи-да. Секцияда тарбия топган. Улар китобда нима ёзилган бўлса, шуни қилади."[17]

[16] Мурод Т. Юлдузлар мангу ёнади. –Тошкент:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –Б. 13.

[17] Мурод Т. Юлдузлар мангу ёнади. –Тошкент:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. –Б. 66.(Китобдан олинган кейинги кўчирмалар саҳифаси кавс ичида берилади)

Ёзувчи томошабинларнинг диологини давом эттирар экан, уларда юксак ватанпарлик ва миллатсеварлик туйғулари табора кучайиб боришини ва охир-оқибат адибнинг асл мақсадини ифода этишини кўрамиз.

" – Ота-бовамизнинг ҳунарини маҳкам ушласак, жаҳоннинг энг зўр полвони биз бўламизку-я, нима дедингиз, шўро бова?

– Кўп ношукурлик қила берманглар, ҳалиям зўрмиз. Ана, жаҳон чемпионлари Сайфиддин, Собир Қурбонов...

– Э-э, бўтам, улар ўзимизнинг олишдан чиққани минан, самбо бўйича чемпион бўлган-да.

– Сизга қандайи керак?

– Шу, ўзимизнинг олиш бўйича жаҳон чемпиони бўлса экан.

– Гапингизга тушунмадим, Нурмат тоқчи.

– Нима бало, калланг шамолда қолганми дейман. Масалан, дунёда кўпгина халқлар ўзларининг ҳеч бўлмаганда битта спортини жаҳон миқёсига кўтарган. Биздан эса жаҳонга кўтарилган биттаям спорт тўри йўқ.

- Бу ўзимизга боғлиқ..." (67-68-бетлар)

Ёзувчининг маҳорати шундаки, асарда гўёки самбочи Максим полвон билан миллий курашимиз вакили Тиловберди ўртасидаги олишиш жараёни муҳокамасида айтилаётгандек кўрилган ушбу фикрларда ўзининг орзу-ниятларини тўқима моҳиятига сингдириб юборади. Айни шу эпизодлар, Максим полвон, "шўро бова" каби атамаларнинг қўлланилиши ва ниҳоят курашимизнинг жаҳон чемпионатига киритилиши ҳақидаги орзу-умидларнинг "- Бу ўзимизга боғлиқ", дея кўп нуқта билан ифодаланиши ёзувчининг асл мақсадини тўлалигича намоён қилиб беради. Таъкидлаш жоизки, Тоғай Муроднинг ушбу орзулари мустақилликка эришганимиздан кейин тўла рўёбга чиқди. Бугунги кунда жаҳон олимпиадаларида ўзбек кураши билан бирга халқимизнинг ғурури, ор-номусини ифодаловчи "ҳалол", "ғирром" каби сўзлар ҳам дунё миқёсида янграй бошлади. Демак, Тоғай Мурод саксонинчи йилларда-ёқ ўз асарларида янгича поэтик ифода – маросим удумлари

воситасида давр учун энг глобал муаммо бўлган ватан, миллат тақдири, халқимиз мустақиллиги масаласини бош концепция қилиб қўя олган экан.

Тоғай Мурод асарда Бўри полвон воситасида полвонларнинг кураш эпизодлари тасвири орқали ватан ва миллат тақдири ҳақидаги ўша даврда айтилиши ғоят қалтис бўлган асл мақсадини моҳирлик билан сингдириб юборади. Ўзбек курашнинг фақат полвонларгагина маълум бўлган ўзига хос яширин сирлари ҳақида ўз-ўзича мулоҳаза юритаётган Бўри полвон фикрлари хаёлан қуйидагича давом этади:

"Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ! Кўпчилигини бировлар...бировлар...бировлар ўзиники қилиб олди. Биз қўлимизни бурнимизга тиқиб қолдик. Шундай кета берсак ҳадемай ўзимизни ҳам бой бериб қўямиз. Уёғи камдай, не-не нималаримизни эскилик сарқини деб йўқ қилдик. Сал қолди – халқнинг ўзиям эскилик сарқитига чиқариб юборишимизга. Бугун буни, эртага уни йўқота берсак адирдаги подадан нима фарқимиз қолади". (Ўша манба, 45-бет).

Ушбу бонг урилаётган мулоҳазалар нафақат Бўри полвон хаёлидан ўтаётган, балки ёзувчининг қўнглидан фарёд бўлиб отилаётган, халқнинг миллат сифатида ўзлигидан мосуво бўлишдек фожиадан огоҳ этаётган ижодкорнинг ижтимоий-эстетик позицияси ҳамдир.

Шу тариқа ёзувчи асардаги Бўри полвон зиммасига ҳам ижтимоий, ҳам эстетик қимматга эга бўлган катта бадиий юк юклайди.

Бўри полвон даври айланиб полвонларни кўздан кечирар экан, бирдан болаликда тўн кийишиб қиёматли дўст тутинган, кейинчалик эса унинг хиёнатига дучор бўлган Насимни кўриб қолади. Ёзувчи буни қўйидагича тасвирлайди. "Ўша юзни аниқ кўрди. "Ё, тавба, - деди пичирлаб, - Худди Насимга ўхшайди-я. Ё чини минан Насиммикан? Йўғ-э, у кўпкарида отдан йиқилиб бир кўзи ожиз бўп қолган, деб эшитиб эдим. Бунинг икки кўзиям... Тағин бир қарайчи..."

Ҳа, бу Насим полвон эди".(Ўша манба. 15-бет).

Ёзувчи қиссада Бўри полвон ва Насим полвон муносабатлари талқини орқали дўстлик, садоқат ва хиёнат, қасам ва унинг оқибатларини ифодаловчи кечинмалар чуқур драматизм билан тасвирлайди. Бўри билан Насим болаликдан тўн кийиб дўст тутинишган. Насим Бўри билан Момоқизнинг пок туйғуларига оғу солади.

Бўри Момоқизга бўлган туйғуларини ўзи айтишга журъат қилолмай, дўсти Насимдан нажот кутади. Қалб изҳорини қизга билдиришни дўсти Насимдан илтимос қилади. Насим уларнинг ҳар иккаласига ҳам хиёнат қилади. Иккаласини ҳам алдаб, бир-биридан жудо қилади. Ҳар иккаласига ҳам "Алдасам кўр бўлайин", деб қасам ичади.

Қачонки, Бўри Момоқизнинг олдига бориб вазиятни аниқлаштирмоқчи бўлганда уларни алдаганини айтиб ростига кўчади:

"– Бўри жўра, Момоқиз менга ҳам ёқади..."

Шу тариқа хиёнатга дуч келган Бўри полвон ўғли Тиловбердини даврада Насим билан Момоқиздан бино бўлган Абрай полвон билан олиштиришга мажбур бўлади. Афсуски, ўғлини ҳам ҳалол олиштираман, деб енгилишига сабаб бўлади.

Ёзувчи "От кишнаган оқшом" қиссасида ҳам воқеалар тизмини тўй тасвири орқали акс эттиради. Тўйлардаги кўпкари чопиш удуми орқали халқимизнинг асрлар давомида шаклланган минталитетига хос ор-номус, ҳалоллик, диёнат каби масалаларини бош мавзу қилиб олади. Халқ орасида Зиёдулла чавандоз деган ном қозонган қаҳрамоннинг отга бўлган ишқи, жониворнинг эса инсонга кўрсатган меҳр-оқибати ўзига хос тасвирларда акс этганини кўрамиз. Бу асарнинг ўқ томирини ҳам маънавий олам эврилишлари ташкил этади. Асарда шўро вакиллари бўлган ҳокимлар-у ички ишлар ходимлари, яъни шўро даврининг "адолат посбонлари" ўз манфатларини ўйлаб босқинчи зўравонларни қай даражада ҳимоя қилишлари жонли бўёқларда фош этилади. Уларга Тарлон отнинг ўз эгасига

бўлган садоқати қарама-қарши қўйилади. Тарлоннинг хўжасига бўлган садоқати унинг ёвуз кучлар қўлидан кутқаришига оид жонли лавҳаларда яққол намоён бўлади. Тоғай Мурод асарларининг қисқача талқинидан маълум бўлаётирки, Ватан, миллат тақдири, инсоннинг маънавий олами эврилишлари етакчи ғоявий мотивга айланмоқда.

Адибнинг "Момо ер қўшиғи" қиссасида ҳам миллат қисмати, ўзлиги, Она заминга қай даражада боғланганлиги каби масалалар қаламга олинади. Ёзувчи бу асарда ҳам ўз услубига содиқ қолиб, уни янада мукаммаллаштиради ва янги ифода йўсини яратишга эришади. Бу асар худди сочма шеър каби ҳар бир мисраси ўзига хос сюжетга, воқеликнинг маълум бир ифодасига айланади. Қисса тасвиридаги яна бир ўзига хослик шунда кўринадики, ёзувчи зарур ўринларда воқеаларни ҳатлаб-ҳатлаб, баъзи жойларда эса ёйилтириб тасвирлайди. Асарнинг бош қисмидаги сержант Орзуқуловга тегишли қисми худди шундай ифодаланган. ("Боши иккита бўлди. Кетма-кет иккита қиз кўрди". Ёки "Шунда ... уруш бошланди. Сержант Орзуқулов урушга кетди. Урушдан омон-эсон қайтди." ва ҳ.к.) Қиссадаги кейинги – унинг ўғли Турсунга алоқадор саҳифалар кенг қамровлиги, катта маънони ихчам сатрларда ифодалаши билан услубий ўзига хосликни намоён қилади. Асар ниҳоятда миллий колоритга бой, жонли тилда ёзилган. Қисса Хумор момонинг ёлғиз ўғли Орзуқулнинг армиядан қайтаётгани хабари билан бошланади. Асарда халқимизга хос бўлган суюнчи олиш эпизоди "калиш йўқолди" удуми тасвирлари билан янада миллийлаштирилади. Ўғлининг истиқболига ошиққан Хумор момо даҳлизда калишини топа олмайди. Яланг оёқ чиқишни эса ўзига эп билмайди. Бу суюнчи сўраб, дарвозани беркитиб турган Мардон жувозкашнинг иши эканлигини билиб, кулиб-кулиб турган момо охири йўқчиликка ҳам қарамай оғилда турган қисир сигирини унга хадя қилиб юборади. Кейинги саҳналарда она-боланинг дийдорлашуви қуйидагича тасвирлайди:

“Момо ўзини ўғли бағрига ташлади. Юзини ўғли бағрига босди.

Аскар момони қўчоқлаб олди. Бир-икки марта ердан кўтариб олди.

– Раз - раз - раз! Ты похудела, мамашка, да! Ну старость –не радость! -деди.

Момо бели зирқираб кетди. Аммо теваракдагиларга сир бермади. Дарди ичида бўлди.”[18]

Аскар йигитнинг шу тариқа сўзлашуви отаси билан сўрашганда ҳам, бошқа қариндошлар билан муомаласида ҳам давом этади. Кечқурун мол боқиб қайтган отаси ўғлидаги бу ҳолатни кўриб нима қиларини билмай ҳайрон бўлиб қолади. Зардаси қайнаб бир пайтлар ўзи ҳам Термиз, Денов томонларда қизил аскар сафида хизмат қилганлигини, душманларига қарши курашиб ўқ еганлигини айтар экан, ҳатто кўйлагини шимариб чап биқинидаги ўқ изини ҳам кўрсатади. Бироқ, бу иддаолар ҳам аскар йигитга кор қилмайди.

“ – Я узбекский язык не понимаю!” деб тураверади. Хуноб бўлган ота у деди, бу деди, хуллас бўлмади. Охири бундай бедодликка чидай олмаган ота ўғлининг “қулоқ-чаккасига тарс этказиб бир солди”.

“ Аскар бундай зарбни кутмаган эдими, ё, эски қизил аскар мушти ўзи шундай бўладими, ишқилиб, ёнбошига гуп этиб тушди. Унсиз, жингак бўлиб ётди.

Отаси аскарни ёқасидан ушлаб турғизди. Энди бу чакасига солмоқчи бўлди.

Аскар отаси ниятини пайқади шекилли, ҳовлини айланиб қочди.

– Вой энажон, ўлдим-е! – дея бақирди”. (160 бет.)

Асарнинг кейинги саҳифаларида қўча-куйда сержант Орзуқулов бўлиб танилган ўғилнинг қисмати ҳикоя қилинади. У отасининг ишини давом эттириб чўпон бўлиши, уруш бошланганда эса фронтга бориб жанг қилиб келиши ва уйланганидан кейин уч қиз кўриб, қизлари турмагани учун, тўртинчи бўлиб туғилганлигига Турсун деб ном қўйишгани ва уни авайлаб, папалаб вояга етказганликлари ҳикоя қилинади. Момо иккаласининг келин тушириб, невара кўриш орзулари ихчам-ихчам сатрларда, руҳий кечинмаларга бой тарзда ифодаланади. Асарнинг кейинги воқеалари асосан ўғил бўлмиш Турсун қисмати билан боғлиқ. У мактабда ўқиб юрган пайтлардаёқ шеърлар ёзиб, ўзига хос характерга эга, тортинчоқ, индамас бола бўлиб ўсаётганлиги ҳикоя қилинса, мактабни тугатгач, шаҳарда ўқиши, ёзган айрим шеърларининг матбуотда эълон қилиниши, бироқ, шаҳарда қолиш орзуси руёбга ошмасдан, қишлоққа қайтиб ўқитувчилик қилишлари ўзига хос бўёқларда тасвирлана.

Ёзувчи Турсунбой характерини давр учун муҳим бўлган қишлоқ-шаҳар-қишлоқ хронотопи орқали тасвирлайди. Турсунбой образи орқали шўро даврида миллатимизнинг қисмати учун глобал моҳият касб этувчи жиҳатларини асар замирига сингдириб юборади. Унинг қишлоқда ўқитувчи бўлиб юрган кезлари тасвирида мактаб ўқувчиларининг эрта-ю кеч пахта далаларига олиб чиқилиши, дориланган пайкалларга теримга туширилиши, порахўрлик, бюрократлик иллатлари ўткир киноя билан фош қилинади.

Кетма-кет икки-уч фарзандли бўлганда Турсунбой шаҳарга отланади. Шаҳарда ўзининг истеъдодини намоён этиб, шеърият оламини забт этмоқчи бўлади. Шу мақсадда ўзининг Турсунбой Орзуқулов деган исм-шарифини ўзгартириб, Пахлавон Даҳо деб тахаллус танлайди.

Ёзувчи қаҳрамоннинг шаҳардаги ҳаёти тасвири орқали етмишинчи-саксонинчи йиллар адабий жараёнда юз бераётган ўзгаришларга ўзининг киноявий муносабатини билдиради. Паҳлавон Даҳо тимсолида бир гуруҳ ижодкорларнинг ўз истеъдодсизлигини хаспўстлаш мақсадида Жойс, Пруст каби Ғарб модернистларининг номларини тилдан қўймай би-

[18] Мурод Т. От кишнаган оқшом. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 357 (шу манбадан олинган кейинги кўчирмалар саҳифаси қавс ичида берилади).

лағонлик қилишлари, тақлидий мисралар битиб ўзини даҳо санашлари шафқатсиз тасвирлар билан фош этилади. Ёзувчи Даҳонинг бир даврада ўқиган шеъридан парча келтириб ўзига хос бўлган саҳна яратади. Шеър даврадаги тингловчиларнинг пичинг-у кулгиларига сабаб бўлиши, Иброҳим деган йигитнинг "модернизм" деб айтган заҳархандаси, шеърингизни тушунтириб беринг ёки бўлмаса ёқтириб беринг, деган раддияларини келтириш орқали адабиётдаги глобал муаммолардан бири – Ғарбга қараб эврилиш, тақлидчилик ўша давр адабиётининг хос хусусиятларинидан бири бўлганлигини бадиий далиллаштиради. Буни ёзувчи Пахлавон Даҳонинг кечинмалари орқали характерли жиҳатдан ёритиб беради. "Даҳо ақл-ҳуши-да Ғарб бўлди, ишонч-этиқоди-да Ғарб бўлди.

Даҳо гандираклаб-гандираклаб қўзғолди. Суянмиш суянчиқларидан бўлмиш Марк Делуз китобини олди. Ўнг келмиш бетини очди. Бетда "Мен қандай қичқара оламан" шеърини кўрди.

Энди ўз китобини олди. Биринчи бетини очди. Марк Делуз шеъри билан Паҳлавон Даҳо шеърини солиштирди.

Ўзини... ўзини Марк Делуздан кам кўрмади! ... Мана ... бир-бировимизга жуда ўхшаймиз. Айнан ўхшаймиз! Марк Делуз ким, Паҳлавон Даҳо ким, билиб бўлмайди! Фарқимиз, Делуз француз, мен ўзбекман".(Ўша манба, 404-бет)

Кўриниб турибдики, ёзувчи ушбу манзараларда саксонинчи йиллар ўзбек шеъриятида урчий бошлаган иллатлардан бири – нафақат тақлидчилик, ҳатто ўзига хос шаклларда кўчирмачилик иллатлари ҳам авж олаётганлигини, гарчи қаҳрамонлари, манзаралари ўзбекча бўлса ҳам моҳиятда, шеър руҳида ўзбек қалби акс этмаётганлигини шафқатсизлик билан очиб беради. Ўзининг мана шундай ожизлигини ҳис қилган Даҳо кофирлик даражасигача кўтарилади. Истеъдодсизлиги учун худони айблайди. Худонинг каломи бўлган Қуръонни оловга отади. Мазкур жазавалар, ўзини улуғ даҳо деб ҳисобловчи "бир гуруҳ" ижодкорларнинг номатлуб хатти-ҳаракатлари тасвири бегона эмас. Бу тасвирлар бизга 80-90 йиллар адабий жараёнда кечаётган кураш жараёнларини, гуруҳбозлик билан олиб борилган баҳс-мунозараларни эсга солади. Буларнинг барчаси ёзувчининг ўз давридаёқ ижтимоий ва маънавий ҳаётда кечаётган инқирозларни, "оммавий маданият" сари юз бурган бир гуруҳ ижодкорларнинг қилмишларини теран англаб қалам тебратганидан далолат беради. Ёзувчи танлаган қаҳрамони орқали ўша даврнинг ҳам ижтимоий, ҳам маданий ҳаётига оид бўлган фожеликларини қаламга олади.

Ёзувчи Даҳони турли ҳил ҳолатларда кўрсатади. Бир сафар сохта ватанпарвар тимсолида ўша пайтда авж олган Оролни қутқариш компаниябозлигида оташин маърузалар ўқиган ватанпарвар сифатида, бир сафар эса қишлоғидаги камчиликларни бартараф этиш учун фронтчи отаси номидан ёзилган аризабозликлар муаллифи сифатида намоён бўлади. Алал-оқибат эса отасининг ижроқум раисидан дакки еб ўсал бўлганича ўнгарилмай оламдан ўтишига сабабчи бўлади. Ўсал бўлиб касалланган ота фарзандига сўнгги бўйруқни, яъни чўпон таёғини олиб қўрадага молларни подага ҳайдашга амр қилади.

Қиссада халқимизнинг 70-80-йиллардаги фожеавий ҳаёти, яшаш тарзидаги оғриқли манзаралар ўзининг ҳаққоний ифодасини топди. Бир умр пахта далаларида туну кун меҳнат қилиб, ювиниб-артинишга бир дона атирсовунга-ю сочиққа зор бўлган меҳнаткаш халқ тимсоли асарда ёрқин тасвирланади.

Тоғай Мурод ижодида бўй кўрсатаётган ҳаётнинг фожиали тасвирлари 80-90-йиллар ўзбек насрида янгича тенденция сифатида қарор топди. Бу даврда ижод қилган истеъдодли ёшлар шўро мафкуравий қолипларини ёриб чиқишга, қулликка қарши чинакамига миллий озодлик мотивларини илгари суриб, бадиий тафаккурни янгилашга киришдилар. Бу даврда яратилган қиссаларда миллатнинг ўзига хос руҳий олами, характери, кўнгил кечинмалари-ю, ҳис-туйғуларини акс эттиришда бадиий мукаммалликка интилиш асосий тамойиллардан бирига айланаётганини, бу каби изланишлар ижобий натижаларга

олиб келаётганлигини кузатиш мумкин. Яратилаётган асарлар бадиий тафаккурни у ёки бу тарзда янгилаб, адабий жараёнда янги-янги тенденциялар юзага келишида муҳим аҳамият касб этди.

М.М. Дўст яратган Ғайбаров, ("Галатепага қайтиш"), Мустафо, Эламонов, Эркин Аъзам яратган Бакир ("Байрамдан бошқа кунлар") каби қаҳрамонларнинг маънавий оламидаги ўзига хосликлар яққол кўзга ташланади. Бу қаҳрамонлар қиёфасида чорасизлик, вазиятга қараб маълум даражада ўзгариш тамойилларини кўрамиз.

Эркин Аъзам яратган Бакир образи ҳам томоман янги қаҳрамонлар сирасига киради. Бу қаҳрамоннинг чорасизлиги ёзувчи томонидан бир неча йўналишда, параллел чизиқларда ёритилади. Энг аввало, у ўзининг ижтимоий фаолиятида чорасизликка маҳкум. Бакир маршрутдаги автобус ҳайдовчиси. Яқиндагина уйланган Бакир автобусни фақат белгиланган йўналиш ва бекатлар бўйича ҳайдашга, ҳар бир бекатга яқинлашганда номини эълон қилиш ва тўхтаб йўловчиларни тушириб-чиқаришга, шу ишини ҳар куни такрорлашга маҳкум. У баъзи-баъзида автобус йўналишини ўзгартириб, шаҳар марказига қараб ҳайдаб кетишни, одатдаги иш тартибини бузишни ҳам хоҳлайди. Ҳатто бир маротаба шундай ишга жазм ҳам қилади. Лекин қаҳрамондаги ушбу исён узоққа чўзилмайди ва яна одатдаги турмуш тарзига бўйсинади. Унинг шахсий ҳаётида ҳам худди шундай чорасизлик бор. Яқинда уйланган аёли Баргида билан унаштирилган кезлари шундай бир вазият рўй берадики, у икки йўл орасида қолади ва ўзининг ўша пайтда ожизлик қилганидан кўп бора пушаймонлик ҳис қилади. Воқеа аслида бундай бўлган эди. Бир куни иккаласи айланиб юришганда уч-тўртта барзангига дуч келади. Шунда Бакир Баргидани ташлаб кетган эди. Бакир ўзининг ожизлиги туфайли унга қарши чиқолмайди ва кўнглида қолиб кетган саволларга ҳам жавоб ололмайди. Кейинги чорасизлик эса уйлангандан сўнг рўй беради. У ҳар сафар Баргидага яқинлашганда

ўзининг ожизлигини ҳис қилади ва бундан азоб чекади. Бир куни ичиб, кайфи ошиб муроди ҳосил бўлганда эса кўнглида туғилган шубҳалар унга армон бўлиб қолади. Мана шундай армон-у шубҳа гумонлар орасидаги чорасизлик, ожизлик кейинчалик ҳам муносабатига доимий соя солиб туради. Чунончи, янги йил кечасида ака-укаларининг байрамни бирга ўтказайлик, деган таклифини бажо келтиролмай чорасиз ҳолда, Баргиданинг истаги билан унинг доимий улфатлари билан ресторанга боради. Таниш барзанги йигит Баргидани ўтирган жойидан юлиб олиб қоронғи бурчагидаги ўз даврасига олиб кетади ва кеча охиригача қўйиб юбормайди, ёнида олиб ўтиради. Бакир кеча охирида қайтиб келган Баргиданинг ҳеч нарса бўлмагандек мулойим муносабатда бўлганида ҳам рафиқасига нисбатан қатъий ҳаракат билан алоқани узишга ўзида журъат тополмайди. Бакир узоқ вақт ўзидаги ожизликдан азобланиб яшайди. Қатъий харакат қила олмаганидан эзилади. Ўзича Баргидани оқлаш учун турли важ-корсонлар излайди.

Асарда тасвирланган Сапура образи ҳам фожиавий қаҳрамонлардан бири. У одамлар кўз ўнгида шўх-шодон, қувноқ, ҳеч қандай ғам ташвишларни писанд қилмайдиган аёл сифатида гавдаланади. Унинг ҳам бошқаларга сездирмайдиган дардлари бор. Маълум бўлишича, Бакирнинг божаси Чиннибекни Баширага Сапура таништирган. Таништирган ҳамон иккаласи оғиз-бурин ўпишиб, аҳду паймон қилиб бўлишган. Бир куни Бакирни олиб шаҳардан ташқаридаги ҳовлига борганда унинг ҳақиқий қиёфаси намоён бўлади. У бутун дард-дунёсини, фарзанди борлигини Бакирга тўкиб солади; у буларни одатдаги русча-ўзбекча сўзларни аралаштириб сўзлашига хилоф равишда соф ўзбек тилида айтади. Агар асарда тасвирланаётган қаҳрамонлар кечмишига назар ташласак, уларнинг ҳар бирида маънавий инқироз – айрим гуруҳларида тўқликка шўхлик қилиб, ўйин-кулгу ва хиёнатга мойиллик билан яшашга кучли бўлса, баъзиларида чорасизлик, ожизлик туфайли маънавий тубанликка юз тутганлигини кўрамиз. Бу ҳол саксонингчи йилларда ярати-

лаётган асарларда жаҳон адабиётига хос бўлган умумбашарий муаммолар глобал тус ола бошлаганидан далолат бўлади.

Бу типдаги асарларда янгиланиш тамойилларини ўрганар экан, адабиётшунос олим Тиловолди Жўраев уни онг оқими билан боғлаб таҳлил қилади. О.Отахонов, М.М.Дўст қиссаларида характер яратиш ва янгича ифода йўналишларини тадқиқ қилганда уни жаҳон адабиётининг кўрсатган ижобий таъсири сифатида баҳолайди: "XX аср жаҳон адабиёти классикларининг жаҳон халқлари адабиётига, жумладан ўзбек адабиётига салмоқли ижобий таъсиридир, бироқ бундан кўз юммаган ҳолда, айтиш лозимки, ўзбек романи онг оқими йўналиши ғарб онг оқими адабиётини асло қайтараётгани йўқ, балки ижодий ривожлантирмоқда.

Ўзбек онг оқими насрида тасвирланаётган дунё бутунлай ўзгача ғоявий-бадиий принципларга асосланадики, унда "янги психологик материя" қидириш, борлиқни миф, афсоналар асосида англаш, ташқи олам ва инсонни схемалаштириш, ҳаётнинг моҳиятини туб "ички истак" сингари руҳий ғайришуурийликлар билан ўлчаш тенденциялари йўқ, балки унда романнинг асл моҳияти – шахснинг жамият ва тарих билан юзма-юз тўқнашуви "ярқ" этиб кўриниб турибди."[19]

Олимнинг бу фикрлари гарчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романи муносабати билан ёзилган бўлса-да, аслида тилга олинган барча ёзувчилар ижодига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири эди. Лекин бу жараён бошланиши эди. Кези келганда айтиш жоизки, бу ижодкорлардан кейин адабиётга кириб келган Назар Эшонқул, Улуғбек Ҳамдам, Абдуқаюм Йўлдош, Исажон Султон, Луқмон Бўрихон каби бир қатор ёзувчиларнинг ижодида айни шу хусусият –миф ва афсоналар, ривоятлар, туш, халқ оғзаки ижодининг бошқа мотивларига кенг мурожаат қилиш, тилнинг эмоционаллигини, образлилигини таъминлаш ва тагмаъно қатламларини ифодалаш учун рамзий ва мажозий образларга кенг ўрин ажратиш, метафорик бирикмаларни қўллаш, қаҳрамон руҳий оламини очишда онг ости қатламларига эврилиш етакчи ўринга кўтарилди. Бу орқали ёзувчилар нафақат чорасизлик, балки, глобал муаммолардан бири бўлган исёнкорлик билан ўзлигини англаш мотивларини ҳам етакчи концепцияга айлантирганини кўришимиз мумкин. Мазкур ижодкорлар яратаётган қаҳрамонлар ўзини ўзи тафтиш этиш орқали яшашдан мақсад нима, деган саволга жавоб излаётгани билан ҳам глобал моҳият касб этади. Улар ижодида давр ва шахс фожиаси нафақат миллий қадриятлар билан, балки умуминсоний инқироз билан боғланиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Ш.Бўтаевнинг "Эски арава қиссаси" ҳам ўзига хос усулда ёзилган, давр ва миллат фожиасини бор кўлами билан очишга йўналтирилган асарлардан биридир. Ёзувчи асарда давр фожиасини очиш учун ўзига хос бадиий усулни қўллайди. Гоголнинг "Ўлик жонлар" романи қаҳрамони Чичиков ва унинг мулозимлари "қайта тирилиб", шўро замонида пайдо бўлиши, эски аравада Ўзбекистонга қилган саёҳати ва бу ердаги саргузаштлари ўткир киноявий йўсинда ҳикоя қилинади. Уларни марказдан келган мулозимлар деб билган маҳаллий амалдорлар Нишонбой Ҳурзамонович тимсолида мутеликнинг ўзига хос типи сифатида ёритилади. Маҳаллий амалдорларнинг улар атрофида гирдикапалак бўлиб кўнглини овлашлари, бири тоғдан келса, бири боғдан келиб "хўп, бажарамиз" дея қуллуқ қилиб ваъда беришлари – булар барчаси давр фожиасини очишга қаратилганига гувоҳ бўламиз. Бу асарда ёзувчининг асосий концепцияси мустақиллик ғоялари билан уйғунлашиб кетган. Қисса хотимасида Чичиков ўз мулозимларининг китоб мутолаа қилишларини кўриб, қандай китоб ўқиётгани билан қизиқади ва унинг "Ўлик жонлар" эканлигини билгандан сўнг шоша-пиша эски аравасини қўштириб, жон жаҳди билан бу жойлардан жуфтакни ростлайди. Ушбу тасвирлар асарга рамзий маъно бағишлайди. Гоголнинг "Ўлик жонлар" романи қаҳрамонлари тимсолида кезиб юрган бу кимсалар асли-

[19] Жўраев Т. онг оқими модерн. –Фарғона: фарғона, 2009. –Б. 159.

да шўро даври мулозимлари экани, улар ҳар доим юртимизга келганда, худди "Ўлик жонлар"да тасвирлаганидек, ўз манфаатлари эвазига халқ бошига турли офатлар ёғдириб, эзишлари баён этилган. Асарнинг "Эски арава қиссаси" деб номланиши ҳам, аслида, моҳиятни очишга қаратилган рамзий ифода сифатида намоён бўлади. Бу типдаги асарларнинг концепцияси ва тасвирлаётган қаҳрамонлари шўро давридаги замондошларидан тубдан фарқ қилади. Улар қандайдир ижтимоий муаммоларни байроқ қилиб ўзларини фидойи қаҳрамон сифатида намоён этишмайди. Бироқ уларнинг бошқалардан фарқ қилувчи дунёқараши, шахсияти ва муносабати бор. Мана шу муносабат ўзлигини намоён қилувчи асосий жиҳатларидан биридир. Бу адиблар адабиётни нафақат, янгича концепция ёки қаҳрамонлари билан, балки янгича ёндашув ва бадиий ифода усуллари билан ҳам янгилашга харакат қила бошладилар.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида яратилган О.Ёқубовнинг "Адолат манзили", Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар", Тоҳир Маликнинг "Сўнгги ўқ", "Шайтанат" О. Мухторнинг "Минг бир қиёфа" каби қисса ва романларининг бош пафосини, айтиш жоизки, инсоннинг руҳий олами, дарди, ўзига хос фожиаси, энг аввало эътиқоди, иймони, ҳаётга, яшашга бўлган муносабати билан белгиланади, деган ғояни ифода этиши билан характерланади. Иккинчи бир муштарак жиҳати, фожеликнинг туб сабабчиси етмиш йиллик кечган ижтимоий тузум, деган фикр у ёки бу тарзда ҳар бир асарда ўз ифодасини топган. О.Ёқубовнинг "Адолат манзили" романида яқин кечмиш, собиқ империянинг сўнгги кунларида рўй берган фожиа - машъум "пахта иши" билан боғлиқ бўлган қатағонликлар қаламга олинади. О.Ёқубов бу асарида ҳам ўзининг ижодий принципларидан келиб чиқиб, асосий эътиборни диёнат, эътиқод, инсоний бурч каби инсон маънавий оламини белгиловчи муаммоларга қаратади. Айни чоғда биз адиб ижодида муайян бир эпизодларда кўзга ташланадиган бир хусусият - асарни бошдан оёқ тутиб турадиган ички лиризм билан суғорилган маҳзун

бир оҳанг, куйни ҳам ҳис қиламиз. Асардаги шафқатсиз реализм ҳам мана шу лирик - маҳзун куй оҳанглари фонида берилади. Бу романнинг тезкор тарзда хорижда ҳам нашр этилгани қувончли бўлди. Чунки ўша кезлари собиқ шўролар ҳаётининг сўнгги пайтларида кечган қатағонлик сиёсатининг бутун даҳшатини жаҳон китобхонлари мана шу типдаги китоблар орқали билишлари жуда-жуда зарур эди.

Асарда тасвир этилган Суюн бургут, Маржаной, Лочин, Олтиной ва бошқалар ҳар қандай шароитда ҳам иймон-эътиқодини сотмаган, халқига, ҳақиқатга хиёнат қилмаган инсонлар сифатида китобхон қалбида жой олишади. Лекин улар мана шу хислатлари билан фожеликка маҳкум. Ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати бу асарда ўзининг реалистик ифодасини топган.

Бу даврга келиб истеъдодли ёзувчилар Т.Малик ва О.Мухторлар ижодида ҳам янгича йўналиш кўзга ташлана бошлади. Т.Маликда бу изланиш олдинроқ, 80-йилларда яратилган "Алвидо, болалик" киссасидаёқ ёрқин кўрина бошлаган эди. Мана шу изланишлар айниқса "Сўнгги ўқ", "Шайтанат" асарларида ўзини тўла намоён қилди. Бу асарларнинг асосида ҳам энг аввало маънавият муаммоси туради.

"Шайтанат" асарида бир-бирига боғланиб келган учта инсон, учта тақдир ҳикоя қилинади. Асарнинг мавзуси ҳам адабиётимиз учун бир қадар янги бўлди. Бир қарашда жамият, инсоният доим қоралаб келадиган жиноятчилар асарнинг етакчи қаҳрамони, уларнинг тақдири, қисмати асарнинг бош мавзуси. Лекин уларнинг шундай қисматни танлашга сабаб нима? Мана шу сабабни кўрсатиш асарнинг бош пафосини ташкил этади. Асадбекни шу йўлга бошлаган нарса ёшликда, отасини ноҳақ қамоққа олиб кетиш пайтда туғилган қасос туйғуси. Элчинни шу йўлга бошлаган ҳам қасос туйғуси. Уларни бирлаштириб турувчи асосий нуқта қасос туйғусидир. Асарда Анвар образи ҳам муҳим ғоявий-эстетик мақсадни ифодалайди. Уни ҳам Асадбек ва Элчинга боғлаб турадиган сабаб ҳам ҳақиқатни айтиш истаги. У ҳам ўзига ҳос қасос туйғусидир.

Асарда қасос туйғусини ҳосил қилувчи ёвуз куч – бу мавжуд жамият етиштирган чиркин иллатлардир. Мана асардан келиб чиқадиган муҳим маъно.

"Сўнгги ўқ" қиссасидаги Жаҳонгир қисмати ҳам Асадбек қисматидан қолишмайди. Тақдир бегуноҳ Жаҳонгирни бир умр турмада яшашга маҳкум этади. Битта инсон тақдири бир умрлик турмада ўтса... Зеро, етмиш йиллик ҳаётнинг ўзи турма эканлиги асар моҳиятидан сизиб чиқади. Жаҳонгирда ҳам қасос туйғуси мавжуд. Бойлик учун тасодифан отасининг қотилига айланган акаси Оламгирга бўлган қасос туйғуси... Охир-оқибат қалбида асраб юрган сўнгги ўқ акасининг қотили Муродиллага отилади. Жаҳонгирнинг тақдиридаги яна бир фожиавий ҳолат – хотини Хадича, ўғли Йўлчивойларга ҳам ўз меҳрини ифода этолмаганлигидадир. Асарда Жаҳонгир фожиасини келтириб чиқарувчи омиллар асли акаси Оламгир ҳам эмас, мавжуд жамият экани моҳиятда ётадиган асл ҳақиқатдир. Ёзувчи мана шу ҳақиқатни бадиий маҳорат билан тасвир эта олган.

О. Мухтор яратган романи "Минг бир қиёфа" деб номланади. Аслида инсоннинг ташқи қиёфаси битта. Лекин инсонда яна бошқача қиёфа ҳам бор. У доимо товланиб, ўзгариб турадиган маънавий қиёфадир. Асарнинг ёзилиш услуби, композицияси ҳам ўзига хос. Асар учта ҳикоятдан ташкил топган. Ҳар учала ҳикоятни бир-бирига боғлаб турадиган етакчи образ – доимо ҳақиқат учун курашиб келадиган Бурхон Шарифдек таассурот қолади, дастлаб. Биринчи ҳикоятда Бурхон Шариф билан бирга ишлашадиган, укасидай бўлиб қолган, сиртдан эгизакдай бир-бирига ўхшайдиган ҳаваскор шоир Абдулла Ҳаким қисмати ҳикоя қилинади. Уни Бурхон Шариф деб ўйлаган душманлар қўлга олиб мақсадига эришолмагач, ўлдириб юборишади. Абдулла Ҳаким жасадини барча Бурхон Шариф деб дафн этишади. Ёлғиз Бурхон Шарифгина бу сирдан хабардор. Ҳатто хотини, бир пайтлар Абдулла Ҳаким чин юракдан севган, ҳамон қалбида ардоқлаб юрган Ҳалима ҳам танимайди. Биринчи ҳикояда Абдулла Ҳаким руҳи етакчи образга айланади. Иккинчи ҳикояда Садиржон ва Гулхумор муносабатлари, шаҳар марказида жойлашган тўққиз қаватли бинодаги "Тарих ва Маданият" маркази, унга Гулхуморнинг ишга жойлашиши ва Самандаржоннинг бинога қўшиб Гулхуморни ҳам йўқотиш воқеалари қаламга олинади. Аслида бу ҳикояда ҳам Абдулла Ҳаким шеърлари унинг руҳи бўлиб ёзувчи концепциясини ифодалайди. Учинчи ҳикояда Абдулла Ҳакимнинг Насриддин афанди ҳақидаги шеъри ва ўзининг ўйлари қаламга олинади. Раҳим иккинчининг золимлиги, бироқ бу золимликни олиҳимматлик даражасига кўтарган сартарош Ғуломжоннинг Мулла Ғуломга айланиш жараёни, унинг тажрибасини ўрганиб, янгича концепция, фош қилувчи тиғга айлантирган Насриддин афанди... Сиртдан қараганда шундай... Аслида эса ҳақиқатни излаб, курашиб юрган Бурхон Шариф фожиасига умр бўйи ҳақиқий қиёфасини яшириб яшашга маҳкум фожиавий қаҳрамонга дуч келамиз. Ҳатто фариштадай бўлган Абдулла Ҳаким ҳам ўзининг ҳақиқий қиёфасини – яъни чинакам шоирлик истеъдодини фақат қўлёзмаларда қолдириб, халқ назарида оддий хизматчи, ҳаваскор шоир сифатида намоён бўлади. Асар чинакамига рамзий бўёқлар билан ёзилган.

А. Кўчимовнинг "Бинафша"(Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017) тўпламидан жой олган қисса ва ҳикояларида ҳам ижтимоий-маънавий муаммолар инсон тақдири, қисмати билан боғлиқ ҳолда ёритилади. Уларда ўтиш даврига хос бўлган ижтимоий-психологик мураккабликлар, зиддиятли жараёнлар инсон кечинмалари, руҳий ҳолатлар фонида тасвирланган. Адибнинг "Бинафша", "Тўй" каби ҳикояларида бу ҳолат бўртиб кўзга ташланади. "Бинафша" ҳикоясида ёзувчи Бинафша ва Ботир муносабатлари тасвири орқали инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, маънавий дунёсидаги эврилишларни ифода этади. Аввалари фақат интим муносабатлар туфайли бир-бири

билан боғланган бу қаҳрамонлар бир неча йиллик танаффусдан кейин Бинафшанинг чорлови билан яна алоқаларини тиклашади. Ҳикояда мана шу учрашув жараёнидаги ўзаро мулоқот тасвири асарнинг асосини ташкил этади.

Бинафшанинг чорловига ҳар хил иккиланишлар ва таҳминлар билан келган Ботир Бинафшадаги ўзгаришларни кўриб ҳайратга тушади. У энди олдингидан фақат хуштор сифатида қараладиган Бинафша эмас, балки яна-да гўзаллашган, яна-да дадиллашган ва, энг муҳими, ҳаётда муайян мақсад сари интилаётган билимдон, ишчан бир тадбиркорга айланган замонавий аёл тимсолида намоён бўлади. Ҳаётнинг минг бир чиғириғидан ўтиб, таниқли актрисага айланган, ўзининг хусусий студиясини очган Бинафшанинг Ботирни ёнига чорлашидан мақсади ҳам эски муносабатларини тиклаш эмас, балки уни истеъдодли ижодкор сифатида ўзи яратмоқчи бўлаётган фильмига ҳамкорлик таклиф қилишдан ҳам иборат эди. Шу тариқа улар ўртасидаги суҳбат энг аввало, бугунги адабиёт ва санъат соҳасида кечаётган яхши-ёмон жараёнлар, кино оламидаги муаммолар, бу борадаги турли-туман қинғир-қийшиқ ишлар ҳақидага талқинларга айлана боради. Ёзувчи Бинафша тимсолида бугунги кино санъатидаги энг оғриқли нуқталарни бартараф қилишга жазм этган қаҳрамонни яратади. У бир идеал образ сифатида эмас, балки шу жараённинг ичида юрган, ундаги фожиаларни ўз бошида синаган, лекин ўзлигини сақлаб қололган образ қиёфасида намоён бўлади. Унинг бирдан-бир мақсади халқимизнинг миллий ўзлигини намоён қилувчи фильмлар яратиш. Шу мақсад йўлида Ботирни ёнига чорлайди. Адибнинг "Тўй" номли ҳикоясида ҳам ҳаётимизнинг оғриқли нуқталаридан бири қаламга олинади. Халқимизнинг тўйларда ҳолига қарамасдан ортиқча дабдабабозлик, сохта обрў учун чираниш ҳолатлари фош этилади. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамони Акангқарағайнинг имконияти кўтармаса-да, пойтахтдан катта-катта номдор санъаткорларни тўйга олиб

келиб, ҳаммани лол қолдирмоқчи бўлиши, шу мақсадда қўшнилари, қариндош-уруғларини маслаҳат ошига чорлаши ва тўй маслаҳати тасвири орқали бутун қишлоқ аҳлининг, қариндош-уруғларнинг ўзига хос характер хусусиятларини ёркин даталлар ёрдамида ёритади. Ҳикояда тўй маслаҳати жараёнидаги диологлар, ўзаро мулоқатлар орқали қишлоқ одамларига хос бўлган характерларни бирма-бир фош этиши билан жозибадорлик касб этади. Бу шунчаки тўй маслаҳатигина эмас, одамларнинг турмуш-тарзи, ўй-хаёлари ва орзу- умидларини намоён қилувчи манзарага айланади. Чунончи, шу қишлоқнинг энг бой одами ҳисобланувчи бозорқўмнинг истаҳзоли нигоҳи орқали дастурхоннинг ночорлиги, ҳар-ҳар жойига ташланган тўртта нон ва сочилган оддий қанд-қурс, қачонлардир панжакаш сомон билан сувоқ қилинган, вассажуфт уйнинг ночор кўриниши маҳорат билан тасвирланади. Бу тасвирлар Акангқарағайнинг имкониятларини яққол намоён қилади. Тўй ҳақидаги маслаҳатлар ҳам шунга яраша. Бирови ҳолингга қараб, мундайроқ қилиб ўтказиб қуявер, деб маслаҳат берса, бошқаси пойтахтдан "юлдуз" артисларни олиб келмайсанми, деб пичинг қилади. Қайси бирови эса, қишлоқдан чиққан ва пойтахтда фалон вазирликда катта лавозимда ишлайдиган тоғанинг ёрдамига умид боғлаб, унга учрашишни маслаҳат беради. Лекин Акангқарағай ҳамсояларига вазирликдаги тоғанинг хизмат сафарида эканини айтиб алдайди. Аслида, эса у тоғага учрашган, тоға эса унинг чиранма тўй қилишига қарши чиқиб, насиҳат қилиб жўнатган эди. Ҳозир эса маслаҳатда тўй режаси белгилангандан унинг умидларини пучга чиқариб қўни-қўшниларининг биронтаси ўзларининг тўйга қўшажак ҳиссалари ҳақида лом-лим дейишмайди. Қўшнилар тарқагач, рафиқаси билан ёлғиз қолган Акангқарағай руҳий кечинмасини асарнинг кульминацияси деса бўлади. Ҳикоя кимларгадир аччиқ қилиб, ниманидир кўрсатиб қўйиш истагида ёнаётган аламзада Акангқарағайнинг:

“ - Қиламан! Кафангадо бўлсам ҳам! - муштини фалакка дўппайтириб тубсиз қудуққа дўқ уриш”[20]ида қишлоқ одамлари табиатига ниҳоятда хос бўлган кўтармали хислатларни кўрамиз.

Китобдан жой олган қисса “Пешона” деб номланади. Албатта, бу гап замирида катта маъно мужассам. Пешона билан боғлиқ қисматлар икки хил талқин этилади. Ҳаётда иши юришган, бахти кулган кишиларни одатда, “пешонаси ярқирабди”, дейилса, омадсиз, начор кимсаларга нисбатан, “пешонаси шўр экан” каби иборалар қўлланилади. Қисса қаҳрамони Расул Қодир мана шундай “пешонаси шўр”лардан. Бир вақтлар истеъдодли журналист бўлган, қатор-қатор мақолалар ва “Дуонинг кўчи” номли китобини чоп эттирган Расул бугунги кунда қариялар уйини макон тутган ва ўзининг истеъдоди, билими, бор куч-қувватини сотиб кун кечираётган ғариб кимсалардан бири. Қисса ўзаро мулоқот-у муносабатлар асосига қурилган. Асар воқеаси Расулнинг чорловига кўра қариялар уйига уни излаб борган курсдоши Элбек ўртасидаги мулоқот асосида шакллантиради. Бу хил усул асар ифодасидаги ўзига хосликни таъминлайди.

Асарда тасвирланган қариялар уйи ҳам ўз маъносидан ташқари маълум даражада рамзий маънога эга. У ташқи оламдан темир панжаралар билан ажратилган, бир қарашда тинч-осуда, турмуш ғала-ғовурларидан томоман холи бир жой сифатида таассурот қолдиради. Лекин ёзувчи шу жойнинг ҳам ўз ҳаёти, “ўгри-ю юлғучлари”, “талон-тарож” қилувчилари борлигини ўрни-ўрни билан мулоқот жараёнида ҳикоя қилиб кетади. Асарда Расул фожиаси ўз иқрорлари орқали бутун драматизми билан намоён бўлади. Унинг шундай ҳолатга тушиб, қариялар уйига келиб қолишига энг аввало хотини Мадина сабабчи. Расулнинг айтишича, бир вақтлар нашриётда туппа–тузук муҳаррирлик қилиб юрган Мадина кейинчалик

[20] Қўчимов А. Бинафша.Қисса ва ҳикоялар – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2017. –Б. 70

мутаассиблик йўлига ўтиб, диний қарашлар таъсирида тамоман ўзгаради. Расул бир-иккита курсдош дўстларини уйга олиб борганда, уларнинг олдида нафсониятига тегиб, шаънини ҳақорат қилади. Шу тариқа уйдан бош олиб чиқиб кетган Расул йигирма йилдирки, тўғри келган жойларда яшаб юради ва охир – оқибат оғайниси, раҳматли Саид Мурод ёрдамида шу қариялар уйида қўним топади. Қариялар уйида директор бўлиб ишлаган Саид Мурод Расулга мижозлар топиб келар, иккаласи ижодий ҳамкорлик қилиб, баъзан илмий, баъзан бадиий асарлар ёзиб, уларни пуллашарди. Улар яратган асарлар бошқа муаллифлар номидан чоп этилаверарди. Элбек Расулнинг олдига келган вақтда Саид Мурод вафот этган ва Расул чорасиз ҳолатга тушиб қолган бир пайт эди. Қариялар уйининг пуллик бўлимига жойлашган Расулнинг нафақаси тўловни тўлиқ қопламас, шу боис қўшимчасини ўзи ишлаб топишга маҳкум эди. Элбекнинг келиши учун айни муддао бўлиб, мижозлар топиб келишини ундан илтимос қилади.

Асарда Расул қиёфаси хилма-хил ҳолатларда намоён бўлади. У ғайб оламига ишонувчи, ўзи яратиб олган хаёлот гирдобида яшовчи қаҳрамон. Унинг тасаввурда яратиб олган ўз олами ва шу оламда яшаб ижод қилувчи қаҳрамони бор. ...Кўм-кўк арчаларга бурканган тоғ этагида, шарқираб оқувчи сой бўйида жойлашган сўлим қишлоқ, қўлида челак ушлаб сой бўйига тушган, атлас кўйлак кийган дилбар қиз... Сўлим кечки сокинлик қўйнида найда “чўли ироқ”ни чалаётган ошиқ йигит. Улар ўртасидаги ажиб бир илоҳий муносабат ва тасаввурида кечган севги изтироблари, ишқий саргузаштлари... Расул хаёлида яратган ушбу воқеликни ўзининг ҳақиқий ҳаётидан-да устун қўяди. Энг ёркин ҳис-туйғуларини, кечинмаларини мана шу оламда рўй-рост намоён қилади.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, Расул кечмиши орқали адабиёт ва санъат, илм-фан соҳасида баъзи-баъзи учраб турадиган қинғирликларни моҳирлик билан асар моҳиятида фош қилиб боради. Жумладан, қулоққа чалинадиган миш-мишлар

– илмий ва бадиий асарларни ёзиб бериш, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар орасида тез-тез содир бўлиб турадиган турли-туман ғийбату бадномлар, қасдлашишлар ва бошқа иллатлар киноя билан асар тўқимасига сингдириб юборилади. Асар вокеалари, иштирок этаётган қаҳрамонлар, уларнинг портретлари, номланишларидаги ўзгартишлар, айримларининг эса аслиятдаги сақланиб қолишлари асарга ҳужжатлилик руҳини сингдиради. Бу ҳол айрим ҳолларда асардаги бадиий тасвир билан публицистик руҳнинг уйғунлашувига олиб келган.

Чунончи, курсдош табалаларнинг Низомий номидаги педагогика институтининг кечки бўлимида бир йил ўқиб, кейин кундизга бўлимга ўтиб ўқишни давом эттиришлари вокеасини олайлик. Кундузга бўлимга ўтолмай, кечкида қолган Расул армияга кетади. Армиядан қайтиб келгандан кейин эса янги курсдошларга кўниколмай ўқишни ташлаб кетади ва 63 ёшида ҳам собиқ талабалигича қолиб кетади. Бу воқеалар тасвиридаги аниқлик ва ҳаётий фактлар ёзувчи тасвирлаётган вокеа ва қаҳрамонлар ўз прототипига эга эканидан далолат беради. Асарда ифодаланаётган Саид Мурод, Раҳмат Сафо, Узоқбек, Робиябону, Маҳмуд Салим, Эргаш Мурод, Тоҳир Фалак, Исмоил Файз, Ҳожи каби исмли қаҳрамонлар ҳам кимларгадир ишора қилади, айни пайтда ўша кезлари институтда маърузалар ўқиган, "Антик адабиёт тарихи" дарслиги муаллифи Абдураҳмон Алимуҳамедов, саксонинчи йилларда "Фан ва турмуш" журналида Рустам Обид қатор мақолалари билан машҳур қилган экстрасеанс Мирзакарим Норбеков кабилар, шунингдек, "Сирли олам", "Фан ва турмуш" каби нашрларнинг асл номи билан тилга олиниши, Жуна ҳақидаги китоб таржимаси ҳақидаги фикрлар бунинг ёрқин далилидир. Таъкидлаш жоизки, ёзувчи қаламга олаётган манбаларни чуқур ўрганган, яхши билади. Шу боис ҳам асарда адабиёт, санъат, илм-фан, диний масалалар ҳақидаги кўпдан кўп фикрлар тиниқ баён этилган.

Асарда Расул қисматидан ташқари Салим Султон қисмати ҳам берилган. Талабалик даврида энг билимдон, келажаги парлоқ истеъдод сифатида ёрқин таассурот қолдирган, аммо ўқишни тугатиб, туғилган юрти Нурободга кетиб қолган Салим Султоннинг кейинчалик анчайин ўртамиёна кимсага айланиб қолиши ҳам қизиқарли ҳаётий эпизодлар орқали очиб берилади.

Талабалик йиллари қалин дўст бўлган иккови орадан ўн йиллар ўтгач, Элбек пойтахтда ёшлар газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаб юрган кезлари учрашишади. Курсдоши Тоҳир Тешабоевнинг таклифи билан бир автобус бўлиб Нурободга "маёвка"га борган Элбек Айдаркўл бўйида Салим Султон билан учрашади. Дўстини кўриб хурсанд бўлганидан унинг ишларини суриштиради, район газетасида бош муҳаррир эканидан, туман раҳбарлари орасида обрўси баландлигидан хурсанд бўлади. Кейин эса кутилмаган воқеа руй беради. Иккаласи кўл бўйида, газак билан битта шишани майдалашаётганда, Элбекнинг "Тошкентни соғинмадингизми, бормайсизми?" қабилидаги саволига авзойи бирдан ўзгариб, ғазаб ва аламзадалик билан қуйидагича жавоб беради:

" – Мен ҳазиллашаётганим йўқ. Тошкентга боришимни ростдан ҳам истайсизми? – Кўзларини лўқ қилиб саволини қайтарди у. – Ичимлик таъсирида, албатта, ялтиллаб турган икки кўзида иккита шайтон иржайиб тургандек туюлиб кетди. – Ичингизда: Тошкент тарафларда қорангни кўрмай, деб турибсиз-у..."[21]

... " – Кайфим ҳам, ақлим ҳам жой-жойида. Ясама гапларни қўйинг. Мен барисини биламан! – Елкасини силкитиб қўлини олиб ташлади у. – Сиз мени ёмон кўрасиз, кўролмайсиз. Йўқ, деманг. Сиздан устун, сиздан қобилиятли бўлганим учун ёқтирмайсиз, шаҳрингизга боришимни мутлақо хохламайсиз!"[22].

Аламзадалик билан эшитганда илон пўст ташловчи гаплар-

[21] Ўша манба. 41 бет.

[22] Қўчимов А. Бинафша.Қисса ва ҳикоялар – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 2017. –Б.41.

дан анча-мунчасини гапириб ташлаган Салим Султон Элбекнинг астойдил жаҳли чиқиб, масалани жиддий қўя бошлаганида, бирдан тусини ўзгартириб, хо-холаб кулганича ҳазиллашаётганини айтиб, гапни буриб кетади. Лекин унинг алам ва ҳасаддан бўғилиб кетаётганини Элбек ҳис қилиб турарди.

Ёзувчи одамзоднинг ичига ўрнашиб олган ҳасадгуйлик деб аталувчи шайтоний иллатларни асарда ғоят жонли ва ҳаққоний тасвирлар орқали фош қилади. Асарда Салим Султоннинг кейинги тақдири ҳам ўзига хос. У ҳақиқатдан ҳам нафақага чиқиш арафасида қўч-кўрони билан Тошкентга келади. Туман газетасида босилган мақолаларини жамлаб, бир-иккита китоб чиқаради. Бу соҳада иши юришмагач, охири бошига дўппи кийиб, қўлида тасбеҳ – мўлла Салимга айланиб, ваъзхонликни ўзига касб қилиб олади.

Бир томонда Расул Қодир тақдири, бир томонда Салим Султон қисмати. Ёзувчи одамзод табиатидаги хислат-у иллатларни ана шундай кўплаб қаҳрамонлар ҳақидаги ҳикоялари билан баён этади. Уларнинг айримлари ўзи гувоҳ бўлган ҳаётий, айримлари тўқима бўлиши мумкин, лекин айни воқеалар фонида инсон қисматининг ғоят чигал, ғоят шафқатсиз эканига амин бўламиз.

Энг муҳими, асарда тасвиранаётган курсдош-у ҳамкасблар муносабатлари, худо берган истеъдодини намоён қилган ёхуд қилолмай, пулга чақаётган, пешонасига битилганини кечираётганлар тақдири ҳеч бир китобхонни бефарқ қодирмайди, улар ҳақида мушоҳада юритиш, муайян хулосалар чиқаришга ундайди.

Истеъдодли ёзувчи Нормурод Норқобилов ижодининг етакчи мавзусини ҳам глобаллашувнинг туб асоси бўлган маънавий-миллий қадриятлар ташкил этади. Зеро, унинг ижодига хос муштарак жиҳатлардан бири она заминимиз табиати билан бағрикенг, дўлвор, мард, танти, ор-номусли халқимизни, унинг миллий-маънавий сиймосини, қалб кечинмаларини бир бутун уйғунлик билан тасвирлашида кўзга ташланади.

"Қорақуюн" ёзувчининг дастлабки романи. Асарнинг номланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бордек. Қорақуюн ёвузлик тимсоли сифатида йўлда учраган барча нарсани ўраб-чирмаб ҳалокатга маҳкум этувчи кучдир. Асар мана шундай ёвуз куч – қорақуюнни вужудга келтирувчи маънавий асослар ҳақида ёзилган.

Таъкидлаш жоизки, роман адиб ижодида янги босқич сифатида эътиборга молик. Ёзувчи бу асарда ҳам ўзининг ижодий-эстетик принципларига содиқ қолиб унинг моҳиятига ор-номус, диёнат, маънавий гўзаллик каби миллийлик либоси билан безатилган умуминсоний фазилатларни қўяди. Бироқ романнинг ифода йўсинида, конфликт ҳосил қилиш, бадиий унсурлар орқали манзара яратиш, рамзларга, халқ оғзаки ижоди мотивларига кенг мурожаат қилиши билан олдинги асарларига нисбатан бир қадам илгари кетганлигини таъкидлаш жоиз.

Асар тоғ этагида истиқомат қилувчи аждодларимиз ҳаётидан бир лавҳа сифатида тақдим этилади.

Роман тасодифан бошқа қабилага қўлига тушиб қул қилиб ишлатилган Эрманнинг у ердан қочиб келиши воқеалари билан бошланади. Эрман тутқинликда бўлган кезлари қабила бошлиғи Итолмаснинг ғулда сақланиб ваҳшийлашган итларни ўзи каби тақдирдошларга олқишлаб, ажал рўпарасида даҳшат ва қўрқувдан ақлдан озар даражада тиртаб-қақшашларидан ҳузурланишини кўриб, ўз танаси ва онгу шурурида синаб кўрар экан, бир неча бор онани ўртага қўйиб ундан ўч олишга қасам ичади. Шу тариқа асар конфликти қуллик ва озодлик, қасам ва қасос каби маънавий оламнинг жон томирлари ўртасидаги зиддият асосига қурилади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ушбу зиддиятни асарнинг бошидан охиригача таранг тортилган камон ипидек драматик ҳолатда тасвирлашга эришади.

Қасам ва қасос ўтидан жигар-бағри қовурилган Эрман тутқинликдан қочар чоғида қабила бошлиғининг оқ тулпори ва чакмонини ўлжа қилиб олиб кетади. Шу боис у Итолмаснинг, албатта, орқасидан излаб келишига ишонар ва шунга

тайёргарлик кўрар эди. Итолмасга нисбатан пайдо бўлган аёвсиз қасос ўти Эрманни мувозанатдан чиқариб, кечирилмас хатолик сари бошлайди. Ёзувчи маҳорат билан қасам ва қасос инсонни фожеага маҳкум этишини бадиий бўёқларда асослаб беради. Гап шундаки, қулликда чеккан азоблари учун қасос ўтида ёнаётган Эрман ўз мақсади йўлида билиб-билмай бошқа бир жонворни - итни(Қорақуюн) тутқунликда (ғулда) сақлаб, ғаниминнинг чакмонини ҳид олсин дея унинг оёқлари остига ташлайди ва душманига нисбатан қасос туйғусини шакллантиришга ҳаракат қилади. Асар хотимасида итни ғулдан бўшатишдаги эҳтиётсизлиги оқибатида унинг ғазабини қўзитган Эрманнинг ўзи унинг қурбонига айланади. Ғулдан бўшатилган ит ғазаб билан Эрманни ғажиб ташлаб бепаён кенгликлар сари отилиб озодлик нашидасини суради.

Асарда ёзувчи ижодида онда-сонда бўй кўрсатадиган бадиий параллелизмнинг ўзига хос намунасини кўрамиз. Адиб худди Жек Лондон, Чингиз Айтматов асарларидаги сингари инсон билан итнинг қалб кечинмаларини параллел равишда маҳорат билан тасвирлайди. Бу ўринда ғулдаги итнинг кечинмалари мажозийлашмайди, балки ит ҳайвон сифатида намоён бўлади. Китобхон унинг кечинмаларини табиий ҳол сифатида қабул қилади.

Ёзувчи Эрманнинг тутқунликдаги ҳаётини бор драмаси, фожиалари билан тасвирлайди. Унинг чоҳга ташлангандан кейин ўзига ўхшаган тўрт-бешта тутқунлар билан биргаликда қум ўйиб олтин излашлари, қабила бошлиғи Итолмаснинг ғулдаги итларни тутқунлар устига гиж-гижлаб ваҳшат солиб қўрқитишлари, Итолмаснинг бекаси, бошқа қабилалик Ойбекачнинг асирларга хайрихохлиги, имконият пайдо бўлганда Эрманнинг қочишига ёрдам бериши, ёрдам берар экан, бу ерларга ўч олиш мақсадида бошқа қайтиб келмасликка ваъдасини олиши психологик жиҳатдан асосланганлигини кўрамиз. Эрман тутқунликда яшаганда озодлик ҳақида қанча орзу қилган, қўмсаган бўлса, айни шу ҳолат у ғулда сақлаётган Қорақуюнда ҳам рўй беради. Ҳар куни бўри эти билан боқиб, кафасдаги пишиқ новдаларни тиши билан ғажиб, оёқлари остидаги Итолмаснинг чакмонини ғажиб ёвузлашаётган итнинг димоғига аҳён-аҳёнда шамол билан узоқ-узоқлардаги авлодларининг ҳиди урилади, онгининг қайсидир бир бурчакларида кенг қир-далаларда елиб юрганлари ярқ этиб нишон бериб қолади. Шунда у тор кафасга сиғмай, бутун гавдаси билан ваҳшат солиб тўсиқларга ўзини уради. Ёзувчи Эрман билан Қорақуюннинг қалб кечинмаларнинг параллел равишда тасвирлар экан, кечинма сифатида эрк, озодлик ҳақидаги ўй-хаёлларини асосий ўринга қўяди. Шу тариқа Эрман билан унинг тутқуни бўлган Қорақуюн қисматдош қаҳрамонларга айланади.

Романда Эрмандан ташқари бир қатор образлар ёритилганки, ёзувчи уларнинг ҳар бирининг индивидуал жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Қабила оқсақоли Оқбўта, Эрманнинг акаси Қалайбек, ҳар замонда бир келиб душманнинг келишини башорат қилиб айтиб кетадиган Бибисора кампир, Итолмаснинг бошқа қабиладан олиб қочиб келиб уйланган аёли Ойбекач, дўсти Омонтой ва бошқа қабиладошлар шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидланганидек, асарда бир қатор рамзий маънони ифодаловчи образлар ҳам учрайди. Чунончи Қалайбек томонидан тарашланган ва сағриси қояга ёпишиб турган от детали, қоя ва дараларнинг номланишлари (Қўшқунмас ғори, Дониш ота, Ажина қоя) даги рамзий мазмунлар асар поэтикасини янгича маъно билан бойитади.

Атоқли шоир А. Орипов Собир Ўнарнинг "Бибисора" китобига сўнгсўз ўрнида ёзган "Умидимиз катта" номли мухтасаргина иншосида адиб ижодининг бир қатор ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтади. Жумладан, адиб асарларида самимийлик, чин эҳтирос, табиийлик ва миллий рух устиворлик қилиши, ифода йўсинида "халқона, ўзбекона иборалар" ишлатилишига эътиборни жалб қилади.

"Собир Ўнар асарларида миллийлик, колорит жуда табиий

детали орқали бадиий далиллайди. Мазкур деталь орқали амакиси Султоннинг кутилмаганда тезкор уйланишга жазм қилиши ва асарга янга ҳамда чегачи чол образларининг кириб келишига асос бўлиши баробарида боланинг кейинги тақдирида ҳам янги даврни бошлаб беради.

Бир қарашда бир-бирига ҳеч қандай алоқаси йўқдай туюлган бу образлар асар силсиласида давр фожиаси ва ижодкор концепциясини ифодалашга асос бўлади. Таъбир жоиз бўлса, асар концепцияси етакчи қаҳрамоннинг бир томонида Янга=Бибисора, иккинчи томонида чегачи чол=Фахриддин йўналиши асосида очила боради. Янга образи қаҳрамоннинг "ғўр ва дағал" қалбини нафосат оламига бошлайди, меҳр-муҳаббат туйғулари билан тўлдиради. Бола янга туфайли Бибисорага интилади, ўсмир қалбида севгининг романтик ҳисларини туяди. Чегачи чол ва унинг ўғли Фахриддин орқали эса ёвузлик ва адолатсизликлар билан тўқнаш келади, уларга бўлган муносабати орқали дунёқараши шаклланади, ҳаёт оқ-қора ва турфа хил ранглардан иборат мураккаб жараён эканини англай бошлайди.

Бироқ, таъкидлаш зарурки, қисса қаҳрамони ҳар доим ҳам воқеликнинг ўзини ҳикоя қилавермайди, балки унга фаол муносабатини ифода этади. Шу боис асарни муносабатлар асосига қурилган асар, деб баҳолаш мумкин. Бу ҳол қиссанинг ифода йўсинида ўзига хосликни юзага келтириб, асарнинг оригиналлиги ва ёзувчи маҳорати сифатида намоён бўлади. Айни пайтда бадиий асар ҳаётнинг кўчирилган нусхаси эмаслигини таъкидлаш жоиз. Ундаги кечмиш жараёни бадиийликнинг муҳим хусусияти бўлган шартлилик асосида зуҳур бўлади. "Яъни шу туфайлигина бадиий воқелик реаллик билан чалкаштирилмайди, бадиий асар матн даражасидагина қолиб кетмасдан эстетик объект сифатида қайта яралади[25].

Шу нуқтаи назардан қаралганда, асарда "хат" детали муҳим ғоявий-бадиий мазмунни ифодалайди. Почтачи бир сафар болага иккита хат беради. Хатнинг биттаси Султон амакисига эди. Унинг адресига биров ўқиёлмайдиган қилиб, Танями деб "ажу-бужи" имзо қўйилган. Почтачи яна "чегачи чолга бериб қўярсан", деб болага қалин конвертни ҳам тутқазади. Бола Султон амакисига хатни олиб бориб беради. Дастлаб онаси билан ўрис келинигиздан хат келибди, деб ҳазил-ҳузил қилиб турган Султон олти бетлик хатни ўқигандан кейин "дув қизариб бўриқиб кетди". Онасининг товушингни чиқариб ўқи, деган иддоасига "-Ўрисчани тушунмайсизда", деб хатни яна бир марта ўқиб чиқади. Ёзувчи Султондаги ўзгаришларни қуйидагича тасвирлайди.

" Амаким эътибор бермай олти бетлик хатни охиригача ўқиб чиқди. Сўнг беихтиёр уни яхшилаб қатлади-да қўйин чўнтагига тиқди.

- Ҳайит қачон? – деди ўшандай паришон ҳолда.
- Олти кундан кейин, - деди онаси.
- Олти кундан кейин Суюндик билан янгангникига ҳайитлик юборасизлар, - деди менга амаким".(9-бет)

Олти бетлик хатда нималар ёзилган–у, нега Султон амакиси тўйни тезлаштириб юборди. Бу томонига ёзувчи изоҳ бериб ўтирмайди. Бунинг жавобини тўйдан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас кечаси уй орқасига ҳожатга чиққан боланинг ёпилмай қолган дарчадан тасодифан келин-куёвнинг интим "оҳ-воҳи"ни эшитгандаги руҳий ҳолати орқали олгандай бўламиз. Боланинг назарида фариштадек маъсума янгаси ҳам тўшакда "...ўзига қўтосдай ташланаётган эркакнинг қулоқлари тубига беихтиёр чўзиб "жони-им!" деб юбориши аклга сиғмас ҳодиса эди.

Тушуниб бўлмас эди. Кечириб ҳам бўлмас эди."(17-бет)

Шу тариқа бола кўнглида янгага нисбатан илк бора ғубор пайдо бўлади. Уч-тўрт кун уларнинг кўзига кўринмай юради. Бироқ бола бола-да. Янгасининг:

" - Бу асал бола бизникига бормай қўйди. Хапаман. Янгасини ёмон кўрадими ё?" - (18-бет) деган эркалашидан кейин кўнглидаги ғубор бирдан тарқаб кетади.

Юқорида таъкидланганидек, қиссада кечадиган барча дра-

[25] Қуронов ва б. Адабиётшунослик луғати. Т.:2010. –Б.56.

матик вокеалар “хат” детали билан узвий боғланган бўлиб, чагачи чол билан у ёки бу тарзда дахлдордир. Ёзувчи чегачи чолни китобхонга бола тилидан қуйидагича таништиради: “Чолнинг кўриниши алламбало. Елкасига хуржун ташлаб олади. Телпакли узун қора плашини ҳечам ечмайди. Қишнинг изғиринли кунларида мотоцикилчиларникига ўхшаш катта кўзойнак тақиб олади. Қош-кўзини совуқдан сақласа керак-да. Чолни Ўшданми, Жўшданми, бир ёқдан келган дейишади. Албатта, бу юртларни биз билмаймиз. Шунинг учун чет эллик деб ўйлаймиз”.(6-бет). Чегачи чол одамларнинг синган чойнак-пиёлаларини чегалаб, уйларида ётиб юради. Бобосининг тумшуғи синган чойнагини чегалаб бериб, уйинининг тўрини ҳам ўзиники қилиб олади.

Маълум бўладики, янгаси ҳам унга ўхшаб ўша кўк кўз чегачи чолни ёқтирмас экан. Янгасининг айтишича, чол уларнинг қишлоғига ҳам бориб чегачилик қилган, почтахонага кўп қатнар, кимлардандир бошқача конвертда русча ёзилган хатлар келармиш, буям ўшандай конвертда жавоб ёзармиш... Янгаси уни “Шпионми, дейман-да”, дейди.

“Шпион чол, амакимнинг уйида ҳам уч-тўрт кун яшади. Тўйда синган бир-икки пиёла, чойнакларни ямаган эмиш. Сўнг яна бизникига қайтиб келди. Бора-бора сездимки, бобом ҳам уни ёқтирмайроқ қолди. Ўз ишига уннаб, чолни ҳоли ташлаб кетадиган бўлди”.(18-бет)

Ёзувчи шу тариқа бола нигоҳи орқали асарга ортиқча изоҳларсиз чегачи чолнинг сирли сиймосини олиб киради. Вокеалар ривожида унинг хатти-ҳаракатлари китобхондаги жумбоқни янада оширади. Ёзда янганинг синглиси меҳмон бўлиб келади. Бибисора опасига ўхшаб бўлар-бўлмасга шарақлаб кулавермас, бекинмачоқ ўйнаганда ўғил болалардан ҳам илдам чопадиган қиз экан. Бола опасига ўхшаш шаҳло кўз қизнинг мафтуни бўлиб қолади. Қиз уйига қайтиб кетгандан сўнг унга хат ёзмоқчи бўлиб янгасидан адресини сўрайди.

“ - Акангизга божа бўлмоқчимисиз, дабба ?- деди янгам ва

энтикиб-энтикиб кулди. Мен бу сўзни тушунмадим, лекин уят гап бўлса керак, деб ўйладим”.(19-бет)

Бола Бибисорага хат ёзади. Бибисора унга жавоб ёзади. Одатда хатларининг мазмуни оиласи, қишлоғи, ўқиётган мактаби ҳақида бўлади. Хат сўнгида бир-биридан расм сўрашади. Хуллас, ёзувчи бола тилидан ўша давр қишлоқ ҳаёти учун типик ҳол бўлган вокеаларни қаламга олади. Одатда бундай хат ёзишлар “куйдим-ёндим” дан холи, кўпроқ катталарга тақлид экани хатларнинг мазмунидан англашилади.

Бола билан чегачи чол ўртасидаги муносабатлар ушбу ёзишмалар чоғида кесишади. Одатдаги хат ёзишлардан бирида бола “Ж+Б=С” деб ёзади ва конвернинг елимланган жойига “Ўз қўлига тегсин!” деб катта ҳарфлар билан ёзиб ҳам қўяди. Унинг бу хатти-ҳаракатларида ҳам болаларча беғуборлик, катталарга тақлид сезилиб туради. Бироқ нимагадир ушбу хат чегачи чолнинг қўлига тушади. Эртаси куни чол уни кўчада ушлаб: “- Сенга севишни ким қўйибди, сволоч!”- деб сўмкасидаги расмини ҳам олиб хат билан бирга йиртиб кўчага сочиб ташлайди. Чолнинг ушбу тажовузкор хатти-ҳаракатлари боланинг опасиникига келган Бибисора билан бирга ўйнаётганда янада авж олади. У боланинг рўпарасида пайда бўлиб юзига ғазаб билан чарсиллатиб шаполоқ ториб юборади. Ушбу тасвирларни ўқиган китобхонда чегачи чолнинг сирлилиги тағин ортади. Чегачи чол ким ўзи? Нега у амакисининг уйида ўралашиб юрибди. Нега янгаси уни шпион деди. Боланинг Бибисора билан учрашувига нега монелик қиляпти?

Бу каби қатор саволларга жавоб беришга ёзувчи ошиқмайди. Балки боланинг онаси тилидан дастлабки муҳим маълумотни китобхон эътиборига ҳавола этиб сирлиликни янада оширади. Болани ургандан кейин чол қишлоқдан ғойиб бўлади. Бола унинг елкасини букчайтиб кеч қоронғисида Оқзов томон кетаётганини кўради.

Онасининг айтишича, чол урушдан кейинги йиллар мактабда дарс берар экан. Унинг Соритой исмли тоғасини ўрок

билан чавақлаб қочиб кетган экан. Боланинг "Нега сўяди?", деган саволига онаси буни ҳеч ким билмаслигини, лекин тоғаси саводли одам бўлиб, райондан китоб, газетлар олиб келиб ўқиб туришини айтади. Ушбу жавобда ҳам ёзувчининг нималаргадир ишораси сезилиб туради.

Бу орада янгасининг бўйида бўлиб, фарзанли бўлади: "Бир бўлимли ўғил туққан эмиш: новча, кўзлари кўкиш. Кимгаям ўхшарди, амакимгада: полвон бўлса, кўзи кўк эмас, маллатоб".(24-бет)

...Йиллар ўтиб бола улғайди. Энди у юқори синф ўқувчиси. "Янгам ҳам бир этак бола туғиб ташлади,- деб ҳикоя қилади У. Ҳаммаси ўғил. Ҳаммаси оппоқ, полвон болакайлар. Фақат каттаси новча, ориқ, қора ва кўк кўз. Бошқанинг боласидай ажралиб туради".(24-бет)

Ушбу фикрлар китобхонга чегачи чол ҳақида очиқ-ойдин ишора қилади, ҳаётнинг фожиавий нуқталаридан огоҳлантиргандек бўлади. Чегачи чол ғойиб бўлади-ю, йиллар ўтиб мактабга шаҳардан Фахриддин исмли физкультура ўқитувчиси келади. Унгача тарихдан дарс берувчи Сайпи муаллим машғулот ўтар, иши болаларни олтмиш метр масофага югиртириш, айтадиган гапи: "Бошинг етсин, кетинг қайтсин! Тушундингми?" дейишдан иборат бўларди. Қорачадан келган қаттиққўл бу муаллим кўп ўзгаришлар қилади: болаларнинг кучи билан валейбол майдончаси қуради, турник ўрнатиб, нафақат ўғил болаларни, балки қизларни ҳам спорт формаси кийиб турникка тортиниш, майдончада югуришга мажбур қилади. Хуллас, бир қатор ижобий ўзгаришлар туфайли баҳорги туман спартакиадасида яхши ўринларни олишади. Қўли қаламга келиб қолган асар қаҳрамони спартиакада натижалари ҳақида туман газетасида мақола ёзиб чиқаради.

Бироқ ўқитувчи дастлабки кунларданоқ асар қаҳрамонига худди қасди бордек ҳар хил йўллар билан тазйиқ ўтказа бошлайди. Энг кийин машқларни бажартиради. Паст баҳо қўйиб таҳқирлайди. Лола исмли ўқувчини йўлдан уриб, уйига кўчиб ўтади.

Уларнинг муносабатлари одамларнинг гап-сўзларига сабаб бўлади. Бироқ ҳеч ким унга қаршилик қила олмайди. Ўзи асли саводсиз, қўрқоқ мактаб директори норози бўлганларни шаҳардан махсус юборилган ўқитувчи, деб бости-бости қилади.

Муаллимнинг асл барашасини болага онаси ошкор қилади. Маълум бўлишича, у чегачи чолнинг ўғли бўлиб, бир вақтлар Соритой тоғасини чавақлаб, уч кундан кейин унинг беваси Гулойни олиб қочиб кетган экан. Фахриддин шу аёлдан туғилган фарзанд бўлиб, онасининг вафотидан кейин қишлоққа келиб кўп номаъқулчиликлар қилаётган экан.

Боланинг шикоятига асосон келган комиссия ўқитувчини айбдор деб топади. Уни олиб кетишаётганда, боланинг олдига келиб қуйидаги гапларни айтади:

" – Чавандоз аканг бор-а, Султон деган? Шерали деган ўғли бор-а? Ўша бизнинг ука бўлади. Тушунасанми бунақа гапларга? Бу қишлоқда бизнинг уруғларимиз бор. Улар ҳали отилиб чиқади. Бизни излаб топади. Янгангга, чавандозга тайинлаб қўй, укамизни яхшилаб боқишсин, ўрток Жонибеков!

Унинг кўзларидан яшин сачрагандек бўлди.

Машинага чиқаётиб ортига, аниқроғи, менга тағин тикилди. Чамамда бўрининг кузлари шунақа бўлса керак. Ғижиниб "Жонибеков" деди яна, тишларининг орасидан тупук сачради.

Кетди. Қайтиб қорасини кўрсатмади."(42-бет)

Ёзувчи асар қаҳрамонлари характерини очишда психологизмдан деярли фойдаланмаган. Характерлар руҳияти асосан боланинг муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва нутқий деталлар орқали очилади. Бироқ асар кульминацияси, ечим боланинг ички монологи асосига қурилган бўлиб, асл мақсад шунда тўла намоён бўлади.

Бола сулувларнинг сулуви, бокиралик тимсоли деб билган, ғўр ва дағал болалигига маъно киритган янгасига хаёлан мурожаат қилади: "Наҳот, наҳот менинг Тўлғоной янгамнинг этагига ит теккан бўлса? ...Наҳотки ўша сассиқ чол учун ҳамманинг уйи, нафақат уйи ҳатто бокира қучоғи ҳам очиқ бўлса?!"(43-бет) Бола

ҳаммани, ўзини, отасининг қотилидан ўч олишни билмаган, журъатсиз тоғаларини, қўрқоқ, барча адолатсизликларни хашпўшлашга интилган мактаб директорини, бир мард эркакнинг бахтини очадиган гулдай қизи Лоланинг номусини ҳимоя қилолмаган ота-онани, хуллас бутун қишлоқ аҳлини айблайди.

У қўшни қишлоқда, ўзи учун энг азиз бўлган инсон Бибисора ўқийдиган мактабга кетишга аҳд қилади. Шу кунларда Бибисорадан хат келади. Хатда қуйидаги сатрлар ҳам бор эди:

"Дарвоке, бизнинг мактабгаям янги физкультура устози келибди. Унинг ҳам исми Фахриддин экан. Шаҳардан келган дейишади... Қора плаш кийиб юрармиш..."(45-бет)

Боланинг монологи ва Бибисорадан келган хат мазмунини кенгроқ миқёсда талқин этадиган бўлсак, ёзувчининг асл мақсади ойдинлашади. Халқимизни мутеликка маҳкум этган ёвузлик кучлари нақадар яшовчан, бирини мавҳ этсанг иккинчиси пайдо бўлаверади, бинобарин, катта ҳаётга қадам қўяётган қисса қаҳрамонини ҳали олдинда кўп синовлар кутиб турибди, деган ғоя асарнинг асосий лейтмотивини ташкил этиши англашилади. Сўнгги даврларда чоп этилган қиссаларнинг мазмун-мундарижаси, бадиий савияси, ифода йўсини турлича бўлишига қарамай, уларни боғлаб турадиган битта муҳим жиҳат бор. У ҳам бўлса, бугунги глобал муаммолардан бири - инсон маънавиятидаги эврилишлар, инқирозлар, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий курашнинг инсон қалб кечинмалари билан бир бутунликда намоён бўлишидадир.

Исажон Султоннинг "Ҳазрати Хизр изидан" номли қиссасида халқимизнинг турли ривоятлар асосида етти ёшдан етмиш ёшигача таниш бўлган ва ўзининг саховатпешалиги, хожатбарорлиги билан асрлар давомида халқимиз онгига сингиб кетган Ҳазрати Хизр сиймосини яратиш мақсад қилиб олинган. Асарни таҳлил қилишдан олдин бир масалага эътиборни қаратиш лозим. Қисса одатдаги қиссалардан фарқ қилади. Асар Ҳазрати Хизр билан боғлиқ бўлган ўзбек ва жаҳон халқларида учровчи энг қадимги миф ва асотирлар, ривоят-у ҳикоятлардан

тортиб диний ва дунёвий, ҳатто ғайб оламига оид энг замонавий илмларнинг уйғунлигида яратилган, деган мушоҳадага изн беради. Шунга кўра қиссанинг ифода усулида ҳам бадиий, илмий ва публицистик руҳнинг қоришиқ ҳолати устуворлик қилишини кузатиш мумкин.. Ёзувчи Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ бўлган жуда кўп ривоят ва афсоналарни, қадамжоларни, илмий-амалий характеридаги анжуман материалларини, мавзуга оид бошқа манбаларни чуқур ўрганган ва уларни маълум бир композицион яхлит мавзуларга бирлаштирган. Шунга кўра асар жанрини эсса-қисса деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Қисса композицион тузилишига кўра олти қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда берилган ҳикоятлар маълум бир мавзу атрофида бирлаштирилганини кузатиш мумкин. Қиссанинг биринчи "Қизилқумдаги воқеа" деб номланган, дебоча вазифасини ўтовчи ҳикоятда сувсизликдан ўлим ҳолатига келган ночор жайрон боласини тусатдан пайдо бўлган яшил тўнли, ҳатто сояси ҳам бўлмаган муйсафиднинг кафтларини қумга қўйиб булоқ ҳосил қилиб, ҳалокатдан қутқариши ҳикоя қилинади.Чанқоғини қондирган жайрон боласи тетикланиб онаси ёнига қайтади. Унга қайта ҳаёт бахш этилади. Шу-шу қоқ саҳро қаърида пайдо бўлган ҳайвонот-у набобат оламига жон бағишлаб турадиган бу оби-ҳаёт чашмани одамлар кейинчалик жайронбулоқ деб атай бошлашади. Бора-бора бу булоқнинг номи одамлар тилида жарабулоққа айланиб кетади.

Ушбу эпилогдан сўнг "Ҳазрати Хизр мозори" ва бошқа кўплаб ривоятлар асосида яратилган Ҳазрати Хизр ҳақидаги ҳикоялар баён этилади. Улар ичида "Дашти туз", "Буғдойзор воқеаси", "Юнус халфа қиссаси" каби ҳикояларда Хизрнинг одамларга ҳам, парранда-ю даррандаларга ҳам бирдек ёрдам кўрсатувчи сиймо экани тасвир этилади. Қиссанинг иккинчи қисмида эса Ҳазрати Хизр, унинг нечта зот бўлганлиги ҳақидаги мулоҳазалар баён этилади. Зеро, Ҳазрати Хизр номи барча миллат-у элатлар, халқларнинг ривояту афсоналарида экс этиши хусусилаги манбалар жой олган. Умуман бу қиссадаги

барча Ҳазрати Хизрга оид манбалардаги асосий ғоявий мазмун одамларни ҳалол яшашга, эзгулик билан умр гузаронлик қилишга, қўлидан келганича яхшилик қилишга ундовчи ҳикоятлар билан тўлдирилган.

Адабиётшунос У. Жўрақулов "Хамса"да Искандар ва Хизр образлари" номли мақоласида Хизр образи билан боғлиқ манбаларни ёритар экан, унинг яшовчанлигини таъминловчи уч хусусияти ҳақида фикр юритади. "Булар Хизр образига хос ғайриоддий билим, абадий ҳаёт ва жоҳангашталикдир".[26] Асарда келтирилган кўпчилик ҳикоятлар юқорида қайд этилган Хизр тийнатига хос хусусиятларни ўзида ифодалаб келади.

Асарнинг учинчи қисмида Миллий университетнинг фалсафа факультетига Шарқ мамлакатидан келган хорижлик домланинг "Халқ ривоятлари ва замонавий фан" мавзусидаги маърузасини тинглашга йиғилган талабалар, кириш нутқи идрок қилиб Ҳазрати Хизр ҳақидаги афсоналарнинг ғайритабиийлиги, ҳаёт мантиғига туғри келмаслиги ҳақида ўз мулоҳазаларини баён этиб, қўштирноқ ичида ўз "билимдонлиги"ни намойиш қилаётган дониш домла қисмати ҳикоя қилинади. Айни ўринларда ёзувчи хорижлик домла тилидан баён этилган Қизил денгиз бўйидаги воқеалар тизими, Муса (а.с.) ва Навиннинг саргузаштлари, музлаган балиқнинг тирилиш ва денгизда из қолдириб сузиб кетиши, унинг Ҳазрати Хизр сиймосида боқийликка маҳкум этилган онда асл ҳақиқатни англаб қалби нурафшон бўлиши воқеаларини жонли бўёқларда тасвирлайди. Ёзувчи асарда китобхонга бот-бот мурожаати асосида гайримантиқий деб ҳисобланган ҳодисотларнинг мантиқий асосга эга эканини ўзига хос деталлар орқали тасвирлайди (Балиқ ютган Юсуф, музлаган балиқнинг тирилиб, денгизга сузиб кетиши, дераза раҳида сўлиган қавоқ пояси ва ўлган пашшанинг тирилиши ва ҳ.к.).

Асарнинг ака кечинмалари асосида ота-онага таъриф берувчи лавҳалар ўзининг жозибаси, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Ёзувчининг маҳорати шунда кўринадики, одамзод ўз умри давомида ота-она ёхуд бошқа сиймолар тимсолида ҳар қадамда Ҳазрати Хизрга дуч келишини тасаввур ҳам этмай, билмай яшашлари ҳақидаги оддий ҳақиқатларни англатишга жазм қилади. Қиссадаги бундай лавҳаларнинг маърифий аҳамияти катта, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, айрим камчиликларига қарамай, юқорида таҳлилга тортилган асарлар адабий жараёнда ўз ўрнига эга экани, адабиётимизни бойитишга лойиқ асарлар сифатида тақдим этаётганини таъкидлаш ўринли.

Аёл қисматининг бадиий тасвири

Аёл муқаддас, аёл англаб бўлмас ҳилқат. Аёл ва унинг мураккаб тақдири мавзуи бадиий тадқиқига бағишланган Б.Худойбергановнинг "Аёл армони" асарида аёлнинг мураккаб рухий ҳолатлари, изтироб, орзулари, армонлари маънавий муаммолар фонида тасвир этилади[27]. Асарга ёзилган сўзбошида ҳам аёл дунёси тилсимли дунё эканлиги, зоҳирий ҳаракатларини кузатиш орқалигина бу оламни қисман эгаллаш мумкинлиги, дугона тутинган аёлларнинг турмуш сўқмоқларидан қай тариқа одимлагани, орзу-истаклари, армону изтиробларининг ёркин тасвирлангани миллий насримиз учун деярли янгилик экани таъкидланади. Мазкур романда ҳаётнинг унчалик кўзга ташланмайдиган қирраларини талқинига рўбарў келиш айни шу хусусиятлар роман қадрини янада оширирувчи ва китобхонни нотаниш тилсимотлар ифодасига ошно қилиши, асарнинг ютуғи сифатида эътироф этилади[28].

Роман олий ўқув юртини тугатиб, катта ҳаётга отланган уч дугона қисматига бағишланган. Асар олийгоҳни тугатиб ўз юртига қайтаётган дугоналарнинг хайрлашув эпизоди тасви-

[26] Шарқ юлдузи. 2017. № 2. 73-бет.

[27] Ушбу фасл тадқикодчи Ф. Бурхонова билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

[28] Худойберганов Б. Аёл армони. Т.: "O`ZBEKISTON"НМИУ, 2012. Б. 2 (Кейинги саҳифалар кавс ичида кўрсатилади).

ри билан бошланади. Эпилог сифатида берилган ушбу тасвирдан сўнг 15-20 йиллик танаффусдан кейинги, яъни вояга етган фарзандларини ўқишга олиб келган уч дугонанинг тасодифий учрашувлари ва бир-бирига ўз ҳаётини сўзлаб беришлари асарнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Шаҳло, Фарангиз, Турсиной... Бу уч дугонанинг орадан йиллар ўтиб тасодиф туфайли ўзаро учрашиб бир-бирининг кечмишидан хабардор бўлиши, бир қарашда мантиқан асосланмагандек туюлсада, лекин ҳаётда тасодифлар ҳам рўй беришини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларини ўқишга олиб келган Шаҳло билан Фарангизнинг ўзлари таҳсил олган университет ҳовлисида бир-бирига дуч келиб қолишлари табиий ҳолдир. Икки дугонанинг биргаликда овқатланиб, суҳбатлашиш учун кирган кафенинг бошлиғи учинчи дугона – Турсуной бўлиб чиқиши ҳақиқий тасодифдир. Нима бўлган тақдирда ҳам, ёзувчининг асосий ғоявий нияти мана шу уч дугонанинг мустақил ҳаётга қадам қуйгандан кейинги қисматини ҳикоя қилишдан иборат.

Ёзувчи ушбу учрашув манзараларини қуйидагича тасвирлайди.

"– Шаҳло, бу аёл Турсунойга ўхшайдими? – деди Фарангиз ҳайратини яширолмай.

– Ҳа! Турсуной дугонамизга ўхшайди. – Шаҳло ҳайратланганидан ўтирган ўрнидан туриб кетди. – Турсуноймисан?!

Ҳалиги аёл бир чеккадаги стол атрофида ўрнидан туриб, ўзига тикилиб қолган икки аёлга ялт этиб қаради ва шу тарзда бир зум қотиб турди-да:

– Фарангиз... Шаҳло... – дея улар томонга шахдам юриб кела бошлади.

Иккала аёл ҳам унинг истиқболига юришди.

Улар бир-бири билан қучоқлашиб ўпишганларича сўраша кетишди".(7 бет)

Романда дастлаб Турсунойнинг кечмиши ретроспектив тарзда ҳикоя қилинади. Бармоқларига қўша-қўша тилла узук-

лар таққан, башанг кийиниб Нексияни ўзи учириб ҳайдаётган Турсуной дугоналарининг шоҳона безатилган ўйига олиб бориб меҳмон қилади. Шу тариқа романда дастлаб Турсунойнинг ҳикояси баён этилади. Унинг ҳикоясидан маълум бўлишича, курсдоши Ўктам уни алдов билан тузоғига илинтириб номусини топтайди. Шу ўринда бир мулоҳазали фикр пайдо бўлади: одатда мўмина, тарбияли, пок қалбли қиз номаҳрам йигит билан ахлоқсизлик қилиб, ота-онасининг юзини ерга қаратиб, виждон азобига дучор бўлишдан, ўзини бадном қилишдан тийилади. Турсунойнинг табиатан енгилтак қизлардек муҳаббат деб йигитнинг шаҳвоний майлларига изн бериши китобхоннинг эътирозига сабаб бўлади. Негаки, ўзбек қизлари номус поклигини барча нарсадан устун қўйишади. Турсуной номусининг топталиши унинг кейинги қисмати учун бир асос вазифасини ўтаган. Зеро, Турсуной ҳаёти тугун билан, ўзига хос фожиа билан бошланиб, умрининг охиригача қанчалаб моддий бойликка эришса-да, тўлақонли пок муҳаббатга, бахтга эриша олмайди. Воқеалар давомида иложсиз қолган Турсуной ўзини Бўзсув каналига ташлаб ҳалок этмоқчи бўлади. Қилган гуноҳи учун ўзига ҳукм чиқаради. Шу атрофда савдо-сотиқ билан шуғилланаётган муйсафид чол уни кўриб чор-атрофдан одамларни ёрдамга чақириб уни қутқариб олади. Шу тариқа нотаниш чол ва кампирнинг қизига айланган Турсуной аста-секинлик билан ўзини ўнглаб уларнинг ёрдамида ҳаётини изига туширади ва тадбиркорлик билан шуғулланиб шароитини яхшилайди.

Ёзувчи асарда Турсунойнинг ҳаёт тарзини батафсил, майда-чуйда деталларигача қолдирмай, эринмасдан тасвирлайди. Умуман олганда, ёзувчининг барча асарларида намоён бўладиган хусусиятлардан бири, услубий ўзига хослиги- бу ровийнинг воқеалар баёнининг батафсил тасвирида, қаҳрамонлар кечмишини ифодалашда диологларга катта ўрин ажратишда кўзга ташланади. Буни романдаги учта дугонанинг ўз тақдирини ҳикоя қилишдаги ифодаларда ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан. Турсуной Бўзсувдан беҳуш ҳолда қутқарилгандан

кейинги воқеалар тасвирига эътибор қаратайлик. Йигитлар Турсунойни қирғоққа олиб чиқишгандан кейин чол: "– Оёғини тепароқ қилиб, бошини пастроқ тутинглар", деб йўл-йўриқ кўрсатади. Турсуной ўзига келиб, "– Мен яшашни хоҳламайман. Нега мени қутқардиларинг?" деган иддаосига "– Бундай дема болам, гуноҳ бўлади-я! – деди чол. – Худо берган умрни яшашинг керак, қизим!" (15-бет)

Кўриниб турибдики, воқеалар ривожи шу тариқа диологлар асосида ривожлантирилади ва кейинги воқеаларни ҳам шу тариқа давом эттирилади. Бир қарашда анчайин содда, баённчиликдай туюлган тасвирларда бирибир, қаҳрамон руҳияти, ўзига хос характер хислатлари у ёки бу шаклда акс эттаётганини кузатиш мумкин. Масалан, кекса муйсафид тилидан айтилаётган гаплар ўзининг ёшига мос, ҳаётнинг аччиқ-чучигини кўрган кайвониларнинг сўзлари бўлиши билан бир қаторда унинг индивидуал қиёфасини ҳам белгилашга хизмат қилади ва воқеаларининг кейинги ривожи учун асос яратади. Чунончи, Турсунойнинг "– Мен яшашни истамайман, ота!" деган йиғисига жавобан чолнинг : "– Шайтонга ҳайф бер, қизим. Ўз жонига қасд қилиш гуноҳ бўлади-я, жон болам! - деди чол. Кейин у йиғилган одамларга мурожаат қилди: – Бу ерда маймун ўйнаётгани йўқ. Нимани томошо қилаяпсизлар? Ёки бундан бошқа қиладиган ишларинг йўқми? Қани боринглар, йўлларингдан қолманглар!" (16-бет)

Ушбу сатрлар ёки бўлмаса қизни уйига олиб кетар экан ўзича: " – хаҳ, дунёйи қутир... " деб ғудранишларида ҳам кекса кишиларга хос хусусиятлар намоён бўлади.

Адиб воқеалар давомида ҳам Турсунойга оталик қилган Нурмуҳаммад бобо ва унинг кампири Анора биби образини рангин бўёқларда, ўзига хос қисмат соҳиби сифатида тасвирлайди. Нурмуҳаммад ота образи раҳмдил, инсонпарвар, болажон, саҳий, меҳри дарё, бағри кенг инсон, ўзбек нуронийсинининг типик тимсоли. Нурмуҳаммад ота тилидан тез-тез такрорланувчи "Хаҳ дунёйи қутир" иборасининг қўлланишидан бу қуҳна дунё мураккаб, бир кам эканига кексаларга хос сермулоҳаза асосида ёндашилганини кўрамиз. Шунингдек, ушбу ибора Нурмуҳаммад ота бошига тушган фожиаларни, образнинг индивидуал жиҳатини очишга ҳам хизмат қилган. Маълум бўлишича, Нурмуҳаммад бобо ва унинг кампири Анора биби қалбида чўкиб ётган дард-дунёси бир олам. Якка-ю ёлғиз ўғли, келини ва невараси автоҳалокат туфайли вафот этишган. Тўплаганини йиғиб-тиғиб ўғлига машина олиб берган чолнинг пушаймони бир дунё.

"- Мана шу машинада ўғлим, келиним ва неварам меҳмонга кетаётиб автоҳалокатга учради. Қаердан ҳам олиб берди шу касофатни? Шу машина бўлмаганида фарзандларим ҳозир бағримда бўлармиди?- чол қўллари билан тиззаларига шапатлаб урди." (25-бет)

Ўзининг дардини шу тариқа ҳикоя қилган чол билан кампир Турсунойнинг алдов қурбони бўлганини билгандан сўнг фарзандимиз ўрнига фарзанд бўл, дея истак билдиришади. Шу тариқа Турсуной чол ва кампирнинг қизига айланиб ҳаётида янги даврни бошлайди. Романда чол-кампирнинг Турсуной ота-оналари билан танишиб, борди-келди қилиши, қизни турмушга узатишларидан то вафот этишларигача кечган воқеалар шу тариқа ҳикоя қилинади.

Асарда Турсунойнинг Мадамин билан бўлган муносабатлари ҳам бошдан-оёқ майда-чуйда деталларигача эринмай тасвирланади. Бу тасвирлар баъзан китобхонни зериктириш даражасигача олиб боради. Айни пайтда китобхон шу майда-чуйда тасвирлар фонида Мадаминнинг аҳвол-руҳияси, оилавий ҳаёти, интилиши ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўлиб боради. Мадамин талаба йигит. У курсдоши Фарҳод билан қиёсан тасвирланади. Фарҳод ёзги таътилда қишлоғига кетган бўлса, Мадамин шаҳарда қолиб ишлаб топган пулини қишлоққа, ота-онасига юбориб туради. Фарҳод Мадаминни чин дилдан ҳурмат қиладиган йигит. Асарда Мадаминнинг Турсунойга бўлган муносабати ҳам шахсий манфаатдан ке-

либ чиқиб намоён бўлади. Унинг Турсунойга уйланиши ва шу орқали иқтисодий аҳволини яхшилаб уйли-жойли бўлишни мақсад қилиши тасвирларида табиатига хос бўлган характер қирралари очилади. Даставвал, ота-онасига ёрдам бериш мақсадида ёзги таътилда ҳам қишлоғига қайтмай кундизи қурилишда, кечаси қоравул бўлиб ишлашидан меҳнатсевар, оилапарвар бўлиб кўринса, бошқа томондан мол-дунё илинжида йигитлик ғурурини топташи, нафснинг қули сифатида намоён бўлади. Виждони кир, осон йўл билан уй-жойга эришишни кўзлаган Мадамин уй-хаёлини ёзувчи қуйидагича фош қилади: " "Ана энди иш баҳона тез-тез Турсунойни кўриб тураман" ўйларди Мадамин. "Чол билан кампирнинг ҳам ундан бўлак ҳеч кими йўқ экан". ... Ана шунда Турсунойдай ўқимишли кўҳликкина қиз уй-жойи билан меники бўлади. Яшавор, қаддингни ур Мадамин". (36-бет) Мадамин бундай шароитга эришиш учун бир умрлик ишлагани ҳам етмаслигини ҳис қилиб, иймонсизлик эвазига осонгина мол-давлатга эгалик қилиш орзуси унинг қалбан қандай инсон эканини яққол намоён қилади. Шу мақсади йўлида Турсунойнинг "ит теккан"лиги ҳақидаги сирлардан воқиф бўлганда қаҳр-ғазабга тўлиб, кўзларидан алам учқунлари чақнаб, қўллари мушт бўлиб тугилса-да, барибир унга уйланишга жазм этишидан унинг хактери мураккаблигини англаш мумкин. Ёзувчи Турсуной ва Мадаминнинг айни руҳий ҳолатини табиат билан параллел равишда тасвирлаш орқали психологик ифоданинг тиниқлигига, асар таъсир кучининг ошишига эришган. "Мадамин билан Турсуной бир нуқтага тикилганича жим ўтиришар, гўё уларнинг қалблари, қаҳратон қишнинг изғирин шамоллари ҳукмрон чўлу биёбонлардай ҳувиллаб қолган хаёлларидан эса нималар кечаётганлигини англаб бўлмас эди". (66 бет) Парчада тасвирланган қаҳратон қиш, чўлу биёбон қаҳрамонлар қалбидаги тушкунликнинг, бахтсизликнинг рамзий ифодаси. Зеро, бахт ҳамиша муаттар илиқликни, қийғос гул-у чечакларни ўзида ифода этса, бахтсизлик совуқликни, қалб эса хувиллаган

чўлни эслатади. Бундай метофорик тасвир ёзувчининг ишонарли ва жозибадор топилмасидир.

Мадамин нафсга тобелиги натижасида ғурури синишига ҳам қарамай Турсунойга уйланади. Лекин кейинчалик лавозими ошган сайин уйдан узоқлашиб тобора ичкиликка, фахш ишларга берила бошлайди. Ҳамқишлоғи Латифани ўқишга киритаман, деб алдаб ўзининг шаҳвоний мақсади йўлида фойдаланишга харакат қилади. Охир-оқибат сирлари фош бўлиб, ишдан ҳам ҳайдалиб автоҳалокат туфайли жазмани Латифа билан ҳалок бўлади. Турсуной ундан қолган ўғли – Ёдгор ва қизи Дурдонани вояга етказиб тарбиялаб, ўзи эса тадбиркорликка қўл уриб, аста-секин шароитини яхшилаб ҳозирги даражага эришади.

Ёзувчи Турсунойни алдаб келажагини барбод қилган Ўктам ҳақида ҳам Турсуной тилидан қисқа маълумот беради. Маълум бўлишича Ўктам ҳам ичкиликка берилиб ҳаёти фожейликка юз тутади. Бир куни Турсуной очган кафега усти-боши кир-ямоқ, абгор ҳолатда сочлари ўсган маст одам кириб келади. Унинг афти танишлигини сезган Турсуной синчиклаб қараб Ўктам эканлигини таниб қолади ва худонинг ўзи унга муносиб жазо берибди, деган хулосага келади.

Адиб ҳикоя сўнгида унинг қисматида хайрли, бахтли якунга ишора қилади. Ўғил-қизларини тарбияли, ўқимишли қилиб вояга етказган Турсуной Анора исмли ўқимишли қизни келин қилиш орзусида эканига ишораларни зукко китобхон дарров англайди. Ёзувчи Турсуной қисмати орқали ёшликда хатога йўл қўйган ва шу хатосининг жазосини бир умр елкасида олиб юришга мажбур бўлган, ҳаёт чиғириқларида ўзлигини топишга ўринган инсон қисматини тасвирлашга ҳаракат қилади.

Асарнинг иккинчи қисмида Шаҳло тақдир йўли ҳикоя қилинади. Унинг тақдири ҳам ўзига хос фожеликларга тўла. Ёзувчи Шаҳло тимсолида сўнгги пайтларда кўплаб тилга олинаётган глобал инқирозлардан бири – одам савдоси билан боғлиқ воқеаларини ифода этади. Сўнгги пайтларда маънавий

таназзулнинг оғриқли белгиларидан бири бўлган фоҳишалик балоси глобал муаммо сифатида бадиий талқин этилади. "Эйша Уотч" ташкилоти ва хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича гуруҳ маълумотларига қараганда, Таиланддаги фоҳишахоналарда камида 20 минг аёл "хизмат кўрсатади". Халқаро ташкилотларнинг маълумотларида айтилишича, ўз мамлакатларидан четга чиққан хотин-қизлар кўпинча фоҳишахоналар эгаларига пуллаб юборилади. Уларнинг ҳужжатлари тортиб олиниб, тутқунликда ушлаб турилади. Улар қочишга уринишганда жисмоний зуравонликка, ўз оилалари шаънига бўлган таҳқирларга дуч келишади."[29] Романда айни шу глобал муаммо, ҳаётий ҳақиқат Шаҳло тақдири мисолида бадиий суратлантирилади.

Шаҳло ўз ҳикоясининг илк жумласини умид сўзи билан бошлайди. Тақдиридаги бутун фожеликни шу илк жумла билан боғлаб муқоясалайди. "Одам тирик экан, умид билан яшайди. Умид тарк этган куни боши берк кўчага кириб қолади. Ҳаётда эса бундай кўчалар етарли. Адашганлар уларни ўзлари "кашф этган"ларини пайқагандагина изтиробга тушадилар. Руҳан сина бошлайдилар! Даҳшатли ҳол! Қудратли кишигина яна ўзини тиклай олади..."[30] Демак ёзувчи концепциясидаги ўқ томир умид билан боғлиқ. Инсон доим умид билан яшаши, тақдирнинг оғир зарбаларига дош беролмай қолган вазиятларда ҳам умид қилишдан тухтамай, руҳан ўзини қўлга олиши, иродали, матонатли бўлишида бу туйғунинг ўрни беқиёслиги ҳақидаги бадиий ва айни пайтда ҳаққоний ечимни, йўлни кўрсатади. Зеро умид эртанги ёркин келажакка элтувчи руҳий қувватдир. Умидсизлик эса ишонсизлик, абсурд, тушкунлик каби руҳий кечинма урчитади. Бу фикр Шаҳло образи мисолида намоён бўлади.

Шаҳло ўқишни тугатгандан кейин қишлоғига қайтиб мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Ёзувчи қаҳрамон билан боғлиқ воқеаларни тасвирлашдан олдин улар оиласидаги муҳитга эътибор қаратади. Асарда тасвирланишича, Шаҳло тарбия топган оилада аёл ҳукмрон. Айни ҳолатни ёзувчи бир-икки штрихларда қистириб ўтади. Бу Шаҳло нигоҳи орқали кузатилади.

" Шу пайт Шаҳлонинг хаёлидан: "Ойимлар колхозда оддий ишчи бўлиб ишласалар-да, зўрлар. Дадамларни ўтқизиб-турғизадилар. Дадамлар ойимларнинг раъйларига қараб, раҳматли ота-онасининг ёлғиз фарзандлари бўлсалар-да, уларни ташлаб алоҳида уй-жой қилиб чиқиб кетганлар! Эндиликда бувам билан бувимнинг уйларида акам оиласи билан яшаяпти", деган ўйлар ўтарди". (125-бет) Шаҳлонинг онаси Нафиса эрини унча менсимайдиган, ўзининг айтганини ўтказишга ҳаракат қиладиган аёллар тоифаси сифатида тасвирланади. Шаҳло хаёлидан ўтган мулоҳаза аслида, оиладаги мувозанатсизлик, хотини раъйига кўра ташлаб кетилган кекса ота-она ўз отасининг кулфатини англатса, онанинг "зўр"лиги фарзандлар тақдирининг фожиасига сабаб бўлади. Боиси асарда отанинг норозилигига қарамай, ўзи билганича онасининг йўриғи билан катта бойликка эришишни кўзлаган Шаҳло ҳаёти таназзулга юз тутади. Асар моҳиятида доно халқимиз томонидан айтилган "Ота рози, худо рози" ҳикматининг сингдирилиши ҳам бежиз эмаслиги, отани норози қилган қизнинг қора қисмати мисолида ўз исботини кўрсатади. Ойиси Нафиса қишлоқдошлари Санақулнинг гапига учган ва мактабда бирга ишлайдиган Қўлдошнинг режасига қўшилиб Туркияга пул ишлаш учун кетишга жазм қилган қизи Шаҳлони ота қаршилигига қарамасдан қўллаб-қувватлайди ва ҳатто ўғлининг тўйига деб йиғиб қўйган пулини ҳам қизига бериб юборади.

Асарда Шаҳло қисмати босқичма-босқич, деталма-деталь, кетма-кетликда тасвирланади. Дастлаб, Қўлдош билан Шаҳлонинг ҳамкишлоғи Санақулникига келиши тасвирланади. Ёзувчи Шаҳло фожиаси ота хохишига зид тарзда шаҳарга, Санақулникига келган пайтдан бошланганлигини тасвир-

[29] Умаров Б, Жабборов Ш. Глобаллашув шароитида маънавий тарбия муаммолари. – Т. "Akademiya", 2011. – Б.121

[30] Худойберганов Б. Аёл армони. Т.: "O'ZBEKISTON"НМИУ. 2012, Б.123

лар экан, Санақул образи салбий жиҳатларини фақат қора буёқларда акс эттиради Санақул олий маълумотли бўлса-да, виждонини унутган фирибгар. Одам савдоси билан шуғулланувчи жиноятчи. Ўзининг чиркин мақсади йўлида қишлоқдош дўсти Қўлдош ва ҳимоясига ишониб топширилган Шаҳлоларни алдаб бадном этиб, ўзга давлатдаги шерикларига сотиб юборади. Бокира қизини чет элда ака сифатида ҳимоя қилиб юришни сўраган ҳамқишлоқлари юзига оёқ қўяди. Ёзувчи Санақул тимсолида нафс йўлида ўзлигини унутган, номуссиз, маънавий тубан кимсанинг қиёфасини чизади, китобхонни сергакликка чорлайди.

Бу ҳол романнинг маърифий аҳамиятини оширишга хизмат қилган. Санақулникида уюштирилган базмда маст бўлиб қолган Шаҳло унинг тузоғига қандай илинганлигини ўзи ҳам билмай қолади. Англаб етганда эса кеч бўлади. Ушбу эпизодик лавҳаларни ўқиб ҳайрон қоласан киши. Наҳотки, инсоният шунчалик тубанлашиб кетяпти. Пул эвазига виждонини сотиб юборишга тайёр манқуртга айланиб қолган, нафсни қондириш учун бир бокирани алдаб ҳаётини зулматга айлантирганидан заррача ҳам виждони қийналмаган тубан кимсаларнинг урчишига нима сабаб бўлаяпти? Дунё қай ўзанга қараб одимлаяпти? Адибни қийнаган глобал саволлар ҳам аслида мана шулар. Романда шу каби муаммоларнинг бадиий талқин қилиниши ва шарқона жумардлик ғояларининг илгари сурилишида адибнинг воқеликни идрок қилиш ва муаммо сифатида қўя билиш салоҳияти кўзга ташланади. Ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган нисбий эркинлик жараёни жаҳон маданий тараққиётида глобал муаммога айланган "оммавий маданият" тушунчасининг турли хил шаклларда (бадиий асар, клип, кино, видеоролик) ўлкамизга кириб келиши айрим ёшларимизнинг маънавий оламида ўзгаришлар олиб келди ва глобалл моҳият касб эта бошлади.

Ёзувчи романда Шаҳлонинг бундан кейинги тақдирини оқим ихтиёрига, аниқроғи Санақул ва уларнинг шериклари

ихтиёрига ташлайди. Уларнинг аввал Москвага, сўнг эса Туркияга йўл олишлари ҳаддан ташқари эзмалик билан тасвирланади. Қаҳрамоннинг Туркияда кечган ҳаёти ҳам ғаройиб. Китобхон худди чет эл киноларида тасвирланганидек, Шаҳлонинг самолётдан тушиши билан Қўлдошдан ажратилиб Несли хонимнинг фоҳишахонасига олиб кетилиши, у ерда иш бошқарувчи аёл Зерда хонимнинг зуғумлари остида янги муҳитдаги ҳаёти моҳиятини, фожиали қисматини англаб етади. Бу калтак ва тепкилар зарбига дош беролмай Зердахонимнинг талабларига кўниши орқали акс этади.

Иснод, ор-номуснинг топталиши, ота-она юзи ерга қаратиш нафақат ўзбек қизи, балки маданиятли ҳар бир фарзанд учун фожиа саналади. Ушбу ҳолатдаги руҳий туғёнларни беришда асарда баъзан меъёрига етмаган лавҳалар, ифодадаги саёзлик, руҳий кечинмалар тасвирида асосли талқинларнинг йўқлиги, фақат узун-юлуқ диологга зўр бериш, рамз ва бадиий деталларнинг камёблиги, образларнинг индивидуал характер даражасига кўтарилмаслиги асар бадииятининг энг заиф нуқталаридир.

Буни биз асарда ифодаланган машҳур бой Аландарбей афандининг Несли хоним билан қилган узундан-узоқ суҳбати орқали ҳам кўришимиз мумкин. Маълум бўлишича, фоҳишахона эгаси Несли хоним тузоққа илинган аёлларни унинг кўригидан ўтказиб турган.

Китобда янги келтирилган қушча – "Шаҳло" тўғрисидаги чўзилиб кетган, зерикарли диологда акс этган мазмун китобхон учун бутунлай нотаниш, фавқулотда воқеалар бўлмаса-да лекин битта жиҳати билан ибратли. Яъни пул, бойлик ҳукмронлик қилган муҳитда инсон қадр-қиммати, шаъни бир пул. Дастлаб ўзи тушган муҳитга қаршилик кўрсатишга ва Зерда хоним олиб келган ярим ялонғоч кийимларни рад этишга уринган Шаҳло иккита барзангининг устидаги кийимларини йиртиб-йиртиб, зуравонлик билан афтодаҳолга туширилгач зор-зор йиғлаб кўнишга мажбур бўлади. Шу тариқа Аландарбейга рўбаро бўлган Шаҳло унинг хоҳиши билан бошидан

ўтганларни сўзлаб беради. Ёзувчи Аландар бей томонидан айтилган баъзи бир фикрлар орқали асар моҳиятини ҳам, Шаҳло фожиасини ҳам очишга хизмат қилади.

" – Ана холос, гап бу ёқда де?..- деди у хаёл оғушидан қутулолмай бошини чайқаб. – Шаҳло, ана энди билдингми муллажирингнинг қудратини? Сени бу ерга олиб келган ҳам, қўйнимга солган ҳам, ана шу нарса бўлади..."

" – Сен "доллар ишлаб бойлик орттираман" деб падари бузрикворингнинг раъига қарши бориб, кўчага чиқиб кетдингми, ахир?! ... Ана шу ондан бошлаб, сен доллар деган иблиснинг қулига айлангансан! Ана энди гапларнинг маъносига тушундингми?" (177-бет)

Шунингдек, асарда Аландарбей тилидан яна бир ҳаётий ҳақиқат, фалсафа баён этилади. "Сен ҳурлигингни иблиснинг қўлига топшириб қўйиб, ўзинг унинг қулига айланган бир осий бандасан-у, яна ундан одамгарчилик кутганингга ўлайми?!.

– Ҳеч ким бошқа бировдан хафа бўлмаслиги керак! Ҳар ким нимаики қилса ўзига қилади ". (178-бет). Демак, инсоннинг бошига келган турли балоларга, ҳодисаларга, аввало, уни ўзи сабабчи бўлади, деган ҳаётий ҳақиқат роман моҳиятига сингдириб юборилган.

Асарда шундан кейин Шаҳлони ёқтириб қолган Аландарбейнинг уни Несли хонимдан сотиб олиб уйига олиб кетиши ва ундан кейинги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Бу ҳикоянинг давоми ундан-да фожиали. Бир куни қизим Туркияда пул ишлаб юрибди деб юрган Нафисанинг қўлига қалин бир пакетни тутқазишади. Қизимдан хат келди деб хурсанд бўлиб пакетни очган Нафиса ундаги расмларда Аландарбей билан турли хил кўринишларда айш-ишрат қилиб расмга тушган қизини кўриб ҳушидан кетади. Бундай иснодга чидай олмаган ота эртаси куни ўзини осиб қўяди. Она эса ярим жинни ҳолатга тушиб касалхонага ётқизилади. Адиб ушбу ҳолатни туш мотиви асосида Шаҳлога интуитив тарзда сездирадики, бу ҳолат қаҳрамон руҳиятининг ҳаётийлигини таъминлашга асос

яратган. "Шаҳло туш кўрди. Тушида дадаси билан иккаласини чўлу биёбонларда бўрилар галаси қувлашарди. Бир пайт уларнинг олдиларидан жарлик чиқиб қолди. Шаҳло жарликдан сакраб ўтди. Маматқул ҳам жарликдан сакраганди, лекин у жар тубига қулаб, кўздан ғойиб бўлди.

– Дада, дадажон, – дея қўлларини жарлик сари чўзганича қичқириб юборган Шаҳло уйғониб кетди". (192-бет)

Буларни шу аҳволга солган Санақул яна битта қизнинг номусига тегиб қамалиб кетади. Алал-оқибат етмиш уч ёшлик Аландарбейнинг кўнглини овлаб унинг марҳаматига сазовор бўлган, Элиф хоним ёрдамида уйига қайтишга ижозат олган Шаҳло юртига қайтиб келади.

Асарда Шаҳлонинг юртига қайтгандан кейинги тақдирига ҳам қисқача тасниф берилган. У ўзи ишлаган мактабга ишга кириб, кўшни қишлоқлик аёли вафот этиб икки фарзанди билан қолган Шукрулло билан турмуш қуриши ва етим қолган ўғлига оналик қилиши баён этилади. Илк жумладан умид билан бошланган Шаҳло ҳикояси сўнгги жумла, хотимасида ҳам умидли орзулар билан якун топади.

Баҳодир Худойбергановнинг ҳам маънавий таназзул, ҳам глобал муаммолар фонида тасвирланган "Аёл армони" романидаги Шаҳло образи ҳаётнинг моҳияти сабр, ирода,умид ва ҳалоллик яхлитлигида, деган ибратли хулосада намоён бўлади. Демак, адиб маънавий таназзулни юксак маънавият билан чин инсонийлик билан енгиш мумкинлигига ишора қилади.

Романнинг учинчи қисми бошланмасида ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари Фарангиз нигоҳи орқали бериладики, айни мушоҳадалар Фарангиз тақдири моҳиятига сингдирилиб юборилади. Демак, ёзувчи ҳаёт ҳақидаги кузатишларини асарлари қатига сингдириб, ўз "мен"нинг айрим қирраларини яратган образлари мисолида тасвирлайди. Асарда учинчи қаҳрамон Фарангизнинг ҳам ҳикояси берилган. Фарангиз ҳикояси орқали қишлоқ ҳаётида бўлаётган жараёнлар: таниш-билишчилик, порахурли, маҳаллийчилик каби иллат-

лар, шунингдек, овсинлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг икир-чикирлари тасвирланади. Фарангизнинг отаси Улуғбек мактаб директори бўлиб ишлайди. Онаси Сайёрахон ҳам шу мактабда ўқитувчи. Ёзувчи Фарангиз характер хусусиятини очишда ҳам ҳудди Шаҳлоники каби оилавий муҳитдаги руҳиятга эътибор қаратади. Маълум бўлишича, Фарангиз яхши оилавий муҳитда тарбия топган ва ақл-идрокли қиз бўлиб камол топган. У ота-онаси ишлайдиган мактабга жойлашади. Бироқ, ишга жойлашиши учун халқ таълими мудири Аловиддин Бойбўлсиновичга пора беришга мажбур бўлади.

Мудир Аловиддин Бойбўлсиновичнинг ҳар бир ҳолатдан ўзи учун манфаатли вазият яратишга уриниши асарда киноя орқали фош этилади. Буни асардаги кўплаб эпизодларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Фарангизнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишида ота-онасининг панд-насиҳати, берган тарбияси муҳим аъмол бўлиб хизмат қилади. Фарангиз дугоналари сингари тўйдан олдин бадном бўлиб мураккаб ҳаётий вазиятларга тушиб қолмайди. Фарангиз образи – тарбияли, ақлли, ор-номусли ва сабр-бардошли ўзбек аёли қиёфасини ўзида намоён этади. У бўлажак турмуш ўртоғи Низомиддин билан фақат ота-онаси фотиҳа қилиб, ризолик бергандан кейингина сухбатлашади. Унгача эса ортидан соядек эргашиб юрган йигитнинг саволларига деярли жавоб бермайди. Фарангиз келин бўлиб тушгандан кейин овсини Шаҳзода онасининг гапига кириб турли баҳоналар билан Фарангизни ёмонотлиқ қилишга ҳаракат қила бошлайди. Шаҳзода қанча ғайирлик билан жанжал чиқаришга уринса-да Фарангиз оқилалик билан унинг ниятларини пучга чиқараведи. Бу Фарангизнинг онаси, Сайёра опанинг қизига берган оқилона маслаҳати, тарбиясининг натижасидир. Ёзувчи она боланинг бу борадаги сухбатини қуйидагича баён қилади.

"– Овсиним Шаҳзода ҳар бир гапида мени чақиб олади,- деди Фарангиз дийдиё қилиб

– Қизим ҳаёт фақат равон йўлдан иборат эмас, унинг

паст-баланди ҳам бор. Буни турмуш деб қўйибди, – деди Сайёра қизига насиҳат қилиб...

– Қарс икки қўлдан чиқади, қизим.Фақат Шаҳзоданинг ёмон бўлиши мумкин эмас. Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

– Мен у хонадонга келин бўлиб тушганимдан кейин, орадан кўп ўтмай у тўнини тескари кийиб олди.

– Демак, сен ўзинг билмаган ҳолда Шаҳзода овсинингни хафа қилиб қўйгансан". (254-бет)

Онанинг оқилалиги, қизига берган тўғри маслаҳатлари ва далдалари аксарият ҳолларда ёш оилаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилса, қизларини енгил ҳаётга ўргатиб, турмуш зарбаларига қарши курашишдан "ҳимоялаб", худбинлик ва нохолислик йўлига йўллаши оиланинг таназзулга учрашидаги асосий сабаблардан биридир. Ёзувчи оиладаги ана шундай маиший муаммоларни тасвирлар экан, асарда оила мустаҳкамлигида онанинг ролини кўрсатишга катта эътибор қаратади. Бу ҳол оилада тинмай уриш чиқаришга уринаётган Шаҳзода ҳамда унинг онаси билан бўлган диологлари воситасида очилади.

Асар хотимаси Турсуной, Шаҳло ва Фарангизнинг ҳаёт ва унинг маъноси, ўзликни англаш, сабр-у қаноат ҳақидаги ҳаётий мулоҳазалари билан якунланади. Уларнинг ҳаётий сабоқлари асарнинг маърифий аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, ёзувчи асар композициясини халқ оғзаки ижоди намуналари каби учта қаҳрамоннинг саргузаштлари асосига қўради. Асарда анъанавий ҳикоя қилиш усули танлаган бўлса-да, аксарият ҳолатларда даврнинг ижтимоий-психологик жараёнлари билан боғлашга харакат қилинади. Дастлабки, ҳикояда Турсуной қисмати орқали катта ҳаёт бўсағасида йўл қўйилган биргина хато бир умрлик синовларга асос яратгани тасвирланса, иккинчи ҳикоядаги Шаҳло тимсолида пул, бойликка рўжу қўйиш, шоҳона енгил ҳаётни орзулаш қилиш истаги нафақат ўзи учун, балки бутун оила учун қандай фожеликларга сабаб бўлишидан огоҳ этади. Сўнги ҳикоядаги

Фарангиз сиймосида оқилалик, сабр-бардош, меҳнатсеварлик ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб саодатга эришишдек маърифатли ғояси билан аҳамиятли.

Бу асар таҳлили сўнгги давр адабиётшунослигида бот-бот тилга олинаётган ва умумбашарий моҳият касб этаётган хотин-қизлар маънавий олами масаласининг глобал моҳият касб этишидан далолат беради. Хусусан, сўнгги йилларда ўзбек адибалари томонидан яратилаётган аёллар образи ва қисмати талқини шундан далолат беради. Биз бу ўринда Саломат Вафо, Зулфия Қуролбой қизи, Жамила Эргашева каби кўплаб адибаларимиз томонидан яратилган ҳикоя, қисса ва романларда акс этаётган аёллар образини назарда тутмоқдамиз. Улар ҳам ҳаётнинг минг хил чиғириқлари остида ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётганлар тимсолида намоён бўлади. Шу жиҳатдан Жамила Эргашеванинг "Қир устидаги аёл" романидаги Нозима образи ҳам адиб романларидаги қаҳрамонларга яқин туради. Нозима ҳам Шаҳло каби мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. У ҳам пул, бойлик илинжида гулдай оиласига хиёнат қилиб, ҳаётини заҳарлайди. Шаҳло Туркияга сафар қилса, Нозима Дубайга сафар қилади. У ҳам Шаҳло каби бахтли тасодиф билан, аниқроғи, бир вақтлар ота-онаси авлодлари ўзбек бўлган Мухтор Камолнинг марҳамати билан фоҳишахона чангалидан қутилиб юртига қайтишга муяссар бўлади. Бундай ўхшаш сюжетли асарлар кейинги йилларда кўпроқ яратилаётганлигини биринчи сабаби ҳаётнинг ўзида бу каби воқеа-ҳодисаларнинг кўпайиб кетаётганлиги билан изоҳланади. Бироқ, ҳаётдаги воқеаларнинг шунчаки, иллюстрация шаклида адабиётга кўчиши бу бадиий асар дегани эмас. Ҳаёт воқелигининг санъатга айланиши учун энг аввало у бадиий ҳақиқатга айланиши зарур. Ёзувчи призмаси орқали бадииятга айланган воқелик, образли, умумлашма даражасига кўтарилган ва энг муҳими қаҳрамонлар қисмати психологик жиҳатдан асосланган бўлиши, уларнинг индивидуал қиёфаси аниқ бўлиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан Баҳодир Худойберганов романида

маълум даражада оқсаш сезилиб туради. Асар сюжетидаги баёнчилик, қаҳрамонлар нутқидаги кўп сўзлик, такрорлар, улар нутқининг индивидуаллашмаганлиги шундай қусурлар сирасига киради. Булар роман бадииятига соя ташлайди. Ёзувчи ҳаёт ҳақиқатининг инқирозли томонларини, аёллар қисматидаги фожиавий нуқталарни асарда тасвирлашга, шу орқали маърифий-эстетик хулосалар чиқаришга харакат қилади-ю, лекин, қаҳрамонлар руҳиятидаги эврилишларни, кечинмалар силсиласини бор драматизми билан етарлича тасвирлай олмагани учун асарда бадиий саёзлик кўзга ташланади. Бироқ шу ҳолича ҳам роман китобхонни бефарқ қолдирмайди, маълум бир маърифий-тарбиявий хулосалар чиқариш имкониятини беради.

II БОБ
ГЛОБАЛЛАШУВ – ИЖТИМОИЙ-БАДИИЙ МУАММО

Илк бадиий талқинлар

Глобаллашув ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари натижасидаги таъсирнинг адабиётга, асосан, XX асрнинг охирлари, айниқса, шўро тузумининг қулаши ва республиканинг мустақилликка эришгандан сўнгги даврларга келиб яққолроқ сезила бошлаган эса-да, атоқли ўзбек шоир-ёзувчилари ижодида бунинг айрим ёрқин намуналари анча илгарироқ, жаҳон адабиётида тамойил сифатида бўй кўрсата бошлаган босқичларга тўғри келади. Бу ҳодиса ўзбек адабиётининг айрим намуналарида долзарб муаммоларга эътибор беришида жаҳон адабиётининг илғор тамойилларига ҳар доим ҳам ҳамқадам бўла олган, дейишга асос беради. Шу нуқтаи назаридан Ғафур Ғулом қаламига мансуб "Ҳасан Кайфий", "Аликулнинг қарзи", Пиримқул Қодировнинг "Жон ширин", Эркин Воҳидовнинг "Иккинчи тумор" трагикомедиясини эслаб ўтиш ўринли. Бу типдаги асарлар ҳали пахта монокультура сифатида ўзбек

халқи бошига тушган оғир дард экани кўпам англаб етилмаган, унга ўзбек халқининг шон-шарафи сифатида қараб келинаётган бир даврида яратилган. Ғафур Ғулом ҳикоясида ўзбек адабиёти ёки собиқ шўро адабиётигина эмас, янглишмасам, жаҳон адабиётида ҳам биринчилардан бўлиб пахта муаммоси ўзбек халқининг шуҳратигина эмас, у монокультура сифатида бошга битган бало эканини ва бунинг сабаби истибдод эканини англаган ёзувчи эди. Лекин бу масалаларни ёзувчи шўро даврида очиқ-ойдин айта олмас эди, албатта, балки "Аликулнинг қарзи" ҳикоясидагидек яширин, тагзаминли, тагмаъноли усулда бадиий кўрсатишга муваффақ бўла олди.

Ғафур Ғулом бундан ярим аср аввал, кейинчалик глобаллашув деб аталадиган жараёнларга дахлдор масалаларни бадиий акс эттираяпман деб ўйламаган, албатта. Лекин биз ҳозирда энди глобаллашув жараёнининг муҳим бир қисми сифатида эътироф этаётганимиз империявий сиёсатни, тоталитар тузумни келтириб чиқарган истибдод оқибатларини ўзига хос равишда бадиий талқин этишга ҳаракат қилгани шубҳасиз.

Ғафур Ғулом ўзининг яширин дардларини, орзу ва истак ларини, тузумга раддияларини, келажакка йўллаган пинҳоний умидларини фақат шеърий асарларида эмас, баъзи ҳикояларида ҳам ифодалади.

«Ҳасан Кайфий» шундай ҳикоялардан бири бўлиб, умр шоми – 1965 йилда ёзилган. Асар шу йил «Муштум»нинг уч сонида босилди.

Ҳикоя сарлавҳаси остида қавс ичида ёзилган «халқимизнинг юмористик эртакларидан» деган ёзувдан ҳам ўзига хос яширин поэтик маъно англаш мумкин.

Ўзи хусусидаги фикрни билиш илинжида дарвеш, девона, Ҳизр кўринишида тунда юрт айланувчи подшо саргузаштлари ҳақидаги халқ эртакларидаги фабула асарга асос қилиб олинган. Асарда подшо Ҳизр қиёфасида юради.

Табиий савол туғилади: вафо қилмовчи умр ниҳоясига бир йил қолар-қолмас улуғ адибни бу мавзуга қўл уришга, уни бу

йўналиш ва мазмунда асар ёзишга нима мажбур қилди ёки нима сабаб бўлди? Қалби, кўнгли юморга, ҳазил-мутойибага, қувноқликка ўта мойил бўлгани учунми? Биласизми, Ғафур Ғулом юмористик ҳикояларнинг том маънодаги устаси эди. Унинг бу йўналишда жаҳон адабиётининг истеъдодлари билан бўйлаша оладиган асарлари бор. Адиб ижодини дастлаб шу йуналишда бошлаган эди. Умр кузагада унинг донишманд дили ёшликнинг бу жанрдаги қаҳқаҳаларини яна бир қўмсадимикан?

Шундай бўлиши мумкин, зотан, яқиндан билганларнинг айтишича, Ғафур аканинг кўнгли ҳазил-мутойибанинг кони бўлган экан. Бизнинг фикримизча, булар каторида ва булардан ташқари, ушбу асарнинг юзага келишида яна бошқа ниҳоятда жиддий сабаблар бор кўринади.

Бу – муаллифнинг қалбида деярли ярим асрдан буён айтилмай, айтила олмай юрган дардлар. Адиб уларни элига, юртига айтмасдан кетолмас эди. Бироқ, қандай қилиб айтиш мумкин уларни, замон кўтармаса, мафкура кўтармаса, давлатнинг устунлари кўтармаса. Бунинг устига айтишга мўлжалланган фикрлар ўша даврда кенг миқёсдаги мамлакатининг энг каттасини, унинг бошқарув сиёсатини танқид қилишга, фош этишга қаратилган бўлса? Янаям тўғрироғи, империявий бошқарувга раддия бўлса?

Шу маънода «Ҳасан Кайфий» ҳикояси, бадиий жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам Ғафур Ғулом ижодининг ҳеч муболағасиз, оққуш қўшиғи дейиш мумкин.

Лекин, мамлакатни, давлатни бошқараётган шахсни, у олиб бораётган сиёсатни фош этишнинг ўзи бўладими? Ўша замонларда-я?! Ўтган асрнинг 60-йиллари ўртасида, устига-устак, шўролар ўз мафкурасини наинки мустаҳкамлаш, уни жаҳон бўйлаб ёйишга янада зўр бераётган бир паллада. Шу юртнинг ўзида яшаб туриб, бу ишни амалга оширишни ўйлаш хомхаёллик эмасми? Бу ишни очиқдан-очик амалга ошириш мумкин эмаслиги аён, албатта. Шунинг учун Ғафур Ғулом ниятини амалга ошириш учун эртак жанрини танлади. Қаҳрамонлар-

ни ҳам халқ эртакларидан танлади: бири подшо, иккинчиси, тирикчилигини базўр, учма-уч ўтказиб юрган, ҳаёт уқубатларини, норасолигини бир қултум май билан унутадиган ўта камбағал – Ҳасан Кайфий. Ҳикоянинг бошларидаёқ Ҳасан Кайфий тилидан айтилувчи Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги мисраларига дуч келамиз:

Кишти шикастагонем, э боди шурта, бархез,
Бояд; ки боз бинем он ёру ошноро.

Адибнинг ўзи бу мисраларнинг қуйидаги таржимасини беради: «Кемамиз синиб, дарё ўртасида колганлармиз, э ёқимли шамол, тезрок эсиб, бизга киргоққа чиқишга ёрдам бер. Кошки, ўша ёру ошноларимизни кайтадан кўролсак».

Ҳикояни жиддий ўқиб чиққан ҳушёр китобхон бу байтга алоҳида эътибор беради. Ҳасан Кайфийдан хиргойи сифатида эшитилган, қаҳрамоннинг таъбидан шунчаки, хабар бераётгандек кўринган бу мисраларга ёзувчи муҳим мақсад ва маъно юклайди. Ёзувчи бизга таништираётган қаҳрамон қисмати, тақдири аро йўлда қолган, образли айтганда, кемаси синиб, дарё ўртасида афтодаҳол турган, қандайдир бир ҳаётий ёрдамга муҳтож, бундай ҳолатга тушишдан олдинги вазиятдаги яқинлари, шажараси билан қайтадан дийдорлашув, бирлашув умидидаги киши. Ўқувчи бу камбағал, ночор Ҳасан Кайфий тимсолида асар ёзилган замонадаги бутун бир халқ тақдирига ишорани туйишга ҳақли.

Ҳасан Кайфийнинг ҳаётда ўз аъмоли, эътиқоди, принципи бор. «Ишқилиб, ақл билан меҳнатим бор бўлсин». Ҳасан ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзининг ақлига, меҳнатига ишониб яшайди. Шунга амал қилади. Чунки унинг боқувчиси ҳам, ризқу рўзи ҳам шу – ақли ва меҳнати. Лекин, ҳикоядаги подшо на Ҳасанни ўз ҳолига қўяди, на ақли ва на меҳнатини. Подшонинг асосий мақсади Ҳасанни боқаётган манбалардан, касб-коридан, тирикчилигидан, хуллас, ўзи танлаган йўлдан, ишдан мосуво қилиш. Фақат ўз йўриғига йўрғалатиш. Сен хоҳлаган йўл эмас, мен белгилаб берган йўналишгина сенинг қисматинг бўлади, бундан бошқасини топиб кўр-чи, деб, камбағал шўрлик Ҳасан бошига истаган кишту корини солиш. Ҳасани тушмагур яна ўз ақли ва меҳнати туфайли подшо қўйган тўсиқлардан ўтиб, ризқу рўзини топиш билан овора. Подшо эса, уни ҳечам ўз ҳолига қўймай, фақат мен кўрсатган йўлдангина юрасан, ўзингча эмас, мен айтган ишнигина қиласан, бўлмаса ҳолинг хароб, аҳволинг вовайло, қабилида иш тутишда давом этади.

Ҳикоя шу тариқа аста-секин ривожланиб боради. Шу сюжет чизиғидаёқ, асар ёзилган замонада бошимизда юритилган мустабидлик сиёсатига ишорани пайқаш қийин эмас. Лекин ёзувчи бу билангина кифояланмайди. Унинг мақсади янада чуқур: «– Подшо деган махлуққа доим бўйин эгиш хуш ёқади», дейди Кайфий ва ўзининг бу нарсага хуши йўқлигини билдиради. «Сиғинадиган нарсам, – дейди у, – ўз ақлим, ўз меҳнатим, тақсир».

Ғафур Ғулом бутун ижоди давомида шўроларни нечоғлик улуғлаган бўлмасин, шўро туфайли Ўзбекистан нақадар гуллаб-яшнаганини куйлаган бўлмасин, умрининг охирларига келиб, янада аниқроғи, 60-йилларнинг ўрталарида, жамият расолиги-ю, тузумни бошқараётган раҳбар адолатидан ҳафсаласи тамоман пир бўлди. Буни у яширин услубда, Ҳасан Кайфий тилидан образли ифодалар орқали айтиб кетди. Подшо яратганнинг сояси эканини у тан олади, айни вақтда, подшони яратганнинг сояси, дер экан, «соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади», дейди. Бу, ўз даври учун ниҳоятда жиддий гап эди.

Ҳасан – Кайфий бўлгани билан, беш қултум-беш қултум нўш қилиш севган одати эканига қарамай, ҳалол, меҳнатсевар, беозор ва ўз эътиқодида мустаҳкам. У ҳатто «Хизр» қиё фасида кўриниш бераётган подшо олдида ҳам ялтоқланмайди. Ялтоқланиш у ёқда турсин, ҳатто подшо ҳақида икки оғиз ижобий гапиришни истамайди. «Ҳизр» қиёфасида яшириниб, эл оғзидаги ўзи ҳақидаги гап-сўзларни билишни истаган подшо канча уринмасин, Ҳасан Кайфий оғзидан «подшо саломат бўлсин», деган гапни юлиб ололмайди.

Бу асарга синчиклаб назар ташлаш, унда ёзувчи наинки умр шомидаги, балки анча олдин, яъни ёшлигида кечирган алам-у-армонларини ҳам сингдирган, деган хулосаларга келиш имконини беради. Зотан, ҳикоядаги: «инсонпарвар» ваъдаларга алданиб, учиб, ишониб, бир вақтлар уйимизнинг эшигини ўзгаларга ланг очиб қўйганимиз ҳам тўғри бўлмаган экан, дейилгувчи фикрга имо-ишоралар шундай дейишга асос беради.

Яшириниб, бошқача кийим кийиб, ўзини «Ҳизр» кўрсатиб юрган подшонинг номатлуб фикр ва феъл-атвор эгаси эканини билгач, унга қарата Ҳасан Кайфий шундай дейди: «Мен аҳмоқ бўлмасам, биринчи куниёқ сизни ҳужрага таклиф қилармидим, эҳ, аттанг, аттанг!»

Эътибор беринг, охирги «эҳ, аттанг, аттанг» сўзлари ҳис-ҳаяжонни кучайтириш баробарида, адиб кўзлаётган яширин, кучимли маъно-мақсадни янада мустаҳкамлаётгандек бўлади. Шу биргина «аттанг!» остига қанчадан-қанча улуғ маъно ва афсусни яшира олади адиб.

Булар-ку, майли. «Хизр» кўринишидаги киши Ҳасан Кайфий подшога навкар бўлишини нафас қилганда, унинг ўтакаси ёрилаёзади. «Бундан ҳам расво нафас бўладими», дейди Кайфий. Ҳурликни, эркинликни ҳамма нарсадан аъло қўйган, ўз ақли, ўз меҳнати билан кун кўришни барча юмушдан устун билган Ҳасан Кайфий учун энди, бу мужда – ҳатто подшо эсада унга тобелик, бўйсиниш, сўзсиз итоат қилиш, хизматида бўлиш Ҳасан учун бахтиқаролик, дегани эди. Шунинг учун Ҳасан Кайфий «бу нафасдан жуда ранжиди».

Эртасига Ҳасаннинг уйига бир шоп мўйловли ҳарбий йигит кириб келади. Унинг «бошида дубулға, эгнида совут, билагида қалқон, қўлида найза, елкасида камон, бир ёнбошида садоғ, бир ёнбошида қилич». Бу портретни ўқиб, бир жиҳатдан, ундаги жонлиликдан қойил қолиб, ёппирай, Ғафур Ғулом бу сипоҳини тириклайин ўз кўзи билан кўриб ёзганми, деган фикр га борасиз. Ва, яна бир жиҳатдан, қадимги қурол-яроқларни номба-ном билиши-ю, улар аскар қоматининг каерида қандай

жойлаштирилишидаги аниқликни кўриб, адибнинг билағонлигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Сезиб турибман, аёвсизроқ танқидчи ҳамкасбим, бу ерда адиб меъёридан ошириб юборган-ку, бир вақтнинг ўзида бир сарбоз шунча аслаҳа билан юрмайди, балки, уни кўтара олмас ҳам, деган иштибоҳни билдириши мумкин. Бу фикр мантиқан тўғри, лекин бадиий жиҳатдан эмас. Бадиийлик ҳам меъёр талаб килади. Лекин бу ўринда, асарнинг юмористик характерини ва эртакнамо услубда ёзилганини унутмаслик лозим. Ҳикояга, шуни эътиборга олиб ёндашсак, адибнинг юқоридаги тасвири ўзини тўла оқлайди ва фикр юритаётганимиз портрет тасвирини ёзувчининг қусури деб эмас, аксинча, бадииятдаги, тилдаги, тарихийликдаги юксак маҳоратидан бир кўриниш сифатида баҳолай оламиз.

Бунинг устига сарбоз ўзига юклаб олган қурол-аслаҳа мўллигига адиб бизни истибдодда тутиб келаётган босқин зўравонликдаги қўрқитув аломатлари мўллигини ишора қилгандир балки. Яна ким билади, дейсиз.

Ғафур Ғулом вафотига яқин бундай қалтис ғоялар билан суғорилган, қалтис фикрлар айтиб кетилган асари шу биргина «Ҳасан Кайфий» ҳикояси эмас. Бундай хусусиятлар унинг бу даврда ёзган яна қатор ҳикоялари учун ҳам хосдир. Демак, катта ижтимоий дардларни, миллий-ижтимоий ғояларни яшириб айтиш Ғафур Ғулом ижодининг сўнгги босқичида у ёки бу даражада кўриниб қолувчи тасодифий ҳодиса бўлмай, бу даврда жиддий тайёргарликлар билан онгли равишда амалга оширилган ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Адибнинг ана шундай навбатдаги асарларидан бири «Аликулнинг қарзи» ҳикоясидир.

Асардаги бадиий ният, бадиий ғоя, аввалги асардан кучли бўлса кучлики, ундан кам эмас. Ҳикояда эртакнамо мазмун ҳажвий-юмористик усулда баён қилинган бўлса, «Аликулнинг қарзи»да реал, ҳаётий вокеалар изчил реалистик услубда акс эттирилади.

Ғафур Ғулом пахта ҳақида кўп ёзди. Режаларнинг дўндирилишига қанчадан-қанча ёлқинли мисралар бағишлади, азамат пахтакорни кўкларга кўтарди. Энди, мана, кўп йиллар ўтгач унинг меросига шошилмай, синчиклаб назар ташласак, Ғафур Ғуломнинг ҳам юрагида пахта масаласига доир дардлари жуда кўп экан. Кўп экан-у уларни ошкор айтолмай, юрак тубига яшириб юрар экан. Уларнинг, чамаси, айтиш вақтини, имконини, йўлини, услубини тинмай қидириб юрар ва муайян даражада топган ҳам.

«Аликулнинг қарзи»да адиб шу йўлни, имкониятни топади шекилли, уни амалга оширишга киришади, шунда ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик билан. Фикримизча, муаллиф бу ҳикояни ёзиб бўлгач, ўзининг яқин фикрдошлари, шу жумладан, партиявий матбуот казолари, ва, эҳтимол, ҳаттоки, жумҳурият раҳбарлари билан асарни чоп этиш масаласида маслаҳатлашган. Улар ҳам ҳикоя ичидаги яширин дардлар, гаплар, илгари сурилаётган бадиий ғоя давр учун унча-мунча эмас, ниҳоятда жиддий эканини тушуниб етганлар шекилли, цензурадан ўтказиб олиш, имкони бўлса, уни аввал, марказда чоп эттириш маъқул топилади.

Ҳикоянинг аввал рус тилида, марказда, «Правда» газетасида (1965, 6 ноябрь), сўнг ўзбек тилида (1965, 7 ноябрь) эълон қилиниши юқоридаги каби мушоҳадалар юритишга ундайди.

Пахта ўзбек халқининг бахти, толеи, ризқ-рўзигина эмас, унга зўравонларча муносабатда бўлиш туфайли бошига тушган бало ҳам бўлди, деган гапни 60-йилларнинг ўрталарида айтиш мумкин эмас эди. Лекин, керак эди. Буни ҳаёт тақозо этарди. Кимдир айтиши зарур эди. Ғафур Ғуломнинг дев юраги шу иш учун енг шимирди. Ўз ниятини амалга ошириш, бу ўринда, тузум устунларини чалғитиш ҳамда цензурада ўзига йул очиш учун муаллиф мавзуни ва даврни шўродан аввалги замондан танлади. Лекин, асосийси, ҳикояда асар ёзилган замондаги ўзбекнинг дардларини ифодалади. Зийрак ўқувчи асар замиридан ўз замони ғояларини ўқиб олажагига ишонди. Ҳикоя юзасидаги матнда эса, гуё ўтмиш кўрсатилаётгандек, чоризм ва унинг

чиновниклари, тадбиркорларининг пахта ва пахтакорга муносабати ифодаланиб, улар фош этилаётгандек, бу билан ўтмишга нафрату замонга муҳаббат ўқилаётгандек йул тутилди.

Ҳикоядаги, бир қараганда, гўё аҳамиятсиздек туюлиши мумкин бўлган унсурларга ҳам муаллиф жиддий маънолар юклаган. Бош қаҳрамон исмига эътибор беринг: Аликул. Исмдаёқ унинг тақдирига ишора бор. Воқеа рўй берадиган қиш лоқнинг номи эса - «Юпун». Бу, энди, шўрлик пахтакорнинг ҳаётига ишора. Ҳикояда ўқиймиз: «Шу замонларда ҳамма деҳқон ўзини пахтага урган, пахта деса, баъзиларнинг оғзидан бол томади, баъзиларнинг кўзидан ёш оқади». Ёзувчи шу тариқа ўқувчини аста-секин асосий мақсадга, асосий ғояга тайёрлаб боради. Пахта меҳнатининг жуда оғирлиги айтилади. Лекин, чалғитиш ёки эҳтиёткорлик учун бўлса керак, умуман, пахта эмас, Аликул эккан «жайдари ғўза» навининг ўта қийинчиликлари ҳақида гап боради ҳикояда. Юқорида айтганимиздек, асарга асос қилиб олинган замон ҳам кўп йиллар бурунгаидавр: ер ҳайдашга ҳўкиз солиниб, омоч тортиладиган пайтлар, ўғит ўрнига катта кўчанинг тупроғи солинадиган вақтлар... Ҳосилнинг чўғи ҳам ҳаминқадар. Иваново-Вознесенскдан келган ҳаннот - комиссионер пахтани олиб кетади. «Тошкенту Бухородан эмас», жуда узоқдан келиб, олиб кетилади, деб урғу беради ёзувчи. Бу "узоқ"лар қаер эканлигини ўқувчи англаб олишига ишонади ва янглишмайди. Бу етиштирилаётган пахтамизнинг ўзи-ю, ундан келадиган бойлик, даромадлар Тошкенту Бухорода қолмай, узоқларга ташиб кетилишига ёзувчининг нозик шаъмасидир. Булар ҳам асосий ғояни очишга тайёргарлик сирасига киради. Бош ғояни очишга эса, адиб қуйироқда эътибор беради. Аликул етиштираётган пахтаси эвазига тирикчилиги учун ун қадоқ туз, бир қадоқ чой, беш газ чит, икки дона лампа шиша олган. Ҳисоб-китоб қилингандан сўнг маълум бўладики, эрга баҳордан кеч кузгача тинмай тер тўккан, баъзан ҳўкизнинг силласи қуриганда бир ёнбошига ўтиб, ўзи дам омоч тортганига қарамай, бояқиш Аликул даромад олиш ўрнига карз бўлиб қолади. Ахир, 40-50-йиллар

шўро замонида ҳам шундай эмасмиди? Йил давомида меҳнат қилиб, об-ҳаво туфайлими, сувсизлик боисми, етарлича ҳосил ололмай, ҳукумат колхозга берган асбоб-анжомлару, ўғит ва бошқа нарсаларнинг харажати оқланмаганидан қарзга ботиб қолган хўжаликлар оз эмас. Ёзувчи Аликулнинг тасвирига ана шу ҳаётий ҳақиқатни яширади. Ахир, эрта тонгдан кун ботгунча бутун оила деярли йил бўйи ишлаб хирмон кўтарганда, оқибат даромад олиш ўрнига не-не колхозлару, не-не минг шўрлик ватандошларимиз қарзга ботиб колавермасмиди шўро йилларида, ҳатто, унинг гуллаган даврларида ҳам. Аликул тақдирида худди шуни акс эттирмаяптими, адиб.

Аликулнинг қисматини ўқиб, талабалик йилларимизда пахта теримига бориб, соғлиғи кўтармагани ёки шаҳарлик экани боис, қўлию бели кўп ҳам қайишмагани туфайли, нари борса базур овқат ҳаққини оқлаган ва ёки ҳатто терим тугагач, шаҳарга қарз бўлиб қайтган ва бу қарздорлиги учун талабалар мажлисида астойдил изза қилиниб, тавба-тазаррулар билангина базур талабалик гувоҳномасини сақлаб қолган айрим курсдош дўстларим ёдимга тушади.

Ахир, қанча-қанча миллионлаб тонна пахталар ташиб кетилаверди. Ўзимиз етиштирган пахтани ўзимиз тайёр маҳсулотга айлантириш имконига эга бўлмадик. Ўзимиз тайёрлаган пахтанинг, дейлик, бир килосини ўн сўмга сотиб, шу бир кило пахтадан тайёрланган ўнта дастрўмолни эса энди яна ўзимиз юз сўмга сотиб олишга мажбур бўлиб яшадик. Аликул сингари ҳўкиздек терга ботиб ишлаб, яна қарзга ботиб қолавердик. Мамлакат миқёсидаги бу «қарз»ларимизни эса, марказда юзимизга писанда қилишдан тинмадилар. Меҳнаткаш халқ, у билан бирга тер тўккан не-не раҳбарлар гўё, гуноҳкордек бошларини эгиб яшаб келаверади.

Ғафур Ғулом бу ҳолни ҳикояда аниқ, тиниқ ва ихчам равишда Аликул қиёфасида қуйидагича ифодалайди:

«Комиссионер узоқ чўт қоқади:

–Э, Аликул, Аликул, бу йил яхши ишламабсан, даромадинг-

нинг мазаси йўқ, пахтанг кам, бозор касод, ҳа, майли, пахтангни оламиз, лекин, устингда анча қарз қолади».

Шўрлик Аликулнинг «оппок муйсафид боши кўкрагига энгашиб тушади». Ерга тикилганча, у билан маслаҳатлашгандай бўлади, боёқишнинг шу ердан бўлак маслаҳатлашадигани, таянадигани, суянадигани, юрагини ёрадигани йўқ. Биладики, фақат шу ер унинг гапига, дардига жимгина қулоқ солиши мумкин.

«– Хўш... азиз ер, бундан буёнги ишимиз қалай бўлди, **яна қарздор бўлиб қолибмизку.** (таъкид бизники – Б.Н.). Раҳм қилсанг-чи, дурустроқ ҳосил етказсанг-чи, **зорама-зора келаси йилга қарзларимиздан қутулиб,** боримизни қоқсак...» Шу лавҳага келганда ёзувчининг ҳам юраги тўлиб кетади шекилли, ушбу жумладан сўнг ўзининг чексиз нафратини тўкиб солади. Бунинг учун адиб бағрида оловланган, неча ўн йиллар давомида дилида тугилиб ётган аламни портлатиб юзага чиқаради ва қаҳрамон Аликул тилидан шундай дейди: «Шу олибсотарнинг бетига тупурсак». Бундан қаттиқроқ сўз, бундан чексизроқ нафрат бўлиши мумкинми?

Комиссионернинг Аликулдан бўлак деҳконларга муносабатини кўрсатиш орқали ёзувчи масала моҳиятини ва у шахс табиатида тажассум топтан разолатни янада чуқурроқ очади. Бу ўринда адиб сўзининг бадиий кучи шу қадар теран, шу қадар аниқ, шу қадар мўлжалга тўғри тегадиганки, комиссионер нутқининг ҳар бир бўлагига, ҳар бир иборасига ҳикояда тасвирга олинган даврнинг эмас, худди ҳикоя ёзилган замоннинг аламлари, дардларини реалистик равишда сингдиришга муваффақ бўлади.

Эътибор берсангиз, адиб "вексел" "комиссионер" сўзларига алоҳида урғу беради ва воқеа шўролардан бурунги замонларга тааллуқли эканини алоҳида уқтиришни унутмайди. Векселга бармоқ босишлар остида марказда қабул қилинаётган зўравон қарорларга ерлик раҳбарлардан имзо чекдириб олишлар эканини ўқувчи англайди.

Комиссионер нутқида ишлатилган «мана бу векселга бар-

моқ босинглар» дейилган жумла асардаги вокеанинг гўё шўро тўнтарувидан олдинги даврда рўй бераётганига ишора қилаётгандек туюлса-да, бу - аслида, адибнинг яна бир усталиги, шўронинг сиёсий гурзисидан эҳтиётланиш йўсини, матбуот коровулларини чалғитиш усули. Комиссионер нутқидаги қолган деярли барча жумлалардага маъно-моҳият эса, асар ёзилган давр руҳига қаратилгандир. Комиссионернинг хирмон тепасида туриб, деҳқонларга уқдираётган мана бу гапларига эътибор беринг. Адиб келтирган ихчамгина бир абзац нутқда пахта масаласида ўзбек халқи бошига ёғилган ташвишу-азоблар нечоғлик аниқ-тиниқ ва бадиий теран қамраб олинганини англаш учун биз уларни шартли равишда куйидагича, алоҳида-алоҳида бўлиб кўрсатишни маъқул топдик: 1. «Ҳа-ҳа, чаққон-чаққон бўлинглар»; 2. «Мана бу пулни олиб, ўлмаснинг куни еб туринглар»; 3. «Энди яхши меҳнат килинглар». 4. «Яхши ҳосил олинглар». 5. «Зорама-зора келаси йил қарздан қутулиб колсанглар» ва ҳоказо.

Адиб комиссионернинг юқоридаги гапларини шундай деди, деб эмас, «деяётгандек бўларди», деб ифодалайди. Бу билан, бир жиҳатдан, қаҳрамон психологиясини очишга эътибор кучайтириляпти, адибнинг қаҳрамон руҳий дунёсини ўқий олишдаги усталиги кўриняпти, албатта, лекин, иккинчи бир жиҳатдан, бу ўринда адибнинг ўта эҳтиёткорлиги ҳам яшириниб ётади.

Ҳаёт шу зайлда давом этаверади. Пахта масаласида ўзбек халқи гарданидаги азоб-уқубатларни, ёзувчи қуйидаги икки сатрга жо қилади. «Яна баҳор, яна омочу буйинтуриқ, ўша-ўша чигит, ўша- ўша ер, ўша-ўша меҳнат, ўша-ўша ҳасрат». Эътибор беринг: адиб икки сатрда «ўша» сўзини бир эмас, икки эмас, саккиз марта ишлатмоқда. Бу ўзбек халқини эзиб юборган ҳасратларнинг давомийлиги ва ундан қутулишнинг ўша пайтлардаги чорасизлигига бадиий ишорадир.

Бу ўринда кичкинагина ҳажмли ҳикояда адибнинг Гоголь, Чехов, Чўлпон, Қаххор янглиғ жуда катта маъноларни сингдира олиш маҳоратини кузатиш мумкин. Комиссионер характерида не азобда етиштирган юҳоларча ноинсофлик ва зўравонлик билан олиб кетилган ижтимоий куч қиёфаси; Аликул характерида эса, пахта даласида салкам| қулларча мутелик билан ишлашда давом этган, бунга чидаган, иродаси синмаган ва букилмаган халқ вакили табиати гавдаланади. Маллифнинг юқоридаги фикрини яна бир марта келтирайлик. Унда пахта туфайли халқ зиммасидаги уқубатлар ўзининг мухтасар ва умумлашма бадиий ифодасини топади: «Яна баҳор, яна омочу бўйинтуруқ, ўша-ўша чигит, ўша-ўша ер, ўша-ўша меҳнат, ўша – ҳасрат». Бу – улкан минбарларда туриб халқ фаровонлиги порлоқ келажак ҳақида дунёга жар солиш нечоғлик авж олмасин, пахтага боғланган халқ хаёти, турмуш тарзи, ҳасрати ўша-ўша маромда кечаётган манзаранинг сўздаги бадиий суратидир.

Ёзувчи Аликулнинг ер билан гаплашиш усулидан асарда ҳикоя жанрига хос равишда ниҳоятда ихчам, лекин чуқур ва унумли фойдаланади. Агар хотирангизда бўлса, Чингиз Айтматов ҳам «Момо ер» қиссасида қаҳрамон қалбини очишда шу усулни усталик билан қўллайди ва қирғиз адиби ўз қаҳрамони Тўлғанойнинг Момо ер билан мулоқотига катта бадиий маъноларни сингдиришга муваффақ бўлади. Чингиз Айтматовга бу масалада, эҳтимол, Ғафур Ғуломнинг| муайян таъсири бордир.

«Аликул ер билан гаплашади:

– Ҳой, онагинам, раҳминг келса-чи, бир кучан, карзлардан қутулиб олайлик.

Ердан чурқ этган садо чиқмайди. Аликулнинг елкасида комиссионер шарпаси тургандай». Бу қисқагина жумладаги чуқур, теран маънони шарҳлаш зарурати бўлмаса керак.

Бу кичик лавҳада Ўзбекистан тупроғидан тўрт етмагандай, беш озлик қилгандай, олти миллионлаб тоннани талаб қилишдан тап тортмаган юхо кучларга ишора, ер шўрликнинг эса, кучана-кучана шўри қуриётганига, унинг турли-туман гербицидлар-у, пестицидлардан адои тамом бўлаётганига шаъма бор эди. Адиб ҳикоя жанрига муносиб равишдаги ихчам-

лик билан айрим сўз, айрим жумлага шу қадар чуқур маъно сингдира олади.

Буюк адиблар ижодининг буюклиги шундаки, уларнинг асарларидаги матн битта бўлса ҳам ҳар бир давр улардан ўзига керак янги мақсад ва янги маънолар топади. Бунга Ғафур Ғуломнинг юқоридаги асарлари яна бир далил бўла олади.

Шунинг учун биз Ғафур Ғулом каби буюк адибларимиз ижодий "сир"ларини чуқурроқ англаш учун унинг асарларини бу янги замонларда янгича ўқий билишга интилишимиз керак.

Пахтага оид кирдикорларни бадиий йўсинда, лекин Ғафур Ғуломдай нисбатан яширин эмас, бирмунча ошкорроқ фош эта олган, тоталитар тузум шароитларида бунинг уддасидан чиққан ёзувчилардан бири Пиримқул Қодиров бўлди.

Мен ёзувчининг бундан ярим аср аввал (1967) ёзилган "Жон ширин" ҳикояси таҳлилига ўтишдан аввал унинг чорак аср бурун ёзилган (1992) жажжигина бир публицистик мақоласи – "Истиқлолнинг миллий манзиллари"га назар ташлаб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

"Геноцид" деб аталадиган миллаткушликнинг одамзод тарихида мисли кўрилмаган улкан даҳшатларнинг собиқ иттифоқнинг кўпчилик халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам бошидан кечирди. Ҳатто қайта қуриш даври бошланган 1980-1988-йилларда ҳам марказдан келган "десант"чилар ўзбек халқининг кўзга кўринган энг нуфузли фарзандларини миллатчиликда айблаб, йўқотиб юборишга яна бир ҳаракат қилиб кўрдилар. Буни "байналмилалчилик" ниқоби билан хаспўшладилар. Риёкорликни қарангки, собиқ иттифоқнинг ҳукмрон мафкураси араб миллатчилигини "миллий озодликка ёрдам берган ҳаракат" деб ёқлади. Ҳиндистонда М.Ганди ва Ж.Неру бошчилик қилган ҳаракат ҳам "ҳинд миллатчилиги" (индийский национализм) деган атамалар билан улуғланди. Аммо ўзбек халқининг асл фарзандлари ўз миллатини салгина улуғласа ёки ҳимоя қилса, мустабид мафкура худди ўша "миллатчилик" сўзини дарҳол қоралаш, сўкиш ва қатағон қи-

лиш қуролига айлантирди. Бу иккиюзлама мунофиқ сиёсат ёрдамида қанчадан-қанча миллатпарвар, мард кишиларимиз бевақт қурбон бўлди"[31].

Бирмунча каттароқ кўчирма келтиришимизнинг сабаби шу публицистик мақолада эътироф этилаётган "геноцид" деб аталувчи пахтакорлар ҳаётида қўлланган миллаткушлик ҳамда "иккиюзлама мунофиқ" сиёсат деб номланаётган тузум фақат собиқ марказгина эмас, ўзимизнинг, ерлик айрим биродарларимизнинг, баъзи катта-ю кичик раҳбар ходимларнинг феъл-атворига сингиб қолган хусусият бўлганини бадиий гавдалантириш "Жон ширин" ҳикоясининг марказий муддаосини ташки этади.

Ҳикоя марказида ғўзага ҳашарот тушиши ва ўт босишига қарши курашиш учун самолётлардан "дори" сепилиши туфайли ўн беш ёшли Зиёдулланинг нобуд бўлиши, докторлар унинг сақлаб қолаолмаганликлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ва шу ҳодисаларга дахлдор кишилар қиёфасини кўрсатиш ётади.

Ҳикояда кичик бир ҳодиса қаламга олингандек. Лекин унинг замирида катта ҳаётий ҳақиқат ва муаммо, юқорида айтганимиз пахта деб, ундаги дори сепишлар деб миллат генофондига ваҳшиёна таъсир этишнинг оқибатлари қаламга олинади, тўғрироғи бу масалага жамоатчиликнинг, халқнинг, тузумнинг эътибори қаратилади.

Ҳикояда ғўзани ўт босишдан сақлаш учун дори сепилганда заҳарланишда "биргина" ўқувчи бола Зиёдулла ҳаётдан кўз юмади. Лекин, биз биламизки, ҳаётда бундай жараёндан азият чеккан биргина Зиёдулла эмас, юзлаб, балки минглаб ватандошларимиз эди, юзлаб, минг-минглаб ўқувчи талабалар эди. Пахта далаларига самолётларда дори сепиш ҳикояда асар ёзилиши давридаги "эҳтиёткор"лик нуқтаи назаридан юмшоқроқ қилиб айтилгандек ғўзани ўт босиш паллаларидагина эмас, уруғ қадашдан бошлаб то ҳосил йиғиб олингунча кечган деярли барча зарурий жараёнларда ва ҳатто, терим паллаларида

[31] Пиримқул Қодиров. Қалб сўзлари. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 141.

ҳам амалга оширилганини инобатга олсак, инсон тақдирига бундай муносабат бир ёки икки йил эмас, ҳар йили такрорланиб турганини эсласак, буни фақагина пахтадан юқори ҳосил олиш учун қилинган хатти-ҳаракат деб эмас, балки том маънода "яширин" равишда миллатга нисбатан амалга ошириб келинган "геноцидлик" деб аталувчи миллаткушлик ҳаракати деб баҳолаш мумкин.

Пахтага дори сепиш жараёнларини ўзимиз ҳам талабалик йиллари бир эмас, бир неча бор бошдан кечирганмиз. Терим пайтида учиб ўтган самолётлардан сепилган дорилар осмонда сарғимтил тус олиб ёйилганча қуёш нурларида қўнғирлаша бориб далага ёйилганини ўз кўзимиз билан кузатганмиз.

Тўғри, пахтага дори сепилган пайтда қачон бўлмасин далага чиқмаслик раис-у, бригадир, дўхтирлар унинг зарарли оқибатларига қарши қатъий чоралар кўрмоқлиги ҳақида белгилаб қўйилган қонун-қоидалар йўқ эмасди, албатта. Бироқ улар деярли аксар ҳолларда, қоғоздагина қолиб кетар, ҳаётда эса ҳосил учун кураш "жонбозлик" давом этар эди.

Пиримқул Қодировнинг "Жон ширин" ҳикояси марказида пахтани дорилаш туфайли бир ўсмирнинг нобуд бўлишидек гўё оддийдек кўринувчи бир воқеа асос қилиб олингандек кўринса ҳам, унинг замирида юқорида эътироф этилгани каби катта, муҳим бир ижтимоий муаммолар ётар эди.

Биз бугун энди бу масала ҳақида эмин-эркин мулоҳаза юритяпмиз. Лекин ҳикоя яратилган 1970 йилларда бу гапларни очиқ-ойдин айтиш мумкин эмас ва ҳатто хавфли эди. Бундай муаммолар кўтарилиб чиқилгудек асарнинг чоп этилишига аввалambор рухсат берилмас, қаламга олган ёзувчига эса тегишли жазо муқаррар эди. Шу сабабдан бундай асарнинг 1970 йилларда ёзилиши Пиримқул Қодировнинг ҳақиқий жасорати сифатида баҳоланса арзийди.

Ундай бўлса, хўш, ёзувчи бу асарни қандай қилиб чоп эттира билди ўз вақтида, яъни бундан салкам ярим аср илгари, деган ҳаққоний савол туғилиши, табиий.

Асарни ўз вақтида чоп эттира олиш учун масаланинг қўйилиши ва оқибатларини бадиий талқин этишда ёзувчи бир мунча "юмшоқ"ликларга йўл қўйишининг сабаблари шундан. Бундай "юмшокроқ" йўл тутишнинг энг асосийларидан бири геноцидлик даражасига айланиб бораётган бу ҳаракатга асосий сабабчиси тузум, истибдод, бизнинг бошимизда ҳукмронлик сиёсатини юргизиб келаётган марказ, унинг империявий тадориги эмас, балки ерли вакилларининг ўзида намоён бўлган бошқарувдаги зўравонлик, ўзбилармонлик, мутеъликни салкам табиий ҳол сифатида қабул қилиш, бундай кишиларнинг мансабпарастлиги, амал курси учун ёпишуви, деб кўрсатмоқчи бўлади. Ёзувчи асар матнида дори сепиш натижасидаги зарарли оқибатларнинг олдини олиш учун тегишли қонун-қоидалар мавжуд эди. Ҳукумат чиқариб қўйган бундай ҳужжатларга амал қилиниши шарти эди. Амал қилинмагани учун, асарда кўрсатилгандаги каби, бахтсиз ҳодисалар рўй берди, деган масалаларни ёзувчи назар эътибордан четда қолдирмайди. Лекин асар сюжетида бот-бот кўриниб турувчи масаланинг талқинига доир бундай қарашлар давр руҳидан келиб чиқиб асарни чоп этиб олиш учун ташланган қадамлар, уни мафкуравий раҳбарлар назаридан ўтказиб олиш учун тутилган йўл, деб қарасак тўғрироқ бўлади. "Қоидага биноан "дори" сепилгандан кейин уч-тўрт кун пайкалга одам кирмаслиги керак"[32]. Кўряпсизми, қонун жойда, қоғоз жойида. Лекин амалда эса ҳатто ўтоқ пайтида одам дори сепилгандан 3-4 кун ўтиб далага чиқиш у ёқда турсин, терим пайтида боши устидан учиб ўтган тайёралар нариги пайкалга дори сепишганини ўз кўзимиз билан кўрганмиз.

Хуллас, ҳикояда райком секретари Мамадали Болтабоев жамоа хўжалиги (колхоз) раисига, раис эса бригадирга, бригадир эса "ғўзани ўт босиб, ҳосилдан айрилиб қолмаслик" учун

[32] Пиримқул Қодиров. Яйра институтга кирмоқчи. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – Б. 93. Кейинги иктибослар ҳам шу манбадан олиниб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

дори сепилган далага жамоа аъзоларини чиқишга мажбур қилади. Оқибат эса, маълум.

Бўлган ишни бости-бости қилиш ҳаракати бошланади. Ўзбекчилик эмасми, уйдаги гапни кўчага чиқаришнинг нима кераги бор, деювчилар ҳам топилади. "Энди тақдирида бори шу экан, куни битган экан, буни бировдан кўрманг, худодан кўринг..." ва ҳ.к., ва ҳ.к.! Қараб турилмайди, албатта. Зиёдулла шўрликнинг маъракаси ҳаракатини раис билан бригадир кўтаришга тайёр: "бир қўй, тўрт қоп ун, бир қоп гуруч" дегандек. Ёрдам-ку, оқибат-ку – яхши. Лекин бу сатрларни ўқиб туриб, ана сизга 15 ёшли йигитчанинг қадр-қиммати, ўн гулидан бири очилмай, ўтиб кетган одамга муносабат, деган туғён вужудингизни тирнаб ўтади.

Бир тарафдан "ҳосилдан айрилиб қолмайлик", деб пахтага дори сепилаверса, иккинчи томондан 15 ёшли Зиёдуллалар ҳаётдан чурқ этмай ўтиб кетаверса, қолган ёр-биродарлари эса ким майиб-мажруҳ, ким чалажон бўлиб яшашни давом эттираверса. Ҳақиқат борми ўзи? Нега бонг урмайди одамлар?

Пиримқул Қодировнинг "Жон ширин" ҳикояси ўз даврига нисбатан, имконият даражасидаги ана шундай бонг, ўзбек адабиётидаги империячилик сиёсати, истибдод остидаги мутеълик ва пахта яккаҳокимлиги туфайли вужудга келаётган ва йилдан-йилга кучайиб бораётган ҳаракатларга қарши бадиий адабиёт орқали қарши чиқишларнинг журъатли бир намунаси эди.

Лекин ҳаёт райком секретари Мамадали Болтабоев, колхоз раиси-ю, бригадир Тошмат акалардан иборат эмас. Ҳаётда нобуд бўлган Зиёдулланинг акаси Сайфулла, қишлоқ даволаш пункти врачи Музаффар каби эгилсада букилмайдиган, қайишса-да синмайдиган ҳақиқатгўй, бошига оғир савдолар тушиши мумкин бўлганда ҳам мутеъликдан ориятини устун қўювчи одамлар бор.

Ёзувчи ҳикоя давомини қаҳрамонлараро кечгувчи кескин конфликтларга буради, зеро, мана шу конфликтларда уларнинг характери, сажжияси ва уларнинг ҳаракатлари, фикрлари

шиддатидан асарнинг ғояси бўй кўрсата боради.

Врачлар марҳумнинг вафоти сабабини аниқ белгилашлари ва уни тегишли ҳужжатда қайд этмоқлари лозим. "Жон ширин" ҳикоясининг шиддати, қаҳрамонлараро конфликтнинг босқичдан-босқичга, лавҳадан-лавҳага таранглашуви энди бошланади.

Зиёдулланинг акаси шаҳарда кимё заводида ишлайдиган Сайфулла укасининг вафоти "бости-бости" бўлишини хоҳламайди. У укаси вафотининг сабабини аниқ билган ва ана шу сабаб аниқ кўрсатилган ҳужжатни талаб қилади, шу ҳужжат асосида бу кўргуликка йўл қўйганларнинг жазоланишини адолатдан деб билади. Касалхона врачи Музаффар касбига хиёнат қилмай, марҳум вафотининг сабаби пахтага дори сепилишида, деб ёзиб бермоқчи. Бош врач Мирвоҳид ака бундай хулосага келишда "ўйлаброқ" кўришни маслаҳат беради: ахир, гап фақат бригадир Тошматда эмас-ку, унга раис буйруқ берган, раис билан чекланилса майли эди-я, раис буйруқни райком секретари Болтабоевдан олган. Бу – иккинчи учи давом этаверадиган масала. Шу боис Зиёдулла вафоти сабаби сепилган дорида эмас, бошқа нарсада деб кўрсатишни маслаҳат беради. Сиз қўйган диагноз тўғри, лекин, барибир уни ўзгартириш керак. "... Бунақа диагноз жуда катта жанжалларга сабаб бўлади-да... Районимиздан қанча одам жавобгарликка тортилади. Биз ҳам балога қоламиз..."

Оддий врач Музаффар диагнознинг "ёмон овқат еб заҳарланган" қабилида ўзгартирилишига кўнмайди, кўнмайди-ю, бу кўнмасликдан боши ҳали не балоларга қолишини билмайди. Ҳозирча бош врач Мирвоҳид аканинг сўзлари шундай: "Музаффар, ваҳима қилманг, биз учун бу шунчаки бир мажбурият..". Кўраяпсизми, гап айланиб қайси томонга бурилмоқда: бир одам ўлса ўлиб кетаверсин (бу ҳикояда. Аслида ҳаётда эса, минг-минглаб одамлар мана шундай қисматга дучор бўлишган, ўнлаб минг кишилар эса майиб-мажруҳ ҳолда қолиб кетаверишган), бунинг ҳатто сабабини тўғри кўрсатиш мумкин бўлмаган.

“Ҳозир шароит шуни талаб қиляпти”. Бу қандай шароитки, ҳатто ўлимнинг сабабини тўғри кўрсатолмасанг. Ёмон яшаётганинг, истибдод остида умр кўраётганинг” тоталитар тузум остида мутеъ эканинг сабабларини очиқ-ойдин ёки, майли, ҳеч бўлмаса тўғри айтаолиш у ёқда турсин, 15 ёшли навқирон йигитнинг вафот этиш сабабини тўғри айтолмасанг...

Мирвоҳид ака гапида давом этади: “Биз ҳам фариштa эмасмиз. Шароит билан ҳисоблашишга мажбурмиз” (98-бет). Бундоқ қарасангиз Мирвоҳид аканинг гапида нотўғри жойи йўқдек. Аслида ҳаётда ҳам бундай Мирвоҳидлар минг-минглаб экани табиий. Бу фикрлашда ўзбекчиликнинг баъзи бир қирралари ҳам намоён бўлаётгандек. Бу ҳаёт ҳақиқати. Адиб – ҳаётий ҳақиқатни кўрсатмоқда. Ҳаётдаги реал кишини тасвирламоқда. Лекин, энг асосийси, ҳаётни, қаҳрамонни кўрсата туриб, ахир бундай бўлиши керак эмас-ку, демоқчи ёзувчи. Қачонгача, биз ҳам фариштa эмасмиз, деб сезмаган, пайқамаган равишда ўзимизда шайтоний белгилар қарор топиб бораверишига йўл қўямиз? Қачонгача, шароит билан ҳисоблашишга мажбурмиз, деб номақбул ва номатлуб шароитга кўникишда давом этамиз. Қачонгача четдан суқилган мажбуриятларни, зўравонликларни худди ўзимизнинг бурчимиз, масъулиятимизга айлантирамиз ва ноўрин мажбуриятларни хоҳишимиз даражасига кўтариб, ўз табиатимизда мустаҳкамлаймиз.

Ёзувчи Пиримқул Қодиров ҳикоянинг юқоридаги кичик бир лавҳасида ана шундай саволларга жавоб излашимизни хоҳлайди, туйғуларимизни, идрокимизни ҳаракатга келтириб, ҳаётга янги ҳаётийликлар қўшишга интилаётгандек бўлади.

Музаффар Мирвоҳид аканинг ундовларини қабул қилмайди. Музаффарнинг бу ҳолатдаги тасвирида ёзувчи қаҳрамони характерини акс эттиришда айрим демогогик унсурларга, баландпарвозликка йўл қўйса-да, лекин Музаффар қиёфасидаги қатъийлик Мирвоҳид ака табиатидаги айрим ноилоҳлик, “мажбурий” сабабларининг очилишига таъсир кўрсатгандек бўлади. “Иложим қанча!” дейди Мирвоҳид ака ва фикрини давом

эттиради: “Мен ҳам қарам одамман. Агар ўртоқ Болтабоевнинг айтганини қилмасам (ёзувчи ўз қаҳрамонига танлаган фамилияга эътибор беринг. Унда қаҳрамон феъл-атворига ва эҳтимолки, тутган мансабига етарлича урғу бор) бутун айбни ўзимга тўнкайди. “Сен бош врачсан, одамларнинг соғлиғини сақлашни сенга топширган эдик, энди жавобини ҳам ўзинг берасан”! дейди-ю, уриб ер билан яксон қилади. Қандай қилай! Жон ширин экан... Итоат қилишга мажбурман...” (98-99-бетлар).

Ана шу ўринда ҳикоянинг туб мақсад-моҳияти, асар номига жо қилинган фалсафа бўй кўрсатгандек бўлади. Тоталитар тузум, шўро мафкураси ва яшамоқ идеологияси, айниқса, 1937 ва 1951-йил воқеалари, истибдод ва бўйсуниш, улар замиридан сизиб чиқувчи мутеълик узоқ йўллардан буён одамларнинг жонини олиб қўйган, аслида буларсиз ҳам ширин бўлган жонни қўрқув деган туйғу янада ширинроқ қилиб қўйган. Табиий бўлган бу туйғуга ижтимоий йўналиш берган.

Мирвоҳид ака тилидан айтилган “жон ширин”лиги фақат унинггина эмас, бригадирнинг ҳам раиснинг ҳам, райком котиби Болтабоевнинг ҳам бирдек қўрқувлари ифодаси эди. Бу қўрқувлар мансаб-у мартабадангина, амал ёки курсидангина эмас, улардан ҳам катта маънолардаги – “жон ширин”лиги деган қўрқув эди. Шўро, шўровий мафкура ўз ҳукмронлиги даврида мана шу туйғуни фуқаролари қалбида қарор топтиришга эриша олди. Бунинг уддасидан чиқа билди. Бу туйғу кўп йиллар мобайнида бу тузумнинг асосларини мустаҳкамлади ҳамда бошқа зўравонлик, мустабидлик хусусиятлари билан бирлашиб ўзининг бошига етди.

Врач Музаффар диагноз қоғозини ўзгартиришга рози бўлмагач, Болтабоев қони қайнаб, жунбушга кўтарилади. Ҳамма айбни аҳоли соғлиғи учун қайғурмаган Музаффарнинг ўзига юклаб, ва яна қанчадан-қанча туҳматларни ташкил этиб, тегишли ҳужжатлар билан ишлашни прокуратурага топшириб, адолат учун курашмоқчи бўлган қаҳрамон устидан жиноят иши қўзғаб, қаматиб юбориш тараддудига тушади. Районнинг бирин-

чи раҳбари эмасми, нияти деярли амалга ошув босқичига етганда Сайфулланинг елиб-югуришлари, Музаффарнинг севгилиси Малоҳатхоннинг яқинлари, Ўзбекистон Марказкомида масъул лавозимда ишловчи таниш-билишлари, депутатлар ноҳақликни бартараф қилиб, туҳматларни фош этиб, ҳақиқатнинг тикланишига эришадилар. Адолатпарвар Музаффарни қамалиб кетишдан сақлаб қолиш билан бир қаторда туҳматчи Болтабоевнинг ўзи қилмишига яраша жазосини олади.

Ҳикоянинг иккинчи қисми ҳақида шуни айтиш жоизки, бош қаҳрамон Музаффар характерини чизар экан, ёзувчи унинг янада яхшироқ одам эканини кўрсатиш мақсадида асарда унга янги квартира бериш билан Болтабоев ўз ниятига эришмоқчи бўлгани, лекин янги оила қуриш арафасида турган ва квартирага муҳтож бўлган Музаффар, ҳақиқат йўлидан қайтмай, ҳатто квартирадан ҳам воз кечиши линияси бирмунча ялтироқдек бўлиб кўринади. Бу линияда асарнинг охирига бориб кўринажак, ва Музаффар тақдирида муҳим рол ўйнаяжак Малоҳатнинг асардаги ўрнини белгилашга бошланғич ишора бор бўлса-да, Музаффар инсонпарвар қатъиятда бир ўзи эмас, уни қўллаб-қувватлаб турувчи Малоҳатдек севгилиси бор дейилса-да, бу линияда социалистик реализмга хос бўлган айрим сунъийнамо кўринишлар бордек, яхши қаҳрамонни янада яхшироқ кўрсатишга интилиш ҳаракати бордек тасаввур уйғонади.

Бундан ташқари асарни яхши, ижобий натижалар билан тугаллашдан иборат 50-60 йиллар шўро адабиётида ҳукм суриб келган сийқалашган тамойил бу асарда ҳам маълум даражада ўз изини қолдиргандек кўринади.

Ва ниҳоят, ҳикояда пахтага дори сепиш туфайли содир бўлувчи фалокатларнинг асосий сабабчилари ўзимизнинг райком секретари, раис ва бригадирлар экани таъкидланган ҳолда бу масаланинг юқорироқ бошқа сабаблари бўлганини эътироф этмаслик масала талқинига соя ташлаб тургандек кўринади. Буни ҳикоянинг деярли ярим аср аввал яратилгани билан изоҳлаш мумкин.

Шу маънода "Жон ширин" ҳикоясининг яратилиш тарихи ҳақида қисқача тўхтаб ўтиш ноўрин бўлмайди.

Асарни ёзишни адиб 1967 йилда бошлаган эди. Ҳикояда воқеаларга ёзувчи гувоҳ бўлганини, уларни ўз кўзи билан кўрганини эътироф этади. Бу йўналишда у аввал (1965) "Инсон ва ҳақиқат" номли публицистик мақола ёзганини, унда кимёвий заҳарланишлар масаласига алоҳида эътибор бермоқчи бўлганида марказий "Совет Ўзбекистони" газетаси таҳририяти муаллифнинг бу позициясини маъқул кўрмаганини эслаб ўтади. Шундан сўнг ёзувчи ўз олдига қўйган ниятларини бадиий равишда ифодалаш мақсадига ўтади ва ҳикоя жанрига мурожаат этади. Кимёвий заҳарларга оид маълумотларни йиғишга киришади. Далаларда сепишга қўлланаётган дориларнинг таркиби билан қизиқади. Гигиенист олим, ҳарбий врач, фан арбоби, Ўзбекистон санитария ва гигиена илмий тадқиқот институти директори Абдулла Зоҳидович Зоҳидов ёрдамида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликда қўлланиладиган заҳарли дорилар ҳақида маълумотлар тўплайди. "Заҳарли дориларга оид ҳамма фактларни, барча заҳарланиш ҳодисаларига оид маълумотларни мен шу одам орқали билган эдим"[33] деб эслайди адиб. Маълум бўладики, Марказкўм топшириғи билан далаларга чиққан олимлар дори сепиш туфайли ўлим ҳолати рўй берганини тасдиқлайдилар. Болтабоев каби ерлик амалдорлардан бири шу масала туфайли ишдан бўшатилган. Адиб ҳикояни ёзишда мана шу ҳаётий фактлардан унумли фойдаланади. Асар тугалланган Марказкўм раҳбари унинг мазмуни билан танитирилади ва ҳикоя 1967 йил "Гулистон" журналида босилиб чиқади.

Ёзувчи ҳикоянинг янги нашрига 1973 йил "янги тафсилотлар" қўшганини ва бу қўшимчалар "воқеанинг таъсир кучини ошириш" мақсадида амалга оширилганини айтади.

Лекин қизиғи шундаки, ҳикоя ўзбек тилида бир неча марта чоп этилганига қарамай, унинг рус тилига ўгирилган нусха-

[33] Пиримқул Қодиров. Қалб кўзлари. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 131.

сини чоп этишга салкам 20 йил давомида рухсат берилмайди, ниҳоят 1985 йил Москвада нашр этиш имкони туғилади.

Қарангки, кимёвий захарланиш бўйича ҳақиқатни яшириб, талофат кўрганларга бошқача диагноз қўйишдек П.Қодиров ҳикоясида акс эттирилган ҳодиса Чернобил фалокатидан сўнг рўй берган экан. Демак, ўзбек адиби ўз асарига ҳаётий ва ҳаққоний ҳодисани олиб кирганига ёркин далилдир бу.

"Шўро даврида, – деб ёзади Пиримқул Қодиров, – одамларнинг бошига тонналаб сепилган мелкоптофос, бутифос деган заҳарлар юз минглаб одамларимизнинг соғлиғига зарар етказди. Ҳозир касал кўп деймиз. Бунинг илдизи – шўро даврида заҳарли дориларнинг миллат генофонига – ирсиятига етказган катта зарарига бориб тақалади. Мустабид тузум тилимизни чеклаб, тарихий илдизларимизни қирқишдан ташқари халқимизнинг ирсий илдизларини ҳам қуритишга, "пахта иши", "ўзбек иши" деган туҳматларни, бунинг устига қўшиб, бизни миллат сифатида йўқ қилишга бел боғлаган эди. Истиқлол бизни ана шундай даҳшатли хатардан қутқарди". (132-133-бетлар)

"Жон ширин" ҳикоясини финалини муаллиф жуда чиройли лавҳа билан якунлайди. Бу асарнинг ҳаётийлигини таъминлайдиган манзарадир.

Агар ёдингизда бўлса поезд купесида кетаётган Музаффар асарда бўлиб ўтган воқеаларни ҳамроҳига сўзлаб беради. Тасодифан купега бош суқиб, қайтиб чиқиб кетган "нотаниш" кимса бундан ўн беш-йигирма йил чамаси ўтган воқеалар иштирокчиси Болтабоев эди.

Асар якунида ровий тилидан гапирган ёзувчининг ушбу сўзларини ўқиймиз: "Мен тор, узун йўлакка, қатор кетган купега кўз югуртирдим. Ҳозир шу эшикларнинг биридан Болтабоев чиқиб қолиши мумкин... Музаффарнинг ҳикоясидан кейин мен унга яхшироқ разм солмоқчи эдим. Аммо Болтабоев бошқа вагонга ўтиб кетган экан.

– Балки тушиб қолгандир, – дедим проводникка.

– Э, тушиб қаёққа тушади? Билети охиригача эди...

Демак, у ҳам шу поездда кетяпти".

Юқоридаги лавҳани ўқиб, биринчидан, ёзувчининг асар композициясини тузишдаги маҳорати қойил қолдиради. Тўғри ,бу табиатли композицион "халқа" усули янгилик эмас. Худди шунга яқин композицион қурилишлар жаҳон адабиётида кўп учрайди. Лекин бошқа аксар асарлардаги фақат бадиий якуний яхлит сифатидагина содир бўлмай, асар моҳиятининг ҳаётдаги давомига ишора қилувчи бадиий муносабат тарзида намоён бўлиши жиҳатидан қимматлидир. Яъни, Болтабоевнинг поезддан умуман тушиб қолмагани, бошққа вагонга ўтиб кетганлиги, (ва унга ўхшаганларнинг) умуман, йўқ бўлиб кетмагани, балки жазосини олганлигидан қатъий назар, мавжудлиги (шу поездда экани), бироқ энди бошқа амалда экани (бошқа вагонга ўтиб кетгани)га ишорадир. "Эшикларнинг биридан Болтабоев чиқиб қолиши мумкинлиги эса, болтабоевчилик йўқ бўлиб кетмаганидан, жамиятнинг ҳар бир пучмоғида у каби шахсларнинг учраб қолиши, сизнинг-да рўпарангиздан чиқиб қолишидан дарак беради. Болтабоев "шу поездда кетаётган"ининг таъкидланишдаги маънога эса адиб асар кульминациясидаги ғоя квинтэссенциясини жойлашга муваффақ бўлади. Бу унинг тубида намоён бўлган ҳаракатнинг давомотига ниҳоятда тиниқ бир ишорадир.

Ҳақиқатан ҳам ҳаётда шундай бўлмадими? "Жон ширин"нинг дастлабки варианти 1967 йилда ёзилганидан, қайта ишлаб, бирмунча тўлғазилган варианти 1978 йилга мансуб эканлигидан қатъий назар пахта далаларига дори сепишу, пахтакорларни зимдан захарлайвериш, терим ва пахта етиштириш билан боғлиқ жараёнларга ўқувчи-талабаларни чиқаравериш, инсон соғлигига зарар етказиши мумкин бўлган кимёвий заҳарли дориларни амалда қўллаш халқаро Хельсинки декларацияси томонидан таъқиқланган бўлишига қарамай, бундай ҳаракат Ўзбекистонда яна узоқ йиллар мобайнида давом этиб келгани ёзувчи Пиримқул Қодировнинг "яширингина" бироқ,

жасорат билан айтган бадиий фикрлари нечоғлик тўғри, ҳаётий бўлганини кўрсатмайдими?

Мустақиллик арафалари ва айниқса Истиқлол даврига келиб бундай маломатлар тугатила бошланди. Хусусан, пахта яккаҳокимлиги тугатила боргач, заҳарли кимё моддаларига барҳам берилди. Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлик қилган дарвга келиб эса, дала меҳнатида, пахта йиғим-теримига ўқувчи-талабаларни мажбуран сафарбар этишга чек қўйилди. Бу ҳақда Президент Ш.М.Мирзиёев имзо чеккан махсус қарор эълон қилинди. Бу қарор меҳнат қилиш, халқ соғлиғи ҳақида қайғуриш, миллатнинг ирсиятини сақлаб қолиш борасида сўнги юз йилликда эришилган энг катта тарихий муваффақиятлардан биридир.

Империячилик сиёсати, глобаллшув жараёнлари, бозор иқтисоди шароитларига ўта бориш фақат ижтимоий муаммоларгагина қаттиқ таъсир қилиб қолмади. Бу масалалар маънавият ва ахлоқ масалаларида ҳам чуқур из қолдирди. Алоҳида шахс(лар) табиати, қисматида ҳам баъзи ўзгаришларга олиб келдики, уларнинг айрим кишилар феъл-атворида, тақдирида ўйнаган роли ва аҳамияти ижтимоий муаммоларда ўйнаган ролидан кам эмас эди.

Шу боис ҳар икки йўналишда ҳам бу масалага эътибор шоир-ёзувчиларнинг эътиборини жалб этди. Эътиборини жалб этдигина эмас, бу масалага фаол муносабатларни уйғотди.

Юқорида кўрсатилгандек, Ғафур Ғулом, Пиримқул Қодиров каби адиблар масаланинг ижтимоий қирраларига эътибор қаратиб, масаланинг халқ, миллат тақдирига кўрсатаётган қирраларини бадиий талқин этсалар, масалан, Эркин Воҳидов. Шукур Холмирзаев каби шоир-ёзувчилар масаланинг маънавиятга кўрсатган таъсирига, алоҳида шахс тақдирда қолдираётган изларнинг сабаб-оқибатларини бадиий гавдалантиришга алоҳида эътибор бердилар.

Миллий қадриятлар синови

Глобаллашув муаммолари ва унинг ҳозирги ўзбек адабиётида акс этиши масаласи ҳамда замондош образини яратишдаги қирралари ҳақида гап борар экан, Шукур Холмирзаевнинг "Қадимда бўлган экан" ва "Ўзбек характери" номли ҳикояларига алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Ҳар икки ҳикоя ҳам бирин-кетин, яъни "Ўзбек характери" 1988 ва "Қадимда бўлган экан" 1990 йил ёзилган.

Бу вақтга келиб жамиятда жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлаган, шўро тузумининг қулаши ва компартиянинг батамом барбод бўлиши аниқ бўлмаса-да, жамиятдаги адолатсизликлар, ноҳақликлар ҳақида рўй-рост гапириш тамойиллари кучайиб бормоқда, бозор иқтисодига ўтишнинг муқаррар эканлиги кундан-кунга теранроқ англаниб бораётган, глобаллашув жараёнларининг номатлуб чизгилари ҳақида бот-бот гапирила бошлаган эди.

Лекин бадиий адабиётда, ёзувчилар юрагида узоқ йиллардан буён ҳукм суриб келган қўрқув ҳисси адибларнинг ҳам, китобхонларнинг ҳам туйғу-идрокларини батамом тарк этмаган, шу боис дадил фикрлар айтиш, замон талаб қилаётган янги қаҳрамонлар образи ва янги асарларни яратиш айрим журъатли, дадил фикрларни айтиш ва илгари суришга мойил санъаткорлар ижодида кўрина бошлади. Бу хусусият кўпроқ ўрта авлод ва навқирон ёшларнинг изланишларида кўриниш бера бошлади.

Шукур Холмирзаев ана шундай журъатли ёзувчилардан бири эди. Ўзбек адабиётида пахта ҳақида, йиғим-теримнинг ўзига хос машаққатлари ва бу жараёнда ҳашарчи талабаларнинг иштироки ҳақида кўп асарлар ёзилган. Лекин, бу асарларнинг аксарида мавжуд муаммолар, машаққатлар, пахта яккаҳокимлигидаги сиёсати ва унинг оқибатларини бадиий акс эттириш масаласида ёзувчиларимиз ҳам, шоирларимиз ҳам компартия иродаси ва мафкура зуғуми доирасидан четга чиқа

олмаган. Цензура ҳам бунга йўл қўймаган. Ижодкорларнинг аксарида ҳам бу борада кўникиш ҳосил бўлиб қолгани туфайли белгилаб қўйилган доирадан, бошқа, кенгроқ миқёсларга чиқа олмаганлар.

Шукур Холмирзаев пахта яккахокимлиги туфайли халқимиз бошида ҳукм суриб келган адолатсизликларни, бу масалада миллий генофондимизгача манфий таъсир ўтказилишга кўрсатилаётган оқибатларни тасвирлашга ҳаракат қилади "Ўзбек характери" ҳикоясида. Лекин масалани бу вақтга келиб ҳам биз истаган даражада рўй-рост, очиқ-ойдин ва эмин-эркин кўрсата олмайди. Чунки бу вақтда ҳали компартия ҳукмронлиги мавжуд, СССР қуламаган, цензурани йўқотамиз дейилса ҳам ҳали унинг кучи йўқолмаган эди. Шу сабаб ёзувчи асар марказига асосан ўзбек характерини кўрсатиш масаласини қўйгандек йўл тутади. Қаҳрамонларинг меҳнатсеварлиги, қашшоқ бўлса ҳам меҳмондўстлиги, яқинларга фидоийлиги, ўзи емаса ҳам меҳмонга илиниши, чидами, бардоши, ҳалоллиги, ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ҳикоянинг номини "Ўзбек характери" деб атайди. Асосий мақсадим шундан иборат демоқчи бўлади ёзувчи гўё ва асар матнигагина эътибор қаратсангиз шундай эканига гувоҳ бўласиз. Лекин асар руҳига чуқурроқ кириб борганимиз сари ёзувчининг яширин, матн замиридан сизиб чиқувчи, ўзбек характерини кўрсатиш баҳонасида, унинг табиатини кўрсатиш баҳонасида ўтган асрнинг 60-йилларида жамиятда ҳукм суриб келган адолатсизликларни ёритиш, ўзбек табиатида мукимлашиб қолган салкам қуллик даражасидаги мутеълик сабаблари, пахтакор халққа ўтказилган зўравон сиёсатнинг тиниқ лавҳаларини бадиий гавдалантириш ётишининг гувоҳи бўламиз.

Ҳикоя асосига студентларнинг пахта йиғим-теримига иштироки мобайнидаги ҳаёт тарзи асос қилиб олинади. Бу мавзуга бағишланган асарлар сон-саноғи чексиздек гўё. Лекин "Ўзбек характери"нинг ўрни бўлак.

Пахта терими. Кунлар совий бошлаган. Ҳикоя бош қаҳра-

монининг томоғи қаттиқ шамоллаб қолади. Бу арзимасдек кўринган дард нима эканини бошга тушганлар билади. Эндигина оёққа туриб келаётган ёшларни салкам қулдек ишлатаётган тузумнинг бу беморга эътиборига назар ташласангиз ёқа ушламай иложингиз йўқ. Медпункт – марказда, пахта терилаётган жойни талабалар – Камчатка деб аташи бежиз эмас. Зотан, кўпчилигимиз бундай "камчатка"ларда кўп бўлганмиз. Хўш, беморимиз даволандими, дерсиз. Даволанди. Қандай йўл билан. Шу қишлоқдаги хонадонларнинг биридаги киши: шу дардга даво деб итузум олиб чиқиб беради.

Дори-дармон йўқ эди, соғлиқ-санитария масаласи абгор эди, деб ёзувчи гапни узундан-узун чўзиб ўтирмайди, бирин-кетин унинг далиллари, мисолларини кўрсатишга берилмайди. Икки-уч сатрдаги "итузум" воқеасини тасвирлаш орқали ёзувчи бу мақсадга эришади. Китобхон етарлича таъсир олади.

Пахтани етиштиришдаги, теришдаги машаққатлар ҳақида кўп гапираверишга, ҳатто асар яратилган 80-йилларнинг охирида ҳам эмин-эркин бўлмаган кўринадики, ёзувчи унинг бағридаги ёшларнинг романтикаси, тонгларнинг гўзаллиги ва, умуман, бу меҳнатнинг ифтихорини эслатиб ўтишни ҳам унутмайди. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, ана шундай манзараларни чизишда муаллиф реал мақсадларни назарда тутиш билан бир қаторда киноявий ифода усулидан фойдаланиб, тагқатламли маъно ва мақсадларни ҳам илгари суради. "Ўзбекнинг миллий ифтихори учун курашяпман" деб ўйлаб турсангиз. Битта ўртоғингиз ўйинқароқлик қилиб, камроқ пахта терса, кўзингизга ёв бўлиб кўринса"[34] сатрларида ифодаланган маъно ана шу киноявий усулнинг гўзал намунаси намоён бўлади.

Пахта теримида қор-ёмғирларга қолиб кетиш одатий ҳол бўлган. Буни барчамиз бошдан ўтказганмиз. Бу ҳол "Ўзбек характери" ҳикоясининг қаҳрамонлари бошига ҳам тушади. Лекин бу

[34] Шукур Холмирзаев. Сайланма. 2-жилд. Ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 1005. – Б. 11. Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олиниб, саҳифасини кўрсатиш билан чегараланамиз.

ҳолат ҳикояда қандай тасвирланади денг. "Расво бўлиб, шалаббо бўлиб ётоққа етиб келдим. Эрталаб саҳарлаб туриш керак, теримга чиқиш керак. Ёмғир-қор – пахтанинг олдида – копейка!

Кийим-бошни ювиб, печга тутиб сал-пал қуритдим. Кейин бир доно ўртоқнинг[35] маслаҳати билан "тўшакда қуриб қолади" деб кийиб ётдим". Олтмиш-етмишинчи, ҳатто саксонинчи йилларда ҳам ёзилган асарларда бундай манзаралар қийинчилик сифатида кўрсатилган бўлса-да, уларда меҳнаткаш халқнинг шон-шарафи, шуҳрати, жасорати, ватанпарварлиги сифатида талқин этилган улар.

Лекин, Шукур Холмирзаевда уларда янгича бир талқинни сезамиз. Асарга чуқурроқ назар ташласак адиб киноявий усулда, улардан кулиб хулоса чиқармоқда. "Ўзбек характери"даги бу ҳол бир вақтлар Уйғун куйлаганидек реал маънодаги: "менга деса тош ёғмайдими, пахтани барибир терамиз"даги Назир отанинг ғазаби ёки ватанпарварлик тарзидаги кўтаринкилиги эмас (Уйғуннинг бу асари ўтган асрнинг 50-йилларида ф.ф.д. Маҳмудали Юнусов томонидан пахта патетика деб танқид қилинган эди), Шукур Холмирзаевдаги ёмғир, қорга "пахтанинг олдида капейка!" деб қарашда ёзувчининг сарказми, гротески, бир сўз билан айтганда, киноями, кулгиси акс этмоқда.

Айни вақтда, қорда, ёмғирда ивиган талаба, "тўшакда қуриб қолар" деб шу ҳолдаги усти-боши билан ухлаб туриши пахта теримидаги аянчли ҳолатлардан бирини образли тарзда, ниҳоятда тиниқ кўрсатмайдими? Шукур Холмирзаев "Ўзбек характери"да ҳам тафсилот, деталдан усталик билан фойдаланиш маҳоратини намойиш этади.

Деталлардан маҳорат билан фойдаланишга яна бир далил. Пахта фидойиларининг қанчадан-қанчалари ҳукуматнинг ҳалол орден-медаллари билан мукофотлангани маълум. Лекин, бундай мукофотга эришувда баъзиларда турлича кўмакчи

[35] Мен суҳбатларимиздан бири ёзувчидан бу "доно ўртоқ"да кимни назарда тутгансиз, деб сўраганимда: бу воқеа менинг ўз бошимдан ўтган. У университетдаги домлаларимиздан бири эди, сиз ҳам танийсиз у кишини деб жавоб берган эди.

воситаларнинг ҳам таъсири бўлганлиги халққа маълум эди. Лекин бирор киши бу ҳақда ўз вақтида чурқ этолмаган. Шукур Холмирзаев "Ўзбек характери"даги лавҳалардан бирида шу масалага қарашларини билдириб ўтади.

Қишлоқ болакайларидан бири асарнинг бош қаҳрамони талаба (у муаллифнинг ўзи. Асардаги воқеа-ҳодисалар муаллиф тилидан олиб борилади) йигит билан суҳбатда отаси Ботир чўпоннинг ордени йўқ эканлигини айтади ва қўшиб қўяди. "Эшимбойнинг ордени бор. Лекин қўйи кам..." Бу нима деганинг деб бош қаҳрамон болакайдан суриштириб ўтирмайди. Буни тушуниб олишни китобхоннинг ўзига ҳавола этади. Лекин жавобни "Ана, ёш болалар ҳам ўша махинацияларни биларди" деб шарҳлаб ўтади ва бу фикрда "Эшимбой қўйларининг камайиб кетгани орден олишга сарфланиб юборилгани туфайлидир", деган маънони бермоқчи бўлади ҳамда шўро давридаги тузумнинг, бошқарувнинг қирраларидан бирига ишора қилади.

Пахта теримига мактаб болаларни жалб этиш мутлақ тақиқланди. Бундай меҳнатга болаларни сафарбар қилиш халқаро конвенция томонидан деярли ярим аср аввал маън қилинган бўлса-да, шўро ҳукумати унга мутлақ амал қилмади, ўзимизда ҳам узоқ йилларгача амал қилинмай келди. Республика мустақиллигининг йигирма беш йиллигидан сўнг, мамлакатни президент Ш.М.Мирзиёев бошқаргандан сўнггина бу оғир дардга чек қўйилди. Мен Ўзбекистон учун тарихий бўлган ҳодисани бу ўринда эслаб ўтишимнинг сабаби шуки, у таҳлил этаётганимиз "Ўзбек характери"га бу масаланинг муайня бир дахли бор. 5-синфда ўқиётган Абдуқодир кўрак чувишини, пахта теримига чиқишини айтади. "Ўқиш нима бўлади", деб берилган саволга қисқагина "тўхтайди" деб жавоб беради. Асар ёзилган бундан 30 йил аввал адиб: болаларни пахта теримига жалб этмаслик керак, бу муддатда уларнинг ўқиши тугаб қолиши гуноҳи азимдир, бу ҳолат келажаги, тақдири ёшлар қўлида бўлган мамлакат учун ҳал этилиши, кечиктирилиши мумкин бўлмаган муаммодир деёлмайди, албатта. Шундай

дейилган тақдирда асар босилмасдигина эмас, муаллифи муайян бир жазога гирифтор бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин бу масалани адиб айтмаслиги, тилга олмаслиги ҳам мумкин эмас эди. Шу маънода чуқур ёки атрофлича талқин эмас, эътироф даражасида бўлса ҳам ёзувчи унга муносабат билдириб ўтади. Давр йўл қўйган даражада бўлса ҳам. Қолганини китобхон ўзи тушуниб, англаб олишига ишонади ва, айтиш мумкинки, шундай бўлади ҳам.

Элга, юртга миллион-миллионлаб тонна пахта бераётган халқ вакилларининг яшаш шароитини айтмайсизми? Ботир чўпоннинг меҳмонларни кутиб олишга мўлжаллаган хонасига аранг тўрт киши сиғади, холос. "Кунлик меҳнатимиз овқатимизни қопламайди" дейди Ўрмон ака. Ёзувчи ниҳоятда ҳушёр. Гап бориб катта ҳукуматга тегмаслиги керак-да, ахир. Катта ҳукуматдан нолиш бориб турган тузумдан нолиш бўлади-я. Ҳар кунги меҳнат учун берилаяпган ҳақ оиланинг овқатига ҳам етмайди деган гап-ҳазил гапми? Ҳатто 1988 йилда ҳам бундай гапларни ёзиб чиқаришнинг ўзи бўладиган гап эмас эди. Лекин айтиш керак. Пахтакорнинг яшаш тарзи қанчалик хароб эканини айтиш керак. Ёзувчи бунинг уддасидан чиққандек бўлади. "Кунлик меҳнатимиз овқатимизни қопламайди". Эътибор беринг, биринчидан, "меҳнатимиз қопламайди" дейиляпти, унга "тўланаяпган ҳақ" эмас, Бу қилинаётган меҳнат унга тўланаётган ҳақни оқламаяпти дегани. Бинобарин, бунга мансабдорлар эмас, балки пахтакорлар сабабчи деган маъно чиқади. Матн талқини шуни тақозо этади. Лекин ёзувчи асл мақсадини – ботиний маънони моҳирлик билан англата олади бизга. Иккинчи жиҳатдан эса, Ўрмон аканинг ушбу мулоҳазаларига жавобан Ботир чўпон шундай деб уни юпатгандай бўлади: "Ҳа, энди чидаймиз-да, оғажон. Ўзимизни пахта, ўзимизни ҳукумат" (127-бет). Мана гап нимада экан? Гўё пахтанинг бир килосига ўн тийинни катта марказ томондаги ҳукумат эмас, ўзимизнинг – Ўзбекистонимизнинг ҳукумати белгилайди. Агар шундай ёзилса, бу гап катта ҳукуматга тўғри келади. Асарни чоп этиш мумкин. Сабабни катта ҳукуматга боғласангиз борми, чиқариб бўпсиз, асарингизни !

Фикрни катта ҳукуматга маъқул келадиган қилиб ёзади адиб. Лекин катта ҳукуматнинг алдоқчи эканини, пахтакор халқ бошига бундай кунларни солаётган ўшалар эканини, пахта ўзимизники бўлгани билан унинг нархи ўзимизнинг – Ўзбекистонимизнинг қўлида эмаслигини халқ яхши билади. Ёзувчи ушбу эътироф этилган матнни халқ ана шу тарзда – тўғри маънода тушунишига ишонади ва янглишмайди. Бунга эришишда ёзувчи поэтиканинг енгил, сезилар-сезилмас ўтиб кетувчи киноя усулига мурожаат этади. Сезилмайгина, лекин ниҳоятда ўринли қўлланган усул муаллифга муҳим мақсадларга эришуви ва теран, очиқ равишда айтилиши қийин бўлган маъно ва ғояни илгари суришда, айни қўл келади.

Бу Шукур Холмирзаевнинг чуқур маҳоратини кўрсатувчи белгилардан биридир. Деярли йил бўйи меҳнат қилиб, бутун оиласи билан тер тўкиб, эртадан-кечгача ишлаб, ҳатто тўйларини ўз вақтида ўзтказолмай қишга қолдирган пахтакор баъзида (улар оз эмас эди) хирмонни кўтарганда мўмайгина даромад олиш ўрнига, бола-чақаларнинг уст бошини бутлайман деган орзулари чил-парчин бўлиб, бу барча меҳнатлари эвазига йил охирида қарзни тўлашга мажбур – қарздор бўлиб қолиш ҳоллари ҳам учраган, тегишли пахтани топшираолмагач, устига ёпиниб ётадиган кўрпасини йиртиб, ичидаги пахтасини топширишга ҳам маҳкум бўлган ҳолдир.

Буни ҳозирги ёш авлод тушунмаслиги, бу кўргуликка ишонмаслиги мумкин. Лекин 75-80 ёшга кирган авлод бунга ўзи гувоҳ бўлиб бошидан ўтказган.

Ҳозир энди, деярли барчага маълум, тарихда қолиб кетган бу ҳақиқатни мен ушбу ўринда яна қайд этишдан мақсадим шуки, глобаллашув жараёнлари, империявий сиёсат, истибдод ва зуғум остида юзага келган пахта яккаҳокимлиги туфайли юзага келган шароитлар Шукур Холмирзаевнинг "Ўзбек характери" ҳикоясида ўзига хос йўсинда бадиий ифодасини топганига эътиборни қаратишдир.

"Сурункасига ёмғир қуябошлади. Икки кун овқатсиз қол-

дик. Шундоқ ҳам кўп болалар қарздор бўлиб қолишган эди" (128-бет).

Икки кун ёмғир ёққанда далага теримга чиқмай еган овқати учун талабанинг қарздор бўлиб қолиши ҳам бир нав (теримдан сўнг таҳсилга қайтгач бундай қарзларни стипендия ҳисобидан тўлаб таланган талабалар ҳам бўлган ҳаётда), ҳикояда бундан ҳам фожиалироқ манзараларга ҳам дуч келамиз: "Икки киши арқон билан ғўзаларнинг бир четдан суриб қорини туширади. Кейин диқилаб, эгатга кирардик. "Оқ олтин"ни терардик. "Бу қурмагур "оқ олтин" этакка тушгач" жиққа ҳўллигидан, оёққа – тизза ва ундан юқорига намнинг, совуқнинг деярли кун бўйи ўтишини айтмайсизми? Бу жараёнлар, миллатнинг генофондига таъсир қилмаганми дейсиз.

Биз "оқ олтин" дейилганда унинг маъносидан том маънода ҳақли равишда ғурурланганмиз ва ҳозир ҳам бизни бу туйғу тарк этган эмас. Бу иборани "Ўзбек характери"да адиб ҳам бир неча бор тилга олади. Лекин, бу иборага асардаги матн доирасида эътибор берсак, ундаги киноя оҳанглари ғурурдан бошқа қатор ижтимоий ғояларни ҳам англатиши мумкинлигини туямиз.

Асарнинг ўзбек характерини тасвирлаш ва кўрсатишга доир кўпдан-кўп фазилатлари ҳақида танқидчилик ва адабиётшунослиқда ўз вақтида ва кейин ҳам кўп ёзилган. Асарнинг бу фазилатлари эътироф этилганини назарда тутиб, унинг бошқа қирраларига аҳамият беришимизнинг сабаби шундан.

Кўриб чиқаётган масаламиз нуқтаи назаридан Шукур Холмирзаевнинг "Қадимда бўлган экан" (1990) ҳикояси ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бу асарда адиб ижтимоий муаммолардан кўра, ахлоқий-маънавий масалаларга кўпроқ эътибор беради. Янада аниқроғи, глобаллашув шароитлари, бозор иқтисодига ўта бошлаш паллаларида бу жараёнларнинг миллат табиатига кўрсатаётган таъсири, бу таъсир натижасида ички дунёда, руҳиятда рўй бераётган талотумлар, қийинчиликларга қарамай, миллий

урф-одат минглаб йиллар мобайнида шаклланган ҳис-туйғуларга содиқлик тасвири қизиқтиради муаллифни.

Глобаллашув жараёнлари, бозор иқтисоди ғарб адабиёти, ғарб маданиятида, аксар ҳолларда, миллий хусусиятларнинг йўқола боришига таъсир кўрсатса, бу муаммолар бизнинг адабиётимизда, аксинча, қаҳрамонлардаги, замондошдаги миллий колоритни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ш.Холмирзаевнинг "Қадимда бўлган экан..." ҳикояси бунинг далилидир.

Ўсар ва Хожар оила қурганига, чамаси, йигирма йилча вақт ўтган. Оила асабий ҳолатларда умр кечиради. Ўсар бақироқ, оғзига келганини аямай, шалтоқ сўзларни ишлатишдан оғринмай гапиришга ўрганган. Ўз навбатида хотин ҳам эрдан қолишмайдиганлар хилидан. Ўсар, бунинг устига, ҳалиги, ... наша, деганларидан истеъмол қилиб туради. Кези келганда Хожарни тепкилаб қолишу, оёғини ишга солишдан ўзини ҳам тиёлмай қолиши ҳеч гап эмас. Хотин ҳам бундай ҳолатларда эрининг қилиғига яраша жавоб қайтаришни унутмайди. Хуллас, бу муҳитда зерикиш йўқ.

Оилада Мақсад момо деган кампир ҳам бор. Ўсарнинг бувиси. Анча бетоб, оёқлари шишиб кетган. Бора-бора ўзи ҳам шишиб кетади, ... юзида оқиш доғлар пайдо бўлади. Бўлар бўлмасга нуқул инжиқлик қилиш одатлари ҳам талайгина. Бундай момо қайси келинга хуш келибди, дейсиз, Хожархонга ёқса. Бу ёқинқирамаслик бора-бора невара – Ўсарга ҳам ўта боради. Бунинг устига денг, бозор иқтисодига ўтиш туфайли туғилиб келаётган қийинчиликлар, рўзғор, тирикчиликдаги етишмовчиликлар. Иш бор бўлгани билан, баъзида пул йўқ, баъзида пул ҳам, иш ҳам йўқ. Оилада эр-хотин айтишгани-айтишган. Устига-устак хаста момо ғингшишлари суяк-суякдан ўтиб кетади. Кексалик, йўқчилик. Оиладаги шароит боис момонинг гоҳ-гоҳ эси кирар-чиқар бўлиб қолганини, гоҳида алжойи-жалмойи гапларни гапириб юбораверишини ҳам назарда тутсангиз оиладаги кундан-кун таранглашиб бораётган

муҳитни тасаввур қилишингиз қийин бўлмайди. Лекин ўзига келган чоғлари момо ўғлига ҳам, келинига ҳам ниҳоятда меҳрибон, бамисоли гиргиттон.

Ўқувчи Ўсар билан Хожар ўртасида қандайдир пинҳоний истак, ечимини топмаса бўлмайдиган даражадаги пинҳоний истак етилиб келаётганини ҳис этади. Лекин ёзувчи бу истак нимадан иборат эканини, аввалига, бир мунча сир тутади, китобхондан яшириб туради.

Келинига кўп азоб бераётганини кампирнинг ўзи ҳам билади. Кечалари уйдан чиқиб кетганида келин уни кўтариб, қайтиб олиб келади. "Уйга қама мени, мен ўлай" дейди кампир бундай ҳолдан сўнг ўзига келганида. "Бирон-бирон жойга обориб адаштириб келмайсанми?" деб ҳам қўяди бир сафар невараси Ўсарга. Кампир набираси билан келинининг кўнглидаги алланимани сезгани эмасмикан бу? Бироз саросимага тушган Ўсар бувисини жеркиб бергандек бўлади, бўлмағур гапларни айтасиз деб. "Шундай ишлар қадимда бўлган экан-да" деб кулибгина жавоб қайтаради момо.

Хонадонда вужудга келган вазият Хожарни деярли жазавага тушиш ҳолатига олиб келади: "Нима деди момонгиз яна ким ёмон – мен ёмон"... кечаси уйқу йўқ кундузи тиним. Уф, шу қизингиз ҳам одам бўлсин, жойини топиб кетсин, мен ҳам кетаман" (146-бет).

Бундай гаплар, ўзи ишсиз ҳам тўлиб, тошиб юрган Ўсарнинг хаёлидаги ўша "сир"ли ўйининг реаллашувига туртки бермай қолмайди, албатта. Гараждаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Завгарга ҳам узатиб туриш керак, "йўғасам" гараждан чиқармайди. Хуллас, ҳамма ёқда иш чатоқ.

"Шу момом ортиқчалик қиляптими, а?" деб юборади тўсатдан, хотини билан навбатдаги даҳанаки олишувдан сўнг. – Айт хотин, - деди йиғламсираб. – Айт... Энасини урай бу дунёни, бирим икки бўлмади. Эртадан кечгача ишлайсан, қизингга бир тупли оберолмайсан. Бу нима..." (148-бет).

Сезаётган бўлсангиз, ёзувчи асарнинг бош қаҳрамони Ўсар

бағридаги туғёнга, вулқонга яқинлашиб келяпти. Бу "вулқон" нима? Бу ҳолат набира бағрида, тафаккурида пишиб, етилиб келаётган бир истакнинг даракчиси эди. Энг асосийси, бозор иқтисоди шароитларидаги қийинчиликлар туфайли рўзғорда, ҳаётда рўбарў бўлаётган, асабни кундан-кун баттарроқ таранг торттираётган, бунинг устига, феъл-атворидаги йўриқлар – ҳаммаси бирлашиб, қадим замонларда мавжуд эсада, лекин ҳозирда батамом йўқ бўлиб кетган, ҳатто айтиш мумкинки, ўзбек табиатидаги йўқ бир хислатни пайдо қилаётгандан бир белги эди. Бу истак кексайган момони олис-олисларга ташлаб келишга дахлдор туйғунинг ҳаракатга келиши эди. "... Момоси йўриғидаги "иш"ни, ниҳоят, бир ёқли" қилиш аҳдида туришни ва "бир ёқли қилиш"ни шарт деб билиб: – Айт! – деди яна хириллаб – Айтмасанг, ё сени, ё ўзимни бир бало қиламан" (148-бет).

Бу фикр Хожарнинг бошида ҳам аллақанча вақтдан буён айланиб юрар, бироқ юзага чиқаришга ботина олмасди. Ўсарнинг бағрини ҳам мушукдек тирнар, лекин эътироф этишга ботинмасди. Уларнинг иккови ҳам момони, аслида, ёмон кўрмас. Минг йиллардан буён миллий табиатимизга хос ва (башариятга ҳам бегона бўлмаган) онага, момога беқиёс меҳр-муҳаббат аслида, Ўсарни ҳам, Хожарни ҳам тарк этганича йўқ эди. Ёзувчи қаҳрамонлари бағрида кечаётган бу азобли жараённи ниҳоятда жонли ва ҳаётий тасвирлайди. Қаҳрамонларида бундай фикрлар уйғонишига сабаб, уларнинг ўз табиатларидаги хусусиятларга ҳам боғлиқ эса-да, бу хулосаларга келишнинг асосий сабабчиси, янги шароитда пайдо бўлаётган қийинчиликлар эканига зимдаги тасвир ва қарашлар орқали бизни ишонтиради. Бозор иқтисодига ўтиш шароитларидаги айрим қийинчиликлар миллий менталитетимизга феъл-атвор масаласида ўзгартиришлар киритиш даражасига боряптими-а, – деган ҳадик уйғонади китобхон тахайюлида ҳам ва асарни ўқишни давом этади.

"– Мен, мен сизга... – чайналиб гапира бошлади Ҳожар. – Сизга момонгизни у қилинг – бу қилинг деганим йўқ. У киши

– мениям момом... – Унинг кўзидан яна ёш қуйила бошлади. – Қизингиз техникумга кетади. Ўзим касал" (149-бет).

Асарни ўқишда давом этар эканмиз, кўнглимиз, кўп ўтмай, бироз таскин топгандек бўлади. Ҳайтовур, эр-хотиннинг кўнглида момони қаергадир ташлаб келиш фикри йўқ экан. Бироқ бу таскин ўрнини кўп ўтмаёқ, яна бир ғашлик эгаллайди: "– Шу, момонгизди... шу қариялар детдомига оборсангиз... нима бўлади деб эдим". Хожар буларни айтар экан, шунга яқин қарашларга эри ҳам келганлигини айтади. Лекин бу фикрга келганда эри қандай ҳолатда эди: "Сиз нашани уриб олган эдингиз, хўп кулдингиз... Эртаси урхо-ур... Мана, чаккамди ёрдингиз".

Бу лавҳани ёзувчи бекор чизаётгани йўқ. Унинг икки муҳим вазифаси бор. Бири: мазкур лавҳа орқали Ўсарнинг юқоридаги фикрга осонликча келмаганига ишора бор. Бу тўхтамга етгунча у қаттиқ азобланган, қийналган, ҳатто, афюнга мурожаат қилиб ундан қутулмоқ йўлларини излаган. Шундай фикрлар уйғонишига сабабчи хотинига қўл кўтаришгача борган, ҳатто уриб чаккасини ёрган. Иккинчи сабаб эса, ҳикоя 1990 йилда ёзилган бўлишига қарамай, адиб қаҳрамоннинг бундай хулосаларга келишига сабаб ҳаётдаги, оила, рўзғордаги қийинчиликлар, бозор иқтисодига ўтиш шароити келтираётган норасоликлардир, деган фикрни очиқ-ойдин айтолмайди, чунки бутун жамият, тузум шу йўлга ўтаётган экан, бу гап жамиятни, тузумни танқид этиш бўлади. Цензура бекор қилинди, дейилса-да, бу қарашнинг очиқ-ойдин айтиш имкониятлари тасарруф қилинмаган. Шу боис юқоридагидек қарорга келиш сабабларини ёзувчи ўз қаҳрамони табиатидаги номатлуб хусусиятларга (нашавандлик, чапанилик, қўполлик, хотинга қўл кўтариш ва ҳ.к.) юклаётгандек бўлади. Жамиятдаги ўзгариш сабабларини эса, йўл-йўлакай, ҳатто китобхонга сездирмайгина айтиб ўтиш усулини қўллайди. Аслида эса, бу "шунчаки"-дек намоён бўлувчи услубга китобхон ўзи топиб, англаб олажак катта маъноларни юклайди.

"Ҳой, нокас, обориб, обориб ташлаб келолмайманми?"

деб юборади Ўсар хотинига бирдан ва бироздан сўнг: "Шошма, бирон хаптага обориб қўйсам-чи ўша етимхонага, деган ўй келади хаёлига". Бу хаёли Ўсарнинг ўзига ҳам ниҳоятда ёқиб тушади. Хотинига "бир ҳафтада кампирнинг қадри ўтади, пушаймон ейди бу... Бунинг устига қўни-қўшниларнинг таънасига чидолмайди... (Укаси) Кенжа бу ишни билса, роса йиғлайди. ... Балки кампирни ўз уйига олиб кетади!" (151-бет)

Шу тариқа ёзувчи ҳикояда ўзбек халқи ҳаётида тарихан бўлмаган, кейинги даврдагина кўрина бошлаган, кексайиб қолган ота-она, бобо-момоларни кексалар уйи – мурувватхоналарга элтиб қўйиши намоён бўлаётган ҳаёт мураккабликларини талқин этаётганини ва бу масалага у кам учраган тақдирда ҳам, жиддий муаммо сифатида қараётганининг гувоҳи бўламиз.

Тўғри, бу масаланинг нозикроқ муносабатни талаб қиладиган қирралари ҳам йўқ эмас. Кекса киши мутлоқ қаровсиз аҳволда ёки шароитда қолса, унга уй шароитида меҳрибонлик қилувчилари, яқинлари мутлақо бўлмаса, бу бошқа гап. Бундайларга меҳрибонлик уйлари айни муддао ҳамдир. Бироқ яқинлари, ҳатто соғ-саломат, ажабтовур топиш-тутушли фарзандлари бўлгани ҳолда айрим кексаларнинг бераҳмларча бундай муштипарлар уйига элтиб қўйилиши бориб турган фожианинг ўзидир.

Шукур Холмирзаев бундай фожиа ўзбек халқи учун миллий жиҳатдан тамомила бегонадир, демоқчи бўлади ва ўзбек адабиётида бу муаммони биринчилар қаторида алоҳида кўтариб чиқади ва бадиий таҳлил этади.

Ҳикоя ўз вақтида, бундан салкам 30 йил аввал китобхонлар томонидан ҳам, танқидчилар томонидан ҳам илиқ кутиб олингани, у бўйича режиссёр Наби Раззоқовнинг фильми ҳам яратилгани бежиз эмас.

"Қадимда бўлган экан" ҳикоясининг иккинчи қисми бир мунча саргузаштнамо, ривоятнамо йўналиш олса-да, у қаҳрамон характери, ёзувчи мақсади ва асар ғоясини очишга изчил бўйсундирилгани учун китобхон дунёқарашига таъсири кучли.

Ички туғёнлар исканжасида қолган Ўсар момосини мурувват уйига элтиб қўйиш фикридан ҳам қайтади. Укаси Кенжаникига элтиб қўйиш фикридан ҳам қайтади. Ахир, у ҳам фароғатда эмас. Тўртта боласи билан домда сиқилиб яшаётган бўлса...

Шу сиқинти ўйлар оғушида хаёлига бир фикр келади Ўсарнинг. "Момони бирон жойда бир-икки соатга қолдириб", сўнг қайтиб келиб олиб кетсачи? Момо бояқиш эса Кенжа ўғилникига кетяпмиз деган фикрда. Зарур ишим чиқиб қолди, бироздан сўнг қайтиб келаман, дейди-да кампирни бирор овлоқ жойдаги панароқ, кўз илгамас жойга ўтқазиб кетади, қайтиб келиб, укасиникига эмас, яна қайтариб олиб кетади уйига, вассалом. Энг асосийси, хотинидан шу фикрга келгани, кўнгани учун тоза аламини олволади. "Шунинг ўзи Хожарга етади. Шу ўтган бир-икки соат ичида шу фикрга келгани пушаймонидан Хожарнинг бўладигани-бўлади деб ўйлайди Ўсар.

Ўсар хаёлига келган фикрини айнан амалга оширади ҳам. Момони қисқагина вақтга кўп ҳам кўзга ташланавермайдиган тут остида қолдиради.

Мана шу лавҳа тасвири замирига "Қадимда бўлган экан" ҳикоясининг лейтмотиви яширинган дейиш мумкин. Ўсар янглишмаган эди. Бир айланиб келиш учун машинаси қишлоқ йўлига тушганда не кўз билан кўрсинки, қаршисидан келаётган таниш юк машинаси устида "... кабина тимига қўлларини тираб келаётган" Хожарни кўради. У бўлаётган ишлардан пушаймон бўлиб эрининг ортидан йўлга тушган, мақсади Мақсад момони қайтариб олиб келиш эди.

Эр-хотиннинг бу учрашув манзарасини, ундаги ҳар икки қаҳрамон юрагида кечаётган туғёнларни ёзувчи катта эҳтирос билан чизади. Хожар "қандайдир шишинқираган, қовоқлари осилиб кетган, фақат кўзлари ғилтиллар эди" (159-бет).

Хожар ва Ўсар кампир қолдирилган жойга етиб келишади. Шу саҳнада ҳикоянинг кульминациясига етиб келамиз...

Не кўз билан кўришсинки, қолдирилган жойда... момо йўқ эди. Чинқирганча, қичқирганча невара ва невара келин момони излашга тушадилар. "Ерга кирдими осмонга чиқдими?" Момо йўқ эди. "Э, худо бу нима кўргулик?" Шунда Ўсарнинг қулоғи остида момонинг қулимсираб айтган "Қадимда бўлган экан-да" деган сўзлари жаранглагандек туюлганини ўқиб, бу сўзлар худдигина бизнинг ҳам қулоғимизда акс-садо бергандек бўлади.

Хуллас маълум бўладики, момо қолдирилган жойда йўқ. Биз ҳам албатта қаттиқ қизиқамиз. Қаерга кетдийкин? Қандай кетдийкин? Бу ёғи нима бўларкин? Лекин ёзувчи ҳикоянинг буёғини фантастик ёки афсонавий тарзда ҳал этишга берилмайди. "Сир" сифатида қолдириб, қаҳрамони Мақсад момо тақдирини "ҳал этиш"ни ёки "ечиш"ни китохонга ҳавола этмайди. Зеро, ҳикоянинг асосий мақсади ҳам Мақсад момонинг қисмати финалда қандай ечилишидагина эмас, ҳикоя бош қаҳрамонлари Ўсар, Хожарнинг, дейлик, сиз билан бизнинг – яъни, китобхонларнинг Момо қисмати нима билан тугашига муносабатда.

Мана шу масаладан келиб чиқиб ёзувчи Шукур Холмирзаев ҳикоянинг охирги манзаралари – момо қисмати нима билан тугашини реалистик, ҳаётий тасвирлаш йўлини тутади. Бу маъно, – катта маъно, чуқур мақсад, теран ғояни адиб биттагина "– Обкетишибди", деган сўзга жо қилишни истайди.

Вужудга келган шароитдаги ҳаётнинг оғирчиликлари, таранг руҳий ҳолат боис Ўсар ва Хожар "оғирлик қилиб қолгандек туюлган" момодан қутилмоққа тараддуд кўришган, уни қадимда бўлгани тимсоли қаергадир – уканинг хонадонигами, қариялар уйигами ташлаб келишга чоғланишган эса-да, бу ҳаракатлар янглиш бўлганини кўп ўтмаёқ англаб етадилар, бу фикрдан қайтадилар.

Ёзувчи олдига қўйган мақсадига, бадиий ниятига эришади. Вазиятнинг қийинчиликлари-ю, бозор иқтисодига ўтиш шароитлари, феъл-атворда бўлган асабийлашув ва бошқа руҳий ке-

чинмалар ўзбек характерини синдира олмади, минг йиллар давомида шаклланиб, қарор топган миллий хусусиятдаги муҳим қасрлардан бирини буза олмади.

Бунинг устига ҳикоя якунида Мақсад момонинг танишми-нотанишми кишилар томонидан олиб кетилишига адиб янада чуқурроқ маънони жо эта олади. Мақсад момолар тушган ҳолатда уларнинг қадрини наинки ўз фарзандлари, набиралари сақлаб қолабиладилар, балки, умуман, момо мансуб халқ, миллат бундай кексаларимизнинг қадр-қимматини билади ва меҳр деган таълимотни ҳар қандай вазиятда бошига кўтаради.

Шукур Холмирзаев изчил реалист ёзувчи, бу асари билан ўзбек халқи "ана шундай" дейди ва, айни вақтда, ҳаётнинг кириб келаётган қасирғалари таъсирига берилмай, глобаллашув шароитларию бозор иқтисодиётининг шубҳасиз рўй беражак янги зуҳурротлари остида ҳам шундай бўлиб қолишини истайди.

Ҳикоя "йўқолган кампир "топилди". Аммо, у ёғини ёзиб ўтириш шартми?" дейилган жумлалар билан тугалланади. Бир қараганда улар гўё шарт эмасдек, жиддийроқ бирор бир бадиий юкламаси йўқдек таассурот қолдиради. Бамисоли, айрим фильмлар тугаган сўнгги саҳнада ёпилган дарвоза янглиқ.

Лекин, жиддийроқ эътибор бериб қарасак, бу сатрлар ҳам ортиқча эмас, муаллиф унга муайян маънони юклаб қўйганини англаймиз. Шукур Холмирзаевни изчил реалист дедик. Бу хусусият асарнинг умумий структурасида, структур ёндашув натижасидагина эмас, шу охирги жумлада ҳам намоён бўлади. Бу сўнгги сатрда биз "шу билан ушбу ҳикояга мўлжалланган мақсадни тасвирлаш тугади"гина эмас, асардаги кўрсатилган мақсаднинг ҳаётда ҳали давоми бор, у қандай кечар экан, ҳурматли китобхон, бу масала сизни қизиқтирмайдими, шу масалани сиз ўйлаб кўрмайсизми?" деб саволга тутаётгандек бўлади. Ҳар қалай ҳаёт – ҳаёт-да. Ҳаёт эса, давом этади.

Драматургияда глобал маънавий-экологик муаммолар

Глобаллашув жараёни, бозор иқтисодига ўтиш муаммолари таъсирининг бадиий талқини, айтиш мумкинки, деярли барча жанрлардаги асарларда кўрина бошлади. Янгиланишлар фақат мазмун, ғоя, қаҳрамонлар қиёфаси, характердаги янгиланишлардагина эмас, умуман асар поэтикасида ҳам кўрина бошлади. Ҳатто, жанр структураси ва табиатида ҳам муайян янгиликлар пайдо бўла бошлади.

Жанр поэтикасидаги бундай ўзгариш, янгиланишларни биз, драматик жанрларда ҳам кўрамиз. Шу нуқтаи назардан Эркин Воҳидовнинг "Иккинчи тумор" трагикомедиясига, Шароф Бошбековнинг "Темир хотин" комедиясига ва Эркин Аъзамнинг "Танҳо қайиқ" киноривояти ва "Сув ёқалаб" номли драматик асарига назар ташлайлик.

Эркин Воҳидов тагмаъноли, тагмақсадли асарларда "яширин" ғояларни илгари суриш жиҳатидан замонавий ўзбек адабиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бунга унинг "Диагноз", "Бўри чақирган мажлис","Арслон ўргатувчи", Донишқишлоқ ва Матмуса ҳақидаги ўнлаб шеърлари яққол мисол. Лекин, "Иккинчи тумор" трагикомедияси алоҳида аҳамият касб этади.

Эркин Воҳидов нафақат ватанимизда, балки хорижда ҳам, асосан ўзбек шеъриятининг улкан намояндаси сифатида таниқли. Мухлислар уни Ҳофиз Шерозий, Бедил, А.С.Пушкин, Шиллер, А.Блок, С.Есенин, М.Светлов, А.Твардовский, Р.Ҳамзатов каби жаҳонга машҳур сўз санъаткорларининг поэтик асарларини она тилимизга ўгирган моҳир таржимон сифатида ҳам яхши биладилар. Эркин Воҳидов публицистикаси билан миллий тафаккуримиз ва маънавиятимиз равнақига жиддий таъсир кўрсатган. Олий Мажлис ва Сенатдаги фаолияти билан давлатимиз ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ўз ўрнига эга забардаст сиймо. Унинг "Олтин девор"и ўзбек

драматургияси миллий ҳудудларининг олтин девори бўлиб турибди. "Руҳлар исёни" ва "Истамбул фожиаси" минг йиллик ўзбек адабиёти тарихининг янги намуналаридир.

Бизга адабиётимиз ва маданиятимизнинг ушбу буюк санъаткори асарлари, ижоди жуда яхши маълумдек туюлади. Инсоф билан айтганда, аслида, жуда ҳам шундай эмас.

Тўғри, у ҳақда диссертациялар, китоблар ёзилган, кўплаб мақолалар эълон қилинган. Ғазаллари асосидаги қўшиқлари халқимизнинг жону дили. Лекин, булардан қатъи назар, Эркин Воҳидов ижоди ўзининг маҳобати ва гўзаллигига муносиб ва мутаносиб равишда ўрганилган ёки ўрганилмоқда, дея олмаймиз. Биз бу улкан санъаткор хотираси ва ижоди олдида жуда катта қарздормиз. Шу маънода Эркин Воҳидовнинг 80 йиллигини нишонлаш ҳақидаги Президентимизнинг янги Қарори биз – адабиётчиларнинг зиммасига янги-янги вазифалар юклайди. Эркин Воҳидовнинг улкан, бой ва ранг-баранг меросида шундай асарлар борки, улар наинки кенг китобхонлар, балки, ҳатто, адабиётчилар, мутахассисларнинг ҳам атрофлича эътирофидан четда қолиб келмоқда.

Шоирнинг "Иккинчи тумор" номли трагикомедияси ана шундай асарлардан биридир. Ҳеч муболағасиз, масъулиятни ҳис этган ҳолда, мен бу асарни муаллиф ижоди ва ҳатто, ўзбек адабиётигина эмас, умуман, шўро замони адабиёти ва шўро истибдоди, унинг империячилик сиёсати зимдан, тагзаминли услубда кескин фош этилиши жиҳатидан XX аср адабиётининг ўз вақтидаги ноёб намуналаридан бири, деб баҳолагим келади.

Гап шундаки, асар ноёб кашфиёт: одам мияси харитасини тузиш, шу мақсадда тажриба ўтказиш, инсон миясидаги имкониятларни максимал равишда ишга тушириш ва бу жараённи онгли тарзда бошқара билишдан иборат экспериментларга киришган замондош ўзбек психолог олимининг илмий изланишлари, уринишлари, орзу-армонлари, шулар асосидаги феъли-табиати, дунёсини бадиий гавдалантиришга бағишланган бўлса-да, аслида, асар замирида, замоннинг булардан ҳам

муҳимроқ, чуқурроқ, ижтимоийроқ муаммолари кўтарилади вав акс эттирилади. Бу муаммо асарнинг шўро тузуми бошқарувидаги норасолик; истибдод, зўравонликдан иборат адолатсизлик; манқурт моҳиятдаги зуғумли жараёнга фаол муносабат билдириш каби хусусиятларида намоён бўлади.

Дарҳол савол туғилишини сезиб турибман: Эркин Воҳидов 1970 йилда ёзилган асарда бу қадар қалтис масалаларни ёритишга қандай қилиб журъат эта олди Драматург асарда психолог олимнинг кашфиёт мақсадидаги уринишлари, экспериментларини инсон зоти қанчалар тараққиётга мойил бўлмасин, бу ҳаракат унинг собит табиатига ноўрин аралашувдир, зўравонликдир. Бинобарин, албатта инқирозга юз тутишга маҳкумдир, деган тўхтамга келади. Булар юқорида эътироф этганимиз: шўро тузуми ва истибдодини очиқдан-очиқ инкор этиш тарзида эмас, инсон онги, тафаккури, дунёқараши, ҳаётини ўзи истаган ҳолдаги йўналишга солиш тараддудига тушган ва бу борада экспериментлар бошлаб, уринишлари чил-парчин бўлган Мизроб Маҳмудий ғояларини инкор этиш орқали амалга оширади.

Бундай – бир жиҳатдан, асарнинг кўриниб турган сатҳида қаламга олинаётган муайян аниқ бир мавзу-муаммони тасвирлаш, ва иккинчи бир жиҳатдан, бошқа асар ёзилган вақтда айтилиши қайси бир сабабларга кўра мумкин бўлмаган, ёки ҳукмрон қарашларга зидлиги боис, манъ этилган муаммоларга ишора усули билан тагзаминли, тагқатламли тасвир ва талқинга мурожаат этиш жаҳон адабиётида кенг тарқалгани маълум. Эркин Воҳидов назаримда "Иккинчи тумор"да ана шу усулни маҳорат билан ишга солади.

Китобхонлар ва мутахассисларнинг асосий қисми, чамаси, асардаги матн юзасида кўриниб турган мавзу, муаммо, қаҳрамонларни қабул қилиш билан чекланиб, тагқатлам, тагзамин ва улардаги ишоравий маъно-мақсадни бирмунча четда қолдирган бўлса, ажаб эмас.

Энди асарнинг ёзилиши ва чоп этилиш тарихи ҳақида икки

оғиз гапириб ўтсам. “Иккинчи тумор” шоир Сайланмасининг Иккинчи жилдида 2001 йилда нашр этилган. Драма ўша йили “Жаҳон адабиёти” журналининг 9-сонида ҳам чоп этилган. Ундан кичик бир парча Р.Иноғомовнинг асар ҳақидаги қисқача мақоласи илова қилинган ҳолда ўзимиздаги “Театр” журналининг 4-сонида босилиб чиқди. Драматург Ҳайитбой Расул айтишича, ундан 5-6 йил аввал, яъни 1995 йилда бўлса керак, Хоразм давлат театрида саҳналаштирилган, лекин кўп ҳам оғизга тушмаган экан.

Трагикомедия, аслида 1970 йилда ёзилган. Ўттиз йил давомида чоп этилмай турган. Муаллиф Эркин Воҳидовнинг ўзи “Жаҳон адабиёти” журналида 2001 йилда маълумот беришича, у ҳеч қаерда шу вақтгача чоп этилмаган. Режиссёр Тошхўжа Хўжаев уни ўз вақтида саҳналаштирмоқчи бўлган, лекин Маданият вазирлигининг санъат бошқармаси таҳририяти асарни ўтказмаган. Муаллиф унга асар чоп этилиши арафасида янги замон руҳи ва мақсадларини сингдирган эмас. Чоп этилган асарда у ёзилган вақтдаги матн тўлалигича сақлаб қолинган. Буни Э.Воҳидовнинг 2001 йилдаги: “Уни ҳозир ёзсам, балки бошқача ривож ва ечим топган бўлардим. Бу асарни тарихий факт сифатида ўша замонда қандай ёзилган бўлса шундай тақдим этмоқдаман”, деган эътирофи ҳам тасдиқлайди.

Асар нега 30 йил мобайнида чоп этилмай келди? – деган савол барчани қизиқтиради, албатта. Ягона совет халқини шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилган бир замонда инсон онгини, дунёқарашини ўзгартириш керак, янги, ўзини таниган инсонни яратиш учун курашиш керак, деган ғоянинг қабул қилиниши мумкин эмас эди, албатта дейди бу ҳақда муаллифнинг ўзи.

Бундан қирқ беш йил аввал ўз вақтида жамиятга, тузумга нисбатан ўткир танқидий қарашлари мавжуд асарни лоақал Истиқлол тонгидаёқ чоп этиш мумкин эди-ку!

Мустақилликдан сўнг ва унинг дастлабки йилларида, асарни чоп этиш ёхуд саҳнага қўйиш имкониятлари туғилганда

муаллиф нега бу ишни амалга оширмади, деган савол туғилиши табиий. Бу ишни драматург 1995 йилда маълум даражада амалга оширишга интилди. Трагикомедияни муаллиф, аввал Хоразм театрида саҳналаштириб, вилоятдаги томошабинлар ҳамда мутахассислар назаридан, синовидан ўтказиб олиб, муваффақият топган тақдирда, уни пойтахтдаги марказий саҳналарга ўтказишни мўлжаллади. Лекин асарнинг саҳналаштирилишидан кўнгли тўлмади чоғи, у яна бир неча йил архивда қолиб кетди. Лекин назаримизда, асар замирида, муаллифнинг ўзи 2001 йилда эътироф этмаган, бошқа чуқур ижтимоий ғоя ҳам мавжуд эди. У нимадан иборат эканини айтишга ўтишдан аввал асар мавзуси, ғояси, қаҳрамонларига қисқа равишда назар ташлаб ўтайлик.

Психолог олим Маҳмудий 22 ёшдаги ақли-хуши жойида, лекин қобилияти суст, шу боис ўқиш-ёзишни ҳам билмайдиган Матмусани ўзи фанга олиб кирмоқчи бўлган йўсинда ўқитиб, таълим бериб, қандай қилиб бўлмасин, ҳатто гипноз усулини қўллаб, одам қилмоқчи, фақат одамгина эмас, муайян босқичларда раҳбарлик қилиши мумкин бўлган даражага етказмоқчи. Аслида, бу “ўқитиш” замирида олим томонидан, ҳатто, қобилияти, закоси суст кишининг онгини фаол равишда ишга тушириб юбора олишдек натижага эришиш устида олиб бораётган илмий тажрибаси ётади[36].

Маҳмудий бир йил ичида ўқитиб, таълим бериб Матмусани комбинат юк ташувчисидан унинг директори лавозимигача кўтаражаги ҳақида тилхат ёзиб беради. Матмуса Маҳмудийнинг қатъий топшириқларини сўзсиз бажариш, итоат этиш, айтганларини тўтидек қуруқ ёд олиш натижасида “ҳамма соҳадан хабардор” кишига айлана боради. Лекин бажараётган ишлари,

[36] (Бу мотив остида В.И.Ленининг: ҳатто кухарка ҳам давлатни бошқариши мумкин, деган пролетарча ғояси, ёхуд, дейлик шўро Ўзбекистоннинг илк босқичида давлат бошқаруви халқ ичидан чиққан, ҳатто батрак ва саводсиз киши томонидан ҳам бошқарилавериши мумкин деган ғоянинг ва улар оркали, “юқоридан” исталган фикрни мажбуран зўравонлик билан ўтказиш тажрибалари қўлланган сиёсат акс садолари сезилмайдими? Б.Н.)

ёдлаган фикрлари моҳиятини мутлақо англаб етмайди.

"Аввал яшаган кўчангнинг номи нима?" деб берилган устоз саволига жавоб бериш учун шогирд ўз кўчасининг номини эслолмайди.

Шу ўринда ўзбек драматургининг мазкур асардаги айрим йўналишларга М.А.Булгаковга мансуб "Итюрак" асарининг муайян таъсирини ҳамда Чингиз Айтматоқнинг "Асрга тенгулик кун" романидаги манқурт билан муайян ҳамоҳангликни сезмаслик мумкин эмас.

Матмуса табиатидаги айрим одатлар бот-бот қўзиб туриши устоз Маҳмудийни жуда ранжитади. "Назариям вайрон бўлди", "бутун институт олдида шарманда бўлдим", дейди ва ўз шогирдига қарата: "Сиз Матмусалигингизни бутунлай унутишингиз керак. Мана бу ердан ҳам (каллани кўрсатади), мана бу ердан ҳам (юракни кўрсатади) чиқариб ташлашингиз керак". Матмуса бу топшириқ, бу истакларни бажонидил қабул қилади.

Хотирангизда бўлса, Ч.Айтматовнинг манқурти тарихан, мажбурланиб, зўрланиб шу ҳолда туширилса, Эркин Воҳидовнинг манқурти ўргатилиб, ўқитилиб, саводсизликдан саводхонликка айлантирилиб, бажонидиллик билан шу – манқурт ҳолига туширилмоқда. Айни вақтда, Эркин Воҳидов манқурти – 1970, Ч.Айтматов манқурти эса, 1981 йилнинг маҳсули эканини ҳам эътибордан соқит қилмайлик.

Маҳмудий Матмусага таълим беришда давом этади: "Ҳамма ишни бошқатдан бошлаймиз. Диванга ётинг. Оёқларингизни узатинг. Кўзингизни юминг... Кўз олдингизга келтиринг, сиз катта амалдорсиз".

Эътибор беринг. Юқорида эслатганимиз икки манқурт моҳияти бир бўлса-да, характер жиҳатидан, бадиий образ сифатида бошқа-бошқа. Ч.Айтматов образи – ўзининг мустақил фикри йўқ, хўжайин нимани айтса шуни сўзсиз бажарадиган қул – манқурт. Эркин Воҳидов образи ҳам бошлиқнинг, йўл-йўриқ кўрсатувчи устознинг айтганларини сўзсиз бажариши, унга итоат этиши лозим бўлган, шунга мўлжалланиб ўргатилаётган қаҳрамон! У фақат қул манқуртгина эмас, амалдорликка тайёрланаётган манқурт.

Лекин, Эркин Воҳидов қаҳрамони – Матмуса устози, ёки хўжайин Маҳмудий режалари, тажрибалари остида шаклланиб, ақли кириб, фақат унинг йўриги билан мушоҳада қиладиган, иш тутадиган эмас, ҳаёт таъсирида ўзи ҳам мустақил фикрлай оладиган қаҳрамонга айлана боради. (Қаҳрамон дунёқарашида жуда муҳим ўрин тутадиган мана шу омилнинг асослари, мотивировкаси асарда бир мунча суст эканлигини айтиб ўтишга тўғри келади). У ўзига одам деб эмас, эксперимент, тажриба қуроли сифатида қаралганини англаб етади.

Матмуса Маҳмудий тажриба-синовлари асосида ақли-ҳуши кўп нарсаларга етадиган бўлиб қолганини, психолог олим, қандай топшириқ берган бўлса, айнан, қойилмақом қилиб бажара олишини, айтилганларни булбулигўёдек такрорлай билишини катта олимлар гувоҳлигида Илмий кенгашда кўрсатишдан, намойиш этишдан бош тортганда, йўриқчи: мени "бутун умрга шармандаи шармисор қилма" деб унга ёлборишига қарамай, Матмуса ўз тутумини ўзгартиришдан бош тортади.

Асарнинг биринчи ва иккинчи фаслларидаги аксар лавҳалари комизм билан трагизм заруратига қараб ўрин алмашиб турса, хотима ўрнидаги учинчи фасл, асосан трагик руҳга йўғрилади.

Маҳмудий инсоният тарихида катта ўгаришлар ясашини кутган, лекин туб замири ҳаётий адолатдан йироқ бўлган, катта умидлар билан тугатилишига яқинлашган илмий ишини ёндиришдан бошқа илож тополмайди. Шу ўринда бу тахмин, тусмол ёки гипотетик фикрни айтишга журъат этиш мумкин. (Эҳтимол бу қараш ўзини оқлар, балки келгусида асар янада чуқурроқ ўрганилиб бу ҳақда бошқачароқ фикр айтилар). "Иккинчи тумор" трагикомедиясига, ундаги психолог олим Маҳмудий образи ва бу қаҳрамоннинг илмий раҳбари замирига муаллиф матн юзасидаги маъно-мақсадлардан ташқари, коммунистик жамият қуриш ҳақидаги таълимотни, шу таълимот

асосида туғилган шўролар тузуми ҳамда унинг асосчилари табиатини ҳам бадиий ёритишга ҳаракат қилмадимикан? Бу ниятни очиқ-ойдин гавдалантириш мумкин бўлмагани боис драматург асосий мақсадни асар матни юзасида кўриниб турган мавзу ва муаммоларга юклаган кўринади.

Шу маънода, асар хотимасидаги катта умид боғланган илмий ишнинг ёндирилиши коммунистик жамият бунёд этиш ҳақидаги ғояларининг барбод топишига ишора эмасмикан?

Агар шундай бўлса Эркин Воҳидов фақат ўзбек ёки ёзилган вақтдаги шўро адабиёти даражасдагина эмас, жаҳон адабиётида коммунистик ғоя ва тузумнинг барбод бўлишини биринчилар қаторида бадиий талқин қилган ёзувчилардан бири бўлиб чиқади.

"Ён, менинг бир умрлик меҳнатим, орзу-умидларим, ён!" – дейди Маҳмудий, ёнаётган илмий ишига қараб, асардаги сўнгги монологларидан бирида эса... "Сенинг сўнгги саҳифаларинг билан хайрлашмоқдаман. Мен ҳаёлимда тиклаган иморат вайрон бўлди, ёниб кул бўлди", дейилган.

Ҳаётда эса бу иморатнинг ёниб кул бўлишига ҳали 20 йил бор эди. Эркин Воҳидовнинг юқоридаги фикрлари эса, бадиий башорат, тузум вужуди хусусидаги бадиий кардиограмманинг бир кўриниши эмасми? Буюк шоиримиз томонидан трагикомедик асар орқали тузумга қўйишга ҳаракат қилинган бир бадиий ташҳис сифатида қарасак бўлмасмикин?

Шу ўринда бир масала келиб чиқади. Наҳотки Эркин Воҳидов 1970 йилда, яъни бундан салкам 50 йил аввал, коммунизм деган таълимот барбод бўлиши зарурлигини, шўролар тузуми ва тизими шаксиз инқирозга юз тутиши кераклигини узил-кесил англаб етган бўлса?

Менимча, масалага бундай эмас, бадиият нуқтаи назаридан нозикроқ қараш тўғрироқдир. Тўғри, XX асрнинг 60-йиллари охирида шўролар тузуми ҳам, коммунистик келажак деган тушунча ҳам мустаҳкам эди. Эркин Воҳидовнинг ҳам бу тузум, бу тушунчага эътиқоди батамом суст бўлган дейиш қийин.

Буғга унинг ўтган аср 80-йилларигача ёзган аксар асарлари далил бўла олади.

Лекин, айни вақтда, Ватан ва миллат, эрк, истиқлол ва ҳурлик муаммолари ўзини танигандан буён йилдан-йилга кучайиб борган буюк шоир қалбида доимо тўлқинланиб турганини, у шўро тузуми ва коммунистик келажак узоқ-яқиндаги ижодкорлар томонидан гоҳ ошкор – гоҳ пинҳон танқид этилаётганини, (бу борада ҳеч бўлмаганда, Чўлпон, Фитратларни эслайлик), хорижда буларнинг ҳар икковини кескин рад этувчи ўнлаб-юзлаб публицистик, сиёсий мақолалар бадиий ва илмий адабиётлар мавжудлигини яхши билганини, улардан хабардор эканини инкор этиб бўлмайди.

Буларнинг барчаси бадиий фикрлаш ҳаётининг аъмоли бўлган буюк санъаткорга таъсир этмаслиги ва бу таъсир қайси бир даражада бўлмасин акс-садо бермаслиги, ҳаётга муносабатнинг бадиий кардиограммаси сифатида муайян даражада ифода топмаслиги мумкин эмас эди. "Иккинчи тумор"га ана шу нуқтаи назардан қараш ва баҳо бериш, назаримда кўп ҳам нотўғри бўлмайди.

Матмусанинг миясини, онгини ўзгартириб, уни ўз хоҳиши билан батамом бошқариш ҳақидаги ниятлари амалга ошмагач, бунинг учун сарфланган бир йиллик умри беҳуда кетганини англаган Маҳмудийнинг асар сўнгидаги монологларида шундай фикрларни эшитамиз: "Бир йил! У мана шу бир варақ қоғоздай ёниб кетди. У билан бирга менинг ишончу эътиқодим, мен муқаддас деб билган орзу, маслагим ёниб кетди". Бу фикрларга чуқурроқ эътибор берсак, гап фақат амалга ошмаган илмий экспериментгина эмас, муқаддас деб билинган орзу, эътиқод, маслак ҳақида бораётганини кўрамиз ва улар XX асрнинг 60-70-йилларидаги айрим замондошларимизнинг тузум ва жамиятга бўлган муносабатларидаги ўзига хосликлар борлигидан далолат эмасмикан, деган фикрга боради киши.

Яна: "Оқибат нима бўлди? Жонингга қасд қилган жаллодга қилич қайраб бердинг. У қилич энди бир умр бошингда ту-

ради". Бундай мулоҳазалар зоҳирий қатламида Матмусанинг Маҳмудийга бўйсунмай қўйгани, орзуларини батамом барбод қилгани ва, ҳатто, ўзига ўринбосарликни таклиф қилгани учун алам туфайли айтилаётгандек таассурот қолдиради. Лекин, теранроқ назар асарнинг ботиний мазмунида юқоридагидан ҳам кўра фожиавийроқ ва ўткир ижтимоий муаммоларга ишоралар ётгандек туюлади.

Илмий гипотезалари рўёбга чиқмаган киши жуда қаттиқ афсусланиши ва, ҳатто, надомат чекиши мумкин, тўғри. Лекин, фикримизча, энди "нимага керак менга бунақа ҳаёт?" демаса керак. Маҳмудийнинг эса, айнан, худди шундай дейиши, ва ҳатто бироз кейинроқ: "Менинг устимдан бутун олам куляпти" деган хулосага келиши, бошқаларга билмадиму, менга буюк Эркин Воҳидов томонидан қаҳрамони орқали онгли равишда айтилган ёҳуд онг оқими тарзида намоён бўлган бадиий башорат бўлиб туюлади.

Бошлиғининг қўлида худди тўтиқушдай бўлиб, унинг айтганини такрорлаб, фақат унинг йўриғига қараб юришни истамай, ўз хоҳишича иш тутишни истаган ва ҳатто энди, бундан буёғига бошлиқнинг ўзи унга бўйсунишини талаб қилгани учун, Маҳмудий тилидан айтилган ушбу фикрлар юқоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлагандай бўлади: "Бир беозор чувалчанг шунақанги даҳшатли аждаҳо бўлишни қаёқдан билай?" Яъни: "Маҳмудий: Мен-ку кўр, нодон эканман, яхши-ёмонни билмайдиган гўл эканман, одамларга нима бўлди? Нега ҳеч ким уни фош қилмайди?"

Радиомухбир даражасига етган синфдоши Одилжон томонидан Маҳмудийга айтилган ушбу фикрлар ҳам менга илмий тажрибага бўйсунмай қўйиб, бошлиққа шаккоклик қилиш йўлига ўтган кишига бўлаётган муносабатдан кўра, бизни бир вақтлар алдаб-сулдаб, айланиб, ўргилиб, ваъдалар билан кўнглимизни пуч ёнғоққа тўлдирган шўро сиёсати ва истибдодига муносабатдай жаранглайди. "Девпечак дарахтни бўғишдан олдин у билан дўст бўлар экан. Садоқатни билдириб, дўстлик,

меҳр, оқибат ҳақидаги афсоналар билан уни ўраб ташлар экан. Алла айтиб, ухлатиб қўяр экан-да, уйқусида бўғар экан".

Асар ниҳоясига яқин Маҳмудий ва Матмуса ўртасидаги диалог янада теранлашади ва назаримда бу диалогда драманинг тагзаминли, тагқатламли ғоялари-ю, улардаги ишора маъно, ишора ниятлар янада ойдинлашади, ва мақсад пардалари бирмунча кўтарилгандек бўлади.

Маҳмудийнинг Матмусага қарата: "Сени яхши одам қиламан, деб кетказган умримга, вақтимга ачинаман", деган гапига Матмуса шундай жавоб қайтаради: "Афсус қилманг, сиз ниятингизга етдингиз, маймундан одам қилолмаган бўлсангиз ҳам, мана, одамдан маймун ясадингиз. Мен гўл, саводсиз бўлсам ҳам одам эдим. Ўз ўнган жойим, ўз ҳаётим, ўз мақсадим бор эди. Сиз менинг илдизларимни бешафқат қирқиб ташладингиз. Қани у содда одамлигим. Қани у Матмуса? Сиз мени ўзимдан ўғирладигиз. Мени ўзимга қайтариб беринг, ўша Матмусалигимни беринг".

Мана энди асар нима учун "Икки тумор" деб номлангани ва бу ном остида қандай маъно-мақсад жо эканини аниқлашга ҳаракат қилайлик.

Қобилияти бир мунча сустроқ бўлгани учун ўқишдан озод қилиниб, ҳунар олишга юборилгани ёзилган қоғозни Матмуса болалигидан тумор сифатида олиб юради. Ақл-ҳушини таниган, ёши йигирмалардан ошган Матмусани олим Маҳмудий илмий тажриба (эксперимент) қилиб, топшириқларини сўзсиз ва мутлақ бажарадиган, фақат айтганларини такрорлайдиган йўсинда, дунёқарашини ўзгартирган ҳолда бамисоли манқуртга айлантириб, эвазига бир йил мобайнида юк ташувчиликдан ўзи ишлаётган комбинатга директор қилиб тайинлаши ҳақида тилхат беради. Матмуса аввалги туморини ташлаб, ушбу мазмундаги хатни ўзига иккинчи тумор қилиб олган эди.

Асар охирига келиб Матмуса ана шу иккинчи тумор бўлган битик мазмунидаги ҳаётдан воз кечади. Буткул ва батамом, манқуртсимон махлуққа айланиб, ўзганинг йўриғидаги

қандайдир раҳбар бўлиб яшашдан кўра, аввалгидек, ўзининг содда одамлиги, содда ҳаёти билан яшашни истайди. Маҳмудийга қарата: "Сиз мени ўзимдан ўғирладингиз. Мени ўзимга қайтариб беринг, ўша Матмусалигимни беринг" дейишининг боиси шунда.

Шу тариқа Матмуса адашиб қабул қилган, янглишиб эга бўлиб юрган "Иккинчи тумор"дан воз кечади. Бу моҳиятан манқурт – раҳбар бўлиб яшашни инкор этиш, истибдод даражасидаги бировнинг йўриғида юришдан воз кечиш, ўзликни барча нарсадан улуғ деб билиш, ёлғонлик, сохталик, баланд-парвозликдан ўзининг илдизига қайтиш кераклигини англаб етиш деб тушунсак, менимча, тўғри бўлади.

Ва ниҳоят, асар тузилиши, структура ҳамда жанри ҳақида икки оғиз сўз. Драматургиянинг трагикомедия жанрида ёзилган "Иккинчи тумор" асари мўъжазгина муқаддима ва уч фаслдан иборат. Учинчи фаслни муаллиф, айни вақтда, хотима сифатида тақдим этади.

Драматик асар қаҳрамонлари – иштирокчилари саноғи ҳам ихчамгина – бор йўғи 5 кишидан иборат: психолог олим – Мизроб Маҳмудий, унинг синглиси Сунбул, психотерапевт – Муаттар; Одилжон – радиомухбир; Матмуса – Маҳмудийнинг илмий тажрибасига учраган йигит.

"Иккинчи тумор" трагикомедия жанрига мансуб. Комик ҳолатлар, характердаги комик хусусиятлар, асосан, асарнинг биринчи фаслига тааллуқли бўлиб, аксар ўринларда Матмуса сажжиясидаги хусусиятлар орқали юзага чиқади. Жиддийроқ эътибор берилса, бу комик параметрлар, моҳиятан, аста-секин асардаги трагик муаммоларнинг юзага чиқишига тайёргарлик вазифасини ўтаб боради. Иккинчи, учинчи фасларга бориб, трагизм асарда аста-секин тералашади ва хотима қисмига ўтароқ ўзининг юқори чўққисига кўтарилади.

Трагикомедия фақат драматургия жанри эмас, умуман сўз санъатидаги энг мураккаб, энг қийин ифода тарзларидан бири бўлиб, алоҳида-алоҳида юксак даражадаги комедия ёки юксак

савияли трагедия ёзган ҳамма драматурглар ҳам бу жанрга мурожаат қилишга журъат этишавермаган.

"Иккинчи тумор"да комедия йўналиши трагик усулга нисбатан бир мунча сустроқ бўлса-да, у ҳеч иккиланмай ўзбек адабиётидаги биринчи трагикомедия деб аталишга ҳақлидир.

Шўро адабиётида трагикомедия жанрига ёзилган драматик асар оз бўлгани маълум. Ёки, ҳар қалай, ўтган асрнинг 70-йиллари аввалига қадар шундай бўлган. 9 жилдлик "Краткая литературная энциклопедия"даги "Трагикомедия" мақоласида бу жанрда шўро даврига ва ҳаётига оид деярли бирорта драматик асар тилга олинмаслиги шундай дейишга асос бўлади. Бунинг сабаби бор, албатта. Шўро ҳаётига оид трагикомедик асар ёзиш шўро тузуми ва ҳаётининг ўзини ёки унинг бирор бир қиррасини жиддий равишда инкор этиш, танқид қилиш деган гап бўлар эди.

Эркин Воҳидов бадиий мақсадларини амалга оширишда шу жанрни танлашга журъат этди. Тўғри, "Иккинчи тумор"да асар ниҳоясига бориб, салбий характердаги қаҳрамонларнинг тузалиш томон юз буриши ёҳуд асарга баъзида муҳаббат лирикасини зўрма-зўракироқ тарзда киритишни четлаб ўтолмаслик каби асар ёзилган замон ва давр муҳри билан изоҳланувчи айрим камчиликлар йўқ эмас. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Иккинчи тумор"ни ёзишга тайёргарлик кўриш ёки уни яратиш жараёнида муаллиф трагикомедия жанрининг сир-асрорларини, ўзига хос хусусиятларини, айниқса, бу йўналишдаги мумтоз асарлар мисолида ҳамда бу жанр хусусидаги илмий адабиётларни чуқур ва атрофлича ўрганиб чиққан, деган хулосага келиш мумкин. Буни "Иккинчи тумор"нинг структураси яққол кўрсатиб туради.

Адабиёт илмида айтилишича, трагикомедиянинг етакчи хусусиятлари шундаки, бу жанрдаги асарларда на комик ва на трагик моҳият қатъий тарзда қарор топмасдан ўрин алмашиб туради, бадиий мантиқ талабига кўра бири иккинчисини тақозо этади ёки бири иккинчисининг вужудидан ўсиб чиқади.

Муҳими, мақсад ҳаётий айнанликка даво қилмаган равишда нисбийлик табиатини ўзида сақлаб қолади. Трагикомедияда айни бир муаммо талқини муайян, шахсий (субъектив) ҳамда холис, ҳаққоний, бетараф (объектив) қараш ва баҳо ифодаси сифатида тажассум топиши мумкин. У жамиятда ҳукм сураётган одоб-ахлоққа тамомила зид қарашларни ҳам илгари суришни, ёхуд, жамиятда қарор топган ёки топмаган етакчи муҳим қарашлар устидан кулишни ёки, аксинча, қўллаб-қувватлашни, ёқлашни инкор этмайди.

Трагикомедия жамиятдаги, ҳаётдаги, шунингдек, инсон тақдиридаги жуда катта ўзгаришларга таъсир этувчи ғояларни, талабларни кўрсатувчи ва айни вақтда. санъаткорда ўзига хос равишдаги тайёргарлик бўлишини тақозо этувчи жанрдир[37]. Бу жанр талабларини ўзида мужассам эта олувчи асар жамиятнинг буҳронга учраётган ёхуд учраши лозим бўлган ҳодисаларини, шунингдек, пайдо бўлаётган улкан янгиликларни қарор топтириш йўлидаги мураккаблик. Изтироб, қураш, ихтилоф. Шу жараёндаги трагик руҳли натижалар ҳақида башорат берувчи, ҳамда шу жараёнларнинг трагик ҳолатларини, уларнинг бадиий кардиограммасини яратади.

"Иккинчи тумор"га шошилмай, чуқур назар ташлаш Эркин Воҳидов трагикомедиянинг мана шу хусусиятларини, унинг айниқса, трагизм билан алоқақдор жиҳатларини атрофлича ўргангани ва ўзлаштирганини кўрсатади.

Биз бу ўринда "Иккинчи тумор" ҳақидаги айрим кузатишларимизни эътироф этиш билан кифояландик. Келгусида бу асар ҳақида, шубҳасиз, чуқур тадқиқотлар олиб борилади, атрофлича баҳслар бўлади. Айни вақтда, мазкур трагикомедия мамлакатимиз марказий театрларида саҳналаштирилишини орзу қилиб қоламиз.

Драматик асар ўқилишдан ташқари, ўзининг айниқса, саҳнавий ифодаси билан қудратли кучга эгадир. Бу асарнинг муваф-

[37] Бу ҳақда қаранг: Краткая литературная энциклопедия. Т. 7. – М.: Советская энциклопедия, 1971. – С. 594.

фақиятли саҳналаштирилиши, бир жиҳатдан, глобаллашув муаммоларини бадиий акс эттиришига кўра ўзбек адабиёти Эркин Воҳидов сиймосида салкам ярим аср илгариёқ жаҳон адабиёти контекстида ўзига хос қадамлар ташлаганини ва иккинчи томондан, тагзаминли, тагқатламли ишора санъати орқали XX асрнинг энг улкан муаммоларидан бирини янги замонда биринчилар қаторида бадиий ёритишга журъат этганини кўрсатади.

Психолог олимнинг илмий тажрибаси, янада аниқроғи, бир йиллик эксперименти амалга ошмагани трагкомедия жанри талабларига жавоб берадиган асар учун хос бўлмаслиги мумкин эди. Бу муаммо учуноқ асар, назаримда, трагикомедия бўлолмасди. Муаллиф эса, асарининг жанрини махсус – трагикомедия деб белгилаб, ёзиб қўйибди. Бу бежиз эмас, албатта. Бу муаллиф томонидан асарга белгиланган бадиий юк, асосий ғоя унинг матни юзида кўриниб турган мазмун-маънодан кўра унинг замирига, тагқатламига юкланган маъно-мақсадга мос ва мувофиқ эканига далилдир.

Глобаллашув жараёнларининг инсон ва миллат тақдирига таъсири деярли барча тур ва жанрлардаги бадиий асарларда акс этмоқда. Уларнинг поэтикасидаги қатор қирраларда янги-янги ўзгаришлар ясамоқда.

Шундай асарлардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг "Танҳо қайиқ (ёхуд девонанинг орзуси)" номли драматик асаридир.

Муаллиф тагсарлавҳасида асарни "Орол бободан драматик ривоят" деб атайди ва унинг бош қаҳрамони исмидаёқ асосий масала кимга ва нимага қаратилишига эътиборимизни жалб этади. Орол!...

Асар жанрий моҳиятига кўра, асосан, драмадан иборат бўлса-да, биз бошиданоқ ўрганиб қолган мумтоз драма жанри доирасидагина қолиб кетмаслигини англаймиз.

Шу сабабдан бўлса керак, драматик асарлар учун хос бўлган иштирок этадиган қаҳрамонлари ҳақида маълумот берилган ўринда бу қаҳрамонларнинг тахминий ёши, касби-кори,

ўзаро яқинликлари ҳақидаги маълумотларни кўрмаймиз, ҳозирча муаллиф уларни – Орол бобо ва яна 8 қаҳрамоннинг барчасини бирдек "ривоятда нақл этилмишлар" деб атайди. Бу ҳақдаги маълумотлар кейинроқ драмадаги воқеалар фонида ичдан ўсиб чиқади (проза табиатига хос равишда).

Кўриладики, асарнинг бошланишиданоқ бадиият масаласида икки янгиликка дуч келамиз. Бири, юқорида айтганимиз, асар қаҳрамонларининг ким эканидан воқиф этишдек ўрганиб қолганимиз драма жанри учун анъанавий йўлни тарк этилаётгандек бўлса, иккинчиси, қаҳрамонлар "ривоятда нақл этилмишлар" дейилиши асосида асар структураси реалистик эмас, халқ оғзаки ижодига хос йўналишга қурилганини маълум қилади.

Асарни ўқиш жараёнида эса, бу ҳар икки тутилган йўл ўқувчини қизиқтириш учун танлангани маълум бўлади. Драма, моҳиятан, Орол денгизининг қуриб бораётгани билан боғлиқ инсон қалбида, тақдирида, ҳаётида рўй берган, бераётган ўзгаришларни кўрсатишдан, тасвирлашдан иборат. Тасвир давомида муаллиф модерн усулларига мурожаат этади. Яна бир масала. Асар бошланишиданоқ унда драма жанрига хос ремарка унсурларига муаллиф бирмунча эрк бергани сезилади, бу масалада у проза жанри учун хос бўлган тасвир усулига кўпроқ эътибор қаратаётгани кузатилади. Асарни ўқиш асносида сиз хаёлингизда бир фикр "ярқ" этиб, уйғонганини пайқагандек бўласиз: "муаллиф асарини, аслида, фақат драма бўлиши учунгина эмас, экран асари – кинофильмга мўлжалланган бўлса ажаб эмас".

Бир асар доирасида назм ҳам, наср ҳам драмадаги диалоглар ҳам бўлиши бизнинг достонларимиз учун хос ҳодиса. Шулар воситасида асардаги воқеа-ҳодисалар содир бўлиши, қаҳрамон хатти-ҳаракатидаги замон ва макон масаласидаги эркинлик, реалиялар билан хаёлда кечувчи жараёнларнинг воқе бўлишини кўрсатишда модерн услубига хос ифода йўсинлари муаллифга "Танҳо қайиқ"ни "драматик ривоят" деб аташга асос бўлган кўринади.

Мазкур драма яратилишига жанр табиатидаги айрим хоссалар нуқтаи назаридан Бернард Шоу ҳам таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас. Маълумки Бернард Шоу проза ва драма унсурларининг уйғунликда намоён бўлган драматик асарларидан бирини роман-драма деб атаган эди.

Эркин Аъзамнинг мазкур "Танҳо қайиқ"даги бу ҳодиса Шоу таъсири туфайли бўлмаса, у ўзбек адибининг драматик жанр таркибини янгилашга интилишдаги типология сифатида баҳоланса тўғри бўлади.

Асар бошидаёқ қуйидаги манзара тасвирига дуч келамиз: бир-биридан узоқ бўлмаган масофада бир неча қайиқлар. Барчаси деярли кумга ботиб қолган. Ҳатто том бошида ҳам қайиқ. Қайиқ ўзи қаерда бўлади? Унинг турар маскани – сув, албатта. Биз кўраётган қайиқлар барчаси қумда. Демак, бу, сув йўқлигига, сувсизликка ишора. Бутун асар давомида кечадиган воқеаларнинг лейтмотиви дастлабки саҳифаданоқ бош қаҳрамон қиёфаси, руҳияти қуйидаги тарзда тасвирланади.

"Орол бобо: (ташвишманд ғудраниб). Қум-қум. Ер у осмон қум-а, тавба! (Тикила-тикила, бирдан юзи ёришади). Йўқ, сув бу, сув! Қара, офтобда шишадек ялт-ялт қиляпти. Жонивор"... Орол қайтиб келибди! Оролим! Бир кечада суувга тўлибди, яшасин, дод. Ана – мавжлари! Ана – тўлқинлар! Ваҳ, қайиқлар ҳам сузиб юрибди!" Эътибор берсангиз, Орол денгизининг қуриб бораётгани Орол бобони салкам савдойи ҳолга солиб қўйган. Қуёш тиғида ялтираётган қумлик унга сув бўлиб, қумга ботиб ётган қайиқлар эса, сувда қалқиб тургандек туюлади.

Қаҳрамон руҳий ҳолатини бундан ҳам кучлироқ тасвирлаш мумкинми? Биргина шу психологик ҳолат тасвири: "Орол қуриши, унинг атрофида яшаётган минг-минглаб кишиларнинг, оилаларнинг аҳволини танг ҳолда солмоқда" қабилидаги сўзлардан кучлироқ таъсир этади. Бу таъсирни кейинги тасвирлар давомида муаллиф янада кучайтиради. Бунинг учун у янги сўзлар, янги сифатлар, мажозлар қидириб ўтирмайди. Таъсирнинг оптимал йўлини топади: Орол бобо эсдан оққан эмас, у

тентакмонанд бўлганича йўқ ҳали. Бир зумгина шу аҳволга тушди, холос. Кўп ўтмаёқ ўзини ўнглаб олади.

"Ҳе, эсини еган телба чол, – дейди у ўзига ўзи! – Оролинг сени ташлаб кетганига неча замонлар бўлдику! Энди қайтмайди у, эй нодон!"

Орол бобо денгиз уни ташлаб кетган, ташлаб кетаётган бўлса ҳам ундан айро яшашни тасаввур қилаолмайди. Оролсиз у асло яшаши мумкин эмас. Шундай бир ривоятни эшитгандим. Сутэмар денгиз ҳайвони тюлен салкам бутун ҳаётининг мазмуни бўлиб қолган бир бобойдан сўрашибди: жаннатга тушишни истайсизми, оқсоқол?

– У ерда тюлен борми? – сўрабди қария.

– Йўқ, деб жавоб беришганида: Тюлен бўлмаса жаннатингда нима қиламан", деб жавоб берибди бобой. Орол бобо ҳам руҳан шу аҳволга тушиб қолган. Орол денгизсиз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Овулда деярли бир ўзи қолган. Қўни-қўшниларнинг кўпи тахта-ўқлоғини йиғиштириб, аллақачон бошқа манзилларни макон тутишган. Ташлаб кетилган ҳар бир хонадоннинг томида қайиқ. Улар шунчаки қайиқ эмас. Ачинарлиси шуки, уларни Орол бобо ўз қўли билан ясаган. Шогирдлари билан ясаган. Афсуски, сувда эмас, том бошида турибди ҳаммаси...

Бундан ҳам аянчлироқ манзара бўлиши мумкинми, қайиқсоз учун. Яна бунинг устига, ошини ошаб, умрини яшаб бўлаёзган қария учун: ҳам ҳаёти қадар мўътабар бўлиб келган Ороли ташлаб кетса уни, ҳам не-не орзу умидлар билан ясаган, ҳар бири кўзига азиз фарзандидек бўлиб қолган қайиқлар сувда, ҳаракатда эмас, том бошида сени масхара қилгандек қаққайиб турса. Алам қилмайдими кишига? Яна бунинг устига умринг охирлаб бораётган бўлса. Шуми ҳалол меҳнатларинг, орзуларинг эвазига олганинг тортиқ.

Ёзувчининг Орол бобо руҳий ҳолатини чизган бўёқларда шу маъноларни ўқигандек ва Орол бобо ҳолатига тушгандек бўлади киши.

Ёзувчи Орол бобони, шунчаки, бирор-бир гўшада, ҳовлида ёки қум босган ёбонда тасвирламайди. Уни ўзи ясаган қайиқлардан бирининг ичида тасвирлайди, кўрсатади. Бунинг устига қайиқ ҳам том устида. (Асар номи ҳам "Танҳо қайиқ" деб аталиши бежиз эмас). Буни мен муаллифнинг катта маҳорати сифатида баҳолагим келади. Бу ҳолат асар ғояси, моҳияти, бадийяти, бош қаҳрамон ички дунёси, руҳияти, дарди-умиди, орзу-армонига максимал даражада мос танланган, топиб танланган, ўқувчида қалбида ҳам таъсирланиш туйғуларини ўктам уйғотадиган даражада эканини таъкидлаш ўринлидир. Бунинг устига ёлғизлик, ёлғизланишни айтмайсизми? Инсон туйғулари ичида энг абадий ва барча учун доимо хос хусусият эканини эсласак, танҳо қайиқ ва ўзи билан ўзи якка қолган қаҳрамон образи ва унинг ички дунёсини тасвирлаш муаллифга ниҳоятда ўнг келганини эслатиш ўринли бўлади.. Айни вақтда, Орол бобо ҳолати ва самимиятидаги табиийлик, соддалик, миллийлик жиҳатидан ва фикрлаш тарзига кўра менга Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема"сидаги Мўмин чолни, Эрнест Хемингвэйнинг "Чол ва денгиз" қиссасидаги Сантьягони эслатгандек бўлади. Менимча, у ана шу типдаги қаҳрамонлар сирасига киради.

Ўрни келганда, ёзувчининг модерн усулда намоён бўлувчи маҳоратини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Деярли қумга ботган танҳо қайиқ ичида у ёшлигини, ўтган умрини хотирлаб ўтирибди. Эрта-индин кетасан, ҳозирлигингни кўриб қўй, дейди у ўзига-ўзи. Ёшлиги ҳам, умри ҳам Орол билан кетгандек бўлади. Ёзувчи ёзади: ("Қария энгашиб қайиқ ичида қармоққа илашиб ётган каттакон балиқни думидан кўтарди, у ён-бу ён айлантириб қарайди) Йириккина! Худойим бу кеча ҳам сийлабди. Қуллуқ, қуллуқ" ("Шарқ юлдузи", 2017, 19-бет. Бошқа мисоллар ҳам шу манбадан).

Аслида, балиқ у ёқда турсин, балиқ бўладиган, қармоқ ташланадиган сувнинг ўзи йўқ-ку, дейишингиз мумкин. Лекин, ёзувчи буларни кўрсатади. Чунки у қаҳрамонининг хаё-

лида ҳам кечаётган ҳодисаларни кўриб туради ва янглишмайди. Сизга ҳам кўрсатади. Сизни ҳам ишонтиради. Ва сиз ҳам бунга ишонасиз. Чунки унинг қаҳрамони шундай бўлишни истайди. Бу унинг савдойи бўлганидан, бўлаётганидан нишона эмас. У шундай бўлишини истайди, жуда-жуда орзу қилади. Бадииятда бу ҳодиса хаёлнинг реаллашувга айланиш даражасида кечади. Тасвирдаги бу модерн усулига мурожаат, энг асосийси, асарнинг қаҳрамони хатти-ҳаракатидаги таъсирни янада кучайтиради. Қисқа штрихлар, тафсилот (детал)лар орқали катта таъсир кучини яратиш имконини беради.

Оролнинг қуришига турли-туман илмий изоҳлар, тушунтиришлар, исботлар келтирилгани маълум. Эркин Аъзам бу масаланинг ҳаётий ва тўғри жавобини бадиий гавдалантиришга интилади.

Орол бобо унинг шогирдлари Тиловберган, Генжамурод ўртасида бўлиб ўтган бахсда Орол денгизи қуришлари сабаби ҳақида баҳс кетади, бунинг сабаби фақат яратганга маълум деган гап ҳам бўлиб ўтади. "Тавба деб гапиринглар, болаларим, – дейди Орол бобо – Худо эмас, сен билан менга ўхшаганлар бошига етди Оролнинг... Ғазабини қўзғадик-да. Ҳали айтдим-ку, шайтон оралади ичимизга, васваса солди. Ана шуни қувсанг, ана шундан халос бўлсанг, бир кун қараб турибсанки, Оролинг сувга лиммо-лим тўлиб турибди-да" (20-бет).

Орол бобо айтган, эҳтимолки Орол денгизининг ўзига мансуб бу мулоҳазалардаги "ғазаб" нима, "ичимизга оралагани шайтон" ким ёки нима? – билгиси келади кишининг ва ҳар ким уларга ўзича жавоблар излайди. Булар балки пахта якка-хокимлигини ўрнатиш, тезроқ ва кўпроқ пахта бер деб ва шу сабаб сувни тежаб-тергамай ишлатавериб, бошимизда ўйнаб турган империявий сиёсатдир, бу сиёсатга қулларча бўйсинишга мажбур бўлган ўзимиздаги мутелик, ташқаридаги зўравонликлардир; глобаллашув жараёнлари таъсиридаги пахта етиштириш, сувдан фойдаланишдаги, балки билинтириб, балки билинтирмай олиб борилган сиёсатдир ёки бизни бадтарроқ ўзларига мутеъ этишнинг, бўйсундириш йўлидаги навбатдаги ҳаракатлардан биридир, хуллас, ёзувчи бу масалани Орол денгизининг қуриш ҳодисаси билан боғлаб, Орол бобо тилидан "ичимизга шайтон оралаши", "Оролнинг ғазаби" тарзида, жуда тўғри бадиий ифодалайди ва Орол бобонинг, денгиз бир кун келиб яна албатта тўлиши ҳақида билдирган ишончи биз – китобхонларга ҳам кўчиб ўтади.

Аҳамиятлиси шуки, денгиз суви қурий бошлаганидан қатъи назар, Орол бобо, Тиловберган, Генжамурод сиймосидаги оролликлар сувнинг қайтиб келишига, Оролнинг яна сувга тўлишига ишониб яшайдилар. Бу масалада қаттиқ бахс юритсаларда, қайиқ ясашни давом эттираверадилар. Лекин..., лекин бу ясалаётган қайиқлар, минг афсуски, сувда эмас, ... уй томларида. Шу ўринда асар қаҳрамонларидан бири Орол бобонинг шогирди Генжамурод тилидан образли бир ибора ишлатилади: "Овулингизнинг томлари қайиқлар бўлиб кетди-ку, Орол бобо!" (22-бет). Биз ушбу тўрт-беш сўздангина иборат биргина иборада Орол денгизи фожиасининг теран бир манзарасини кўргандек бўламиз. Орол денгизи фожиасини кўз олдига келтириш мақсадида жаҳон миқёсида не-не ўхшатишлар ишлатилмаган, мажозлар қўлланмаган, фалсафий ривоятлар айтилмаган. Лекин Эркин Аъзамнинг "Танҳо қайиқ"даги ибора ўзининг янгилиги, теранлиги, ўзида чуқур кўчма ва умумлашма маъно таший билиши, айниқса, бадиий образлилиги билан ёдда қолади.

Асар давомида биз ота ва ўғил – Орол бобо ҳамда оиласи билан шаҳарга кўчиб кетган Қалимбет ўртасида суҳбат-диалог билан танишамиз. Маълум бўладики, фарзанд отасига шаҳардан "ҳамма нарсаси муҳайё", "ободгина ҳовлили" уй олиб қўйган, ўша ерга кўчириб олиб кетмоқчи. "Дипломат" портфел кўтарган "шундоқ ўғил-қизлари шаҳарларда даврон суриб юрибди-ю, оталарини ҳув бир овлоқда" ташлаб қўйишибди, деб эл-улус томонидан изза қилинишидан ўғил хавотирди. Ота унинг бу таклифига кўнмайди. Чунки уни кексаликда-

ги роҳат-фароғат, янги уйдаги меҳмонхоналар-у ошхоналар, улардаги тўкинлик эмас, улардан-да муқаддасроқ бўлган қадриятлар, хотиралар маскани азизроқ, "томлари қайиқмозор" бўлиб кетган, ҳувиллаб қолган ҳовли мўътабарроқ.

"Орол бобо (ҳасратомуз): Чўлу-биёбон дейсан... Онанг мана шу тупроқда ётибди... бобо-момоларинг шу ерда... Уларни ташлаб мен қаёққа кетардим. Ўғлим. Ўйлаб гапиряпсанми? Онангнинг мозорини зиёрат қилмаган куним дунё кўзимга қоронғи"... "Бу ёқда қайиқларим, Орол" деб қўшиб қўяди бобо.

Кўраяпсизми, Орол денгизидан ажралиш Орол бобо учун фақат сувдан, Оролдангина эмас, Ватандан ажралишдек гап. Шунчаки, кечаги яшаган, бугун яшашда давом этаётган, қум босган бир парча еридангина эмас, бундан буёғига ким билсин, қанча қолган – қисқа ҳаётининг том маънодаги бойликларига айланган, ота-онаси, кампири ҳақидаги ширин хотираларидан ажралиш, уларни тарк этишдек.

Бунинг устига, ясаган қайиқларичи, қолган-қутган Оролнинг ўзичи? Улар ҳаётининг ўзгинасику, ахир. Ҳаётини ташлаб кета оладими? Ҳар бир оҳангидан армон чакиллаб томчилаб турган сўзларга жавобан ўғил Қалимбетдан жаҳл аралаш "Эски ашула: Орол! Орол!" деган сўзларни эшитамиз.

Бор-йўғи мана шу икки сўзда Қалимбетнинг характерини очишга муваффақ бўлади адиб. Бу – драматургиянинг ўзак қоидаларига амал қилабилиш, драматург маҳоратининг намоён бўлиши. Драматург романнавис, қиссанавис ва ҳатто, ҳикоянавис каби қаҳрамонлари характерини очиш учун кенг имкониятларга эга эмас. У диалоглардаги бир неча сўзлардаёқ, монологлардаги қисқа-қисқа парчалардаёқ бунга эриша олмоғи лозим. Эркин Аъзам "Танҳо қайиқ"нинг аксар манзараларида бунга эриша олганини кузатамиз.

Ота фарзанди оғзидан чиққан бу сўзларни ҳамда ясаётган қайиқларингиз энди ҳеч кимга керак эмас, чунки Орол ҳеч қачон қайтиб тўлмайди деган фикрларни эшитиб, тутақиб кетади: "Орол бобо (шашт билан бош кўтариб, жўшиб): Нима?

Қайтмайди, тўлмайди... Сиз қаёқдан билибсиз, Худомисиз? Ҳа, тўлмайди! Тўлдиролмайсан уни! Ҳеч биринг" Олиму уламонг ҳам, бошқанг ҳам! Чунки баринг фойдани кўзлайсан! Орол ғирром эмас, сенлар ғирром, ҳа! Худо сенларга инсоф берган куни у ўз ўзидан сувга тўлади. Худойим тўлдиради уни, билиб қўй!" (22-бет).

Шу ўринда драматург Эркин Аъзам бир жиҳатдан, юқоридаги фикрлар орқали бош қаҳрамон Орол бобо нечоғлик миллий фазилатларга тўйинган, кекса, моҳиятан, кечаги кун кишиси бўлишига қарамай, замоннинг – ҳаракатда бўлиб турган – Оролни қуритаётган ҳозирги замоннинг – нозик сир-асрорларини идрок этувчи, муаммоларнинг сабаб ва оқибатларини тўғри тушунувчи замонавий халқчил қаҳрамон эканини кўрсатади. Иккинчи бир жиҳатдан, ва у биринчисидан кам аҳамиятга эга эмас, адиб қаҳрамонига замонамизнинг миллионлаб кишиларида ҳукм суриб келаётган қарашларни мазкур қаҳрамони характери, тафаккури ва қарашларига сингдира олганини кузатамиз. Бу ўринда гап, айниқса, Орол бободан эшитганимиз "Чунки баринг фойдани кўзлайсан... Худо сенларга инсоф берган куни Орол ўз-ўзидан сувга тўлади" деган фикрлар у ҳақида бормоқда. Улар бамисоли глобаллашув жараёнлари келтириб чиқарган муаммоларга дахлдордек бўлиб туюлмайдими сизга? Бу ибораларда глобаллашув жараёнлари – ҳаётнинг барча соҳаларида мислсиз тараққиётга, тараққиёт натижасида эса, катта-катта фойдага, даромадга эришув; бунинг учун эса, мақсадни юҳоларча шу йўналишларга қаратув, бу йўлда ҳатто керак бўлса, минглаб йиллар мобайнида шаклланиб келган моддий ва маънавий қадриятлардан воз кечув, пул учун, фойда учун ҳатто не-не азиз миллий анъаналарни топтаб ўтиш ва ҳ.к.ларни туйгандек бўламиз. Тўғри, пул керак, фойда керак, тараққиёт бусиз бўлмайди. Лекин бу йўлда юҳолик, инсофсизликка йўл қўйилмаслик керакмасми ахир. Орол денгизининг нобуд бўлиши ҳам қишлоқ хўжалигида, пахтачиликда катта-катта фойдалар оладиган, даромад келти-

радиган мақсадларда сувни аёвсизларча истеъмол қилиш, саноатда уни бетиним исроф этиш туфайли эмасми эди? Оролга сувнинг қайтиши муаммосини, Орол бобо олиму уламолар илмидан кўра ана шундай ҳаракатлардан воз кечиш фақат фойда-ю, катта-катта миқдордаги молиявий манфаатларни ўйлайвериш эмас, бу масалада инсофли бўлиш, табиат билан жамият ўртасида мувозанатни сақлашга эришув керак дейиши бежиз эмас. Ёзувчи ўз қаҳрамони табиатига бу масаладаги миллионларнинг идрокини сингдирган дейишимизнинг сабаби шундан.

Бу кичкинагина ҳажмли драматик асарда ёзувчи Орол денгизи билан алоқадор чуқур ижтимоий муаммолардан ташқари, айни вақтда, қатор маънавий, ахлоқий, миллий, айрим диний ва замонавий фан-техникага муносабат муаммоларини ҳам жанр табиати доирасида ёритишга ҳаракат қилади. Булар Орол бобо – Қалимбет – тўнғич невара – депутатликка номзод Гулхадича; ота-бола Орол бобо ва Қалимбет муносабатлари, Орол бобонинг планшетга қарашлари талқинида намоён бўлади.

Драманинг иккинчи қисми ҳам Орол бобонинг томга чиқиб у ердаги қайиқ ичига тушиб олиш манзарасини модернистик йўсинда тасвирлашдан бошланади. "... Икки ёндаги эшкакларни қўлга олади. Эшкак эша бошлайди... Шалоп-шулуп – шалоп-шулуп... Ой ёғдусида чарх этаётган денгиз қушлари – чағала-ю оқчорлоқларнинг сувга тўш уриб учишлари, кумуш қанотлари нимқоронғуликда ялт-юлт аксланиб кўзга ташланади... Чол бир замон эшкак эшишдан тиниб, тимирскилай-тимирскилай қайиқ ичидан узун алланимани олади-ю узоқни чамалаб уни ҳақога – "сув"га улоқтиради. Шалоп-шулуп..."

Асарни ўқиётган киши ёки кейинчалик унинг саҳнадаги талқинини кўраётган киши биладики, реал қараганда қаҳрамон – Орол бобо атрофида сув йўқ, Орол денгизи (нинг қисми) йўқ, қайиқ ҳам сув эмас, кўриниб турганидек – томда. Балиқ тутиш учун ҳам тўр сувга эмас, ҳавога улоқтириляпти.

Нима бу? Орол бобонинг эси бирмунча оғиб қолганми?

Унинг эсдан оғиб бораётганини кўрсатмоқчими муаллиф, деб ўйлаши мумкин шошиб қолган ёки бадиий таҳайюлдаги бирмунча нўноқроқ китобхон ёки томошабин.

Йўқ, Орол бобо эсдан оғаётгани йўқ. Муаллиф эса, биз тушинувчи айни реалликни эмас, қаҳрамоннинг хаёлида, орзусида, армонида кечаётган "реал"ликни тасвирлаяпти. Қайиқнинг томга чиқариб қўйишида ҳам чуқур маъно бор. Шарқ, хусусан, ўзбек халқида бош устидаги том, уй устидаги том қадрияти баланд тушунчалар, қадриятлар билан ассоциялашади. Демак, қайиқнинг ҳам том бошида кўрсатилиши ёки қаҳрамон томонидан унинг томга чиқариб қўйилиши, ҳамда қаҳрамонннинг қайиқ ичида ўтирган ҳолатда тасвирланиши, бир жиҳатдан, буларнинг барчаси қаҳрамон дунёсида, унинг руҳий оламида мавжуд катта эҳтиромга муносиб ҳодисалар эканига ишора; иккинчи томондан, драматургнинг ўзи ҳам уларни ана шундай эъзозга сазовор ҳаракатлар деб тушунишга, идрок этишига ва бизга ана шундай маъноларда талқин этиб беришга мойиллигида.

Бу ёзувчининг ҳаётда, гўё мантиқсизликдек кўриниши мумкин бўлган ҳаракатдан усталик билан бадиий мантиқ яратa олиш, бадиий ҳақиқатни кези келганда ҳаётий ҳақиқатдан ҳам таъсирчан кўрсата билиш маҳоратидир.

Иммитацияга эътибор беринг. Чол томда ўтириб балиқ тутиш ҳаракатида. Ҳолбуки атроф бийдай дала-қум босган. Энг асосийси, бу ҳолат ҳақиқатдан ҳам чин бўлиб қолишини истайди ўқувчи (томошабин). Чунки, бу ҳолатга, қаҳрамонига мойилликни драматург бизнинг туйғумизда кўнглимизда тайёрлаб бўлди, бунга эришди. Биз ҳам бу ҳаракатлар чиндан ҳам содир бўлишини истаётганимизни пайқаб қоламиз.

Модернистик ифода йўсини орқали қалбдаги ҳаётий ҳақиқатни кўрсатишга эриша олишдир. Агар хотирангизда бўлса, Чингиз Айтматов ҳам "Оқ кема"да болакайнинг кемага етиб олиш орзусини талқин қилишда модерн тасвирининг мана шу йўсинини қўллаган ва ифоданинг бу тарзи мақсадни

– орзу ва фожиа уйғунлигининг қалбдаги ларзалари ва реалияларини кўрсатишда қўл келган эди.

Иккинчи қисмда, энди, ёзувчи ўзининг бош қаҳрамони Орол бобо ва уни қуршаган фарзанду набиралари Қалимбет, Гулхадича, шогирдлари Генжамурод, Амет ва бошқаларни Орол денгизи қуриши билан у қадар чуқур бўлмаган, лекин моҳиятан, дахлдор маънавий-ахлоқий масалалар оғушида кўрсатади.

Рост-да, инсон нечоғлик даражада ижтимоий муаммолар билан банд бўлмасин, унинг табиати, феъл-атворида, юриш-туриши, хатти-ҳаракатида бошқа турли масалалар ҳам бўлмаслиги мумкин эмас. Одам жонли одам экан улардан узилган ҳолда ҳаёт кечиролмайди.

Эркин Аъзамнинг Орол бобоси ҳам шундай. Драматург уни бошқа масалаларга муносабатда ҳам кўрсатишга ҳаракат қилади.

Маълумки, мусулмон кишининг, шу жумладан, ўзбекнинг, қорақалпоқ ва қозоқнинг ҳам, умрида ҳеч бўлмаса бир марта ҳаж зиёратини амалга ошириш орзуси бўлади. Бу орзу, айниқса, киши кексайганда, қартайганда, кучаяди.

Фарзанд Қалимбет отаси Орол бобога бир "сюрприз" совға қилиши ниятида. Ҳаж зиёратига бориб келишни, бунинг учун барча харажатларни бўйнига олишини айтади. Қалимбетнинг асосий мақсади, қурби етатуриб отани ҳажга юбормаяпти, деган узунқулоқ маломатлардан ўзини қутқариш.

Ота эса, кутилмаганда ҳажга ҳам бормаслигини маълум қилади. Ёпирай, "ҳаждан бўйин товлаган мўминни энди кўришим", дейди бунга жавобан Қалимбет.

Ҳаж зиёратининг ҳаётда ҳам, адабиёт ва матбуотда ҳам ўзига хос пурҳикмат ижобий мақсадлари ва маънолари такарор-таакрор айтилаётган бир замонага (шўронинг даҳрий зуғумидан қутулиб) етиб келган ва бунга керакли имкониятлар бўлатуриб, уни адо этмаслик хоҳишини билдирган қаҳрамон ўзбек адабиётида, янглишмасам илк бор яратилмоқда.

Лекин Орол бобо анойилардан эмас. У бу сафарни шунчаки хоҳламагани туфайли адо этишдан бўйин товлаётгани йўқ. Мусулмон учун адо этилиши лозим беш аркондан бирига қарши шаккоклик қилаётгани йўқ. Бу муборак зиёратни адо этиш масаласида унинг мустақил, бошқаларга балки кўп ҳам ёқмайдиган, бироқ ислом қоидаларига зид келмовчи ўз қарашлари бор. Қаҳрамонидаги бу фазилатларни кўрсатиш орқали, драматург бир томондан, унинг характерини янада тўлиқроқ гавдалантиради ва иккинчи томондан бу зиёратнинг айрим кимсалар томонидан салкам "мода" тарзида англаниб, баъзан унга кўп ҳам чуқур ва теран қаралмаётганларга муносабат билдиради.

"Ҳажга қилган-кечган гуноҳларидан тавба этмоққа борилади, чоғи, шундайми ахир?", – дейди чол ўғли Қалимбетга..., – Унда отанг қайси гуноҳини ювгали бормиш, хўш?". Ота ўғлига: ҳаётда сира ёлғон гапирмаганини, бирор бир ишда фирибга йўл қўймаганини, ҳеч кимнинг ҳақига хиёнат қилмагани-ю, бировнинг на моли, на жуфтига эгри қарамагнини айтганида, ўғил: "фақат шулар учун хаж қилинадими?" дунёда, ахир, бегуноҳ банда борми, деб тўғри жавоб берар экан, Орол бобо унга қарата янада теранроқ жавобни топгандек бўлади:

"Орол бобо: Ҳа, нима учун борилар экан, бўлмаса? Шунчаки сайру-томошагами? Ё номчиқараргами? Тўғри, унақаларини ҳам биламиз. Ана, ўзимизнинг Ўтаган махсум. Йил сайин қатнайди. Нима, авлиё бўлиб қоптими? Ўша-ўша, келиб тағин гуноҳга ботгани-ботган. Йўқ, ўғлим, ҳаж зиёратининг шартлари, қонун-қоидалари бор. У ерга обдон ҳозирлик кўриб, риёзату машаққатлар чекиб борилади" (28-бет).

Кўринадики, бобо умуман ҳаж зиёратини ёқтирмовчи эмас, Ўтаган махсумсифатлардек сафар қилишларга, у ерга бориб келгани билан, янада гуноҳга ботувчиларга қарши.

Қалимбетга отанинг бу мулоҳазалари ҳам ёқмайди. Улар "эски шамонларнинг гапи бўлиб кўринади. Қийинчилиги нима, азоб-уқубатлар нимаси? "Тап-тайёр самолётлар" ҳам

“тангрининг марҳамати” эмасми? Шу нуқтага етганда бахс ўзининг кульминациясига кўтарилади. Бобо қуллуқ дейиш, тавба қилишгача бориб етади, лекин кўнглидаги бор гапларни тўкиб солади: “...Кўнглида бир тоза нияту чин ихлоси борми-йўқми, дуч келган одам ҳаж экан деб жўнайверса... Худди тўйга отлангандай... Зиёрати қабул бўлармикан?.. Ахир, бандаси покизаланиб, тозаланиб бормайдими, унақа жойларга?”

Тўғри, ҳажга дуч келган одам отланиши бордир, лекин кетаётгани йўқ. Кучли саралашлар, йиллаб навбат кутишлар, дегандек. Лекин бобо айтгандек, салкам тўйга бораётгандек кетаётганлар ҳам йўқ эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Пировардида Орол бобо ниҳоятда, қисқа, лўнда ва муҳим гапни айтади. “... Баъзан худдики, бориб қолганга ўхшайман! Ният биланда”. Бобонинг бу сўзлари асарни ўқиган-ўқимаган, саҳнада кўрган-кўрмаган унга ўхшаган тўғри, кўнгли ва нияти пок инсонларга тасалли беради. Оролга муносабатдаги, Ватанга муносабатдаги, ота-онаси, завжаси руҳига хотираси, ҳаж зиёрати масаласидан келиб дин-диёнат, инсон ва кўнгил эгариларига қарашларда бу қаҳрамонни замонамизнинг камтар бир вакилисифат кишиси даражага кўтаргандек бўлади.

Баҳс ниҳоясида узил-кесил ҳажга бормаслигини маълум қилади: “Худойим ўзи кечирар, отангнинг сиғинадиган каъбаси ҳам, зиёратгоғу ибодатгоҳи ҳам мана шу ўзи туғилиб ўсган ташландиқ овул” (29-бет).

Мана шу ўринга келганда Орол бобо учун Оролдан ажралиш, овулдан ажралиш Ватандан ажралишдек гап эканини янада чуқурроқ тушунамиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёзади:

Мен нечун севаман Ўзбекистони,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё?
Нечун Ватан дея еру осмонни
Муқаддас атаймиз, атаймиз танҳо.
Аслида, дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?

Ёки қуёшими севгимга сабаб?
Ахир қуёшлику бутун Осиё...

Фикрини давом эттириб, шоир ёзади:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
Ватанлар, Ватанлар, майли гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса. кечирма асло!

Орол бобо ҳам Оролни фақат суви бўлгани учун, уни – баликлари туфайлигина севаётгани йўқ. Орол унинг Ватани бўлгани учун севяпти. Шаҳарга яқин, чорбоғли, гулдек ҳовлили уйга кўчиб ўтгиси келмаяпти. Қум босиб келаётган, қавмларининг деярли кўпчилиги кўчиб кетган овулини ташлаб кетгиси келмаяпти. Орол бобо Абдулла Орипов шеърини ўқимагандир, ҳам дейлик. Лекин у маънавий пурвиқорлиги, ватанпарастлиги жиҳатидан буюк шоиримизнинг лирик қаҳрамони даражасидаги сифатларни ўзида мужассам эта олган драматик қаҳрамондир.

Шуни ҳам айтиш керакки, иккинчи қисмдаги еттинчи фаслдан бошлаб асарда шу вақтгача давом этиб келган, асосан, Орол бобо характерини очишга дахлдор ҳодисалар ўрнини секин-аста бошқа янги муаммолар талқини эгаллай боради. Бу муайян интригалар ҳам пировардида Орол бобога бориб боғланади.

Гап шундаки, унинг қизи Жўқорғи Кенгашга депутат бўлиш илинжида. Лекин унинг мухолифлари бунга йўл қўймаслик учун Гулхадича устидан тинмай юмалоқ хат ёзишади юқорига. Сабаби фарзанд кекса отага қарамай қўйган эмиш. Ота овулда – танҳо, бир ҳолатда яшашга мажбур эмиш. Отани шу куйга ташлаб кўйган фарзанд депутат бўлишга муносибми?

Ҳамза ҳам бир вақт депутатликка ишқибозларни “мени

сайланг" каби шеърларида қаттиқ фош этганини биламиз. Ҳозир энди замон тамом ўзгарган. Сайловнинг янги-янги талаблари, шунга яраша мураккабликлари билан бир қаторда, унинг натижалари замиридан айрим янги-янги манфаатлар бош кўтармоқда.

Драматург асарга мана шу замонавий муаммолардан бирини дадил олиб киради ва унинг айрим нозик сир-асрорларини бадиий таҳлил этади. Гулхадичанинг ҳам бу мартабага қизиқиши ҳаминқадар, лекин акаси Қалимбет ва эри уни бу "савдо"ага қистайвериб тинч қўймаяпти. Нега? Бу Орол бобонинг қизига берган саволи. Аслида, унинг замирида ёзувчи Эркин Аъзамнинг Гулхадичага ўхшаб депутатлик мартабасига айрим отланувчиларга берган саволи ҳамдир. Берилган жавобдан Гулхадича тилидан айтилган фикрларда биз минглаб унга ўхшаган депутатликка номзодларнинг овозини эшитгандек бўламиз. Бу жавобда, айни вақтда, драматург Эркин Аъзамовнинг журъатли ва дадил, айрими мураккаб ҳақиқатларни бузмай, бежамай айтадиган ростгўй киёфасини ҳам кўргандек бўламиз. Акаси Қалимбет ҳамда эрининг Гулхадичани депутатликка ундашларининг сабаби, мартабанинг қўлга киритилиши уларнинг "бизнесларига ёрдам бўлармиш". Ҳақиқий тадбиркорлик яхши, чинакам бизнесменлик ҳам ёмон эмас, лекин, қарангки, бу касб-корнинг "орқа эшик"дан кириб чиқадиган йўллари ҳам бўлар экан ва бу йўлда қутлуғ ва мўътабар депутатликни шахсий мақсадлар манфаатига бўйсиндириш истаги ҳам ишга тушиши мумкин экан.

Асарда шу вақтгача ҳукм суриб келган жиддий реалистик ифода ўрнини Гулхадичанинг отага меҳрибонлигини кўрсатиш манзарасидан бошлаб, негадир ғарбнинг авантюрали сюжет йўналишини эслатадиган ифода эгаллайдики, бу ҳолат китобхон (томошабин)да бўлиб ўтаётган ҳодисаларга ишончини бирмунча сусайтиришга олиб келади.

Ҳувиллаб қолган, қум босиб бораётган овулни ташлаб, шаҳарга яқин манзилдаги шинам ҳовлили уйга кўчиб ўтма-

гани, ҳаж зиёратини истамагани, қизининг депутат бўлиш истакларини унинг хоҳишига монанд тушуниб етмаганлиги боис ака-сингил Қалимбет ва Гулхадича оталари Орол бобони салкам эси оғиб бораётганликда гумонсираб аввалдан ўзаро тил бириктиришиб, отани бу манзилдан олиб кетиш, бунинг учун атайлаб дўхтирни чақиртириб, гапга кўнмайдиган "қайсар" отага, бемор кўринаётганлиги сабаб мажбуран укол қилиб, уни вақтинча хушдан кеттириш эпизодларида, бирмунча сунъийлик оралагандек бўлади.

Лекин Орол бобо, кўп ўтмай овулга қайтади. Олиб кетилгандаги уйдан қочиб келади. Оролбобони доктор олиб кетган ва у овулга қайтиб келган вақт оралиғида шогирдлари Тиловберган, Жумабой, Генжамурод ва Амет асар бошида ўйлаб қўйилган, лекин китобхон (томошабин)дан сир тутилган ишни амалга оширадилар. Бир иммитацияни (бошқа бирор нарсани унинг айнан аслиятига ўхшаб кўрсатиш) содир этадилар. Бу – Орол бобо ниҳоятда орзу қилгани – Оролни яна қайтиб сувга тўлган ҳолатда кўрсатиш эди. Бунинг йўлини ёшлар ўйлай-ўйлай топишган эди. Орол денгизи қирғоқларига парчаланган, майдаланган шиша бўлаклари ётқизилса манзара қуёш тушган чоқда денгиз худди сув билан лиммо-лим тўлгандек ялтирар экан. Бу ишни амалга оширишиб, Орол бобога кўрсатадилар. Бобо манзарага – Орол чиндан ҳам қайтадан сувга тўлди деб ишонади ва тўлқинланиб, ҳаяжонланиб кетганидан ҳаёт билан видолашади.

Асар финалида биз Орол бобони "қайиқ-тобут"да кўрамиз. "...Бошлар узра оҳиста кўтарила бошлаган "қайиқ-тобут" "юксала-юксала, кўк денгизи сари сузиб кетади"[38].

Финал романтик, кўтаринки гўзал, у руҳиятимизни ҳам баланд парвозларга кўтарилгандек, умид ва ишончимизга ҳам парвоз бағишлагандек бўлади. "Привидение" ("Рух") фильми ниҳоясидаги қаҳрамоннинг руҳи осмон-фалакка кўтарилиб кетишини ёдга солади. Лекин бу хотира Эркин Аъзамнинг

[38] Эркин Аъзам. Танҳо қайиқ. – Тошкент: Шарқ, 2018. – 171-213-бетлар.

қайиқ-тобути ва унинг кўк сари сузиб кетишда зоҳир бўлувчи кашфиёт даражасидаги образини фалсафий идрок этишга тўсқинлик қилмайди.

Бу манзара "Оқ кема" якунидаги болакай орзуга етув йўлидаги фожиасининг бениҳоя гўзал талқинини ҳам хотирамизга солгандек бўлади. Лекин у ҳам "Танҳо қайиқ" драмаси хотимасида намоён бўлаётган таъсир кучини сусайтирмайди.

Айни вақтда, Оролнинг қайтадан сувга тўлиш фантазияси, чиройлидек туюлса ҳам, бир мунча ишончсиздек таассурот қолдиради.

Биз "Танҳо қайиқ"нинг журнал вариантини таҳлилга тортдик. Унинг шу номдаги китобига кирган варианти бирмунча кенгайтирилган ва киносценарий табиати кучайтирилгани сабаб "киноривоят" деб берилади. Улардаги айрим фарқларни кузатиш, таққослашни келгусидаги ишларга қолдирдик.

Эркин Аъзамнинг глобаллашув муаммоларига дахлдор асари биргина "Танҳо қайиқ" драмаси эмас. Унинг "Сув ёқалаб", "Забаржад", "Қарздор", "Қовунфуруш Орол" сингари киноқиссаларида ҳам бу муаммолар – глобаллашув жараёнлари ҳамда бозор иқтисодига ўтиш таъсирининг жамиятда, замондошларимиз табиатида акс этишига алоҳида эътибор берилишини кўрамиз.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитларида топиш-тутишнинг замон талабларидан орқада қалиши, иш жойларининг ўзгартирилиши, янги касб-корларининг очилиб, баъзи эскиларининг замон талабларини қондирмай қўйиши, ишсизлик, ўзга манзилларга иш излаб кетиш, қишлоқларда бандликнинг озайиб кетиши ва бошқа сабаблар бадиий асарларда ҳам бу масалаларга фаол равишда муносабат билдиришни ҳамда айрим ҳолларда бу муаммолар инсон табиатида қандай ўзгаришлар ясаётганини бадиий гавдалантиришни тақозо этди.

Ўзбекистонда сув муаммоси доим жиддий бўлгани маълум. Лекин бозор иқтисодиёти даврига келиб бу муаммо янада жиддийлашди. Бу муаммонинг янги-янги қирралари пайдо бўлди.

Масалан, "Сув ёқалаб" қиссасига назар ташлайлик. Унинг Чингиз Айтматовдаги "Денгиз ёқалаб чопаётган олапар" (1977) қиссасига ҳеч қандай алоқадорлиги йўқ. Асар номлардагина ўхшашлик бор, холос. Ч. Айтматов қиссаси мустақилликача бўлган замонларнинг мудҳиш асоратлари акс эттирилган. "Сув ёқалаб" асарида мамлакатимизда янги замонларда ҳам давом этаётган сув танқислиги муаммолари бадиий таҳлилга тортилган.

Чингиз Айтматов. Бадиий башоратлар

Юқорида биз глобаллашув жараёнларининг ўзбек адиблари ижодида кўринган глобал қирраларига дахлдор бадиий талқинларни кузатдик. Глобал муаммоларнинг инсоният тақдирига кўрсатаётган таъсирини бадиий гавдалантириш жиҳатидан буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов алоҳида ўрин тутади.

Чингиз Айтматов ярим асрдан кўпроқ давом этган ижоди мобайнида қирғиз халқини, шўро ва шўровий йўналишдаги мамлакатларни, янада аниқроғи, инсониятни тўлқинлантириб келган, тўлқинлантириб турган ва келажакда ҳам тўлқинлантиришни давом эттирадиган муаммоларнинг ҳаётий жараёнларини бадиий гавдалантирди, ўзи ва кўпларни қизиқтирган саволларга бадиий жавоблар излади, шу йўналишда бир-биридан гўзал, бир-биридан теран, эстетик идеалларига муносиб, гоҳида унга тамомила зид келадиган, аммо, уларнинг инкори орзуларини улуғлайдиган даражадаги қаҳрамон-образлар галереясини яратди.

Сиз уларни яхши билишингизга аминман, зеро, Чингиз Айтматов асарларини, қаҳрамонларини билмайдиган киши жумҳуриятимизда топилмайди ҳисоб. Унинг қатор-қатор қисса ва ҳикоялари республикамиз кино ва театрлари арбоблари томонидан такрор-такрор саҳналаштирилди, экранларга олиб чиқилди. Адибнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига ўгирилган ва айтиш мумкинки, бу йўналишдаги чингизпарварлик масаласида Ўзбекистон халқаро миқёсда олдинги сафларда ту-

ради. Буларнинг қаторида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев имзоси билан адиб таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилинган (бу масалада ҳам ташаббускор эканимиз жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда), ҳамда ундаги белгиланган тадбирларга биноан бу гениал санъаткор асарларининг янги-янги нашрлари пайдо бўлаётгани, янги авлод театр ва кино арбоблари томонида саҳнага, кино экранларига олиб чиқилаётгани мамлакатимиз маънавият ва маърифат масалаларига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратаётганига яна бир далилдир.

Юқорироқда мен Чингиз Айтматов бутун ижоди мобайнида инсониятни тўлқинлантириб келган кўпдан-кўп муаммоларни қаламга олганини эслатиб ўтдим.

Улар ичида глобаллашув жараёнлари туфайли инсон бошида, тақдирида, бугуни, эртаси ва ҳатто келажагида, бир сўз билан айтганда, инсоният, башарият қисматида содир бўлаётган ва бўлажак ўзгаришларнинг бадиий талқинига бағишланган асарлар алоҳида ўрин тутади.

Бу йўналишдаги изланишлар Айтматов ижодининг, хусусан, сўнгги босқичдаги асарлари учун характерли бўлиб, глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини, айниқса, "Кассандра тамғаси" ҳамда "Қулаётган тоғлар" романларининг бошдан охиригача етакчи лейтмотивини ташкил этади.

Глобаллашув жараёни инсон тафаккурининг илм, фан, техника юксалиши билан боғлиқ бўлиб, унинг таъсирида ишлаб чиқариш, техника, ҳарбий амалиёт, қўйингки, барча соҳалардаги тараққиёт бўлиб, уларнинг инсоният орзу қилган ижобий самаралари, шубҳасиз, жуда катта. Лекин унда инсониятнинг табиий ривожи, тараққиёти учун ниҳоятда зид бўлган, салбий оқибатлар келтириб чиқарувчи, ҳатто, деярли охират кунларига етишни тезлаштирувчи (шунинг учун ҳам Чингиз Айтматовнинг ўзи таржимон Суюн Қораевга "Кассандра тамғаси" романининг ўзбек тилидаги номини "Охирзамон нишонлари" деб чоп этишга рухсат берган эди) оқибатлари кундан-кунга

аён бўлиб бормоқда. (Иброҳим Ғафуров таржимасидаги романи "Кассандра тамғаси" номи остида нашр этилди). Унда ана шундай хусусият ва тамойиллар ҳам борки, инсониятни унинг ана шу жиҳатлари таҳликага солмоқда.

Тўғри, глобаллашув масаласидаги салбий оқибатларни ёзувчи ҳал қилиб бермайди ва беролмайди ҳам. У глобаллашув муаммосини келтириб чиқараётганлар ва унга дахлдор кишиларга боғлиқ иш. Ёзувчи эса, бу йўналишдаги жараёнларнинг алоҳида шахс, миллат, мамлакат, бутун инсоният тақдирида кечаётган, кечиши мумкин бўлган оқибатларни бадиий гавдалантиради, жамиятнинг кўзини очади, қалбини поклашга таъсир этади, бу жараёнларнинг олдини олиш ёки, ҳеч бўлмаганда, қисқартириш учун бонг уради.

Масаланинг инсонийлаштириш билан боғлиқ қирраларига эътиборимизни жалб этайлик. Маълумки, Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" ҳам "Қулаётган тоғлар"и ҳам, ана шундай руҳдаги асар. Эътибор беринг: илм-фандаги тараққиёт, глобал юксалишдаги орзу-ниятлар шу даражага етдики, инсон Яратганнинг ҳукмига қарши ўлароқ, янги одам яратиш тараддудига тушиб қолди. Инсониятни деярли йўқ қилишга қодир ва етарли қурол-аслаҳа ишлаб чиқарилмоқда. Жаҳоннинг турли нуқталарида клонлаштиришнинг амалий тажрибалари ўтказила бошлади.

"Кассандра тамғаси"да тасвирланганидек, Андрей Крилцов кашфиётлари натижасида бунёд этилажак сунъий одамга асос бўладиган "икс зурриёт" "келажакда эски, ўз умрини ўтаган дунёни туб томири билан қўпориб ташлаш баробарида янги дунёни бунёд этажак". Олим Крилцов учун бу иш ҳозирча "лаборатория тажрибалари" объекти бўлса, партия марказий комитети котиби Конюханов олқишлашига ва башоратига кўра бу "икс зурриёт – янги типдаги одам". У "меҳнаткаш синфларни эски дунёдан халос қилиш учун" хизмат қилади, "уни ағдар-тўнтар қиладиган ҳам худди ана шу "икс зурриётдир". Кўраяпсизми, глобаллашув жараёнларидаги илм-фан тараққиёти улкан ижобий натижалар-

дан ташқари буйруқ билан ясалган ва шу туфайли фақат кимлар-гадир маъқул келадиган буйруқларни ижро этадиган одамларни бунёд қилиб, кези келганда, инсоният тухумини куритишга қаратилган ғояларни ўзида ташимоқда.

Шу ўринда мен ўзимизнинг Эркин Воҳидов томонидан бундан чамаси, ярим аср аввал (1970) ёзилиб, узоқ вақт нашр этилмай, 30 йилдан сўнг, шоир "Сайланма"сининг 2-жилдида дунё юзини кўрган (2001) ҳозирга қадар ҳам етарлича эътиборга тортилмай келаётган "Иккинчи тумор" номли трагикомедияси ҳақида икки оғиз гапириб ўтсам.

Ўзбек шоири бу асарида психолог олим Маҳмудий томонидан олиб борилган бир тажриба-кашфиёт жараёнини бадиий акс эттиради.

Э. Воҳидов бу асарда оддий бир юк ташувчи бўлиб ишлаётган, ҳатто, ақлий қобилият жиҳатидан бирмунча суст қаҳрамонни ўзи кашф этаётган дори-дармони билан тузатиб, соғломлаштирибгина қолмай, бажаргувчи ишлар моҳиятини англаб етмайдиган, лекин топширилган вазифани шак-шубҳасиз ижро этувчи, наинки оддий юмушларни, ҳатто ажабтовур катта лавозимларни ҳам уддалайдиган, янги типдаги бир манқурт образини яратган эди. Эътибор берсангиз Э.Воҳидов манқурти ҳам (1970), Чингиз Айтматов манқурти (1980) ҳам юқорида фикр юритганимиз асарда тасвирланган "икс зурриёт"даги хусусиятларга қайсидир жиҳатлари билан ўхшаб кетади.

Бу бири бошқасидан тамомила бехабар равишда яратилган, бири-иккинчисига ўхшаб кетадиган ёки яқин турадиган типологик ҳодиса Ўрта Осиё халқлари адабиётида глобаллашув муаммоларининг бадиий талқинига эътибор берила бошлаганига деярли ярим аср бўлди ва Ўрта Осиё халқлари адабиётида бу тамойил ҳукм сура бошлаган жаҳон адабиёти билан ўз вақтидаёқ ҳамқадам эди, деб хулоса чиқариш имконини беради.

Чингиз Айтматовга қайтайлик. Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини нуқтаи назаридан "Қулаётган тоғлар" романига назар ташлайлик. Глобаллашув жараёнлари ва бо-

зор иқтисоди оқибатида рўй бераётган ўзгаришлар туфайли халқлар, миллатлар, (асарда конкрет қирғиз миллати) қиёфасидаги минглаб йиллар давомида шаклланган урф-одатлар, менталитетдаги хусусиятлар, тақдирларда қисматларнинг ўнгирлашуви жараёнлари, масалан, бозор иқтисодиёти туфайли содир бўлаётган қийинчиликлар, ҳатто, баъзан инсон табиати, айтайлик, муҳаббатдаги номақбул қайрилишларни келтириб чиқараётгани жуда нозик, теран, ўтли тасвирларда гавдалантирилади. Буни биз асардаги, хусусан, тоғ кўчишига сабаб бўлган жараёнлар ва журналист Арсен Саманчин муҳаббатининг барбод бўлишига боғлиқ манзаралар таъсирида аниқ кузатамиз. Саманчиннинг севгилиси Ойдана бойлик туфайли, пул туфайли олигархиячилик таъсирига тушиш туфайли ўзининг юксак иқтидорини намоён этган санъатга хиёнат қилади, ундан юз ўгиради, поп-маданият томон оғиб кетади ва енгил-елпи ҳаёт кечириш томон юз тутади. Қаҳрамон табиатини тасвирлашдаги бу линияда Чингиз Айтматовнинг "оммавий маданият" деб аталмиш қўштирноқ ичидаги маданиятнинг миллатни горат қилишга таъсир кўрсатувчи оқибатларига бадиий қарашларини сезмаслик мумкин эмас. Ойданадаги санъатдан юз ўгириш Арсенга бўлган туйғуларига қарашларида ҳам рўй беради. Ойданага саҳна саънати бераётган ҳақ унинг талантига номуносиб даражада оз, Саманчиннинг касб-кори, топиш-тутиши-ю, юриш-туриши қизнинг кўнглидаги ҳавойи тутумларга мос келмай қолади. Ҳатто Саманчиннинг Ойданага бағишлаб ёзилган ўтли бадиий асари ҳам унинг тизгинсиз хоҳишларига тўсқинлик қилолмайди. Буларнинг барчасидан олигарх Эртош Курчалнинг унга бўлган эътибори устунлик қилади. Муҳаббатли, санъатсевар, теран журналист, эл-юрт дарди билан яшайдиган, адолатпарвар, бир неча тилни биладиган зиёли Арсен Саманчин эмас, олигарх топган-тутгани боис "бульдозер"сифат бўлиб бораётган Эртош Курчал ғолиб чиқади.

Пул ва инсон табиатидаги ўзгаришлар ҳақида дунё адабиётида кўп ёзилган, масалан, биргина Золянинг "Деньги" рома-

нини эслаш кифоя. Бироқ Чингиз Айтматовнинг "Қулаётган тоғлар"ида бу жаҳоний муаммонинг янги қирралари очилади. Глобаллашув шароитлари фойда ва фақат фойда топиш, пулга салкам худо даражасида сиғиниш тамойилларини келтириб чиқармоқда. Ҳаётдаги ўзгаришлар, бозор иқтисодиётидаги янгиланишлар, глобаллашув жараёнлари таъсирида содир бўлаётган айрим ҳодисалар деярли ноиложлик даражасига кўтарилиб бораётир. Пул, фойда деган тушунча жамиятдаги ташкилот ва алоҳида шахс қисматида масаланинг ҳал бўлишида деярли яратувчи кучга айланиб бормоқда ва у, ҳатто, минглаб йиллар мобайнида шаклланган бурч, муҳаббат, эътиқод сингари ўчмас туйғуларга, миллат белгиларига ҳам даҳл қилмоқда.

Асарда табиатдаги асрий тоғлар – Қирғизистон тоғларидаги қор кўчмалари тасвирига алоҳида ўрин берилган. Чунки унинг зиммасига юклатилган жуда теран, салмоқли бадиий юклама бор. Унда табиат-экологиядаги, жамият тузилишларидаги, тоғ қадар юксак инсоний туйғудаги қулашларга ишора бор.

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш ва глобаллашув жараёнлари бирлашиб жамият, тузумлардаги ижобий оқибатлардан ташқари, жиддий номатлуб ўзгаришларини келтириб чиқармоқда. Ер юзидаги инсониятнинг каттагина қисми учун салкам юз йил давомида ҳукм суриб келган социалистик қарашлар, тузум ва идеалнинг барбод бўлиши қатор мамлакат(лар)даги тузумнинг қулаши ҳам шу даврга тўғри келди. Не-не буюк инсонлар умрини тиккан ва ишонган система қулади ва барбод бўлди. Бунга унинг ўзидаги катта камчиликларидан ташқари, умуман, инсоният бошига ёпирилиб келаётган, шубҳасиз, мусбат хислатлари ҳам бўлган глобаллашув жараёнлари, бозор иқтисоди таъсири сабаб демоқчи бўлади "Қулаётган тоғлар" муаллифи.

Маълумки, меҳмондўстлик, меҳмонга алоҳида иззат-ҳурмат шарқ халқлари, бошқа кўплаб миллатлар, жумладан, қирғиз халқи учун ҳам характерли миллий хусусиятдир. Гло-

баллашув жараёнлари, хусусан, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитлари, наинки, алоҳида шахс фазилатлари, балки, миллат табиатида ҳам салбий таъсир кўрсатаётганига "Қулаётган тоғлар"да алоҳида эътибор берилади.

Хориж – арабистонлик катта пулдорлар кўнгилхушлик талаб Қирғизистоннинг қорли тоғларига келиб, тоғ илбарси – қоплонлар (асарда Жаабарс ва унинг ёндошлари)ини овлаб кетишар, бу жараёнларга аввалдан тайёргарлик кўриб қўйишлари учун ерлик кишилар тегишли сармоялар билан таъминланар эди. Тоғдаги жаабарслар қирилиб, аллақачон қизил китобга тушган бўлишига қарамай, ерли халқ вакилларининг юраги ачишса ҳам, илож қанча, бозор иқтисоди шароитларида яшаш кундан-кун оғирлашиб бораётгани сабаб, ноиложликдан, тегишли ҳақ учун уларга ёрдам беришга рози. Чунки маҳтал, деярли зор бўлиб турган оилаларга – ҳеч қаердан кирим бўлмай турган вазиятларда жуда асқотади бу кирим. Бунинг устига, улар сафида Тошафғонга ўхшаш оиласини меҳнатдан кўра, қандай йўл билан бўлмасин боқиш, умргузаронлик қилиш йўлини тутган гуруҳлар бор. Ана ўшалар бу йилги хорижлик меҳмон оқчиларнинг бераётган хизмат ҳақларига қониқмай қўшимча, каттароқ товон тўлашларини талаб қилиб, уларни гаровга олиш тараддудига тушган, талабга кўнишмаса, келаётган овчи-меҳмонларни аёвсиз нобуд қилишга ҳам тайёр.

Арсен Саманчин ватандошларини бу яширин ниятларидан қайтармоқчи, лекин овчиларга ов мобайнида кўмак беришга шайланган гуруҳ, таржимон сифатида бу ишда иштирок этишга рози бўлган Саманчин мабодо келувчиларни махфий режадан огоҳ қилишга шайлангудек бўлса, ундан воз кечиб, ҳаттоо, нобуд қилишгача бориш кайфиятида.

Меҳмон овчилар етиб келишади. Қор босган тоғлардаги Жаабарс ва бошқа илбарс-қоплонлар ҳаётини тасвирлашга ёзувчи катта ўрин ажратади. Улар тасвирида умуман қирғиз халқининг (ва фақат унинггина эмас) ҳаёт тарзида глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитлари туфайли юзага чиқа-

ётган, эҳтимолки, кейин ҳам юзага чиқишда давом этадиган кўпдан-кўп қийинчиликларга бадиий ишора бор.

Чингиз Айтматов глобаллашув муаммоларини, бозор иқтисоди туфайли туғилган муаммоларни, қийинчиликларни бартараф этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас, қўёлмайди ҳам, зеро бу унинг вазифаси ҳам эмас. Шунингдек, бу муаммоларни ҳал этиш алгоритмини белгилаб бермайди, албатта. Лекин, у мана шу жараёнлар таъсири натижасида инсон ва инсониятда, миллат ва жамиятда келиб чиқаётган норасоликларни бадиий кўрсатади, уларнинг сабаб ва оқибатларини бадиий таҳлил этади. Бу таҳлил эса, ўз навбатида, барчамизга яшамоқ синовларига тийранроқ қараш, ўз олдимизда турган бурч синоатларини идрок этиш, қисқаси, ўзликни чуқурроқ англашда кўзимизни очади, огоҳликка бадиий даъват этади.

Адиб: табиатдаги жараёнларда рўй бераётган тоғлар қулаши-ю, жаабарслар қисматининг оқибати – экологик талафотларда ҳам, жамиятда содир бўлаётган тоғдек руҳий ўпирилишларнинг сабаблари остида ҳам, асосан, глобаллашув силсилаларининг таъсири туфайлидир, деган бадиий ғояни илгари суради. Уларни бадиий қаҳрамонлар-замондошларимиз образида реаллаштиради. Адиб глобаллашувнинг мана бу жиҳатлари яхши, мана бу жиҳатлари ёмон деб насиҳатга берилмайди. Табиатни, экологияни асранг деб ваъз ўқимайди, инсоният тақдиридаги, миллат шаънидаги, шахс маънавиятидаги қадриятлар экологиясини эҳтиёт қилинг деган ўгитларга берилмайди, балки бу муаммоларни бадиий талқин этади. Биз уларни кўрамиз, ҳис этамиз, асар қаҳрамонлари билан бирга яшаётгандек бўламиз. Ўзимизнинг бақамти дардларимизга дармон топаётгандек бўламиз.Адиб ўзининг буюк мақсадларига эришади. Бадиий мақсадларнинг юксак даражада восил бўлиши адибни жаҳон сўз санъатининг буюк вакиллари қаторига кўтаради.

Сўнгги йиллардаги илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, глобаллашув жараёнларининг иқтисодий, фалсафий, сиёсий, молиявий қирралари билан бир қаторда унинг наинки

маданий, маърифий, ахлоқий, балки ухровий, уғоний, исломий масалалар билан ва бу йўналишлардаги тарихий-илмий изланишлар билан ҳам боғлиқ жиҳатлари бор экан.

Шу нуқтаи назардан менга глобаллашув масаласига дахлдор айрим ғоялар, фикрлар, буюк мутафаккир Хожа Юсуф Ҳамадоний меросида, қарашларида ҳам кўзга ташлангандек туюлади. Ҳамадоний қаерда-ю, глобаллашув муаммолари қаерда, деган айрим иштибоҳлар туғилиши мумкинлигини тушунаман ва тўғри деб ҳисоблайман. Ҳамадоний X–XI аср фарзанди бўлса, глобаллашув эса ундан деярли минг йил кейинги, айнан, XX асрга дахлдор бўлса.

Бу иштибоҳ маълум даражада ўзини оқлаши мумкиндек кўринади. Тўғри, олим 1048-1141 йиллар оралиғида салкам юз йил яшаб ижод қилган, Эроннинг Ҳамадонида туғилиб, ҳозирги Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этган, Самарқанд ва Бухорода билимини ошириб, "Бухорода узоқ муддат яшаган. Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва йирик машойихларга устозлик қилган" (Ўзбекистон миллий экциклопедияси. 11-жилд. 290-бет) "Ҳаёт мезони", "Одоби тариқат", "Коинот ва инсон ҳақида" деб номланган асарлар битган буюк тасаввуфшунос олим қарашларидаги айрим нуқталар бундай иштибоҳларга ойдинлик кирита олади деб ўйлайман. Хусусан, "Коинот ва инсон ҳақида" асаридаги айрим концептуал фикрларга эътиборимизни қаратсак, минг йил аввал яшаган файласуф, тасаввуф илмининг султонларидан бири Ҳамадоний XX аср сўз санъати султонларидан бири Айтматов билан ушбу мақолада қизиқаётганимиз айрим масалаларда маслакдош ва ҳамфикрдек таассурот қолдиради. Бу ниҳоятда кички ҳажмли трактат араб тилида ёзилган. Аслиятда "Рисола фи ан-налкавна мусаххарун мил-инсон" деб аталади. Таржимонлар Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан ўгиригига кўра, унинг ўзбекчаси "Коинотнинг инсонга бўйсундирилгани ҳақида"ги рисола бўлади. Асар "инсоннинг коинотдаги зарурий ашёлардан истифода этиши ва унумли фойдаланиш даражалари

ҳамда йўллар”ни кўрсатади (Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. Одоби тариқат. Коинот ва инсон ҳақида. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. 10-бет). Муаллиф коинот сўзини ҳозир биз кўпроқ ишлатадиган “космос” эмас, “борлиқ” маъносида қўллайди. Шу боис таржимада “космос” ўрнига “борлиқ” сўзи фойдаланилса маъқулмиди деб ўйлайман.

Ҳамадонийнинг ҳажман митти, қудрат жиҳатидан буюк бўлган бу асарини такрор-такрор, синчиклаб ўқидим. Тасаввуфшунос ҳам, диншунос ҳам эмасман. Лекин уни ўқиш асносида вужудим ва онгимда кўп фикрлар уйғонгандек бўлди. Шулардан бири 2-3 йилдан буён ўйлаб юрганим Чингиз Айтматовнинг “Қулаётган тоғлар” романи ҳақидаги фикрларимга дахлдордир.

Ҳамадоний ёзади: “Коинот кўринишда сенинг фармонингга мунтазир. Сен эса маънан коинотнинг амрига бўйсунусан. Чунки коинот бир таомдир. Сен уни еб ўзингда ҳазм қиласан. Коинот ичимликдир. Уни ичиб тугатасан. Коинот кийимдир. Сен уни кийиб эскиртирасан. Коинот маскан-уйдир. Сен унда яшайсан. Уни баъзан таъмирлайсан, баъзан бузасан, баъзан қулатасан”. Бу ҳозирча умумий фикр. Борлиқ ва инсонни ўзаро муносабати ва ўзаро бир-бирига таъсир ўтказиши ҳақидаги фикрлар янада аниқ, конкрет фикрларга қуйироқда дуч келамиз. Бироқ юқоридаги умумий фикрнинг ўзиёқ кейингиларини Ч.Айтматов асарларига нисбатан қўллаш мумкин деган айрим мулоҳазаларни уйғотади.

Тўғри, глобаллашув натижалари табиатнинг ўзи эмас, ижтимоий, илмий ва бошқа ҳаракатларининг жараёни. Лекин Ҳамадоний фикрлари маъноси бунга зид бўлмай, уларни ҳам қамраб олишини ундан кейинги фикрлари тасдиқлайди. Коинот иссиқлик ва совуқлик, нур ва олов, сув ва тупроқ, ҳаво ва шамолдир, дейди Ҳамадоний. Улардан эҳтиёжинг, керагинг ва заруратинг даражасида фойдаланасан. Эҳтиёжингни муҳтожлигинг даражасига яраша оласан. Ортиғини, керак бўлмаганини олмайсан. Бу – самимий ва қонуний ҳолдир. Зотан, шундай

бўлмоғи ҳам даркор. Шунда коинот, табиат ва сенинг ўртангда мувозанат бўлади. Бошқача айтганда, табиатни ва унга ҳокимлик қилиш учун сени, айни вақтда, шу табиатга бўйсунишинг учун яратилган сен билан, ҳар икковингни яратган Аллоҳ ўртасида кўга кўринмас мувозий бир ҳамкорлик, ўзаро англанма, тушуниш, ўзаро қадриятли тенгланмага ўхшаш бир ҳодиса ҳукм суради ва давом этади. Бу тенглама бузилса-чи? Уни сен бузмоқчи бўлсанг, нима содир бўлади? Албатта борлиқнинг, коинотнинг, бир сўз билан айтганда, ҳамма нарсанинг яратувчиси ва хожаси – Холиқ учун бу, унинг тартиботи ва ҳукмини бузиш, маъқул келмаслиги аниқ. Ҳамадоний хусусан, коинот ҳаво ва шамол ҳамдир деган фикрини шарҳлай туриб, ёзади: “Булардан керагинг доирасида ишлатсанг, сенга фойдалидир. Лекин ундан ортиб кетса, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади” (Юқоридаги манба. 115-бет). Сиз буларни ўқиб туриб, ҳаёлингнизда “Қулаётган тоғлар”даги манзаралар, табиатга инсоннинг зўравон хуружи, хусусан, юксак тоғ бағридаги фожеалар, одамлар билан бир қаторда тоғ барсларининг нобуд бўлиши, маҳаллий ёрдамчилар билан бир қаторда арабистондан махсус кўнгилочарлик учун келган пулдор овчилар, улар томонидан табиатнинг, жониворларнинг поймол этилиши, Арсен Саманчин ва бошқа қатор қаҳрамонларнинг тоғ кўчкиси остида қолиб кетиш манзараларини жонлантирмаяптими? “Қулаётган тоғлар” романи ва унинг номи замирида ёзувчи бир тарафдан 70 йил мобайнида инсониятни ўзига қаратиб келган тузумнинг, жамиятнинг қулашини, иккинчи томондан, бозор шароитларининг қарор топиши туфайли шаклланаётган янги “босқич” боис асрлар давомида яшнаб турган не-не миллий удум, урф-одатларнинг, инсоний ҳиссиётларнинг қулашини; учинчидан, эҳтимолки, энг асосийси, табиат ва ундан фойдаланиш ўртасида инсоният йўл қўяётган мувозанатнинг бузилиши, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади деган Ҳамадоний сўзлари ҳақ бўлганини ёзувчи Айтматовнинг асари бадиий жиҳатдан тасдиқлаб тургандек. Ҳаётий ҳақиқатнинг

бадиият орқали кўрсатилиши, кўп нарсалардан огоҳлантирилиши бу: "Огоҳ бўлинг, одамлар", деб бонг урилиши бу. Экология масаласига эътибор бериш керак дейиш мисоли ҳеч нарса демасликдек. Бу нарса бадиий асар орқали кўрсатилса, фикр бадиятга йўғрилса, жонли қаҳрамонлар қиёфасида акс этса, у буюк кучга айланади. Чингиз Айтматов ғояни ана шу тарзда буюк кучга айлантира олади. Ҳамадоний ўз асарида яна давом этади: "Коинот оила қуриш ва никоҳланишдир. Агар сен эҳтиёжинг андозасида фойдалансанг сен учун манфаатли, завқли ва лаззатлидир. Бироқ бу ишда ҳаддан ошсанг, баданинг, қалбинг ва ақлингга зиён етади". "Коинот инсонлар билан бирга бўлиш ва халқ билан аралашишдир. Фойдали бўладиган миқдорлардан ошмаса. Бу иш яроқли ва мувофиқ бўлади. Лекин фойдали бўладиган миқдордан ошса, баданни эритиб, қалбни куйдиради" (116-бет).

Ҳамадоний ейиш, ичиш, сўз ва ҳаракатга ҳам алоҳида эътибор беради. У ёзади: "булар эҳтиёждан ва инсон табиати кўтара оладиган миқдордан ошиб кетса, баданга, ақлга ва фаҳмга зарарлидир..." Нафсингга, баданингга, табиатингга ортиқчалик қиладиганларидан ва ҳаддан ошишдан ўзингни йироқ тут. Шунда ҳолинг ва вужудинг бардавомлигини таъминлаган бўласан" (117-бет).

Олимнинг бу фикрига эътибор беринг: у сизга "Кассандра тамғаси" романидаги Андрей Крильцовнинг аввалига заминдаги фаолияти, изланишларига оид икс зурриёдлар, сўнгроқ фазодаги самовий роҳиб Филофейнинг Кассандра тамғасига оид кашфиётлари ва унинг Ердаги ғоядоши Роберт Берн қарашларидан келиб чиқувчи оқибатлар ҳақида минг йил олдинги тарих бағридан туриб огоҳлантириш, башоратлари бўлиб туюлмайдими? Мана, кўринг, бу ҳақда Ҳамадоний нима деб ёзади: "Коинот тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритишдир... Аммо бу теран тушунча инсон тузилишининг чегарасидан тажовуз қилса (ҳаддидан ошса) ва табиатининг тоқати миқдоридан ошиб кетса, инсоннинг сезгирлигини ва

ҳушёрлигини маҳв этади. ақлу идрокини барбод этади... Аслида сен амал қилишинг керак бўлган йўл – уларнинг миқдор ва даражасининг салоҳияти ҳақида мулоҳаза юритишинг керак. Ундан зарурий ва фойдали бўладиган миқдорини белгилаб, қабул қилиб, зарар кўрсатувчи ва ҳалок этувчи ортиқчасини ташлашинг керак" (117-бет).

Ёдингиздами, ўз кашфиётларидаги худди ана шу "зарар кўрсатувчи ва ҳалоқ этувчи ортиқчасини" олиб ташлашга қурби етмагани ва бу ишнинг йўлини топмагани учун ҳам "Кассандра тамғаси"даги самовий роҳиб – Филофей алал-оқибат ўзини ўзи нобуд этишга мажбур бўлади. Кашфиёти ноинсоний эканини англаганидан сўнг, ҳаддан ошишга йўл қўйганини тушуниб етгани учун бу кашфиётидан воз кечади. Ва бу ишга журъат этади. Зеро, генетиканинг илоҳий қонуниятларини бузишга тажовуз қилинган бу ҳаракат, Яратганнинг амри ва иродасига қарши қаратилган бу кашфиётнинг оқибати мана шундай тугаши шубҳасиз. Бошқа йўл йўқ эди.

Юсуф Ҳамадоний ўз фикрини шундай давом эттиради: "Коинот ирода ва истакадир. Чунки ундан сенга фойдалар бор. Зийраклик, хушёрлик тоқати миқдорида уни тасарруф этсанг ва табиат, хилқат баҳраманд бўладиган даражада идора этсанг, улар яратилишинг ва табиатинг тоқати етадиган меъёрда бўлса, фойдалари бениҳоядир. Бироқ сабру тоқат чегарасидан тажовуз қилса (чиқса), инсонни тамоман ҳалок этади ва каттаю кичик барча нарсаларни йўқ қилади" (118-бет).

"Қулаётган тоғлар" финалидаги рўй бераётган адолатсизликка, ноиложликка глобаллашув жараёнлари таъсири туфайли "сабру тоқат чегарасидан тажовуз қилишлар" ва уни қабул қилмасликлар оқибатида тоғлар қулаши, қор кўчкилари натижасида, бир томонда табиат дунёсидаги жонзотлар – жаабарслар, бошқа илвирс қоплонлар, иккинчи томондан арабистонлик овчи меҳмонлару, ерлик Саманчин, Бектур оғаю Тошафғон ва бошқаларнинг тоғ остида қолиши Ҳамадоний бобо айтган "ҳаддан ошишлар" таъсирининг оқибатидир.

Шунинг учун ҳам мутафаккир Юсуф Ҳамадонийнинг "Коинот ва инсон ҳақида" номли мўъжазгина рисоласи менга Айтматовнинг "Қулаётган тоғлар" романининг бадиий концепциясига ёзилган башоратли шарҳ бўлиб туюлади. Ўз навбатида буюк адибнинг ўзи ҳам глобаллашув башоратчисига айланади.

Ва ниҳоят, Чингиз Айтматовнинг мазкур "Қулаётган тоғлар" романи атоқли мутаржим Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига маҳорат билан ўгирилганини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

III БОБ
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ГЛОБАЛ ИЛМИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАР

Глобал илмий-бадиий талқин

Глобаллашув умумжаҳоний жараён сифатида инсониятнинг иқтисодий ва маънавий-интеллектуал ҳаётига, жумладан, бадиий адабиётга изчил таъсир ўтказмоқда. Бу борадаги ялпи қонуниятларни очиш, илмий-назарий таҳлил қилиш давримиз учун долзарб бўлиб қолмоқда.

Глобаллашув ҳодисаси ижтимоий фанлар, фалсафа ва социологияда анча батафсил ўрганилган, унинг ўзига хос белги-қонуниятлари бирқадар аниқланган. Лекин глобаллашув берган имкониятлар, у келтириб чиқарган муаммолар бадиий адабиётда, хусусан, адабий асарда қандай намоён бўлади, улар қандай илмий-бадиий талқин қилинади ҳамда ушбу асарларда ҳаракат қилаётган замондошимиз образининг маънавий олами, инсоний қиёфаси қандай? Ушбу масалаларни кенг миқёсда ва монографик планда тадқиқ қилиш грант-мавзумиз вазифасига киради.

"Глобал" сўзининг илдизи лотин тилидан бўлиб, у globus (шар) деган маънога таянади. Русча "Ҳорижий сўзлар луғати"да "глобальный" сўзига шундай изоҳ берилади: 1) **относящийся к территории всего земного шара, охватывающий весь земной шар; всемирный. 2) всесторонний, полный; всеобщий, универсальный**"[39]. Биринчи маъно тушунарли, яъни бутун ер шарига тегишли, деганидир. Иккинчиси – "ҳар тарафлама, тўлиқ; буткулумумий, универсал" маъносини талқинга қаратадиган бўлсак, глобаллашув даврида қилинадиган илмий-бадиий ва бадиий-типологик талқинлар ушбу иккинчи маънода қайд этилган ҳолатларга мос тушади.

Биз глобаллашувдан фақат салбий омиллар,нуқул зарар ва хавф қидирмаслигимиз лозим. Унинг ижобий жиҳатлари жуда кўп. Шулардан бири, балки энг муҳими – у узоқни яқин қилди, яқинни узоқ билан тенглаштирди. Масофа деган ҳодисага тамом янги маъно-мазмун бахш этди. Масофа икки нарса, икки нуқта оралиғи экан, глобаллашув даврида ушбу нуқталар бир-бирига ҳаминқадар яқинлашиб қолди. Бу – дунёнинг янги ҳолати, мутлақ ўзгача маконий вазиятдир. Ушбу янги вазият бадиий таҳлил назарияси ва амалиётига кучли таъсир ўтказиши муқаррар.

Маълумки, глобаллашув билан ёнма-ён ишлатиладиган глобализм термини ҳам мавжуд. Бу икки сўзнинг ўзаги бир бўлса-да, бир-биридан анча фарқланади. Назаримизда, глобализм глобаллашув даврига хос бўлган иқтисодий, илмий-фалсафий қарашлар мажмуи ва уларнинг янги глобал миқёсини, ҳодисанинг ҳадди аълосини англатадиган атамадир. Айрим ҳолларда у ҳаддан ошиш, чек-чегарани билмаслик каби манфий маъноларни ҳам англатиши мумкин.

Глобаллашув у ҳақда ёзилган кўплаб китобларда таъкидланишича, жаҳонни буткул янги қиёфага солиб юбормоқда. Коммуникация, ахборот, фикр алмашув жараёни тамомила ўзгардики, бу ёлғиз ОАВ доирасида эмас, мутлоқо янги тизимдаги коммуникацияга ўтилиб, энди у "*янги алоқалар, ўзаро шартланган боғлиқлик* (таъкид муаллифники – С.М.) тарзидаги"[40] коммуникация бўлиб қолди. Яна шу ерда ёзилишича,

[39] Словарь иностранных слов. 18-е издание. М.: Русский язык, 1989. С. 138.

[40] Покровский Н. В зеркале глобализации / Сумерки глобализации. Настольная

"Жаҳон ҳамжамиятининг тотал ахборот шаффофлиги ҳолати ялпи ҳаётимизни таниб бўлмас даражада ўзгартирди".[41]

Ушбу янги ялпи коммуникация тизими муайян миллий маданият, унинг ажралмас қисми бўлган бадиий адабиёт, унда яратилган сара асарлар, уларда дарж этилган МАЪНОЛАР жаҳон афкор оммасининг маънавий мулкига айланиши учун ноёб имконият вужудга келиб, бу нарса глобал илмий-бадиий талқинларни зарурий ҳодиса ва қонуний талабга айлантиради.

Глобаллашув глобал илмий-бадиий талқинларга йўл очар, ҳатто шуни талаб қилади экан, глобал талқиннинг моҳияти бадиий асарни таҳлил ва талқин қилишда янги миқёсга чиқиш, асардаги туйғу, воқеа-ҳодиса ва образларни ҳадди аълосига етказиб тушунтиришдир.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин, талқин ҳам глобал бўладими? Савол ўринли, чунки бу ғалати боғлиқлик – глобал талқин. Кўтарилган масалалар, ғоялар глобал бўлиши мумкин, лекин талқин-чи? Тилимизда "чек" деган сўз бор, у нарса ёки ҳодисаларнинг энг сўнгги чегараси, ниҳояси, поёнини англатади. Муайян бадиий асардаги бирор образ ёки воқеани охирги нуқтага (бу нуқта мутлақ охиргиси, деб ҳеч ким айтолмайди, лекин ҳозирча, бошқа таҳлил топилгунча охирги деб ҳисобланади) олиб чиқиб талқин қилишни биз глобал бадиий талқин деб ҳисоблаймиз.

Талқиннинг қадимий тарихи ҳақида гап кетганда, Аристотелнинг "Талқин ҳақида" (русчаси "Об истолковании", аслиятда "Peri hermaneias", лотинчада "De interpretatione") асар тилга олинади. Унча катта бўлмаган бу рисола (трактат) ҳозир биз тушунадиган талқин назариясига унча мос келмайди. У буюк файласуфнинг мантиққа оид асарларидан бўлиб, унда асосан тил, ёзув, чин ва ёлғон нутқ, исм, феъл каби мантиқий категориялар тадқиқ этилади[42].

книга антиглобалиста. Сб. М., ООО Изд. АСТ "Ермак", 2004. С.56

[41] Там же. С.56

[42] Қаранг: Аристотель. Соч. В 4-х т. Т. 2. М.: Мысль, 1978. С. 91-116.

Буюк файласуф бобомиз Абу Наср Форобийнинг "Фалсафани ўрганишга киришувдан аввал нимани билиш керак" рисоласида Арасту (Аристотель)нинг "Бари(хор)минийас" ("Талқин ҳақида" ёки "Герменевтика") икки бор тилга олинади[43]. Форобийнинг ўзи ҳам "Таълиқот" ("Талқин", "Герменевтика") номли асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор.

Ундан ташқари мусулмон Шарқида муқаддас китобимиз "Қуръони карим"га қилинган кўплаб тафсирлар, яъни шархлар моҳиятан талқинлардир. Талқин ҳақида ўзбек адабиётшунослигида муайян тадқиқотлар олиб борилган. Шундай муҳим ишлардан бири профессор Баҳодир Каримнинг "Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур" китобидир. УНинг кириш ўрнида берилган "Талқин назариясига доир" мақоласи соф назарий йўсинда ёзилгани билан диққатга сазовор. Олим "Бадиий талқин негизида юксак образли тафаккур, воқеликни санъат тилига кўчириш туради" деб ёзар экан, у бунда албатта адабий асарнинг яратилиш жараёнини кўзда тутади. Назаримизда, бу талқиннинг илк босқичи. Ижодкор асарига нуқта қўйиши билан муаллиф талқини ниҳоясига етади ва асар китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади. Энди асарнинг илмий-бадиий талқин даври бошланади. Б.Карим ёзганидек, "Ёзувчи бадиий талқинининг тўла равишда, барча ғоялари, қарашлари, фикрларига мос суратда илмий тилга кўчиши, илмий талқинда ўз ифодасини топиши адабий-эстетик ҳақиқатни юзага чиқаради; санъаткор ва олим орасида фикрлар мувозанати пайдо бўлади"[44].

Умуман олганда ушбу кириш бобда талқин назарияси ҳақида жиддий ва самарали фикр ва ғоялар олға сурилган. "Бадиий талқин ва илмий талқин мувозанати", "Тушуниш талқин жараёнининг ижодий натижасидир. Талқин – тушунтириш жараёни" каби фикрлар самарали ва махсус тадқиқ этишни талаб қиладики, уларнинг шу тарзда қўйилишининг ўзиёқ мақтовга лойиқдир.

[43] Қаранг: Аль-Фараби. Философские трактаы. Алма-ата: Наука Каз.ССР, 1971. С. 8, 14.

[44] Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. Тошкент: Akademnashr. 2014. Б, 4.

Талқин шунчалик кенгқамров сўз ва тушунча ва ўзига хос бир куч эканки, у нарса ёки ҳодиса ҳақидаги баҳо ва фикрни ҳатто – ё яхши, ё ёмон томонга буриб юбориш қудратига эга экан. Луғатда талқинга шундай изоҳ берилади: "Бирор масалани бошқа кишига аниқ қилиб тушунтириш"[45]. Демак, масалага қандай йўналиш, сиёқ бериш талқинчи ихтиёрида бўлади. Бу ҳаётий ва ижтимоий масалаларга ҳам тегишли. Лекин ган ўзига хос сирли ҳодиса бўлган бадиий асар ҳақида кетадиган бўлса, талқиннинг мавқеи ва масъулияти янада ошади, энди у бежиз илмий-бадиий талқин деб аталмайди.

Бадиий асар, унда ифодаланган туйғу, тасвирланган ҳолат ва қаҳрамонлар кўплаб, баъзан қарама-қарши талқинларга имкон берадики, уларни бир нуқтага жамлаш, зарур маъно-моҳиятга йўналтириш учун талқинчидан, аввало "ҳисли кўнгил" (Чўлпон ибораси), яъни катта ва пок қалб ҳамда чуқур тафаккур ва ифода маҳорати талаб қилинади.

Ҳазрат Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида шундай ёзилади: "Шайх анга иршоду талқин ижозати битиб, ўз мулкига узатмишлар, то ул мулкда халойиқни Тенгрига иршод қилғай"[46]. Бу асардаги Шайх Нажмиддин Куброга бағишланган фаслдан олинган бўлиб, диққатга сазовор жойи шундаки, талқин иршод, яъни одамларга пирлик қилиб, тўғри йўл кўрсатиш билан бир боғламда – "иршоду талқин" келмоқда,Аллоҳ каломи ва пайғамбар ҳадисларига пок муҳаббат ва чин ихлос билан тўғри йўналиш бериш талқин сўзи билан ифода этилмоқда.

Маълумки, глобаллашув юртимизга Мустақиллик билан кетма-кет кириб келди. Мустақиллик тоталитар мафкура емирилиши билан боғлиқ бўлиб у иқтисодий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий қарашларимизни тамом ўзгартирди. Мустабид тузумнинг адабий талаб-ақидалари ўз кучини тамом йўқотди ҳамда қайтмас ўтмишга айланди. Истиқлол мафкураси ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амал қила бошлади. Янги, истиқлол даври адабиёти шаклланди. Лекин яқин ўтмишимизда яратилган бадиий меросга қандай ёндашамиз, ушбу жараёнда етмиш йилча давом этган совет даврида яратилган бадиий маҳсулотга истиқлол мафкураси ва янги бадиий-эстетик принциплар асосида баҳо бериш, уларни умуминсоний ва истиқлол даври нуқтаи назаридан талқин этиш зарурияти миллий адабиётшунослигимиз қаршисида кўндаланг бўлади.

Ган шундаки, совет даврида XX аср ўзбек адабий авлодининг иккинчи бўғинига мансуб қатор йирик сўз санъаткорлари қалам тебратишди ва талай чинакам бадиий обидалар яратишди. Бу асарлар ўз даврида совет платформасида турган адабий танқидчилик томонидан баҳоланди, ўша давр мафкуравий тамойиллари асосида талқин қилинди. Айтайлик, буюк адибимиз Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романи ҳақида даврнинг йирик адабиётшуноси Ҳомил Ёқубов шундай ёзади:

"Қутлуғ қон" романи ўзбек совет адабиётида социалистик реализмнинг катта ютуғидир. Роман учун воқеликни илғор, революцион ривожланишда тасвирлаш, турмушни коммунистик партиявийлик нуқтаи назаридан ёритиш характерлидир. Меҳнаткаш халқ ғалабасининг муқаррарлигини тасдиқлаш асарнинг ғоявий ва эстетик аҳамиятини белгилайди"[47].

Бундай баҳо учун марҳум олимга таъна тошини отишга хаққимиз йўқ. Бинобарин бу тарихийлик принципига зид иш бўларди. Лекин ушбу кўчирмадаги фикр роман битилган давр, мустабид тузум мафкураси ақидалари асосида билдирилган. Биз буни мукаммал, романнинг борлиғини қамрайдиган баҳо дея олмаймиз, агар шундай бўлган тақдирда "Қутлуғ қон" ўзи яратилган давр қобиғида қолиб кетган, биз учун бадиий аҳамиятини буткул йўқотган бўларди. Лекин бундай эмас. Бу асар – бадиий обида, энг сара ўзбек романларидан бири. Демак, у Улкан вақтда ҳам яшай олади ва яшамоқда.

[45] Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача туғат. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1953. Б. 326.

[46] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. ЎН жилдлик. 10-жилд. Тошкент: Г.Ғулом номидаги ижодий матбаа уйи, 2011. Б. 328-329.

[47] Ҳомил Ёқубов. Адибнинг маҳорати. Тошкент: Фан, 1966. Б. 197.

Биз бу ерда XX асрнинг буюк адабиётшуноси Михаил Бахтин назариясига таянмоқдамиз. Ушбу назария бўйича, "ҳақиқий бадиий асар ўз даври ва ундан кейинги замонларда ҳам, яъни Бахтин таъбири билан айтганда, Улкан вақтда ўз таъсир кучини сақлаб қолади. Том маънодапги бадиий обидаларгина "Улкан вақт"га ўтиб, у ерда яшаб қолади. Ўз даври учунгина қийматга эга бўлиб, сўнг аҳамиятини йўқотган асарлар ўз даврида (Бахтин буни "кичик вақт" деб атайди) қолиб кетади"[48].

Айтилганидек, "Қутлуғ қон" романи Улкан вақтда яшамоқда. Бунга сабаб, Ойбек буюк ёзувчи, чин истеъдод соҳиби эканию, ўз романида мустабид тузум талабларига бўйсунгандай бўлиб, улуғ умуминсоний ғояларни тараннум этганидадир. Янада аниқ қилиб айтадиган бўлсак, адиб совет адабий сиёсати ақидаларига риоя қилаётгандай бўлиб, синфий кураш, бой ва камбағал зиддияти, гўё камбағалпарвар тузумда ҳамиша камбағал ҳақлиги каби тоталитар тузумга ёқадиган ғоялар ёзувчи учун иморат тиклашда ишлатиладиган ҳавоза вазифасини ўтагандек гўё. Иморат битгач, ҳавоза олиб ташланади. Энди унинг кераги йўқ. Худди шу каби роман ҳам ўзи яралган давр белги ва зуғумларини ортда қолдириб, назар-писанд қилмай, янги даврга қадам қўяди. У янги давр билан юзлашганда бундаги янги ўқувчининг асар битилган пайтдаги талаб ва ақидалар билан иши йўқ, уларни билмайди ҳам.

Мана шундагина, яъни тамом янги тарихий шароитда роман ўзининг бутун моҳиятини, асл кўрк-чиройини намоён ва намойиш эта бошлайди. Энди олий ҳақиқатлар, юксак моҳиятлар ишга тушади. Улар нималарда кўринади. Шу ўринда романдаги икки жиҳатга диққат қилайлик.

Йўлчи Гулнор вафотидан кейин Мирзакаримбой билан тўқнашганда, ўз ҳақини сўраганда, бой "Сан нонкўрга бир тийин бермайман. Даъво қил, кучинг етса агар" деган сўнгидан сўнг муаллиф дейди: "Камбағал Йўлчига *пул ғоя эмас*,

[48] Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов. Тошкент: Маънавият, 2000. Б. 81.

(таъкид бизники – С.М.) айниқса Гулнор каби ҳаёт қуёшидан айрилиб, энг гўзад, энг порлоқ умидлари сингач, пулнинг маъноси қоладими? У нимага ярайди?"[49]

Йўлчига пул ғоя эмас. Лекин кимларгадир пул, бойлик ғоянинг эмас, умр мазмуни, бутун борлиғини забт этган бало. Эзотерикага оид бир китобда уммон тубига ғарқ этилган Атлантида халқи аҳлоқи ҳақида шундай дейилади: "Кимки фақат моддий бойликлар учун яшаса, кимки умри қисқа нарсалар деб эзгуликни қурбон қилса. ҳаётлиги пайтидаёқ ўлади, унга нафас етмайди ва у фурсат етиб келмасдан бурун ўлим ҳақида ўйлашни истамайди"[50].

Бу худди охират тадоригини кўриш ўрнига жияни (аниқроғи, Йўлчи Мирзакаримбой жиянининг ўғли) севишини билиб ҳам ёш Гулнорга кўз тиккан, оқибат уни хароб қилган, қариндоши бўлса-да, камбағал Йўлчини одам ўрнида кўрмаган Мирзакаримбой ва у тоифадаги одамларга қарата айтилгандай бу гаплар.

Шунга боғлиқ ҳолда, иккинчи жиҳат:

Йўлчи бойникидан кетиб, синглиси Унсинни косиб Шокир отаникига олиб келганда, у дейди:

" – Яхши қилибсан: "Кабутар ба кабутар, жинс ба жинс". Маъносини тушунасанми? Тўғри, улар қариндошинг. Лекин улар сани ўз жисмига қўшмайди. Улар *пул жинсидан* (таъкид бизники – С.М.). Дурустми?.."[51]

Бундаги икки дунёқараш – "Йўлчига пул ғоя эмас" ва "Улар пул жинсидан" – биргаликда роман учун чинакам глобал ғоядир. Ўз пайтида уларга концептуал нигоҳ қаратилмаган ёки қаратилган эса-да, тоталитар мафкурага хос жўн синфийлик нуқтаи назаридан баҳоланган. Бу чинакам улуғ ғоя Йўлчини

[49] Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик. 2-том. Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957. Б. 269-270.

[50] Алиса А. Бейли. Трактат о Семи Лучах. Эзотерическое целительство. М.: Белые альвы, 2000. С. 216.

[51] Ойбек. Танланган асарлар. 2-том. Б. 271.

қанчалик юксакка, руҳоний маснадга кўтарадиган бўлса, пул жинсидан бўлган касларни шунчалик тубанга, руҳониятсиз жарликка тортади. Фақат фоний жисмини ўйлайдиган одам улуғ неъмат – абадиятдан бебаҳра қолади. Руҳан ўлади, бу ўлим эса чинакам йўқ бўлишдир. Чунки "Руҳимиз жисмоний сатҳдан бошқа яна кўплаб сатҳларга эга экани қандай яхши"[52].

Донишманд адиб Ойбек роман бадиий матнига юқорида кўриб ўтилган улуғ умуминсоний ғояларни шунчалик маҳорат билан сингдирганки, тоталитаризмнинг ундай-мундай некович танқидчиси уларни илғай олмаган, акс ҳолда жафокаш адиб бошига ундан-да оғирроқ савдолар тушиши аниқ эди. Биз ушбу тадқиқотнинг "Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгил" ва "Ойбек ва Чингиз Айтматов" фасллларида Йўлчи ҳақида "У бошқа оламдан эди" каби бадиий кодга эътибор қаратганмизки, бундай ўринлар "Қутлуғ қон" романига глобал илмий-бадиий талқин нуқтаи назаридан ёндашувга мисол бўла олади. Ёки "Глобаллашув ва типология" қисмидаги "Ойбек ва Чингиз Айтматов" фаслида қирғиз адибининг "Жамила" қиссасидаги Дониёр образига эътибор қаратилган, асардаги уч асосий образни ҳаракат ва фаоллик жиҳатидан ҳаёлан солиштирадиган бўлсак, энг камсуқум, пассив қаҳрамон, шубҳасиз, Дониёр эканига гувоҳ бўламиз. У кўп гапирмайди, ҳеч бир ишда ташаббус кўрсатмайди, фақат ташқи муҳит турткиларига ожиз жавоб беради, холос. Бу, бир жиҳатдан, воқеа Сеит тилидан баён қилиниши билан боғлиқ, лекин ҳикоячи унга сўз бериши, уни кўп гапиртириши мумкин эди. Лекин бундай бўлмайди. Демак образнинг пассивлиги, камсуқумлиги махсус маънога эга.

Бутун асар камсуқум Дониёр таратган руҳоний ёғду билан нафас олади. Қолган икки қаҳрамон, Жамила-ку, турган гап, ҳатто Сеит ҳам ушбу ёғду меҳварига тортилади. Буни қиссадаги Дониёр образига фалсафий тавсиф ва талқин дейиш мумкин.

[52] Друнвало Мельхиседек. Древняя тайна Цветка Жизни. М.: ООО Изд-во София, 2012. С. 112.

Айтилганлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, грант – мавзумиз доирасига нафақат яратилган ва яратилаётган бадиий асарлар, уларда қўйилаётган, кўтарилаётган глобаллашув муаммоларини талқин ва тадқиқ этиш, балки олтин бадиий меросимизни ташкил қилган асарларни глобал миқёсда таҳлил ва талқин қилиш ҳам киради. Сал олдинроқ айтилган мулоҳазалардан кўринадики, Бахтин олға сурган Улкан вақт ғояси билан глобал илмий-бадиий талқин анча яқин келади. Чунки Улкан вақтга ўтган, унинг босимига бардош бера олган асарларгина глобал бадиий талқинга материал беради ҳамда шунга муносиб бўлади.

Ундан ташқари грант-мавзу доирасида ўтказилган "Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи" мавзусидаги халқаро конференция (9-10 август, 2018, Тошкент) материаллари киришида "таъсир ва типология ҳозирги мавзу доирасида мавжуд эканини қайд этамиз. Бинобарин, глобаллашув қиёсий тадқиқотлар учун кенг имконият яратиши шубҳасиздир"[53] дея таъкидланган эди. Шу боис ҳам мазкур тадқиқотда қиёсий-типологик талқинлар глобал илмий-бадиий талқинлар шаклида ўрин олиши табиийдир.

Юқорида билдирилган мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда айрим тўхтамларга келамиз.

1. Глобаллашув фақат салбий оқибатларга олиб келувчи ҳодиса эмас, у инсониятни яхлит вужуд сифатида бирлаштирган ҳам моддий-илмий, ҳам руҳоний-илоҳий жаҳоний жараёндир. Бундан салкам икки минг йил аввал янги платончилик фалсафий оқими асосчиси Плотиннинг "Дунё барча нарса узаро майл ила боғланган яхлит бутунликдир"[54] деган фикри ҳозирги глобаллашув замонига келиб янада аниқ кўлам касб этмоқдаки, ушбу жараён шарофати билан дунё, Ер шари том

[53] Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи. Конференция материаллари. Тошкент: Муҳаррир, 2018. Б. 4.

[54] Плотин. Эннеадлар. – Штаерман Е.М. Кризис рабовладельческого строя в западных провинциях римской империи. М.: АН СССР, 1957. С. 440.

маънода яхлит вужудга айланмоқда.

2. Глобаллашув инсоният тафаккури ва хаёлотини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Энди майда мавзулар ва биқиқ доирада фикрлаш даври ўтди ва бадиий адабиётда ҳам, уни ўрганувчи илмда ҳам улкан, кенгқамров ва умуминсоний масала ва ғояларни тасвирлаш, ифодалаш ва тадқиқ этиш пайти келди.

3. Глобаллашувнинг ижобий жиҳатларини кучайтириш, салбий томонларини камайтириш мақсадида яратилаётган бадиий асарлар, улардаги қаҳрамонларнинг ахлоқий қиёфаси жиддий эътибор қаратиш, ахлоқий принципнинг адабиёт ва санъатда етакчилик мавқеини таъминлаш, эстетик идеал билан этик идеал узвий бирлиги нуқтаи назаридан бадиий асар ва бадиий образларга баҳо бериш ва талқин қилиш зарурияти туғилди.

4. Совет даврида яратилган бадиий асарларга глобал бадиий мезонлар воситасида ёндашув – асл бадиий мезон сиёсатдан устун – натижасида улар замири, қаъридаги умуминсоний ғоя ва туйғуларни очиш. Бу орада ушбу лойиҳа раҳбари академик Б. Назаровнинг "Ғафур Ғулом олами" (Т., 2004) китобидаги таҳлил ва талқин усули муайян даражада ўрнак бўлиши мумкин. Шу пайтгача нуқул совет платформасида ёзилган деб ҳисобланган асарлар қобиғида мудраб ётган маъноларни уйғотиш, уларни Истиқлол адабий майдонига олиб ўтиш грант-тадқиқотимиз вазифаларидан биридир.

5. Мумтоз ва янги даврда яшаб ўтган улуғ адибларимиз, улар яратиб кетган дурдона асарларни жаҳоннинг буюк бадиий сиймолари асарлари билан қиёсий адабиётшунослик аспектида солиштириш, шу аснода фикр ва ғояларни чархлаш (чархлашда, одатда икки нарса бир-бирига ишқаланади ва албатта учқун сачрайди) имкони туғилади, натижада ўзбек бадиий тафаккур аслаҳҳонаси янги бадиий-фалсафий талқинлар билан бойийди.

6. Бадиий адабиёт — алал-оқибат руҳоният ҳодисаси. Шундай экан, яртилган ва яратилажак асарлардаги воқеа, қаҳрамон ва ҳис-туйғуларга **руҳоният** нуқтаи назаридан ёндашиш, руҳоний қувват, руҳоний туйғу, руҳоний таъсир деган атама- тушунчаларини илмий амалиётга фаол киритиш лозим. "Инжил" да ёзилганидек, "Моддий жисмлар бор бўлганидек, руҳий жисмлар ҳам бор" (Русчаси "Есть тело душевное, есть и тело духовное")[55]. Агар шу ҳикматдан фойдаланадиган бўлсак, бадиий адабиётнинг бош белгиси ва моҳияти моддий жисмлар – ташқи воқелик, унда умргузаронлик қилаётган одамларни руҳий жисмларга айлантириш, яъни бадиий қайта тириллтиришдир, дейишимиз мумкин.

7. Муайян бадиий асарда тасвирланган ташқи-зоҳирий воқеалар, ифодаланган ҳис-туйғулар ортида бошқа, ботиний реалликни кўриш, ҳар бир ҳодисанинг илоҳий-эзотерик, ғайбий моҳиятини излаш ва топиш бадиий адабиётнинг ҳиссий-маконий майдонини беҳад кенгайтиради, уни ломакон сарҳадига олиб чиқади. Шунда бадиий-таҳлилий мезонлар бир қадар ўзгаради, аниқроғи, янги, ўзга ўлчамга чиқади.

Глобал илмий-бадиий талқин(лар)нинг қисқача моҳияти шулардан иборат. Илмий-бадиий талқин глобаллашув даврида янги, юқори босқичга кўтарилиши лозим ва шундай бўлади ҳам, зеро глобаллашув табиати шуни талаб қилади.

[55] Азиз Ҳаворий Павлуснинг Коринфликларга биринчи мактуби. 15:44// Инжил. Ибтидо. Забур. Туркия мукаддас китоб жамияти. 1995, 454-б.

Глобаллашув ва типология

1. Абдулла Қодирий ва Шекспир: қондош чизгилар

1

Мазкур икки номни ёнма-ён қўйиш, "ва" боғловчиси билан маташтариш туйқусдан ноўриндек туюлади. Лекин бу фақат илк таассурот, илк илғам, холос. Шекспирнинг гигантлиги, дунё адабиётининг беҳад улкан чинорларидан бири экани шоён ҳақиқат. Лекин Шекспир дунё адабиётида қанчалик улкан сиймо бўлса, Абдулла Қодирий ҳам XX аср ва бутун ўзбек адабиётида шу қадарли маҳобатли сиймодир. Тўғри, Шекспир асрлар ҳамда муайян миллий адабиёт чегараларини писанд қилмайди, у вақтдан холи, вақт измига бўйсунмайдиган ижод соҳибидир. Боз устига, у саҳна, театр билан боғлиқдирки, бу омил ҳам унинг жаҳоншумул нуфузини оширгандан оширади. Бизнинг Абдулла Қодирий бундай оламшумул нуфузга эга эмас, лекин у ўзбек ва умумтуркий руҳиятнинг биллур кўзгуси ўлароқ, ишонамизки, Шекспир каби асрлар оша яшайди.

Икки буюк сиймони, бири жаҳоний буюк, иккинчиси миллий буюк, инсоният маънавий қудратининг чўққиси бўлмиш ҳодиса, РЕнессанс (Уйғониш) яқинлаштиради, дейишимиз мумкин. Шекспир-ку, аниқ, у Европа Уйғониш даврининг энг буюк вакили. Абдулла Қодирийчи? Жадид боболаримиз фаолияти тоталитар тузум учун ўта номатлуб эдики, ҳатто уларнинг номини айтишга, ёзишга йўл қўйилмасди, шу сабаб Бегали Қосимов каби фидойи олимларимиз даврни Миллий уйғониш, деб аташга мажбур бўлган эдилар. Бу атама жўяли эди, ҳодиса моҳиятини тўғри англатарди. Ушбу атамадаги "Уйғониш" калимаси халқаро термин Ренессанснинг айнан ўзи бўлиб, демак XX аср аввалидаги буюк маданий оқим жадидчиликни Миллий Ренессанс деб ҳам аташимиз мумкин. Бу Шекспир мансуб бўлган Ренессансдан миқёс ва таъсир жиҳатдан кичикроқ бўлса-да, барибир катта бир ҳудуд, Туркистонда рўй берган буюк юксалиш палласи эди. Абдулла Қодирий шу

даврнинг йирик вакили, асосийси, насрдаги биринчи рақамли сиймо сифатида Шекспир асарлари билан қисман бўйлашадиган нодир асарлар яратдики, биринчи ўзбек реалистик романи "Ўткан кунлар" шуларнинг энг сарасидир. Чўққиларни чўққиларга қиёслаш мумкин ва зарур, деб ҳисоблаймиз.

2.

Маълумки, Шекспир роман ёзмаган, Абдулла Қодирий ўсмир ёшида "Бахтсиз куёв" номли пьеса ёзган эса-да, у буюк адиб ижодий йўлида бир машқ эди, холос. Лекин ҳозир биринчи ўзбек трагедияси сифатида тан олинган Абдурауф Фитратнинг "Абулфайзхон" драмаси билан деярли бир пайтда ёзилган "Ўткан кунлар" насрда битилган драма, яъни "роман – трагедия" деб баҳоланиши мумкин. Биз бу ҳақда шу йил 6 августда Тошкентда бўлиб ўтган "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги Халқаро конференциядаги маърузамизда фикр юритган эдик. Шу маъруза асосида нашр этилган мақолада "Нега "Ўткан кунлар"ни "роман – трагедия" деб ҳисоблаймиз?" деган саволга шундай жавоб берилган эди: "Биринчидан, романда тасвирланган воқеалар оқими ва образлар талқини эпик сокинликдан кўра драматик тарангликка мойил. Муаллиф нияти ва асар ғояси шаклланган пайт (1918-1920 йиллар) Туркистон учун умидбахш, шу билан бирга таҳликали давр бўлиб, ярим асрлик асоратдан кейин тузилган илк миллий давлат қурилмаси Туркистон мухторияти ҳалокати ҳамда асарнинг аксар воқеалари кечган Фарғона водийсида большевиклар ўтказган қирғинлар – булар роман учун ҳам ижтимоий, ҳам ҳиссий фан (балки мусиқий фан) вазифасини ўтайди. Демак, роман-трагедия учун зарур бўлган, Ҳегел таъбири билан айтганда "оламнинг трагик ҳолати" мукаммал тарзда мавжуд эди. деб хулоса қилиш мумкин"[56]. Мақолада яна икки далил келтирилган, ле-

[56] "Ўткан кунлар" роман-трагедия ёхуд Боймирза Ҳайит романдаги бир жиҳат ҳақида // "Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги Халқаро конференция материаллари (Адабий-илмий мақолалар). – Тошкент: "Mashhur press", 2018. – Б. 327.

кин улар бу ўринда зарур эмаслиги боис, уларни келтирмадик.

Қизиғи шундаки, Туркистондаги бундай реал трагик воқелик романга *билвосита* кўчиб, унинг шакл-шамойили ва ғоявий-ҳиссий оламини белгилаган бўлса, Шекспир буюк трагедияларидан бири "Ҳамлет"да, яъни реал воқеликда эмас, бадиий асарда, шундай кескин ва таранг, портлаш хавфи анқиб турган ҳолат яратилади. Демак, бирини тарихий тараққиёт, иккинчисини инсониятнинг бадиий даҳоси яратади. Биринчи ҳолда ҳам оқибатда чуқур трагизмга йўғрилган бадиий асар, роман пайдо бўлади.

"Ўткан кунлар" илк бобининг номи "Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли"дан кейин келган романнинг илк гапи шундай: "1264 ҳижрий, далв ойининг 17-нчиси, қишки кунларнинг бири – қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир". Гапнинг ҳазин мусиқаси, ундаги далв, қуёш тақвимидаги 11-ой, 17-кун, ҳар иккиси тоқ сон, қиш, қуёш ботган, яъни йўқ, мажозан қоронғуликни, таназзулни англатувчи шом каби манфий белги – мажозлар "Ҳамлет"даги каби "Дания мамлакатига бир бало юзланган"га ўхшаш ҳиссиёт ва ғояни мақом ашуласидаги даромад каби аввалбошданоқ уғулайди.

Ушбу айтилганлар ҳар икки асар – "Ҳамлет" трагедияси ва "Ўткан кунлар" романи ўртасида муайян типологик туташ нуқталар мавжуд бўлиши муайян илмий асосга эга эканини кўрсатади. Бунинг устига, Лев Толстой Достоевский ҳақида гапирганда айтганидек, "қанча чуқур кетилса, умумийлик шунча кўп бўлади". Худди шундай, "Ҳамлет" ва "Ўткан кунлар"нинг теран ва кульминацион нуқталарида муайян ўхшаш, қондош чизгилар бўлиши тайиндир. Зеро ҳар икки асар ҳам абадий, умрбоқий масалалар ҳақида баҳс юритади.

Шу ўринда биз буюк трагедияда марказий аҳамиятга эга машҳур "Ўлиш ёки қолиш..." ("To be, or not to be...") монологи билан романдаги ўлимга ҳукм этилган Отабекнинг ички монологини таққослашни ният қилдик. Бунда биз трагедиянинг она тилимиздаги таржималаридан Чўлпон таржимасига суяндик. Токи шу ўринда, яъни таҳлил жараёнида Абдулла Қодирий ва Чўлпон даҳоси яна бир бор учрашишсин.

3

Лекин аввал такрор бўлса-да, яна бир бор роман туғилишига туртки бўлган руҳий-психологик омиллар ҳақида. Адиб асар муқаддимасида "Мозийға қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар" деб ёзар экан, ушбу қайтиш ҳозирнинг, яъни муаллиф яшаб турган воқеликнинг бевосита таъсирида бўлганини махсус таъкидлаш лозим. Давр воқелигидаги энг қаттиқ туртки, шубҳасиз, большевиклар ва улар бошлаб келган дашноқлар томонидан Туркистон мухториятининг тор-мор этилиши ва Қўқон шаҳри аҳолисининг ялпи қирғин қилиниши бўлди. Бу – умуммиллий фожиа эди.

"Ўткан кунлар" яратилган давр ўзбек халқи учун миллатнинг эрки, озодлиги, мустақиллиги, жаҳондаги ўрни масаласи ҳаёт-мамот аҳамиятга молик эди... Айниқса, Қўқон мухториятининг тор-мор этилиши кўпгина ҳурфикрли зиёлилар қатори Абдулла Қодирийнинг қалбини ларзага солди"[57]. Ушбу мулоҳаза муаллифларидан бири оқсоқол мунаққидимиз У.Норматов "XX аср ўзбек адабиёти" дарслигида ёзади: "Худди шу фожеий ҳодиса "Ўткан кунлар"нинг ёзилишига туртки берган бўлса ажаб эмас"[58].

Бизнинг фикримизча, Туркистон Мухториятининг ҳалокати илк ўзбек романи ёзилишига бош туртки ва унинг бадиий-ғоявий ва ҳиссий йўналишини белгилаган асосий омилдир.

Ушбу фикр У.Норматов томонидан сал қуйида "ажаб эмас" эмас, балки қатъий тарзда ишонч билан таъкидланади: "Ўткан кунлар" романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтларда ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ўтган асрда миллат, миллий давлат, тақдири

[57] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2000. – Б. 23. Мақола муаллифлари филология фанлари докторлари У.Норматов ва Б.Каримов. Фақат бу ерда "Қўқон мухторияти" дейилиши билан, афсуски, совет даврига хос хато такрорланади.

[58] Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 3-нашр. 11 синф учун дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 134.

учун ҳаёт-мамот (шу ерда ҳам Ҳамлет ўзининг "Ўлиш ё қолиш" монологи билан "Ўткан кунлар"га яқинлашади – С.М.) аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, таъсирчан бадиий таҳлил этган эмас"[59]. Олтинга баробар сўзлар!

Миллий давлатчиликка бўлган илк интилиш шу қадар қаттоллик билан барбод этилар экан, бу ҳол – мустақиллик нега ва қандай қилиб бой берилди, нега ва қандай қилиб ўзга давлат ва ўзга дин вакиллари юртимизни босиб олди, деган ретроспектив (ортга, мозийга қайтиш шу бўлса керак) ўй ва саволлар буюк ватанпарвар адибни қийноққа солгани, шубҳасиз.

Шундай оғир ўй-хаёл ва изтиробларнинг меваси ўлароқ "Ўткан кунлар" романи дунёга келди ва халқ ҳам уни севинч ва алам билан кутиб олди.

Туркистон Мухторияти ҳалокати билан "Ўткан кунлар" романи яралишидаги узвий боғлиқлик анчайин муболаға бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ўша пайтдаги умумхалқ шодлиги, даврнинг донгдор шоирлари А.Авлоний, Ҳамза, Чўлпон ва бошқалар Мухториятни қутлаб, беҳад шод-хуррамлик ва ғурур билан ёзган шеърлари ва мадҳияларини ёдга олсак, масала бир қадар ойдинлашади. Ҳамза "Улуғ Туркистон" газетасининг 1918 йил 11 январ сонида эълон қилинган "Туркистон Мухториятина" шеърида ёзади:

Тўрт юз йиллик Романов битгач давлати,
Кўтарилди асорат, хўрлик зиллати.
Насиб ўлди миллата қайтиб шавкати,
Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти![60]

Ёки Чўлпон Туркистон Мухторияти эълон қилиниши муносабати билан ёзилиб, "Эл байроғи" газетасининг 1917 йил 13-сонида чоп этилган "Озод турк байрами" шеърида қуйидаги мисралар нақорат тарзида жаранглайди:

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,
Ватан – бизнинг жонимиз, фидо ўлсин қонимиз![61]

Шоир асарлари изоҳида ёзилишича, бу шеър варақа тарзида нашр этилиб, шаҳар аҳолиси ўртасида тарқатилган ва Мухторият мадҳияси сифатида куйланган[62].

Асрий орзу ушалганидан умумхалқ қувончи қанчалик юксак бўлса, умид пучга чиққач, қайғу-алам шу қадар чуқур бўлганини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Ватанпарвар, миллатпарвар зиёли учун бундан ортиқ миллий кўргилик, фожеа бўлиши мумкинми? Мана сизга "Ўткан кунлар" романи руҳиятидаги фоже мазмун ва ҳазин туйғунинг туб илдизи, трагик маъно-моҳият, тагдор хулоса ва рамзларнинг асл манбаи.

Мен ҳозир роман руҳияти ҳақида гапирдим. Лекин у иккиламчи ҳодиса, асар руҳиятини муаллиф руҳияти яратади. "Ўткан кунлар"ни ёзаётган Абдулла Қодирий руҳияти кўп жиҳатдан Ҳамлет руҳиятига яқин эди. Ҳайрон қолманг, Қодирий реал тарихий шахс, Ҳамлет эса Шекспир яратган трагедия қаҳрамони-ку, деб. Буюк адиб ўз қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек ҳожи тилидан айтган дарду армонлар, афсус-надоматлар Ҳамлетникидан кам эмас. Қирол отасининг туйқус ўлими, аза тугамай онаси қиролича тахтга ўтирган амакисига тегиб олиши, отаси арвоҳининг бот-бот пайдо бўлиб, оқибат Ҳамлетга қабиҳ жиноят сирини очиши... Булар бари жамланиб, Дания зиндону асар қаҳрамонларидан Марцел айтганидек, "Мундан маълум бўладики, Дания мамлакатига бир бало юзланган" ёки М. Шайхзода таржимасида, "Дания давлатига бир бало юққан", деган хулосага олиб келади.

Абдулла Қодирий яшаб турган воқелик бундан оғир бўлса оғир, енгил эмасди. Туркистон мамлакатига юзланган бало эса большевизм, тоталитаризм балоси эди. Ушбу бало охир-оқибат

[59] Шу ерда. – Б. 134.

[60] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 155.

[61] Чўлпон А.С. Асарлар. Тўрт жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 22.

[62] Шу ерда. – Б. 322.

буюк адиб мансуб бўлган ижодкор авлодни жисмонан маҳв этди.

Ҳамлет образи XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятига бегона эмас. Рауф Парфи унинг дарду алами боис ўзига яқин олиб, "Замондошим менинг, жафокаш Ҳамлет" дея хитоб қилади экан, "Ҳамлет" деб номланган сонетлар учлигини шундай якунлайди:

Сен-да кетарсанми, о Ҳамлет, нечун?
Кимларга ишониб кетарсан дўстим.
Наҳот етар сенга ёвузлик кучи?!
Йўқ, сени ўлдирди шоирнинг ўзи...[63]

Ҳамлет жисмонан маҳв этилса-да, унга ёвузликнинг кучи етмайди, у енгилмас. Ўлган бўлса, шоирнинг ўзи ўлдирди уни, демоқда шоиримиз.

4

"Трагедияда ўлим ҳукмронлик қилади"[64] деб ёзади йирик шекспиршунос Александр Аникст. Айни шу нуқтада, юқорида айтганимиз, трагедиядаги "Ё ўлиш, ё қолиш..." монологи билан Отабек ўлимга ҳукм этилган пайтидаги ўй-хаёллари қандайдир умумий, муштарак чизгиларга эгадек. Бунда Ҳамлет руҳияти Қодирий руҳияти билан, ушбу руҳият яратиғи бўлган Отабек руҳияти билан қатор ёвуқ белгилар касб этади. Зеро, "Инсон мия билан эмас, Руҳ билан фикрлайди" ("Человек мыслит не мозгами, а Духом"[65]). Биз адабиётлар, бадиий асарлар ва улардаги қаҳрамонлар орасидаги яқинликлар ҳақида гапирар эканмиз, уларда айтилган фикрлар, ҳолат ва зиддиятлар билан бир қаторда руҳий яқинликка ҳам кўпроқ эътибор қаратишимиз лозимга ўхшайди. Руҳий яқинлик, руҳдошликни қиёсий адабиётшунослик марказига олиб чиқиш зарурдир, балки. Мен бир пайтлар "Шекспирнинг руҳдоши" ("Соғлом авлод учун", 1999. 3-сон) номли мақола ёзиб, унда Абдулла

[63] Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 44.

[64] Аникст А. Творчество Шекспира. – М.: Худ.лит-ра, 1963. – С. 380.

[65] Мулдашев Эрнст. В поисках города богов. Т.4. – СПб.: Нева, 2005. – С. 323.

Ориповнинг бир шеъри билан Шекспирнинг машҳур 66-сонетини қиёслаган эдим. Умуман олганда, руҳдошлик тадқиқи ва талқини қиёсий адабиётшуносликни янги тараққиёт босқичига олиб чиқса ажабмас.

Трагедияни психология жиҳатидан теран таҳлил қилган улуғ руҳшунос олим Л.С.Виготский ўзининг машҳур "Санъат психологияси" асарида ёзади: "Ушбу монолог Ҳамлетнинг чегарадаги, бўсағадаги, қабристондаги ҳолатини аъло даражада тасвир этади"[66].

Адабий қаҳрамон, айниқса, у буюк бадиий асар таркибида бўлса, ўзи мансуб халқ ва кенг маънода инсон руҳиятининг муайян қиррасини намоён этади. Ҳамлетнинг дард-изтиробларини ва Отабекнинг қатл олдидан (ҳали у тасодифий-қонуний тирик қолишини билмайди, албатта) қалбидан кечирган ўй-хаёллари типологик яқинлик касб этади, муайян нуқталарда туташади, айрим ўринларда эса ҳар бири ўз йўлидан кетади. Ҳамлет ва Отабек образлари балки ялпи типологик қиёсга имкон бермас, лекин образлар ҳаёт йўлининг, буни чизиқ (–) тарзда белгиласак, ушбу йўлнинг маълум нуқтасида (.) улар муштараклик касб этиши мумкин. Зеро геометрияда ҳар қандай чизиқ нуқталар жамланмасидан иборат экани маълум. Трагедия ва романдаги муштарак ҳолатлар қиёсланиши қаҳрамонлар ҳаёт йўлидаги икки типологик ўхшаш нуқтанинг қисман мос келиши деб ҳам қараш мумкин.

Ҳамлет монологда ҳаёт ва ўлим ҳақида оғриқлик фикр юритар экан, унда танлаш учун имкон бор – "Ё ўлиш, ё қолиш...", Отабек эса ушбу лаҳзада ўлимга маҳкум. Унинг тақдирини лаҳзалар ҳал қилмоқда.

"Ҳамлет. Ё ўлиш, ё қолиш – гап шунда!.. Ўлмак ухламоқ демакдир. Чинакам ухламоқ ... балки туш кўрмак. Мана шуниси ёмон. Устимиздан бу фоний дунёнинг бутун изтиробларини иргитиб ташлаб шу ўлим уйқусига кирганимиздан кейин қанақа тушлар кўрар эканмиз. Шу ерда пича андишага эҳтиёж

[66] Выготский Л.С. Психология искусство. – М.: Искусство, 1968. – С. 426.

бор. Мана шу масала орқасида биз ўзимизни бу фоний дунёда қанча йиллар умр қилиш қулфатига боғлаб берамиз... Замонининг зарбалари ва хунук башараларига, золимларнинг зулмларига, киборларнинг таҳқирларига, рад этилган севгининг аламларига, қонунларнинг бажарилишидаги имиллашларга, ҳукуматдорларнинг зулмларига ва қобил одамларнинг бошларига ноқобил одамлар томонидан тушириладиган бутун калтакларга кимнинг тоқати бор? Кичкинагина бир ханжарнинг биргина зарби билан шуларнинг барчасидан қутулмоқ мумкин-ку!"[67] (Чўлпон таржимаси)

"Ўткан кунлар"да:

"Отабек гарангсиган сумол деворга суянган, мундаги аллақандай маъноларни англатқан тахт, тож, хон, бек каби лаш-лушлар унинг кўз ўнгида қора пуллик қадру қийматсиз... Тўғриси ул ажиб бир табиъатка кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз... Йўқ, ул сезса-да, билса-да, гўё оёғ, қўли боғланиб бўғизланишга ҳозирланган бир қўй каби қайралаётқан пичоққа бутунлай парвосиз, қўрқувсиз томошо қилар эди. Бу турмуш, бу ҳокимият, чеки кўринмаган бу қоронғилиқ... унинг учун сира қизиқарлиқ эмаслар: ул йўқ эди – тинч эди, ул келди – тинчимади, ул яна йўқ бўлса эҳтимол яна тинчир эди. Мана шунинг учун ҳам ул безрайган эди. Фақат... фақат шу турмушдаги бировгина унинг кўнглидан тезроқ ювилмас ва ювилиши ҳам қийиндек... Ниҳоят бундан ҳам қутулгандек. Нима... аммо сўнг нафасида унинг билан видолашса, бўғозига ханжар ботар экан, унинг юзига қарабқина кўзи нурсизланса... Унинг ҳамма орзуси шу эди ҳозир"[68].

Орада икки фарқ яққол кўзга ташланади, бири ифода тарзида, иккинчиси, қаҳрамонлар ҳолатида. "Ҳамлет" саҳна асари, одатда унда залга, томошабинга қарата сўзланади, роман эса баён-тасвир воситасида яратилган эпик асар. Қисқача айтганда, бири – монолог, иккинчиси – тасвир.

Бинобарин, драма ва роман турли адабий турга мансубдирки, улар тасвир ва ифода жиҳатидан ўзаро кескин фарқланадилар. Бир пайтлар улуғ инглиз драматурги Бернард Шоу "Мистер Беннет ўйлайдики, пьеса ёзиш романдан кўра осонроқ"[69] деган мақола ёзиб, унда Шекспирнинг "Макбет" трагедиясидаги кичик бир саҳнани насрда ёзиб чиқади, бу тасвир нақ беш саҳифани эгаллайди. Бундан кўринадики, бу икки тур воқелик ва инсон тасвирида бошқа-бошқа йўл ва усул қўллайди. Пьеса гапириш орқали кўрсатади, роман асосан тасвирлайди.

Шундай экан, биз трагедия ("Ҳамлет") ва роман ("Ўткан кунлар")даги моҳиятан ўзаро яқин икки ҳолатни солиштирар эканмиз, орадаги тасвир-ифода йўсинидаги фарқни унутмаслик ва қайд этишимиз лозим бўлади.

Лекин ҳар икки матнни бирлаштирувчи, муштарак махражга олиб келувчи нуқта бор. Бу – ўлим. Юқорида айтилганидек, Ҳамлетда танловга имкон бор, Отабек эса ўлимга маҳкум. "Кичкинагина бир ханжарнинг биргина зарби билан шуларнинг барчасидан қутулиш мумкин-ку!" Бу – Ҳамлетнинг дил изҳори. Отабек бўғзига эса ханжар тиралган, унинг эрки ўзида эмас.

Драматургия қонунларига кўра, Ҳамлет фақат сўзлайди, у ўзига ўзи муаллиф. Отабек ҳолати эса муаллиф томонидан чизилади: "Отабек гарангсиган сумол деворға суянған... ул ажиб бир табиъатка кирган, унинг вужуди қуруқ ва ҳиссиз".

Ҳар икки қаҳрамон оламдаги адолатсизликдан оғринади, ундан фақат ўлим қутқаришини, Ҳамлетни "ўлим уйқусига кирган"дан сўнг қандай тушлар кўриши ташвишга солади, ўйлатади. Отабек эса ўзи ҳақида шундай фикрлайди: "ул йўқ эди – тинч эди, ул келди – тинчимади. Ул яна йўқ бўлса эҳтимол яна тинчир эди".

[67] Чўлпон А.С. Асарлар. Тўрт жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 358-359

[68] Абдулла Қодирий. Рўмонлар. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаё. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. – Б. 100.

[69] Писатели Англии о литературе. XIX-XX вв. Сборник статей. – М.: Прогресс, 1981. – С. 222.

Таққосланаётган матнлар орасида бир муҳим фарқ бор. Ҳамлет монологида севгига, яъни Офелияга ўрин йўқ, у курашовида бўлган мудҳиш хаёллар олдида Офелия муҳаббати арзимас матоҳ бўлиб қолади, шекилли. Отабек кўнглидан эса "биравгина" ювилмас, "Ниҳоят бундан ҳам қутулғандек. Аммо...". Ана шу уч нуқтали "аммо" Отабек муҳаббатининг кучини ва нариги дунёда ҳам севги уни тарк этмаслигини таъкидлагандек бўлади.

Ҳозиргина Ҳамлет монологида севгига ўрин йўқ дедик, лекин бу унча тўғри эмасдек, чунки монологдаги "рад этилган севгининг аламлари" айни Офелияга ишорадир. Лекин икки матндаги севгининг нисбати фарқли ва у Отабек ҳолатида Ҳамлетникига қараганда каттароқ мавқе тутади. Бу "Ҳамлет"дагидан фарқли ўлароқ, трагедияда севги ёндош мотивлардан бири, холос, "Ўткан кунлар"да севги марказий ўрин тутиши – инсоний севги ва Ватан севгиси – билан боғлиқ, албатта.

5

XX аср ўзбек адабиёти жаҳон бадиий маданияти контекстида, деган катта, ҳатто айтиш мумкинки, глобал масалага эътибор қаратар эканмиз, бунда бир-бирига муқобил турган икки ҳодиса – XX аср ўзбек адабиёти ҳамда жаҳон бадиий маданияти – моҳиятини англаш зарурияти пайдо бўлади. Биринчиси-ку, маълум, ўтган XX аср мобайнида ўзбек халқи яратган адабий обидалар, бадиий асарлар мажмуи. Иккинчиси – мураккаб ва улкан фалсафий-назарий масала. Инсоният 3-4 мингйиллик тараққиёти давомида яратган бадиий-маданий бойлик – сўз воситасида тасвир ва ифода этилган ғоя ва туйғулар, жаъми бадиий кашфиётлар жамул-жам тарзда жаҳон бадиий маданиятини ташкил қилади. Бу шунчалик улкан ва бепоён тушунчаки, у ўтмиш ва ҳозирги кунни, Шарқ ва Ғарбни бирдай қамрайди ҳамда Ер юзидаги барча халқ ва элатлар, яъни ҳамма-ҳаммага тегишли том маънодаги жамоавий маънавий бойликни англатади. Инсоният яратган бадиий маданият бойликларида ҳамманинг, бировники кўп, бировники озроқ, ҳиссаси бор.

Шундан келиб чиқиб, янги ўзбек адабиёти жаҳон бадиий маданияти контекстида, деган масалага жуда кенг – ҳам адабий таъсир, ҳам типологик қиёс тарзида ёндошмоқ айни илмий самарали йўлдир, деган қарорга келиш мумкин.

Одам, у эрамиздан олдинги мингйилликларда яшайдими, айтайлик қадимги юнон даҳоси Ҳомер каби, ёки даҳо шоиримиз Алишер Навоий каби XV асрда ёки Шекспир каби XVI асрда, Абдулла Қодирий ёки Чўлпон каби XX аср бошида яшайдими, миллати, тили, маданий савияси ва эътиқодидан қатъий назар, одам барибир одам. Эзотерикага оид муътабар бир китобда ёзилишича "Одам моҳиятан (ўзининг латиф вужуди орқали) чайқалиб турувчи буюк Бутуннинг таркибий қисмидир"[70]. Одам зотининг танланган вакиллари бўлмиш буюк ижодкорлар, сўз усталарини ана шундай буюк Бутунлик, сўз алкимёси бирлаштириб туради. Уларнинг тупроғи бир жойдан олинган, лойи ўзгача қорилган бўлади. Улар яратиқларидаги муштаракликлар, ҳаёт ва ўлим, инсоннинг олам-коинот ва жамиятдаги ўрни, тирикликнинг маъно-моҳияти каби абадий муаммолар талқини ўзаро яқинликнинг онтологик замини ҳам, типологик тадқиқотлар асоси ҳам –шунда.

Глобаллашув янги-янги бадиий-типологик талқинларга йўл очади ва шундай талқинларни талаб қилади. Энди инсоният ҳам, инсон кўнгли жавҳари меваси бўлмиш бадиий адабиёт ҳам, у қайси даврда яралганидан қатъи назар, талқин соҳасида тор миллий доирада биқиқ яшай олмайди.

Маънолар, ғоялар учрашуви ва тўқнашувидан янги маънолар, янги ғоялар туғилади. Фақат улар инсон камолотига хизмат қилса, илоҳий моҳиятига муносиб бўлса, бас.

[70] Алиса А.Бейли. Трактат о Семи Лучах. Эзотерическое целительство. – М.: Белые альвы, 2000. – С. 84.

2. Самовий миқёс: “Ўткан кунлар” ва “Қирол Лир”

“Ўткан кунлар” романи янги ўзбек адабиётининг моҳиятида ётувчи ҳодиса – Шарқ-Ғарб бадиий синтези борасида катта илмий-бадиий материал берадиган асардир. “Абдулла Қодирий, баъзи бир одамлар айтмоқчи, “бир-иккита рисола ёзган анчайин ёзувчи эмас, *янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар ёзган* (таъкид бизники – С.М.), ўзбек романчилигини бошлаб берган улкан адибдир”[71].

Ушбу кўчирмадаги “янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази” ўлчов мезони сифатида Абдулла Қодирий ўз романлари билан амалга оширган бадиий синтез каби ноёб ҳодисанинг бутун бўй-бастини аниқ ва яққол ифодалайди.

Чин бадиий асар руҳий-маънавий ва моддий миқёсдан яралади ва ўзи ҳам янги миқёс яратади. Миқёс – бадиий асарнинг ҳаракат майдони, жаҳон аҳлига таратгувчи туйғу ва маънолар мажмуи. Бадиий асар реал воқеликка таяниб яратиладиган руҳоний ҳодиса. Яъни – сўздаги руҳоният.

Буюк қозоқ адиби Мухтор Авезов айтганидек, “Ўткан кунлар” яйдоқ саҳрода туйқус Помир тоғи пайдо бўлгани сингари ҳайратомуз ҳодисадир. Улкан адибнинг ушбу қиёси замирида сирли бир тимсол бордек. “Дунё томи” аталмиш Помир пойи билан ерда турса, қорли чўққилари самога туташ. “Ўткан кунлар” бир тарафдан “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари”дан, севгувчи қалблар изтиробию фожиаларидан сўз юритса, иккинчи тарафдан, ўзининг руҳоний чўққиси билан юксак фазоларга, самовий оламларга туташ. Шу туфайли у самовий завқ манбаи, роман шаклидаги руҳониятдир.

Бутун бир миллат, туркий қавм, катта бир ҳудуд адабиётини янги реалистик роман ўзанига буриб юборган асар бехислат, бехосият бўлмаслиги, катта бадиий кучга эга бўлиши шоён ҳақиқат.

[71] Қ а х х о р-А. Асарлар. Беш жилдлик. 5-жилд. Тошкент, 1989. 194-бет.

Самовий миқёс “Ўткан кунлар” романига хос хислат. Бу жиҳатдан у улуғ бадиий обидалар, жумладан Вильям Шекспирнинг “Қирол Лир” трагедияси билан, хусусан ҳар икки асар учун муштарак бўлган Довул тасвири (Довул образи ҳам дейиш мумкин) орқали умумий тил топишади. Гўё сўзлашади, фикр олишади.

Инсон табиат ҳодисалари билан ёнма-ён, табиат қонунларига бўйсуниб яшайди. Табиат ҳодисалари бадиий асарда тасвирланар экан, муайян мақсадга бўйсундирилади ва албатта, поэтик вазифа бажаради. Асар бадиий жиҳатдан қанча юксак, ижодкор кўзлаган ғоя қанча теран бўлса, табиий ҳодисалар тасвири шу қадар ёрқин ва таъсирдор бўлади. Унинг миқёс кўлами шу қадар улканлашади.

Одатда, табиат ҳодиса ва манзараларининг адабиёт ва санъат асарларида тасвирланиши пейзаж деб номланади. Юқорида айтилганидек, пейзаж бадиий асарда деярли ҳамма вақт бадиий вазифа бажаради, яъни асар воқеаларига қўшимча тоза руҳ ёки фикрий теранлик бағишлайди, асарнинг маъно кўламини кенгайтиради.

Ичда довул – ташда довул. Шекспирнинг “Қирол Лир” трагедияси ва “Ўткан кунлар” романидаги довул – бўрон саҳналарини таққослаш довул айнан шу тартибда – аввал ич, сўнг ташқари, рўй берганини тасдиқлайди. Бўрон қўйнидаги Лир дейди: “... Руҳинг озод бўлганида тан сезгир бўлар, Руҳингдачи шунча тўфон, қуюн бор экан, Барча сезги ўтмасланиб қолган бўлади: Ва бу санчиқ (юрагини кўрсатиб)” (III парда, 4-саҳна). Зеро, ташқарида довул қутурган тақдирда ҳам агар одам ичдан сокин-хотиржам бўлса, довулга парво ҳам қилмаслиги мумкин. Ичдаги довул эса – даҳшат. Қизиғи шундаки, трагедия аслиятида барча ўринларда “бўрон”ни англатадиган “storm” сўзи қўлланган ҳолда, фақат шу ерда “tempest” сўзи ишлатилган – “The tempest in my mind”[72]. Луғатлар тасдиқла-

[72] The complate Works of William Shakespeare. Abbey Library. London, 1977. P. 900.

шича, бу сўз ўта кучли бўронни англатади экан.

Бинобарин, бош қаҳрамонлар – Лир ва Отабекнинг муайян пайтдаги руҳий ҳолати гўё довулни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ташқи оламда қутуриб эсаётган довул қаҳрамонлар қалб-жонини ларзага солаётган ички талотумга ҳам кўримли, ҳам рамзий ишорадир.

Оқпадар қизлари томонидан кўчага ҳайдалган Лир сўзлари:

Шундай ишлар қилайинки, билмайман нима:
Ҳар ҳолда мен коинотга даҳшат соламан.
Сиз нима деб ўйлаяпсиз, мен йиғлайманми?
Йўқ, йиғлаётганим йўқ.
Ўкирсам ҳам бўладиган сабаблар бор-ку...
II парда. 4-саҳна. (Ғ. Ғулом таржимаси)

Айнан шу ерда, Лир, Глостер, Кент ва Масхара саҳнадан чиқиб кетишгач, бўрон бошланади. Бу "Момақалдироқ, узоқдан бўрон овози" деган ремаркадан ва Герцог Корнуэлнинг "Ва бўрондан қочиш керак" деган сўзларидан маълум бўлади. Шундан сўнг бир қанча муддат Лир бўрон шароитида, у билан яквужуд бўлиб яшайди.

"Қирол Лир"даги самовий ларза – изтироблар Лирнинг янги одам бўлиб қайта туғилишида шунчаки фон холос"[73]. Муайян маънода тўғри бўлган бу фикр трагедиядаги бўрон саҳнаси аҳамиятини бирқадар пасайтиради, бизнингча. Чунки асар самовотида (ҳар қандай буюк бадиий асарнинг ўз олами, самовати бор) рўй бераётган талотумлар нафақат фон, балки аламзада Лир қалбида кечаётган ботиний бўроннинг самовий тимсоли.

Пейзаж реал фалсафий асосга таянади. Модомики, одам табиат қўйнида табиат ҳодисалари билан ёнма-ён қўшилиб яшар экан, табиат ҳодисаларининг қайбир даражадаги тасвирисиз бадиий асар чала ва қуруқ бўлиши муқаррар. Ундан ташқари, энг муҳими том бадиий асарда пейзаж, табиат ҳодисалари тасвири асар воқеаларига ўзгача юксак ўлчам – самовий миқёс бахш этишидир.

"Шекспир пейзаждан драматик ҳаракат қуроли ясайди... Шекспирдаги драматик пейзажнинг энг муҳим белгиларидан бири – унинг самовий қурилмага эга эканлигидир"[74]. Машҳур шекспиршунос А.Аникст эса "Қирол Лир" трагедиясидаги "чинакам космик миқёс"ни ("подлинно космическая масштабность"[75]) қайд этади. Яна шу ерда айтилишича, "Бўрон, момақалдироқ образи трагедияда етакчилик қилади".

Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой Шекспирнинг оламшумул шуҳратини йўққа чиқаришга беҳуда ҳезланар экан, "Қирол Лир"даги Лирнинг бўрон пайтидаги хатти-ҳаракатини ҳам салбий баҳолайди, яъни унинг назарида бу "совершенно фальшивых эффектов бегания Лира по степи"[76].

Инсон заминда яшаб турса-да, моҳиятан самовий ҳодиса. Унинг руҳиятида қўпган талотум олам-табиатни ларзага солса, не ажаб.

Илоҳий қонуниятларга биноан ташқи олам ва табиатда кечадиган ҳодисалар билан инсон руҳиятида содир бўлган кечинмалар ўртасида ажиб уйғунлик бор. Бундай уйғунлик улуғ ижодкорлар томонидан теран илғаниб, асарда ўринли-кўримли қўлланса, доимий завқ ва бадиий лаззат манбаига айланиши турган гап. Зотан, Лирнинг бўрон пайтидаги ҳолати, Толстой юқорида ёзганидек, "тамом сохта таассурот уйғотувчи чўл бўйлаб югуриш" бўлмай, чин маънода оғир руҳий талотум исканжасида қолган инсон руҳий ҳолатининг кўримли психологик портретидир. Бу портрет ташқаридаги бўрон билан Лир руҳидаги туфон, қуюн уйғунлигидан яралади. Икки ҳодиса бир- бирови учун кўзгу вазифасини ўтайди.

"Ўткан кунлар" романининг ўрталиқ иккинчи бўлимидаги

---

[73] Ч и р к о в Н. Некоторые принципы драматургии Шекспира. – Шекспировские чтения. 1976. М., 1977. С. 27.

[74] Ч и р к о в Н. Некоторые принципы драматургии Шекспира. – Шекспировские чтения. 1976. М., 1977. С. 25.

[75] Ш е к с п и р У. Полн. собр. соч. в 8-т. Т.6. М., 1960. С. 662.

[76] Т о л с т о й Л.Н. Собр.соч. в 20-ти т. Т. 15. М., 1964. С. 315.

"Жонсўз[77] бир хабар ва қўрқунч бир кеч" боби Отабек ва Ҳомиднинг ҳаёт-мамот тўқнашуви тасвир этилган "Душанба кун кечаси" боби билан биргаликда асарнинг драматик кульминацияси дейиш мумкин. "Душанба кун кечаси" асар воқеалари, сюжетининг кульминацияси бўлса, "Жонсўз бир хабар..." боби романдаги самовий ҳиссиёт, коинот туйғусининг чўққисидир. Асарнинг деярли қоқ ўртасидан ўрин олган ушбу боб, аниқроғи, унинг иккинчи қисми, яъни "Хўжа Маъоз" мозоридаги довул (адиб таъбирича. "кучлик бир ел") тасвири романга Коинот кўламини олиб киради. Асарда тасвирланган ва тасвирланажак жами воқеалар кундалик оқим воқеалар ичидан гўё айириб олиниб, жаҳоний-самовий доирага эш этилади:

"Кўкни ўраб олган қора булутлар ҳам тус-туска бўлиниб, ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб ер юзига мўралаб қўйди"[78]. Шу сўзларни ёзаётган инсон, ижодкор шу пайтда ерда эмаслиги аёндек.

Қизиғи шундаки, "Қирол Лир"да Толстойга ёқмаган "югуриш" саҳнаси "Ўткан кунлар"да, биз кўриб чиқаётган бобда ҳам мавжуд. Ҳомиднинг сохта талоқ хати туфайли севикли ёр хонадонига киролмай остонадан қувилган Отабек "Қутидорнинг тилсимлик дарвозаси" атрофида саргардон кезар экан, Кумушнинг эрга берилиши хабарини эшитади:

"Жонсўз бу хабарни эшиткан Отабекнинг ҳуши бошидан учкан каби бўлди-да, адим узган жойида михлангандек қотиб қолди. Гўё устидан бир челак қайнаган сувни ағдарган эдилар-да, бутун териси оёғига сидирилиб тушкан эди... Беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган, ҳушсизланган кўйи қотиб

[77] Романнинг Сарвар Азимов таҳрир остидаги нашрида (Тошкент, 1958. 213-бет) бу сўз "жонсиз" дея ўзгартирилган. "Жонсўз" жонни ўртовчи, куйдирувчи маънода бўлиб, бу сўз Отабекнинг куюк ҳолатига аниқ тимсолдир. "Жонсиз" эса боб мазмунига тамом тескари – хабар жонсиз бўлса, Отабекни шундай куйга солармиди?

[78] А б д у л л а Қ о д и р и й. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. Рўмонлар. Тошкент, 1992. 177-бет. Бундан сўнг асардан олинган парчалар ушбу нашрдан бўлиб, саҳифаси матн ичида кўрсатилади.

турғач, мошинавори бирдан юриб кетди...". "Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бу кун эрга бер", – деди ва телбаларча нима учундир кулиб қўйди, ўз-ўзига сўзланиб Марғилон кўчаларида тентакларча югура бошлади" (176-б.).

Шундан сўнг ҳам адиб Отабекнинг кейинги ҳолатини тасвирлашга киришуви ва бунда бир даражада муваффақият қозонмоғи ҳам мумкин эди. Лекин бундай бўлмайди. У Отабекдан вақтинча нигоҳини айиради-да, "Унинг бу кунги ҳолиға қараш юракларни ёрганидек, тасвирга ҳам қалам кучи ожиздир.." дея гўё ожизлигини тан олгандек бўлади. Э, йўқ! Бу бир тин олиш, қаттиқ курашга чоғланган паҳлавоннинг ҳал қилувчи жанг олдидан мисли нафас ростлашига ўхшайди. Бу ерда яна бир устама маъно бор: агар қалам ожиз бўлса бордир, лекин Яратганнинг сир-синоати – табиат ҳодисалари бор. Айни шу "қалам кучи ожиздир..." деган жумладан кейин бўрон (асарда "кучлик бир ел") тасвири бошланади. Яъни "Ойнинг ўн бешлари бўлса-да..." деб бошланувчи "Хўжа Маъоз"даги довул тасвири китобхонга тақдим этилади. Оллойи таоло оламни ялпи ўхшашлик асосида яратган, буни кўплаб алломалар айтиб ўтишган. Гёте "Фауст" трагедиясининг охирида ёзганидек:

Alles Vergangliches // Ўткинчи дунё
Ist nur Gleichnis // Бир тимсол фақат.
(Э.Воҳидов таржимаси)

Нарсалар, ҳодисалар, воқеалар бири-бирини англатиши, акс эттириши учун бир-бири қаршисига қўйилган беҳисоб кўзгулар кабидир. Чўлпон бир шеърига эпиграф қилиб келтирган Тагор сўзларини эслайлик: "... Биз олам китобини янгилиш ўқиймиз-да, у бизни алдади, деймиз".

Улуғ ижодкорлар олам китобини бехато ўқийдилар ва ўз асарларида кўзгу принципини моҳирона қўллайдилар. Қабристондаги довул манзараси Отабекнинг ички талотум "жонсўз" ҳолатига юзма-юз қўйилган ўзига хос кўзгу бўлиб, кўзгу принципига монанд рамзу имо тили воситасида чизилган сир-

ли – сеҳрли тасвирдир. Отабекнинг юракларни ёрадиган ҳолини тасвирлаш учун адиб қалами ожиз бўлиши мумкин (аслида бу ҳам бир усул, лутф), лекин ёзувчига улуғ мададкор – табиат бор. Унинг тамсилий тили бор.

Маълумки, боб шундай якунланади:

"Масжид минорасидан руҳоният ёғдириб мунглик азон товши эшитилди-да, уйқу қучоғида ётқан табиъат уйғониб жавоб берган каби жонғираб кетди. "Оллоҳу акбар"нинг сўнгғи такрорида Отабек зиёратхона айвонидан тушди-да, шалдираб оқиб турган ариқ ёнида таҳорат олишка ўлтурди..." (177–178-б).

Шу ўринда "Хўжа Маъоз" ҳақидаги кейинги маълумотларни айтиб ўтсак. Тарихчи олима М.А. Юсупова ўзининг XVIII-XX аср бошларидаги Марғилон архитектурасига бағишланган мақоласидан "Хўжа Маъоз" оддий қабристон эмас, балки Марғилоннинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган, қатор иморатлардан ташкил топган бутун бир мажмуа эканини билиб оламиз. "У (яъни мажмуа – С.М.) XV-XVI асрлар санасида қабристон тўрида барпо қилинган. Маҳаллий аҳоли уни яна Ҳасти Маъоз ибн-Жаббор (бошқа номи – мозор Ҳасти Абдужаббор) деб атайди. XX аср ўрталарига оид тарихий суратларга кўра ҳали мавзолей ўзига хос маҳаллий хусусиятларга эга жуда кўркам иншоот бўлган"[79]. Демак, қаҳрамонимиз Отабек зиёратгоҳда бўлган пайтда у яхши сақланган меъморий мажмуа бўлганига шубҳа йўқ.

"Хўжа Маъоз" тасвирига дастлаб жиддий эътибор қаратган адабиётшунос Тўлқин Расулов ушбу парчани келтиркан, ёзади: "Башарти Абдулла Қодирий шу сўнгги гапларни тасвирдан тушириб қолдирганида борми, биз тунги манзара тасвирини етарли даражада тўғри англай олмас эдик... Бу гап кишини ўйлатиб қўйиши ва ниҳоят: демак, Отабек шу ерда тунаган экан-да, ҳалиги бойқушлар сайроғига уланиб кетган

[79] Ю с у п о в а М.А. Архитектура Маргилана XVII – начала XX вв. – Трансоксиана – Мавераннахр. Сборник статей. Изд. Журнала "San'at". Ташкент, 2007. С. 229–230.

ингранiш каби бир товуш ҳам унинг товуши экан-да, демак, унга тун бўйи уйқу бермаган девонавор фикрларини муаллиф бизга мажозий образлар воситаси ила ҳикоя қилаётган экан-да, – деган хулоса томон етаклайди"[80]. Бу тўғри фикр. Лекин масаланинг фақат бир томони. Аммо бобдаги табиат тасвири ва мажозий образларни фақат Отабекнинг "жонсўз бир хабар" эшитганидаги ва ундан кейинги ҳолатига боғлаб қўйиш, фақат шу томондан таҳлил қилиш унчалик тўғри эмас, шекилли. Ушбу тасвир Абдулла Қодирий ижодий даҳосининг нодир намунаси бўлиб, икки мустақил жабҳада бирдай ишлайди, дейиш мумкин.

Биринчидан, у Отабек ҳолатига мажозий тимсол, унинг девонавор ўй-фикрларининг бошқа кўринишдаги суврати. Қизиғи шундаки, қабристондаги довул ёлғиз Отабек нигоҳи орқали чизилгандек, гўё фақат унинг онгида, қалб-вужудида рўй бераётгандек. Кейинги бобда Уста Алим уйида Отабекнинг "Хўжа Маъоз"да тунагани ҳақида икки марта, аввал Отабек ва Уста Алим, сўнг Уста Алим ва Уста Парфи ўртасида гап бўлиб ўтади. Қабристон Марғилонда жойлашган эса-да, икки сафар ҳам довул, кучлик ел ҳақида ҳеч бир гап-сўз бўлмайди. Бу, назаримизда, ғоят муҳим нуқта.

Демак, кучлик ел фақат "Хўжа Маъоз"да ва Отабек руҳиятида содир бўлган. Янада аниқроқ айтганда, ўша лаҳзадаги Отабек ва "Хўжа Маъоз" яхлит бир вужуд, ягона онгга айланиб, талотум манзараларни биргаликда кўриб, биргаликда кечиришган. Отабек ғайриоддий мушоҳада оғушида бўлган.

Иккинчидан, бундаги тасвир-тимсол шунчалик қудратли ва миқёслики, у, аввал айтилганидек, Отабекнинг "жонсўз" ҳолатига боғланиб қолиши мумкин эмас. Тасвир бу майдондан ташқари чиқади. Бутун асар унинг таъсир доирасига киради. У ўзининг мудҳиш ва гўзал шуъласини бутун асар бўйлаб ташлайди, гўё трагик романнинг ҳиссий-интеллектуал миқёсини белгилашда фаол иштирок этади.

[80] Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкет, 1978. 138-бет.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов "Хўжа Маъоз"даги тасвир ҳақида "Бунақа ёввойи, қудратли симфонияни китобхон қулоғи остида жаранглатиш қийин, жуда қийин..."[81] деяр экан, тасвирнинг *мусиқий табиатини*, ялпи таъсир кучини қайд этади. Дарвоқе, Мухтор Авезов ҳам буюк адиб асарларига мусиқа ёрдамида тавсиф берган эди: "унинг асарларидан ҳузурланар экансиз, худди Чайковский ёки Қурмонғозининг сеҳрли мусиқасини тинглагандек завқ туясиз". Зеро, мусиқа инсонни руҳоният олами билан, ерни кўк билан боғловчи энг яқин йўл, самовий миқёсга олиб чиқувчи руҳий пиллапоя. Шунда, илк бор яратилган одам танасига киришни хоҳламаган жон най кучи сеҳри билан танага киргани ҳақидаги гап афсона эмас, улуғ бир сирга ишорадек туюлади.

Асар бобда ўз чўққисига чиққан самовий миқёсга изчил кўтарила борганини кузатиш мумкин. Ундан олдинги "Наво куйи" бобида, "дуторнинг мунглик товшиға" берилган Отабекнинг мутаассир қиёфаси яратилади-да, асар шу ўринда мусиқий оҳанглар қанотида олий миқёсларга кўтарилади. "Дутор қуруққина йиғламас эди, балки бутун коинотни зирр этдириб ва хаста юракларни дирр силкитиб йиғлар эди..." (173-б).

Гап синтаксисига эътибор беринг – бутун коинот ва хаста юраклар. Улар бетма-бет қўйилар экан, охиригача англаб бўлмайдиган, ғайришуурий тўда маънолар тасаввурни қитиқлаб ўтади. Коинот ва юрак яхлит, ягона макон – мўнглиқ инсоннинг ватани. Лекин коинот бутун, юраклар эса хаста...

"Хўжа Маъоз"да вазият бундан-да оғир. "Бойқушлар уяси бўлган икки туп чинорнинг қаршисида рўбарў-рўбарў қилиб солинган айвон – зиёратхона бор, аммо ой тик кўтарилганликдан зиёратхона ичи қоп-қоронғи эди. Чинор шохлари тасбиҳ каби чизилган бойқушлар билан тўлган" (177-б).

Биз мазкур боб асарнинг рамзий модели дер эканмиз, шунга ўхшаш ҳар бир сўзи ҳам тасвир, ҳам рамз бўлган том реа-

[81] Норматов У. "Ўткан кунлар" ҳайрати. Тошкент, 1996. 60-бет. (Китобдан Ў.Ҳошимов билан қилинган суҳбат ҳам ўрин олган).

листик ва тамсилий манзараларни кўзда тутамиз. Юқоридаги иқтибослардан бирида айтилганидек, "ёввойи, қудратли симфония" – тасаввурга сиғмас, ақлга бўйсунмас тасвир; ваҳима ва лаззатли куй.

Роман "Хотима"сида Кумуш дафн этилган қабристонда яна бойқушларни учратамиз. Лекин улар бу сафар негадир сокин: "Икки туп чинор бутоқларида қўниб ўлтурган уч-тўртта бойқушлар, қабр ёниға тизланган Отабек ва юқори, қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатка сомиъ каби эдилар" (302-бет). Қуръон оятлари бойқушларни ҳам сеҳрлаган, улар ҳам улуғ фожиадан таъсирланган каби. Яна гап қурилишига эътибор беринг: бойқушлар, Отабек, қабрлар – **ҳамма** Қуръон тиловатига сомиъ...

"Бўрон, момақалдироқ трагедияда етакчилик қилади"[82]. А.Аникстнинг Қирол Лир ҳақидаги мазкур гапи "Ўткан кунлар"га ҳам қисман тегишли. Қабристондаги довул тасвири асарда мураккаб ва кўп тармоқли рамзлар силсиласини ҳосил этади. Романнинг кульминацион марказида жойлашган ушбу тасвир китобхон онгига маҳкам ўрнашади ва нафақат ўзидан кейинги, балки ўзидан олдинги воқеаларга таъсир ўтказа бошлайди. Қаҳрамонлар ҳаёти йўлида учраган барча бўрон ва довулларга бадиий-рамзий таянч бўлиб хизмат қилади.

"Ўткан кунлар" романини мумтоз бадиий намунага айлантирган омиллардан бири, балки илкинчиси, унда "Инсон, Тақдир ва Даврни бир-бирига боғловчи Коинот туйғуси" ("Жаҳон адабиёти" журналининг 1998 йилнинг 6-сонида чоп этилган Т.Грум-Гржимайлонинг "Шостакович жумбоғи" мақоласидан) олий уйғунлик касб этганида. Асардаги самовий миқёс, Коинот туйғуси кўп жиҳатдан "Хўжа Маъоз"даги довул саҳнасининг тасвир-тимсол қувватидан ҳосил бўлган дейиш айни ҳақиқатдир.

"Хўжа Маъоз" роман символикасидаги марказий ўрин, авval айтилганидек, асарнинг рамзий моделидир.

Яна бир гап. Бобдаги рамзларни асардаги ва ундан ташқа-

[82] Қаранг: Шекспир У. Собр.соч. в 8-ми томах. Т. 7. С. 663.

ридаги воқеаларга, бош қаҳрамонлар тақдирига боғлашда, маъно-мазмунда алоқадорликлар излаш ва топишда эҳтиёткорлик, аниқроғи назокат зарур. Рамзларни чақишга киришиб кетиб, улардаги тирик жон – эркин тасаввурни сўндириб қўйиш мумкин. Улар аввало, ҳаётий, реал воқеа-ҳодисалар, фақат ундан сўнг рамзлар эканлигини унутмаслик лозим.

Йирик эзотерик олим П.Д. Успенский нариги дунё, қайта тирилиш, Карма каби рамзлар ҳақида ёзар экан, дейди: "Их невозможно понимать буквально, так же как нельзя понимать буквально художественные символы и аллегории. Нужно искать их *скрытого значения* (курсив автора – С.М.) того, которое не может быть выражено в словах"[83].

("Бадиий рамз ва аллегорияларни айнан англаб бўлмаганидек, уларни ҳам айнан тушуниш мумкин эмас. Уларнинг сўз билан англатиш мумкин бўлмаган *яширин маъноларини* (таъкид муаллифиники - С.М.) излаш зарур").

Улуғ адибимиз ва машҳур эзотерик олимнинг фикри бир жойдан чиқаётганлигини кўриш мароқли. Демак, адиб боб сўнгида Отабек аҳволини тасвирлашга сўз ожизлигини қайд этганда вазиятни жуда теран англаган, шунинг учун рамзу имо тилини ишга солган экан-да. Ва ўз навбатида, рамзу имо замиридаги сўз билан англатиш мумкин бўлмаган маъноларини излашимиз зарур. Бу энди П.Д. Успенский сўзлари.

Фақат ихтиёримизда Успенский таъкидлаб ўтган рамзлар қаридаги яширин маънони сўз билан тушунтириш эмас, кўнгил кўзи билан кўриб, қалбан ҳис этиш қолади, холос. Бу ҳам кам бойлик эмас. Балки чинакам бойлик – шу. Бадиий таҳлил шундай бойликка суянсагина, чинакам қадр топади.

Рамзга *аниқ бир маъно* юклаб қўйсак, унинг оҳорини тўккан, ўзимиз ва бизга инонган одамлар наздида рамзни ўлдириб қўйган бўламиз.

[83] Успенский П.Д. Tertium Organium. Ключ к загадкам мира. Санкт-Петербург, 1992. С. 87. (Бу китоб репринт нашр бўлиб, у дастлаб Санкт-Петербургда 1911 йилда босилган).

Деярли ҳар қандай шоҳ бадиий асар трансцендентал онг маҳсули. Ақл билан англаб бўлмайдиган, ҳар қандай тажриба доирасидан ташқари бўлган қандайдир Куч (буни Оллоҳ десак, катта кетган ва ёзувчини пайғамбарга тенглаштириб қўйган бўламиз) ижодкорни бошқаради, ўз кўйига солади. Бу нарса файласуфлар томонидан ҳам қайд этилади. "Демак, инсон феноменининг ғайритабиий ёки ғайриодатий ёки ғайривақтий олам билан инсоннинг ўзи учун зўр аҳамиятга эга бўлмиш қандайдир фундаментал алоқа мавжуд"[84]. Бу трансцендентал олам бўлиб, у инсонга, айниқса руҳоний касб эгаси бўлмиш ижодкорга муттасил таъсир ўтказади, фақат чинакам ижодкорлар бу таъсирни сўзда, сўз орқали намойиш эта оладилар.

Бадиий асардаги у ёки бу образ ёхуд ҳодисанинг англаб, тушунтириб бўлмаслиги ҳақида гап кетганда, бунга ҳайрон қолмаслик керак. Ҳатто математикадай аниқ фанда ҳам алгебраик атамалар билан ифода этиб бўлмайдиган сонлар мавжуд, маълумки улар трансцендент сонлар деб юритилади. Адабиёт-ку, сир-асрорга тўлиқ руҳоният олами. Нега унда трансценденталлик бўлмасин.

Лекин бадиий аниқлик бошқа гап. Ундаги аниқлик тушуниш-тушунтириш осонлигини билдирмайди, аксинча аниқлик нафисликка эврилиб, қайта бошдан сирлилик касб этади. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов "Ўткан кунлар"даги нафис бир лавҳа ҳақида шундай деб ёзади: "Жуда аниқ, ҳатто тушунтириш мушкул бўлган даражада аниқ руҳий ҳолат"[85]. Бу топиб айтилган гап – шу даражада аниққи, уни англатишга сўз ожиз. Том маънода ожиз. Бу фақат буюк ёзувчига насиб этадиган аниқлик. Француз адабиётшуноси Ролан Барт аниқликка шундай таъриф беради: "Аниқлик – бу шуки, бир томондан, айтилмаган гап қолмаган, бошқа томондан эса – у ҳақда чексиз гапириш мумкин"[86].

[84] Мамардашвили М. Необходимость себя. Введение в философию. М., 1996. С. 20.

[85] Норматов У. "Ўткан кунлар" ҳайрати. 70-бет.

[86] Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М., 1989. С. 144.

Самовий миқёс йўқ жойдан бор бўлмайди. Асарда тасвирланадиган воқеа-ҳодисалар, тасвир ортида туриб сезимга таъсир ўтказувчи воқеа-ҳодисалар яхлит ҳолда шундай бир ҳаяжонли, нурли ҳолат ҳосил қиладики, уни қабул қилиб олишга китобхон ҳам руҳан-қалбан тайёр бўлиши лозим. Ва тайёр бўлади ҳам. Аслида буюк асар ўз китобхонини ҳали ёзилмасиданоқ топган бўлади.

Одам жисман фоний, руҳан боқийдир.

Самовий миқёс вақт-замон доирасида пайдо бўлган, аммо унга бўйсунмайдиган, ундан юксакроқ мавқеда турадиган мангу ҳақиқатлардир. Ҳар қандай бадиий асар муайян даражада мангу ҳақиқатларга дахл қилади., лекин фақат айримларидагина улар ҳиссий жозиба ва гўзал ғоя тарзида намоён бўлади. Одам қалбини бир нур чулғаса, билингки, бу асардан туғилган ва асарда мавжуд бўлган самовий қувват таъсиридан. Шундай қувват "Қирол Лир"да мавжуд. Шундай қувват "Ўткан кунлар"га ҳам бегона эмас.

XX асрнинг буюк эзотерик олимларидан Е.И.Рерих ўзининг "Махфий билим. Агни Йога назарияси ва амалиёти" китобининг "Коинотнинг ягона қувват асоси" бобида ёзади: "Коинотда ҳамма нарса яхлит режа асосида яратилган. Табиатнинг турли оламлари ўртасида кузатиладиган буюк мутаносиблик шундан"[87].

Инсон табиат яралмаларининг гултожи саналади ҳамда у ўзининг миллион жиҳати билан бошқа табиат жисм ва ҳодисалари билан узвий боғланган. Зеро одам вужуди табиатнинг буткул асосини ташкил этувчи чор унсур – сув, ҳаво, олов ва тупроқдан иборат бўлиб. улар доимий оқим ва ҳаракатда. Одам ушбу оқим ва ҳаракатнинг бир қисми, фаол қисмидир.

"Ўткан кунлар" романи, ундаги қатор етакчи мотивларни жаҳон бадиий контекстида ўрганиш, уларни жаҳон адабиётидаги буюк бадиий обидалар билан чоғиштириш хайрли самара

[87] Р е р и х Е.И. Сокровенное знание. Теория и практика Агни Йоги. М.: Эксмо, 2013. С.-94.

бериши тайин. Зеро, М.М. Бахтин ёзганидек, "Бир маъно бошқа, бегона маъно билан учрашиб, тўқнашиб ўз теранлигини намоён қилади: улар ўртасида гўё **диалог** (таъкид Бахтинники – С.М.) бошланадики, бу нарса ушбу маънолар, ушбу маданиятлараро биқиқлик ва бирёкламаликка барҳам беради"[88].

Қаҳрамон қалбида кечадиган оғир, зил-замбил кечинмаларни ифодалаш учун табиий ҳодисалар қулай рамз, яхши восита бўла олади. Пейзаж, яъни бадиий асарда тасвирланадиган табиат ҳодисасини асар арқоғига санъаткорона сингдириб, унга янги ўлчов – самовий миқёс бахш этиш фақат буюк ижодкорларга насиб этадиган амалдир. Шу маънода Абдулла Қодирий ҳам шекспирмонанд санъаткордир.

Адиб ўз романида Шарқ ва Ғарб адабиётларининг етук анъаналарини уйғунлаштирган. Зеро, икки ёки ундан ортиқ ҳодиса – адабий йўналиш, оқим, услуб ва ҳ.к.ларни бир-бирига узвий равишда қўшиб, бир-бирига сингдириб юбориш ва натижада сифат жиҳатидан ўзига хос янги ҳодиса ҳосил қилиш – бадиий синтезга шундай таъриф бериш мумкин. "Ўткан кунлар" шу маънода Шарқ-Ғарб бадиий синтезининг кўркам намунаси, том маънодаги шарқона реалистик романдир.

Ҳулосаларимиз:

1. Буюк бадиий асарларда юз кўрсатадиган самовий миқёс бутун коинотда ҳукмда бўлган ялпи қонуният – буюк мутаносибликнинг бадииятдаги ҳосиласидир.

2. "Қирол Лир" трагедияси ва "Ўткан кунлар" романида катта бадиий куч билан намоён бўладиган самовий миқёс ҳар икки асарда ўхшаш ҳодиса – бўрон ва кучлик ел воситасида яратилади. Яралган кучли таассурот ҳар икки асарнинг бутун вужудига ўзининг ваҳмкор, шу билан бирга гўзал ва улуғвор шуъласини ташлайди. "Ўткан кунлар"даги якка бир тасвир асар учун буткул умумийлик касб этади; мамлакат, ҳудуд кучлик бир ел домида қолгандек ҳиссиёт уйғонади.

[88] Б а х т и н М.М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1986. С. 354.

3. “Ўткан кунлар” ва “Қирол Лир”ни муайян нуқтада солиштириш ушбу нуқталардаги маъноларнинг диалогга киришув имкониятини яратади. Биз буни маънолар чеврилиши деб атаймиз ва бунда янги устама маънолар туғилишига гувоҳ бўламиз.

3. Ойбек ва Чингиз Айтматов

1

Машҳур икки номнинг ёнма-ён қўйилиши, яъни қиёсланиши унча ўринли эмасдек. Зеро, бу авлодга шогирд мақомида бўлган Чингиз Айтматов Ойбек тўғрисида бирор нарса ёзгани ёки дегани ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Ойбек домла ҳаётининг охирги йиллари ёш қирғиз адибнинг жаҳонга довруқ солган пайтига тўғри келган эса-да, ул зот ҳам ёш адиб ҳақида бирор нарса деганидан бохабар эмасмиз. Лекин икки буюк адиб руҳоният бобида яқин, яъни руҳдош бўлишганига ҳар икки муаззам ижод далил-исбот ва материал бериши шубҳасиз. Бинобарин, Ойбек ва Чингиз Айтматов қалб қурилиши, кўнгил жабҳаси, одам ва ижтимоий воқеликка ғоявий-эстетик муносабати талай жиҳатдан муштарак эканини илғаш ва тадқиқ этиш мумкин. Айни шу ўринда барҳаёт Ҳамид Олимжоннинг буюк адиб ҳақидаги қуйидаги қуйма сўзлари ёдга келади: «Ойбек прозада шоиру поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чикирларни шеърда куйлай биладиган талантли шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қош ҳаракатларини жуда аниқ тасвирлаб беради. Шу билан бирга, унинг прозаси лирик поэзия даражасига кўтарилади. Ойбек кишининг қалбига кира олади, юракнинг нозик пардаларини чертиб ўтади, «Ўч» ҳамда «Бахтигул ва Соғиндиқ» каби ажойиб поэмаларнинг автори бўлган Ойбек прозага кўчиб, «Қутлуғ қон» ва «Навоий» деган иккита дилрабо роман яратди»[89].

Кўчирмадаги икки нуқта ҳозир бизга зарур. Биринчиси, «унинг прозаси лирик поэзия даражасига кўтарилади», деган фикр ва иккинчиси, буюк адиб романлари ҳақидаги «иккита

[89] Ҳамид Олимжон. МАТ, Ўн томлик, 6-том. - Т.: Фан, 1982. - Б. 280-281.

дилрабо роман» иборасидир. Дилрабо - кўнгилни жалб этувчи, дилтортар, мафтункор дегани. Ажабо, бу сўз нафақат Ойбек насрини, балки Чингиз Айтматов ижоди, айниқса, унинг илк палласини аниқ тавсифлайдиган гап-ку! Бунинг устига навқирон қирғиз адибининг жаҳонга довруқ таратган илк қиссалари «лирик поэзия даражасига» кўтарилгани, айни шундай дилтортар лирикаси, қувончи ва мунги, севгиси ва нафрати билан китобхонлар кўнглини ром этгани шоён ҳақиқат-ку!

2

Бадиий асардаги образда вужуд, моддий маънодаги вужуд йўқ. Лекин унда хаёлий-тамсилий тарздаги вужуд бор. Ва унда руҳ бор Туркистон жадидлари пешвоси Маҳмудхўжа Беҳбудий «Туркистон вилоятининг газети» (1908 йил, 13 июнь)да босилган «Абул Ала Ал-Мааррий» мақоласида буюк араб шоирининг шундай сўзларини келтиради: «Руҳ ақл ила билиниб бўлмайдурган нимарсудурки, баданга қарор топар»[90]. Лекин инсонни гавдалантирадиган бадиий образда қарор топадиган бадан, вужуд йўқ. Лекин вужуднинг хаёлий проекцияси, тахайюлда тикланадиган аниқ қиёфа бор. Руҳ ушбу хаёлий қиёфада қарор топади, ўрнашади.

Ҳар қандай образ ортида, аниқроғи вужудида уни яратган, дунёга келтирган одамнинг руҳи қайсидир даражада жойлашади. Ушбу руҳ образ руҳини яратади. Агар Ойбекнинг улуғ романи «Қутлуғ қон»ни ўқий бошласангиз, унинг бош қаҳрамони Йўлчини минбаъд бесавод, содда қишлоқи йигит, деб ўйламанг. У буюк Ойбекнинг қалб яратиғи, кўнгил проекциясидир.

Балки, муайян руҳоний маъно кесимида Йўлчига руҳ сифатида қарармиз. Тоғлар бағридан чиқиб, Тошкентдай шаҳри азим ҳаётига кириб борган руҳ, руҳоният тарзида.

Атоқли француз адиби Луи Арагон томонидан «Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси» дея шарафланган «Жамила»даги уч-

[90] Беҳбудий М. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. - Т., Академнашр, 2018. - Б. 319.

лик қаҳрамондан (Жамила ва Сеит билан бирга) бири Дониёр Йўлчи каби ҳам руҳ, ҳам кучли руҳоний қувватга эга образдир.

Мен бир мақоламда Йўлчи ва Дониёр образларини ҳар икки асарда ушбу қаҳрамонларга нисбатан айтилган ва асл манбаи Исо алайҳиссаломга бориб тақаладиган «Бошқа оламдан эди» («Қутлуғ қон») ва «Не от мира чего» («Жамила») код-жумлалар орқали қондош, руҳдош образлар сифатида талқин этган ва ёзган эдим: «Икки адабий қаҳрамон - Йўлчи ва Дониёрга ислом динимизда ҳам эъзозланадиган Исо алайҳиссаломга хос тавсиф берилиши асло тасодиф эмас ва бундай боғланиш (буюк боғланиш!) ҳар икки қаҳрамонни янги юксакроқ меҳварга олиб чиқади»[91].

Шу ерда ва мақолада айтилган фикрни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга илмий эҳтиёж бор. Яъниким, «бошқа дунёдан бўлиш» одам ва образнинг атрофдагилардан ўзгача сийрат ва ўзгача кучга эга бўлиши демакдир. Уларда нимадир борки, бошқаларда шу хислат йўқ. Ғалатилик - шундан. Ғалатими, демак кўпчилик кўниккан, одатланган қоидаларга бўйин бермайдиган хулқ ва тийнатга эга бўлишдир. Бу ўзгача хулқ ва тийнат образга руҳоний қувват ва руҳоний жозиба бахш этади.

«Қутлуғ қон»да Шокир ота тилидан «Дуруст, Йўлчибой эр ўғли - эр эди, у бошқа оламдан эди» дейилар экан бунда: у бу дунёнинг одами эмас деган маъно борки, бу одамлар дунёсида ўрнатилган тартиб-интизом, зулм ва эрк, эзгулик ва ёвузлик қоришиқ ҳолатга кўпчилик кўникади, умргузаронлик қилаверади, лекин Йўлчи каби одамлар бунга кўникмайди. Дон Кихот каби, нима бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмай исён қилади, ўрнашган ноҳақ ҳолат билан келишаолмаслигини фаол билдиради.

Нисбийлик назарияси асосчиси Альберт Эйнштейн ўзининг «Таржимаи ҳолга оид қайдлар»ида «Ўзаробоғлиқликларни янада чуқурроқ тушуниш»[92] ҳақида гапириб, бу оламнинг физик манзарасини янгича англашда катта аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. «Ўзаробоғлиқликлар» типологик қиёснинг асосли дейиш мумкин. Юзада, яққол кўзга ташланадигандан бошқа яна ёпиқ, яширин ички боғлиқлар мавжудки, кейингисини аниқлаш унча осон кечмайди. Бунда асар ва образнинг моҳияти, айниқса, руҳоний жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ўзаробоғлиқликни аниқлаш ва тадқиқ этишда қандай белги таянч қилиб олиниши муҳим. Йўлчи ва Дониёрни типологик қиёс учун танлар эканмиз, уларни яқинлаштирадиган эзотерик код - «Улар бошқа дунёдан эди» бизни айни шу таянч белгига олиб чиқади. Яъни ҳар икки образни боғлайдиган таянч белги - *образларнинг руҳоний қувватидир.*

Йўлчи руҳоний қувватининг манбаи унинг тоза қалби ҳам собит ҳақпарварлигидир.

3

Йўлчи тоғ қишлоғидан чиқиб шаҳри азим Тошкентга ва романга бир пайтда кириб келади. Бу кириш қутлуғ бўладими, қонли бўладими, буни келажак кўрсатади. Лекин биз ҳозирча ҳали унинг исмини билмасдан, «бизнинг йигит» (3-бет) эканини биламиз, холос. У чойхоначи билан бир чойхўрнинг сўз олишувига « болаларча жилмайиб йўлга тушди»[93] дейилади асарда.

Кўпни кўрган, илонни ёғини ялаган Мирзакаримбой «бу йигит ақлли кўринади, ҳам улуғвор, вазмин йигит...»[94] дея хаёл қилади.

Адиб қаҳрамонини ғоят табиий равишда кўрсатиб ва тавсифлаб боради. Унинг қалби нозик, кўнгли санъатга ҳам бегона эмас: «Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала

[91] Сувон Мели. Адабиёт фалсафаси ёхуд Кўзга айланган кўнгил // Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. - Т., Фан, 2018. - Б. 105.

[92] Эйнштейн А. Собр. соч. В 4-х т. Т. IV. М., Наука, 1967. - С. 270.

[93] Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик, 2 - том. - Т., ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957, - Б. 7.

[94] Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик, 2 - том. - Т., ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957, - Б. 15.

кетди, Най садосининг майин тўлқинлари тип-тиниқ ҳавода ёйиларкан, гўё ҳаммаёқ жонланган каби туюлди»[95].

Салимбойвачча қистови билан ресторанга кириб қолган Йўлчи ҳолати: «У атрофга қараб, юзларча одам орасида *ўзи каби* (таъкид бизники. - С.М.) бironта кишини кўрмади. Бу ерда хурсандчилик қилган одамлар ҳар бир жиҳатдан унга бегонадирлар»[96]. У ердаги каслардан кўра унга тилсиз-забонсиз жонивор от яқин ва қондош: «Қоронғида сокин турган отнинг бўйнидан қучоқлади, бармоқлари билан ёлини таради ва бошини силади: Совуқми, совуқми? Айналай!- деди»[97].

Романнинг манфий қаҳрамонларидан бири Тантибойвачча Йўлчини ўз йўлига солмоқчи, унга ақл бўлмоқчи бўлади: «Камбағал бўлсанг ҳам ўлгудек одмисан, баландда юрасан, биламан. Бу феълингни ташла, ука! Ман сенга икки оғиз гапирай: биринчидан, пулнинг қадрини бил, лўлининг эшагини суғор, пулини ол! Санга ярашади, негаки, камбағалсан. Бу замонда фариштага ҳам пул керак. Иккинчидан, пулдорларга эгил...»[98].

Бу гапларда ҳаётий мантиқ йўқ, деб бўлмайди. Минглаб одамлар, жумладан, Йўлчи каби талай камбағаллар ҳам шундай мантиққа бўйсуниб яшайдилар. Лекин бу мантиқ ҳақгўй, ҳувори Йўлчи учун эмас. Йўлчи жавобан дейди: «Балли бу насиҳатга! Йигитнинг юраги, номуси, одамгарчилиги пулдан азиз, пулдан юқори эмасми? Эгилувчи билан тиланчи орасида нима фарқ бор»[99].

Бу - қуруқ гап эмас. Йўлчининг дили билан сўзи - бир. У ҳақиқат ва адолат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Шулардан бир нечасини эсласак:

1. Маст Тантибойвачча ўйинчи болани отмоқчи бўлганида;

[95] Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик, 2 - том. - Т., ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957, - Б. 41.

[96] Ойбек. Танланган асарлар. Тўрт томлик, 2 - том. - Т., ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957, - Б. 95.

[97] Ўша бет.

[98] Ўша асар. -Б. 167.

[99] Ўша асар. -Б. 168.

2. Синглиси Унсинга кўз олайтирган Салимбойваччани калтаклаганда;

3. Уни қамоққа олган полиция бошлиғига қарата деганида: «Сан одам эмас, чўчқасан! У қамчинини, Йўлчи эса чўқмоқдай муштини кўтарди»[100]

4. Ва ниҳоят, мардикор олишга қарши исён кўтарган халқ исёнида мардларча ҳалок бўлганида.

Айни шундай хислатлари учун унинг қони - Қутлуғ қон. Йўлчининг маънавий падари Шокир ота таъбири билан айтганда, «Йўлчининг қони беҳуда кетмайди, сира беҳуда кетмайди. Бу ҳикматли, қутлуғ қон. Унда сир кўп»[101].

Ойбек ғайритабиий, авлиёсифат инсон бўлгани шоён ҳақиқат. Адибнинг турмуш ўртоғи, йирик кимёгар олима З. Саидносирова «Ойбегим менинг» хотира китобида ёзади: «У ана шундай бир жаҳонга арзийдиган ажабтовур табиатли, бошқа дунёдан келмиш киши эди». Адибнинг ўз яратиғи Йўлчи билан руҳан нақадар яқинлигини кўрсатадиган бир мисол. «Қутлуғ қон» фильмида Йўлчи ролини ўйнаган актёр Санъат Девонов хотирлайди:

«...Фильмни суратга олиш авжида. Сценарий бўйича Йўлчини отлиқ аскарлар ҳибсга олиши керак. Устимга қирқтача отлиқ бостириб келаётганида, Ойбек домла: «Тўхтат! Тўхтат!» деб бақириб юборди. Съёмка бир зумда тўхтатилди. Латиф ака: «Нима бўлди. Тинчликми?» деб Ойбекнинг ҳузурига ошиқди. Ойбек: «Керак эмас, бу саҳнани олманглар. Йўлчини майиб қилиб қўйишади бўлар» дермиш»[102].

Бу шунчалик жиддий ва чуқур маъноли ҳаётий саҳнаки, унинг асл моҳиятини туйқусдан англаш қийин. Демак, муаллиф ва қаҳрамон бир вужудга, яхлит руҳоний вужудга айланишган, Йўлчига қилинган таҳдид унга, муаллифга қилинган таҳдиддек. «Тўхтат! Тўхтат!» деган ҳайқириқ ғайришуурий, шу боис қийма-

[100] Ўша асар. - Б. 285.

[101] Ўша асар. - Б. 354.

[102] Jannat Makon. октябрь. 2008. - Б. 34.

ти жуда баланд. У қалб тубидан келаётган овоздир.

Йўлчи адибнинг бадиий образга эврилган alter egoси, яъни иккинчи «мени»дир. Умуман, адиб қалб жавҳаридан яралган икки буюк образ бор, булар - Навоий ва Йўлчи. Алишер Навоий-ку, адибнинг буюк романидан анча олдин ҳам ўлмас асарлари билан ўзининг буюк руҳоний қиёфасини яратиб кетган. Ойбек эса ўз романи билан ул зотни бизга аниқ кўримли ва яқинроқ қилиб қўйди. Унга қалб кўрини берди. Йўлчи эса бошқача, у тамомила Ойбек даҳоси маҳсули, адиб қалби ва руҳиятидан бино бўлган образдир.

Айни шу омил Йўлчи образининг руҳоний қуввати ва маънавий кучини белгилаб берган десак, янглишмаймиз.

4

Дониёр, юқорида айтилганидек, «Жамила» қиссасидаги уч бош қаҳрамондан бири, аммо руҳоний қувват ва туртки жиҳатидан етакчиси. Ёш умидли мунаққидларимиздан Иброҳим Азиз «Луи Арагон ва Сеитнинг севгиси (Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини ўқиб)» мақоласида қизиқ ва янги бир ғояни олға суради, яъни қиссанинг оламшумул шуҳратига боис фақат Жамила ва Дониёр ўртасидаги муҳаббат эмас, балки Сеитнинг Жамилага бўлган соф, беғубор муҳаббатидир. Мақолада ёзилишича, Сеит «Дониёрнинг Жамилага бўлган муҳаббатини ўз муҳаббатининг тимсоли сифатида қабул қилади. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларини яхши кўриб қолишганда уларга хайрихоҳ бўлади. Буларнинг ҳаммаси гарчи ғайритабиий туюлса ҳам нақадар гўзал»[103]. Демак, муҳаббатга муҳаббат, яъни ҳодисанинг квадрати.

Яна ёш мунаққиддан эшитсак: «Асар ҳам Сеитнинг ғайритабиий, беғубор, илоҳий ишқини тараннум этувчи жумлалар билан якун топади.

«Чизган суратларимнинг ҳар бир бўёғида, ҳар бир чизиғида Жамиланинг юраги уриб турсин!». Ана шунинг учун ҳам

[103] Ёшлар китоби, Назм. Наср. Таржима. Адабий тадқиқотлар. - Т., Шарқ, 2008. -Б. 450.

бундай гўзал муҳаббат тарихи Луи Арагоннинг юрагини энтиктирган, қалб тўридан ўрин эгаллаган ва дунёдаги энг гўзал севги қиссаси, деб баҳолашига сабаб бўлган»[104].

Бундан чиқадиган хулоса шуки, ўспирин Сеит кўнглида ёлғиз Жамилага қаратилган севги эмас, балки Жамила ва Дониёр севгисига нисбатан муҳаббат бор. Айни шундай қўштарафлама муҳаббатгина, ёш муннаққид зукколик билан айтган «Сеитнинг ғайритабиий, беғубор, илоҳий ишқи» аниқ маъноga эга бўлади ҳамда Луи Арагонни мафтун этган нарса ҳам ушбу қўштарафлама, илоҳий ишқ даражасига юксалган муҳаббатдир, десак янглишмаймиз.

Ушбу фикрлар ўрамида «Жамила»қиссасида Дониёр образининг алоҳида руҳоний вазифаси кўзга ташланади. У худди роман бошида Йўлчи Тошкентга кириб келгани каби ўз овулига қайтиши билангина асарнинг ҳозирги шакл-шамойили яралади. Дониёр, таъбир жоиз бўлса, қиссанинг моторидир. Сиртдан қараганда, у асарнинг энг пассив, бўшанг қаҳрамони, ҳамиша «жабрланувчи» ролида намоён бўлади. Лекин аввалбошданоқ, Сеит «гарчи Дониёр улуғсифат бир одам бўлмаса-да, унинг шундай ҳеч ким билан гапиришмай, вазмин юришида қандайдир бир хосият (русча нашрда «что то недоступное» - С.М.) бордай»[105]лигини қайд этади.

Дастлаб уни назар-писанд қилмаган шўх-шаддод Жамила аста-секин унинг жозиб майдонига тушиб боради, айниқса, «каттакон қора қоп» воқеасидан кейин Дониёрнинг руҳий-маънавий мавқеи ортади. Юрак-юракдан қўшиқ куйлаётган Дониёр эса нафақат Жамила, балки аввалроқ «Жамилага бошқалар қолиб, Дониёрбой («бой» қўшимчасидаги маъно қочиримига эътибор беринг, она тилимиздан бошқа ҳеч бир, на рус, на қирғиз тили бунга қодир эмас - С.М.) кўз тикса-я» деб ғижиниб юрган Сеит қалбини ҳам забт этадики, энди у (Сеит

[104] Шу ерда. -Б. 450.

[105] Чингиз Айтматов. Сарвқомат дилбарим. Повестлар. ЎзССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1964. - Б. 145. А.Рашидов таржимаси.

ровий экани, яъни қисса унинг тилидан сўзланаётганини унутмайлик) «меров одамдай элга кулги бўлиб юрган» Дониёрни «... энди бир қадар тушуна бошлаган эдим. У - қалбида юксак инсоний муҳаббат туғён урган бир инсон эди! Менимча, унинг севгиси бирор кишига ишқи тушиб, ўша одамга ато қилинган севги эмас, балки инсонни яратиб, уни камолга етказган кенг оламга, ёруғ дунёга бўлган чексиз, жўшқин севги эди»[106].

Дониёрнинг қўшиғи, унинг замиридаги куй ва сеҳр-жозиба асарнинг ҳиссий-семантик маркази ва кульминацион нуқтаси, дейиш мумкин. Таниқли адиб ва публицист Аҳмаджон Мелибоевдан эшитганим бор, қиссанинг қирғиз тилидаги илк номи «Обон» («Қўшиқ») бўлган. Бу сўз кейинчалик асар номида қолмаган бўлса-да, унинг қалб замирида яшаб тураганига ҳар сафар ўқиган чоғимизда гувоҳ бўламиз. Ушбу қўшиқда Дониёрнинг руҳоний қуввати баралла намоён бўлади ва бу қувват Жамила ва Сеитни ўз меҳварида ушлаб туради. Ашулани тинглаб бораётган Сеит дейди: «...мен ўзимни худди *бошқа бир оламга* (таъкид бизники. - С.М.) кириб бораётгандай ҳис қилардим»[107]. Яна бир жойда: «Қандайдир, сеҳрли бир куч бизни Дониёр сари етакларди»[108].

5

XX аср 70-80 йиллар ўзбек адабий онгида Чингиз Айтматов марказий ўринни ишғол этганди, дейилса, муболаға эмас. Унинг ҳар бир асари чанқоқлик билан кутилар, тил билганлар рус тилида, бўлмаса зудлик билан қилинган Асил Рашидов таржимасида ўқиб чиқишар, улар муҳокама жабҳасига айланарди. Адиб собиқ иттифоқ китобхонларини ўзининг бетакрор асарлари билан ром этар, безовта қилар, улардаги маъно-мазмун билан хаёл ва изтиробга соларди.

Эсимда, ўтган асрнинг 1982-83 йилларда бўлса керак, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтган бир йиғинда йирик

[106] Ўша асар. -Б. 159.
[107] Ўша асар. - Б. 160.
[108] Ўша асар. -Б. 165.

олим ва драматург Иззат Султон қирғиз адиби ҳақида чуқур ва гўзал бир тамсил айтгандилар. Аллома гапни узоқдан, ривоятдан бошлагандилар:

Беқиёс гўзал маликага ошиқ бўлган меъмор улуғ бир иморатни қуриш эвазига ундан бир ўпич сўрайди ва мақсадига эришади. Сир фош бўлгач, таъқибдан қочиб баланд минорага чиқиб беркинган меъмор ва унинг шогирди ўзларига қанот ясаб, учишга чоғланадилар. Устоз йиқилиб ҳалок бўлади, шогирд эса учиб кетиб, омон қолади. Чунки у қанотга дум боғлаган, устоз эса буни унутган эди.

Домла гапни шундай якунланадилар:

- Чингиз Айтматов учун ўзбек адабиёти устоз мақомида. У ўша шогирд каби қанотга дум боғлашни унутмади ва юксакларга парвоз қилади.

Ҳамон кечагидек эсимда, зал шодон кулгу ва гулдурос қарсакдан ларзага келганди. Ҳозир ўйлайман, қанотга боғланган ўша дум нима? Қандай хислатки, қирғиз адибининг ер сайёраси бўйлаб юксак парвозини таъмин этди. Бу жиддий масала бўлиб, ечимини анча-мунча машаққат ва илмий изланишни тилаб қилади, албатта.

Иккинчи хотира ҳам академик Иззат Султон билан боғлиқ. Домла анча кексайган пайтлари эди. У киши Тил ва адабиёт институтига камдан-кам келар, лекин ҳар келганда тўртинчи қаватдаги (ҳозирги ИНХ биноси) узун коридордан бир бора юриб ўтар, эски қадрдон сафдошларини бир-бир йўқларди. Домланинг овози эшитилиши билан, дарҳол чиқиб, «Домла, бир пиёла чойимиз бор, илтимос киринг!» дея таклиф қилар ва ҳамхонам раҳматли Мели Холиёр билан Иззат аканинг суҳбатларини олар эдик. Шу сафар, йили аниқ эсимда, буюк қозоқ адиби Мухтор Авезов таваллудининг 100 йиллиги, яъни 1997 йил эди. Бир ҳафтача олдин ушбу санага бағишланган ЎзР ФА Президиуми биносида бўлиб ўтган катта йиғинда домла сермазмун ва таъсирчан маъруза қилган эдилар. Мен домлани ажойиб маъруза билан табриклаб, у босилмай қолиб кетмасин,

албатта бирор журналга бериш керак, дедим. Балки, менинг гапим, балки Домланинг ўзлари аввалдан шундай қарор қилганларми, маъруза «Жаҳон адабиёти» (1997. 2-сон.) журналида "Улкан адиб сабоқлари" номи остида чоп этилди. Маърузада келтирилган буюк адибнинг «Ёзувчи адабиётни севиши керак, лекин бу кифоя эмас, адабиёт ҳам ёзувчини севиши керак» деган гапи кўпчиликка маъқул бўлган эди.

Одатда суҳбатимиз шундай кечарди, мен савол берардим, Меливой ака суҳбатга халал бермай тинглар, ўрни-ўрни билан йўналтирувчи савол бериб қўяр, асосан, Иззат ака сўзлар, биз тинглар эдик. Гап айланиб Мухтор Авезов ҳақида, унинг буюклиги, ўзини Абдулла Қодирийнинг шогирди деб ҳисоблаши ҳақида, Чингиз Айтматов истеъдодини илк бор илғаб, асарларини А.Твардовский бош муҳаррири бўлган «Новый мир» журнали ва Луи Арагонга тавсия этган зот ҳам Мухтор Авезов бўлгани ҳақида кетди. Шунда калламга бир фикр келди ва «Нозикроқ савол берсам майлими, Домла» дедим. «Майли» деди Иззат ака.

-Мана, Чингиз Айтматовни Мухтор Авезовнинг шогирди, деяпсиз, бу тўғри, албатта. Саволим, у устози даражасига етдими?

Домла узоқ, ўн дақиқаларча ўйландилар. Хаёлан қайси кўчаларга кириб чиқдилар, бу ёлғиз Яратганга аён.

Жавоб эса қисқа бўлди:

- Йўқ.

Аллома Иззат Султон савол нотўғри қўйилган, демадилар, демак уни ўринли ҳисобладилар. Бу ерда фақат икки буюк адиб эмас, XX аср бошларида шаклланган авлод ёзувчилари билан 50-60 йилларида адабиёт майдонига кирган авлод қиёсланди ва нисбатан катта авлодга юқорироқ баҳо берилди. Абдулла Қодирий, Мухтор Авезов ва Ойбеклар ҳамда Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодировлар авлоди **бадиий константа** (ўзгармас бадиий миқдор) бўйича қиёсланганда устозлар ғолибдир, ҳойнаҳой.

Чингиз Айтматов мансуб бўлган авлоднинг ижодий бах-

ти шунда эдики, улар мустабид тузум доҳийси Сталин вафот этиб, унинг машъум кўланкаси бирқадар маҳв этилган замонда адабиёт майдонига кириб келишди. Кўнгилдаги гапни, қисман бўлса-да, айтиш имкони туғилиб, улар бундан унумли фойдаланишди. Ойбекларнинг қат-қат дардлари эса ичида қолиб кетди. Абдулла Орипов «Маломат тошлари» шеърида ёзганидек:

Не деб сўзлаганкин, боқиб биз сари,
Безабон Ойбекнинг ҳорғин кўзлари.

Безабонлик Ойбеклар авлоди учун ҳам ҳаётий, ҳам рамзий маънода кулфат эди.

Ойбек - Мухтор Авезов калибридаги ёзувчи.

6

Йўлчи ва Дониёр. Туйқус қараганда муштараклик топиш қийин бўлган икки обрзани қиёслар эканмиз улар орасидаги бир-икки қондош чизгига таяндик, холос. Шу ўринда адабиётшунос Ислом Ёқубовнинг «Ўта ўхшашликдан қўрқиш керак, у плагиат бўлиши ҳам мумкин», деган гапи ёдга келади. Бундан бир хулоса чиқади, ўта ўхшаш образлардан кўра қисман ўхшаш образларни қиёслаш самаралироқдир. Ўхшамайдигандан ўхшашлик топиш (ўхшашлик-ку маълум), қизиқарлироқ ва илмий самаралироқдир.

Йўлчи ва Дониёр - қисман ўхшаш образлар. Маънавий бутунлик, ахлоқан софлик, руҳоний қувват уларни ёнма-ён ва бақамти қўйишга имкон яратади. Тўғри, Йўлчи образидаги кенг қамров, монументал миқёс «Жамила»даги Дониёрда йўқ. Бу - табиий, чунки «Қутлуғ қон» бутун бир халқ ҳаётининг муайян даврини қамраган улкан роман. «Жамила» эса кичик бир қирғиз овулида юз кўрсатган ажиб муҳаббатнинг инжа тасвиридир.

Икки образ вужудидаги биз урғулаган таянч нуқталар уларни яратган буюк қалб соҳиблари - Ойбек ва Чингиз Айтматов кўнгил жавҳаридан тўкилган дурлардир. Зеро, буюкликдан буюклик туғилади, майда қалб ҳеч қачон буюк қадрият ярата олмайди.

Қалб яқинлиги, кўнгил ёвуқлиги қондошликнинг кўзга кўринмас латиф кўринишидир.

Глобал талқин: адабиёт фалсафаси

1. Адабиёт фалсафаси ёхуд кўзга айланган кўнгул

1

Нафис адабиёт, буюк Чўлпон таъбири билан айтганда, "ҳисли кўнгул тарихи"дир. Бу таъбир биз туйқус ўйлагандан анча чуқуррокдир. Тарих фани ўтмишга оид факт ва ҳодисалар мажмуи, кечмиш воқеалар жамулжаъми экан, ҳисли кўнгил тарихи бундан-да поёнсиз ва тубсиздир. У инсон кўнглида пайдо бўлмиш ҳис-туйғуларнинг муайян вақт ва масофа давомида кечиб ва оқиб ўтиши ва бу оқимнинг ҳисли тарзда қайд этилишини англатади. Инсон, инсоният барҳаёт экан бу оқим мангу. Оқим садолари бизга нотаниш бўлган оламларда қайсидир даражада, қай бир ҳолатда сезилади, "Қуръони карим"да айтилган Лавҳул-Маҳфуз, ўчмас лавҳда муҳрланади, лекин одми онгимизда ёруғ оламдаги ҳисли кўнгулнинг қувонч ва изтиробларн қалб тебранишлари борлиққа (йўқликка) сингиб, изсиз йўқолиб кетадигандек туюлади. Ушбу изсиз йўқотишлик санъат томонидан маълум даражада инстисно этилади. Санъат, жумладан сўз санъати, яъни адабиёт бани одам кўнглида кечадиган туйғулар, рўй берган воқеа-ҳодисалардан туғиладиган таассурот ва тасаввурларни концентрациялашган ҳолда сўзга, каломга муҳрлаб ҳозирги ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдиришга жаҳддир. Асар яратиш ўзидан, ўзи мансуб бўлган, гувоҳ бўлган замондан из, белги қолдиришдир.

Сўз санъати бўлмиш адабиёт, табиийки, бу жараёнда ўзининг асосий қуроли сўз билан иш кўради – ҳисли кўнгил тебранишларини сўзда муҳрлайди.

Сўз чинакам санъат асарида, яъни сўз санъати – том адабиёт пайдо бўлганда –сеҳр касб этади. Сўзнинг ўзи ва у орқали

тикланган турли инсоний ҳолат-манзаралар, муносабатлар, сўзлашув-тўқнашувлар шундай хос маънолар келиб чиқишига имкон яратадики, бундай маънолар мажмуи, теранлиги ва юксаклиги адабиётшунослик учун торлик қилиб, янги бир тармоқ – адабиёт фалсафасига зарурат пайдо қилади гўё. Сўз сеҳри, сўз алкимёси унинг хос майдони бўлса ажабмас.

2

Кўпчилик кўзни мукаммал аъзо, деб ишонади, кўз билан кўрганини том ҳақиқат деб ўйлайди. Чиндан ҳам кўз мукаммал яратилган. Аммо у оламнинг бор сир-синоатини кўриш даражасида мукаммал эмас. Ҳодиса, жараёнлар борки, кўрилмайди, ҳис этилади. Кўрилмайди, лекин кўнгил англайди. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг машҳур "Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил" деган ҳикмати борлиққа, оламга ўзгача қараш, инсон ўзини ва борликни янги кўз, кўнгил кўзи билан кашф этишга ҳам оташин даъват, ҳам илмий йўлланмадир.

Бадиий адабиётни том маънода англаш ва англатиш учун китобхонда ва тадқиқотчида (тадқиқотчи ҳам китобхон, фақат хос китобхон) "ҳисли кўнгил" соҳиби бўлиши лозим. Худди шу нарса бадиий адабиёт, умуман санъатни мантиққа изчил бўйсунувчи бошқа соҳалардан ажратади. Адабиёт ҳисли кўнгил маҳсули ва фақат шундай кўнгил ёрдамидагина ўз қалбини тадқиқотчига очади. "Ўткан кунлар" романидаги "Наво куйи" бобида шундай тасвир ва тадқиқ бор: "Дуторнинг нозик торларидан, тилсимлик юракларидан чиқган "Наво" куйи ўз ноласига тушунгучи Отабекдек йигитларга жуда муҳтож эди. Ўз дардига тушунган бу йигитка борган сайин дардини очиб сўзлар, йиғлаб ва инграб сўзлар эди... Эшиткучи эса дунёсини унутиб йиғлар, кучини йиғиштириб йиғлар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан тўкиб йиғлар эди..."

Бу оддий тасвир эмас. Бу санъат, мусиқа кучини кўрсатишда сўз ожиз қолган нуқтада яна сўз ва туйғу ёрдамида ҳолатнинг қайта тикланиши, яъни жуда ноёб тасвирдир. Бу ҳисли кўнгилнинг бадиий портрети дейиш мумкин.

3.

Адабиёт фалсафаси биз биладиган табиат, жамият ва тафаккур тараққиёти, умумий қонуниятлари ҳақидаги фан, яъни фалсафа ёки унинг бир бўлаги эмас. Ушбу қонун-қоидаларни адабий асарларга қўллаш, улар мазмунидан фалсафий категорияларни излаш ва топиш ҳам эмас. Айтиш жоизки, шундай йўл ҳам мавжуд бўлиб, у айтарли илмий ва амалий натижа бермайди. Чунки бундай мажбуран қўлланган фалсафий қоидалар бадиий асарга сингишмайди, унга заха етказади. Адабиёт, бадиий асар қалбини очмайди, у четдан суқилган ғоя ва қоидани хуш кўрмайди. Ўзини ўзида кўришни истайди.

Мангу ҳаётнинг қат-қатида "ҳали онасидан туғилмаган ҳамма"[109] қалби ва вужудида жо-бажо ва чексиз такрорланувчи оламий ҳиссиёт ва шу ҳиссиёт соҳибларини жонли, худди ўзидай, тириклардан тирикроқ қилиб тасвирлашга, кўрсатишга фалсафанинг тиши ўтмайди, инсоф билан айтганда, бундай чўнг амал унинг зиммасида ҳам эмас.

Ўтаётган, кечаётган ҳар бир вақт зарраси ўз қиймати ва маъносига эга бўлган, ҳар бир тирик нафас оламча маъно-мазмун ташийдиган воқелик фақат санъатда – бадиий адабиётда тикланади. Донгдор шоиримиз ёзади:

Бир онинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.
Нурлар қадами-ла чопган секуннинг
Барини тутолмас айҳаннос овоз.
(Ғафур Ғулом, "Вақт")

Тирик нафас баҳосига ёлғиз санъат, бадиият ва интуиция, ғайри шуурий йўл билан етиш мумкин. Жаҳон адабиётининг шоҳ асарларида бот-бот қилинадиган таъналар фалсафанинг ушбу борадаги ожизлигига ишорадир.

[109] "Қобуснома"даги "Ҳамма нарсани ҳамма билади, ҳамма ҳали онасидан туғилган эмас" деган буюк хикматга ишора.

Шекспирнинг "Ромео ва Жульетта" трагедиясида роҳиб Лаврентий сургунга жўнаётган Ромеога "фалсафанинг ғоят ширин шарбатидан ич" дея ўгит берганида, у дейди:

Мен сургунга кетар бўлсам, фалсафанг бир пул!
Жульеттани фалсафами ярата олур?
(М. Шайхзода таржимаси)

Ушбу сўзлар русча таржимада янада кучлироқ жаранглайди: "Вся философия мира не стоит Джульетти" (Бутун дунё фалсафаси Жульеттанинг тирноғига арзимайди).

Лекин бадиий адабиёт Жульеттанинг мукаммал тимсолини ярата олади, ўлмас трагедия бунга мисол. Асарда ҳаёти дунёдан ўтгани билан Жульетта жисмоний ҳаётдан беҳад юксак маъво-мангулик бағрида. Унинг ва бошқа буюк тимсолларнинг мангу тириклик сирини очиш адабиёт фалсафаси зиммасида. Бу фалсафа Жульеттанинг тирноғига арзиши лозим. Улкан шоиримиз тили билан айтганда, даврнинг "бутун қўполлигини, бутун нозиклигини, бутун совуқлигини, бутун ҳароратини Сенинг ғунчадек нозик лабларингга жо қилмоқ истайман, севгилим..."(Абдулла Орипов) . Бундай нафис назокат, инжа маҳобат фақат адабиётнинг, буюк шеъриятнинг қўлидан келади.

Яна Шекспирнинг "Ҳамлет" трагедиясида ўлган қирол арвоҳини кўриб ақли шошган ҳамроҳига қарата Ҳамлет дейди: "Ҳорацио, дунёда кўп нарсалар борки, Фалсафангиз тушига ҳам кирмаган ҳали" (Жамол Камол таржимаси).

Ромео қалбида ёнаётган севги оташи маъшуқанинг "ғунчадек нозик лабларига жо" бўлган, Ҳамлет айтмоқчи, фалсафанинг тушига ҳам кирмаган сир-асрорлар кашфи – адабиёт фалсафаси зиммасидаги улкан ва ёқимли вазифалардандир.

Бадиий адабиётнинг шоҳона намуналарига кўзга айланган Кўнгил билан боқиб ва шундай кўз билан таҳлил қилсак, қила олсак адабиёт фалсафасига ёвуқ борсак ажабмас.

4

Адабиёт фалсафаси Сўз, унинг олд-орт ва қаъридаги кичик ва катта оламлар фалсафасидир.

Бадиий фалсафа кўзи билан қаралса, муайян асардаги оддий, туйқус кўзга ташланмайдиган жумла, қаҳрамонга берилган тавсиф катта маъно юки ташиб, худди сеҳргар таёқчасидек бадиий асарга янги қиёфа касб этиши мумкин. Мумтоз романимиз "Қутлуғ қон"да Шокир отанинг "туморча шаклли кичкина ҳовлиси" ёки шу қаҳрамон тилидан роман бош қаҳрамони ҳақида "Дуруст, Йўлчибой эр ўғли – эр эди, у бошқа оламдан эди" деган гапи бутун асар ва етакчи қаҳрамон Йўлчи образига бошқача, ирфоний кўз билан қарашга ундайди, шунга йўл очади. Бу тавсиф замирида Йўлчи бу дунёнинг одами эмас, деган маъно борки, қизиғи шундаки, шу гап романнинг русча таржимасида мутлақо йўқ. Таржимон бу гапнинг кучини англаган, "ҳушёрлик" қилган чоғи.

Чингиз Айтматовнинг машҳур "Жамила" қиссасидаги бош қаҳрамондан бири Дониёр ҳақида "Странний человек, не от мира чего"[110] (Ўзбекча таржимада кейинги гап акс этмаган) деган тавсиф уни ҳам худди Йўлчи сингари илоҳиётга қоришиқ қиёфасини тиклайди.

Гап шундаки, икки адабий қаҳрамонга берилган бу таъриф асос эътибори билан муқаддас китоб "Инжил"даги Исо пайғамбар сўзига бориб тақалади. Исо ўзи ва умматлари ҳақида дейди: "Мен бу дунёдан бўлмаганим каби, улар ҳам бу дунёдан эмаслар" (Юҳанно, 17:16)[111]. Яна шу жойда у "Сен яҳудийларнинг Подшоҳимисан?" деб сўраган римлик ҳукмдор Понтий Пилатга: "Менинг шоҳлигим бу дунёдан эмас" (Юҳанно, 18:36)[112] деб жавоб беради.

Икки адабий қаҳрамон – Йўлчи ва Дониёрга ислом динимизда ҳам эъзозланадиган Исо алайҳиссаломга хос тавсиф берилиши асло тасодиф эмас. Ва бундай боғланиш (буюк боғланиш!)

[110] Чингиз Айтматов, Повести гор и степей, Изд. "Худ. лит", М., 1971, С. 21.
[111] Инжил, Туркия муқаддас китоб жамияти, 1995, 263-бет.
[112] Шу ерда, 267-бет.

ҳар икки қаҳрамонни янги, юксакроқ меҳварга олиб чиқади. "Жамила" қиссасини оламга машҳур қилган Луи Арагон томонидан "Жаҳонда энг гўзал севги қиссаси" дея баҳоланишига илк боис Дониёрнинг бу дунёдан эмаслиги, унинг юраги олис оламлар мавжи билан ҳамоҳанг тепишидан эмасмикан? Жамиладай асов ва мағрур аёлни ўзига ром қилган айни куч шу бўлса-чи?

Буюк романимиз "Қутлуғ қон"га келганда, асар етакчи қаҳрамонини Исо алайҳиссаломга элтиб боғловчи бу таъриф, назаримизда, улуғ адиб томонидан романга жойлаб қўйилган **эзотерик код**, шубҳасиз. У шунчалик моҳирлик билан Шокир ота сўзлари орасига жойлаштирилганки, илк нигоҳда мутлақо кўзга ташланмайди. Ўқувчилик йилларим асарни бир неча марта ўқиганман, лекин ушбу жумла фақат 90-йиллар бошидагина эътиборимга тушди, кўзимга кўринди.

Ушбу эзотерик коднинг хизмат вазифаси, бадиий энергияси нимада? У, биринчидан, Йўлчи образига янги кўлам, ўзгача фасоҳат бахш этади. Йўлчи потенциал йирик шахс, у табиий ёмби ақл эгаси. Инсоний юксаклигини айтмаганда ҳам у асарда тасвирланган барча бойлар ва ўқимишли жадид Абдушукурдан ақл жиҳатидан устун. Ўзини тутиши, маънавий тозалиги, ҳар қандай хавф-хатарга қарамай ҳақиқат, адолат тарафида туриши, у – ғайриоддий одамлигидан, бошқа оламдан келган, бўлган одам эканидан далоат бермайдими? Йўлчини Исо пайғамбар шуъласида тутиб, романни қайта ўқинг ва ҳар бир хатти-ҳаракати ҳақида қайта фикр юритинг – шунда Йўлчи, демакки роман ҳам беҳад юксалишига имон келтирасиз. Мен бунга аминман.

Иккинчидан, ушбу эзотерик код Йўлчини унинг маънавий отаси – асар муаллифи Ойбек билан боғлайди, боғлаганда ҳам мустаҳкам боғлайди.

1994 йилда йирик олим ва адиб Наим Каримов масъул муҳаррирлигида буюк ёзувчимиз рафиқаси Зарифа Саидносированинг "Ойбегим менинг" хотиралар китоби нашр этилди, 2005 йилда иккинчи нашри ҳам босилди. Бу ҳеч шубҳасиз, улуғ адибимиз ҳақидаги ноёб китобдир. Унда шундай бир воқеа ҳи-

коя қилинади. Ойбек трамвай ўтирғичида ўтириб аллақандай бир куйни хиргойи қилиб кетмоқда. Куй жуда вазмин бўлсаки, рўпрада ўтирган бир аёл жаҳл билан "Даже в трамвае нет покоя! Едешь под похороннем маршем!" дея юкларини кўтариб трамвайнинг нариги бошига кетади. Энди китобдан аниқ кўчирма олайлик:

"Мен ҳам Ойбекка бир оғиз сўз қотмадим. У ҳеч нарсани сезмади, эшитмади, қўшиғини айтиб ўтираверди. Кўзларидан англар эдимки, у узоқда, бошқа дунёда... Хулас, ТошМИга етдик. Трамвайнинг сўнгги бекати. Ҳамма қўзғалаяпти, аммо Ойбек ҳамон ўтирарди.

-Туринг энди, етдик, - дедим елкасига секин қўлимни қўйиб.

-А? Қачон чиқдинг? – сўради у таажжубланиб."

Худди шу ерда муҳтарам опамиз Ойбекни Йўлчи билан ва Исо алайҳиссалом билан боғловчи гапни ёзадилар:

"У ана шундай бир жаҳонга арзийдиган ажабтовур табиатли, *бошқа дунёдан келмиш киши эди*"[113] (таъкид бизники. - С.М.).

Айтилган мазкур ҳолатлар адабиёт фалсафасида қиёс ва қиёсий таҳлил методининг мустасно ўрнини кўрсатади ҳамда бадиий асарда потенциал мавжуд яширин маъновий контактлар излаш, топиш ва уларни амалда қўллаш, яъни улар намоён этган янги маъноларни очиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкид этади. Маънолар туташган жойда пайдо бўладиган янги маънолар фасоҳати адабиёт фалсафасининг заруриятини уруғлайди.

5.

Эзотерикага оид мўътабар бир китобда ёзилади: "Биз ўзимиз ҳақида билганимиздан анча-мунча улканмиз. Буни шунчаки унутганмиз, холос"[114]. Гап бу ерда жамиъ инсон, унинг битмас-туганмас ботиний имконияти ҳақида кетмоқда.Ушбу фикр тўлиғича бадиий адабиётга ҳам тегишли. Инсон қалби

[113] Саидносирова З. Ойбегим менинг, Тошкент, "Шарқ", 2005. - Б. 191.

[114] Друнвало Мельхиседек, Древняя тайна Цветка Жизни, М., "София", 2012, С. 13.

ва тафаккурининг хос маҳсули бўлмиш адабиёт ҳам биз билганимиздан анча-мунча улкан, унинг сир-асрори ҳам тасаввур қилганимиздан мўлроқдир. Ушбу ҳақиқатни англай ва тинглай олсак, яъни улканлигимизни эслай олсак, балки ҳозиргидан сирлироқ, улуғворроқ Адабиёт, унга оид янада теранроқ илм ярата олармиз, балки.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достони 63-бобида Искандар билан устози Арасту ўртасида "Чун инсон дарки мақсуди аслий ҳақиқати идрокидин муарродур, нега сойир ҳайвонотдин мустаснодурур" (яъни модомики инсон фаҳми мақсуднинг асл ва тўлиқ ҳақиқатини идрок қилишдан ожиз экан, ўзга ҳайвонлардан не фарқи қолди?) деган мазмунда суҳбат кечади. Саволга Арасту, яъни ҳазрат Навоий, шундай жавоб беради:

Вале мунча билмишки, билмайдурур,
Бу мақсуд даркини қилмайдурур.
Ўзи билмаси англагон сўзу дард,
Ани барча махлуқдин қилди фард[115].

Мумтоз матннинг соддароқ баёни шундай: лекин инсон ўзига беркитилганини билмагани, ўз мақсад ва муддаоларини етарлича идрок этмагани ҳолда *шунчалик кўп нарса биладики, ўзини-ўзи яхши тушунмагани ҳолда англаган сўзлари* (таъкид бизники. – С.М.) – уни барча махлуқлардан ажратиб, улуғлаб туради.

Демак, буюк Навоий наздида инсон шунчалик мукаммал яратиққи, ундаги барча билим, сир-асрор унинг ўзида-вужудида ва қалбида. Достоннинг шу бобида яна инсон ҳақида "Ки Ҳақ сирри зотида пинҳон эрур" деган мисра ҳам бор. Яъни инсон шундай сирли ва мукаммал битикки, бу битикни инсоннинг ўзи ҳам осонликча ўқий олмайди. Инсон вужуди ва

[115] Алишер Навоий, Тўла асарлар тўплами, Ўн жилдлик, 8-жилд, Тошкент, 2011, 397-бет.

кўнглида коинотнинг сир-асрори, битмас-туганмас маънолар илоҳий қалам билан битиб қўйилганки, бани одамнинг буюк сиймолари яратган шоҳ асарларда ушбу илоҳий қалам мутассил нур таратиб туради.

Айни шу нуқтада адабиётга кўчамиз. Адабиёт инсонни ҳар хил кўринишда, турли алфозда тасвирлайди. Ҳар бир яратилган образга, манзара ёки ҳолатга муаллиф муносабати сезилади, бу муносабат уларнинг муайян талқини ҳам. Лекин инсоният яратган буюк бадиий обидаларда тасвир ва ифода этилган ҳолатлар, инсоний қиёфалар шунчалик кўз ва ақл илғамас мавж ва тўлқинларга эгаки, уларни бирдан, узил-кесил тушуниш, талқин қилиш мутлақо имконсиз. Шундай бўлмаганда улар асрлар, минг йиллар давомида яшаб қолмаган бўларди, албатта.

Ушбу обидалар, улардаги ранг-баранг образларда Ҳазрат Навоий айтмиш "Ўзи билмаси англағон сўзу дард" нафис адабиётнинг сеҳрли кучи билан бир қадар англанади, бадиий сўзда тажассум топади, яъни ифода белгисига эга бўлади.

Даҳо шоиримиз "Хамса"нинг сўнгги достонида олға сурган бу буюк ҳақиқат ҳозирги замон физикаси ва эзотерикасида ўз илмий тасдиғини топмоқда. Япон олими ва шифокори Масаро Эмато ўзининг "Сувдаги махфий мактублар" ("The Hidden Messages in Water") китобида машҳур назариётчи физик Дэвид Том тадқиқотларига суяниб, шундай ёзади: "Ҳар бир одамда, ҳатто унинг ҳар бир ҳужайрасида коинот ҳақидаги ахборот сақланади"[116].

Мана сизга Навоий бобомиз юқоридаги бобда топиб айтган "Ки, инсон эрур мудрики куллиёт" (Инсон ҳамма нарсани идрок этувчидир) ва "Ўзи билмаси англағон сўзу дард" (Ўзи билмагани ҳолда англаган сўз ва ишқ)нинг илмий тасдиғи. Инсон ўзида, ҳар бир ҳужайрасида жойланган билимни, ахборотни англайди, аниқроғи, муайян ҳол ҳолатларда англайди. Бадиий адабиёт эса

[116] Эмато Масаро. Скрытые послания воды. Тайные коды кристаллов льда, М., "София", 2008, с 75.

инсон ўз-ўзини ўқиш, ўзида, ҳужайраларида битилган битикларни қисман бўлса-да (чунки бу махфий ва мукаммал битиклар), маъносини чақиш, англаш воситасидир.

Буюк немис файласуфи Фридрих Шеллинг ўзининг асосий "Трацендентал идеализм системаси" асарида борлиқни англашда "санъат абадий ва ҳақиқий қурол (органон) ва бир пайтнинг ўзида фалсафий ҳужжат[117]" деб ёзади ҳамда санъат асари ҳақида гапириб, "Асл санъаткор яратиқларига беихтиёр тубсиз теранлик бахш этар экан, ўз ниятини қаттиқ ўйлаб, пишитишига қарамай, бу теранликни унинг ўзи ҳам, бошқа биров ҳам тўлиғича англаб етолмайди"[118].

Бунинг асл сабаби, бу ҳақда Шеллинг гапирмайди, ҳазрат Навоий айтган – инсон зотида "Ҳақ сирри" пинҳон этилган, яширилганидир. Ақл-идрокида эмас, зотида, жавҳарида. Бадиият даҳолари яратган асарларда пинҳон этилган сирлар тўлиқроқ намоён бўлади, шекилли.

Чинакам бадиий асарни идрок этиш ҳеч қачон нуқта қўйилмайдиган абадий жараён, яна Шеллинг таъбири билан айтганда, "Санъат асарининг асосий хусусияти – ғайришуурий чексизлик"[119]дир, лекин ундаги чексизлик, тубсиз теранликни англаш ва қайд этишга уриниш ҳам худди шу каби абадий жараёндир. Демак, буюк адабиёт Парвардигор инсонга туҳфа этган сирли хилқат, ноёб яралмадир. Яралганга яратиш лаёқатини берган Тангри таолога ҳамду санолар бўлсин!

6

Демак, адабиёт фалсафаси ҳисли кўнгил кўз билан кўрилган буюк бадиий кашиётлар, улар ҳақидаги илм, янги даврдаги илми бадеъадир.

Адабиёт фалсафаси – бадиий образ фалсафасидир.

У бадиий асар қалбига кириш, ундаги фикр ва туйғуни муштарак кўриб, бадиий туйғу замирига кириш, яъни адабиёт

[117] Шеллинг Ф.В.Й. Соч. В 2-х т., Т.1, М., Мысль, 1987. с. 484.
[118] Шу ерда. 477-бет.
[119] Шу ерда. 478-бет.

фалсафаси – туйғу фалсафасидир.

Адабиёт фалсафаси сўз, бадиий сўз фалсафасидир. Зеро даҳо шоиримиз ёзганидек, "Бил: ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз".

Адабиёт фалсафаси ва глобал илмий-бадиий талқин моҳиятан эш ҳодисалар. Руҳоний юксаклик ва интеллектуал теранлик улар учун бирдай махсусдир.

2. Таҳлил мусиқаси

Туйғу, маълумки, жисм ва жонда, кўнгилда кечмиш руҳий-жисмоний кечинмалар, руҳий ҳис-туйғулар мажмуидир. Шеър туйғунинг сўздаги намоёни, ифодаси экан, ҳеч курса шу жиҳати билан у мусиқага қондош соҳага айланади. Бу икки соҳа қондошлиги ҳақида талай фикрлар айтилган, тадқиқотлар яратилган. Бунинг устига мумтоз шеъриятимизнинг етакчи вазни аруз ҳам моҳиятан мусиқий ҳодисадир. Мусиқа ўта нозик, пинҳоний туйғуларнинг оҳанг ва товушлар воситасидаги чилғин ифодаси ўлароқ, бу ифодани талқин ва тушунтиришда сўзга эҳтиёж сезади. Буюк педагог В.А.Сухомлинский ёзганидек, "Сўз мусиқанинг бор-буд теранлигини ҳаргиз англата олмайди, лекин туйғу англатишнинг ушбу ўта инжа жабҳасига сўзсиз ҳам яқинлашиб бўлмайди" (Қаранг: Кабалевский Дм. Воспитание ума и сердце, М., 1984,с. 173).

Таҳлил, аксарият ҳолларда, шеърдан олинган таассурот ва ушбу таассурот қонуниятларини сўз орқали баён этиш, яъни муайян матн сифатида тушунилади. Ва шундай баён, матн, яъни таҳлилнинг керак ё керак эмаслиги, бу йўл билан асар қалбига кириш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида бот-бот фикрлар янграб туради. Шоир Сафар Оллоёр "Ўз осмони бор йигит(Ҳол Муҳаммад Ҳасан портретига чизгилар)" (Тошкент, "Musiqa", 2017, 205-бет) тўпламига кирган мақоласида дейди: "Негаки, шеър шарҳланмайди, гарчи бунга ҳожат бўлса ҳам (?) (Сўроқ бизники – С.М.). Чунки унинг маъно-мазмуни..., бир сўз билан айтганда, бор-йўғи фақатгина ўзида мужассам-

дир. Бинобарин, шеърни шарҳлашга уриниш – туғилган қўзичоқнинг, у ери ундай, бу ери бундай дейишга ўхшаш гап менимча". Яна салдан кейин шоир "Айтдимку, шеърни шарҳлаб бўлмайди", деб писанда қилиб ҳам қўяди.

Чамаси, шоиримиз шарҳлашни хато қидириш, деб тушунади, шекилли. Айтиш жоизки, одатда жўн ва хашаки тизмалар эмас, кўркам ва теран шеърлар шарҳланади. Буюк бадииятдан айб қидирилмайди, чунки бу буюк файздир. Ундан бадиий маъно, пировардда илоҳий файз изланади. Шунинг учун туғилган қўзичоқдан у ери бундай, бу ери ундай дея айб қидириш эмас, унинг нозик ҳусни, гўзал ожизлигию тетапоя қилишидан завқ туйиш, Яратганнинг қудрати, сир-синоатидан лол қолиш, янги вужуднинг кўрк-тароватига таҳсин айтиш – буни шеърни шарҳлашга уриниш билан менгзаш мумкин.

Шеърни шарҳлаш ёки таҳлил қилиш (булар бироз фарқли, лекин моҳиятан бир нарса) илк босқичда бадиий асар кўнгилда уйғотган, пайдо қилган ҳис-туйғу ва фикрлар ифодасидир ва шундан кейингина ушбу ҳолатни сўз орқали ифода этиб, қоғозга туширмоқдир. Шеърни шарҳлаб ёки таҳил қилиб бўлмайди ёки бунга ҳожат ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ дегувчилар шеърнинг, шеъриятнинг таъсирдорлик қувватини ва хусусиятини, кўнгилда илк тикланадиган файзу моҳиятини инкор этган бўладилар. Шеърдан туғилган тоза таассурот илмий асосда ва ҳис-ҳаяжонли тарзда, синчков, лўнда йўсинда баён этилганда чинакам илмий-бадиий таҳлил вужудга келади. Бундай таҳлил ҳамиша тансиқдир.

Таҳлил мусиқаси таҳлил этилаётган шеър мусиқасидан туғилади. Таҳлил шеърга янги, аниқроғи, шеър қаърида яширин, маълум вазиятда юзага қалқиб чиқадиган маънолар, нолалар, қочиримлар қўшсагина, яъни уларни кашф этсагина, ўз вазифасини уддалаган бўлади. Акс ҳолда, юқоридагига ўхшаш гаплар чиқаверади.

2.

Буюк бир ғазал, айтайлик, Ҳазрат Навоийнинг "Қаро кў-

зим...” ёхуд “Ўлтургуси” радифли ғазали мумтоз куй, мақом йўлида ашула қилиб айтилар экан, матндаги ғазал бир неча бор кучайган ҳолда, ундаги таниш сўз ва иборалар сеҳр-жодуга бурканиб, сўзлар чўғланиб сирли жилоларини намоён ва намойиш этади гўё. Масалан халқимизнинг севимли санъаткори Муножат Йўлчиева:

Майдон аро, эй аҳли дин, кирманг тамошасиғаким,
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.

дея ўзининг сеҳрли овози билан куйлар экан, байтдаги “майдон” бир неча бор кенгайгандай, “тамошо” каломи оламшумул кўлам касб этаётгандек туюладики, сўзнинг асл навоийона миқёси ҳақиқатдан ҳам шундай. “Туюлмоқ” феълининг ўзаги “туй” (ҳатто “ту” бўлиши мумкин) бўлиб, у жуда қадимий туркий сўзимиздир. “Туйғу” сўзи ҳам ушбу ўзакдан. “Туймоқ” англамоқ ёки тушунмоқдан юксакроқ (балки бу бошқа ўлчамдаги тушунчадир) поғонада туради. Англашда ақл ва мантиқ ишласа, “туймоқ”да одамнинг бутун вужуди, борлиғи, кўнгли ҳаракатда бўлади.

Шундай қилиб, ўқилган, мутоала қилинган ғазал билан мумтоз куй жўрлигида ижро этилган айни шу ғазал, яъни англаш ва туйиш жиҳатидан гўё икки бошқа-бошқа ҳодисага – китобдаги ғазал ва куй оғушидаги ғазал – ўхшайди. Бундан шундай хулоса чиқадики, демак, мумтоз куй ва соҳир овоз ғазал, ундаги сўз, ибора ва тинимлар замирида потенциал мавжуд маънолар ва ҳиссиётлар мажмуини юзага чиқаради, намоён этади ва инсон зеҳнияти учун кўримли ва сезимли юксакликка кўтаради.

Бундай фикрлар туғилиши ва айтилишидан мақсад шеър таҳлили ва умуман таҳлил (агар у бадиий асар қалбига дахл қилувчи чинакам таҳил бўлса, албатта) ва буюк ғазал мумтоз куй қанотида парвоз қилиб, зимнида мавжуд бор-буд куч юзага чиқиши – бир-бирига монанд ҳодиса эканини қайд этишдир.

Таҳлил ҳам мумтоз куй сингари бадиий асарга қанот бағишласа, унинг зимний маъноларни кўз-кўз қила олса, қанийди.

Энди шу ўринда таҳлил сўзига синчковроқ нигоҳ қаратайлик. “Таҳлил (тарқалиш, куртак ёзиш; текшириш, суриштириш; ҳал қилиш, очиш)”. Бу сўзнинг луғавий маъноси, бизга зарур хос маъноси бундай: “Нарса, ҳодиса ш.к.ларни моҳият, қонуният ва бошқа жиҳатлардан текшириш, ўрганиш иши” ва яна “Бирор нарсанинг таркибини белгилаш ва унинг моҳиятини тадқиқ этиш” (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Беш жилдли, 4-жилд, Тошкент: 2008, 41-42 бетлар). Агар сўзнинг тарихий илдизларига боқадиган бўлсак, у “парчалаш, майдалаш, йўқ қилиш; эритиш; очиш, ҳал қилиш” (Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, Тўрт томлик, 3-том, Тошкент, 1984, 216-бет) каби маъноларни ҳам англатиши маълум бўлади. Агар ушбу маъноларни бир нуқтага жамлайдиган бўлсак, таҳлил бирор нарса ёки ҳодисанинг қилни қирқ ёриши даражасида ичи-ташини ўрганиш, дейишмиз мумкин.

Яна бир мулоҳаза. Келиб чиқиши адабий бўлган таҳлил ва ҳилол бизнингча уядош сўзлардир. Агар ушбу икки сўзни маъно томондан қуйидагича боғлаш мумкин: эндигина кўрингга ингичка ой, ҳилол секин-аста тўлишиб, доира шаклидаги тўлин ойга айлангани каби бадиий асар ҳам синчков таҳлил жараёнида бор бисоти, имконидаги маъно потенциали билан яққол намоён бўла боради.

Агар таҳлил тўғри ва ҳассос бўлса бадиий асар таҳлил жараёнида – ҳилол ҳам пайти келиб тўлин ойга айлангани каби – тўлишади, ёришади. Асар ҳам таҳлил жараёнида тўлишади гўё.

Демак, таҳлил кенг маънода олганда бадиий асарнинг чилғин кўнгил кўзгусида инъикос этиши, жилваланиши бўлиб, шундан кейингина сўз, матн либосида юз кўрсатишидир.

Яқинда “Ёшлик” журналининг 2017 йил, 2-сонида “Қўлёзма” рукни остида камтарин ва ўзига хос шоир Азиз Абдуразоқнинг икки шеъри муаллиф қўлёзмасида эълон қилинди. Дурдона икки шеър – “Оқликка шафқат” ва “Эҳтиёт шарт”. Ҳар иккисига “1988” санаси қўйилган. Аввал биринчисига тўхталсак.

Оқликка шафқат

Майли, ёғмай турақолгин, қор,
Ерга тушсанг топтар одамлар.
Бўлажаксан кири хору зор,
Эзар поку нопок қадамлар.
Майли, ёғмай турақолгин қор,
Оқлигингча қолақолгин қор,
Поклигингча қолақолгин, қор.

Австриялик машҳур руҳшунос олим Виктор Франкл "Маъно қидираётган инсон" китобида ёзади: "Санъаткор илҳом оғушида яратади, шу боис унинг ижод маншаъи қоронғилигича қолади, онг у ерни тўлиғича ёрита олмайди" (Франкл В. Человек в поисках смысла, М., 1990, с. 99). Яхшиям ёрита олмайди, акс ҳолда биз, яъни инсон ижоднинг сеҳрли сир-синоатидан мосиво бўлардик. Онг ижоднинг ғайри шуурий оқимига қонун-қоидалар киритиб, уни мантиқ ўлчовлари билан занжирлаган бўлар эди. Балки бунда бадиий ижод ҳам мутлақо бўлмасди, ҳойнаҳой. Шу ерда Оскар Уайльднинг бир гапи ёдга келади: "Санъатни севмасликнинг икки усули бор. Бири – уни шунчаки севмаслик. Иккинчиси – уни ақл орқали, рационал севиш".

Ушбу шеърнинг маншаъи, пайдо бўлиш ўрни қаерда?

Буни, юқорида руҳшунос олим ёзганидек, аниқлаш қийин, лекин юзароқ тафсилотларни қайд этиш мумкин. Қор ёғаётган манзарани кўз олдингизга келтиринг. Сон-саноқсиз оппоқ зарралар (геометрик шакл бўйича, кристаллар)[120] ерга, пастга

[120] Шу ерда бир изоҳ: Оламнинг эзотерик структурасига бағишланган Друнвало Мельхеседекнинг "Ҳаёт Гулининг куҳна сири" китобида кристаллар ҳақида шундай дейилади: "Улар тирик ва онгга эга. Мен улар билан, улар мен билан мулоқотга киришадилар. Ушбу ўзаро фикр алмашувдан кўплаб муаммоларга ойдинлик киритдим... Кристаллар фавқулодда иқтидорга эга. Улар барча турли-туман усуллар билан одамларга таъсир ўтказадилар." (Мельхеседек Друнвало, Древняя Тайна Цветка Жизни, М., Изд. "София", 2012, с. 242-243.).

Муз заррачалари бўлган қор ўзининг кристалл шакли ва ирфоний онгти билан одам, яъни шоир шуурига шеърда айтилган ушбу ғояни, маънони жойлаб қўйган бўлса, не ажаб. Умуман қор ёғишининг инсон қалбига соладиган сеҳр-жодуси айнан кристаллар билан боғлиқ бўлса нима дейсиз?

бетиним ёғилади. Бундай шиддатдан, еру кўкни тутган оқликдан завқланасиз. Лекин айни шу завқ туйқусдан, кутилмаганда аламга, оғриққа эврилади: шундай муҳташам оқлик заволга юз тутмоқда, охир. Лекин шеър номида "алам" эмас, "шафқат" сўзи бор. Нега "Оқликка шафқат"? Шафқат алам ва оғриқдан устунми ёки уларнинг пайдо бўлиш манзиллари бошқа-бошқами? Оғриқ ва алам асосан кузатувчининг аҳвол-руҳиясига тегишли бўлса, шафқат кузатилган нарсага дахлдордир. Яъни қорга, унинг беқиёс оқлигига. Шафқат аяш, раҳм қилиш ҳис-туйғуси бўлиб, бунга биринчи навбатда одамнинг ўзи, қор ёғишини кузатаётган одам муносиб эмасми? Демак – шоир ва ёғаётган қор. Сирли бир эврилишга кўра ёғаётган қорга, оқликка шафқат ортга бурилиб, шафқат билдираётган одам, кузатувига ҳам дохил бўлиб қолади. Бу – айни табиий, оқлик ўзида, вужуду кўнгилида бўлмаса, оқликка мунча сажда (шу сўз қаламга келди ва уни ўзгартирмадим) қилармиди шоир. Буни олдга қаратилган туйғунинг ортга қайтиш қонуни, деб атасакмикан, ёки ҳиссиётнинг умумлашма қонуни? Аммо ҳозирча ҳиссиёт кузатувчидан жабҳага, қорга томон оқмоқда:

Майли, ёғмай турақолгин, қор...

Сатрни уч нуқта (...) билан сийлаймиз, бу бизга унга шеърдаги давомдан холи, нисбатан мустақил бўлак сифатида нигоҳ ташлашга, алоҳида кўз-кўз қилишга имкон яратади. Мисрада гап оний лаҳзалар ҳақида кетмоқдаки, қатъий мантиқни ишга солиб ҳолатга боқсак, бу ҳеч қачон амалга ошмайдиган иш экани аён бўлади, ёғаётган қорни қандай тўхтатиб қолиш мумкин. Бу имконсиз. Яна, "майли" деганига ўлайми? (қўполроқ сўз, лекин моҳиятга мос). Ундан буни ҳеч ким сўраётгани йўқ. Лекин. Мумкин бўлмайдиган нарса айтилмоқдами, демак нимадир муҳим нарса бор ва шу нарса мантиқни орқага суриб ташлайди. Мантиқсизлик юксакроқ мантиқ томон йўл очади.

Бу сатр шеърнинг илк мисраси бўлиши қаторида унинг лейтмотиви, ўқ илдизидир. Одатда мисра шеърда ҳам автоном, якка ҳолда, ҳам бошқа мисраларга боғлиқ, жамоа тарзда вази-

фа бажаради. Баъзан шеърдан ажратиб олинган алоҳида мисра янги, кутилмаган қиёфада намоён бўлиши мумкин. Агар *"Майли, ёғмай турақолгин, қор"* сатрини кейинги мисралар билан жўровозликда кузатсак, шоир нега бундай демоқда, деган саволга жавоб оламиз:

Ерга тушсанг топтар одамлар,
Бўлажаксан киру хору зор.
Эзар поку нопок қадамлар.

Чунки, ернинг қонунлари ўзгача, тартиботи бошқа. Ерга тушдими, энди бунда у тушаётган осмоннинг поклиги йўқ. Қор топталиши аниқ, у шунга маҳкум ва бу учун ҳеч ким айбдор эмас. Азалий илоҳий тоамил шундай. Қорнинг ерга тушиши муқаррар бўлганидай, унинг топталиши ҳам муқаррар. Унинг "киру хору зор" (ифода ва тасвирнинг аниқлигини қаранг) бўлиши, "поку нопок қадамлар" эзиши ҳам муқаррар. Бунда қадамларнинг эзгу-ёвузлиги ҳам, эрк-ихтиёри ҳам йўқ. Муқаррарият шунчалик мутлақ экан, унда бу қадар жонбозликка боис не?

Боис оқликнинг, эзгуликнинг, гўзалликнинг илоҳий сеҳрида, жаннатий жозибасида. Оний гўзалликдан сеҳрланган кўнгил уни шу қадар қизғанадики, ўз табиий йўли – ерга энишини хоҳламайди. Охирги мисраларда шеър оҳангида тезланиш рўй бериб, ҳиссиёт гўё портлайди. Лейтмотив мисра бошчилигида охирги уч мисра шеърни кескин, фоже ва бир пайтнинг ўзида нозик зарб билан якунлайди:

Майли, ёғмай турақолгин қор,
Оқлигингча қолақолгин, қор,
Поклигингча қолақолгин, қор.

Француз бастакори ва мусиқа назариётчиси Жан Филипп Рамо (1683-1764) шундай ёзганди: "Мусиқа математик фанлар сирасига кирмайди, аксинча, аниқ фанлар мусиқанинг бир

қисмидир, чунки улар асосида мутаносиблик ётади, мутаносиблик эса – бу жарангли вужуд ҳосиласидир" (Золотое сечение, М., 1990, с. 299)

Демак, неки жарангли вужуд бўлар экан, у қайбир даражада мусиқийликка дахлдордир. Мисралар сони, уларнинг туроқларга бўлиниши, сўзлар ҳижолардан ташкил топиши, уларнинг сони, қофияланиш тартиби ва яна бошқа қатор омиллар мусиқий тийнат ва мусиқий сифатга эга. Банд неча мисрадан ташкил топиши, уларнинг ўзаро муносабати, қайтариқ мисралар – булар ҳам мусиқий аҳамият касб этади.

Буюк қомусий олим Абу Наср Форобий бобомиз ўзининг "Мусиқа ҳақида катта китоб" ("Китоб ал-мусиқа ал-кабир") асарига кирган "Мусиқий уйғунлик ҳақида" мақоласида ёзади: "Ундан ташқари, мусиқа жорий тилнинг синтаксисига бўйсунади. У шу даражада риторика ва шеърият қоидаларига, яъни диалектика билан боғлиқ санъатнинг ушбу икки тури қонунларига амал қилади" (Аль-Фараби, Естественно-научые трактаты, Алма-Ата, 1987, с. 218). Мусиқа миллий тил синтаксиси, яъни гап тузилиши ва гапда сўзларнинг бирикуви билан чамбарчас боғлиқ экан, у санъат асарига айланган ҳар бир шеър, ҳар бир мисра ҳужайрасида яшамоғи тайин.

Шеърга қайтиб, ундаги сўнгги мисралар қаърига басират нигоҳи билан боқадиган бўлсак,

Оқлингингча

қолақолгин, қор.

Поклигингча

Зимнида ёлворишга қоришиқ алам борлиги сезилади.

Мумтоз ашулачилигимизда нола деган атама бор. "Нола – (йиғлаш) – ашула айтганда сўзнинг бир бўғинида овозни титратиб чўзиш" (И.А. Акбаров, Музика луғати, Тошкент, 1987, 231-бет.) Қоғозга битилган шеър ёки ғазал ҳали ашула эмас, албатта. Лекин сўз ва маъно ички талаффузи билан ялпи нола оҳангини вужудга келтирадики, буни потенциал ашула дейиш мумкин.

Агар шеърга қайтсак, гап фақат ёғаётган қорда эмас. (Ёғаётган қорда ҳам албатта, чунки шеър қор ҳақида-ку!) Ёғаётган қор осмондан ерга оҳиста тушгунга қадар ўтган сониялар оралиғида – оламдаги жаъми оқликнинг, ҳаракатдаги оқликнинг тимсоли, оқлик эса – гўзаллик тимсолидир. Ва у шу билан бирга жаъмики оқлик (оқлик балки гўзалликнинг энг олий даражасидир) Ерга, ҳаёт аталмиш талотўпга тушгач, лат ейиши, заҳа тортиши, оқлигидан, поклигидан фақат бир қисм қолишини шоир билади, ҳамма билади. Лекин ҳеч ким, ҳеч бир куч уни "киру хор зор"ликдан сақлаб қололмайди. Чунки "хору зор"лик – бу ҳаёт, ҳаёти дунё дегани. Лекин ҳамма шул синоатга, ёғаётган қор каби ҳаётга интилади. Ҳаёт эса... фақат оқликдан иборат эмас.

Балки мутлақ оқликда ҳаёт йўқдир. Ҳаёт синов дунёси, кир-чирлик унинг ажралмас бўлаги, азалий қонуниятининг моҳиятидир, балки. Лекин оқлик – оқлик, поклик – поклик-да. Унинг мавжудлиги улуғ тасалли-ку, мунис ва мунглуғ одамга.

Шеър минбардан ўқиладими ёки ўзича овоз чиқариб, ё овоз чиқармасдан кўз югуртириладими – ҳар қандай ҳолатда муайян мусиқий такт, бўлакка бўлинган ҳолда талаффуз этилади. Бундай ҳол шеър ичда ўқилганда ҳам сақланади. Мисра шу тахит мусиқавий идрок этилади, шеър мисралар йиғими ва кетма-кетлигидан ташкил топади экан, улар қай тартибда ва қай йўсинда қофияланиши, қандай банд ҳосил этиши, банддаи мисралар сони, тўла ва чала бандлар – барчаси бириккан ҳолда шеър мусиқасини яратади.

Агар мазкур шеърга банд нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, дастлаб илк тўрт мисра банд ҳосил қилади, бешинчи қайтариқ мисра эса устама тарзда бешлик бандни ясайди. Унинг структур вазифаси шундаки, у ҳам тепага, ҳам қуйига ишлайди. Ўзидан қуйидаги икки мисрага тиргак вазифасини ўтайди ҳамда бирикиб учлик, яъни тоқ бандни ҳосил қилади. Айрим ўзгариш билан такрорланган, шакл ва маъно жиҳатидан қондош мисралар акс-садо, эхо жаранги яратиб, тугалланмаган тугаллик ҳосил қилади.

Ушбу мисралар ва бутун шеър дунёи дуннинг қосир зиддиятидан, шафқатсиз заруриятидан (одатда шафқат шафқатсизликдан сўралади) нола чекади гўё.

4

Иккинчи шеър:

Эҳтиёт шарт
Юрмоқ учун яралмиш оёқ,
Тепмоқ учунмас.
Бу бир оддий ҳақиқат, ўртоқ,
Тепган тушунмас.
Эҳтиёт бўл,
Бу дунёда бор ҳисоб-китоб,
Бир кун келиб берурсан жавоб,
Бедарвоза ҳеч шаҳар бўлмас.
Ажалидан анча эртароқ,
Тепган ўлар,
Тепилган ўлмас.

Бу шеър юқоридагидан тамом ўзгача. Олдингида юракни орзиқтирувчи лирика, фоже бир руҳ етакчи бўлса, бунда қатъият ва золимга таҳдид бор.

Асар уч структур бўлакдан иборат: 1. Сарлавҳа. 2. Илк банд – шеърга кириш, "ўртоқ"қа, яъни шеърхонга мурожаат. 3. Асосий қисм – бу энди "тепган", жобирга мурожаат.

Шеър сарлавҳаси бежиз илк структур бўлак сифатида белгиланмади. Зотан, сарлавҳа мисли уй ёки ҳовлига олиб кирадиган эшик ёки дарвоза. Бу ўхшатиш янги бўлмаса-да, масала моҳиятини аниқ ифодалайди. У нафақат эшик ёки дарвоза, балки маъновий йўлкўрсаткич ҳам. Сарлавҳа, ном бадиий асарнинг ажралмас ва муҳим унсуридир. (Айрим шеърларда сарлавҳа бўлмайди, айни шу ҳолат ҳам маъно ташийди, сарлавҳасизлик ҳам шеърдаги муайян қонуниятни урғулайди.)

Ушбу нуқтаи назардан сарлавҳа ва бутун шеър ва улар орасидаги муносабатга (қиёс принципи шу ўринда ҳам амалда)

синчков диққат қаратсак, "эҳтиёт шарт" жумласида яширин ва аччиқ киноя мавжудлигини фаҳмлаш мумкин. Киноянинг бош хусусияти, маълумки, ҳодисага бериладиган баҳонинг атай нотўғрилигидир. Эҳтиёт шарт, одатда, бировнинг эҳтимолий хавфдан огоҳ этишни билдирса, сарлавҳадаги бу гап "тепган"-га қаратилган. Ахир у тепонғич бўлса, эҳтиётни кўча-пўчасидан ўтмаган бўлса, эҳтиётнинг назар-писанд қилармиди? Айни шуниси билан, сарлавҳа – биринчи қатламда киноя, юқорироқ ёки теранроқ қатламда – огоҳлантириш, ҳатто таҳдид.

Шеърдаги илк бандниг оҳанги, мусиқаси ўзгача – кескин ва кўпол. Тўққиз ҳижоли (4+5) мисра беш ҳижоли қисқа сатр билан давом этади ва "мас" (эмас) инкори билан тугалланган қисқа мисралар жаҳл ва ғазабни жонли тарзда ифода этади. Кундалик ҳақиқат – "Юрмоқ учун яралмиш оёқ" шу қадар одмики, агар гап шу ерда тугалланганда, хўш, нима бўпти, дея елка қисишимиз мумкин эди. Лекин қисқа ва силтов билан битилган сатр "Тепмоқ учунмас" янграши биланоқ манзара бирдан ойдинлашади. "Юрмоқ" одатдаги ҳол, "тепмоқ" аҳёнда бўладиган фавқулоддаги воқеа. Савол туғилади: нега бу икки ҳол қаршилантирилмоқда? Шунда асарнинг салбий бош қаҳрамони – "Тепган" шеър майдонига чиқади. Унинг бош белги – хусусияти ақлсизлик, ғофиллик, юксак маънодаги огоҳсизлик – "Тепган тушунмас".

Асосий қисм кескин ва шиддатли буйруқ майли – "Эҳтиёт бўл" билан бошланади, у сарлавҳанинг сал ўзгарган, мурожаат шаклидир. Муҳими, шу ердан бошлаб, шеър кайфиятида, ритмикасида кескин бурилиш содир бўлади. Бошда "Ўртоқ"ка қаратилган сўз тўсатдан (рус адабиётшунослари Достоевский асарларида "вдруг" (тўсатдан) сўзининг поэтикасини махсус тадқиқ этишганки, кескин бурилишни англатувчи ушбу сўз ва ҳолат махсус эътиборга лойиқ эканини кўрсатади) йўналишини ўзгартириб, инвектива (бирор шахс ёки воқеага қарши қаратилган кескин қораловчи нутқ) тусига киради. Бу нутқ шеър-

рнинг сўнгги уч сатрида ўз ҳадди аълосига чиқади:

Ажалидан анча эртароқ,
Тепган ўлар,
Тепилган ўлмас.

Фақат шу ер, охирги мисраларга келибгина жабрдийда жобир билан ёнма-ён ҳолда юзага қалқиб чиқади. Тирик жон борки, барчаси ўлади. Мақолда айтилганидек, синмасни кулол, ўлмасни Худо яратмас. Лекин ўз ажали билан ўлмоқ иборасига зид бўлган ажалидан бурун ўлмоқ, деган тушунча борки, унинг сир-асрорини, касофатини, моҳиятини банда аниқ-тиниқ билмайди. Лекин унинг юзада турган бир сабаби қайсидир даражада тушунарлидай. Бировга ноҳақ зулм, жабр қилиш, ахлоқ-одоб, одамийлик қоидаларини қўпол тарзда бузиш, Яратганга шак келтириш каби гуноҳи кабирлар...

Шу боис биринчи банддаги "мас" ялпи инкорлар бу ерда тасдиқ – инкор (ўлар-ўлмас) билан алмашади. "Тепган" "ажалидан анча эртароқ" ўлади, "тепилган" эса вақти-соати етиб, ўз ажали билан тўшагида тинчгина омонатини топширади.

Охирги икки сатрда бироз ёпиқ парадокс бор. Одатда тепган зарб беради, тепилган жароҳат олиб ҳатто ўлиши ҳам мумкин. Тепишда ўлдиришга, маҳв этишга ғайри шуурий интилиш бор. Лекин шеър хотимасида нақ тескариси – "Тепган ўлар, тепилган ўлмас". Бунда оддий ҳолатдан юксак ахлоқий аҳком ҳосил бўлмоқдаки, терслик, парадокс ушбу ҳолатга куч-қувват ва жозиба бахш этмоқда.

Олий адолат қарор топади, худди Лермонтовнинг машҳур "Шоирнинг ўлими" шеъри адоғида айтилганидек - "Тангри ҳукми бор..." (Но есть и божий суд...) . Шу тариқа ҳажман кичик, аммо улкан маъно қамровли шеър якунланади.

5.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "тепмоқ" сўзининг олти маъноси (шулардан иккитаси "кўчма" белгиси остида) қайд этилган. (Қаранг: 4-жилд, 69-бет). Лекин биз таҳлил қи-

лаётган шеърда юз кўрсатган маъно луғатда акс этмаган. Агар "тепган" ва "тепилган" сўзлари маъносига шўнғийдиган бўлсак, улар аниқ ва кўчма маъно англатишини кўрамиз. Бундаги тепиш, биринчидан, бевосита оёқ билан зарба беришни англатади, лекин шеърда кўчма қатлам ҳам борки, бу муҳимроқ. У бировга қаттиқ жабр қилиш, иссиқ ўрнидан мажбуран, қўпол тарзда кетказиш, ожиз одамни ерга уриш, ҳақорат қилиш каби кўчим маъно тармоқларига эгаки, ушбу кўпмаънолилик, турли ҳиссий-эмоционал маънолар босими шеър жозибаси ва бадиий теранлигини тайин этади.

"Ёшлик" журналида босилган қўлёзмадан кўринадики, ушбу икки шеър бир варақдан олдинма-кетин ўрин олган. Бу – тасодиф эмас, ҳойнаҳой. Демак, уларни бирлаштирадиган қандайдир муштарак жиҳат, қизил ип бор.

Қорнинг оқлиги, поклигини қизғаниб, бу шаффоф туйғуни шафқат деб атаб ("Оқликка шафқат"), *"Майли, ёғмай турақолгин, қор"* дея мунглиғ оҳ тортаётган кўнгил оқ ва пок қор қора ерга тушгач, уни қандай кўргилик, топташ ва тепкилар кутиб турганини иккинчи "Эҳтиёт шарт" шеърида ҳам тасвирлаб, ҳам ҳимоя этмоқда гўё. Агар биз икки шеър орасида ботиний боғлиқлик, маънавий робита излайдиган бўлсак, *қор – тепилган (одам)* қаторини ҳосил қилишимиз мумкин. Қор барибир ерга тушади, уни "поку нопок қадамлар" топтайди. Атайдан эмас, оёқ остида бўлгани учун. Лекин... Атай эзишлар, топташлар, ожизни тепкилашлар, қутурган зўравонликлар...

Шундай кирдикорлар ҳақидаги "Эҳтиёт шарт" шеъри ушбу нуқталарда "Оқликка шафқат" шеъри билан кесишади ва ҳар иккаласи биргаликда гўзаллик ва эзгуликни ҳар бири ўз йўлида, лекин яхлит маънавий махражда тараннум этади.

Оқлик ва покик ғалаба қилади – "Тепган ўлар, тепилган ўлмас" . Балки бундай бўлмас ҳам, Тепганлар ажали етгунча тирик юрарлар балки. Лекин шеър "тепилган"нинг таҳдид шаклига кирган илтижосиким, таниқли адиб С.Сиёевнинг "Аҳмад Яссавий" романида улуғ авлиё бобомиз тилидан айтилганидек, "Мазлумнинг илтижоси ҳаргиз мустажоб бўлғай... Бир ғарибни йиғлатган золимнинг кулиб юришини Аллоҳ хуш кўрмагай".

"Тепилган" фақат одам бўлиши шарт эмас, у топталган ҳақиқат, писанд этилмай четга итқитилган улуғ ғоя, ҳақорат қилинган пок туйғулар ҳам бўлиши мумкин. Уларга қарши хезланган куч алал-оқибат зору забун бўлишга маҳкумдир.

Ҳар қандай бадиий асар ўзига хос сир маскани, яъни ҳомили роздир. Ундаги бадиий сир ва сеҳрни охиригача очиш имконсиз, бунинг устига, очилган сир – сир эмас. Айни шундай сир ва сеҳр бадиий асарни ўзи яратилган давр аҳли учунгина эмас, келгуси авлодлар учун ҳам таҳсиқ бўлишини таъмин этувчи илк омилдир. Чинакам бадиий асар ҳомили роз бўлар экан, унинг ботиний оламида сайр этиб, сир-асрорини очишга жазм этган одам кашфи роз, яъни сирларни кашф этувчи бўлиши лозим ва тайиндир.

Гап адоғида икки шеърни ёруғликка чиқариб, эл-юртга кўз-кўз қилгани учун "Ёшлик"чилар, хусусан шоир Элёр Муродга ташаккур айтамиз. Шу эълон бўлмаса, бу шеърлар ё кўзга тушарди ё йўқ.

Бадиийлик – абадийлик, дегучи эди марҳум устозимиз Мели Холиёр. Устоз шоир Азиз Абдураззоқ ушбу икки шеър биланоқ абадийликка дохилдир, Деймизки, жойингиз жаннатда бўлсин, Азиз ота.

Икки оғиз хулоса.

Таҳлил ва мусиқа. Туйқус бир-биридан жуда узоқ ҳодисаларга ўхшайди. Лекин масала зимнига боқиб фикр қилсак, аён бўладики, асл бадиий асар ижодкор қалбига Яратган жойлаган мусиқадан (хоҳланг уни илҳом деб атанг) туғилади ва бу мусиқа сўз ва оҳанг санъати бўлиб яралган асарга кўчиб ўтади. Ушбу мусиқа вужудига қайбир даража кирмай, уни тингламай туриб бадиий асарни тўлақонли таҳлил қилиб бўлмайди. Айни шундай таҳлилда эса сўз санъати мусиқасидан таҳлил

мусиқаси яралса ажабмас.

Тўлақонли таҳлил – глобал илмий-бадиий таҳлил белгиларидан биридир.

3. Вақт фалсафаси

1

Вақт феномени, ҳодисаси бир йўла бир неча – физика, математика, астрономия ва бошқа қатор фанларда ўрганилади. Чунки бу фанлар дунёвий жараёнларни тадқиқ этади экан, вақт иштирок этмаган жараённинг ўзи йўқ, қайсидир даражада вақтга тўқинади. Вақт бадиий адабиёт отлиғ яратиқнинг ҳам зарурий ингредиенти, масаллиғидир. Лекин ўта нозик, кўз илғамас, аммо ҳамиша ҳар ерда ҳозиру нозир масаллиғдир.

«Тарих – бу вақт доирасида кечадиган жараёнларни ўрганиш бўлиб, лекин вақт нима эканини ҳеч ким билмайди»[121].

Вақт каби юзаки қараганда жўн, замирига боқилса ўта тилсим ва мавҳум нарсани, уни нарса деб ҳам, нарса эмас ҳам деб бўлмайди, поэтик мавзу қилиб олиш, уни муносиб тарзда юксак поэтик мезонларда очиб бериш учун бу ишга қўл урган шоир унча-мунча шоир бўлмаслиги, бир вақтнинг ўзида (яна вақт!) ҳам улуғ шоир, ҳам файласуф бўлмоғи, яъни мавҳум фикрдан шеър яратмоғи, фикр қаъридаги шеърият, жозибани кашф этмоғи керак.

Буюк донишманд Аристотель ўзининг «Физика» асарида вақт ҳақида тўхталар экан, масалани «вақт мавжуд нарсалар сирасига киradими ёки номавжуд нарсалар сирасига, сўнг унинг табиати қанақа»[122] тарзида қўяди. Бино-барин, вақт қайси, физикавий аниқ ёки поэтик ҳиссий шаклда ўрганилмасин, ҳамиша сирли ҳодиса бўлиб қолаверади.

«Вақт» шеъри яралишидан сал ўтибоқ, 1946 йили (шеърга 19.9.45 са-наси қўйилган) «Ҳозирги ўзбек адабиётидаги тизма сўзнинг чўққиси»[123] дея баҳоланган.

[121] Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. М., 1993, с.351.

[122] Аристотель Соч. в 4-х т. Т.3. М., 1981, с. 145.

[123] Қаҳҳор А. Асарлар. Беш жилдлик. 5-жилд. Т, 1989. 77-бет.

Шеърнинг пайдо бўлишига туртки бўлган воқеа сарлавҳа остида аниқ қайд этилиб, «Менга соат тақдим этган жияним Ҳамидулла Ҳусан ўғлига бағишланган» деб ёзиб қўйилган[124]. Бу шунчаки оддий бағишлов бўлмай, уни семиотик очқич деб баҳолаш мумкин. Бағишловда бошқа тафсилот йўқ. Лекин шоир ва таржимон Александр Наумов шоир тилидан ёзиб олган «Йўл тугамайди» («Путь не кончается») деб номланган суҳбатда шоир ўзининг қатор асарлари, жумладан «Вақт» шеъри ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бунда айтилишича, шоирга зобит жияни тақдим этган соат оддий, яъни дўкондан харид қилинган янги соат эмас, балки трофей соат бўлган. Соат азал-азалдан вақт ўлчагич асбоб, лекин трофей соатнинг бошқа кўшимча бел-гиси ҳам бор, у тутилган, душмандан ўлжа тарзда олинган буюм. Буни қайд этиш муҳим.

Шоир ушбу суҳбатда ҳам ҳассос ижодкор, ҳам теран адабиётшунос сифатида, зеро академик-шоир ибораси фақат Ғафур Ғуломга ярашади, «Вақт»нинг туғилишидаги икки жиҳатни аниқ қайд этади.

Биринчи жиҳат. Шоир совға ҳақида гапириб келиб, дейди: «Уни олдиму сал ижирғандим, соатни кўрибоқ ўйладим, уни қандайдир немис, фашист таққан, бунинг устига у ҳалок бўлган... Шундай қилиб, соат 45-йил майигача қайдадир ётди. Байрам тантаналари авжи қизиган пайт тасодифан олдимдан чиқди. Онгимда аниқ шаклланган фикр бўлмаса-да, мен уни энди тақишим мумкин, деб ўйладим. Бир тўйда қадаҳ сўзи айтар эканман, дедим: менинг билагимдаги трофей соат бежизга эмас, илгари у душман учун вақтни ўлчаса, энди у бизнинг вақтни кўрсатмоқда! (Аслиятда: раньше они отсчитывали время врагу, а теперь считают наше время!). Бизнинг вақт... Лекин бу ўта умумий рамз бўлиб, у ҳамма нарсани ўзига сиғдирарди. Шеър зарурияти онг-да пишиб етилганди; лекин Вақт образи худди бепоён сув сатҳидек эди: мен бир соҳилда

[124] Ғулом Ғ. Асарлар. Беш жилдлик. 1-жилд. Т, 1964. 207 бет.

турар, иккинчи соҳилни эса кўра олмасдим...»[125].

Иккинчи жиҳат. Яна алломанинг сўзлари: «Бир куни, чала-ярим уйқусиз тундан кейин тонгда шаҳар айланишга чиқдим, кўчада сайр қилиб юриб, нашриёт эшигига келиб қолибман. Адабий таҳририятда икки киши бор эди – муҳаррир дўстларимдан бири ва корректор қиз. Мен беихтиёр саломлашдим, беихтиёр саволга жавоб бердим; қиз менга ёнлаб турарди, мен унинг узун майин киприкларига боқдим. Улар худди тунги капалак қанотидай кўтарилиб-тушарди... Мен яна қарадим: капалак яна қанотларини ёзди. Кўзини пирпиратди... ва мен ушбу оний лаҳзани аранг илғай олдим. Мана сизга мангуликнинг иккинчи чегараси, ибтидолар ибтидоси! Айни шу эмасми лаҳзанинг жонли образи... кўз очиб юмгулик лаҳза? Ва илк калит банд, мени узоқ қийнаган, уни топиш амримаҳол мўъжиза, худди ҳаводан моддий нимарса ҳосил қилишдай туюлган тансиқ банд тўсатдан ўз оёғи билан келди ва худди байрамда отиладиган мушак каби менинг тасаввурим осмонида портлади»[126].

Ушбу сўзлар ғоят ноёб далиллар бўлиб, уни ёзиб олган Александр Наумовдан миннатдор бўлишимиз лозим. Бунда аллома ўзи яратган муаззам шеърнинг куртакланиш онларини, таъбир жоиз бўлса, бадиий эмбрионини кўрсатмоқда. Масала ечимининг (шеър таҳлили ҳам масала, Низомий Ганжавий ёзганидек, шарҳи сухан бештар аз сухан, яъни сўзнинг шарҳи унинг ўзидан муҳимроқ), илмий аниқ калитини бермоқда. Фақат бу калитни шеърнинг дил қулфига солиб, назокат билан бураш қолади, холос.

[125] Биография замысла. Беседы с мастерами узбекской литературы, записанные Александром Наумовым. Т.: Ёш гвардия, 1974. с.28-29. Мазкур китобга Ғ.Ғуломдан ташқари Ойбек, Уйғун, А. Қаххор ва Зулфия билан қилинган суҳбатлар, аниқроғи, уларнинг ўзи ва ижоди ҳақидаги монологлари кирган. Бу мўъжаз китоб XX аср ўзбек адабиётини ўрганишда муҳим манба (бу фикрни китобга сўз боши ёзган академик Иззат Султон алоҳида таъкидлаган) дейиш мумкин. Уни тўлиғича ўзбек тилига ўгириш зарур. Зеро йирик адибларимиз яратган асарларни уларнинг ўз нигоҳи орқали ўрганиш ажиб ёкимтой амалдир.

[126] Ўша ерда, 28-29 бетлар.

Шоирнинг тасаввур осмонида портлаган илк бандга назар солсак, кўрамизки, шеър икки ҳодиса қиёсидан бошланади: «Гунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик...» Юқорида келтирилган суҳбатдан биламизки, аллома ҳодисанинг иккинчи соҳилини бежиз изламаган. Агар қиёсланувчи нуқта, махраж – Лаҳза топилмаса, умуман «Вақт» шеъри учун қиёс принципи етакчи принцип сифатида кашф этилмаса, шеър туғилмаган, дунё юзини кўрмаган бўларди. «Қиёсга сиғмас таққос» (болаларнинг катта шоири Т. Адашбоев шеъридан мисра) дейилганидек, ялпи қиёс «Вақт» шеърининг структур яхлитлигини таъминлайди, унинг бадиий-структур қиёфасини тайин этади. Шеърда доминант сўз ва доминант тушунча – лаҳза. Унда қадам-бақадам лаҳза ва унга маънодош сўзлар фурсат, нафас, дам, он, секунд узоқ вақтга (мангулик, чексизлик қадар) бақамти қўйилиб, лаҳзанинг қадр-қиммати («Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун, Олтиндан тарозу олмосдан тош оз») шундай қуйма мисраларда таъкидлана боради. Поэтик фикр тантанаси, апофеоз охирдан олдинги бандда юз кўрсатади:

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,
Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал.
Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун,
Қудратли қўл билан қўяйлик ҳайкал.

Лаҳза учун қўйилган ҳайкални лаҳзага қўйилган ҳайкал деб ҳам талқин қилиш мумкин. Лаҳзага ҳайкал қўйиш уни тўхтатишга уриниш, ҳеч бўлмаса, шунга илинж демакдир. Ушбу нуқтада «Вақт» шеъри инсониятнинг буюк бадиий обидаларидан бўлмиш Гётенинг «Фауст» трагедияси билан фикр-ғоя жиҳатидан кесишади. Фаустнинг Мефистофель, иблис билан тузган шартномаси айнан лаҳзага оид эди:

Агар мен бир онни унутар бўлсам,
«Тўхта, эй сония!» – деб айтсам агар,
Сенинг тутқунингман майли ўша дам[127].

[127] Гёте И.В. Фауст. Т, 1985. 52-бет (Э. Воҳидов таржимаси)

Икки ўртадаги кесишув нуқтадан маъно чиқариш махсус илмий изланишлар мавзусидир. Лекин бир фикрни айтиш жоиз. Нега Мефистофель, иблис ўзига ишонган ҳолда бундай шартномага журъат қилади, у инсон, яъни Фауст ҳеч қачон лаҳзани (аслиятда Der Augenblick, яъни лаҳза) улуғламайди, тўхта, эй сония деб айтмайди, яъни ҳаётдан шу даражада маънавий лаззат топа оли шига ишонмайди, шекилли. Дастлаб бунга Фаустнинг ўзи ҳам ишонмайди. Гётенинг реалист санъаткорлиги шундаки, асар охирида унинг Фауст и бундай бахтга (бахтли онга) тўлиқ эришмайди, у фақат инсон қачондир етиши мумкин бўлган бахтли онларни тасаввур қилибгина, яъни насия тариқасида дейди:

Ушал сонияни сезиб олдиндан,
Энг олий лаҳзада турибман бу дам[128].

«Вақт» шеърида эса «Умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун» ҳайкал қўйишга даъват этилади. Бу инсонни тинимсиз ижодга, яратишга, лаҳзани бўйсундиришга ундаш демакдир. Бинобарин, инсон яратган буюк маънавий обидалар ушбу «энг олий лаҳзада» дунёга келган ва ўткинчи, чопағон вақтга қўйилган собит ҳайкаллар эмасми?

2

Шеърнинг ички оламига янада чуқурроқ киришга имкон берадиган бир ҳолат бор. Бу асар яратилган пайтда ҳокими мутлақ бўлган, шу боис шеърга суқилиб кирган Сталин номи билан боғлиқ.

«Вақт» шеърининг илк нусхасида Сталин сўзи икки карра учрайди. Жами ўн беш банд, олтмиш мисрадан иборат шеърнинг дастлаб 7-банди-да, сўнг 14-бандида. Кейинги ўринда бу сўз бир оз ножўя ишлатилгандек туюлади: «Ҳар лаҳза Сталин умридек узун...». Бу балки Сталин тириклигида ўзини оқлар, лекин шеър ёзилганидан етти ярим йил ўтиб «халқлар отаси» ва-

[128] Ўша ерда, 342- бет

фот этади, у бор-йўғи (абадиятга нисбатан, албатта) етмиш тўрт йил умр кўрганини эътиборга олсак, абадият томон интилаётган «узун» сўзи бу ўринда анчайин ҳайф экани аниқ бўлади. Шунинг учун Шоирнинг ўзи Сталин сўзи ўрнига бандга ва шеърга узукка кўз қўйгандек ярашган «замонлар» калимасини қўйиб, асар потенциясидаги асл маънони гўё қайта тиклайди. Шу жойда Сталин замонлар олдида ким бўлибди, дегинг келади.

7-банддаги учинчи мисра кейинчалик анча эврилишларга учрайди. Дастлаб мисра **«Тирик Сталиннинг нафасдошимиз»** бўлган, сўнг уни Шоирнинг ўзи **«Барҳаёт Лениннинг авлодларимиз»** дея ўзгартирган[129]. Истиқлол даврида чоп этилган «Танланган асарлар» (Тошкент, 2003)да мисра **«Ўзбекнинг барҳаёт авлодларимиз»** шаклини олган. Шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан босилган, «Вақт» шеъри ўрин олган буклетда мисра **«Барҳаёт Навоий авлодларимиз»** тарзида берилган. Диққат қилинса, кейинги ўзгартиришларда муаллиф изидан борилган. Лекин, бизнингча, бу ўринларда илк нусхада мавжуд бўлган ва шеърнинг маъно-мазмун меҳваридан мустаҳкам жой олган бир маъно қурбон қилинган. Буни англаш учун бандни тўлиқ келтирамиз:

Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз,
Ҳар они ўтмишнинг юз йилига тенг.
Тирик Сталиннинг нафасдошимиз,
Нафаски, мазмуни фазолардан кенг[130].

Одатда, банд, жумладан ушбу банд ҳам нисбий тугал бутунлик бўлиб, ўз архитектоникаси, тўқилмасига эга. Иккинчи, мисрадаги «тирик» сўзи учинчи мисрадаги шаклдоши «тирик» билан учрашади, яна шу мисрадаги «нафасдош» охирги мисрадаги «нафаски»ни талаб қилиб, сўраб олиб, мураккаб маъно тармоғини ҳосил қилади. Кейинги нашрларда учинчи, Сталин бор мисра тамом ўзгартирилгач эса бундай маъно уй-

[129] Ғулом. Ғ. Танланган асарлар. Тўрт томлик, 2-том. Т, 1957. 15-бет.
[130] Ғулом. Ғ. Танланган асарлар. Т, 1953. 128-бет.

ғунлигига путур етади. Натижада сўнгги мисрадаги «нафаски» «ҳар нафас»га айланиб, нега унинг «мазмуни фазолардан кенг» эканлиги бир қадар ёпиқ қолади, чунки у ўзидан олдинги мисрадаги таянч маънодан маҳрум бўлган, етим мисрага айланган эди.

Энди илк нусхадаги бандниng бадиий-фалсафий маъносини чақишга уриниб кўрайлик.

Дамлар бебаҳо, аввал айтилганидек, «Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун, Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз» бу маълум, лекин бу бандда маънонинг янги ўрами ёки тарами юз кўрсатмоқда. Яъни дамга жон бағишловчи, уни тирилтирувчи биз, яъни инсон. Тирик вақт, оний лаҳза ўтмишнинг, ўтиб кетган вақтнинг юз йилига тенг. ЮЗ йил бу ерда кўпликни билдирувчи бир белги холос, уни ўтмиш томон чексизлик қадар чўзиш мумкин. Лекин бу унча муҳим эмас, муҳими – биздан, нафас олаётган вақтимизда кечаётган вақт, ҳозир – лаҳза ўтиб кетган, ўтмишга айланган лак-лак вақтдан беҳад қиммат. Ўша ўтмиш вақт ҳозир – лаҳзага тобе. Лекин ҳозир – лаҳза тизгинсиз, чопағон, уни тўхтатиб бўлмайди. Шеърда куйма тарзда айтилганидек, «Нурлар қадами-ла чопган секуннинг Барини тутолмас айҳаннос овоз». Лекин уни тўхтатиб бўлмаса-да, у ҳар лаҳзада (бежиз у лаҳза эмас) янгиланиб тураверади ва ҳозир – лаҳза сифатида ҳамиша ҳукмрон мавқеда туради: Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема. Ўзга дам эса энди ўтмиш, у ҳамма томонга чексиз йўналган бўшлиқ – фазога сингиб кетади.

Айни шу лаҳзада, мен ҳам буни ҳозир англадим, банд бошидаги «дам»сўзи («Бебаҳо дамларнинг...») мутлақо бежиз эмаслиги, бу сўз фақат фурсат, лаҳза ёки вақтни англатиб қолмай (Ўзбек тилининг беш жилдли изоҳли луғатида сўзнинг бешта маъноси кўрсатиб ўтилган) у нафас, тин маъноларини англатиши, шу туфайли учинчи ва тўртинчи мисрадаги «нафасдош» ва «нафас» сўзлари юқоридаги «дам» билан топишиши маълум бўлади. Нафасдош, яъни ҳамнафас бир хил ва бир пайтда нафас олувчини англатиб, ҳозир – лаҳзада нафас олаётган, яъни барча тирик одамлар қайси бир оламий нуқтада қондош ва қариндошдир. Шунинг учун «Тирик Сталиннинг нафасдошимиз» мисрасидаги Сталин сўзи деярли аҳамиятга эга эмас. Мисрада таянч сўз-тушунчалар «тирик» ва «нафасдош»дир. Янги даврда фақат Сталин» сўзини ўзгартиш керак, холос. Бизга қолса, мисрани «Тирик буюкларнинг нафасдошимиз» тарзида ўзгартишни, шеърнинг янги нашрларида айнан шундай ёзишни таклиф қилган бўлардик. Биз бир пайтлар Шоирнинг «Тошкент» шеъри ҳақида ёзган мақоламизда шеърдаги «совет» сўзини «башар»га алмаштирган ва сўнг дейилган эди: «Бунда мен ҳақиқатга зид бордим ёки тарихийликни буздим, деб ҳисобламайман, аксинча, ҳақиқат қарор топди, дейман. Бу каби ўзгартишлар бир қонуният мавжудлигидан дарак беради: таги бақувват, асли бутун шеърлар, улар қандай замонда яратилган бўлмасин, худди тирик организм каби янги шароитда ҳам яшовчанлик иқтидорини намойиш этади. Бадиий бутунлик шундай мустаҳкам иморат эканки, у жузъий таъмирдан лат емайдигина эмас, ҳатто кучаяр ҳам экан. Бундай асарлар асл тикланиш замонини кутиб ётар, балки»[131]. Бу фикр «Вақт»га ҳам тааллуқли.

Яна кўриб ўтаётганимиз бандга қайтиб, айтиб ўтайликки, учинчи мисра «Барҳаёт (Ленинниng, ўзбекнинг, Навоий) авлодларимиз» деб ўзгартирилганидан кейин унинг кейинги мисра билан боғловчи ип узилган ва ҳар икки мисра якпора мисрага айланиб, «Ҳар нафас мазмуни фазолардан кенг» тасодиф, туйқус айтилган фикрга ўхшаб қолганди.

Лекин яна банднинг илк ҳолатига қайтамиз. Тўртинчи мисра юқоридаги маъно – ҳозир – лаҳзанинг (нафас ҳамиша ҳозирдир, буни қайд этиш муҳим) ҳукмрон мавқеини тасдиқлашдан ташқари, XX аср физика фанида инқилобий ўзгариш ясаган нисбийлик назарияси ва квант физиканинг фазо ва

[131] Мели С. Тонг. Тошкент ва Ғафур Ғулом // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2000. 5-май

вақт ҳақидаги оламшумул ғояси томон кўприк ташлайди.

Маълумки, инсониятнинг ушбу улуғ кашфиётларида уч ўлчамли фазо ўрнига тўрт ўлчамли фазо (тўртинчи ўлчам – вақт) тушунчаси етакчи мавқега кўтарилади. Мазкур ғояни илк марта немис физиги Г. Минковский «Фазо ва вақт» (1908) мақоласида исботлайди. У қатъий қилиб шундай ёзади: «Бундан кейин фазо ўз-ўзича ва вақт ўз-ўзича йўқликка юз тутиб, энди фақат уларнинг нозик бирикуви (eine Art Union)гина ўз мустақиллигини сақлаб қолиши зарур»[132]. Буюк физик, нисбийлик назарияси ижодкори А.Эйнштейнга бағишланган китобда ёзилишича, «Нисбийлик назарияси фазо ва вақт орасидаги боғлиқликни очиб берди». Яна шу ерда ёзилишича: «Оламнинг энг оддий унсури – бу воқеа деб аталмиш нарса. У худди зум ўчиб-ёнадиган чироқнинг оний чақнаши монанд «хол-хол» ҳодисага ўхшайди»[133]. Нисбийлик назариясида оламнинг фазо – вақт структураси ҳақида гап кетганда унга шундай таъриф берилади, яъни фазо – вақт оламдаги барча ҳодисалар тўплами бўлиб, бунда бир ҳодисанинг иккинчи ҳодисага таъсир этиш нисбати алоҳида эътиборга эга.

Воқеа-ҳодисалар хол-хол бўлиб рўй бераверади, бетўхтов ўтаверади. Вақт кечаверади. Шеърда айтилганидек,

Замона соати занг урар мудом,
Минглаб ҳодисалар минутларга қайд.
Қаҳрамон туғилди, шаҳар олинди,
Бир гигант қурилди шарафли бу пайт[134].

Илк нашрда биринчи мисрадаги кўчимсиз аниқ «Кремль куранти» ўрнига қўйилган кенг қамровли метафорик жумла «замона соати» (буни «вақт соати» тарзида ҳам талқин қилиш мумкин)

[132] Кўчирма қуйидаги китобдан : Фридман А.А. Мир как пространство и время. М.: 1965. с. 49.

[133] Александров А.Д. О философском содержании теории относительности// Эйнштейн и философские проблемы физики XX века. М.: Наука, 1979. с. 120; 133.

[134] Ғулом. Ғ. Танланган асарлар. Т, 2003. 60-бет

шеърнинг ялпи руҳига ортиқ даражада мос. Биз бу ўринда яна юқорида айтилган кучайиш феноменига гувоҳ бўламиз ҳамда жузъий таъмирчининг бадиий дидига таҳсин айтамиз.

Яна «Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз...» деб бошланадиган 7-бандга қайтамиз. Ундаги «Нафаски, мазмуни фазолардан кенг» мисрасида юқорида сўзлаганимиз фазо – вақт ўзаро учрашади ва тўқнашади. Бунда ҳам шеърда етакчи бўлган қиёс принципи ёпиқроқ тарзда мавжуд, яъни лаҳза (нафас) фазолар билан қиёсланмоқда ва фазолардан кенг эканлиги таъкидланмоқда. Бунинг устига, бу нафас тирик буюкларнинг нафаси.

Эзотерик илмларга оид китобларда айтилганидек, «Вақт уч ўлчамли фазо чегарасидан ташқари чиқади. Биз ҳис қиладиган вақт тўртинчи ўлчамдир». Вақт фазодан ташқари чиққач, ундан ажралган ҳолда фазога таъсир ўтказади, унга ҳаракат, кенг маънода олганда ҳаёт бахш этади. Зеро, фазо вақтда, вақт орқали ва таъбир жоиз бўлса, вақт вужудида яшайди. Ана шу ерда ёзилишича, «Агар биз вақтни чизиқ деб тасаввур қилсак, ушбу чизиқ ҳар бир нуқтасида абадийлик чизиғи (вертикали) билан кесишади. Абадийлик вақтдан бир ўлчамга ортиқ. Шунинг учун агар вақт тўртинчи ўлчам бўладиган бўлса, абадийлик бешинчи ўлчамдир»,

Бундай тўхтамга, айтиш жоизки, квант механика, яъни замонавий физика келмаган. Бу унинг эзотерик илмлар олдида ожизлигини кўрсатмайди, физика фани аниқ илмий асос ва далилларга таяниб иш кўришини англатади, холос. Абадийлик, яъни бешинчи ўлчам ҳақида гап кетганда яна бир ҳолатни айтмоқ лозим. Янги физика асосларини яратган олимларнинг барчаси ботиний жиҳатдан, қалбан диндор бўлишган, яъни ўн саккиз минг оламни яратган Тангрини тан олишган. Абадийлик эса Қодир Оллоҳ изми ва ҳузуридаги сир-синоатдир.

Нетонгки, «Вақт» шеъри ҳам абадийликка дохил муаззам банд билан якун топади.

3

Шоир ижодидаги замонасозлик ҳақида гапириб, баъзан

«Вақт» шеърини ҳам шу оқимга қўшиб юборишади. Замонасозлик замонга, давр талабига қараб иш тутишликни, ижод қилишни англатса, унда «Вақт» шеъри бундай замонасозликдан анча юқори туради. Умуман, бу каби асарларга оддий мезон билан ёндашиб ҳам, бундай мезонларни «Вақт» каби шеърларга қўллаб ҳам бўлмайди. Шеърни замонасоз асарлар сирасига киритганларни унда жорий замонага оид воқеа-ҳодиса ва шахслар тилга олиниши чалғитган бўлиши мумкин. Лекин сиз ижодкор ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг, вақт ҳақида ёзиб, ўша вақтдаги, замонадаги ҳодисаларни тилга олмаслик мумкинми? Вақт фақат вақтдан улги олади, бошқа ҳеч бир нарсадан эмас. Шу боис замонасозлик билан замонавийликни фарқлаш лозим. «Вақт»га юксак замонавийлик, яъни замон билан, ўзи нафас олаётган он, лаҳза билан биргалик, ҳамнафаслик хос. Савол туғилади, қайси замон билан, шеър яратилган ва мустабид Сталин ҳукмрон бўлган замон биланми ёки биз ҳозир шеърни таҳлил қилиб турган истиқлол даври билан? Муайян бадиий даражага эришган асар ҳамма даврлар учун замонавий, барча даврларга замондош. «Вақт» шеърига келсак, у узлуксиз, мутлақ вақт ҳақида, замона эса шу вақтнинг бир парчаси, абадият нигоҳидан қаралса, у мутлақ вақтнинг бир лаҳзаси, холос. Шу боис «Вақт» шеърини замонасоз асарлар сирасига киритиш унинг моҳиятини англамасликдан бошқа нарса эмас. Зеро, «Вақт» зоҳиран содда, ботинан тушунилиши қийин шеърлардан. Мисралар сиртдан оддий бўлиб кўринади, уларнинг билқуввa маъноси бирдан англашилмайди. Маъно англанмагунча онгда поэтик образ шаклланмайди. Бир тур шеърларда аввал образ яққол кўзга ташланиб, образ билан маъно деярли бир пайтда намоён бўлса, «Вақт»да аввал сўз ва мисрадаги маънони чақиш лозим бўлади, шундан кейингина образли тасаввур ишлай бошлайди. «Вақт» шеъри чалғитувчи соддаликни босиб ўтиб, замирда зил маънолар яширинган мисраларни англашга уринган, шундай уринишдан завқ туя оладиган интеллектуал китобхон мулкидир. «Вақт»ни юзаки

ўқиш вақтни бесамар сарфлаш демакдир.

4

Қаҳрамон адибимиз Саид Аҳмад «Вақт»нинг туғилиши (Бир шеър тарихи)» хотира-мақоласида ёзишича, охирги банд унинг даъвати билан битилган. Нима бўлганда ҳам мазкур банд бутун шеър каби илҳомнинг юксак онларида туғилган; ундаги ҳар бир сўз ўз ўрнида қоим. Бундай пайтда сўз қуйилиб келади, бундай сўз қаъридан ҳеч кутилмаган маънолар ғимир-ғимир қилиб чиқиб келаверади. Бунда маъно автономияси дейиш мумкин бўлган ҳодисага дуч келамиз. Маъно муаллиф ихтиёридан ташқари ҳаракат қилаётгандек туюлади гўё.

Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ғаниматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий.

Саид Аҳмад юқорида тилга олинган мақолада ёзади: «Шу билан тонготар пайтда Ғафур Ғулом номини жуда узоқ элларга олиб борган шеърга нуқта қўйилди. Бу шеър улкан шоирнинг фалсафий қудратини, сўз санъаткорлигини, ҳаёт ҳодисаларини ниҳоятда чуқур билишини намойиш қилган эди»[17].

Сўнгги банд нафақат шеърни якунлайди, у шеърни, шеърдаги яхлит по-этик мазмунни янги орбитага, самовий юксакликка олиб чиқади. Яъни умр ўткинчилиги, фонийлигини коинот боқийлиги билан мувозанатлайди. Бу табиий ва қонуний ечим эди. Платон «Тимей» асарида вақтни «абадиятнинг ҳаракатдаги монанди»[18] деб атайди. Чунки абадиятда ҳам ҳаёт бор, фақат бундаги ҳаёт собит ва бутун. «Вақт» шеъри лаҳза билан абадият орасига кўприк қўйиб, абадият бекатида собит қолади гўё.

Йирик шарқшунос олим Е.Э.Бертельс ўзининг машҳур «Навоий ва Аттор» мақоласида сўфизмнинг бош ғояси «индивидуал «мен»нинг космик «мен»га қоришиб кетишидир»[19] деб таъкидлайди. Ҳар қандай ижодкор, агар у чинакам катта шахс бўлса, ҳеч қачон индивидуал «мен» доирасида қолмай муқаррар космик «мен» маснадига кўтарилади. Бинобарин, фалсафий-эзо-

терик таълимотлар, суфизм ҳам шундай таълимотлар сирасига киради, ҳамиша вақт муаммоси билан шуғулланишган, ушбу муаммога тўқнаш келишган. «Суфий - ибнул вақт» (Суфий – вақт фарзанди) деган ҳикмат бежиз кенг тарқалмаган.

Бунинг устига, охирги бандни жажжи соқийнома дейиш мумкин. Лекин ўзига хос, бошқа давр соқийномаси. Масалан, «Фарҳод ва Ширин»даги « кетур соқий» байтлардан бири шундай: «Кетур, соқий, шароби ошиқона Ки, бўлмишмен хирад бирла фасона»[135]. Айтайлик, шуни охирги банд билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслашнинг ўзи алоҳида бир илмий мавзу. Бунда юқорида тилга олинган Саид Аҳмад мақоласидаги «Вақт»нинг сўнгги банди ҳақидаги гап ўзига хос йўрик бўла олади: «Ғафур ака ўйланиб турди-да, дарров ручкани олди. – Ғафур Ғуломники бошқача бўлади. Ғафур Ғуломники Ғафуровский бўлади. – У шундай деб ёзишга тушиб кетди».

Аввал айтилган «Вақт»ни структур бутунлик сифатида тутиб турган қиёс принципи сўнгги бандда ҳам бор кучи билан ишлайди. «Бир қултум» лаҳзанинг бошқа бир шакли, «нафас»нинг шаробга боғлиқ эквиваленти. Нафас олинади – чиқарилади. Шароб эса ютилади, қултум ҳолида. Бир қултум ҳам бир лаҳзадир. Лаҳза яна ғанимат дамлар сифатида «умрзоқ соқий» билан қиёсланмоқда. Ўта нозик ишора билан «ғанимат» «умрзоқ»қа, «дамлар» мангуликнинг ҳозиру нозир вакили «соқий»га қаршилантирилмоқда. Лекин икки ҳолатнинг – ғанимат дам билан умрзоқ соқий мувозанати ярим, аммо тўлиқ тасалли эмас. Шунинг учун мангуликка собит тимсол керак, мана у: «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди...». Қуёш эмасми, мангулигимиз кафолати. Чиндан, «Умримиз боқийдир, умримиз боқий». Яна бир сезги бор шу ерда. Қуёш аниқ, шоён ҳодиса бўлиши билан бирга у янада юксакрок хилқатга ишорат қилаётгандек... Зеро ҳозирги фалакиёт илми исботлаганидек, қуёш ҳам мангу эмас. Ҳар бир яратиқ

[135] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 8-жилд. Т. Фан, 1991. 1993-бет.

каби у ҳам бир кун келиб ўлади, яъни сўнади. Мангу – ёлғиз Ўзи.

Хуллас, «ғунча» билан очилган шеърий майдон «фалак» билан, коинот қадар кенгайган фазо билан якунланмоқда.

«Қуръони карим»да «миқдори – узунлиги эллик минг йил бўлган бир Кун» (фи явмин кана миқдаруҳу хамсина алфа сонатин) деган оят (Маориж, 4) бор. Бунда Кун дейилганда, маълумки, Қиёмат куни кўзда тутилган. Кўринадики, улуғ калимада айтилганидек, вақтнинг миқдори ҳамиша бир хил эмас, ўзгармас эмас. Эллик минг йилни ўзига сиғдирган бир Кун, қиёмат фавқулодда ҳодиса. Лекин бунда буюк бир қонуният ҳам бор ва бу қонуният «Вақт» шеъридаги «Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор» сатри-да бадиий инкишоф этилади. Яъни шеърда ҳам қайд этилганидек, вақтнинг узун-қисқалиги, миқдори муайян ҳолатларда кескин ўзгариши мумкин. Вақт мутлақ турғун ҳодиса эмас. Ва бу қонуният ҳам ҳаётий, ҳам фалсафий аҳамятга молик.

Шоир яшаган, хусусан, «Вақт» шеъри яратилган пайт («Вақт»нинг вақти!) ғоят мураккаб, шарқона-ўзбекона фикр чекланган, фикр-мулоҳаза марксча-ленинча даҳрий ақидалар билан танғиб ташланган давр эди. Шоир ушбу ақидалар чизиғидан ташга чиқиш хавфли эканини билар, лекин шу доира ичида туриб ҳам «Вақт» каби мумтоз шеърни яратолган эди. Нобоп давр қаршилигини енгиб ўтиш ботқоқда туриб парвоз килишга уринишдай қийин амал экани аён. Шу ўринда ёзувчи Омон Мухторнинг қуйидаги сўзлари айни муддао: «Ҳали айтганимиз, минбардаги (яловбардор) шоир сифатида танилган Ғафур ака аслида файласуф, мутафаккир эди. Давр имкон берса, у **фақат** (таъкид бизники - С.М.) фалсафий, умуминсоний шеърлар ёзарди. Зотан, XX аср ўзбек шеъриятида Ғафур акага етказиб, «энг кичик заррадан Юпитергача...» дея кенг нафасда сўзлаган бошқа шоир учрамайди»[136].

[136] Мухтор Омон. Йигирманчи аср Насриддини // Мухтор О. Бухоро ҳаёти ёки Лабиҳовуздаги тутлар. Т. 2004. 63-бет.

Юқорида вақтнинг сирлилиги, унинг асл моҳиятини ҳеч ким билмаслиги айтилди. Ҳақиқатдан ҳам шундай, чунки вақт Оллоҳ таоло измидаги сир-синоатдир. Вақт ҳақида шунчалик мукаммал шеър ёзган Шоир шу ҳақиқатни билмасмиди. Биларди. Лекин шеър битилган пайтда бундай гапни айтиб бўлмаслигини ҳам биларди. Шоирнинг қизлари Олмос опа ўз эсдаликларида ул зотнинг дўст-надимлари (эътиборлиси шундаки, уларнинг барчаси эскича таълим олган, мадраса кўрган миллий зиёлилар) ярим тунда аллақайси радиотўлқинлардан Қуръон тиловатларини тинглаб, йиғлаб ўтиришганини кўргани ҳақида ёзган. Бу тоталитар даврда яшаган маърифатли ўзбек зиёлиси иккиёқлама, авра-астар ҳаёт кечирганидан далолат. У қобиқда, аврада шўро ғояларини қабул қилгани ҳолда астарда, ичда асрий зотий ўзакдан воз кечмаган, аниқроғи, воз кечолмаган. Бинобарин, «Қуръони карим»даги «Оятул курси»да илоҳий қалам билан битилган «Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир» (Бақара, 255) каломи Шоирнинг тизгин, аммо чилғин онгида «Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди, Умримиз боқийдир, умримиз боқий» бўлиб жаранглаган бўлса ажабмас. Шунда У, яъни Оллоҳ, ҳамиша тирик экан, асл маърифатли, иймонли инсоннинг умри боқийдир, деган янгиланган маъно ўрами кучга энади.

Фаслни шундай хулосалар билан якунласак:

1. Шоир ижоди, назм ва насрида вақт бадиий-фалсафий концепция мақомига эга.

2.«Вақт» шеърида вақт фалсафаси лаҳза фалсафаси тарзида намоён бўлади. Бинобарин, лаҳза фалсафаси ялпи вақт фалсафасининг хусусий кўриниши дейиш мумкин.

3. Шеърда дарж этилган Вақт глобал миқёс, фалсафий-эзотерик моҳият ва квант физик асосга эга. Ушбу омиллар синтезлашиб "Вақт" ни вақтдан ҳоли ҳодиса, яъни ўлмас бадиий ҳодисага айлантиради.

***

Глобаллашув инсониятга Яратган томонидан жўнатил-

ган буюк Синов бўлса ажабмас. Бунда инсониятнинг ё чанги чиқади ё донғи. Истаймиз ва умид қиламизки, донғи чиқади.

Зеро, глобаллашув инсоният янги онг сатҳига чиқиши учун имконият ҳам бўлиши мумкин. Ҳозирги дунёнинг буюк эзотерик олимларидан бири Дурунвало Мельхиседек "Ҳаёт Гулининг кўҳна сири" китобида ёзади: "Ғайбга боққан устозлар кўрдиларки, биз, яъни Ер руҳоний бирликка эришамиз ва янада юксакроқ онг даражасига кўтариламиз"[137]

IV БОБ.
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АДАБИЙ ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ

Ҳикоячиликдаги анъана ва янгиланишлар

Глобаллашув ҳозир биз яшаб турган дунёнинг ялпи ҳолати экан, у ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига таъсир ўтказгани сингари, бадиий адабиётимиз, унинг тур ва жанрларига ҳам муайян ўзгаришлар, ўзгача руҳ ҳамда янги талқин ва оҳанглар олиб киради. Қуйида янги давр ўзбек ҳикоячилиги ва драматургиясида содир бўлган ўзгаришлар, глобаллашув таъсирида пайдо бўлган янги тамойиллар ҳақида сўз юритилади.

Жаҳон тамаддунида бўлаётган ўзгариш ва ривожланиш бизга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Чунки ҳеч бир бир халқ, мамлакат ёки миллат ўз қобиғига ўралиб яшай олмаслиги биз учун сир эмас. Худди ана шу маънода ўзбек ҳикоянавислари ҳам Ғарб адабиётидан таъсирланиб, унга хос бўлган тасвир ва ифода усулларини турли усуллар билан адабиётга олиб кирдилар.

Бугунги кун насрида ҳикоя жанри ўзининг тезкорлиги, даврнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида бўлаётган ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг инсон онгига таъсири масалаларини бадиий ифода этишда етакчи ўрин тутади. Бу давр ҳикоячи-

[137] Мельхеседек Д. Древняя тайна Цветка Жизни. М.: ООО Изд. "София", 2012. С.395.

лиги ғоят мураккаб ва хилма-хил фикрларга бой бўлиб, турлича тасвир, турли йўналишларни ўз ичига олади. Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда мисли кўрилмаган тарихий воқеалар бўлмоқдаки, бу воқеалар инсонлар ҳаёти, руҳиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Булар барчаси инсоннинг дунёга бўлган муносабатини ўзгартириб, дунёни янгича чуқурроқ англаш ва таҳлил қилишга ундамоқда. Айни пайтда инсоннинг жамиятда тутган ўрни, моҳияти, ўзлиги ва ички дунёсини тўлароқ ўрганишга имконият яратилган экан, бу адабиётшунослик ривожида ҳам ўз аксини топмоқда. Инсон, хусусан, унинг ички дунёси, руҳияти, борлиғи моҳияти ва унинг бадиий, фалсафий-диний таҳлили каби масалалар жаҳон адабиётшунослигидаги долзарб муаммолардан биридир. Шу билан бирга жаҳон адабиётининг бир қисми ҳисобланган ўзбек адабиётида ҳам бугунги кунда сайёрамизда рўй бераётган турли табиий ўзгаришлар, экологик, ижтимоий, аср вабоси саналмиш гиёҳвандлик, терроризм каби муаммолар акс эттирилган асарлар яратилмоқдаки, улар турли услуб ва йўналишларда бадиий адабиётда акс этмоқда. Худди мана шу даврда юз берган тарихий воқелик замонавий адабиёт олдига ҳам янги мақсад ва вазифаларни қўйди. Содда ва равон тилда ифода этилган бадиий воқелик ўз таъсирини бироз йўқотди. Дунёда юз бераётган глобаллашув китобхон бадиий тафаккурида ҳам ўзгаришларга олиб келди. Бу ҳолат ижодкор масъулиятини янада ошишига сабаб бўлди. Энди воқеаларни фақат баён этиш усули билан тасвирлаш орқали эмас, турли рамзлар, тасвир услублари бадиий асарни ўқувчига етказиш инсоннинг фалсафий-руҳий ҳолатларини таҳлил қилиш бугунги ҳикоячиликнинг асосий мақсадига айланди.

Мустақиллик даврига келиб ўзбек зиёлилари учун Ғарб маданияти эшиклари кенг очилди. Ёзувчилар жаҳон адабиёти билан ҳамнафасликни ҳис этдилар. Табиий равишда, Ғарб адабиёти ютуқларини ижодий ўзлаштириш ўзбек адабиёти учун расмга кирди. Бир сўз билан айтганда, ўзбек адабиёти ва

Ғарб бадиий дунёсининг синтези асосида ўзбек адабиёти янги кўринишда шаклланди.

Адабиётда кўринган ушбу янгиланиш адабиётшунослар, ижодкор-зиёлилар томонидан ҳар хил қабул қилинди. Матбуотда бу борадаги турли баҳслар давом бўлди. Ёзувчи Ш.Холмирзаев "Кечирасиз жаноб Корпентер, вақтим зиқроқ" деб сарлавҳаланган мақоласида мустақиллик даври ёшлар прозаси ҳақида атрофлича фикр юритди. О.Мухтор, Н.Эшонқул, Ш.Ҳамро, С.Вафо каби модерн услубида қалам тебратаётган ижодкорлар ҳақида мулоҳаза юритиб, анъанавий услубнинг янги услубдан устунлигини исботлашга уринди. "Бу борада реалистик йўлдаги адибларнинг ютуғи кўп", деган хулосани илгари суради.[138] Филология фанлари номзоди С.Мелиев Ш. Холмирзаев фикрини тўла-тўкис қувватлаб: "Анчайин ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм Ғарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди. Модернистик қора ва тушкин кайфият бизда илдиз ота олмайди. Шарқона исломий маънавияту ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди"-деб ёзади. [139] Ижодкор Ҳусан Карвонли реалистик ва модернистик услубнинг уйғунлашувидан юзага келаётган янги адабиётни ёқлайди. "Модомики, барчамиз ўзбек адабиётининг буюк адабиёт бўлишини хоҳлар эканмиз, корпенторларни, ўзбек "корпенторлари"ни, анъанавий йўналишдаги адабиётимиз - Ш.Холмирзаев, М.М.Дўст, Э.Аъзам, Т.Мурод асарларини ўқишдан эринмайлик", деб ўз позициясини билдиради.[140] Н.Эшонқулнинг фикрича: "Бу давр насрида инсон руҳиятига чуқурроқ киришга, уни теран таҳлил этишга уриниш яққол сезилмоқда".[141] Ёзувчи Ш.Бўтаев эса: "Адабиётнинг олдига қўйган мавзулари ҳамма даврга хос. Адабиёт бит-

[138] Холмирзаев Ш. Кечирасиз жаноб Корпентер, ваъътим зиљрољ. //Ўз АС. 2000, №31.

[139] Мелиев С. Асл адабиёт эзгуликка хизмат //ЎзАС. 2000. 18 авг.

[140] Карвонли Ҳ. Икки йўл синтези // ЎзАС. 2000. 1 авг.

[141] Эшонқул Н. Ёшлар насри ўз йўлидан боради // ЎзАС. 2000. 4 авг.

та йўналишдан кетса, адабиёт ҳисобланмайди", деб ёзади.[142]

Матбуот саҳифаларида давом этаётган баҳсларнинг тўлиқ тафсилотини бериш бизнинг вазифамизга кирмайди. Бироқ бугунги ҳикоялар ҳақида фикр юритишдан олдин ушбу масалага муайян муносабат билдиришимиз жоиз деб ўйлаймиз. Давом этаётган баҳс-мунозараларнинг бир гуруҳ иштирокчилари модернистик услуб ҳақида фикр юритиб, бу услуб ўзбек адабиёти учун хос эмас, деган фикрни илгари сурадилар. Гўёки бу билан нафақат адабиий таъсир қонунларига, балки ҳаёт қонунларига қарама-қарши борадилар.

Бугунги ўзбек адабиётида кўринаётган модерн услуби ўзининг ижтимоий, иқтисодий ва ижодий, амалий омилларига эга. Бир асрдан зиёд мустамлака бўлиб яшаш, октябрь тўнтариши каби ғайриинсоний воқеалар ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, руҳий тушкунликлар адабиётда акс этмаслиги мумкин эмас эди.

Профессор Н.А.Гуляев: "Модернизм буржуа идеологиясининг кризисидан дунёга келди", деб ёзади.[143] XIX аср охири XX аср бошларида юзага келган бу адабий оқим, ҳақиқатдан, кризисга учраган буржуазия жамиятидаги тушкун кайфиятни ифодалайди. Ҳаётда ўз орзу истакларига эриша олишга кўзи етмаган, оқибатда ҳаёт яшашга арзимайди, деган хулосага келган қиёфасиз шахс образи модерн услубининг маҳсулоти ҳисобланади. Бу йўлда яратилган образлар, ф.ф.н. С.Мелиев тўғри таъкидлаганидек, турмушни фақат тушкун ва қора рангларда кўради. Яратувчи қаҳрамон сифатида ўз қиёфасини йўқотади. Лекин ҳаёт фақат эзгуликдан иборат эмас. Шундай экан, адабиёт фақат эзгуликни тарғиб этмайди. Қарийб бир ярим асрлик мустамлака ҳаёти, ғайриинсоний муносабатлар ўзбек адабиётига ҳам тушкун кайфият, қиёфасиз қаҳрамонлар образини олиб кирган экан, бунинг ажабланарли жойи йўқ.

[142] Бутаев Ш. Ёшлар насри ўз йўлидан боради // ЎзАС. 2000. 4 авг.

[143] Гуляев Н.А. Модернизм /Теория литературы в связи с проблемами эстетики. Москва: 1970. С.260.

Шу билан бирга модерн услуби бизнинг адабиётимизда бугун кўринаётгани йўқ. XX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб реалистик услуб билан ёнма-ён модерн услуби ҳам яшаб келяпти. Проф. У.Норматов шундай фикрларни олдинга сўради: "80 йиллар охирига келиб аср одамлари умри ва фаолиятининг бемаънилигини ўзига хос тарзда дадил ва яққол акс еттирувчи бир роман дунё юзини кўрди. Бу Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор"идир. "Лолазор" орқали ўзбек романчилигига, қолаверса, миллий адабиётимизга абсурд тўйғуси ва ғояси кириб келди. Роман бутун умри пуч ғоялар асосида юртни лолазорга-бўстонга айлантириш орзусида ўтган одамнинг адашган кишиларнинг аянчли қисмати ҳақида баҳс этади. Истиқлолдан анча бурун роман муаллифлари ўз қаҳрамонлари таянган ақидалар абсурд - маънисиз, ўлимга маҳкум эканини фавқулодда бир маҳорат билан очади: бутун бошли роман саҳифаларида мавж уриб турган поэтик оҳанг, киноя-кесатиқлар орқали ўзининг бадиий ҳукмини ўқийди.

"Лолазор"да намоён бўлган абсурд тўйғуси ва ғояси 90-йиллар бошларида бирин-кетин эълон қилинган эпик асарлар Ў.Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар", Ш.Холмирзаевнинг "Олабўжи", Т.Муроднинг "Отамдан қолган далалар", О.Ёқубовнинг "Адолат манзили" ва ниҳоят О.Мухторнинг "Минг бир қиёфа"дан бошланган янги туркум романларида турли-туман кўринишларда изчил давом этди".[144]

Дарҳақиқат, У.Норматов таъкидлаган ҳолатларни бугунги ўзбек ҳикояларида ҳам кўриш мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек ҳикоячилигида кўринаётган абсурд ва экзистенциализмга доир жиҳатларни бевосита Ғарб адабиётига тақлид сифатида қабул қилиш тўғри эмас. Юқорида таъкидланган ижтимоий, иқтисодий омиллар ўзбек адабиётида шаклланаётган бундай жиҳатларнинг бир сабаби бўлса,

[144] Норматов У., Куронов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиёти. 2001. №3. 174-бет.

иккинчи ва асосий сабаб миллий тафаккурда рўй бераётган ўзгаришдир. Бугунги кун ёзувчиси ўз дунёқараши, ички дунёсидаги мураккаблик, услубдаги ранг-баранглиги билан шўро даври ёзувчилардан тубдан фарқ қилади. Демак, модерн услуби умумжаҳон адабиётига хос ҳодиса бўлиши билан бирга миллий ҳодисанинг янги кўриниши ҳамдир.

Филология фанлари доктори Д.Қуронов ўзбек адабиётида юз бераётган янгиликларни сунъий ҳодиса сифатида "тақлид" деб атаётган танқидчиларга шундай муносабат билдиради: Дарвоқе, биз осонгина тақлид деб атайдиган ва кўпроқ сўзнинг луғавий маъносидан келиб чиқибоқ аввалдан бирмунча салбийроқ муносабатда бўладиган ҳодиса аслида жуда мураккаб, адабий бадиий жараёнда қонуният мақомидаги ҳодисадир. Айтмоқчиманки, баъзан баҳс қизиғида "адабий таъсир"ни ҳам "тақлид" тушунчасига қўшиб юборамиз, иккисига-да бир кўз билан қараймиз. Ҳолбуки, миллий адабиётимизга ғарб адабиётига хос қандайдир жиҳат кириб келаётган экан, демак, шунга эҳтиёж етилган".[145] Олимнинг ушбу фикрлари экзистенциализм фалсафасининг ассосчиларидан бири Жан Поль Сартрнинг "Экзистенциализм, бу - ҳаётбахшлик, ҳаракат ҳақидаги таълимотдир", деган фикрлари билан ҳамоҳанглик касб этади.[146]

Ижтимоий турмуш ва инсон ички дунёсида рўй берадиган салбий ҳолатлар, бу икки қутб - инсон ва жамият аро қарама-қаршиликлар Эрих Фромм томонидан Франц Кафканинг "Жараён" романи мисолида очиб берилган. Э.Фроммнинг фикрича, роман қаҳрамони Йозеф К. ўлими олдидан "Ҳаётнинг бефойда ва арзимас эканини тўлиқ ҳис қилган".[147] Бугунги ўзбек адабиётида инсон ҳаётининг шўро адабиёти кўра билмаган жиҳатлари бадиий ифодасини топди.

[145] Норматов У., Қуронов Д. Романнинг янги умри // Жаҳон адабиёти. - 2001. - № 3. - Б. 176.

[146] Сортр Ж.П. Экзистенциализм тўғрисида // Жаҳон адабиёти. - 1997. - № 5. - Б. 193.

[147] Фромм Э. Душа человека. - М.: Республика, 1947. - С. 286.

Бугунги адабиётимизда тенденцияга айланган «модерн» асарлар ёки унга хос талқинлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳодисани айрим адабиётшуносларимиз Ғарб адабиётининг Ф.Кафка, А.Камю сингари XX аср буюк ёзувчиларининг таъсири ёки уларга тақлид деб аташмоқдалар. Бу гапда жон бор. Сўнгги йилларда ёш ижодкорлар авлоди орасида ўша адиблар ижодига қизиқиш бениҳоя кучайди, «модерн» услубидаги айрим асарлар ўзбек тилига айни шу авлод вакиллари томонидан таржима ҳам килинди. Шу каби мисолларга асосланиб, бу тамойилни фақат Ғарб таъсирига боғлаш, уни тақлидчиликдан иборат деб қараш тўғри эмас. Миллий адабиётдаги ҳар бир ҳодисанинг сабабинги ташқи омиллардан эмас, аввало она заминнинг ўзидан, реал вокеликдан, замона эҳтиёжидан изламоқ даркор. Бу хусусда ёзувчи Н.Эшонқулнинг ўзи шундай фикр билдиради: «Адабиёт ҳеч қачон якка ҳолда тараққий этган эмас. Жаҳон адабиёти дунёдаги юзлаб халқларнинг адабиёти, шу жумладан бизнинг ҳам. У бизга бегона адабиёт эмас. Шунинг учун жаҳон адабиёти тушунчасига чўчиб, ҳавотирланиб қараш ноўрин. Анъаналар адабиётдан адабиётга ўтади. Кимда нимага эҳтиёж бўлса, ўшани олади. Мен ҳам ўз эҳтиёжимга яраша олганман. Кимга керак бўлса биздан олади. Мен таъсирни жуда оддий тушунаман, шу сабабли чўчимайман. «Бошқача ёзиш» агар ўзига хос ёзиш бўлса бу муқаррар ҳодиса. Агар у чираниш, олифтачилик бўлса, у хеч нарса, хатто тақлид ҳам эмас. Тақлид ҳам тақлид қилинаётган нарсага мос бўлиши керак. Бўлмаса у карнай бўламан деб чиранган сурнайнинг ҳолига тушади. Гап тақлид ёки таъсирда эмас: гап истеъдодда. Ёзилган асарда истеъдод сезиладими, йўқми? Агар сезилса хавотир ноўрин. У барибир таъсир доирасини ёриб чиқади»[1].

Ёзувчи хақ. Зеро, адабиёт умуминсонийдир. Назар Эшонқул ўз фикрини давом эттириб: «Мен ўта миллий асар Мурод Муҳаммад Дўст қаламига мансуб «Дашту далаларда» ҳикояси ҳам Фолкнернинг «Уош»и ҳам бирдек қадрли. Буларда мен на хусусийликни, на умумийликни кўраман: бу ҳикоя-

лар истеъдод маҳсули бўлгани учун жозибалидир. Миллийлик чегара эмас. Аксинча бепоёнлик ва сўзга зуҳр этилган миллатпарварликдир», - деб ёзган эди.

Аслида санъатнинг, жумладан адабиётнинг ҳам миллийликдан кўра умуминсоний хусусияти теранроқ бўлади. У ирқ, дин, тил каби кишиларни ажратиб турувчи табиий-ижтимоий тўсиқлардан юксакда туради. Мамлакатлар, сиёсий тузумлар, чегараларни буткул инкор этади. Ҳақиқат шуки, ҳозирги Ғарб қадимги Шарқдан ўрганиб улғайди. Эндиликда Шарқнинг Ғарбдан таъсирланишига ҳам табиий ҳодиса сифатида қараш керак. Ҳаётимиздаги ижтимоий-маънавий бурилишлар туфайли ўзгараётган адабиётимизда Ғарб адабиёти таъсирида мавжуд анъаналар ижодий янгиланиб бормоқда. Бу ўзгариш, айниқса, ҳодисаларни ифода қилиш тарзида аниқроқ сезилмоқда. Хусусан, аввалларн воқеаларни қаҳрамон тилидан баён қилишга хушламайроқ қараларди. Бундай усул қўлланса, албатта қаҳрамон ўзига ён босади, ҳодисалар холис ёритилмайди, дея тушунилади. **«Ҳатто», «Менинг болалик йилларим...»** дея биринчи шахс тилидан **«Ўтмишдан эртаклар»** сингари ажойиб асар яратган Абдулла Каххордек улуғ санъаткор ҳам «Асарнинг биринчи шахс тилидан ёзиш ижодкорни чеклаб қўяди» деб ёшларга маслаҳатлар берган эди» деб хотирлаган адабиётшунос Абдулла Улуғов. «Аслида эса асарнинг санъат даражасини ҳодисаларнинг ким тарафидан ҳикоя қилиниши эмас, балки ёзувчининг бадиий маҳорати белгилар экан» деган хақли хулосага келган.

Глобаллашув жараёнида адабий мулоқотлар, ҳалқаро адабий алоқаларнинг ривожланишида анча силжиш кўзга ташланади. Кўп миллатли ўзбек адабиётида ҳам адабиётнинг энг муҳим муаммолари қаламга олиниб, таҳлил этила бошлади. Шундай қилиб ўзбек адабиётида миллий-маданий, диний-фалсафий муносабатларнинг кўринишлари акс эта бошлади. Ғарб ва шарқ кишисининг бир хил жараёнда, бир хил воқеаларга муносабатлари бадиий тасвир этила бошлади.

Ана шундай асарлардан бири Х.Дўстмуҳамаднинг "Жим-

житхонага йўл" ҳикоясидир. Асарда Ғарб ҳамда Шарқ кишисининг ҳаёт ва ўлимга муносабати фалсафий-бадиий талқин этилган.

Адиб асарнинг ёзилиш тарихи ҳақида шундай изоҳни келтиради: "Кўп йиллар бўлди италиялик машҳур адиб Дино Буцаттининг "Етти қават" ҳикояси таъсирида юраман. Ниҳоят, ушбу фавқулодда ўзига хос ҳикояни эркин таржима қалқиб, унга "назира" ўлароқ ҳикоя битдим".[148]

Изоҳда "назира" сўзи тирноқ ичига олинган. Шунинг ўзи ҳам "Жимжитхонага йўл" асари том маънодаги назира эмаслигидан далолат беради. Мумтоз шеъриятимизда назира ёзиш анъанаси ўта ривожланган эди. Уларда машҳур бир шеърнинг шакли (вазни, қофияси) олиниб унга мазмунан яқин бошқа бир мазмун юкланган. Бунга Умархон шеърларига Фазлий Намангоний бағишлаган шеърлар ёрқин мисол бўла олади. Албатта, назира ёзилишида бирор шеърнинг мазмун ва шакл жиҳатлари ўта мукаммал эканлиги сабаб бўлади. Назира бағишловчи ўша шеърдан қаттиқ таъсирланиши натижасида янги шеър вужудга келади. Х.Дўстмуҳаммад ҳам "Етти қават" ҳикоясига назира бағишлар экан ундан кўп йиллар мутаассир бўлиб юрганини айтади. "Етти қават" ҳикоясининг эркин таржимаси билан ўз ҳикоясини кетма-кетликда беради. Бу эса назирачилик анъаналарида учрамайдиган ҳолат. Шунинг билан бирга ёзувчининг бундай кетма-кетликдан кўзлаган мақсади муқояcадир. Бутун асар мазмун-моҳиятини, ўзига хослигини ҳам муқояса ташкил этади. Асарнинг бу жиҳати ҳам назира жанридан тубдан фарқ қилиб асарнинг умумий йўналишига, ёзувчи ғоясига хизмат этади. Муаллифнинг бадиий мақсади эса ҳикояни ўқиш, таҳлил этиш давомида очила боради.

"Етти қават" ҳикояси қаҳрамони Дино Корте, "Жимжитхонага йўл" қаҳрамони Зоҳид Яқин исмли кишилар. Уларнинг ҳар иккиси арзимас касаллик билан касалхонага ётишади. Ҳар

[148] Дўстмуҳаммад Х. Жимжитхонага йўл //Тафаккур. 2001. № 3.

икки касалхона биноси ҳам етти қаватли. Фақат касалхонада Дино Кортени еттинчи қаватга, Зоҳид Яқинни биринчи қаватга жойлаштиришади. Касалхона профессори Дино Кортенинг касали ҳақида шундай дейди: "Хасталик аломатлари борликка бор, дея тушунтирди профессор, - лекин хавотирланарли жойи йўқ, нари борса, икки ёки уч ҳафтада ўтади-кетади ".

Шу бир оғиз лутфнинг ўзи Дино Кортени тетиклаштириб юборди. Демак, уни сўқир хавотир эзаётган экан. Мана, ҳаммаси ойдинлашди: икки ҳафта, жуда чўзилса уч ҳафта ётади-ю, қишлоғига қайтади".[149] Зоҳид Яқинга бундан ҳам енгилроқ ташхис қўйишади. Касалхонада ишлайдиган қайниси-Ўктам унга шундай тасаллинамо сўзларни айтади: "Биров сизни касал дедими? Профессор ўзимизнинг домла. Бир оғиз айтгандим, мана, тинч, энг жонон палата сизники-да! Одамлар йиллаб навбат кутади, сиз учун эса... Одам дам олиши ҳам керак-да. Ҳа, айтганча, акангизни ўзим даволайман, қаровсиз қолдирмаймиз, деди домла".[150] Демак, бошланишда ҳар икки - Ғарб ва Шарқ кишисининг вазияти бир хил. Дино Корте ҳам Зоҳид Яқин ҳам у қадар хавфли касал эмас. Бундан ҳар иккисининг ҳам кўнгли хотиржам. Касалхона шароити, айниқса, палаталардаги тозалик, осойишталик ва тартиб уларнинг иккаласига ҳам ёқади. Ҳамшираларнинг муомаласи кўнгилларини тоғдай кўтаради.

Бироқ палаталар ўзгарган сари у икки касал руҳиятидаги фарқ очила боради. Дино Кортега бир болалик хотин келиши баҳонаси билан пастга-олтинчи қаватдаги палатага кўчирилишини ўта нозиклик ва сиполик билан хабар қилишганида у кўрқиб кетади. Ҳатто норозилик билдиради: "У бўлар иш бўлганини, розилик билдириб қўйгач, аёл киши олдида субутсизлик қилишга орияти йўл қўймаганини тан олди. Барибир профессорга шикоят қилишни дилига тугиб қўйганида, бир

[149] Дўстмуҳаммад Х. Жимжитхонага йўл. //Тафаккур. 2001. № 3. 69-71-бетлар.
[150] Дўстмуҳаммад Х. Ўша манба. 69-71-бетлар.

эркагу бир аёл кириб унинг лаш-лушини саранжомлаб кўчишга ҳозирлаб улгуришди".

Зоҳид Яқин эса иккинчи қаватга кўчирилар экан, буни хушнудлик билан қабул қилади. Уни иккинчи қаватдаги палата, айниқса, бу қават ҳамшираси Шавқиянинг гўзаллиги ром этади. Дино Корте эса сал ўтиб бешинчи қаватга туширилади. Унинг жисми ҳам, руҳи ҳам тоборо оғирлаша боради. Биринчи бор бешинчи қаватга келганда унга "сиз қаватнинг энг соғлом беморисиз" дейишади. Орадан бир неча кун ўтгач, Дино Корте ўзининг аҳволи яна оғирлашаётганини, оёғига бедаво "қирмизи тошма" тошаётганини сезиб қолади. Врачга мурожаат қилганида шифокор: "Бизнинг шифохонада беморларни даволаш учун барча шароит муҳайё! Фақат битта лекини бор. Ноқулайлиги шундаки, Гамма нурлар тўртинчи қаватда. Кунига уч маҳал олишингиз учун қаватма-қават чиқиб тушишингизни шахсан мен маслаҳат бермасдим."[151] Шундай қилиб, яна силлиқ йўл- алдов билан Дино Корте тўртинчи қаватга кўчирилди.

Зоҳид Яқинни учинчи қаватга кўчиришганда "Профессор Зоҳид Яқин норозиланишини, ҳатто маломат ёғдиришини кутган эди. Аксинча, бемор заррача оғринмади, зорланмади ҳам". Дино Корте аҳволидан шикоят қилиб хотинига пайдар-пай хат жўнатиб туради. Зоҳид Яқин эса ўзининг аҳволига ачиниш билан қараётган, безовталанаётган хотинига тасалли беради:

Робия, сен барака топ, онаси. Ўғлим анча эсли бўп қолди. Лекин ҳали тепамда одам қараб ўтирадиган аҳволга тушмадим. Қайтага руҳим ҳар қачонгидан тетик. Худога шукур."[152]

Зоҳид Яқин тўртинчи қаватга чиқаришганда ҳам руҳан тетик бўлади. Ҳатто ўз оёғи, ўз ихтиёри билан чиқиб боради. Дино Корте эса иккинчи қаватга олиб чиқмоқчи бўлганларида йиғлаб юборади. Врачлар уни зўр бериб олдинига авраш-

[151] Дўстмуҳаммад Х. Жимжитхонага йўл //Тафаккур. 2001. № 3. 78-79-бетлар.
[152] Дўстмуҳаммад Х. Ўша асар. 78-79-бетлар.

га уринардилар. Руҳан ўлимни тан олиб қўйган Дино Корте тамом тушкун ва ғайри табиий равишда сўнгги қаватдан бир қават юқорига иккинчи қаватга тушишга рози бўлади. Очиғи, Дино Кортенинг врачлар тўқиган ёлғонларга, фирибларга бўйсунмасдан иложи ҳам йўқ эди. Қаватдан-қаватга, палатадан-палатага кўчган сари Дино Кортега нисбатан ўқувчи кўнглида ачиниш туйғуси ортиб боради. Биринчи қаватга тушиши муқаррар бўлгач, ўқувчи кўз ўнгида у трагик тақдир эгасига айланади.

Зоҳид Яқинни бешинчи қаватда Мужоҳида, олтинчи қаватда Мушоҳида, ниҳоят еттинчи қаватда Жозиба исмли ҳамширалар кутиб олишади. У юқорига кўтарилган сари жисман заифлашаётганлигини, моддий дунёда насибаси узилаётганини аниқ билади. Лекин бу унинг руҳини сўндириш ўрнига тетиклаштиради.

Дино Кортени касалхона врачлари қабрга тиққандек биринчи қаватга улоқтиришган бўлса, Зоҳид Яқин еттинчи қаватга кўтарилганда ҳамма унга ҳавас қилади. Врачлар уни фариштага қиёслашади. Ҳолбуки, у жисман ўлаётган эди:

"Фаришта бўлмаса шу ергача кўтарилармиди?! Еттинчи қаватга-я!". Профессор унинг шахсиятини ҳаммадан кўра юқорироқ кўяди. Унинг ўлимини кулфат деб қабул қилишига мойил касбдошларига қарата:

"- Шовқин кўтарманг, биродарлар! (Ўлим) Сиз, биз учун эмас, бемор учун Жозиба. - Профессорнинг бўғиқ, лекин салобатли товуши паст-баланд ивир-шивирларни босиб тушди. – Зоҳидбойга-Зоҳид Яқиндек инсонларгагина насиб этадиган жозиба бу." Ҳикоя муаллифнинг ушбу сўзлари билан якун топади: "Ўша куни бир-биридан олис Мағриб ва Машриқ шаҳрида бир пайтнинг ўзида икки бемор бандаликни бажо келтиради".[153] Муаллиф Шарқ ва Ғарбга мансуб икки шахс тақдирини ёнма-ён тасвирлар экан, на ҳикоянинг ичида, на

[153] Дўстмуҳаммад Х. Жимжитхонага йўл //Тафаккур. 2001. № 3. Б. 78-79-бетлар.

хотима қисмида бу воқеаларга ўз муносабатини билдирмайди. Хулоса қилишни, назира ҳикоя ичидаги рамзийликни англашни ўқувчи ҳукмига ҳавола этади. Шу жиҳати билан ҳам бу ҳикоя анъанавий ўзбек ҳикоячилигидан тубдан фарқ қилади. Қиссадан ҳисса чиқариш, ўқувчини маълум хулосага ундаш ўзбек халқ анъанавий ҳикоячилигига, қолаверса, XX аср ҳикоячилигига ҳам хос хусусият эканлиги сир эмас.

Х. Дўстмуҳаммад Дино Буцати каби касалхона, ундаги қаватларга рамзий маъно юклайди. Ҳар икки ёзувчи касалхона дейилганда ҳаётни назарда тутадилар. Дино Буцати Ғарб кишисининг ўлимга томон турмуш алдовларига учиб, ҳаёт лаззатларига ташна бўлиб, тобора тубанлашиб боришини Дино Корте мисолида кўрсатади. Унинг талқинида Ғарб кишиси учун ўлим фожиа. Ўлим-абадий қоронғулик, йўқлик. Х.Дўстмуҳаммад эса ҳаёт ва ўлим муаммосига Шарқ фалсафаси асосида ёндашади. Маълум даражада тасаввуф таълимотига суянади. Масалан, Зоҳид номи ҳам сўфиёна, илк сўфийлар зоҳидлар деб аталган. Зоҳид Яқин ўлим сари борар экан, руҳи янада тетиклашаётганини қалбида бир қувонч пайдо бўлаётганини қайта-қайта такрорлайди. Шу билан бирга, уни ҳар қаватда рамзий номга эга бўлган ҳамширалар кутиб олишади. Иккинчи қаватда Шавқия-ҳаётнинг завқ-шавқли эканига ишора. Бешинчи қаватда-Мужоҳида, арабча «жаҳд» сўзидан олинган бўлиб, ҳаёт завқидан юз ўгиришга жаҳд қилиш маъносида. Олтинчи қаватда-Мушоҳида, дунё ҳаётига ибрат кўзи билан боқишни билдиради. Ниҳоят еттинчи қават ҳамшираси боқий дунёнинг жозибасини билдиради. Қачон инсон ҳаёт завқ-шавқига алданмасдан умрини имон-эътиқод билан ўтказса, ўлим унинг учун фожиа бўла олмайди. У фоний ҳаётдан бақо дунёсига хотиржам ўтади. Ўлимни боқийлик йўлидаги бир поғона, деб қабул қилади.

Хуллас, Х. Дўстмуҳаммад Шарқ ва Ғарб маънавий дунёсини қиёслайди. Инсоният ҳаёти ва ўлими ҳақида шарқона тафаккур юритади. Умрнинг мазмунини моддий олам жози-

баларига қул бўлишда эмас, эзгулик, имон-эътиқодда эканини бадиий асослаб беради. Бир сўз билан айтганда, шарқона ҳаёт фалсафасини замонавий шаклда қайта тирилтиради. XX аср ўзбек замонавий адабиёти учун оригинал талқинга эришади.

Замонавий ўзбек ҳикоячилигининг энг сара намуналаридан саналган «Шамолни тутиб бўлмайди», «Бевақт чалинган бонг» (Н. Эшонқул), «Жажман» ҳикоялари (Х. Дўстмуҳаммад) айнан ана шундай асарлардир. Бу ҳикояларда анъанавий тасвир услуби Ғарбдаги янги оқимлар билан уйғунлаштирилган, уларда жаҳон илғор насрининг таъсири сезиларли. Бинобарин, мана шундай бадиий тасвир ва бадиий моҳият ва мазмун билан бугунги кун насрида ўзига хос услуб даражасига чиққан ва ёзувчини адабий жамоатчилик кўзи олдида модернистик ёзувчи даражасига чиқарган бир туркум асарлар бунинг исботидир. Жумладан, Н. Эшонқул қаламига мансуб «Бевақт чалинган бонг» асари япон адиби Сюгаро Ямомотанинг «Қуриган дарахт», «Шамолни тутиб бўлмайди» асари эса америка адиби Фолкнернинг «Эмилья учун атиргуллар» асарлари билан муайян уйғунликка эга.

Турли даврларда, турли жамиятда, турлича шароитларда ҳаракатланадиган қаҳрамонлар образи адабиётга, аввало, оддий инсон ҳаётининг кечинмаларини нозик қизил ипга тизади. Ёзувчи маҳорати бирла тизилган бадиият кўринишлари инсон ҳаёти, орзу-интилишлари, яшаш тарзи, тафаккур олами, қалб дунёси, туйғуларининг ранг-баранг фожиаси тўғрисида ҳикоя қилади.

Баъзан насрдаги янгиланган шакл–шамойил бадиий тасвир ёзувчи бадиий ниятини амалга оширса-да, ўқувчи кўз ўнгида чалкашлик ҳосил қилади. Албатта бу, ноанъанавий бадиий тасвир услубининг ўзига хослигидир. Бу ҳолат кейинги давр насрида, хусусан, ҳикоячилигида Н. Эшонқул ижодида яққол кўзга ташланади. Шу ўринда адибнинг "Бевақт чалинган бонг" ҳикояси билан япон адиби Сюгаро Ямомотанинг "Қуриган дарахт" ҳикоясини қиёсий таҳлил қилишни жоиз деб билдик. Чунки ҳар икки асарда ҳаракатланадиган қаҳрамонлар сони

асосан бир кишидан иборат бўлиб, мазмун ва ғоя жиҳатидан бир-бирига анча яқин. Асар қаҳрамони ҳақида гапирар эканмиз, у ким ва қандай одам, унинг жамиятдаги ўрни нимадан иборат, деган савол туғилади. Ҳар икки асар қаҳрамони ҳам жамиятда яшаш учун курашади. Яъни тирикчилик учун майда-чуйда юмушлар билан шуғулланади ва мана шундай ишлар билан кимгадир асқотади. Ҳар икки қаҳрамон ҳам атрофдаги муҳитдан узилишини ва ўзларини ёлғизлик гирдобига отишини уларнинг яшаш тарзига айлантиради. Улар гарчи одамлар билан қизиқмаса-да, одамлар уларнинг ўтмишини ва ўзлари учун сирли бўлиб қолган кишининг ўй-хаёлини тафтиш қилишга ҳаракат қилишади. Чунки, четдан қараганда уларнинг на обрўйи, на мартабаси, на бойлиги, на хотин-болачақаси бор. Бу нарсаларнинг ҳеч бирини уларда кўрмаган атрофдаги одамлар уларнинг яшашдан мақсади нима эканлигига қизиқишади.

Бугунги глобаллашган дунёда инсониятни қийнаётган муаммолардан бири руҳий ёлғизлашув муаммосидир. Ҳар икки ижодкор ҳам ўз асарида ана шу муаммонинг бадиий ифодасини Қоровул чол ва Хей образлари мисолида бадиий ифода этади.

Инсон табиатан шундай яралганки, у имкон даражасида ўзиникини беркитиб, ўзганинг сирига қизиқиб яшайди ва мана шу қизиқиш, сирли нарсани кашф этишга интилиш баъзан худбинликка, баъзан қотилликка ва ҳатто, баъзан ўз умрининг якун топишига олиб келади. Юқорида келтирганимиз бу қаҳрамонларда қандай сирли нарсалар бор деган саволга ҳақли равишда ҳар икки образда инжа туйғулар, муқаддас эътиқод, сабр бардош ва буюк муҳаббат бор, деб жавоб бериш мумкин.

«Бевақт чалинган бонг» асари қоровул чол характери ва қиёфасини тасвирлаш билан бошланди:«Ким унга ўзини яқин тутса, у шунчалар ўз қобиғига ўралиб олар ва одамларга қоронғу бўлган ҳаёти каби бурчакдаги қуёш нури тушмайдиган пастаккина ҳужрасига кириб кун бўйи чекиб ўтирарди: ҳужрага ҳам терчил бадбўй ҳамда тамаки ҳиди ўрнашиб қолган. Ўзи эмас, галати осойишталик ва кун узоғи шифтда судралиб

юрадиган ҳидлар унинг ёлғиз ва сўққабош ҳаётини билдириб, бу бесаришта, ипирисқи хонага тириклик бағишлаб турар эди: зотан унинг кўникмага айланган сокин ва ёлғиз ҳаётини бу йилларда ҳеч ким била олмади».

«Қуриган дарахт»да эса ёзувчи қаҳрамонни шундай тасвирлайди: «Унинг кулбаси овлоқ жойда, ўт ҳам аранг ўсадиган, сопол парчалари, шиша синиқлари билан тўлиб кетган ташландиқ бир ерда. Кулбанинг эшигидан бошланиб хароба-зорни кесиб ўтган билинар билинмас ёлғизоёқ йўл Хейнинг қадамларидан ҳосил бўлган. Хей ҳеч ким билан мулоқот қилмайди, саломлашмайди ҳам, саломга алик ҳам олмайди, ҳеч ким унинг ҳақиқий исмини, ёшини билмайди. Бир қараган одам уни 50-60 ёшда дейиши мумкин, гоҳида куч-қувватдан қолиб силласи қуриган 75 ёшли чолдек туюларди».

Кўриниб турибдики, ҳар икки асар қаҳрамони ҳам исқирт, бадбўй, ташландиқ хароба маконни ўзи учун яшаш масканига айлантирган. Шу исқирт чолларнинг қалбидаги сир-синоатни асардаги қаҳрамонлар истаганидек китобхон ҳам уни кашф этишга қизиқади. Лекин ҳар иккала ижодкор ҳам бу сир-синоатни очиқ тасвирлашдан чекинишган. Асарни ўқиш жараёнида маълум бўладики, қоровул чол ва Хей аёл хиёнатига дучор бўлган шахслар. Улар ўз хатосини англамоқ учун шундай муҳит танлаган бўлса ажаб эмас, лекин ижодкор қаҳрамоннинг аёлга нисбатан нафратини, ишончсизлигини ёки қасд олишини бирон-бир ўринда очиқ тасвирламайди, аксинча, ўша кибрли ва гўзал аёлларни ҳаётнинг аччиқ сабоқларига дучор бўлган тарзда инсонга хос бўлган хислатларни унутаёзган қоровул чол ва Хей қаршисига олиб келади. Аёллар уларнинг олдидаги кечириб бўлмас гуноҳларини яна бир карра англаб қайтиб кетишади. Мана шу кечирим сўраб келиш ва гуноҳлари авф этилмаган аёлларнинг қайтиб кетиши ҳар икки асарда мазмун ва моҳиятан бир хил бўлса-да, иккала ёзувчининг ўзига хос маҳоратини кўрсатади. Жумладан, япон адиби С. Ямамота Хейнинг қаршисига келган аёлни шундай тасвирлайди:

«Бу аёл ёлғиз ўзи Хейнинг кулбасига келиб уни кутади ва Хей келгандан «Бу - мен» дея қисиниб-қимтиниб сўзлайди. Эътиборсиз унинг келганида на хурсанд бўлган, на нафратланган, на жаҳли чиққан Хейнинг уй юмушларини бажариб, у билан яшайверади».

Ҳикоядан маълум бўлишича, у аёл Хейга нисбатан хиёнат қилиши билан бирга ўзга эркакдан фарзандли бўлганлигини сўзлаб беради. У пиширган овқатни еб, у ювган кийимларни кийиб, тўшаган жойда ётиб юрган Хей аёлга энг оғир жазо беписандлик ва беъэтиборлик билан муносабатда бўлади. Буни англаган аёл "Жазо муддати ўтаб бўлгандан кейин ҳатто қотилдан ҳам гуноҳ олиб ташланади, сен нега мени кечиришни истамайсан? Айтсанг кифоя, ҳамма гапингга кираман" деб илтижо қилади. Аёл нималар демасин, Хей сукут сақлайди, у ҳеч нарсани эшитмайди. Йўлда ётган тош нима-ю, у нима? Шамол тошни пуфлаб ўтади, тош эса ҳеч қачон шамолга жавоб бермайди. Аёл кулбада ўн икки кун яшайди, ўн учинчи куни кетишга қарор қилади.

Н. Эшонқул эса "Аёл 15-16 ёшли боласини етаклаб келди. Аёл қирқлардан ошган, чиройли юзида ҳали сўлимлик ва эҳтирос сўнмаган, кўзлари ўйчан, ўзини тутишидан мулоҳазали ва ақлли аёл эканлиги кўриниб турарди. Бола эса гаранг эди. Аёл Омон Жумага совхозда эри ишлаганини ва уни уйга қайтариб беришини сўради."Неча йилдан бери уйга қадам босмайди, - деди у курсига ўтирмаёқ. - Кунини ичиб ўтказади. Сизга бир она сифатида мурожаат қилаяпман". Аёл йиғлашга тушди ва ўғлини кўрсатиб: "Бу худо қарғаган болани ёлғиз ўзим катта қилдим, энди чарчадим, бунга ҳам ота керак", деди. Аёлнинг йиғисидан таъсирланган Омон Жума қоровулни қанчалик қистамасин, у аёл билан бирга кетишдан бош тортди: "Бекорга овора бўлманглар, - деди бошини эгган куйи, биз аллақачон эр-хотинликдан чиққанмиз". У аёл билан болага қайрилиб ҳам қарамади. Омон Жумани танг қолдирганча боғ ичига кириб кетди ва у ерда шохлаб кетган тутларни хотиржам бутай

бошлади. Аёл унга нисбатан журъатсизгина интилди-ю, сўнг жойида таққа тўхтаб қолди ".

Иккала асарнинг қиёсидан маълум бўладики, жамиятда нисбатан ишончдан, одамларнинг муҳаббатидан маҳрум бўлган шахс жазосини ўз ҳаётидан олади. Ўзини ўзи ёлғизликка, хор-зорликка маҳкум қилади. "Бевақт чалинган бонг" қаҳрамони қоровул чол миллат бошига тушган ижтимоий кризиснинг икки карра қурбони. Биринчидан, уни жамият ўзидан четлаштиради. Мустамлака тузум қонуниятларига кўра қоровул чол "ўтириб" чиқади. Иккинчидан, жамиятдаги шўроча ахлоқ таъсирида ҳаётини йўқотган хотинининг қилмишлари, ўзига хиёнати унга яна бир оғир зарба бўлиб тушади. Унинг қалби саҳродек қуриб қолади. Шу боис ўзини ёлғизликка маҳкум этади. Лекин қоровул чол қалбининг туб-тубида ягона инсон - онасига бўлган муҳаббат сақланиб қолган. Унинг Хейдан фарқ қиладиган жиҳати ҳам шунда. Қолаверса, онага бўлган муҳаббат-қоровул чолнинг якка ягона эзгу илинжи. Сўнгги илинжи ҳам ўзига ҳомий деб билган амалдор томонидан топтаб ташлангач, қоровул чол учун абсурдга айланади. У онгли равишда ўз устидан ҳукм ўқийди. Ўзини одам ўлдиришдек оғир жазога маҳкум этади. Инсонийлик қиёфасини тамом йўқотади.

Айтишимиз мумкинки, ҳар икки асар шакл ва мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, уларда ривожланган дунёнинг инсон ҳаётига ижобий ва салбий таъсири бадиий бўёқларда тасвирлаб берилади.

Глобаллашув нафақат санъат, адабиёт, маданият ва кундалик ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Гуманитар соҳаларда ва айниқса адабий танқидий нуқтаи назардан "глобаллашув" атамасининг маданий ёки адабий жараёнга таъсири бошқа соҳаларга нисбатан кескин бўлмасада, замонавий адабиётга глобаллашув жуда фаоллик билан кириб келди. XX асрда дунё адабиётининг турли вакиллари асарлари таржималар қилинди ва ўз навбатида бу адабий таъсир масалаларининг юзага келишига сабаб бўлди. Инглиз, рус, адабиёти намуналари билан бирга турк адибларининг асарлари ҳам ўзбек тилига таржима қилина бошлади. Ғарб ва Шарқ адабиётлари аро ўзаро муштарак мавзу ва муаммолар бадиий асарларда акс этиши кузатилди.

Адабиётшунослик илмида маълум бир ёзувчи ёки шоир ижодини миллий ва халқаро анъаналар контекстида қиёсий ўрганиш илмий-назарий аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолат орқали ёзувчининг ижодий индивидуаллиги, унинг ўз миллий ҳамда жаҳон адабиёти ривожидаги ўрни белгиланади.

Жаҳон адабиётининг йирик вакиллари ижодини ўрганиш, улар асарларини миллий тилимизга таржима қилиш нафақат адабиётлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, балки инсониятга хос бўлган ҳис-туйғуларнинг ўхшаш ва айро жиҳатларига диққатимизни қаратади. Бу ҳодиса турли қитъаларда, турли давр ва шароитларда ижод қилаётган ижодкорлар асарларида умуминсоний муаммолар, ҳолатларни таҳлил қилиш имконини бермоқда. "... кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини чуқурроқ билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратди".[154]

Дунёда дини, тили, миллати бир-бирига ўхшамайдиган инсонлар турли қитъаларда, турли маконларда яшасалар-да, улар ўз миллий турмуши, оила тартиблари, урф-одатлари, тўйу мотамлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзига эгадир.

Шундай бўлса-да, уларнинг барчасида инсоний туйғулар, орзу-умид, соғинч, севги-муҳаббат, эрк, адолат, ички кечинмалар, кўнгил изтироблари, меҳр-оқибатни ҳис қилиш, эзгулик ва ёвузлик, тириклик ва ўлимга бўлган муносабатларида ҳамоҳанглик, мутаносиблик ҳолати бор. Ана шу инсоний туйғулар ер юзидаги барча халқларни бирлаштириб туради. Туйғулар ифодасидаги ранг-баранг кайфият, кечинмалар, инсоний

[154] Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б.149.

ва ғайриинсоний муносабатлар, бадиий адабиётдаги талқин ва тадқиқлардаги муштараклик инсониятнинг илдизи бирлигини далиллайди. Бундай муштараклик ва ўхшаш жиҳатларни қиёсий ўрганиш адабиётшунослик фанининг бадиий-эстетик методларидан бири саналади.

Ёзувчилар Дино Буццати, Робиндранат Тагор, ҳамда ўзбек адиби Саид Аҳмаднинг мазмун-моҳияти билан бир-бирига яқин турувчи "Ўликлар нега тирилмайди", "Ўликми тирик", "Сағана" номли ҳикояларида биз юқорида санаган инсоний туйғулардан бири – тириклик ва ўлимга бўлган муносабат ўзига хос тарзда ифода этилади. "Санъатнинг барча шаклларида воқелик образлар воситасида акс эттирилар экан, бу образлар воқеликнинг айнан ўзидан, нусхасидан иборат эмас. Санъат асаридаги ҳар бир образ ижодкор шахсининг ҳиссий ва ақлий идрокидан ўтган воқелик парчасидир".[155] Бу уч ҳикояда қаҳрамонлар тақдири бир-бирига ўхшаса-да, ҳар бир ижодкор шахсининг шахсий ва ҳиссий кечинмаларига асосланган ҳолда бадиий талқинлар айрича. Бинобарин, Р. Тагор асарида ўликлар ва тириклар ўртасидаги муносабат талқини фожеавий, Д.Буццатида фалсафий, С. Аҳмадда эса ҳажвий йўсинда ёритилади.

Р. Тагор "Ўликми тирик" ҳикоясида фожеавий тақдир эгаси Кадоминининг инсонлар юрагида доимо қўрқув ўйғотадиган тақдирини, яъни ўлиб тирилган аёл қисматини ҳикоя этади.

Р. Тагор асар бошида Кадоминининг ҳеч ким йўқ эканлигини таъкидлайди. У қайин оғасининг хотини вафотидан сўнг унинг ўғлини бор меҳрини бериб тарбиялайди. Ёзувчи "Хотин киши бировнинг боласини тарбия қилдими, гарчи унга муҳаббатдан бошқа ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ" дея таъкидлайди. Бу билан Кадоминининг бу дунёда ҳеч қандай меҳрибон кишиси йўқ эканлигини яна бир бор исботлайди. Шундоғам бахтиқаролик пешонасига ёзилган аёл тўсатдан вафот этади. Ҳикоядаги воқеалар жараёни драматизмга бой лавҳалар билан ривожланади. Маълумки, ҳиндлар урф-одфтига кўра ва-

[155] Б.Саримсоқов. Бадиийлик асослари ва мезонлари. Тошкент, 2004 й.4-бет.

фот этган кишининг жасади куйдирилади. Хусусан, "ўлди"га чиқарилган аёл аслида ўлмаганлиги, уни ёқмоқчи бўлиб ўтин излаб кетишганда аёл ҳушига келиб, тақдир сўқмоқларининг синовларига дучор бўлганлиги ифода этилади. Кадомини ўзининг тирклигини англаса-да, лекин уйига қайтмайди. Чунки ҳамма унинг ўлганлигига ишонч ҳосил қилган. Ёзувчи таъбири билан айтганда "уларни ўлим дарёси бир-биридан ажратиб туради".

Дино Буццатининг "Ўликлар нега тирилмайди" ҳикоясида ҳам қаҳрамон худди шундай ҳолатни бошидан кечиради. Скрепкачи Тони Аппашер вафот этади. Аммо у ҳам худди Кадомини сингари тириклар дунёсига қайтиб келади. Ҳар иккала ёзувчи "марҳумлар"нинг дўстлари, улар руҳиятидаги кечинмаларни жуда таъсирчан тасвирлайди. Чунончи, Тагорда : "Жагояманинг кўнгли қандайдир ғаш эди, лекин бунинг сабабини ўзи ҳам билмайди... Кадомини паришонроқ кўринган сари, унинг юрагидаги дардини билолмай, Жагомаянинг тобора жаҳли чиқаверарди"[156]. Буццатида эса "... кун бўйи аллақандай ғалати бўлиб юрибман... Назаримда худди кечқурун бизникига Аппашер кириб келадигандек"[157]. Ҳар иккала асарда ҳам қаҳрамонларнинг тириклиги уларнинг яқинларига сезилса-да, аммо ҳеч ҳам бу ҳақда тасаввур қилишни, чуқурроқ мулоҳаза юритишни истамайди. Ёзувчилар тириклар қалбида ана шу истакнинг йўқлигини асарнинг асосий нуқтаси деб қарайди. "Хизматчи хотинлардан бири ликобчада сагл олиб кирди, Кадоминини кўриши билан қўлидан ликобча тушиб кетди-да, қичқирганча полга йиқилди."[158] Тагор асарида тириклар оламига қайтган қаҳрамон ҳолати жуда аянчли тарзда берилади. Аёл тириклар дунёсида саргардон кезар экан, оиласига қайтишни жуда орзу қилади. Оилага уни чорлайдиган асосий нарса ундаги оналик меҳри, унинг тарбиясидаги овсинининг

[156] Тагор Р. Ўлимки, тирик. Т.: "Маънавият", 1997 й., 12 бет.
[157] Буццати Д. Ўликлар нега тирилмайди. Т.: "Маънавият", 1997 й., 22 бет.
[158] Буццати Д. Ўликлар нега тирилмайди. Т.: "Маънавият", 1997 й., 23 бет.

боласига нисбатан бўлган хавотир ҳиссидир. У ўз аҳволини унутиб касал бола ҳақида қайғуради. Аммо ҳеч ким аёл ўлими адашиш, ёки тириклиги тасодиф эканлиги ҳақида хаёлига ҳам келтирмайди.

Ўлим ва тириклик дунёсида турган Кадоминии ўз уйига қайтиб яқинларини саросимага солишдан кўра бу фожеадан хабардор бўлмаган эски дўстининг уйига боришни афзал билади. Эски дўсти Жагояма томонидан унинг яхши кутиб олиниши билан адиб дўстга садоқат туйғусини ифодаласа, эрининг дугонасига бўлган самимий муносабатидан таъсирланишини эр ва хотин ўртасидаги муҳаббат, бу муҳаббатнинг нафратга айланишини тасвирлайди. "Сиз қанақа одамсиз... Сиз эркаклар ҳаммангиз шунақасиз" .

Бундай ҳолат Буццати асарида қуйидагича тасвирланади: "Шу пайтда нима қилиб юрибсан?-дея Жанна эшикни очди ва иссиққина тўшакка қараб чопқилламоқчи бўлди-ю Аппашернинг ғалати қиёфаси уни ҳайратга солди."

Икки дунё орасида турган қаҳрамоннинг омадсизлиги унинг ўз тилидан шундай тасвирланади: "... Сизлар одамсизлар. Мени сизларга боғлаб турган нарса нима". Асардан кўзланган мақсад ҳам шу саволга жавоб топишдир. Ўлиб тирилган қаҳрамонларни ҳатто ўз яқинлари даврасига қабул қилмайди. Уларда қувониш ўрнига даҳшат ва қўрқув туйғуларини ўйготади.

Маълумки, ўлган одамнинг қайта тирилиши ҳақидаги афсона ва ривоятлар, хусусан, "Гўрўғли" туркумига кирувчи халқ достонларида, ёзма адабиётда ҳам анъанавий сюжет ҳисобланади. Аммо бундай ҳолат бадиий адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам ғайритабиий ҳодиса сифатида қабул қилинган. Юқоридаги иккала асарда ҳам дўстининг дийдорини яна бир бор кўриш учун тайёр қаҳрамонлар уларнинг "тирилиб" қайтгандан сўнг тириклар оламига қабул қилишлари учун ички ҳадик, ётсираш йўл бермайди. Адиб бу билан инсонлар орасидаги меҳр-оқибат ришталарининг нақадар мўрт эканлиги, атрофдагиларга нисбатан бўлган эътиборсизликнинг қандай фожиавий оқи-

батларга олиб келиши Кадоминининг аянчли аҳволини ҳикоя этиш билан, яъни қаҳрамон тириклигини исботлаш учун ўзини ўлдиришга мажбур бўлганлигини тасвирлайди. Бундай ҳолат тасвири Буццати асарида фалсафий талқин этилади. Инсон ўлимидан сўнгги маросимлар, кўз ёши-ю армонлар унинг ўзи олдида ўзи учун ниқоб эканлиги, иккиюзламачилик, ички "мен"га қул бўлиш одамзотга хос хусусият эканлиги Тамбурлани образи орқали маҳорат билан очилади. Адиб унинг қиёфасини шундай тасвирлайди; "Тамбурлани ўткир дипломат сифатида ном қозонган, эҳтиёткор, ўз ишига пишиқ одам эди; шу фазилати (ёки нуқсони) туфайли у жамиятда камтарона хизматлари имкон берган даражадан кўра юқорироқ мавқени эгаллаган эди"[159]. Бундай ҳолатлар асардаги Жанна, ҳазрат Раймардо образларида ҳам учрайди.

Юқоридаги ҳар икки ҳикояда тириклик орасидаги тафовут инсонларнинг унга муносабати қаламга олинган бўлса, С. Аҳмаднинг "Сағана" ҳикоясида инсоннинг ўлимга бўлган муносабати ҳажвий тарзда баён этилади. Асар қаҳрамони Боқи халфани тириклик пайтидаёқ ўзи учун ўлим тадориги аниқроғи маросимларни ўтказиб қўйиш ҳақидаги фикрлар безовта қилади. Бунинг биринчи сабаби атрофдагилар ва яқинларга нисбатан ишончсизлик бўлса, иккинчиси унга бу оламда қилинаётган муносабатлар у ўлгандан сўнг қандай бўлишига қизиқишдир. Бу қизиқишлар Боқи хаалфанинг эл орасида кулги бўлишига олиб келади. Асар қаҳрамонининг ўзига мотам маросими уюштириб инсоннинг инсонга бўлган ишончсизлигини англатса, унинг "бошпурти"ни топшириб домовойдан ўчганлиги қоғозбозликнинг инсон қадр-қимматидан баланд туриши бўлган ҳолатларни китобхон кўз ўнгида гавдалантиради.

Учала асарда ҳам инсон туйғулари, қадр-қиммати улуғланади. Ҳар қандай жамият, тузум, шароитда онанинг фарзандга бўлган меҳри беқиёслиги Кадомини образи орқали акс эттир-

[159] Буццати Д. Ўликлар ҳеч тирилмайди. Т.: "Маънавият", 1997 й., 22 бет.

рилган бўлса, иккиюзламачилик, "ўлдинг-ўчдинг" қабилида яшовчилар Жагояма, Тамбурлани образлари орқали ёритилади. Ҳар учала асарнинг хулосаси шуки, моҳиятан ўлим ва тириклик орасида катта бир кўприк бўлмаса-да, ўлим сари юз тутган одам тириклар дунёсида қайта ўрнини топа олмаслиги ифода этилади.

Дунёнинг турли бурчакларида турли даврларда яшаган ва турли динларга эътиқод қилган классикларнинг ҳаёт ва ўлимга муносабатларини таққослаш орқали тафаккурларидаги муштарак шу билан бирга ўзига хос-айрича муносабатларини ҳам ижтимоий, ҳам диний, ҳам маънавий, ҳам миллий дунёқарашлари нуқтаи назардан кузатдик ва ўрганадик. Кузатишларимиз шуни кўрсатдики қиёслаганимиз ҳикоялар қаҳрамонлари ўзларининг тирикликларини ўз ўлимлари билан исботладилар. Бу тасвирлар ёзувчилар айтмоқчи бўлган асосий мақсадни ифодаловчи восита вазифасини бажарган. Жумладан, Тагор ҳикоясида кўтарилган ғояда халқнинг маърифатсизлигига урғу берилган бўлса, Дино Буццати ҳикоясида мистика орқали инсониятнинг ўлимдан узоқроқ бўлишининг ўзиёқ унинг ҳаётсеварлиги эканлиги асар ғоясига сингдирилганлигини, Саид Аҳмад ҳикоясида эса ўлимдан қўрқишнинг ўзиёқ асар қаҳрамонини ўлимга махсус тайёргарликни ўзи амалга оширишига сабаб бўлганлигини сатирик тарзда ёритишга эришганини, бу учала асарнинг бадиий қиммати, уларнинг китобхонни мушоҳадага чорловчи жиҳатларини кўрсатиб беради.

Ҳар учала асар талқини орқали ўзаро меҳр оқибат, инсон қадр-қимматининг йўқолиб кетаётганлигига ишора қилинади.

Адабиётнинг асл дурдоналари муайян тилда яратилса-да, давр ўтиб, улар бошқа тилларга ҳам «ўтиб», турли миллатларни эзгуликка, ўзаро меҳр-оқибатга чорлайверади. Чунки адабиётнинг асл асарларига замонлар, маконлар истеҳком бўлолмайди. Улар учун диний эътиқодлар ҳам, мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ҳам ҳеч замон «Хитой девори» бўлолмайди. Негаки, улар сўзнинг илоҳий мўъжизакор қудратини

ўзида мужассамлаштириб олгандир. Ана шундай асл асарлар муаллифларидан бири Турк адиби Умар Сайфиддиндир. У XX аср турк адабиётида ҳикоя жанри ривожида ўзига хос услубга эга ёзувчилардан.

Ватанпарварлик мавзуси барча халқлар адабиётида етакчи мавзу саналади. Айниқса, ватан озодлиги, уни ташқи кучларнинг таъсиридан асраш миллат ва миллий тилнинг ривожи, халқчиллик адиб ҳикояларининг асосий мағзини ташкил этади. Рус адабиётшуноси Л.Г. Юдкевичнинг «Адабиётда миллий характер муаммоси» деб номланган тадқиқотида: «Адабиётда халқчиллик масаласи сўзсиз миллий характер муаммосининг қай даражада акс эттирилиши билан боғлиқ»,- деб ёзади.

Олим миллий характернинг иккиламчи хусусияти деб ҳар бир адабий қаҳрамонда миллий хусусиятлар етакчилик қилиши, умуминсоний хусусиятлар бевосита миллийликдан келиб чиқиши кўрсатилади. Учинчи хусусият, бадиий қаҳрамоннинг ўз ватанини севувчи, миллат бахт-саодати йўлида курашувчи сифатида тасвирланишидир. Тўртинчидан, миллий характернинг тўлақонли чиқиши учун ёзувчи ижтимоий позицияси унинг эстетик идеали билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Бешинчидан, муаллиф дунёқараши ўз миллатининг илғор идеалларини ифода этиши, бундай идеаллар билан бир жон, бир тан бўлиши керак. Олтинчидан, миллий характерни тасвирлаш учун муаллиф тарихийлик тамойилига асосланиши лозим.

Л.Г. Юдкевич миллий характернинг юқоридаги олти хусусиятига қўшимча яна қуйидагича таъкидлайди: «Миллий характер ўзига хослигининг муҳим (бирламчи) белгиси - бу қаҳрамон ички дунёсидир. Шу билан бирга бадиий тил, қаҳрамон нутқи, бадиий тасвир усулларидаги миллийлик миллий характер бутунлигини таъмин этади».[160]

[160] Юдкевич Л.Г. Проблема национального характера в литературы /Теория литературы в связи с проблемами эстетики. Москва: Высшая школа. 1970. С. 146-148.

Л.Г. Юдкевичнинг фикрини қувватлаб шуни таъкидлаш мумкинки, характернинг миллий бўлиши учун унда миллатга хос барча хусусиятлар мужассам бўлиши керак.

Умар Сайфиддин асарлари хусусида гап кетганда Л.Г. Юдкевич томонидан назарий асослаб берилган барча хусусиятлар мужассам эканига амин бўламиз.

"Пушти дур тўн" (баъзи таржималарда "Қизил дурли кўйлак"), "Бошини бермаган шаҳид", "Гурзи", "Ажабо, у не эди?" каби ҳикояларида Ватан ишқи, ватанпарварлик, уни асраш, ҳимоя қилиш каби туйғулар биринчи планда туради. "Пушти дурли тўн" ҳикоясида адиб ўз ғоялари ва қарашларини Муҳсин Чалабий образи орқали акс эттиради. Бу образ орқали адиб туркий халқларга хос ҳақиқий характерни яратади. Маълумки, адабий характер том маънода ҳаётни бадиий акс эттириш усулига қараб белгиланади. Ҳаётни бадиий акс эттириш ўз навбатида ҳаётий характердан бадиий характер яратишдир. Натижада, инсон шахсияти орқали бадиий характернинг тарихий, умумбашарий, халқона ва миллий қирралари юзага келади. Ёзувчи бадиий образни турли даврлар, турли руҳий, тарихий вазиятлар гирдобига ташлайди ва бу орқали образ характерига хос жиҳатларни ёритиб беради.

Хазинадан бир пул олмасдан, бор мол-мулкини сотиб, ўрнига қимматбаҳо тошлар қадалган чопон тиктирган ва уни Эрон шоҳи саройида қолдириб келган мулкдор Муҳсин Чалабий тантилиги ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. У Ватанга фойдаси тегиши учун бутун бойлигидан ажраса-да, хизматини ҳеч қачон миннат қилмайди. Ёзувчи Муҳсин Чалабийни шундай таърифлайди: " У ҳудожўй, ғоятда ақлли инсон эди. Инсонга таъсир этгувдек салобати ва сири бор эди. Қарағай ўрмонининг орқасидаги катта хўжаликни бошқарар, пешона тери билан меҳнат қилар, ҳеч кимга ғайирлиги йўқ эди. Йўқсил ва ғарибларнинг кўнглини олар, дастурхонидан меҳмон аримасди. Динни маҳкам ушларди. Аммо мутаассиб эмасди. Дин, улус, ватан ишқини, мамлакатининг буюклиги, мукаддаслигини юракдан ҳис қиларди. "Тангридан бошқасига сажда этмай, қулга қул бўлмаслик унинг ҳаётдаги мақсади эди"[2] –дея таърифлайди. Адибнинг ҳикоядан мақсади ҳам ана шу таъриф орқали очиб берилади. Муҳсин Чалабий амалдорлар олдида икки букилиб, уларга мулозамат кўрсатган, ўз ғурурини билмайдиган, заифлардек ерга судралиб юрадиган искирт инсонлардан нафратланарди. Ҳатто бундайларни кўрмаслик учун одамлардан узоқда юрар эди. Адиб биргина мана шу таърифлар орқали инсон руҳиятидаги эврилишлар, қадр-қимматнинг барча нарсалардан устунлигини бадиий бўёқлар орқали ифодаласа, қаҳрамоннинг "давлатдан нуқул олиш керак эрмас... бироз бериш ҳам керак...", эрон шоҳига қарата "Саройингизда улуғ бир подшонинг элчисини ўтқазиш учун гиламингиз, кўрпачангиз йўқ экан. Бунинг устига бир турк ерга ёзган нарсасини қайтиб киймайди" каби сўзлари ҳақиқий ватанпарварликни, инсон ғурури, ор-номусини англатади. Ёзувчининг турк миллатининг тақдири, унинг келажаги борасидаги хавотирлари "Дўсту нодўстларимиз" ҳикоясида ёрқин акс этган. Ҳикоя қаҳрамони "Тарихи, таълими, адабиётида ўзини бу қадар инкор этган бир миллат ўз миллийлигига асосланган "иттиҳод" бирлик ғоясини ўртага қўйиши мумкинми? Европаликлар бизни яхши ўрганмаганликлари учун бундай ғоя борлигини тахмин қилиш мумкин!... Орамиздагилар бўлса бу қадар гўл бўлмасликлари керак. Мамлакатимизда "турк, туркчилик, Туркия туркиёт" калималари бўлмаганлиги сингари "турк тили" деган бир тил ҳам йўқдир", дейди. Миллатни миллат сифатида шакллантирадиган, бирлаштирадиган, ривожлантирадиган, биринчи омил тилдир. Тилни йўқотиш миллатни ўлдириш томон етаклайди. Шу боисдан ҳам муаллифнинг ўз она тилининг аҳамияти, унинг софлигини асраш тўғрисидаги ўй фикрлари, ташвишлари бу асарда ўзига хос оҳангда жаранглайди. Адиб қаҳрамонининг бу қарашлари орқали миллий тил ва миллий адабиёт миллий давлатни вужудга келтиради, деган ғоялар илгари сурилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Адибнинг ватанпарварлик ғоялари улуғланган ҳикояларидан яна бири "Тутқун" ҳикоясидир. Йигирма йил тутқунликда яшаган, аммо бир дақиқа ҳам ватан тупроғи, унинг озодлиги ҳақидаги орзуларидан воз кечмаган, унга ишониб яшаган Қора Мамиш образи асарда инсоннинг метин иродаси, эътиқоди қанчалар кучли бўлса, унинг атрофидагиларга, оиласига, ватанига бўлган садоқати ҳам шу даражада самиимий бўлишини тасвирлайди. Қора Мамишнинг ўз миллатига, халқига, динига бўлган эътиқодини ёзувчи шундай тасвирлайди: "Фақат таҳорат қилолмагани учун қайғуради. Доимо кунчиқар томоннинг чап тарафида туриб, кўзларини қиблага қаратар, беш вақт номозини яширин ишоралар билан адо этарди ". Асар қаҳрамони 20 йил тутқунликда, 10 йил хўжайиннинг хизматида бўлган энди у кучдан қолган, ҳеч қандай фойдали ишга ярамайди. Аммо унинг хотираси ҳали бақувват. Ёзувчи қаҳрамонининг ватанни қайта кўриш ҳақидаги орзу истакларини баён этишда туш мотивидан фойдаланади. Бу мотив орқали инсонни яшашга, ҳаётийликка ундовчи восита унинг руҳияти эканлигига ишора қилади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, қаҳрамон бирор ўринда ватанини севади, дея ошкор ифодаламайди, аммо унинг асар сўнгида " Шаҳид бўлсам мени шу байроққа ўранг! Ол байроқ ҳилпираган ер ватан эмасми, ахир?!", деган фикрлари билан далиллайди. Чунки кекса кемачини сўнгги дақиқаларгача яшаш истагини сўндирмаган туйғу бу- Ватан туйғуси эди.

Умар Сайфиддиннинг ҳикоялари орасида аёллар образи биринчи планда кўрсатилган асарлари талайгина. "Баланд пошналар", "Қуриган оғочлар" ҳикояларида аёллар қалбидаги нозик, илғаб бўлмас туйғулар, уларнинг изтироблари гўзал чизгиларда ифодаланади. Адибнинг аёллар бош қаҳрамон бўлган ҳикоялари орасида "Камалак" ҳикояси характерлидир. Ҳикоя бош қаҳрамони Ойша эндигина ўн ёшга кирган. Шундай бўлсада адиб асарда уни "Паҳлавон Ойша", дея таърифлайди. Паҳлавонлик одатга ўгил болаларга нисбат берилади. Бу

ўринда ёзувчи Ойшани "паҳлавон" деб таърифлашининг ўзиёқ унинг курашувшанлигига ишорадир. Ойша паҳлавон бўлиши билан бирга ниҳоятда гўзал қиз. Ана шу гўзаллик ва паҳлавонлик ташбеҳларининг бир-бирини қабул қила олмаслиги, яъни қиз боланинг от миниши, ўқ отиши, кураш тушиши мумкин эмас деган эски қарашлар ойшанинг қалбида исён туғдиради. Оддийгина ўн ёшли қиз бола қалбидаги исён орқали адиб XX аср бошларидаги турк аёллари қалбида кўтарилган курашчанликни ифодалайди. Тузумдаги эскилик сарқитлари, аёлларга бир буюм сифатида қараш, уларнинг кўнгли билан ҳисоблашмасликни ҳаётининг бош мезонига айлантириб олган, динни ниқоб қилиб, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётган кимсалар образини Бўри домла қиёфасида гавдалантиради. Ойшанинг хаёллари орқали унинг домла каби кимсаларга қарши исёнини ифодаласа, Бўри домланинг ўн ёшли қизга нисбатан нуқул "ҳижобга солинг, ҳижобга. Энди унинг очиқ юриши мақбул эмас", дея қайта-қайта жавраши у яшаб турган тузумнинг узоқ давом этиши учун исён қилган кимсаларнинг ҳали улғаймасдан илдизини кесиши, улар орқасидан эргашиб кетувчиларнинг кўпайиб кетмаслиги учун бир тушов эканлигининг ифодасидир.

Ёзувчи Ойша ва Бўри домла образларини бир-бирларига қарши қўяркан XX аср бошларида бутун туркий халқлар ҳаётида рўй берган ватан озодлиги билан бирга аёллар оозодлиги учун ҳам бўлган курашлар ҳақида ҳикоя қилади. Ойша образи аёлларнинг озодликка, паранжини ташлашга қарши кураши, эркак ва аёлнинг жамиятда тенг ҳуқуқли эканлигининг намунаси сифатида кўрсатилар экан, бу образ ўзбек адабиётда аёллар озодлиги учун курашган Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги Зеби, Абдулла Қаҳҳорнинг "Даҳшат" ҳикоясидаги Унсин образларини эслатади. Аммо Умар Сайфиддин асаридаги қаҳрамон Ойша озодликни қанчалик истамасин, "Кеча ва кундуз" даги Зеби, "Даҳшат"даги Унсин каби Ойша ҳам ҳақиқий озодликка курашлар орқали етиш мумкин-

лигини англаб етмайди. У хаёлан Бўри домла каби кимсаларга қарши курашишни ўйласада, унинг қалбидаги исён курашга айланмайди. Бу билан ёзувчи ўша даврдаги муҳит бунга имкон бермаганлиги тасвирини чизиб беради.

Ёзувчи ҳикоялари орасида "Ажинали кўшк", "Оқ юз", "Васиятнома", "Жасорат" каби асарлари ҳажв ва сатирага бойлиги билан ажралиб туради. "Ажинали кўшк", "Васиятнома", ҳикояларида адиб жамиятдаги зиқна, бировнинг ҳақи эвазига кун кўраётган имонсиз одамлар образини яратади. Рўза ва намозни ниқоб қилиб олган сохта диндорларни Ҳожи Ниёзий образида ифодаласа, бировнинг ҳақига хиёнат қилувчиларни Муфти ҳожи афанди образига сингдиради. "Жасорат" ҳикоясининг сарлавҳасини ўқиган китобхон асар кимнингдир жасорати ҳақида бўлса керак деб ўйлайди. Ҳикоя мазмунига кириб борганингиз сари адиб ўзининг ўткир сатирик тиғи билан аслида қўрқоқ, қўлидан ҳеч қандай иш келмайдиган кимсаларнинг ташқи қиёфаси билан бошқаларни қўрқитиб юрган кишини оддийгина жонзот канага қарши қўйишининг ўзиёқ асарнинг ўткир ҳажвга бойлигидан далолатдир. "Васиятнома" ҳикоясида эса адиб ҳаётнинг мазмунини кайфу сафодан, қимору ичкиликбозликдан, айшу ишратдан иборат деб билан кимсалар устидан кулади. Бу кулгуларни қаҳрамоннинг жиянига ёзган сохта васиятномасида кўрсатиб берган уч қисмдан иборат дастурга сингдиради. Адиб қаламга олган бу хил сатира ва ҳажв нафақат турк халқи ҳаётида, балки бутун инсоният ҳаётида учраши мумкин бўлган воқеа ҳодисалар эканлиги билан ўқимишлидир.

Адиб ҳикояларининг характерли хусусиятларидан яна бири шундаки, қайси ҳикояни ўқиманг, унда миллат дарди, ўз халқининг ор номусини улуғлаш билан бирга инсонни инсон, халқни халқ даражасига кўтарувчи ягона тимсол ТИЛга алоҳида урғу берилади.

Бутун дунёда глобаллашув жараёнлари бормоқда. инсонларнинг дунёга бўлган муносабатлари, кийиниш тарзлари

озиқ-овқатлари, еб-ичиш усуллари, кундалик юмушларни бажариш тарзи, саёҳат қилиш усуллари, ҳузур-ҳаловат ва кўнгилхушлиқ қилиш тарзлари ва ҳоказоларда сезиларли ўзгаришлар бўлмоқда. Инсоният ўз яшаб турган ҳудудидаги анъаналар, маросимлар, одатлардан узоқлашиб, бегоналашиб кетмоқда. Бу ҳолат тил ва мулоқотга жиддий таъсир қилиши илм-фанда кузатилган ҳодиса. Қайсики халқ инглиз истеълосида ёки рус истеълосида бўлган бўлса унга шу халқнинг маданияти ва у билан бирга тили кириб келган. Натижада оғзаки мулоқотдаги сўзлар ёзма тилга ҳам кириб келган. Натижада баъзи миллатларда маҳаллий халқ тилининг ғариблашишига сабаб бўлган. Бу йиллар давомида халқларни хавотирга солиб келган муаммолардан биридир.

Умар Сайфиддиннинг "Чаноққалъадан сўнг" ҳикояси айнан шу муаммоларга бағишланган. Қаҳрамони тилидан айтилган: "ўз исмини билмайдиган, ўз тилида ёзмайдиган, душманларини дўст деб билган бир миллат яшаши мумкинкинми? Бунинг имкони борми? отини билмайдиган, ўз тилида ёзмаган, душманини дўст деб билган бу бечора миллат эртага руслар, французлар, инглизлар қўлида ҳиндистон халқи каби асир бўлади, уларга молдай хизмат қилади, маданиятдан, яъни инсонийликдан, ахлоқийликдан маҳрум бўлади", дея тили ва маънавиятини унутган, улар учун курашмаган кимсаларга қарата "Эҳ, асир подалари..." деб хитоб қилади. Адибнинг қаҳрамон тилидан айтилган "-Уйғонинг! Ўзлигингизни билиб олинг, ҳайвон сингари ғоясиз, ташкилотсиз, маданиятсиз яшаманг, миллат бўлинг..." каби хитоби биринчи жаҳон урушининг изтиробли дамларида эрк учун курашаётган ватандошларига қарата айтилган бўлса-да, нафақат кечаги кун учун бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ, хар бир миллатнинг ўз тили ва маънавияти, ватанини зўравонлик, ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш учун чорлаган хитобдир.

Адиб ижодида ўзига хос фалсафийлик устун бўлган ҳикоялар ҳам талайгина. "Гамгин ҳикоя" ни биз ана шундай асарлар

сарасига киритишимиз мумкин. Асарни бу тарзда номланишининг ўзиёқ унинг фалсафийлигига ишора қилади. Ҳикояда аниқ бир қаҳрамоннинг номи тилга олинмайди. Қизиқарлиси шундаки, адиб оппоқ қор тимсолида покликни, беғуборликни эмас фожеявийликни ифодалайди. "Қор ҳар томондан оппоқ кигиз каби қопланганди. Тупроқ кўринмасди. Тупроқни кўриш учун қорни супириш керак. Ҳолбуки, фақат кўчалар супирилади. Кўчаларга тош ётқизилади. Устида ейиладиган ҳеч нарса бўлмайди. Емишини ердан оладиган бечора ҳайвонларнинг аҳволини энди ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг! Бутун дунёнинг юзини шакарсиз музқаймоқ қоплаган. Бир ҳовуч есалар шу заҳоти музлайдилар... Хуллас, ер юзаси ана шундай фожеали аҳволда экан, бир боғнинг ўртасида жажжигина чумчуқ титраб турарди: фақат қўрқувдан эмас!" ("Бадал" 216 б.) Келтирганимиз иқтибосда "емишни ердан оладиган бечора ҳайвонлар", "шакарсиз музқаймоқлар", "фақат қўрқувдан эмас" жумлалари ҳикояда ёзувчи фалсафий дунёқарашининг қай даражада акс этганлигини намоён этади. Қор рамзий детал воситасида беғуборлик, яхшиликни эмас фожеавийликни акс эттирган ҳикояларни ўзбек адиби Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ибн Муғанний" ҳикоясида ҳам учратиш мумкин. "Унинг ҳовлисига қор кўп ва хўп ёғади. Яъни қаҳрамон турмуш ташвишлари билан доимо банд. Шу даражада ёғадики, оқибат Ибн Муғанний бутун оила аъзолари билан қор остига кўмилиб қолади. Қорга, яъни турмуш ташвишларига тутқунлик узоқ давом этади. Уларнинг уйлари дунёдан тамом узилиб қолади: "Отажон нега уйимизга ҳеч ким келмайди", савол сўрайди ўғил. Ибн Муғанний бор гапни ўғлидан яширмайди: "Ҳамманинг ҳовлисини қор босган ўғлим – бошқалар ҳам ўзимиз каби ўз уйида банди".[161] Бу билан ёзувчи жамиятнинг маънавий ҳолатига ишора қилади. Ҳар икки асарда ҳам оп-

[161] Дўстмуҳаммад Х. Ибн Муғанний / Жажман. Тошкент: Шарқ, 1995. 221-233-бетлар.

поқ қор муаллифлар эстетик идеали фалсафий мушоҳадаларини қамраган рамзий образларнинг бадиий намуналаридир. Иккала ёзувчининг ўзига хосликлари шундаки, Хуршид Дўстмуҳаммад асардан хулоса чиқаришни ўқувчининг зиммасига юклайди, Умар Сайфиддин эса "фақат қўрқувдан эмас" жумлаларининг маъносини қиссадан ҳисса тарзида асар якунида бераркан, инсон қанчалик буюк хилқат бўлиши билан бирга энг шафқатсиз мавжудод ҳам деб қарайди. Ва айни пайтда ҳар бир тирик мавжудод ўз яратувчисининг қисматидан қочиб қутулолмайди, деган хулосани беради.

Адибнинг "Фармон" ҳикояси ҳам ўзига хос фалсафага бой асарлардан биридир. Асар қаҳрамони Тўсинбей умр бўйи подшоҳига садоқат билан хизмат қилган. Подшо унга ўз ҳаётини ҳам ишонган. Алал оқибат бу ишончни подшо хиёнат билан алиштирган. Асардаги ўқувчи қалбини ларзага соладиган ҳолат садоқатли аскарнинг ўз ўлими ҳақидаги фармонни ўз қўли билан олиб боришидир. Адиб инсоннинг ички ҳис-туйғулари, ўз-ўзи билан курашишдаги тизгинсиз хаёллар ва кечинмаларни Тўсинбей образи орқали маҳорат билан тасвирлайди. "Подшоҳ ва давлат йўлида жонини ҳам аямасликка қасам ичмаганмиди. Шундай экан, бу жонини кимдан қаерга ва нега олиб қочиши керак" ("Бадал", 229 бет) Биргина "қасам" Тўсинбейнинг ҳаётдаги иймон ва эътиқоди, садоқатининг нақадар мустаҳкамлигини ифодалайди. Ўз қатли учун тайёрланган фармонни бажармаслик учун имкониятлари бисёр бўлсада эътиқодидан воз кечмайди. Асарни ўқиган ҳар бир китобхон Тўсинбей тақдирига қанчалик ачинса-да, унинг жасоратидан ҳайратланади. Тарихийлик принциплари асосида яратилган мазкур асарда қаҳрамонлар ички дунёсининг таҳлилига катта эътибор қаратилган. Натижада қаҳрамон характерининг нафақат зоҳирий (ижтимоий), балки ботиний (руҳий) қирралари ёритилган. Иймон, эътиқод, жавонмардлик, адолатпешалик, ватанпарварлик каби хусусиятлар умуминсоний характернинг ажралмас бир қисми сифатида талқин этилган. Адиб Тўсин-

бей характерини чизар экан чуқур психологик таҳлиллар билан чекланиб қолмай, қаҳрамон психологик ҳолатини китобхон таъсирлана оладиган даражада жонли қилиб кўрсатади.

Истеъдодли адиб Умар Сайфиддин асарлари бугунги кунда ҳам китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. Адибнинг қайси бир асарини ўқиманг ундан кўнглингизга яқин бир туйғуни топасиз. Жамиятда, кундлаик ҳаётимизда бугун ҳам учраб туран бирор бир муаммонинг ўртага ташланганлигининг гувоҳи бўласиз. "Бадал", "Валинеъмат", "Уч насиҳат" каби ҳикоялари китобхонни ҳалол меҳнат қилишга, иродали бўлишга ундаса, Афрўзбей образи орқали эса сохта ватанпарварларнинг тимсолини яратади.

Умар Сайфиддин ҳикояларида жамиятнинг хилма-хил муаммолари ёритилади. Уўз ҳикояларига жасорат ва таассуфни, ёт маданият билан менлигини йўқотиб тубанлашиб бораётган сохта зиёлийларни қаҳрамон қилиб олади. Адиб ҳикояларида қаламга олинган мавзулар нафақат турк халқи ҳаёти, балки бутун туркий халқлар ҳаётини акс эттиргандек бўлади. Ундаги муаммолар бугун инсониятнинг муаммолари эканлиги билан характерлидир.

Хуллас, адиб асарларидаги ҳар бир образ, қаҳрамон инсонни инсонийликка, миллатни севишга, ватанни улуғлашга ундайди. Унинг қаҳрамонлари руҳиятидаги тизгинсиз туйғулар, теран мушоҳадалар билан бирга китобхон шу асарларнинг қаҳрамонлари билан бирга яшайди. Бу эса Умар Сайфиддин асарларининг ҳам миллий, ҳам умуминсонийлигини ифодаловчи белгиларидир. Ёзувчи асар ёзаётганда бирор бир деталга урғу беради, сабаби детал асарда илгари сурилган ғояни очувчи калит бўлиб хизмат қилади. Асар қаҳрамонлари детал атрофида ҳаракат қиладилар, дунёқарашлари очилади. Асарда деталнинг қанчалар иштирок этиши эмас, балки унинг ёзувчи ғоявий мақсадини амалга оширишдаги иштироки муҳимдир. Ана шундай бадиий воситалардан бири тоғдир. Табиатан тоғнинг баландлиги, бепоёнлиги, гўзаллиги инсонни ўзига

мафтун этиб келган. Бу гўзалликдан завқ олган ижодкорлар аста-секин турли кўринишларда уни бадиий асарларига бирор восита, пейзаж ёки детал сифатида кўчиришган.

Адабиётга назар ташлайдиган бўлсак тоғ турли ижодкорлар ижодида турли мақсадларда ифода этилган. Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" асарида хазинани сақловчи восита ва дунёвий илмнинг мангуликка дахлдорлигига ишора қилинса, Шукур Холмирзаевнинг "Тоғларга қор тушди" эссесида тоққа мурожаат қилинмаса-да, ёзувчи ундан рамз сифатида фойдаланади, у халқнинг ғурури, ор-номусини тоғдай юксак даражага кўтариб асарнинг номини шундай атайди. Чингиз Айтматовнинг "Қулаётган тоғлар" асарида эса йўқолиб бораётган қадриятлар, Нормурод Норқобиловнинг "Овул оралаган бўри" асарида эса тоғни ҳимоячи, қалқон сифатида келтиради. Демак, бадиий асарда тоғ турли мақсадларда тасвирланиб, халқнинг ғурури, ор-номуси, қалқон, сирларни бағрида сақловчи, муҳофаза воситаси, орзу-интилишларни менгзайдиган юксаклик сифатида талқин этилган.

Биз ушбу ўринда ана шундай асарлардан саналган Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" ҳамда қирғиз адиби, дунё адабиётида ўзига хос ўрин тутувчи Чингиз Айтматовнинг "Қулаётган тоғлар" асарларида тоғнинг бадиий восита сифатида тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Мирзо Улуғбекнинг дунё илм-фани йўлида қолдирган мероси тарихдан маълум. Бу мероснин бугунги авлодларга қай йўсинда етиб келганлиги ҳам тарихий асарларда ёзиб қолдирилган. Бу мерос ва унинг ижодкори ҳақидаги бадиий асарлар ҳам талайгина. Ўзбек адабиётида Мирзо Улуғбек ва унинг ҳукмронлик тарихи ҳақида Одил Ёқубовнинг " Улуғбек хазинаси" романи каби мукаммал асар бўлмаса керак. "Энг муҳими адиб воқеаларни шундай танлайдики, бу вазиятларда фақат Улуғбек яшаган даврнинг муаммоларигина тадқиқ қилиниб, балки бугунги кун учун муҳим бўлган жиддий ахлоқий маса-

лалар ҳам ўртага ташланади"[162]. Асар воқеалари Улуғбекнинг Мовараунаҳрдаги ҳукмронлик даврида бўлиб ўтади. Ва унда, асосан, Улуғбек ҳаётининг сўнгги кунлари, фарзанд ва ота ўртасидаги кўнгилсизликлар, олимнинг умри давомида инсоният учун кашф этган илмий мероси, бу мероснинг кейинги авлодларга етказиш учун қилинган саъйи ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилинади. Асар воқеалари баёни давомида бир неча бор тоғ манзаралари, тоғдаги ғорлар, тоғ тизмалари ҳақида сўз боради. Асарда тоғ , асосан, қалқон, мангулик, сокинлик, паноҳ сифатида келтирилади. Бу асарнинг дастлабки воқеаларида шундай ифода этилади: "...ман ўзимнинг чин бойлигим деб тожу-тахтни эмас, илм-маърифат йўлида қилган хизматларимни, битган асарларим, тўплаган илм хазинасини билурмен. Бу бебаҳо хазинанинг тақдири сенинг қўлингдадур, Али. Бу хазина буткул Мовараунаҳр, эҳтимолки буткул башариятнинг бойлигидур. Мабодо ҳақ таоло бандаи ожизни салтанатдан мосуво қилиб, элда хурофотки авжга минса... бу хазинани бўлғуси авлодлар учун асраб қолмоқ сенинг гарданингдадур. Эҳтимолким, уни тоғларга олиб чиқиб аниқ бир жойга яширурсен".[163] Асар қаҳрамони Мирзо Улуғбек томонидан тилга олинган бутоғ Ургут тоғ тизмаларидир. Тоғ асарнинг турли ўринларида турли мақсадларда келтирилади. Келтирилган иқтибосда тоғ паноҳ, олимдан қолган илмий мероснн авлодларга етказувчи восита вазифасини ўтаган. "Олдиндаги тоғ чўққилари тепасида бир ҳафталик ҳилол ногиронгина осилиб турар, унинг заиф шўъласида суви қуриб қолган кенг сой, сойнинг икки ёнидаги ёнғоқзорлар, қаршидаги юксак чўнг тоғлар улуғвор қорайиб кўринар, айни замонда аллақандай сирли, ваҳимали туюларди."[164] Иккинчи ўринда эса адиб пейзаж орқали табиат

[162] Шермуҳаммедов П. Тарихнинг руҳий муаммоси // Адабиёт ва замон(Мақола, адабий ўйлар, суҳбатлар). Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. -206- Б.

[163] Одил Ёқубов. Улуғбек хазинаси. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент -1974 й. 19-бет.

[164] Ўша асар. 100-бет.

гўзаллигини ифода этиш билан бирга ҳилолнинг ногиронгина осилиб туриши, сой сувларининг қуриб қолганлиги тасвири орқали салтанатнинг таназзулга йўл тутаётганлиги, олим ҳаётини аллақандай сирли, ваҳимали кучлар таъқиб қилаётган бўлса-да, унинг инсоният тарихи учун қилган хизматлари эса тоғдек юксак ва улуғворлигига ишорадек кўринади.

Асарда келтирилган тоғ сафаридаги "Аждар ғор" ҳикояти Мирзо Улуғбекдек коинот сирларини билгувчи инсон ҳам ожиз бўлган дунёнинг сир-синоатларга тўла эканлиги, инсон уни қанчалик чуқур билишга интилган сайин тубига ета олмаслигидан далолатдир. "... Бу ғор биринчисидан ҳам кенг ва баланд бўлиб, деворлари хитой чиннисидай оқ мармар билан қопланган, эди. Лекин энг қизиғи-ғорнинг охирида яна бир қоронгу туйнук кўринар, яна сал юрилса, учинчи ғор пайдо бўлар эди. Али Қушчи унга ҳам ўтмоқчи эди, Мирзо улуғбек унамади".[165] Адиб асарда тоғдан рамзий детал сифатида унумли фойдаланган. У тоғ орқали шоҳ ва олим Улуғбекнинг босиб ўтган йўлини ишонарли далиллар билан чизиб берган. Биргина "Аждар ғор" тасвири, ундаги баҳайбат қоя тошлар инсон умри қанча қисқа бўлса, табиатнинг умри шунчалик боқийлиги, боқий табиат сирлари олдида инсон ожиз эканлигини ифода этади.

Чингиз Айтматовнинг "Қулаётган тоғлар"(Мангу қайлиқ) асарининг номланиши жиҳатидан тоғга урғу берилган бўлса-да, асар ғоявий-бадиий мазмуни бутун дунёда муаммога айланиб бораётган табиатнинг инсон томонидан топталиши, йўқолиб бораётган ноёб жониворлар, маънавий қадриятлар, инсониятнинг бойлик ва ҳокимиятга интилиш йўлида ўзлигини унутиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Асарнинг бошидан охиригача тоғларда саргардон кезаётган "мангу қайлиқ" одамларни бундай фалокатлардан, табиатга қилинган ҳар бир шафқатсизлик учун ҳисоб берилишидан огоҳлантириб, тоғларда мангуга дарбадар кезади.

[165] Одил Ёқубов. Улуғбек хазинаси.Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент -1974 й. 104-бет.

"Улуғбек хазинаси" романида Ургут тоғ тизмаларидаги "Аждар ғор" асосий восита саналса, "Қулаётган тоғлар"да эса Узангилаш тоғ тизмаларидаги "Молоташ ғори" бу вазифани ўтайди. Ҳар икки асарда ҳам адиблар китобхонга етказмоқчи бўлган маънавий бойлик, қадриятлар ҳақидаги қарашларини сирли ғорлар орқали баён этади. "Мен болалигимдан бери бизнинг Узангилаш тоғ тизмаларимизда ҳозиргача Мангу қайлиқ саргардон кезиб юради, деб эшитганман, мен бунга ишонаман ".[166] Мангу қайлиқнинг тоғ тизмаларида сарсари кезиб юриши одамларнинг бир-бирларини кўролмасликлари, маккорлик, эл-юрт талашишлардан фақат шу тоғларгина холис, уларгина эрк ва осудалик манзили эканлигига ишорадир. Асар қаҳрамонининг Мангу қайлиқнинг кезиб юришига ишониши ва ҳамроҳини ҳам ишонтириши шундандир. Адиб асарни икки ном билан "Қулаётган тоғлар" ёки "Мангу қайлиқ" деб номлашининг ўзиёқ Мангу қайлиқнинг дунёда юз бераётган қабоҳат ва гуноҳ ишлар, одамзод борлиғида доим яшаб келган зўравонликларнинг уқубатига қарши бош кўтараётган инсониятнинг рамзий образидир. Инсон қалбидаги меҳр –оқибат, яхшиликнинг камёб ҳодисага айланиб бораётганлиги, ер юзидаги энг оғир жиноят-одам ўлдиришдан ҳам жирканмай қўйганлигини, бу жиноятлар учун курашувчилар сонининг кундан–кунга камайиб бораётганлиги, лоқайдликлар асар қаҳрамони Арсен Саманчин образи орқали очиб берилади. Арсен Саманчин асли тоғда туғилиб вояга етган бўлса-да, ўқиб шаҳар тарбиясини олган. У ўз яқинлари ва қишлоқдошларидан яшаш тарзи ва фикр мулоҳазалари жиҳатидан анча илгари. Аммо дунё цивилизациясидан хабардор бўлган бу қаҳрамон ўз яқинларининг қандай яшаётганликлари, руҳиятида кечаётган ўзгаришлардан мутлақо бехабар. Тоғ халқларига хос бўлган ғурур, ўз қадр-қимматини, орини барча нарсадан устун қўювчи овулдошлари учун унинг қарашлари

[166] Чингиз Айтматов. Қулаётган тоғлар. Тошкент, "Ўзбекистон"-2011 й., 64-бет.

қадрли эмас. Уларни дунёнинг иқтисодий-сиёсий аҳволи-ю, ишбилармонлик ва тадбиркорлик қизиқтирмасди. Чунки бор нарсасини бирга баҳам кўриш, яйловларидаги архару қоплонларни ов қилишни улар фақатгина ўзларига тегишли деб билардилар. Улар ҳатто тоғ дараларидан йиғилган ёввойи асални бозорга олиб бориб сотишни ишбилармонлик деб эмас, ор деб биладиганлар. "Ҳатто тоғ дараларидан ёввойи асални йиғиб, бозорга чиқараётганлар ҳам йўқ эмас, илгари ҳеч бунақаси бўлмаган эди. Асални одатан совға тортиқ қилиб беришарди, савдо-сотиққа ҳеч қачон олиб чиқишмасди."[167] Биргина асал савдоси орқали ҳамқишлоқлар ўртасида йиллар давомида шаклланган меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганлигини қояларнинг қулаётганлигига менгзаган. Асарда драматизмга бой бундай ўринларни Тоштанафғон ва Арсен Саманчи ўртасидаги овни ташкил этиш мунозараларида яна ҳам ёркинроқ кўринади.

Адиб талқинига кўра, инсон табиат фарзанди; унда қанчалик оқиллик, зукколик мужассамлашган бўлса, шунчалик ёвуз ҳамдир. Инсон комил бўлиши учун эзгуликни, гўзалликни, адолатни ҳимоя қиладиган фазилат эгаси бўлиши керак. Шу маънода қанчалик аччиқ ва шафқатсиз бўлмасин, инсонга ўз айбини, ўзи кўра олмаган ва билмаган қалб ҳақиқатини рўйрост айтиш керак деган фикрни илгари суради адиб. Табиат ҳодисалари, ҳолатлари, тоғдаги ёввойи ҳаёт ҳукмдори Жабарс билан муқояса асосига қурилган бадиий талқин ёзувчи бадиий нияти ифодасига маънодорлик бағишлайди. Бу бадиий ният Тоштанафғоннинг тоғдаги ёввойи ҳайвонларни араб шаҳзодаларига "тортиқ қилиш" маросимидаги ҳаракатларида янада ёркинроқ ифода этилади. Тоштанафғон тоғдаги ёввойи ҳайвонларга ўз мулкидек муносабатда бўлган меҳмонларни, уларга йўл кўрсатган ҳамқишлоқларини табиатни хароб қилиш, инсон кўнглига, эркига таҳдид қилишда, ўз ҳуқуқ ва

[167] Чингиз Айтматов. Қулаётган тоғлар. Тошкент, "Ўзбекистон"-2011 й., 95-бет.

имкониятларини оёқ ости қилишда айблайди. Аммо қаҳрамонимиз бундай иллатларга қарши курашиш ўрнига ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилишни афзал билади. Адиб бу ўринда инсон ички дунёсининг ниҳоятда чигал ва етиб бўлмас пучмоқлари борлигига ишора қилади. Адибнинг маҳорати шундаки, асар сўнггида қаҳрамонларнинг ўз ҳаётидан орттирган сабоқларига урғу берадию ҳар ким ўз хатоларидан сабоқ олгани маъқул дегандек туйғулар-кечинмалар реализмига асосий диққат-эътиборини қаратади.Тириклик сабоқлари қаҳрамонларнинг, хусусан, Тоштанафғоннинг тақдирини тубдан ўзгартиради. Зеро, ҳар кимнинг яшаш тарзи, тирикчилиги, бу қалб ҳақиқатининг намоён бўлиш шаклларидан биридир, дея ишора қилади ёзувчи. Шу боисдан ҳам ёзувчи асар сўнггида қаҳрамонларининг руҳий дунёсига мурожаат қилади. Улар кўнглида кечган оний тебранишларни ҳам қайд этишга интилади.

Дарҳақиқат, Чингиз Айтматов XX асрнинг катта адиби. Адиб ўзиининг "Қиёмат", Мухтор Шохонов билан ҳамкорликда битилган "Чўққида қолган овчининг оҳу зорлари" каби асарларидагидек "Қулаётган тоғлар" асарида ҳам инсоният учун фавқулодда муҳим бўлган гапларни айтишга муваффақ бўлган. Яъни бутун инсониятнинг иймон-эътиқоди, маънавияти масаласини ўртага қўйган. Унутилиб бораётган қадриятлар, уларнинг ҳалокатли оқибатлари шафқатсиз ҳақиқат эканлигини қулаб бораётган тоғларга ўхшатган ҳолда тасвирлаб берган. Инсониятни қуруқ демогогия ва шиорлардан қочишга, бундай муаммоларни биргаликда ҳал қилишга чорлаган.

Асарнинг "Қулаётган тоғлар" деб номланиши ҳам XXI асрга келиб инсоният асрлар давомида муқаддас билган, тоғлардек буюк қадриятлари бойликка ҳирс, ҳокимиятпарастлик, жаҳолат ва зўравонлик каби иллатлар қаршисида емирилиб бораётганига ишорадир.

Бадиий асарнинг баркамоллиги қаҳрамон психологиясининг канчалик холис ва ҳаётий ёркин акс эттирилганлиги билан белгиланади. В.Г.Белинский таъбири билан айтганда "... бадиий асарнинг бетакрор ўзига хос таровати уни юзага келтирган санъаткор шахсиятининг бетакрорлиги билан асосланади"[168]

Бугунги ўзбек драмаларида замондош образи

Драма, ижтимоий ҳаётнинг ривожланиши ва ижтимоий онгнинг ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ. Драматик асарнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши бизни ижтимоий ва бадиий фикрнинг эволюциясини мунтазам кузатиб бориш имконини беради. Ҳар бир тарихий даврда драма «вақт руҳи»ни кўтариб, унинг ахлоқий муҳитини намоён қилади, инсон ва дунё, жамият ва табиат ўртасидаги алоқаларни рамзий шаклда тасвирлайди. У ҳаётнинг ўзига хослигини, миллий хусусиятларини ўзида акс эттиради ва доимо замонавий ижтимоий ва бадиий онгга мос келади, шу билан доимий равишда ҳаракат жараёнида бўлади. Ривожланишнинг дастлабки босқичларидан бошлаб бугунги мураккаб бадиий тузилишга эга бўлган замонавий драмага қадар бу жанр узоқ йўлни босиб ўтди.

Миллий драманинг яна бир муҳим жиҳати - у ижтимоий онгни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида юз берадиган ўзгаришлар, зиддиятлар билан чамбарчас боғлиқ. Конфликт ҳар доим драманинг асосий унсурларидан бири, чунки «инсон ҳаётининг ҳар бир босқичида ёки инсон ҳаётида энг катта жанжаллар инсон ва унинг эҳтиёжлари ва атрофидагилар ўртасида табиий ва муқаррар бир-бирига зид келадиган муносабат сифатида намоён бўлади. Масалан, жамоат ва шахс манфаатлари, баъзан табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари..

Замонавий ўзбек драмасининг бадиий ва эстетик асослари

[168] Белинский А.Г. Полное собр.соч.Т. 7.-М.:Наукка. 1955.-С 530.

халқнинг миллий табиати ва этник бойлигининг қадимийлигини англашга ёрдам беради. Миллатнинг умумий маданий маконида эстетик тизимга айлантирилиб, унинг маънавий ва ахлоқий қарашларини, тарихий ривожланишини акс эттираётган бу жанр бугун ҳам ижтимоий ва тарихий воқеликни тасвирлаб келмоқда. Драма миллий табиатнинг чуқур фазилатларини энг кўп очиб берадиган, турли тарихий даврларда инсоннинг дунёқарашини таҳлил қилувчи жанрдир.

Барча жанрлар каби драматургияда ҳам бугуннинг долзарб муаммолари қаламга олинади.

Сўнгги пайтларда театр саҳналарида қўйилаётган асарларга эътибор қаратадиган бўлсак, асосан комедия, ижтимоий-маиший асарлар ёки қайта саҳналаштирилаётган тарихий спектакллар эканининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, Иззат Султоннинг "Навоий" драмасининг қайта саҳналаштирилиши бу асарга иккинчи умр бағишлагани ва халқимизнинг саҳнада Навоий сиймосини соғинганидан ҳам далолат беради.

Бугунги ўзбек адабиётида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи асарлар унчалик кўп эмас. Борлари ҳам XX асрнинг маҳсули. Ойбек, Иззат Султонлардан сўнг буюк шоир ҳақида саҳнабоп асарлар яратилмади. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо адабиётимиздаги ана шу кемтикликни тўлдириб "Самарқанд сайқали" драмасини яратди.

Маълумки, Самарқанд кўпгина мутафаккирлар қатори буюк шоир ҳаётида ҳам муҳим из қолдирган. Бу шаҳар Алишер Навоий ҳаётининг энг қийин лаҳзаларида ўз бағрига олганлиги тарихдан маълум. Шунинг учун ҳам шоир бу шаҳарни жаннатларга тенглаштириб "Самарқанди фирдавсмонанд" деб атайди. Драмага асос қилиб олинган воқеалар ана шу фирдавсмонанд шаҳарда бўлиб ўтади. Шоир ҳаётининг Самарқанд даври, уннинг ижодига бу шаҳарнинг таъсири ҳақида бир қатор олимларимиз батафсил тўхталиб ўтган.

1460 йилда Султон Абу Саид ва Ҳусайн Бойқаро зиддияти кескинлашган маҳал, орадан бир канча вақт ўтмасдан, Султон

Абу Саид унинг тоғаси Мир Саид Кобулийни қатл этади. Мана шундай бир вазиятда, ҳазрат Навоий Санд Ҳасан Ардашерга мактубида битгани каби: "Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди, Кўнгулга жало дафъи озор эди. Сафар тушти олимга беихтиёр, Қазо амрида элга не ихтиёр"... Мана шу сабаблар туфайли ҳам Алишер Навоийнинг Самарқанд сафари кўнгилга нажот ва ором истаб қилинган дейиш ҳақиқатга яқинроқ. Драманинг "Самарқанд сайқали" деб номланишининг сабабларидан бирини мана шунда деб талқин қилиш мумкин. Чунки, Тафту Машҳад каби, адолат ва илму урфон пойтахти бўлмиш Самарқанд, жаҳон шеъриятининг Навоий деб аталган дуру гавҳарини илм чархи билан сайқаллагани шубҳасиздир. Айни маҳалда Самарқанд доруғаси бўлмиш Аҳмад Ҳожининг илтифоти унинг дардманд қалбига малҳам бўлади

Драманинг муқаддимасида Навоий сиймоси ғамгин, ташвишли тарзда тасвирланади. Уни жавобсиз саволлар қийнайди.

Қачон осойишта бўлгай ер юзи?
Қачон тингай афғон, қачон тингай дод?
Қачон комил бўлгай жаҳил оломон?
Қачон ғолиб бўлгай қалб ва маърифат?

Қалб ва маърифат ғолиблиги учун курашган ва уни ҳаёти давомида ахтарган Навоий шу ўринда бу каби саволларига жавоб топади.

Драманинг биринчи кўринишидаёқ Навоийнинг ташвишли ва изтиробли кўринишини ҳайрат эгаллайди. Ўз асарларида "фирдавсмонанд" деб баҳо бергани шаҳар уни бутунлай ўзига мафтун этади. Ва:

Афсонавий шаҳар, нажот кўргони,
Валийлар макони, пирлар маскани,

– дея ўз ҳайратларини изҳор этади. Муаллифнинг маҳора-

ти шундаки, у ўрта асрларда Самарқанд илм ва маърифатнинг маскани эканлигини таъкидлаб ўтирмайди. Бу фикрларини ўзи танлаган образлар зиммасига юклайди. Барча тарихий, бадиий асарларда Навоийнинг буюк шоир ва давлат арбоби бўлиб етишишида Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг хизматлари таъкидлаб ўтилади ва доимо бу икки шахс нафақат сабоқдош, балки давлат бошқаруви ва ижодда ҳаммаслак деб кўрсатилади. Иқбол Мирзо бу драмада шу қарашларга ҳамоҳанг тарзда, Навоийнинг жўшқин ҳаёти ва илмий бадиий тафаккуринг ривожланишида Самарқанд маънавий-ижтимоий муҳитининг, шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек, фақиҳ аллома Абу Лайс Самарқандий ва бошқа бир қатор фозил кишиларнинг хизматлари ҳам беқиёслигини бадиий ифодалаб беради. Муаллиф драмада Навоийнинг йигитлик йиллари ва Самарқанд даврини асос қилиб олишида ҳам муҳим бадиий юк бор. Чунки тарихий манбаларга кўра Навоий Ҳиротдан чиқиб кетишида қайси шаҳарга боришни ўзи танлаган ва ҳаётининг айни йигитлик дамлари шу шаҳарда кечган.

Бу даврда Алишер Навоий Мовароуннаҳрда нозиктаъб шоир сифатида аллақачон танилиб улгурган, мавлоно Лутфийнинг эътирофи тилларга тушган ва ҳатто, Машҳадда Навоий ихлосмандлари ўзлари унинг шеърларидан девон тартиблаган эдилар. Ёш шоирнинг мамлакат узра ёйила бошлаган шон-шуҳрати ҳаммага маълум эди. Шоир унинг Самарқандга кириб келишини ўзига хос усулда тасвирлайди.

Алишер Навоий Самарқандда Мавлоно Улойи Шоший, Хожа Хурд, Мавлоно Муҳаммад Олим, Мавлоно Сойилий, Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Мирзобек, Юсуфшоҳ Сафоий каби олим ва шоирлар билан мулоқотда бўлади. Драманинг илк қисмидаёқ муаллиф мана шу зотларга ишора қилган ҳолда, Самарқанд кираверишида уни қарши олган Мўйсафид образини яратади. Бу образнинг тимсолийлиги шундаки, тақдир ўнглаб қўяётган ва уни рўпара қилаётган зотларнинг барчаси унинг ҳаётида яхшиликларга сабаб бўладилар. Мўйсафид об-

рази – Яли Яздийнинг, Турбатийнинг, Аҳмад Ҳожибекнинг, Абу Лайс Самарқандийнинг ва шу сингари бир қанча улуғ сиймоларнинг муштарак образидир. Адабиётшунос Лайло Шарипова драмадаги асосий образлардан – яъни тақдир тимсоли бўлмиш бу образга диққат қаратади ва уни Хўжаи Хизр деб атаганида мутлақо ҳақ эди...

Навоийнинг Мўйсафид билан суҳбатида унинг Самарқандга келиш мақсади аён бўлади:

Мен бунга маърифат қидириб келдим,
Истаб келдим яна осойишталик,
Инсоний ҳисларни соғиниб келдим.

Бу шаҳарга маърифат ва осойишталикни истаб келган шоирни биринчи қадамиданоқ ёвузлик, ҳаётига қасд қилувчилар шарпадек таъқиб қилади. Драмадаги конфликт Мўйсафиднинг ғойиб бўлиши ва Соҳиб Сиддиқнинг пайдо бўлиши билан бошланади.

Замонавий бадиий санъат усулларидан келиб чиққан ҳолда Иқбол Мирзо мажозий шартли образларни қўллайди. Яхшилик ва ёмонлик зиддияти борасидаги Соҳиб Сиддиқ ҳам шундай аломат образлардан бири. Ҳар ерда бўлгани каби, бу ўринда ҳам Навоий қаршисида нафсу кабр қутқуси пайдо бўлади. Соҳиб Сиддиқ риёкор, манфаатпараст, на санъатни, на юксак эътиқодларни тан оладиган киши, яъни илм гулзоридаги чақиртикан, қора жаҳолат тимсолидир. Ҳусайн Бойқаро билан Султон Абу Саид Мирзо орасидаги зиддиятдан ўзича хулоса чиқариб, Алишер Навоийга илтифот кўрсатиш Абу Саид Мирзонинг жаҳлини чиқариши мумкин деб ҳисоблагани, драма воқеалари аввалиданоқ ғайирликлар қила бошлайди. Ваҳоланки, Алишер Навоийга нисбатан Султон Абу Саид Мирзонинг ҳеч ҳусумати йўқ эди. Тимсолий образларни яратиш орқали муаллиф уларнинг зиддиятини саҳнага олиб чиқади, бир томонда яхшиликлар тимсоли бўлмиш зотлар сиймоси, бошқа ёнда ёмонлик ва қабоҳат тимсоли Соҳиб Сиддиқ кабиларнинг

умумлаштирилган қиёфаси намоён бўлади. Соҳиб Сиддиқ кабилар келажакда туркийлар шон-шуҳратини кўкларга кўтариши аён бўлиб турган шоирдан хавфсирайди, кин ва гинаси шу қадарки, шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек такаллуф қилиб тургани ҳолда ҳам кирдикорларини бас қилмайди.

Дарҳақиқат, бу фикрлар драманинг иккинчи кўринишида Аҳмад Ҳожибек билан Соҳиб Сиддиқ суҳбатида ойдинлашади.
Аҳмад Ҳожибек:

Гапни кўп чўзасиз, эй Соҳиб Сиддиқ,
Ўзимни ўзимга таништирасиз.

Нима демоқчисиз, очиқроқ айтинг.
Соҳиб Сиддиқ:

Абу Саид Мирзо сизни хўп сийлаб,
Самарқанд мулкини этмиш иноят.
Ҳаққин адо этмай бу муруввatнинг
Унинг душманига мурувват этмак
Султон ғазабини қўзғатар шаксиз.

Аҳмад Ҳожибек ва Навоийнинг суҳбати, Соҳиб Сиддиқнинг бу суҳбатни парда ортида кузатиб туриши ҳам унинг жаҳолат ва қабоҳатнинг содиқ қули эканлигинии кўрсатиб беради. Драматик ҳолатлар уларнинг суҳбати орқали ривожланиб боради.

Аҳмад Ҳожибекнинг "Қайси шамоллар учирди сизни?" деб берган саволига Навоийнинг: "Чирпирак учирар қисмат шамоли", дея берган жавоби орқали "Чирпирак" сўзига юкланган маъно Ҳиротдаги аҳволни тасаввур қилиш имконини беради. Аҳмад Ҳожибекнинг : "Келажак бўлмайди жанг майдонида", деган иқрори,
ёки

Сиз ташвиш чекмангиз асло, шоирим,

Сизга қучоқ очар нажот қўрғони,

каби далдалари бир томондан Навоийга тасалли берса, иккинчи томондан шаҳар ҳокимининг адолатпеша, илм ва маърифат ҳомийси эканлигини кўрсатади. Драмада Навоий, Соҳиб Сиддиқ ва Аҳмад Ҳожибек образларининг тўқнашуви адолатли давлатни шунчаки барпо этиб бўлмаслиги, унда ҳар доим маърифат ва жаҳолат тўқнашувлари бўлишига ишорадир.

Драманинг учинчи кўриниши Навоийнинг илм ва маърифат дарғалари учрашуви ва суҳбатлари тафсилотларини ўз ичига олади. Шоир закоси бу кўринишда янада яққолроқ намоён бўлади. Шу ўринда бироз лирик чекиниш қилади. Мушоиралар асосига қурилган бу кўринишда шоир Самрқанднинг тинч сойишта, шоири олимларига марҳамат кўрсатувчи шаҳар сифатида талқин этса, иккинчи бир томондан туркий тилнинг улуғлиги, унинг гўзаллиги темурийлар давриданоқ эътироф этилганлигини кўрсатади. Фикр эркинлиги, мантиқийлигини қушлар сайрашига ўхшатма тарзида тасвирлайди. "Байна" қуши ҳақида гапираркан:

Ўша қийратади узумзорларни
Гала бўлиб яшар, уришқоқ, жўғи,
Машғулоти фақат майна қилмоқлик.
Ўзгалар товушин такрорлар онгсиз,
Гоҳида ўхшатиб қуйлар чунонам,
Минг бор афсуски, ўз қўшиғи йўқ.

Шоир шу ўринда бировлар фикри билан юрадиган, тафаккур қудрати ноқис, манқуртсифат кимсалар қисмати ҳақида гапиради.

Тўти ҳақида Риёзийнинг:

Ўзганинг қўшиғи билан бўлсада,
Мазур қила олур гўзал бир қуш бор,
Тўти атағайлар, элда севимли,

деган эътирозига Навоийнинг:

Тўғри, чиройли қуш, ранго ранг, жозиб,
Вале айни такрор санъати учун
Макони қафасда, қисмати эрмак,

дея "чиройли" сифатини келтираркан, инсоннинг сурати қанчалик гўзал бўлмасин, унинг қалби, тафаккур қудрати заиф бўлса, бу гўзаллик қийматсиз, инсон қадрсиз бўлишига ишора қилади.

Шоирлар суҳбатига улуғ фақиҳ аллома Абу Лайс Самарқандийнинг қўшилиши, ватаннинг тинч осойишта бўлиши фақат илм маърифатнинг ўзи билан эмас, адолатли оқил ҳукмдор сиёсати билан биргаликда эканлигини англатишдир.

Наслу насабингни унутма асло,
Огоҳ бўл, огоҳ бўл, мудом огоҳ бўл!

мисралари ўқувчини огоҳликка ундайди.

Навоий сиймосини яратаркан, муаллиф унинг муҳаббатини ҳам унутмайди.

Абу Лайс Самарқандий ҳовлиси тасвирида Абу Лайснинг қизи Феруза ва жияни суҳбатида ишқ ҳақида сўз юритади. Аммо драманинг бирор ўрнида у муҳаббатнинг ибтидоси ёки якуни ҳақида ишоралар берилмайди.

Драманинг кейинги саҳналарида Навоий атрофида эргашиб юрган қора шарпа еттинчи кўринишда Соҳиб Сиддиқ қиёфасида пайдо бўлади ва унинг қора ниятидан Навоийни яна ўша адолат тимсоли Аҳмад Ҳожибек асраб қолади. Саҳнада Яна Соҳиб Сиддиқ пайдо бўлади. Энди у Навоийга душман эмас унга хушхабар келтирган элчи сифатида. Бу ўринда ўқувчининг таажжубланиши табиий. Чунки бу шарпанинг қора нияти ошкор бўлгандан сўнг Аҳмад Ҳожибек навкарлари томонидан қатл этилган эди. Муаллиф маҳорати шундаки, Ҳусайн

Бойқаронинг Ҳирот тахтини эгаллаганлиги ҳақидаги хабарни айнан шу разолат ва жаҳолат тимсоли бўлган Соҳиб Сиддиқ зиммасига юклайди. Бу билан бундай буқаламун кимсалар ҳар салтанат, ҳар жамият орасида учрашини, ўзларини маърифатли кўрсатишса-да, аслида маърифатдан узоқ, ўз нафсига ва ниятларига қул эканлигин таъкидлайди.

Драмада устувор йўналиш – шеър санъатининг барқ уриши, шоир камолоти, маънавий гўзалликлар салтанатда адолат ва виждон ҳукмронлиги натижасида гуллаб-яшнашига алоҳида урғу берилади. Тарихий воқеалар нуқтаи назаридан қаралса, улуғ Амир Темур салтанати даврида яшнаган илм-фан ва санъат маърифатли ва доно кишилар томониданҳар доим ҳимояга олинганини ва уларнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилганлигини кўрамиз. Алишер Навоий, Аҳмад Ҳожибек, Абу Лайс Самарқандий тимсолидаги маънавият тақдирида ҳаётбахш ўзгаришлар рўй беради: султон Ҳусайн Бойқаронинг салтанат тахтига келиши билан "тақдирнинг чирпирак шамоллари" тинади. Бу хушхабар нафақат Алишер Навоийнинг, балки бутун ўлка илму маърифатининг тараққиётида улкан мужда каби жаранглайди. Илм ва санъат кишилари энди адолатли ҳимоя остида бўлишидан дарак беради.

Драманинг энг муҳим жиҳати ҳам мана шунда. Муаллиф бу ўринда мамлакатда адолат ва барқарорлик ҳукм сурмас экан, илму маърифат бор бўйича яшнай олмайди деган асос фикрни илгари суради ҳамда бу тарихий ҳақиқатни улуғ шоир Низомиддин Мир Алишер Навоийннинг Самарқандда ўтказган йиллари орқали аниқ далиллаб кўрсатади.

Ижодни кашфиёт дейишади. Кашфиёт қилиш ижодкордан тинимсиз меҳнат, ҳаётий мушоҳадаларни чуқур идрок этиш, янги давр қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятларини англаш, англаганларини бадиий шаклда ўқувчига етказишни талаб қилади. Бугунги адабий жараёнда кўплаб шеър, ҳикоя, қисса ва романлар орқали бу ҳодисалар китобхонга баҳоли қудрат етказиб бериляпти. Инсон қалби, унинг ички зиддиятлари

орзу истаклари, энг нозик туйғуларигача тебратадиган жанр бу драмадир. Адабий жанрлар орасида инсон онги шуури ва тафаккурига драмачалик таъсир этадиган жанр йўқ. Томошабин уни бевосита кўриш орқали мушоҳада қилади. Театр саҳнасида қўйилган асар томшабинни фикран фаоллаштиради, уни ўз ғояларига эргаштиради. Шуниси билан драма бошқа жанрларга қараганда оммавийдир. Ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда драматург қаламга олаётган ҳар бир мавзу инсон тақдири, жамият ҳаётини қандай акс эттириши билан жуда муҳимдир. Бугун ижодкорларимиз ривожланиб бораётган дунё, кенг қамровли ҳаётнинг турли жиҳатларини акс эттирувчи драматик асарлар яратмоқдалар. Бу асарларнинг қамрови каби мавзуси ҳам ранг баранг. Бугун саҳналаштирилаётган асарлар орасида тарихий мавзудагиларини ҳам кўп учратамиз. Айниқса, саҳналаштирилаётган асарлар орасида замон билан ҳамнафас, давр муаммолари, ҳаётнинг оғриқли нуқталарини очиқчасига кўрсатиб берилаётганлиги драматургиямизнинг ривожидан дарак беради.

Бугун тарихий воқеликка, янгиланаётган даврга қарашларимиз ўзгарди. Бу қарашлар барча жанрлар каби драмада ҳам акс эта бошлади. Усмон Азим, Эркин Аъзам, Қўчқор Норқобил драмалари бугунги реал воқеликни томошабин кўз ўнгида турли ракурсларда кўрсатиб бермоқда.

Драматург Қўчқор Норқобилнинг яратаётилаётган ҳар бир драмасида инсоннинг моҳияти, глобаллашув замони ва муаммолари билан боғлиқ дардлари, даврнинг ривожланиши билан уйғун барча қарашлари ифода этилади.

Ўзбек театри саҳналарида аллақачон ўз мухлисларига эга "Заминдан олис кетма", "Қуёшни сен ўйғотасан", "Беш бева ва бир бошлиқ" ёки "Гул олмаган гўзаллар", "Азизим, табассум қил", "Закот" каби драмаларида даврмизнинг энг долзарб муаммолари қаламга олинган. Жумладан, а Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган "Заминдан олис кетма" драмасида инсониятни ташвишга солаётган му-

аммолардан бири – бу экологик муаммоларнинг ижтимоий ва маънавий хусусиятларини қаламга олади..

Драманинг "Воқеа шу куннинг гап-сўзлари, ортиқча нарса йўқ, тўқимадан холи ҳаёт! Бундай ҳодисалар ҳамма жойда бўлиб турар, эҳтимол! Элчилик-да, яхши-ёмон аралаш ҳаёт бу! Бироқ одамийлик, виждон, ор-номус, меҳр-муҳаббат устунига дарз кетса, ҳаёт тегирмони тескари айланаркан" жумлалари билан бошланиши танланган мавзу муаллиф ҳаётий тажрибалари асосида шаклланганини далиллайди. Драма олис вилоятларнинг чекка бир ҳудудида содир бўлган воқеалар асосига қурилган. Бу қишлоқ одамлари ҳар кунги турмуш ташвишларига кўникиб кетган, ҳамма ўзини ўйлаб, сен менга тегма, мен сенга тегмайман қабилида яшайди. Замоннинг ўзгараётгани, ривожланишлар уларни қизиқтирмайди, аммо айрим корчалонлар оддий халқнинг бу соддалиги ва бепарволигидан ғараз мақсадлари йўлида унумли фойдаланишади. Асарнинг характерли томони шундаки, унда муаллиф даврнинг "замонавий" кишиларини турли бўёқларда тасвирлайди. Драмада адиб табиатни асраш учун олиб борилаётган кураш, инсоният йўл қўйган хато ва камчиликларнинг оқибати, кибр, манманлик, лоқайдлик каби иллатлар фожиасини бадиий далиллар билан тасвирлайди.

Қўчқор Норқобилнинг ҳар бир драмаси ўзига хос мавзуни ёритиши билан бирга, кўтарилаётган муаммолар нуқтаи назаридан бири иккинчисини тўлдириб бораётганга ўхшайди.

Жамиятда ҳар бир шахснинг ўз ўрни ва вазифалари бор. Агар шулардан бирортаси вазифасини сидқидилдан бажармаса, бизга сезилмасада секинлик билан мувозанат бузилиб боради. В.Г. Белинский таъкидлаганидек «Шахснинг тақдири бутун дунё тақдири ва Хитой подшоҳининг соғлиғидан ҳам муҳимдир", деганда ҳақли эди. Чунки миллат, инсоният, дунё тақдирини ҳам фақат шахслар ҳал қилади. Кучли шахс бировнинг таъсирида ўзгармайди, аксинча, ўз таъсирида бировларни ўзгартира оладиган курашчи ҳисобланади. Адибнинг "Беш

бева ва бир бошлиқ” ёки “Гул олмаган гўзаллар” асарида ҳам инсоният пайдо бўлгандан буён мавжуд бўлган, аёл, унинг гўзаллиги, дунёни ўзгартиришга қодир ақлу заковати қаламга олади. Драмада бировларнинг тақдирини ўзгартиришга тортки бўлган кучли кишилар фаолияти қаламга олинади. Корхона ва ташкилотлардаги ишга совуққонлик билан муносабат, айниқса, фаррошларга паст назар билан қараш, аёлларнинг майда-чуйда ғийбатлари орқасидан келиб чиқадиган катта муаммолар, айрим раҳбарларнинг бошқарувдаги лоқайдликлари каби масалаларнинг ечими асарда аёлнинг оқилона ва тадбирли иш юритиши билан кўрсатиб берилади.

Драмада бугунги кун аёлларининг оилада ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни кичик бир корхонада фаолият юритувчи аёллар мисолида намойиш этилади. Сиртдан қараганда драма оддийгина маиший муаммоларга бағишланганга ўхшаб кўринади. Аслида эса унда ижтимоий ҳаётдаги, жамиятдаги катта ўзгаришларга ишора қилинади.

“Хонани мен келишимдан ярим соат олдин тозаланг. Бугундан бошлаб, энди мутлақо бошқа йўлдан юрамиз, деди. Қандай йўлдан? Кимнинг йўлидан юраркан? Кейинчи...”. Асардан олинган мана шу парчанинг ўзиданоқ маълумки, корхонада ҳаёт қайсидир жиҳатдан ўзгаради. Янги раҳбарнинг келиши ҳаммадан кўпроқ “беш бева”ни “гул” аёлларга айлантиради. Кечагина кунини ғийбату, турли сеҳру жодулар билан раҳбарнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилиш билан ўтказган, бутун аёллик гўзалликларини мана шундай қора пардалар остига яшириб яшаган бу аёлларни янги ҳаётга олиб киради. Аёллар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар орқали жамиятдаги ўзгаришларни тасвирлайди, гўё. Қўчқор Норқобилнинг умумий ижодига хос бир хусусият борки, у барча асарларида сўз ўйинларидан моҳирона фойдаланади. Халқона ифода ва афоризмлар топади. Бу эса ижодкор асарлари тилини янада ўқимишли бўлишига сабаб бўлади.

ЛОЛА *(яна елка учириб, эркаланиб)*. Ҳамма эркак бир хил.

бир гўр деган донишмандлардан бири.

САРВИ *(хохолаб)*. Бу гапни донишманднинг аёли айтгандир... *(Яна хохолаб кулади)*.

ГУЛИ *(қош учириб Нозига қарайди)*. Янгида, янги. Ҳали хандалаги пишмаган.

САРВИ *(ўзини овсарликка олиб)*. Қачон пишар экан-а, хандалаги! Биринчи бўлиб полизидан ўзим узиб олардим... *(яна кулади)*.

Драманинг муваффақиятли ўринларидан бири фаррош хотин монологидир. Фаррош қалбидаги ички кечинмалар кучли драматизм билан тасвирланади. Фаррош хотин бу асарда корхонани тозаловчимас, инсонлар қалбини тозаловчи фаришта мисол бўлиб тасвирланади. Корхона раҳбарининг ходимларни алмаштиришни фаррошдан бошлагани ҳам шундан. Бу кечиннма аста секинлик билан корхонадаги бошқа аёллар қалбига ҳам кўчади.

“ГУЛИ *(ўриндан туриб, хонадошларига ачингандай)*. Менга қаранглар! Шу одам... шу одам... келди, тинчимиз бузилди. Лекин (худди ўзига ўзи гапираётгандай... монолог айтаётгандай) лекин ҳаётимизга нимадир олиб кирди шу одам. Шахсан менинг ҳаётимга аллақандай нур кирди, мен ҳам аёл эканлигимни ҳис қилдим, мен ҳам гўзал кийиниш, чиройли бўла олишимни англадим... Сизлар-чи?”

Драматург қаҳрамонларига исм танларкан уларга ҳам маъно юклайди. Сарви, Нози, Гули, Лола каби ходимларни Дилбар исмли фаррош аёл таъсирида ҳаётга гўзал нигоҳ ва қалб билан қарашлари ҳам драманинг асосий ғоясини белгилаб беради. Ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, яратиқ аёл ва унинг гўзаллиги билан мантиқан боғлиқ деган фалсафа сингдирилади асарга.

САРВИ *(энди мазахомуз илжайиб)*. Бир менинг эмас, ҳаммамизнинг ковушимиз қийшайибгина юрувдик. Сизнинг ҳам ковушингиз қийшиқ эди, айланай. Шу одам келди-ю, ковушингиз тўғирланди, айланай. Тўғри йўлга тушдингиз. Воо-е-ей!

Муаллиф муваффақияти шундаки, у маиший муаммолар мисолида катта бир ижтимоий масалалар ечимини кўрсатиб

беради.

Қўчқор Норқобил қаламига мансуб "Заминдан олис кетма" драмаси эътиборимизни тортди. Бугун инсониятни безовта қилаётган муамолардан бири бу экологик муаммодир. Драматург асарда ана шу муаммони ижтимоий ва маънавий муаммолар билан қоришиқ ҳолда саҳнага олиб чиқади.

"Воқеа шу куннинг гап-сўзлари, ортиқча нарса йўқ, тўқимадан холи ҳаёт! Бундай ҳодисалар ҳамма жойда бўлиб турар, эҳтимол! Элчилик-да, яхши-ёмон аралаш ҳаёт бу! Бироқ, одамийлик, виждон, ор-номус, меҳр-муҳаббат устунига дарз кетса, ҳаёт тегирмони тескари айланаркан", – дея бошланишининг ўзиёқ танланган мавзу муаллиф ҳаётий тажрибалари анча мукаммал даражада шаклланганлигини далиллайди. Драма олис вилоятларнинг чекка бир ҳудудида содир бўлган воқеалар асосига қурилган. Бу қишлоқ одамлари ҳар кунги турмуш ташвишларига кўникиб кетган, ҳамма ўзини ўйлаб, "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида яшайди. Замоннинг ўзгараётгани, ривожланишлар уларни қизқтирмайди, аммо айрим корчалонлар оддий халқнинг бу соддалиги ва бепарволигидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида унумли фойдаланишади. Асарнинг характерли томони шундаки, унда муаллиф даврнинг "замонавий" кишиларини турли ракурсларда тасвирлайди. Драмада адиб ҳаётдаги иллатларни фош қилиш, табиатни асраш учун олиб борилаётган кураш, инсоният йўл қўйган хато ва камчиликларнинг оқибати, кибр, манманлик, лоқайдлик каби иллатларнинг қандай фожиаларга олиб келиши сабабларини чиройли бадиий далиллар билан тасвирлайди.

Бошқа жанрдаги асарлардан фарқли, драма учун зарур бўлган асосий манба янги бир воқеликни томошабин кўз олдида намойиш этиш ва унинг ишончлилигини таъминлашдир. "Заминдан олис кетма" драмасида ҳам бугунги ўзгаришлар, бу ўзгаришларнинг одамлар онгига таъсири, янги кунда пайдо бўлаётган "янги тадбиркор"лар, уларнинг моддий ва маънавий қиёфаларини кўрсатиб беришга қаратилган. Асар сюжети конфликтларга бой, воқеалар ўткир тўқнашувлар асосига қурилган, мураккаб ечимга эга. Шу маънода қаҳрамонлар характери ҳам ўта зиддиятли. Тўра билан Гўзал, Гўзал билан Беғам, Беғам билан Олим девона тўқнашувлари, улар характеридаги зиддиятлар воқеаларнинг кескин ривожланишига, бу эса томошабинни қаҳрамонлар билан бирга яшашга, бу ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга ундайди.

Тўра бугунги кун тили билан айтганда – тадбиркор. У тоғдаги болалар оромгоҳини сотиб олиб, унинг атрофидаги азим чинорларни йиқитиб мўмай даромад орттириш пайига тушган. У ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди. Ҳамма нарсани, ҳатто жонни ҳам пул билан сотиб олиш мумкин, деган ўз ақидаси бор. Бироқ унинг бу ҳаракатлари қишлоқ одамлари учун аҳамиятсиз. Тўрага ўхшаганларнинг ҳаёти улар учун турмушдаги майда-чуйда ташвишлар. Жисмоний эҳтиёжлар, моддий ва маиший эҳтиёжларнинг қондирилиши учун озгина қулай шароит бўлса уларга етарли.

Тўрага ўхшаганлар учун эса бу айни муддао. Асарни ўқиган киши дастлаб уни табиатни асраш муаммолари, уларнинг ечимини топиш, бугуннинг тадбиркорлари, ёки икки ёшнинг муҳаббати тараннуми деган хулосага ҳам келиши мумкин. Асарда ана шу муаммолар тасвири орқали инсон ички дунёси, руҳий кечинмалари тафтиш қилинади. У оддий одамлар ҳаёти ва улар ҳақидаги ҳақиқатларни образларга айлантиради. Драма қаҳрамонлари воҳа одамларига хос чўрткесарлик, дангаллик билан сўзлайди. Асар қаҳрамони Тўра манфаати йўлида ҳеч нарсадан, ҳатто қотилликдан ҳам қайтмайди. "Бойлик йиғиш учун ҳеч нарсадан, ҳар қандай риёкорлик, зўравонликдан ҳам қайтмайди", деб таъриф беради унга муаллиф. У ёлғиз қизи билан яшайди. Аммо қизининг бахтли бўлиши учун бутун бойликлари ва мартабасидан воз кечишга қодир. Бу эса Тўра образидаги ички зиддиятни келтириб чиқаради.

У ўта учар бўлса-да, ҳали одамгарчилигини бутунлай йўқотмаганлиги қизи билан мулоқотида намоён бўлади. Лекин инсонийлик туйғуларининг ўлмаганлигини ўзи ҳам билмайди. Бу характер эса Тўра образининг ўта мураккаб қурилишга эга эканлигидан далолат беради.

Муаллиф унинг характерини янада кенгроқ очиш учун асарга Беғам образини киритади. Беғам Тўранинг шотири. Инсоний туйғулар, одамгарчилик деган тушунчалар унинг учун ҳам бегона.

Беғам: *(Яна чинорга яқинлашиб, Гўзални силтаб)* – Қоч! Боғ бизники, нима қилсак қиламиз. Сенга нима?

Гўзал: *(Ҳамон нафрату ҳансираш билан)* – Оромгоҳни сенга ўхшаганларга бериб қўймаймиз.

Беғам: *(Кулиб, қаҳ-қаҳ уриб)* – Макиёнга тож чиқса бошига оғирлик қилади, дерди отам! Сендай тождор хотиндан ўргилдим. Оромгоҳинг ўзингга буюрсин! Бола-бақранинг каталакдай катаги кимга керак. Фақат оромгоҳ атрофидаги боғ, кўлнинг бир қисми аллақачон бизники бўлган!..

Бу образнинг драмага кириб келиш саҳнаси, адабиёт ўқитувчиси Гўзал билан бўлган диалоги Беғамнинг характери, чиркин ботиний дунёсини очиб беради.

Муаллиф ёвуз ниятли бу кимсалар билан курашишга қарши адабиёт муаллими ва савдойи Олимни танлайди. У ҳар бир образга маълум бир вазифа юклайди. Боғ йўқ қилинишининг олдини олиш учун табиат муаллими эмас, адабиёт муаллимининг танланиши ҳам ўзига хос рамзга эга. Биринчидан, қадим чинорларнинг кесилиши воқеаси миллатнинг узоқ тарихи, маънавияти ва маданиятини йўқ қилишга қаратилган уринишларга ишора. Муаллимнинг айнан аёл киши эканлиги, маълум бир халқнинг аёлларига, яратувчиларига ожиза деган назар билан қарашларига нисбатан жавобдир. Драматург чинорларнинг кесилиши тасвирини бераркан, дастлаб саҳнада адабиёт муаллими Гўзални гавдалантиради.

Аввал мени ўлдир! Мени тилкала! Сўнг чинорни кесасан! – дея чинорларнинг кесилишига қаршилик кўрсатади Гўзал. Асар воқеаларнинг ривожи мана шу ерда кескинлашади. Муаллиф шу ўринда табиат ва аёл ўртасидаги мутаносиблик мавжуд экан ёвузликнинг мағлубияти муқаррарлигига ишора қилади.

Олим Девона образи асар динамикасини юқори темпга олиб чиққан. У – девона, аслида эса энг ақлли ва виждонли киши. У барча хўрлик ва ҳақоратларга чидайди. Аммо бирор марта ҳам яшашидан нолимайди, қилаётган ишларидан орланмайди. Нафақат амалдорларни, оддий халқнинг ҳам ухлаган, мудроқ қалбини уйғотишга ҳаракат қилади.

Олимнинг: – Ҳмм... Кесаяпсизларми? (Уларга яна бир қараб қўяди ва кўзойнагини олиб, галстуги билан артган бўлади, сўнгра кўзойнакни қаншарига қўндириб, кўрсаткич бармоғини ҳавога ниқтайди) – Яхшимас! Яхшимаа-а-а-ас. (Чўзинқираб сўзлайди) – Яхшимас!!! (Дўқ уради) – Бир одам умри мобайнида 200 та дарахтнинг бошига етади. (Яна қўлини ҳаволатиб) – Бир одам умр бўйи ўз эҳтиёжи учун 200 та дарахтни қурбон қилади, қоғоз, бошқа анжомлар, бинолар учун шунча дарахт кетади. Агар у етмиш йил яшаса. Туғилганидан бошлаб ҳар йили биттадан дарахт экиб кўпайтирса ҳам одам боласи, дарахтлар олдидаги ўз қарзи ва заволидан қутилолмайди, деган англатиқлари ўқувчининг ҳам томошабиннинг ҳам этини жунжиктиради, мушоҳада қилишга ундайди.

– Биласизми, (яна ўнг қўли кўрсаткич бармоғини ҳавога санчиб) биласизми, осмонни бегуноҳ болалар билан дарахтлар ушлаб туради... Гуллаган дарахтни кесиш эса ҳомиладор аёлни ўлдириш билан баробар... Мана, сув. Ичасизми? Йўқ. Ичолмайсиз. Қўрқасиз. Ҳа, кўрқасиз... Бу диалогнинг ўзи ҳам табиат ва аёл яратувчилиги ҳақидаги ҳақиқатни кучайтиради.

Адибнинг инсоният олдида турган ечилиши лозим бўлган ижтимоий муаммоларни Олим девона образи орқали ифодала-

ши тасвирнинг таъсирчанлигини, драматизмни кучайтиради. Томошабинда беихтиёр Олим девонага нисбатан хайрихоҳлик пайдо бўлади, уни олқишлайди, Тўра ва унинг одамларига нисбатан ўзида нафрат ҳиссини туяди. Драматургнинг бадиий маҳорати бу образ тасвирида янада яққол намоён бўлади.

Асар воқеаларининг ривожланишида Тўра ва журналист йигит образлари бир-бирига қарши қўйилиши асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Тўра ҳеч қачон бировга ялинмаган, бирор марта сўзи синмаган, пичоғи ўткир, оддий мухбирга бас кела олмаслиги унинг хаёлига ҳам келмайди. Журналист йигит таърифича "Тўра кичик ўлжасига қайрилиб қарайдиган қашқир эмас. Унинг катта-катта ўлжалари бор. У китларни, наҳангларни овлайди".

Ёзувчининг ўзига хослиги шундаки, у ўз асари орқали ифода этаётган бадиий воқелик орқали ҳеч ким сезмаган, бошқалар кўрмаган, кўпчиликни қизиқтирадиган, инсон шахсига хос хусусиятлар, ҳаяжонга соладиган воқеаларни бадиий ифодалайди. Қўчқор Норқобил асарга ана шу нуқтаи назардан ёндашади. Драманинг биринчи қисмида томошабинда Тўрага нисбатан нафрат ҳисси пайдо бўлган бўлса, журналист йигит билан тўқнашувларида бу ҳис ортиб боради. Аммо қизи Лола билан ўртасидаги диалоглардан сўнг уни қайта кашф қиласиз. Толибнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитган Лоланинг отасидан "борсам майлими?", дея сўрагани саҳнасида, шундай ақлли ва одобли қизни тарбиялаган ота шу эканлигига ҳайратланасиз.

Инсонни бошқа мавжудодлардан фарқлантирувчи хусусияти ҳам нафсига қул бўлмасликни, қилган гуноҳларини ақл билан ҳис қилишдир. Ана шу ҳис ўлса у инсонийликдан айрилади. Тўра ҳали бутунлай инсонийлигини йўқотмаган. Лола Тўра қалбидаги инсонийликнинг ифодаси сифатида асарга олиб кирилган. Унинг "Шу менинг ёлғизгина суянганим. Кичкинагина жуссаси билан менинг тоғдай дард-аламимни ҳам суяб турганга ўхшайди", деган иқрорининг ўзиёқ инсон тирик экан, ҳали қалбида яхшилик

қилиш бутунлай ўлмаганлиги, табиий офатларнинг, маънавий таназзулнинг олдини олиш учун огоҳликка даъватдир. Драмадаги ҳар бир қаҳрамон: Тўра, Беғам, Гўзал, Олим, Толиб исмлари ҳам ўзига хос рамзий юкни ташиган.

Адиб ҳаётдаги ҳодисалар, қаҳрамонлар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб, фалсафий умумлашмалар чиқаради, афористик хулосаларга томошабин ва ўқувчини жалб қилади. Қизиғи шундаки, бу афоризмлар тайёр манбалардан олинмай, муаллиф ҳаётий тажрибалари асосида яратилади. – "Ҳаётнинг йўриғидан юришни ҳам билиш керак одам боласи", "Пули бор пулдан гулдон, пули йўқ лойдан кулдон қилади", "Сариқ чақага сарғайиб қарамасдан", "Макиёнга тож чиқса бошига оғирлик қилади", "Пул зарурлигида боғни сотиб, сўнг чўнтагингнинг йиртиғи ямалгач, айниб қолдинг", "элда юриқсиз, юртда туриқсиз қилиб қўяман, киргани гўр тополмай қоласан..." қабилида қаҳрамонлар тилидан айтилган ҳар бир афоризм уларнинг характерини очиш билан бирга воқеаларнинг давоми, натижасини англашга ёрдам беради.

Адиб асарга мос оҳанг топа олган ва бу оҳанг драманинг сўнггига қадар сақланиб қолган. Асарда қаҳрамонларнинг характерига мос совуққонлик, истеҳзо, киноя, қайғу, дард, шодлик меъёрда тасвирланади.

Асарда драматург бизнинг кўзимиз билан эмас, қалбимиз билан ҳис қилишимиз мумкин бўлган маънавий таназзулнинг оқибатларини табиатнинг топталиши воқеалари мисолида томошабин шуурига сингдиришга ҳаракат қилади ва ўз мақсадига эришади ҳам. Бу масалалар моҳиятан глобаллашув ҳодисалардир ва улар ўзбек драмаларида қандай талқин қилингани ҳақида имкон қадар сўзладик холос.

Глобаллашув ва поэтик идрок миқёси

1. Жамол Камол шеъриятида дунё образи талқини

Адабиётдаги анъанавий образлардан бири дунё образидир. Сўз санъатидада бу образ, асосан, икки хил – олам ва бойлик маъносида қўлланилган[169]. Дунё образи олам маъносида фалак, чарх, гардун, даҳр, давр, даврон, ҳаёт, замон каби сўзлар билан ҳам қўлланса, бойлик маъносида мулк, мол, давлат, ганж каби сўзлар унга маънодош ҳисобланган. Шарқ адабиётида бу образ, асосан, инсониятга балою офатларни келтирувчи, уни ҳақиқат йўлидан оздирувчи сифатида таърифланади. Шу сабабдан ўзини, ўзлигини таниган инсон дунёни буқаламунга, пардозланган хотинга ўхшатади. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (Аҳмад Югнакий)да *«Дунёнинг кўркли ташқи гўзалликларини кўриб, унга кўнгил қўймоқ (сенга) хатоликларнинг бошланишидир»*[170], – дейилса, Аҳмад Яссавий эътирофича:

Кеча-кундуз Ҳақ ёдини ойгон ошиқ,
Маъшуқ ёдин тилдин ҳаргиз қўймас бўлур.
Хорлиқ-зорлиқ машаққатни роҳат билгон,
Бу дунёнинг иззатини суймас бўлур.

Ҳақни таниган, унинг висолидан умидвор бўлган ошиқ учун маъшуқ (Ҳақ)дан ўзга мақсад йўқ. У ўзининг бу мақсадига етиш йўлида чеккан "хорлиқ-зорлиқ машаққат"и фоний дунёнинг ҳар қандай иззатидан устун, куну тун Ҳақ ёди билан яшаб, Унинг номи билан нафас олади.

Алишер Навоийга кўра дунё мурдор – ҳаром. Ҳақиқий ошиқ ундан этак силкиши лозим:

Ҳақ тилар бўлсанг, Навоий, силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок, ўзни қўйма бу мурдор аро.[171]

[169] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV томлик.I том. Т., 1983. 510-511-б.

[170] Қадимий ҳикматлар.Т., 1987. 420-б.

[171] Навоий А. Тўла асарлар тўплами. X жилдлик. I жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2011. 43-б.

Дунё ва унинг кирдикорлари ҳар қайси даврда ҳам шу тақлидда қораланган, комилликка интилган лирик қаҳрамон ҳеч ҳам унга меҳр қўймаган.

Мумтоз адабий анъаналарни бугунги ўзбек шеъриятида ўзига хос тарзда давом эттириб келаётган Жамол Камол ижодида ҳам дунё тимсоли ва унга муносабат алоҳида ўрин тутади. Ижодкорнинг «Умидли дунё қўшиғи», «Машраб монологи», «Шу куннинг шеъри», «Бир жаҳон кўрдим, ажаб...», «Буни, жоним, ҳаёт дерлар», «Бу жаҳонда нақди умринг...», «Дунё йўли», «Илтижо», «Кўзимни тутмангиз айру...», «Мунча кўп...», «Шоиро, синдир қаламни...», «На хуш бўлғайки...», «Керакдир...», «Аё, ҳақ сўз...», «Ҳар қадам қўйсанг...» каби шеърлари ва кўплаб рубоийларида шу мавзу қаламга олинган.

Шоир лирик қаҳрамони дунёни билишга, уни шуурида тасаввур қилишга интилади. Кўз ўнгида сир-синоатларга бой дунё олов каби товланади. Унинг яшашдан мақсади ҳаётнинг моҳиятини билиш:

Қараб турсанг, қараб турмас,
Қуюндек айланар дунё,
Кўринмас бир оловда ўртанар,
Балки ёнар дунё,

Ёнар дунё, ёнар дунё,
Шафақдек товланар дунё,
Бу тилсимдин ўзимни чин
Хабардор этмасам, бўлмас.[172]

Дунёнинг буқаламунлиги – макру ҳийлаларга эгалиги мумтоз шъриятда кўплаб учрайди. Аҳмад Яссавий *"Вафоси йўқ ялғончидур ушбу дунё"* деса, Алишер Навоий:

[172] Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. Т., 2010. 100-б. (Кейинги ўринларда шу манбадан олинган парчалар бети кавс ичида кўрсатилади.)

Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
Магарки тосиға ўт ёқти чархи шуъбадабоз.[173]

яъни: алдамчи дунёнинг тоғорасига ўйинчи чарх ўт ёққани учун халқ куяди – озор чекади, - дейди. Жамол Камол ҳам оламни қанча кўп кузатса, унинг сир-синоатларга бойлигини шунча кўп англайди. Шоирга кўра бу товланишларни тавсиф ва талқин этиш қийин, албатта:

... Оламни ўйладим гаҳи,
Олам синоати
Қошимга келди бош эгиб,
Талқин этолмадим. (57-б.)

Ҳақиқий шеър ҳайратдан туғилади, дейишади. Шундай экан, шоир ўзгалар учун оддий туюлган нарсаллардан ҳам ҳайратланиши табиий. Масалан, дунё ишларидан ҳайратланиш. Ҳайронлик жунунваш шоир Бобораҳим Машрабнинг ҳам «кўнглидаги доимий ҳолат. У ҳайронликдан ҳайратгача бўлган ботиний йўлни босиб ўтган»[174]: Машраб лирик қаҳрамони ҳайратлантирувчи дунё ғам дашти эканлигини англагач, умрининг беҳуда ўтганлигидан афсусланади:

Тинмайин юрдум бу ғам даштида ҳайронлик билан,
Охир умрум ўтти, сад афсус, нодонлик билан.[175]

«Гардиши даврон»нинг кирдикорлари, адолатсизлигидан фиғон чеккан Машраб шеърлари Жамол Камолни ҳам таъсирлантиргани шубҳасиз:

Воҳки, дунё йўл босар
Шаддодланиб, шиддатланиб,
Мен боқурман ул сари
Ҳайратланиб, ҳасратланиб, (28-б.)

мисралари билан бошланади унинг «Машраб монологи» ғазали. Мумтоз адабиётда дунёни *алдамчи (дун), буқаламун, келинчак (арус), бозор, кажрафтор* каби сўзлар воситасида сифатлаш анъанага айланиб қолгани маълум. Унинг «*шаддотланиб, шиддатланиб*» одимлаши Жамол Камол бадиий тафаккурининг ўзига хос маҳсули. Шоир лирик қаҳрамони замонга Машраб нигоҳи билан боқар экан, даҳри дунннинг иккиюзламачилигини – «сувратланиб, сийратлан»ишини машрабона беаёв танқид остига олади:

Бу замонда аҳли давлат
Эл сотар, иймон сотар,
Ғайрилар бирлан мудом
Хилватланиб, улфатланиб. (29-б.)

Разолат ботқоғига ботган жамиятда доду фарёдни ким ҳам тингларди. Дунёнинг бу каби ўйинларидан тўйган Машраб ўз ғазалида ҳар бир сўзини қимматбаҳо гавҳар санаб, *«бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик билан»* айтмасликни мақул кўради.[176] Жамол Камол ғазалида янграган иқрор эса мана бундай:

Мазлумо, беҳуда кутма,
Тутма, золимдан умид,
Келмагай инсофга у
Раҳматланиб, шафқатланиб. (29-б.)

[173] Навоий А. Тўла асарлар тўплами. Х жилдлик. I жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2011. 220-б.

[174] Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 173-б.

[175] Бобораҳим Машраб. Меҳрибоним қайдасан. Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990. 129-б.

[176] Бобораҳим Машраб. Ўша асар. Ўша бет.

Лекин бу дунёда ҳар ким қилмишига яраша улушини олиши тайин. *«Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тортқусидур»* (Бобур). Донишманд халқ буни оддийгина қилиб «қайтар дунё» дейди. Жамол Камол наздида ҳам дунёнинг «ибратланиб, ҳикматлан»иши шундан:

Нобакорлар бошида
Ўтдек муқаррар бўл, қасос,
Қол, кейин олам аро
Ибратланиб, ҳикматланиб. (29-б.)

Шоир ғазалнинг ҳар байтида дунё азобу-уқубатлари, макр-ҳийлалари билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни ифодаловчи феълларни қофиядош қилиб олганки, ҳар қайси байтда ана шу тушунчалар атрофида фикр юритилади. Бу ғазалдаги фикр изчиллигини таъминласа, қофиядош сўзларнинг қўшалоқ, ёнма-ён келтирилганлиги, ҳижоларга ажралишидаги ўзаро тенгликка (барча қофиядош сўзлар 4 ҳижодан иборат) қатъий амал қилинганлиги ғазалнинг янада оҳангдор бўлишига хизмат қилган. Ҳар бир байтда қофиядош сўзларнинг ёнма-ён келтирилиши қофия илмида *мутакаррир қофия* деб аталади.[177] Жамол Камолни бундай ёнма-ён қофиядош сўзларни уюшиқ бўлаклар тарзида ҳам қўллаганлиги сўз санъаткоридан алоҳида маҳоратни талаб қилади, албатта. Акс ҳолда маъно изчилигига путур етиши мумкин. Яъни мутакаррин қофияни ташкил этувчи уюшиқ бўлакли қофия сўзлари бири иккинчисини тақозо этади ва маъно моҳиятини тўлдиради.

Берди охир Карбалодин
Суврату сийрат манго,
Кўзларимда даҳри дун

[177] Қаранг: Хожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. Т.: Шарқ, 1999. 218-б.

Сувратланиб, сийратланиб. (28-б.)

Даҳри дун – алдамчи, риёкор дунё. Шоир наздида унинг алдамчилиги кўриниши ва моҳиятининг номутаносиблигидадир. Шунинг учун даҳри дунга сувратланиш ва сийратланиш сифатининг берилиши унинг маъносини ёркинроқ ифодалаган.

Ижодкорнинг «Бир жаҳон кўрдим, ажаб...» ғазалида ҳам лирик қаҳрамон дунёда рўй бераётган очкўзликлар, талотўплардан азият чекади. Очкўз кимсалар орасида еру кўк талаш:

Бир жаҳон кўрдим, ажаб,
Инсон билан инсон талаш,
Жумла инсонларга, ё Раб,
Ер талаш, осмон талаш...(118-б.)

Лирик қаҳрамон назарида инсоният тубанлашиб каттадан кичиккача ҳаммаси нафсига қул бўлиб қолган. Ваҳима ва шов-шувга ўч бу дунё кишилари орасида «мансабу майдон талаш». Нега дунё бу қадар разиллик ботқоғига ботган!? Улкан салтанатларни ҳам парчалаб юборган, аслида, маккор дунёнинг ўйинлари, молу дунё ҳаваси эмасми:

Гар бугундан чарчасанг,
Ҳозирни қўй, мозийга боқ,
Бетиним жангу жадал,
Эрон талаш, Турон талаш.(118-б.)

Нафсига қул бўлиш, молу дунёга ҳирс қўйиш шу қадар ҳадди аълосига етганки, ҳатто *«мўмин-мусулмонлараро иймон талаш»*. Эзгулик, одамийлик, меҳру-муҳаббат топталган бундай жамиятда эса кўзбўямачилик, алдов кабилар иллат эмас, аксинча, ростни ёлғон, ёлғонни рост кўрсатиб иш битириш

одатий ҳол. Қабоҳат ва разиллик қони оқаётган бу дарёда тирик қолиш учун тап тортмай, виждонни сотиб бўлса-да, жон талашиш лозим бўлиб қолган.

Аммо чин инсон учун яшашдан мақсад ҳаётнинг моҳиятини англаш, унинг гўзалликларидан завқ олиш эмасми? Жамол Камолнинг «Буни, жоним, ҳаёт дерлар...» шеъри ана шу каби саволларга жавоб тариқасида жаранг сочади. Дунё сир-синоатларга бой – туганмас мўъжиза. Ундаги тирикликдан мақсад меҳнату машаққат, меҳру мурувват, сабру сабот, ҳикмати эса илму фан, соғлик-саломатлик, ҳалол, мардона турмуш, яхши обрў, яхши от. Бироқ:

Ҳаётнинг суврати бир бошқа эрмиш,
Сийрати бошқа,
Заҳар-зуққум тутиб илкингга гоҳ,
Қанду набот, дерлар... (121-б.)

Шунингдек, Жамол Камол шеъриятида лирик қаҳрамон анъанавий олам – дунё образи билан бевосита мулоқотга киришиб ўз дардларини унга сўзлайди. Натижада таъсирчанлик янада ортади:

... Нечун, олам, бағир қонинг аталмиш
Ҳазрати Одам,
Ҳамиша қон ютиб жанглар,
Балолар ичра юлқинди.(32-б.)

Бу ўринда шоир «*Одам оламнинг бағирқонидан яралган*», деган халқ нақлидан ўринли фойдаланиб инсониятнинг жангу жадаллар, дарду ташвишлар билан кечувчи тақдирини – «қонлар ютишини» далиллаш орқали ҳусни таълил санъатининг янги бир намунасини юзага келтирган.

Шоир ижодида дунё, олам, жаҳон, фалак, чарх, гардун,

даҳр, давр, даврон, ҳаёт, замон каби сўзлар мутоз шеъриятимиздагидек алдоқчи, золим, ўткинчи каби анъанавий маъносидан ташқари реал вақт ва космик макон маъносини ҳам намоён қилади. Бу тушунча иккинчи маънода қўлланганда шоир унинг атрофида ижобий ҳаракат ва ҳолатларни ифодалайди. Масалан:

Нечун, айт, оғушингни маскани
Иқбол деганларга,
Муқаррар бол дейиб гардуни даврон
Оғулар сунди...(32-б.) –

ва:

Яхшидир дунё кезиб,
Санъатга бўлсанг ошно,
Боқ, Эгам дунёни қурмиш
Не буюк санъат ила (123-б.), –

байтларидаги гардуни даврон асал дея оғу берувчи алдамчи бўлиб салбий ифодани акс эттирса, дунё санъат билан яратилган гўзал макон – Ерни ифодалаганда ижобий фикрлар доирасида гап боради.

Жамол Камол шеъриятида дунё образи ҳар иккала маънода ҳам глобаллашув жараёнидаги инсоният тараққиётию талотўпларидан баҳс юритади. Шоирнинг «Аср билан видолашув» достони, «Эльбурс», «Футбол», «Умидли дунё», «Учар тарелкалар», «Йўқ, биз аямадик дунёни асло» каби шеърлари, «Шу куннинг шеъри», «Дунё йўли» каби ғазаллари ва бир қатор рубоийлари шу жиҳатдан эътиборни тортади. Уларнинг ҳар бирида инсониятнинг ўз бошига ўзи келтирган офатлари, ақлий мўжизалари тилга олинар экан, шеърларда қўлланган дунё образи ҳам ўзининг янги сифат ва талқинларини намоён эта боради. «Аср билан видолашув» достонида[178] лирик қаҳра-

[178] Камол Ж. Сайланма. I жилд. Т.: Фан, 2007. 325-328-б. (Шу ўринлан олинган

мон XX асрнинг энг муҳим воқеаларига обзор саёҳат қилади, яъни бу аср инсоният дунёсининг – тақдирининг бир қисми сифатида глобаллашаётган жамиятга қилган «ҳадя»ларидан сўз юритади:

Йигирманчи аср... Дунё чарх уриб,
Одамзод бошига ёғилди офат...

Бу давр инсоният бошига иккита Жаҳон уруши, мустамлакачилик сиёсати каби офатларни ёғдирди. «*Жаҳаннам элчиси – атомни кўрдик... Инсоф, диёнатдан юзни ўгирдик, Бутун бир дунёни тутдик гаровда*». Шунингдек, XX асрда бир қатор ақлий мўжизалар ҳам амалга ошдики, бу дунё юзини «мунаввар этди»: коинот кашф этилди, «*дунёни кашф этиб, дунёни билдик*». Булар глобаллашувнинг бебаҳо мўжизаси. Лекин лирик қаҳрамонни бошқа ўй хавотирга солади: «*Қачон ўзлигингни билгайсен, башар*?!» Чунки глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» балоси миллатларнинг йўқ бўлишига таҳдид солаётган бир пайтда миллий ўзликни англаш бош ғоядир. Санъат, адабиёт, маънавият кабилар ана шу ўзликни англаш, башарият ва дунёни асраб қолиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамият касб этади. XX асрда истибдодда бўлган халқимизнинг не-не азизлари «*Отилди, чопилди, куйиб, бўлди кул*». Глобаллашув жараёни фақат маънавий муаммоларни эмас, балки иқтисодий, экологик, сиёсий муаммоларни ҳам юзага чиқарди. Хусусан, Юртимиз табиий ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, уларга туганмас бойлик сифатида қараш натижасида:

Орол қуллигимиз қурбони бўлди,
Олам бу шиқвининг ҳайрони бўлди.

Муаммо шу қадар кенг кўлам ёйдики, Президентимиз Шав-

кейинги парчалар саҳифаси кўрсатилмайди.)

кат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси минбарида туриб дунё нигоҳини мазкур муаммога қаратиши бежиз эмасди. Муаммонинг юзага келишини Жамол Камол шоирона маҳорат билан асослайди:

Бардош беролмади, қуриди буткул
Пешонангга битган битта денгизинг,–

яъни, Орол мустабид тузумнинг халқимиз бошига ёғдирган офатлари дардида ҳалокатга юз тутди. Чунки:

Оллоҳни тарк этиб, бўлдик юзтубан,
Миллатдан юз буриб, юз қаро бўлдик.

Мустақилликка эришиб, миллий ўзлигимизни англагандан кейингина қалбларда яна умид уйғонди. «*Яна тонг нурига қоришди дунё, Кўзимиз ўнгида ёришди дунё…*»

Глобаллашув жараёни бозор иқтисодиётига ўтишни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти эса тинимсиз меҳнат қилиш, яшаш учун курашиш демакдир. Дунёнинг бу шафқатсиз манзарасини Жамол Камол «Дунё йўли» ғазалида тасвирлайди:

Боқ, бугун қайдин келиб,
Кетгай қаён дунё йўли,
Ҳар қадам меҳнат-машаққат,
Ташвишу ғавғо йўли...(132-б.)

Бу йўл Токиодан Лондонга, қитъалардан қитъаларга чирмаш бўлиб кетган «*Пахтаю бугдой, кумуш, газ, Пиллаю тилло йўли*». Аммо глобаллашув жараёнида дунё йўллари фақатгина давлату элатларни боғлабгина қолмайди. Бу йўл инсониятни ҳам боғлайди. Табиийки, инсонлар турли хил: яхши, ёмон, дунёпараст, қаноатли, амалпарас, камтарин в.ҳ. Бу турфа ин-

сонлар «дунё йўли»дан турли мақсадда фойдаланишади:

Кимга бойлик манбаи ул,
Кимга ҳасрат манзили,
Ким бировларга фароғат,
Ишрату ялло йўли.

Глобаллашув жараёнида ўзаро илмий, маданий алоқалар унинг ижобий жиҳатларини ифодаласа, мафкурафий таҳдид, босқинчилик каби иллатлар унинг салбий хусусиятларини белгилайди. Буни чуқур англаган шоир:

Майлига, оқсин бу йўлдан
Илму ирфон, сўзу соз,
Бўлмасин босқин, тажовуз,
Фитнаю ғаво йўли, –

дея ният қилади. Хўш, глобаллашув иллатларидан инсониятни қандай қутқариш мумкин? Бунинг учун дину диёнат, маънавият, миллий ўзлик каби тушунчаларни миллатнинг ҳар бир вакили онгига сингдириши керак. Ҳар бир инсон Ҳақни, ҳақиқатни, яшашдан мақсад нима эканлигини билмоғи зарур. Бу, албатта, осон бўлмайди. Катта ҳаётга – «дунё йўли»га қадам қўяётган миллат ёхуд унинг вакили ана шу ўпқонда йўқ бўлиб кетмаслиги учун Ҳазрат Навоийнинг қуйидаги ўгитларини ўзига дастуриламал қилиб олмоғи лозим:

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил қадам.[179]

Бу борада Жамол Камолнинг хулосаси эса қуйидагича:

[179] Навоий А. Тўла асарлар тўплами. Х жилдлик. VI жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2011. 9-б.

Йўл – фақат Оллоҳ йўлидир,
Йўл – фақат Оллоҳ йўли...

2. Бирдамлик ғоялари глобаллашувнинг бадиий талқини сифатида

Бугунги кунда глобаллашув дея кенг тарқалаётган тушунчанинг илидзлари аслида қадим-қадимларга бориб тақалади. глобаллашувнинг ижобий хусусиятларини намоён қилувчи эзгулик, тотувлик, дўстлик кабилар тушунчалар Шарқ адабиётида қадимдан куйланиб келингани маълум. Чунки булар адабиётниг бош мақсадларидан ҳисобланади. Жумладан, "Девони луғотит турк"да "кўни қўшниларга яхшилик қил, уларни ҳурматла"[180] мазмунидаги қуйидаги парча учрайди:

Қўни-қўшни қариндош,
Кўрсин сендан яхшилик.
Не-не совға қилишга,
Яхшироғин қил ортиқ.[181]

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳам:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-биригизгаки, эрур ёрлиғ иш[182], –

дея дўстликни, бирдамликни улуғлайди.

Ўзининг қадимий илдизларига эга бу фазилатлар бугунги шеъриятимизда ҳам янгича ифодаларини топмоқда. Ўзбекис-

[180] Қошғарий М. "Девони луғотит турк". III томлик. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. Т., 1960. 138-б.

[181] Шеърий парчани ҳозирги ўзбек адабий тилига Н. Раҳмонов ўгирган. Қаранг: Қадимий ҳикматлар. Т., 1987. 64-б.

[182] Навоий А. Х жилдлик. I жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2011. 281-б.

тон халқ шоири Жамол Камол ижоди фикримизнинг далили бўла олади. Унинг қаламига мансуб "Бу юртнинг" шеърида шундай мисралар учрайди:

Жаҳл келса, ақл қочгай, демишлар барча донолар,
Жаҳлнингмас, ақлнинг илдизи – бирлик, аҳиллиқдир...[183]

"*Жаҳл келса, ақл қочгай*" мақоли орқали шоир ўз фикрига асос топади. Яъни "бирлик, аҳиллик" бўлиши учун ақлга таянмоқ лозим. Шеърда жаҳлнинг оқибатлари сифатида тарихдан мисоллар келтирилади: Турон, Урганч, Бухорою Қўқонларнинг бошига тушган мудҳиш кунларнинг барчаси парокандаликдан! Бу ҳолнинг сабабини А.Фтират шундай изоҳлайди: "*...Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдик...*"[184] Бу аянчли ҳолатга юз тутмаслик учун:

Жамол, ким юрт талашмоқ, юрт бўлишмоқни шиор этса,
Дегилким, бу қабоҳатдир, касофатдир, разилликдир...

Чиндан ҳам тарих Туроннинг бўлинишдан эмас, бирдамликдан маълум ва машҳур бўлганлигини тасдиқлайди.

Бирадамлик дунёда турли ғоявий талотўплар авж олган бугунги таҳликали замонда, айниқса жуда муҳим. Ватанимизга берилган ҳурликни кўз қорачиғидек асраш лозим. Бу каби ғояларни ифодалашда Жамол Камол мухаммас жанридан ҳам унумли фойдаланади:

Халқимизга берди бу ҳурликни Оллоҳи Карим,
Қўлламас ҳеч зулм ила зўрликни Оллоҳи Карим,
Ҳеч қачон кўп кўрмасин бирликни Оллоҳи Карим,

[183] Камол Ж. Яна кўнглимда ул ой. – Т., 2010. 186-б. (Кейинги ўринларда шу манбадан олинган парчалар бети қавс ичида кўрсатилади.)

[184] Фитрат А. Танланган асарлар: III жилд. Т., 2003. 215-б.

То жаҳонда бу Ватаннинг эрку истиқлоли бор,
Халқини олам шарафлар, бахт ила иқболи бор.(224-б.)

Шоир лирик қаҳрамони юртининг истиқлолга эришганидан масрур. У Оллоҳдан ўз халқига бирликни кўп кўрмаслигини тилайди.

Бирдамлик, дўстлик ғоялари тараннум этилиши жиҳатидан Жамол Камолнинг "Дўстлар, уюшмоқ онидир" мухаммаси (226-227-б.) ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Беш банддан иборат бу мухаммас қаламкашларга хитоб тарзида янграйди ва ҳар бандниг охирги икки мисраси шеърнинг лейтмотивини белгилаб берган:

Бизга чин мерос буюкларнинг адаб майдонидир,
Парчаланмоқ пайтимас, дўстлар, уюшмоқ онидир...

Шоир мухаммасни Темурбек, Улуғбек, Навоийларни эслаб миллий ғурурни ёдга солиш билан бошлайди:

Бошимиз узра Улуғбекнинг улуғ осмонидир,
Пойимизда мард Темурбекнинг азиз Туронидир,
Қалбимизда Мир Алишернинг муборак қонидир...

Биринчи мисрада қўлланган "Улуғбек" ва "улуғ" сўзларидаги такрор китобхон диққатини жалб қилиб олади.

Мухаммаснинг 2-, 3-бандларини шоир тарихда аждодларимиз йул қўйган хато – бир-бирлари билан ёвлашганликлари, мансаб талашганликларини эслаш билан давом эттиради. Ниҳоят, шеърнинг охирида хулоса шундай:

Бир қаторда саф чекиб, карвон бўлайлик барчамиз,
Бошқалардек бир тану бир жон бўлайлик барчамиз,
Шу Ватаннинг дардига дармон бўлайлик барчамиз...

Чиндан ҳам, қалам аҳли миллат маънавиятининг посбонларидир. Агар улар бир тану-жон бўлиб ҳаракат қилса, халқ уларга эргашиши тайин. Яъни "Ватаннинг дардига дармон бўл"ишдек шарафли ишда ҳамма биргаликда ҳаракат қилади.

Жамол Камол шеъриятидан ижтимоий-фалсафий фикрлар кенг ўрин олган. Унинг лирик қаҳрамони ўзини жамиятдан айри тасаввур эта олмайди, ўз бахтини ҳалол, адолатли, бир ёқадан бош чиқарган жамиятда кўради. Акс ҳолда:

Барор олгай жамиятда
Гуруҳбозлик, тарафкашлик,
Юракларда адолат туйғуси
Ўтмаслашиб кетгай (168-б.)

Кейин-чи? Кейин *"ҳалоллик масхара, мардлик, жўмардлик даврада кулгу"* бўлиб, *"хушомад олға босгай"*. Ҳаёсизлик кучайган бундай жамиятда *"Тўғри сўз ювораю сарсон"*. Жамол Камол наздида "Замона зайл қилса...", ана шундай! "Шоирнинг (Жамол Камолнинг – М.Ҳ.) ошиқона ғазаллари хусусида, биров у дер, биров – бу. Бироқ унинг ижтимоий, фалсафий мазмундаги ғазалларига фикри очиқ ўқувчи сира-сира юза қаролмайди"[185], - дейди адабиётшунос И. Ҳаққул. Чунки унинг бундай мазмундаги ғазалларида инсонийликнинг олий фазилатлари: адолат, ҳалоллик, меҳру шафқат, шунингдек, бирдамлик каби ғоялар улуғланади; разиллик, қабиҳлик, тубанлик, фисқу фужур, гуруҳбозлик каби иллатлар қораланади:

Жаҳонда кимки инсондир,
Йиғилди, анжуман бўлди,
Кўринг, бу ношукрлар

[185] Ҳаққул И. Шеърият дард ва умид демак // Камол Ж. Сайланма. VI жилдлик. I жилд. Т., 2018. 16-б.

Шоирнинг, нафақат, ғазалларида, балки, рубоийларида ҳам мардлик, фидоийлик, бирдамлик ғоялари куйланадики, жанр табиатидаги ижтимоий фалсафийлик хусусияти ўзини тўла намоён эта олган. Унинг шеърияти инсоният тафаккурининг минг йиллар мобайнинда тўплаган тажрибаларию анъаналарига таянади. Жумладан, Ҳазрат Навоийда ўқиймиз:

Ариқларки, ул баҳрдин айрилур,
Биликлик аларнинг суйин ҳам билур,
Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,
Эмас таъмида ҳожати можаро.[186]

Яъни: денгиз билан бир бўлган дарё сувининг таъмида фарқ бўлмаганидек, бир ёқадан бош чиқарувчи халқ вакилларида ҳам тенглик ҳукмрондир. Жамол Камолга кўра:

Ҳиммatда зиёда бўл, сира оз бўлма,
Ҳар кимса чалувчи, қўлма-қўл соз бўлма.
Эл-юртга фидойи бўл ва мардона яша,
Ғийбатчи, айирмачи, гуруҳбоз бўлма... (234-б.)

Эл-юртга фидойи киши гуруҳбоз, айирмачи эмас, балки уни бирлаштирувчи, шон-шуҳратини кўкларга кутарувчи бўлмоғи лозим. Ана шунда бу элни ва унинг вакилларини *"ҳар кимса чалувчи, қўлма-қўл соз"* қила олмайди.

Умуман, Жамол Камол шеъриятда бирдамлик ғояларини куйлар экан, мумтоз шеърият унсурларига содиқ қолади. Яъни у мутоз жанрлардан: ғазал, мухаммас, рубоий кабиларнинг жанрий имкониятларидан келиб чиқиб ижод этган. Шунинг

[186] Навоий А. Х жилдлик. IX жилд. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйи. 2011. 461-б.

билан бирга, бундай ғояларни бугунги кун нуқтаи назаридан ифода этади. Шоир шеъриятида бирдамлик умуминсоний ғоя сифатида муҳим ижтимоий-фалсафий аҳамиятга эга ва глобаллашув жараёнида халқимизни, айниқса, ёш авлодни, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос вазифа бажаради.

Глобаллашув ва сатирик ифода

1

Адабиёт фақат баландпарвоз гапу, ижодкорлик шу баландпарвозлик орқасидан қорин тўйдириш дегани эмас. Агар шундай бўлганида Абдулла Қаҳҳор унинг кучини «ўтин ёриш»га сарфлашни тавсия этиши тайин эди. Жумладан, ўзи ишонгиси келмаган шеъри билан шеърхонни ишонтирмоқчи бўлган шоир юксаклик эмас, тубанлик сари ҳаракат қилади. Аксинча, баландпарвозликдан холи, ҳақиқат куйланган шеър ўқувчи қалби ва шуурида бетакрор из қолдиради. Чунки бунда шоир ўқувчи билан ҳамдард, ҳаммаслак. Шеърхон гўё шоирнинг лирик қаҳрамони.

Омон Матжон шеърияти билан таниш ўқувчи ана шундай хулосаларга келиши табиий. Унинг мақтов, фахр, тантанаворлик акс этмаган, сатирик ва танқидий шеърий асарлари ҳам адабиётнинг бош мақсадига хизма қилади – виждон билан ҳисоблашишга, нафсни тийишга, эзгуликни улуғлашга, ҳалол ва ҳаромни фарқлашга, инсониятни ўзаро тотувликка, Ватанни севишга чорлайди. Зеро, бу тушунчалар глобаллашув даврида шахснинг ўзлиги, миллийлигини сақлаб қолишда асосий омиллардир. Гапни чувалаштириб ўтирмасдан мисолларга мурожаат этайлик. Мана, унинг «Бозор ҳазили» шеъри. Шеър 1992 йил – мустақиликнинг илк йилларида ёзилган. Деҳқон ҳам, ҳунарманд ҳам – барчаси ўз маҳсулотининг эгасига айланиб ўзи сота бошлади: «*Ўз жойида муқим нарса қолгани гумон, Алиш-алмаш, айирбошлаш замони келмиш*». Хўш, эркинлик замонида ҳар ким ўз мулкидан хоҳлаганидек фойдаланса, нима бўлибди? Қолаверса, қадимда ҳам бу ерлардан савдо карвонлари ўтган, қимматбаҳо буюмларни бизнинг маҳсулотларимиз билан айрибошлашган. Лекин шоир масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратади. Ўз мулкига эга бўлиш дегани уни хоҳлаганча ва хоҳлаганга сотиш мумкин дегани эмас:

Наҳот, фойда, тама яшар миллатсиз, ерсиз,
Катта-кичик алишмоқда не тушса қўлга! [187]

Шоир тиниб тинчимаган халқни боларилларга қиёслайди. Лекин боларилар «*ўз иши-ла банд... Сал хавф сезса, бир-бирига қалқону вобанд*». Ҳаётда ҳам меҳр, одамийлик, бирлик, ўзлик каби тушунчаларни асраб қолиш жуда муҳим. Уларни йўқотган халқнинг ўзи йўқолишга маҳкум. Шунинг учун шоирнинг қарори қатъий:

Халқим! Агар истиқболинг тағин булутли,
Ўтолмасанг олди-сотди, нафдан нарига –
Алишаман, сотвораман сени
бир қути,
Бир жамоа, бир аҳил уй асаларига! (15-б.)

Сўз Омон Матжоннинг миллат тақдири билан боғлиқ сатирик шеърияти ҳақида борар экан, бу жиҳатдан унинг «Ажойиб ғалабалар» шеъри ҳам эътиборни тортади. Шеър собиқ Иттифоқ халқларининг етмиш йил мобайнида эришган «минглаб ташбеҳлар билан жисми жонимизга томирлаб кетган» ғалабалари, зафарлари хусусида. Лекин шоир улардан ғурурланишга

[187] Матжон О. Сайланма. Т., 1995. 15-б. (Бундан кейин шу манбадан олинган шеърий парчалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

шошилмайди. Моҳият ва натижалага эътиборни тортади. Ғалаба, албатта, ғолибники. Мағлуб эса «*басир, қул, ризқи ҳам нимчорак*». Инқилобдан сўнг халқнинг мулкига эгалик қилган дея бойларни қулоқ қилдик. Уларнинг бойликлари эса халққа қайтарилиши ўрнига ташиб кетилди. Шунинг учун бу «ғалаба»дан сўнг ҳам «*камбағалнинг тўймади қорни*». 30-40-йилларда «*Биз элни, илмни, оламни билган Халқнинг «душман»ларин «енгдик» беомон!*» Мустамлакачиларга зиёлиларимизни ўз қўлимиз билан тутиб бериб эришган бу «ғалаба»миз эса аввалгисидан ҳам ўтиб тушди. Энди босқинчилик сиёсатини амалга ошираётганларни ҳисоб беришга мажбур қиладиган кишининг ўзи қолмади. Аслида эса ҳақиқий халқ душманларига енгилдик. Жамият фақатгина роботдек ҳеч қаршиликсиз буйруқни бажарадиган бўлиб қолди.

«Ғалаба»ларимиздан яна бири Иккинчи жаҳон урушида «*газанда Гитлерни – қора балони девни чивин билан ҳайдаган мисол*» енганимиз. Ачинарлиси шуки, бу жангга Иттифоқлик, хусусан, марказий осиёлик жангчилар ҳеч қандай қуролсиз ва тайёргарликсиз киритилаверган. Инсон қадри билан ҳисоблашишни, айниқса, марказий осиёликлар ҳақида гап кетганда, хаёлга ҳам келтиришмас эди. Кам сонли душманга қарши беҳисоб қурбонларимизнинг дарё бўлиб оққан қонига бўялган «*байроғимиз – ол*!» Бироқ биз яна мустамлакалигимизча қолавердик, мағлублар тараққиётда биздан илдамлаб кетди: «*Еттинчи осмонда яшар ҳур, озод!*»

Пахта ҳосилини етиштириш учун чўллар, қўриқ ерлар ўзлаштирилди. 1944 йилда Ўзбекистон 820 минг тонна пахта топширди. «*Бу ўзбек деҳқонининг эришган катта ғалабаси эди*».[188] Бу «ғалаба»нинг ўзига хослиги шундаки, «ҳосилни эгамас, ҳашарчи бўлиб» топширдик. Унинг тақдири ва фойдаси бизга бегона.

Ана шунақа ур-сурли «ғалаба»ларни кетма-кет забт эта-

[188] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Т., 2000. 449-б.

вериб, фақат моддий бойликларнигина эмас, маънавий бойликларимизни ҳам қўлдан бера бошладик. Миллий байрамларимизу урф-одатларимиз тамомила унитилаёзди. Шунча «ғалаба»га эришган миллатнинг тили Давлат тили сифатида қаноатлантирилмади. Иттифоқ аталмиш «қонли кема» бизни минглаб йиллик тарихимиз ва маданиятимиз қирғоқларидан олисларга олиб кетди.

Во ажаб! Биз қанча зафар қозонсак,
Шунча бор қул, қарам бўлиб қолибмиз! (85-б.)

Халқимиз пешонасига ана шундай «ғалаба»ларнинг битишига ҳам ўзимиз сабачи. Чунки амирлик ва хонликларга бўлинган ҳолда бир-бири билан зиддиятда бўлган учта давлат Чор Россиясига қарши курашда бирика олмади. Буюк Темур давлати ўрнида ана шу парчаланган ҳокимиятлар ҳукмронлик қилди. Шоирнинг мана бу тўртлигида ҳолат ўзига хос сатик тарзда ифодасини топган:

Иккига бўлинди бир гуруҳ ўртоқ,
Интилиш озайди – торайди сўқмоқ.
Бир ялов остида эдилар энди
Чити мунда қолди, мунида – таёқ. (29-б.)

Бир байроқ остида ҳаракат қилувчи миллат иккига бўлиниб мол-мулкни тенг бўлишган. Ҳаттоки байроқни ҳам. Лекин иккига бўлинган байроқ энди оддий латта ва таёқдангина иборат матоҳ. Энди улар миллат эмас, оломон. Оломоннинг бошига эса хоҳлаган кўйни солиш мумкин. Даҳо шоиримиз Абдулла Ориповга кўра бу жамият «Машраб осилганда» ҳам «Чўлпон отилганда» ҳам томошага ўч холос. Чунки бу жамият аъзолари иккиюзламачилик ва ёлғончиликдан тап тортмайдиган, ўз манфаати йўлида ёлғонни – ростга, ростни – ёлғонга

тўнкариб тураверади. Шу жиҳатдан Омон Матжоннинг «Бу – ёлғон!..» шеъри эътиборга молик. Шеърда шоир «ёлғон» сўзини турли кўринишда турли шахслар тилидан сўзлатади. Шу биргина сўзни айтиш орқали кимдир *«эрка, тўқ»*, *«инграпади кимдир бағри қон»*, *«ишшайди биров»*, *«кўкракка муштлади кимдир»*. «Эрка, тўқ»лар ҳақиқат юзига оёқ кўйсалар, «бағри қон»лар ҳақиқат исташади. «Ишшайган биров»лар «ифлос виждон билан ғолиб» (А. Қодирий) бўлсалар, кимлардир «кўкракка муштлаб» «пок виждон билан мағлуб», «ҳақиқат йўлида боши кетса, «их» демай»диганлар (А. Қодирий). Хуллас,

Шундоқ, битта рост сўз айтилгунича
Ким қанча жонларнинг умиди сўнди.(317-б.)

Омон Матжоннинг «Табиатнинг «Қизил китоб»ига» шеърида ҳам экологик муаммолар билан бирга виждон, садоқат, дўстлик каби инсоний туйғулар ҳақида сўз юритилади. Шоирнинг бой поэтик тафаккури бу тушунчаларни «Қизил китоб» билан муносабатга киришгиради. «Қизил китоб»да қирилиб кетаётган ўсимлик ва жонзотлар номи киритилиб, уларни асраб қолишга ҳаракат қилинади. Демак, «Қизил китоб» қайсидир маънода *«нажот элчиси бўлса, етди унга кўп гап ёзмоқнинг пайти!»* Биринчи галда самолёту машиналардан чиқаётган заҳарли тутунлар туфайли ноёб бўлиб қолаётган тоза ҳавони, кейин тоза сувни ёзишни хоҳлайди шоир. Сўнг китобхон диққатини у инсоний муносабатларда йўқолиб бораётган тушунчаларга қаратади. «*Кимлар пур-тўкин, Кимлар энг охирги бир кўмакка зор*!» Унинг наздига кўра «қиймати буюк» ДЎСТЛИК, «собит ЭЪТИҚОД», табаррук УДУМларни ҳам топиш мушкул.

Удумлар нашки бир-икки авлод,
Бир Халқ тақдиридан шаҳодатнома! (143-б.)

Яъни ўз тақдиридан қайғураётган ҳар бир халқ глобаллашув даврида эътиқод ва удумларига содиқ қолиши зарур.

Омон Матжоннинг «Фалончининг фикри», «Гўдак феълли дўстимга» шеърларида жамият ва шахслар характеридаги иллатлар аёвсиз кулгуга тортилади. «Фалончининг фикри» шеърида тама кутувчи амалдорларнинг сансоларчилиги, мансабни суиистеъмол қилиши фош этилган. Янги ихтиро тасдиқдан ўтиши учу ҳакам олдига қўйилади. Аммо у *«лом-мим – кутганмиш бир кишини»*. Иш ҳақида бирор мард фикр билдирмабди. Ихтирочи «баланд»га кўтарилаётганда:

Фалончи сўз қистирибди:
«Ёш-да... Ғўр-да... Аланга!... (274-б.)

– дея уни ишдан ҳам, тақдирловдан ҳам қолдириб юборишади. Хуллас, унинг «ичган бир култ ароғи»ю бировнинг қизи билан саломлашгани ҳам унинг бошига битган бало бўлади. Чунки ихтирочи «ўзни мағрур тут»ган, «фалончи»ни эсламаган, «фалончи»га ёқмайдиган кийим кийган. У «Шахс»ларга ёқиш учун:

Хушомадни ва «хўп-хўп»ни
Ҳужжат – қасам қилиб ол... (275-б.)

Муаммолар осон ҳал бўлишини истаган киши шунга одатланиши керак. Иккиюзламачи ва амалпарас кимсалар учун истеъдод, қалб – сариқ чақага ҳам арзимас тушунчалар. *«Фалончилар қилмагунча мурувват»* икки дунё қоронғу уларга. Айнан шулар – ўз тинчи, қорин ғами учун яшайдиганлар – миллатнинг эрки, ғуруринг топталишига сабаб бўлмаганмиди? Шулар сабаб Абдурауф Фитрат Миррих юлдузидан:

Борми сенда бизим каби инсонлар,
Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар?[189]

дея нажот тиламаганмиди?

«Гўдак феълли дўстимга» шеърида эса шахслар характеридаги қусурларни болага хос хусусиятга қиёслаш орқали қаттиқ кулгу остига олади. Бола қилган хатолари учун тез-тез катталардан дакки эшитади, ўрни келганда жазоланади, сўнг йиғлайди, узр сўрайди. Бу ҳолат катталарда йўқ дейсизми?

Йўқса, ҳар қадамда нечун хатолар,
Нечун шунча йиғи ҳам илтижолар?! (148-б.)

Болага хос нафснинг қули бўлиш катталарда ҳам бор. *«Йўқса, не учундир бунча тўймаслик?»* Ёмони шуки, боланинг нафсини бирор егулик ёки ўйинчоқ билан алдаш мумкин, лекин катталарнинг нафси ўпқон мисоли ҳамма нарсани ўз домига тортаверади.

Ёш болада тақлидга мойиллик кучли – катталардан эшитганини такрорлаб юради. Шоир катталардаги лаганбардорлик, «соясига салом бериш» каби иллатларни шунга ўхшатади:

Йўқса, нима учун катталар зинҳор
Не десалар шуни қиламиз такрор?! (148-б.)

Шеър сўнгида кулгунинг салмоғи кулминация талабига кўра ортади. Энди шоир айрим шахсларни эмас, миллатни гўдакка қиёслаш билан шеър талабига хос образлиликни яратади. Яъни бирор нимани талаб қилаверган ёки йиғлаётган болани катталар алдашади, овутишади. Агарда ҳеч имкони бўлмаса, онаси уни ухлатади. Шўро мафкураси таъқиби ва таъсирида ўтган етмиш йилги тасаввуримизни ҳам, тафаккуримизни ҳам гўдакники сингари тутишга уринилди. Миллатнинг Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Файзулла Хўжаев, Усмон Носир каби уйғоқ вакиллари қатағон қилинди. Минг йилликлар оша шаклланган цивилизациямиз таъқибга учради, тарихимиз тўғри баҳоланмади. Бу қилмишларнинг ҳаммасида миллатимиз ўзлигини эсламаслик, мустамлака бўлиб қолиш, ЭРК, ОЗОДЛИК каби тушунчаларни ёдга олмаслик кабилар мақсад қилиб олинга эди:

Йўқса, не учундир шунча овутмоқ,
Шунча алдаб, шунча уйқуда тутмоқ?! (148-б.)

Шернинг 1975 йилда ёзилганлиги тутқич билмас тўлқинларнинг шоир қалбидан ўша мафкура ҳукмронлик қилган даврлардаёқ отилиб чиққалигидан далолат! Чунки ҳақиқий ШОИР қалбида замон ва макон пойлаб турмас дардли туйғулар жўш уради.

Шоир ижодида Ватанни асраш, Юртга содиқлик шу даражада кучлики, унинг поэтик тафаккури «Плайнзликларнинг антиқа ирими»да ҳам бу борада ўзига хос образлилик ярата олган. Шоир 1979 йили АҚШнинг Плайнз шаҳри дўконларидан бирига кирганида деворда игналар қадаб ташланган харитага кўзи тушади. Сотувчи қиз шоирга одатни тушунтиради:

– Сайёҳ қайси юртга қаймоқчи бўлса,
Ўша жойга мана, игна қадасин! (230-б.)

Мана шу оддий деталь тўққиз банддан иборат каттагина шеърга таяч – тугун вазифасини ўтаган. Хўш, қаҳрамонимиз игна қадайдими, йўқми? Қадаса, нима бўлади? Қадамасачи? Шоир игна қадашни ватанига хиёнат деб билади ва таклифни рад этади:

[189] Фитрат А. Танланган асарлар. Т., 2000. 36-б.

Юртимиз қалбини бир бор кўрсайдинг,
Найзалар ўрнини минглаб битмаган.
Доро, Искандарлар тиғ урган унга,
Энди мен санчишим гўё етмаган. (230-б.)

Араблару Чингиз басқиларида тўкилган қонларда «Океанлар косадан чиқарди». «Ҳатто тож-тахт деб ўз элин» не-не хонлар қон тўкмади бу юртда. Шундай бағри хун ва яра юртига шоир қандай қилиб игна санчсин! Узоққа бормай Иккинчи жаҳон урушини эсга олинг – *«Гитлер ўзбек тупроғига отмаса-да ўқ»* жангга кетган ватандошларимиздан келган *«қўрғошиндан оғир қорахатлардан»* ҳар бир оиланинг бағри кемтик. Ўқувчи энди бир тўхтамга келади: қаҳрамонимиз игнани қадамайди! Йўқ, у игнани қадайди ва бунга тайинли асос топа олади:

Юртга игна санчмоқ нечоғлик оғир,
Лекин қайтиб бориш истаги зўрроқ! (231-б.)

Араблару Чингиз босқинига қарши ўн минглаб аскарлар жанг килгандир, тож-тахт талашларида юз минлаб аскарлар қурбон бўлгандир, Иккинчи Жаҳон урушида миллионлаб ватандошларимиз ҳалок бўлгандир, лекин қайноқ қони уларникидан-да устунроқ жасорат кўрсатишга шай! Шунинг учун ватанига қайтиши, уни миллионлаб аскарларга ишонмасдан ўзи ҳимоя қилишни истайди.

Китобхон Омон Матжон шеърияти билан танишар экан, унда сатирик ифода салмоқли мавқега эга эканлигига гувоҳ бўлади. Бу шеъриятдаги сатира гоҳ у, гоҳ бу кўринишда шахсни ҳалоллик, виждонлилик, меҳр-муҳаббатли бўлишга; миллатни жасурлик, гурурлилик, уйғоқликка; инсониятни бирдамлик, эзгуликни улуғлашга чорлайди.

2.

Омон Матжон ижодида сатира шеърий масал ва шеърий ривоят жанрларида ҳам намоён бўлади. Унинг «Қирқ афсона» туркумига кирувчи «Одамнинг ёши», «Нуржон ботир», «Муаллақ тўрғай», «Аждар қудуқ» каби афсоналари ўқувчи кўз олдида турли хил мажозий кулгуларни яратади. «Одамнинг ёши» шеърий масалида инсон умрни беҳуда ўтказмасликка даъват этилади. Масалга кўра Табиат бобо барча жонзотнинг камолот ёшини қирқ ёш этиб белгилайди. Қирқ йил ўтгандан сўнг у барча жонзотларни сўроқ қилиб, умрини қандай ўтказганига қизиқсинибди. Маълум бўлибдики, кимдир ўтган умридан рози, кимдир норози. Навбат эшакка келибди. Эшак берилган умр жуда кўп эканлигини айтади. Чунки одам уни куч-қуввати борлигида роса ишлатади. Афсуски, эшак қариганида хору зор бўлади. Шу сабаб эшак йигирма ёш сўрайди. Ит сўроқ қилинганида, у ҳам ёшлигида одамга роса хизмат қилганлигини айтади. Аммо қариганида у ҳам дарбадар. Хуллас, у ҳам йигирма ёшни талаб қилади. Кейин инсон сўроқ қилинади. Инсон учун *«Қирқ ёш – энг зўр ёш экан, Онг – тиниқ, куч – чош экан, лекин андак ташвиш кўп, Умр – чоп-чоп, шош экан»*. Бу вақтда у ҳаммасига улгурмайди. Шунинг учун Табиат бобо эшак ва итдан ортган умрни ҳам инсонга беради. У инсонга асл ёши қирқ ёш эканлигини, *«шуни аъло яшолса, сўнг ҳам эгилмас боши»*, – дея таъкидлайди. Агар ўз ёшидан унумли фойдалана олмаса, унга эшак ва ит қисмати «сўзсиз бўлур дуч!» Ёшликда вақтни бекор ўтказмай, илму ҳунар ўрганишга интилган кишининг кексалиги ҳам файзу баракотли бўлади. Чунки унинг фарзандлари ва шогирдлари қанотига киради. Шоир мажозий образлар кўмагида инсон умри моҳияти ҳақида ўзига хос хулоса қилади.

Омон Матжоннинг «Нуржон ботир» асари халқнинг эртак ва ривоятлари таъсирида яратилган. Оддий инсонларнинг қаҳрамонлик кўрсатиб, лақма ҳамда гўл боёнлар устидан кулиши, уларнинг очкўзлиги ва тубанлигини фош этиши халқнинг азалий тилаги эканлиги ўзи яратган ижод намуналарида акс этган. Ижодкорнинг назарда тутилаётган асарида ҳам Нуржон ботир – оддий паҳлавон. Ботқоқдан навкарлар чиқара олмаган хонни чиқариб олади. Эвазига хон ундан истак сўрайди. Нуржон ботир хонга кўрган пайтида ҳол-аҳвол сўраб қўйишининг ўзи етарли эканлигини айтади. Хоннинг у билан сўрашганини кўрган тилёғламачи амалдорлар эса ботирга совға-саломлар бериб, хонга яқин бўлишмоқчи. Ботир барча совға-саломларни оч-наҳор халққа тарқатади. Мансабпарстлар арз қилгач, хон салом ўрнига бошқа тилак сўрашини айтади. Ботир бу гал лақма хоннинг хаёлига ҳам келмаган шамолни хатлаб олади ва кузда буғдой совуртираётган бойлардан хирмоннинг учдан бирини шамол ҳақига олиб бечораларга беради. Бойлар ботирнинг халқ орасида обрўси ошиб кетаётганлигини рўкач қилиб хондан фармоннинг бекор қилинишини сўрашади. Нуржон бу гал хондан қаҳқаҳани сўраб олади. Айшу ишратга берилган амалдор ва бойларнинг таъзирини беради:

«Бас қилинсин кулги!» – дейди Нуржон чиқиб ўртага
Ва бош узра кўтаради хоннинг зархат ёрлиғин!
Ўртадаги уюм пулни жарима деб олади,
«Энди менсиз кўрсатмайсиз тишингизнинг бир оқин...»[190]

Аламзада бою тўралар илтимоси билан хон Нуржонга яна тилагини ўзгартиришини айтади. Тилакларнинг бир неча бор алмашишида хоннинг қатъиятсизлиги, амалдорларга ён босиши ва калтафаҳмлиги очиб берилган. Нуржон ботир энди хон-

[190] Матжон О. Сайланма. Т., 1995. 191-б. (Бундан кейин шу манбадан олинган шеърий парчалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

дан адолатни ушри кафсан қилдириб олади. Хон *«нима десин? Йўқ деса, бу – адолат йўқ дегани»*. Уйга қайтаётган Нуржон бу гал хурсанд эмас. Чунки адолат бўлмаган салтанатда уни ушри кафсан қилишдан не наф?!

«Муаллақ тўрғай» шеърий масалида ҳам гарчи ҳукмдор ва халқ ўртасидаги муносабат акс этса-да, масалага шоир бироз бошқачароқ ёндашади. Воқеа оқил ҳукмдоргамас, аҳмоқ йўлбошчига эргашиб хор бўлган тўрғайлар билан рўй беради. Тўрғайлар ўрмонда бахтиёр ва осуда яшаб юрганларида навқирон бир «даҳо» тўрғай осмонда бундан-да бахтиёр яшашни орзу қилиб, бошқа тўрғайларни ўзига эргаштиради:

Ақлимиз бор, кучимиз бор,
Кам йўқ тилда, забонда.
Шундай экан, бизнинг ўрин –
Ерда эмас, осмонда! (194-б.)

Бузруквор тўрғай бунинг хомхаёл эканлигини қанча тушунтирмасин, ёш даҳо уни хурофотда айблаб, авом халқни ишонтираверади:

Кўр эмасмиз, ҳув булутлар
Қандоқ сузиб юрибди?
Ана, кўкда қуёш, юлдуз,
Ой муаллақ турибди! (194-б.)

Хуллас, ёш даҳо алданган халқ билан осмонда шаҳар қуришга киришади. Ҳафта-ю ойлар ўтса ҳам у режалаштирган шаҳар осмонда пайдо бўлмайди. Халқ алданганини сезиб ерга қайтади, аммо даҳо тўрғай «ўз аҳдидан қайтмайди». Унинг алдови билан халқ қанчадан-қанча ишдан қолиб кетади. «Даҳо» тўрғай қиёфасида тасдиғини топмаган ва асоссиз фикрларга ёпишиб олган шахслар кулгу остига олинган. «Бу саргузашт етмиш йил давомида канчадан-канча калтабин «даҳо»лар-

нинг беҳуда ташаббуси билан амалга оширилган самарасиз тадбирларга нозик ишора, пичинг-киноя эмасми?! 70-йиллар шароитида «қизил империя» «даҳо»ларига нисбатан бундай пичинг-киноялар қилиш катта жасорат эди».[191] Ҳақиқий сатирик асар ижодкордан ана шундай жасоратни талаб қилади. Қолаверса, бойлик, мансаб, ҳатто юртга эгалик қилиш мақсадида дин ва ғояларни ўзига ниқоб қилиб олган қаллоблар, айниқса, бугунги давр учун глобал муаммолардандир.

Ҳикоя охирида шоир бадиий тўқимани мантиқий асослантиради. Яъни вокеани тўрғайларнинг жуда баландда овоз чиқариб учиб айланишига боғлайди.

Шоирнинг «Аждар қудуқ» масали эртаклардаги сажъ санъати йўналишида ёзилганлиги, халқона услубда яратилганлиги билан ўқимишли. Етти бўғинли вазн асарнинг содда ва равон ўқилишини таъминлай олган. Ижодкор халқ тилидаги қарғиш, ғийбат унсурларидан фойдаланиб, турли хил сатирик ҳолатларни яратган.

Хуллас, шу атроф жойда,
Тин билмай йилда-ойда,
Ғийбат этиб бор элни,
Сира тиёлмай тилни,
Бир кампир яшар экан,
Ҳаддидан ошар экан. (203-б.)

Бу кампир танноз хотинни «хиёнат қилар эрга», қассобни «аввал гўшт саналмаган» «қовурға, ичак-чавақ, калла-пойча, бош-оёқ»ни сотган, бахшини эса «янги қўшиқ тўқимас, ўтганлардан ўқимас, кўзи пулда, ҳамёнда, амалдорда, аъёнда, шуларни мадҳ этади, тўтидан ҳам ўтади», – деб ғийбат қилар экан, жамиятнинг шу қатлам ва соҳа вакилларидаги иллатларни танқид остига олади. Кампирни мадрасанинг домласи тартибга чорламоқчи бўлади. Бу ўринда шоир кампир тилидан

[191] Норматов У. «Ёниб, ўзгаларни уйғотмоқ не бахт» / Матжон О. Сайланма. Т., 1995. 374-б.

мадраса домлалаларининг кирдикорларини фош қилади:

Билиминг йўқ – калдайсан,
Болаларни алдайсан!
Билмайсан – худо қайда,
Биласан фойда қайда,
Пулсиз қолсанг, туллайсан,
Қуръонни ҳам пуллайсан! (204-б.)

Кампирга бас келолмаган домла болаларга уни калака қилдирмоқчи бўлади. Кампир болаларни ҳам дангасалик ва текинхўрликда айблайди. Домла уни ҳокимга топширади. У ҳокимнинг кирдикорларини фош қилади:

Сен бу юртга бўлгач бош,
Фақат яқин қариндош –
Хешларингни тўпладинг... (206-б.)

Жаҳли чиққан ҳоким уни «Аждар қудуқ» номли чоҳга ташлатади. Кампирнинг тинимсиз вайсаши-ю айбловларидан у ердан афсонавий аждар хам чиқиб қочиб кетади. Айримлар аждар кампирни олиб кетганлигини, айримлар аждар кампирдан қочиб кетганлигини айтишади. Муаллиф бу билан кампирнинг айрим гаплари ёлғон бўлса, айрим гаплари ҳақиқат эканлигини айтмоқчи бўлади, назаримизда.

Хуллас, Омон Матжон шеъриятида сатира салмоқли ва ўзига хос ўринга эга. Уларда халқ оғзаки ижодининг таъсири салмоқли. Шунингдек, бу шеърлар мавзу ва жанр жиҳатдан ранг-барангдир. Шоир сатирадан Ватан озодлиги, эрки, халқ бирлиги, бағрикенглиги, инсоният тотувлиги сингари тушунчаларни улуғлашда фойдаланади. Қаллоб, тубан, калтафаҳм шахсларни, ярамас иллатларни, жамият тарқоқлиги ва бошбошдоқлиги каби жиддий нуқсонларни аёвсиз танқид ости-

га олади. Зеро, глобаллашув замонида қайд этилган ижобий тушунчаларни миллат онгига сингдириш салбийларидан воз кечиш янада долзарблик касб этади. Омон Матжон сатираси замон ва макон чекловларини ёриб чиқа олганлиги билан ҳам муҳим. Аслида, сатира инсоният, жамият яраларига малҳам бўла олсагина аҳамиятлидир.

ХУЛОСА

Инсоният пайдо бўлиб, муайян онг даражасига етибдики, турли минтақаларда яшайдиган халқлар орасида иқтисодий, савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ҳамиша мавжуд бўлган. Бу жараён XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европа мамлакатларида илм-фан ва саноатда кечган кескин инқилобий ўзгаришлар, техника соҳасида янги-янги кашфиётлар ўзаро алоқа жараёнларини тезлаштирди. Бежиз эмаски, буюк немис шоири ва мутафаккири И.В. Гёте 1827 йилда илк бора "Жаҳон адабиёти" атамасини истеъмолга киритди. Ўша даврда бу тушунча ўзини тўла оқламаган бўлиши мумкин, чунки ҳали у даврда умумжаҳон ялпи адабий мулоқотга киришмаган халқлар, элатлар ҳали кўп эди. Лекин мазкур атама учун буюк даҳога эҳтиромимиз тайин. Зеро, жаҳон адабиёти каби янги бирлик фақат эзгу мақсадларга хизмат қилиши аниқ эди.

Глобаллашув даврига келиб эса жаҳон адабиёти янада зич ва аниқ кўлам касб этди. Бутун инсоният каби, бадиий адабиёт ҳам кутилмаган янги синовларга дуч келди, турли-туман эврилишларга учради. Таниқли рус адабиётшуноси Юрий Борев глобаллашувнинг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки шакли кузатилмоқда дея, шундай ёзади:

Биринчи шакли – бу америкача глобаллашув. Барқарор молиявий-иқтисодий қудратига таянган АҚШ ўзининг "оммавий маданият"ини жаҳон маданий маконига сингдиришга ҳаракат қилаяпти. Бу ҳол Америка адабиётининг дурдона асарлари (У. Фолкнер, Э. Ҳемингвэй, Ж. Стейнбек ва бошқалар) ёки фильмлари (масалан, "Вестсайд тарихи", "Титаник" каби) билан жаҳонга танитса, айни пайтда зўравонлик саҳналари орқали китобхон ва томошабин қалбини оғритувчи, улар дунёқарашини заҳарловчи, дидларини заифлаштирувчи юзлаб бетайин асарларни ҳам тарғиб этмоқда. Иккинчи шакли – бу

умумбашарий, якдил, турли халқларнинг маънавий ва маърифий қиёфаларини бирлаштирувчи, миллий маданиятлар ва қадриятлар билан жаҳон адабиётини бойитишда намоён бўлган глобаллашувдир. Бу шаклдаги адабиёт миллий маданият мустақиллигини, ўзига хослигини ва бетакрорлигини сақлаган ҳолда, ўз ичига бошқа миллат ва халқлар адабиёти ютуқларини сингдириб олганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.[192]

Ушбу мулоҳазада глобаллашув жараёнининг салбий ва ижобий жиҳатлари ўзининг мужассам ифодасини топган. Монографияда кўтарилган масалалар, олға сурилган бадиий талқинлар янги давр ўзбек адабиётининг маънавий қудратини намойиш этади ҳамда глобаллашув таҳдидларини бартараф этишга, керак бўлса, ушбу жаҳоний жараённи эзгулик томонга буриб юборишга умид ва ишонч уйғотади.

-1845-
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

[192] Холбеков М. Глобаллашув даври жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар / "Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи" мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. 2-китоб. Т.: Muharir, 2018. 283-б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

I БОБ. **ГЛОБАЛЛАШУВ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ**

Глобаллашув тушунчаси ва унинг етакчи белгилари.....6

Адабиётда глобаллашув ҳодисасининг намоён бўлиши.....13

Замондош образи талқини 25

Аёл қисматининг бадиий тасвири 67

II БОБ. **ГЛОБАЛЛАШУВ – ИЖТИМОИЙ-БАДИИЙ МУАММО**

Илк бадиий талқинлар.....83

Миллий қадриятлар синови 109

Драматургияда глобал маънавий-экологик муаммолар....125

Чингиз Айтматов. Бадиий башоратлар 157

III БОБ. **ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ГЛОБАЛ ИЛМИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАР**

Глобал илмий-бадиий талқин.....170

Глобаллашув ва типология.....182

Глобал талқин: адабиёт фалсафаси.....208

IV БОБ. **ГЛОБАЛЛАШУВ ВА АДАБИЙ ЖАНРЛАР ПОЭТИКАСИ**

Ҳикоячиликдаги анъана ва янгиланишлар.....259

Бугунги ўзбек драмаларида замондош образи 299

Глобаллашув ва поэтик идрок микёси 318

Глобаллашув ва сатирик ифода 334

ХУЛОСА.....349

Г 57 **Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «ФАН» нашриёти, 2018 — 352 б.

ISBN 978-9943-19-486-1

УЎК 821:005.44:801.73
КБК 83.3(5Ў)

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси

Тошкент—2018

Муҳаррир
Низомиддин Исломов

Бадиий муҳаррир
Умид Сапаев

Саҳифаловчи
Ҳасан Мақсудов

Нашриёт лицензияси AI № 266, 15.07.2015 й.
24.12.2018-йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60 × 84 $^{1}/_{16}$. «Times New Roman» гарнитураси.
Кегли 12. Шартли босма табоғи 22,0. Адади 100 нусха.
Буюртма рақами № 30. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонасида нашрга тайёрланди.
100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси босмахонасида чоп этилди.
100047, Тошкент ш., Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

ISBN 978-9943-19-486-1